

О.М. МАДАЛИЕВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ДАРСЛИК

(МАХСУС ҚИСМ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

3-дт

О.М. МАДАЛИЕВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ФАНИДАН

ДАРСЛИК

МАХСУС ҚИСМ

ТОШКЕНТ - 2009



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланган.

О.М. Мадалиев

Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм
–Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –884 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Масъул муҳаррир: Тошкент давлат юридик институтининг “Жинойят процесси” кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор **З.Ф.Иноғомжонова**

Тақризчи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., **Ф.Х.Раҳимов**

Ушбу дарслик кундузги ва сиртки бўлим талабаларига «Прокурор назорати» фанидан тайёргарлик кўриши ва курс ишларини бажаришларига кўмаклашиш учун тайёрланган.

Дарслик бакалаврият йўналишининг 5380100-, магистратура йўналишининг 5380111 - юриспруденция ихтисослиги бўйича билим олувчиларга, аспирантлар, юриспруденция соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун мўлжалланган.

© О.М. Мадалиев

© Тошкент давлат юридик институти, 2009 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 8

МАХСУС ҚИСМ

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТАРМОҚЛАРИ

1-БОБ: Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.....18

1-§. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари 18

2-§. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари. Қонунлар ижросини текшириш 22

3-§. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш 37

4-§. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашishiга йўл қўйилмаслиги 54

2-БОБ: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.65

1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари 65

2-§. Прокурорнинг ваколатлари 66

3-§. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари. 77

4-§. Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари 84

3-БОБ: Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ижро этилиши устидан прокурор назорати.....95

1-§. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари 95

2-§. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари 122

3-§. Прокурор ваколатлари, шакллари ва усуллари	126
4-§. Тезкор кидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қонунлар ижросини таъмишлаши устидан прокурор назорати	136
5-§. Суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор кидирув фаолиятида қонун бузилиши ҳолларини аниқлаш ҳамда прокурор таъсир чораларини қўллашдаги ҳуқуқий ҳужжатлар	146

4-БОБ: Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор ваколатлари

1-§. Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари.....	163
2-§. Процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари.....	172
3-§. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор қарори.....	180
4-§. Жиноят ишини судга юбориш.....	183

5-БОБ: Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жинойий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат

1-§. Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари, предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари.....	203
2-§. Жинойий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурор ваколатлари.....	226
3-§. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари.....	237
4-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари	238
5-§. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки қамок жойларида (СИЗОда) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш	244
6-§. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлашнинг қонунийлиги устидан назорат	246

7-§. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойларида жазони ижро этиш колониясини ўзгартириш (бошқа режимга ўтказиш) нинг қонунийлиги устидан прокурор назорати	252
8-§. Муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қонунийлигини таъминлаш устидан прокурор назорати.....	253
9-§. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш	255
10-§. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати бўйича прокурорлик назорати	258

6-БОБ: Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.....282

1-§. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти.....	282
2-§. Ушбу йўналиш бўйича прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари	286
3-§. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари	287
4-§. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши	300

7-БОБ: Қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш308

1-§. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки	308
2-§. Қонунларни тарғибот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир	310
3-§. Ҳуқуқий тарғибот шакллари	314
4-§. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш	316
5-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ҳамда таклифлар бўйича ишлашнинг мазмуни ва аҳамияти	316

6-§. Прокуратура органларида шикоятларни кўриш ва ҳал қилиш	319
7-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва (таклиф) муружаатлар бўйича ишларни ташкил қилиш	327
8-§. Фуқароларни қабул қилиш. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил этиш	328

ИККИНЧИ БЎЛИМ

СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ

8-БОБ: Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.....339

1-§. Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгилловчи умумий қоидалар	339
2-§. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки	345
3-§. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатлари	346
4-§. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари	349
5-§. Ишларни судда кўриш босқичида прокурор ваколати	356
6-§. Биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки	363
7-§. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор иштироки	402
8-§. Назорат тартибида иш юритишда прокурор иштироки	410

9-БОБ: Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.....464

1-§. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш	464
2-§. Фуқаролик процессида прокурор ваколати	465
3-§. Прокурорнинг фуқаролик ишларини юритишнинг апелляция босқичида иштирок этиши асослари	476
4-§. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати	480

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ.

10-БОБ: Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтирилиш асослари ва тартиби.....534

1-§. Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтирилиш асослари ва тартиби	534
---	-----

2-§. Протест	536
3-§. Қарор	538
4-§. Тақдимнома	541
5-§. Ариза	543
6-§. Огоҳлантирув	545

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ

11-БОБ: Прокуратура органлари ходимлари.....557

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсади ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари	557
2-§. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар.....	563
3-§. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари.....	568
4-§. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат.....	570
5-§. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги.....	570
6-§. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий химоялаш чоралари	572

12-БОБ: МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.....578

1-§. МДХ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон в. б.) прокуратура органларининг фаолияти.....	578
2-§. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари.....	587
3-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари.....	621
4-§. Халқаро ҳамкорлик.....	622

Илова:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари рўйхати.....	672
Прокурор назорати фанидан тест саволлари.....	807
Прокурор назорати фанидан ўқув дастури режаси.....	832
Фойдаланилган адабиётлар.....	878

К И Р И Ш

Прокурор назорати дарслиги фан бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин, ўзбек тилида тайёрланган дастлабки дарсликлардан бўлиб, икки қисмдан: умумий ва махсус қисмлардан иборат. Дарсликнинг ҳар икки қисми ҳам давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материални қамраб олган, билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материални мустақил излаш ва топишга ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Прокурор назорати дарслигининг умумий қисмида хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари берилиши таълим олувчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундаса, дарсликнинг махсус қисмида хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг турли жиҳатлари, жумладан, жиноий таъқиб, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, судларда иштирок этиш, жиноят ишлари бўйича айбловни қувватлаш каби фаолиятларини қиёслаш ҳамда илмий - амалий ўрганиш учун ҳавола қилинган.

Дарсликда саволларнинг такрорлаш ва казус ҳамда масалаларни ечиш мақсадида берилиши, шунингдек, ўтилаётган дарслар схемалар тарзида ифодаланиши талабаларга фақат назарий маълумот бериш билан чекланилмаслиги учун имконият яратган.

Дарсликнинг махсус қисмида амалий кўникмаларини шакллантирувчи муаммоли саволлар, лойиҳалар, машқлар ва ижодий топшириқлар берилган.

Дарсликда саволларнинг тест тарзида ҳам берилганлиги таълим олувчи ўз билимини ўзи баҳолаши ва мустақил таълим олиши учун имконият яратган.

Дарсликда ўқув материали аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилган.

Дарсликнинг махсус қисмида прокурор назорати фани бўйича прокурор назорати ҳужжатларининг мазмуни ва

тушунчаси берилиб, бу хужжатларнинг намуналари илова тарзида келтирилганлиги, келтирилган намуналарни юксак даражадаги салоҳият нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш мумкинлиги дарсликлар олдига қўйилган далиллардан намуналарга, намунадан – фаразга, фараздан – изланишга, изланишдан – амалий қўллашга, абстракт – илмий билимдан – аниқ касбий билимга, билимдан – амалий кўникмага ўтишни таъминлаши лозимлиги ҳақидаги талабларга тўла мос келади.

Дарсликда барча ўқув материаллари тушунарли ва раван тилда, мантиқий ва тизимли тарзда баён этилган бўлиб, муҳим маълумотлар ажратиб кўрсатилган.

Дарсликнинг махсус қисмида миллий хусусиятлар ҳисобга олинishi зарурлиги ҳақидаги талабга биноан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, амалда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ҳақида киёсий фикр-мулоҳазалар берилган.

Прокурор назорати фани бўйича берилган қазуслар, масалалар, саволлар, тест саволлари, топшириқлар ва вазифалар кенг қўламли таълим олувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини беради.

Кундузги ва сиртқи бўлим талабалари учун “Прокурор назорати” фанини чуқурроқ ўзлаштириш ушбу фаннинг бошқа бир қанча юридик фанлар билан узвий боғлиқлиги туфайли зарур ҳисобланади. Ушбу дарслик бошқа ҳуқуқий фанларни ҳам яхши ўзлаштириш ва фойдаланишга йўлланма тариқасида ёрдам беради.

Прокурор назорати фанини ўқитишдан мақсад талабаларга “Прокурор назорати” фани тушунчаси, моҳияти, мазмуни ва вазифасини аниқлаштириш, прокуратура органларининг амалий фаолияти, прокурор ишининг тактика ва усуллари билан таништириш ва бошқа юридик қонунларни чуқур ўзлаштириш, мантиқий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни қўллаш малакасини эгаллаш, талабаларни амалиётда ҳаётий ҳодисаларга нисбатан қонунни тўғри қўллашга ўргатиш, қонун бузилиши ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш услубларини ўргатиш, прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши

бўйича прокурор назорати ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни қўллашнинг асосларини сингдиришдан иборат.

Махсус қисм куйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

-қонунлар ижроси устидан назорат (Умумий назорат);

-фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларга рияз этилиши устидан назорат;

-жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

-ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жинойий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

-жиноят, фуқаролик, хўжалик судларида ишларни кўришда прокурор иштироки;

-жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

-жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

-чет давлатлар прокуратура органларининг фаолияти ва ташкил этилиши;

-Ўзбекистон прокуратура органларининг чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан халқаро ҳамкорлигини ўрганиш.

«Прокурор назорати» фани бўйича дарсликнинг ҳар икки қисми, яъни умумий ва махсус қисмларининг мақсади ва вазифалари:

1. Прокурор назорати курсининг мазмуни предмети ва тузилишини;

2. Прокурор назорати фанининг мақсади ва вазифаларини;

3. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ташкил этилиши ва унинг ривожланиш босқичларини;

4. Прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини;

5. Прокурор назоратининг моҳияти ва вазифаларини;

6. Прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;

7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан прокурорлик вазифаларини;

8. Таъсир чорасини кўриш, аниқланган конун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузишни;

9. Прокурорнинг процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказишни;

10. Ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, конунларни англаш ва уларнинг амалиётда қўлланишларини билиши ҳамда қўллай олишини;

11. Прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал этишни;

12. Прокурор вазифаларини мустақил бажара олишни;

13. Фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш услубларини ўргатишдан иборатдир.

Прокурор назорати фанининг махсус қисмида қуйидагилар ўрганилади:

- конунлар ижроси устидан назорат бўйича назорат предмети прокурорлар томонидан қандай ваколатлар воситасида амалга оширилиши ;

- фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар айнан қайси конунларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириши лозимлиги;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири айнан шу йўналиш бўлиб қолиши кераклиги, ушбу вазифани бажариш учун қандай талабларга эътибор берилиши лозимлиги;

- жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан конунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан прокуратуранинг ўзаро муносабати;

- жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятига прокурорнинг процессуал раҳбарлиги ва ҳар бир қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг конунийлигини таъминлашда прокурорнинг тутган ўрни нималардан иборат бўлиши кераклиги;

- жиноят ишени кўзгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурилов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруқлари ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг талаблари ҳамда айна масалада назария билан амалиёт ўртасида пайдо бўлаётган муаммолар ҳақида батафсил тўхталиб, бундай ҳолатларда прокурорлар қандай қарорни қабул қилишлари лозимлиги;

- айблов ҳулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари;

- ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари;

- айна масалада Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғи талаблари қандай эканлиги, жумладан; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 12 апрель 4-сон буйруғи талабларини;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Н И З О М талабларини;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Суд қарорларини ижро этишда ва қамокқа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2004 йил 12 апрель 5-сон Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи талабларини;

- Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу масалани ҳал қилишда прокурорлар томонидан эътиборга

олиниши лозим бўлган ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган буйруғи талаблари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрель 7-сон буйруғи талаблари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 12 апрель 10-сон буйруғи ва Низом талаблари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарори ва прокурорларнинг тутган ўрни ва улар олдига қўйиладиган талаблар нималардан иборат эканлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2004 йил 23 апрель 11-сонли буйруғи ва Низом талаблари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 12 – сон буйруқ ва Низом талаблари;

- “Судларда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштирокини таъминлашнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 11 май 21-сонли буйруғи талабларини;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 13 – сон буйруқ ва Низом талаблари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 14 – сон буйруқ ва Низом талаблари;

- “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш

тўғрисида”ги 2004 йил 11 май кунги № 23-сонли буйруғи талабларини;

- Қонунларни такомиллаштириш ва ташвиқот қилишда прокурор иштироки;

- Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашга оид буйруқ талаблари;

- Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда прокурорларнинг тутган ўрни, улар фаолиятининг ушбу масалани ҳал қилишдаги муаммолари ва услуб, шакл ва тамойиллари;

- Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби, прокуратура фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича прокурорлар томонидан қабул қилинадиган прокурор назорати ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари;

- Прокуратура органлари ходимлари, уларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш асослари ва тартиби;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг барча соҳавий буйруқлари, кўрсатмалари, йўриқномалари, низомларининг қисқача мазмуни ва моҳиятини ҳамда қўйилаётган талабларни;

- МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти тушунчаси ва прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги прокуратура фаолиятига қиёсий таққослаш орқали прокуратура фаолиятини такомиллаштириш услуб ва шакллари билан талабаларни чуқур таништириш ҳисобланади.

“Прокурор назорати” фанини ўқитишдан мақсад талабаларни прокуратура органларининг амалий фаолияти, прокурор фаолиятини амалга ошириш усуллари билан таништириш ва бошқа юридик қонунларни чуқур ўзлаштиришга эришишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанининг асосий вазифаси – мантиқий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустақамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни қўллаш малакаларини эгаллаш, талабаларни амалиётда аниқ ҳодисаларга нисбатан қонунни тўғри қўллашига

эриштириш, конун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш ва баргараф этишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанини ўрганиш талабалар амалдаги қонунчиликни, прокурор назорати назарияларини, муайян қонунлар ижросини текшириш методини ва амалиётини кенг, чуқур ўзлаштириш билан бирга олиб борилиши керак.

Бакалавр талабалар “Прокурор назорати” фани бўйича:

- прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилиши;
- прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида;
- Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши;
- прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, уларнинг мазмун ва моҳиятини;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари мазмун ва моҳиятини ўзлаштирган бўлиши;
- Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари ҳақида;
- Прокурорлар томонидан қўлланадиган прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг ким томонидан қайси асосларга кўра қўлланиши ва тартиби ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба яна:

- прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан прокурорлик вазифаларини;
- аниқланган қонун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришни;
- прокурорнинг процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказишни;
- ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб боришни, амалдаги қонунларни, уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириб боришни ва уларни амалиётда тўғри қўллашни билиши ва қўллай олиши керак.

Шунингдек, бакалавр талаба:

- прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳукукий, илмий-назарий муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилиш бўйича мустақил фикр билдириш салоҳиятига эга бўлиши;
- прокурорнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан берилган топшириқларни мустақил бажара олиши;
- прокуратура фаолиятининг йўналишлари бўйича ҳар бир йўналишнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаси тузиши;
- фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш юзасидан етарли кўникмаларга эга бўлиши керак.

Дарсликнинг махсус қисмида 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида алоҳида боб тариқасида янгидан жорий қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати»нинг моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган.

Махсус қисмда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқлари, кўрсатмалари ва низомлари мазмуни ёритиб берилган.

Мавзуларни ёритишда, талабаларга прокурор назорати фаолияти, прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларининг ўзига ҳос ҳусусиятлари ҳақида бир хил ва тўғри тушунча ҳосил қилиш, талабаларга янада чуқурроқ билим бериш учун мавзуларга оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, кўрсатмалари ва низомларидан фойданилган.

Дарликда прокурор назорати ҳужжатларига шарҳ бериш, уларнинг мазмунини ёритиш билан бирга, ушбу ҳужжатларни қўллаш асослари, тартиби ва ҳужжатни процессуал расмийлаштиришга оид талаблар кўрсатиб берилган. Шунингдек, дарликда прокуратура органлари тизими ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича охириги йилларда бўлган ўзгаришлар ёритиб берилган.

Дарсликдан прокуратура органлари фаолиятини илмий асослантирилган ҳолда ташкил этиш, прокурор назоратини самарали ва тўғри шакллантириш ва бошқаришда фойдаланса бўлади.

Прокурор назорати фаолиятининг турли йўналишлари бўйича прокуратура фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалар, тавсиялар прокуратура органлари тизимида амалга оширилган ижобий амалиёт натижаларига асосланган.

Прокурор, терговчи, ҳар қандай ҳуқуқшунос ўқув муассасаси даргоҳидан бошлаб нотиклик санъати асосларини эгаллаган бўлиши, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, жиноят, фуқаролик, хўжалик низоларига оид ишлар судларда кўрилишида (нутқ) маъруза қилганида юридик тилда равон ва тушунарли тарзда ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта билиши лозим. Шунинг учун дарсликда мазкур масала юзасидан батафсилроқ тўхталиб, прокурорнинг жиноят ишлари юзасидан судда қиладиган айблов нутқи элементларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.

“Прокурор назорати” фанини ўрганувчи суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида қонунчиликни такомиллаштириш фаол давом этаётган ҳозирги даврда қабул қилинаётган янги қонунлар ва норматив ҳужжатларни чуқурроқ ўзлаштириши лозим. Шу мунособат билан, янги қабул қилинган қонунлардаги прокурор назорати фаолиятига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, улардаги ўзгартиришлар ҳисобга олиб борилиши керак.

Дарсликда мавзулар бўйича фойдаланилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхати раҳбарий, қонунлар ва норматив материаллар ҳамда махсус адабиётлар тизимида берилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Прокурор назорати» фани бўйича дастурга тўлиқ мувофиқ тайёрланган.

МАХСУС ҚИСМ
БИРИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТАРМОҚЛАРИ

1-БОБ: Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари

Р Е Ж А:

1-§. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.

2-§. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари. Қонунлар ижросини текшириш.

3-§. Прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш.

4-§. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралashiшига йўл қўйилмаслиги.

1-§. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилиш прокуратура органларининг фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳа назария ва амалиётда "умумий назорат" деган номга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири қабул қилингунга қадар «Умумий назорат» деб юритилиб келган, ҳозирда «қонунлар ижроси устидан назорат» йўналиши катта ва кенг камровли йўналишдир.

Ушбу прокурорлик назорати соҳасида Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга ошириладиган қо-

нунларнинг аниқ ҳамда бир хил бажарилиши устидан назоратнинг моҳияти, мақсадлари нисбатан яққол ифодаланади.

Умумий назоратнинг моҳияти ва мақсади, энг аввало, давлат бошқаруви органлари соҳасида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хил ижро этилиши устидан прокуратура органларининг назоратини ташкил этади. Бу соҳада, кўпинча, қонун бузилишларини баргараф этишда прокуратура органларига қаршилик кўрсатиш, уларнинг фаолиятига аралашуш ва маҳаллийчиликка йўл қўйилади. Давлат бошқарувининг айнан шу соҳасида, қонунларни ҳақиқатан аниқ ва бир хилда тушуниш билан бирга, ижро этилишини ҳам таъминлаш керак. Қонун чиқарувчининг кўрсатмалари ҳаётга қатъийлик билан татбиқ қилиниши лозим ва бунда ҳеч қандай маҳаллий ва идоравий таъсирларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратини амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда прокурор умумий назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, давлат, иқтисодий, ижтимоий, миллий ҳамда маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади.

Умумий назорат бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш, қонунийликнинг бир хил тушунилишини таъминлаш билан бирга жинойий ҳодисалар ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

Умумий маънода, **прокурорларнинг умумий назорат бўйича фаолиятининг предмети** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратдир. Умумий назорат бўйича прокурорлик назоратининг предмет ва доираси 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни билан белгиланган. 2004 йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти

дентининг 11.03.2004 йилдаги “қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3406-сонли Фармони билан прокуратура органларининг янги тузилмаси тасдиқланганлиги ҳамда айрим таркибий тармоқлар фаолияти ва номланишидаги ўзгаришлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида буйруғи қабул қилинган. Ушбу буйруқ талабига кўра, “Умумий назорат бошқармаси” тугатилган ва “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ташкил қилиниб, унинг таркибида “қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими” тузилган.

Назорат предмети борасида бир муҳим ўзгаришни кўрсатиб ўтиш керак. 1992 йил 9 декабрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонундан фарқли равишда, 2001 йил 29 августдаги қонунда “фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари” устидан назорат кўзда тутилмаган. Яъни, прокуратура органларининг фуқароларни таъкиб-таъйиқ остига олувчи орган сифатида эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида жамиятда ролини ошириш асосий мақсад қилиб кўйилган. Бу “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш” йўлидаги муҳим қадам деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига биноан, “вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини

талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлатимиздаги қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилиши ҳолларини аниқлаш, уларнинг вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш масалалари айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган прокурор ходимларга кўп жиҳатдан боғлиқ десак, адашмаган бўламиз. Чунки қонун билан зиммалаларига юклатилган вазифаларни амалга ошира бориб, айнан прокурорлар биринчи бўлиб бундай ҳолатлар билан тўқнаш келадилар. Ўз ваколатлари доирасига кўра, бошқа назорат этувчи идоралардан келиб тушган ҳужжатлар бўйича қарор қабул қиладилар. Бу идоралар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигига баҳо берадилар.

«Республика назорат инспекциясининг маълумотиغا кўра мамлакатимизда назорат текшириш органлари 36 тани, маҳкамалараро назорат эса 12 тани ташкил этади. Бу текширувчилар гуруҳига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва аудит хизматлари қирмаганлигини ҳисобга олган ҳолда бу «армия» тўғрисида тасаввурга эга бўлишингиз мумкин»¹.

Маълумки, прокурорлик назорати предметига Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қирмайди. Аммо, прокурор улар Конституция ва қонунларга зид деб ҳисобласа, ўз фикрини ифодалаган маълумотни Конституциявий судга юбориши мумкин.

Прокурорлар умумий назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш бўйича чегарани тўғри белгилашлари керак Чунки, бунда бир томондан, аниқланган қонунбузарлик ҳоллари таъсир чораларини кўрмасдан қолмаслиги керак бўлса, иккинчи томондан, корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига бевосита аралашмаслик, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажармаслик лозим. Умумий назоратнинг чегарасини белгилашда қуйидаги қоида мезон бўлиши мумкин: қаерда қонун "ҳаракат қилса", ўша ерда умумий назорат "ишга тушади".

¹ Гожибоев О.Т. Прокуратура органларининг қонунларни ижро этилиши устидан назорати. «Давлат ва жамият қурилиши» ихтисослиги бўйича магистрлик даражаси олиш учун диссертация. Т.: 2002. 49 бет.

Прокурорлар ўзларига юклатилган умумий назорат вазифаларини муваффақиятли адо этишлари учун уларга зарур ваколатлар берилган.

Прокурорга у ноконуний ёки асосиз деб ҳисоблаган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган.

Прокурорга берилган ваколатлар унга қонун бузилишини ёки қонундан четга чиқишни ўз вақтида аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиш ҳамда ушбу қонунбузарлик ҳолларига имкон яратган сабаб ва вазиятларни баргараф этиш учун чоралар кўришга имкон беради.

2-§. Прокурорнинг қонунлар ижроси устидан (умумий) назоратни амалга оширувчи ваколатлари. Қонунлар ижросини текшириш

Ушбу мавзунини ёритиш учун қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказиш тартиби, текшириш натижаларини расмийлаштириш ва прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлаш масалаларига ҳам ойдинлик киритилиб кетилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура органлари томонидан қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда, қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Шунингдек, қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказишга иш режалари, хайъат мажлиси, мувофиқлаштирувчи ва идоралараро кенгашлар қарорлари, Бош прокуратура раҳбарияти томонидан ижроси талаб қилинган ҳужжатлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар асос бўлади.

Қонунлар ижроси юзасидан текширишлар, асосан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилади. Текширишнинг йўналишидан қатъий назар, бу объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслар муурожаатларининг ҳал қилиниши ҳамда ҳуқуқий

хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндошиш талаб қилинади.

Текширишлар назорат қилувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа асосида ўтказилиб, белгиланган муддатда яқунланиши, текширишга масъул бўлган ходим шу вақт мобайнида мутасадди мансабдор шахслардан қонун бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича батафсил тушунтиришлар олиб, барча ҳужжатларни жамлаб, натижаси ҳақида назорат қилувчи раҳбарга маълум қилиши ва прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаши лозим.

Текширишга бир нечта ходим ижрочи сифатида жалб этилганда, рўйхатда биринчи кўрсатилган шахс ижро учун асосий масъул ҳисобланади.

Текширишда иштирок этган ходимлар текширилган объект муқаддам назорат идоралари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига ҳуқуқий баҳо беришлари ва натижаси бўйича тавсия киритишлари зарур.

Текшириш натижалари бўйича ҳажми 15 варақдан ортиқ бўлмаган, умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома тузилади ва текширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган тегишли мутахассислар, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Маълумотномага илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар тузган, шунингдек, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» қонунига мувофиқ, протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантириш прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланади, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш шунингдек, қонун бузилиши, уларни келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш воситаси сифатида қаралмоғи лозим.

Текширишда аниқланган ҳолатлар натижаси оммавий ахборот воситаларида ёритилишига устувор аҳамият берилади.

Ҳар бир тайёрланган прокурор назорати ҳужжати хусусиятига кўра номланиши, прокуратура органларида иш юритиш

тартибига асос қилинган ҳолда сана қўйилиши ва рақамланиши лозим.

Прокурор назорати ҳужжатлари, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун талабларига биноан, тегишли прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Умумий назорат соҳасида прокурорнинг ваколатлари асосан, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида ўз аксини топган.

Бирок, айтиш жоизки, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокурорнинг ваколатлари рўйхати фақат унинг қонун бузилишига йўл қўйилганлиги ҳақида келиб тушган маълумот ва прокурорда қонун бузилиши ҳоллари тўғрисида бўлган маълумот асосида амалга ошириладиган умумий назорат тартибидаги текширишларни ўтказиши бўйича фаолиятига нисбатан ишлаб чиқилган. Прокурор бу борада ҳам текшириш ўтказгунга қадар, ҳам ундан кейин фойдаланиладиган бир қатор бошқа ваколатларга ҳам эга. Ушбу ваколатлар ҳуқуқнинг бошқа манбалари, хусусан, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, меҳнат, жиноят-ижроия, маъмурий-ҳуқуқий, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига асосланган.

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудудига ва хоналарига монеликсиз киришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ҳамда уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишга, идоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришларини талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда, прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Текширишлар ўтказганда, прокурор хўжалик фаолиятининг у ёки бу соҳаси бўйича мутахассислар жалб қилишга ҳақли.

Текширишлар ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа керакли ҳужжатлар ҳамда ахборотларни тақдим этиш, мутахассислар жалб қилиш, прокуратурага келиш ҳамда қонун бузилиши соҳасидан тушунтиришлар бериш барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун, прокурор талаб қилган тақдирда, мажбурийдир. Текшириш, тафтиш, идоравий текшириш ва идоравий экспертиза прокурор белгиланган муддатда ўтказилиб, натижалар ҳақида мажбурий тартибда прокурорга маълумот берилиши керак

Мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурорнинг талабларини бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Қонулар ижросини текшириш. Прокурорлар давлатдаги қонунийлик ҳолатида бевосита акс этаётган устувор йўналишларни танлаб олишлари лозим.

Хусусан, И.Басковнинг фикри бўйича, бу йўналишлар 9 тани, А.Давлетовнинг фикри бўйича 11 тани, амалиётчи мутахассис А.Мельниковнинг фикри бўйича 5 тани ташкил этади.

Бизнингча, прокурорларнинг бу борадаги фаолиятлари бевосита ўз ҳудудларидаги қонунийлик аҳволидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши лозим. Бунда асосий иш ҳажми бевосита шаҳар ва туман прокуратуралари ҳиссасига тўғри келиши унутилмаслиги даркор.

Албатта, жамият ва давлат ривожланиши учун умум аҳамиятли бўлган соҳалар бундан мустасно.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, қуйидагиларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари, жамоа уюшмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, ҳокимлар ва бошқа

мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини; улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий актлар Конституция ва қонунларга мослигини назорат қилиш прокуратура идораларининг алоҳида эътибордаги устувор йўналиши деб баҳолалиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг мазкур йўналиш бўйича масъул ходимлари, вилоят, унга тенглаштирилган шаҳарлар, туманлар, туманлараро ва ихтисослаштирилган бошқа прокуратуралар прокурорлари ўз ҳудудларидаги қонунчилик аҳволи юзасидан батафсил маълумотга эга бўлишлари, қонунчиликни таъминлаш борасидаги фаолиятларини айнан шу маълумотлар асосида олиб боришлари керак.

Бу фаолиятни амалга ошириш борасида, биринчидан, тегишли назорат идоралари ва бошқа давлат идораларидан жойлардаги қонунчилик аҳволи, иқтисод соҳасида ўтказилаётган ислоҳот жараёни, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, уларнинг бориш динамикаси ва тўсқинлик қилаётган факторлар юзасидан тегишли маълумотлар талаб қилиб олинishi;

Иккинчидан, тўпланган маълумотларни тўлиқ ва чуқур таҳлил қилиш, улар орасидан прокурор таъсир чоралари қўллашینی талаб қилаётган конкрет йўналишлар ва тармоқларни аниқлаш зарур.

Қонунларнинг ижросини текширишнинг асосий омили сифатида текширувларнинг аниқ ва юқори савияда режалаштирилишини олиш мумкин.

Бошқарув идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар, назорат идоралари, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи ноқонуний ҳуқуқий актларини аниқлаш ва уларга протест келтириш масаласини ҳал этиш умумий назорат фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Прокурорларнинг бу фаолиятига системали ва доимий характер бериш учун, чиқарилаётган ҳуқуқий актларнинг Конституция, қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига мослигини бир кварталда камида бир марта текширилишини ташкил этиш зарур.

Бу борада алоҳида эътибор:

ҳокимлар, Республика вазирликлари раҳбарлари, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш вилоят, шаҳар ва туман органларининг норматив ҳужжатларининг қонунийлигига;

давлат идоралари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарорларининг қонунийлига қаратилиши шарт.

Ноқонуний актлар протест келтириш йўли билан бекор қилиниши ёки қонунга мувофиқлаштирилиши лозим. Протест тегишли мансабдор шахс ёки идора томонидан рад этилган ҳолда, белгиланган 1 ойлик муддат ичида судга протестни рад этиш ҳақидаги қарор ноқонуний эканлигини тан олинишини талаб қилиб ариза киритилиши лозим.

Худди шунингдек, ҳудудий прокурорлар, Республика бошқарув идораларининг қонунга зид ҳуқуқий актлари аниқлангани ҳолда Республика прокуратурасига тегишли тақдимнома билан чиқишлари лозим.

Фикримизнинг далили сифатида, 2001 йилда республика прокуратура идоралари томонидан юқорида кўрсатилган идора ва мансабдор шахсларнинг 10665 та қонунга зид бўлган ҳуқуқий актларига протестлар келтирилганлигини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Булардан 4451 таси ёки 41,7%и давлат маъмурий органларининг мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорларига нисбатан киритилган.

Деярли ҳар учинчи прокурор протести, яъни 3083 та ёки 28,9 фоизи ижтимоий соҳа бўйича, улардан 2110 таси, яъни 68,4 фоизи иш берувчиларнинг, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг жойлардаги идораларининг хизматчи ва ишсизларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузувчи буйруқ ва кўрсатмаларини бекор қилиш учун киритилган.

Ноқонуний ҳуқуқий актлар қабул қилиш борасида назорат қилувчи идоралар ҳиссасига 2673 та, ички ишлар идораларига 1796 та протест тўғри келган.

Ноқонуний ҳуқуқий актларни бекор қилиш ёки уларни қонунга мослаштириш талаб этилиб, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республика ва ҳудудий бошқарув идораларининг

1043 та қарорига протест киритилган, уларнинг 721 таси бевосита хокимлик идораларига тегишлидир.

Фукароларнинг меҳнат ҳуқуқларини, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратилганлини, нафақа билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, оналик, болалик, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашга оид қонунлар ижроси қандай тарзда амалга ошириладилигига прокурорлар асосий эътиборни қаратмоқлари лозим.

Мамлакатимизда вужудга келаётган бозор муносабатлари шароитида Республика Президентининг «Давлат кучли ижтимоий ҳимоя» принципи барча прокурорлар томонидан ижтимоий соҳадаги асосий омил сифатида баҳоланиши даркор².

2002 йилнинг 1 январь ҳолатида Республика бўйича нафақа ва ижтимоий ёрдам олувчилар сони 3.203.808 шахсни, улардан ёши бўйича 1.857.427, ногиронлик бўйича 589.138, ҳарбий хизматчилар 30.534, боқувчисини йўқотганлар 468.768 ва ижтимоий нафақа олувчилар 258.845 кишини ташкил этган. Уруш қатнашчилари ва фронт орти хизматчиларига тенглаштирилган шахслар 2001 йилнинг охирида 1.857.427 нафарни, Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган шахслар 7540 нафарни ташкил этган.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги тизимларида 241.300 та кам таъминланган ва 858.600 та 16 ёшга етмаган фарзандлари бўлган оилалар рўйхатга олинган.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатида Республикада 27 та 3650 тарбияланувчига эга бўлган болалар уйи, 29 та 7118 боқувчиси бўлган қариялар ва ногиронлар ҳамда 5 та 1537 ногирон болаларни сақлаб келаётган интернат-уйлар бор.

2001 йилнинг ўзида прокуратура томонидан 2123 ҳолатда кўп болали оилаларга нафақа ажратишни сўраб мурожаат қилган фукароларнинг ҳуқуқлари поймол этилганлиги аниқланган.

Бу соҳадаги қонун бузилишлари даражасини кўрсатувчи яна бир ҳолатга назар ташласак. Республика идораларига келиб тушган аризалардан 3521 таси фукароларнинг хўжалик юритувчи

² Тожибоев О.Т. Прокуратура органларининг қонунларни ижро этилиши устидан назорати. «Давлат ва жамият қурилиши» ихтисослиги бўйича магистрлик даражаси олиш учун диссертация. Т.: 2002. 52-53 бет

субъектлар раҳбарларининг уларни ҳуқуқини поймол этувчи ҳуқуқий актлари устидан келтирилган. 734 та меҳнат шартномаси (контракт) ноқонунийлиги ҳақидаги аризадан, прокуратура ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра, 197 таси асосли деб топилган ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилган.

Қонунчилик ижроси аҳволи ҳамда прокурор назорати ҳужжатлари таҳлили кўп ҳолатларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия, Почта ва телекоммуникация агентлиги, банк ва бошқа органлар ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишга доир дастурлар ижросига масъулиятсизлик билан ёндошаётганликларини кўрсатди. Республика органлари томонидан идоравий назорат сусайтириб юборилиши, ўз навбатида, жойларда фуқароларга нафақа тўловлари, аҳолининг кам таъминланган қатламига эса моддий ёрдам берилишига оид мурожаатларнинг ҳал этилишига тўраларча муносабатда бўлиш, юзакичиликка йўл қўйиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Почта ва телекоммуникациялар агентлиги таркибидаги почта ташкилотларида ҳам кўплаб қонун бузилиши ҳоллари аниқланган, тўлов қоғозларини қалбакилаштириш ва бошқа йўллар билан нафақаларни ўзлаштириш ҳолатлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан сўнгги бир ярим йил мобайнида аниқланган ижтимоий нафақаларнинг ноқонуний равишда бериб юборилиши натижасида етказилган 59,7 млн. сўм зарардан атиги 27 млн. сўми ундирилиши таъминланган, ҳолос.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишга масъул идоралар мансабдор шахслари ва ходимларига нисбаган 2001 йилнинг ўзида 340 та жиноят иши кўзгатилагани фикримиз далилидир.

Шу сабабли, прокурор назоратининг асосий эътибори барча давлат ва нодавлат тизимларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқлари, қонунчиликнинг уларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиши, ўз вақтида иш ҳақини тўлаш, қонунда назарда тутилган меҳнат таътилларини ва бошқа имтиёзларни бериш ҳақидаги талаблари, давлатнинг

меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсати амалга оширилишига қаратилмоқда.

Ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, меҳнатни ва ижтимоий ҳимоя, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, почта ва банк идоралари томонидан ёлғиз, қария, ногиронлар ва кўпболали оилаларга пенсиялар, ёрдам пуллари, моддий ёрдам ва давлат моддий ёрдамнинг берилиши тартиби, миқдорларига рия қилинишини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоғи керак.

Соғлиқни сақлаш идоралари томонидан фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларнинг таъсирчанлиги, дори-дармонларнинг олиб кирилиши, сақланиши, улардан фойдаланилиши, аҳоли орасида олиб борилаётган профилактик тадбирларнинг аҳоли масалаларига қаратилиши лозим.

Фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги ҳуқуқларига нисбатан йўл қўйилаётган ҳар қандай бюрократик, ноинсоний муносабатларга барҳам берилиши, бундай ҳаракатлар ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, унга нисбатан қонуний чора кўрилиши таъминланиши лозим.

Қонунчиликни иқтисод, молия, тўлов ва шартнома соҳасида мустаҳкамлаш, ҳуқуқнинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ўрнини кучайтириш зарур.

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси» ҳақидаги Қонун ва Республика Президентининг мансабдор шахсларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш, шартнома ва тўлов интизомига рия қилишда жавобгарликни кучайтиришга қаратилган Фармонларининг сўзсиз ижро этилишини таъминланиши лозим.

Бундан ташқари, шартнома интизоми бугунги кунда иқтисодиётда ўтказилаётган ислохотларнинг энг салбий қисми бўлиб келаётганлигини назарда тутган ҳолда, шартнома мажбуриятларининг ҳар бир бузилиш ҳолатлари бўйича айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ва хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зиённинг қопланишини таъминлаш зарур.

Хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қимматли қоғозлар бозори

механизмини ривожлантириш, монополия фаолиятини чеклаш, банкротлик ва корхоналарнинг санацияси билан боғлиқ қонунларнинг устидан амалдаги назоратни таъминлаш даркордир³.

2001 йилги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда умумий назорат тартибида аниқланган қонун бузилиши ҳолларига нисбатан қўлланиладиган прокурорлик таъсир чораларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Улар таркибига протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув киради.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йилги қонундан фарқли равишда янги таҳрирдаги 2001 йилги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда "амрнома" тарзидаги прокурор назорати ҳужжати кўзда тутилмади. Умуман, собиқ Иттифок юридик амалиётида ва қонунчилигида "амрнома" ва "огоҳлантирув" тарзидаги прокурор назорати ҳужжатлари 1987 йили юзага келган эди. Мустақилликка эришгач, собиқ иттифок республикалари, табиийки, ўз қонунларини ишлаб чиқа бошладилар. 1995 йилги "РФ Прокуратура тўғрисида"ги қонунида бу икки ҳужжат назарда тутилмаган бўлса, 1991 йилги "Украина прокуратураси тўғрисида"ги қонуни ва МДХ мамлакатларининг бошқа ўхшаш қонунларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам амалда ўзгартирилмай қолдирилди. Ниҳоят, 2001 йил 29 августдаги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни анча-мунча тортишувлардан сўнг қабул қилинди. Ушбу қонунда "амрнома" кўзда тутилмади. Нега? Сабаб шуки, охириги йилларда республикамизда прокурорлар томонидан ушбу таъсир ҳужжатининг қўлланилиши натижасида кўпгина суиистеъмолчиликлар, ҳуқуқбузарликлар содир қилинган, қолаверса, шундай ҳам тўхтаб бораётган республиканинг ҳўжалик ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий зиён етказа бошланди.

Албатта, бу ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисида юридик адабиётларда турлича ёндашувлар мавжуд. Аммо, ривожланишнинг ҳозирги босқичида, қолаверса, республикамизда бозор иқтисо-

³ Тожибоев О.Г. Прокуратура органларининг қонунларни ижро этилиши устидан назорати. «Давлат ва жамяят қурилиши» иқтисослиги бўйича магистрик даражаси олинган диссертация. Т.: 2002. 54-57 бет.

дига ўтиш, эркин тадбиркорлик шароитларини яратиш каби демократик ўзгаришлар жараёнида "амрнома" маъкул кўрилмади.

2001 йилги қонунда "янги" прокурор таъсир ҳужжатини кўриш мумкин.

Бу аризадир. Унинг қўлланиш асослари ва тартиби тўғрисида кейинроқ тўхталамиз. Аммо, бир нарсани айтиш жоиз, яъни ҳозирги ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёнида бу ҳужжатнинг аҳамияти фуқаролар, ташкилотлар ва қолаверса, давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жуда катта.

Қонунийликка риоя этиш устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш ақтлари сифатида протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувлар маълум талабларга жавоб бериши керак:

1. Улар қонун бузилишига оид долзарб, муҳим ҳолларга қаратилган бўлиши лозим. Бундай ҳолат аниқланганда, прокурорнинг процессуал аралashiши ва тегишли қарор зарурияти келиб чиқади.

2. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд хулоса ва тақлифлар асосланган ва қонуний бўлиши керак. Улар аниқ фактларга асосланиши лозим.

3. Прокурор раҳбарнинг ўзи қонунни бузган шахсга нисбатан қўллаши мумкин бўлган маъмурий ва интизомий чораларни олдиндан қўлламаслиги, буни раҳбарга қўйиб бериши керак.

4. Прокурор назорати ҳужжатларини чиқаришда амалда қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга оид тузилиш, шакл ва реқвизитларга ҳамда энг асосийси, ҳужжатнинг мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим.

5. Ниҳоят, ҳуқуқий ҳужжат юридик ва имловий жиҳатдан саводли ёзилиши керак.

Энди уларнинг ҳар бирига тўхталасак.

Протест. Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга протест келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол

бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда, прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли.

Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Протест кўриб чиқилиб, маъқуллангандан сўнг "иш тугамайди", балки бир оз вақтдан сўнг унинг талаблари бажарилиши прокурор томонидан текширилиши керак

Қарор. Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Прокурорнинг маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида прокурорга уч кунлик муддатда ёзма равишда маълум қилинади.

Ҳар бир чиқариладиган қарор тегишли (жиноят процессуал, маъмурий, меҳнат ёки шу каби) қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак Агар сўз жиноят ишини кўзгатиш

борасида борса, бу ерда Жиноят процессуал кодекси талабларига риоя этиш керак. Қарорда уни чиқарган шахснинг исм-фамилияси ва мансаби ҳамда унвони, ишни кўзғатиш учун сабаб ҳамда асослар жиноят кодексининг моддаси ва жиноят ишининг кейинги йўналиши кўрсатилиши керак

Тақдимнома. Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дархол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимномада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий ёки моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаблари баён этилиши мумкин. Бунинг учун жавобгарликнинг ушбу турларини кўзғатиш ҳақидаги махсус қарор чиқарилиши шарт эмас.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Тақдимномани тайёрлашда нафақат унинг чиқарилиши учун аниқ сабаблардан, балки ушбу тақдимнома юбориладиган корхона, муассаса ёки ташкилотдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг ҳолати ҳақидаги хулосалардан фойдаланиш керак

Прокурор ўз тақдимномасида йўл қўйилган қонун бузилишлари, уларга имконият яратган сабаб ва шароитлардан ташқари ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олувчи шароитларни яратишга имкон берадиган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатиб ўтса мақсадга мувофиқдир.

Тақдимнома қоида бўйича қонун бузилишини бартараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи давлат органларига ва мансабдор шахсларга юборилади. Қонун бузилиши тарқалганлик хусусиятига эга бўлганда ёки прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома, ўз шаклига кўра, маълум талабларга жавоб бериши керак. Тақдимномада қуйидаги элементлар мавжуд бўлади.

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, жинойтни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к.); бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва шароитлар тавсифи; қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар; қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни аниқ кўрсатиш; уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари; тақдимномани дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб; прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, тақдимномани киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси.

Умуман, тақдимнома фақат қонун бузилиши ҳолларини бартараф қилишга хизмат қилмасдан, балки қонун бузилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Ариза. Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонунларнинг бир хилда, аниқ ижро этилиши, қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибда бартараф этилиши лозим бўлган ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан охиригача тўлиқ иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) Ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) прокурорнинг лавозими ва фамилияси, исми, ота исми ҳамда ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилганлиги, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда давогарнинг манзили;
- 3) жавобгарнинг номи ва манзили;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси;
- 6) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар ва даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 7) аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Албатта, ишнинг хусусиятига қараб, аризада кўрсатиладиган маълумотлар ва унинг шакли фарқланиши мумкин.

Аммо, бу прокурор аризасининг мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар, қолаверса, давлат ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига салбий таъсир этмайди. У прокурор таъсир ҳужжатларидан бири сифатида самарали восита бўлиб қолаверади.

Огоҳлантирув. Прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги маълум бўлганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради, шу билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик мавжудлигини тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

Огоҳлантирув йўлланган шахс ҳужжатдан норози бўлса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда, айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва у огоҳлантирувдан хабардорлигини ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

3-§. Прокуратура органларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этишда, шунини таъкидлаш жоизки, прокурорлик назоратининг предмети ва доирасини аниқ-равшан белгилаб олиш муҳим принциплардан биридир.

Умумий назорат фаолиятининг 2-муҳим шарти бутун прокурорлик тизими иерархияларини аниқ-равшан белгилашдир. Бу турли бўғиндаги прокурорлар ишида параллелизмнинг олдини олади, шу билан бирга, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишнинг асосий йўналишларини кўздан кочирмасликка имкон беради.

Яъни, умумреспублика вазирликлари, қўмита ва идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан қонунлар ижроси устидан назоратни Республика Бош прокуратураси;

вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри ижроия ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат ташкилотларининг қонунлар ижроси устидан назоратни-тегишлича вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;

шаҳар ва туман вакиллик органлари, ижро ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик шахслар, жамоат ташкилотлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган ихтисослаштирилган прокуратуралар амалга оширади.

Ҳарбий бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар ва муассасаларда қонунлар ижроси устидан назоратни ҳарбий прокуратура амалга оширади ва ҳоказо.

Умумий назорат фаолиятини амалга оширишда камдан-кам ҳолатларда юқори турувчи прокурор қуйи прокурорнинг ваколатларини ўзига олади. Аммо, унинг бундай ваколати қонунда мустаҳкамланган.

Умумий назорат фаолиятининг муваффақияти, кўп жиҳатдан, прокурорнинг ахборот билан таъминланганлиги, қонунийлик ҳолати ва аниқ назоратга кирувчи объектлардаги ҳуқуқбузарликларнинг мавжуд бўлишига боғлиқдир.

Шунингдек, умумий назоратнинг самараси ушбу фаолиятни ҳам марказда, ҳам жойларда аниқ режалаштиришга боғлиқ. Умумий назоратнинг "қамраб бўлмаслиги"га қарамасдан, прокурорлар ўтқир йўналишда иш олиб боришлари керак.

Умумий назоратнинг, прокурор фаолиятининг бир йўналиши сифатида, ўзига хос хусусияти бор. Яъни, умумий назоратда муваффақият, кўп жиҳатдан, прокурорнинг шахсий ташаббусига боғлиқ.

Шунингдек, текширув ўтказиш объектини аниқлаш муҳимдир. Бунда "анчадан бери борилмаган жой" эмас, балки қонун бузилаётган, давлат бошқаруви ва меҳнат интизоми ноҳуш ҳолатда бўлган объектлар танланиши мақсадга мувофиқдир.

Текширувлар ўтказишда ишни шундай ташкил қилиш керакки, бунда нафақат қонун бузилишлари, балки уларга шароит яратган сабабларни ҳам аниқлаш лозим. Бунда прокурорга жалб қилинган мутахассислар ёрдам беради.

Умумий назорат соҳасидаги янги қонунчилик билан, айниқса, туман ва шаҳар бўғини прокурорларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ таништириш муҳим аҳамиятга эга. Бу, асосан, юқори турувчи прокурорлар томонидан ўтказиладиган семинар машғулларида амалга оширилади. Ушбу жараёнда янги қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг нисбатан мураккаб меъёрларига тушунтириш (шарҳ) берилади. Бу иш тезкорлик билан ўтказилиши керак. Негаки, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчилик, жумладан, хўжалик, тижорат, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳаларидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига тез-тез ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жадал ислоҳотлар даврида прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини замон талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш лозим. Прокурорлар фаолиятида ташаббускорлик, фуқаролар ва мулкдорлар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқийлик, адолатпарварлик, қонунбузарликка қарши муросасизлик талаб қилинади. Респуб-

ликамиз иқтисодиётининг, мулкчиликнинг барча шакллари ва табиий бойликлар, аҳоли истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш зарур. Умуман, прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятидаги муҳим вазифалари белгилаб олинishi керак. Умумий назорат тартибида ўтказилган текширишларда юзакичиликка, сифатсиз ва натижасиз текширишлар сонини кўпайтириш, расмийчилик каби ҳолатларга барҳам бериш, қонунбузарларга нисбатан тегишли таъсир чоралари кўриш, жазонинг муқаррарлигини таъминлашда қатъиятлиликл талаб этилиши, масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият идоралари таъсирига берилиб қолиш, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатларига барҳам бериш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, умумий назорат бўлиmlари ва бу соҳа билан шуғулланувчи ходимларни танлаш, жой-жойига қўйишга эътибор бериш, ходимлар қўнимсизлиги, уларнинг бошқа соҳаларга жалб этилишига чек қўйиш зарурлиги прокурорларнинг эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратнинг барча субъектларга нисбатан кучайтирилиши белгиланади. Буйруқда прокурорлар ўз ваколатларини амалга оширганларида мустақил бўлишлари ва фақат қонунга бўйсунуишлари, қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлашлари ва олдини олишлари, уларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўллашлари, бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига эришишлари лозим.

Иқтисодиёт соҳасидаги идора ва ташкилотлар томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш кўрсатилди. Айниқса, республика агросаноат комплексини ижтимоий иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда эътибор билан ёндашиш белгиланади.

Бундан ташқари, қуйидаги йўналишлардаги прокурорлик назоратини кучайтириш керак:

-табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

-тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга оид қонунлар ижроси устидан назорат;

-давлат ва хўжалик интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

-ташқи иқтисодий фаолиятга оид қонунчилик ижроси устидан назорат;

-транспортга оид қонунлар ижроси устидан назорат;

-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қорхоналарга оид қонунлар (акционерлик жамиятлари, қўшма, кичик, хусусий қорхоналар) ижроси устидан назорат;

-дин ва виждон эркинлиги, давлат тилига оид қонунлар ижроси устидан назорат;

-аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат;

-фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат;

-ваколатли идора (шахслар) томонидан фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортишга оид қонунлар ижроси устидан назорат;

-истеъмолчилар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ, божхона, банк ва банк фаолияти ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат ва бошқалар.

Буйруқ, шунингдек, умумий назорат тартибдаги текширувлар услубини такомиллаштириш, прокурор ҳуқуқий таъсир ҳужжатлари сифатлигини, қонун бузилишлари сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш; уларнинг бартараф этилиши ва олди олиниши, қонунни бузган шахсларга чора кўрилишига эришиш, умумий назоратда ошқоралик, айниқса, оммавий ахборот воситалари иштирокидан фойдаланиш белгиланди.

Бундан ташқари, қонун бузилишлари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни тамомила бартараф этиш мақсадида назорат тартибда такрорий текширишларни ўтказиш амалиётидан кенг фойдаланиш лозимлиги уқтирилган. Умумий назорат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва текширув-назорати идоралари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деган кўрсатма ҳам буйруқдан ўрин олган. Тегишли идоралардан қонунийлик ҳақидаги маълумотларни олиб, улардан

умумий назорат фаолиятини режалаштиришда фойдаланиш лозимлиги белгиланган.

Умумий назорат фаолиятини ташкил этишда куйи, айникса, туман ва шаҳар прокуратураларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, прокуратура идораларининг ўзаро ҳамкорлиги, ходимлар малакасини ошириб бориш масалаларига эътибор бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруқ, кўрсатма ва Низомларида кўрсатиб ўтилган.

Прокуратура органларининг турли даражаларида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифатини ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги 1997 йил 28 май кунги 4-сонли буйруғи билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хайъатининг 1993-йил 9 июндаги 15-сонли қарори билан маъқулланган “Умумий назорат бошқармаси тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги “қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 3406-сонли Фармони билан прокуратура органларининг янги тузилмаси тасдиқланганлиги ҳамда айрим таркибий тармоқлар фаолияти ва номланишидаги ўзгаришлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 мартдаги 1-сонли “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган бўлиб, ушбу буйруққа асосан:

“Умумий назорат бошқармаси” тугатилиб ва “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ташкил қилиниб, унинг таркибида “қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими” тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини

ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 12 апрель 3-сонли буйруғи чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ташкил этилиб, у республика ҳудудида қонунчиликни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ташкил этади ҳамда амалга оширади. Унга бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъати қарорлари ва Бош прокурорнинг буйруқ, фармойишлари ҳамда қайд этилган Низомга асосланган ҳолда амалга оширади.

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” таркибида бириктирилган мавзе бўйича прокурор назоратини ташкил этувчи бошқарма бошлиғининг муовинлари, бошқарма катта прокурорлари хизмат қиладилар. “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ўз фаолиятини Республика прокуратураси бошқарма ва бўлимлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тармоқ ҳамда давлат назорат идоралари билан ҳамкорликда амалга оширади.

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” фаолияти мавзе-минтақавий тарзда, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва бошқарманинг жорий ҳамда истиқболга мўлжалланган режалари асосида ташкил этилади.

Қуйи прокурорларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- умумий назоратни маълумот ҳамда услубий тавсиялар билан таъминлаш;
- жойларда услубий ва амалий ёрдам бериш йўли билан текширишлар ўтказиш;

- қуйи прокурорларга умумий назоратни ташкил этиш масалаларига бағишланган умумлаштиришлар, таҳлиллар, ахборотнома ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ва йўллаш, киритилаётган тақдимнома, протест, ариза ҳамда огоҳлантирувларнинг сифатини кўтариш, ходимларга ўз вазифаларни бажаришда амалий ёрдам бериш;

- бошқа бўлинмалар билан биргаликда прокуратура ходимларининг касб маҳоратини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Вилоят прокуратураларида “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари” мавжуд бўлиб, у бевосита вилоят прокурорига бўйсунди. Туман, шаҳар прокуратураларида прокурор ёрдамчиси томонидан қонунлар ижроси устидан назорат вазифаси амалга оширилади. Прокурор ёрдамчиси томонидан амалга ошириладиган прокурор ваколатлари бевосита тегишли прокурор раҳбарлиги асосида бажарилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида 2004 йил 22 июнь кунги 25-сонли буйруқ қабул қилинган бўлиб, унга кўра, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилганлиги қайд этилган.

Прокуратура органлари фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлатнинг иқтисодий асосини янада мустаҳкамлаш, бозор муносабатлари иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқларини муҳофазалаш, уларнинг хўжалик-ҳуқуқий алоқаларини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари таъкидланган.

Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, қонун бузилишининг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар

хар доим ҳам кутилган натижаларни бермаётганлиги ҳам қайд этилган.

Қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида қабул қилинган буйруқда:

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаси - республика ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат деб ҳисобланиши лозимлиги қайд этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар назорат фаолиятини амалга оширишда:

Мамлакат ҳудудида барча ҳуқуқ субъектлари, улар кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамда барча мансабдор шахслар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишга мажбур. Қонун талабларини ҳеч қандай вазиятда ҳар хил талқин қилишга йўл қўймаслиги, қонунлар қарама-қаршилиги ҳолатларида олий юридик кучга эга бўлган Конституция нормалари ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши эътиборга олиниши зарурлиги;

Прокурор назорати давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ва фақат қонунга асосланиб олиб борилсин. Қонун бузилишлари ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, ўз вақтида унинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар қўлланишига, бузилган ҳуқуқларининг амалда тикланишига эришилиши кераклиги;

Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳуқуқат қарорларининг ижроси

устидан таъсирчан ва доимий назорат олиб бориш устувор йўналишлардан бири деб ҳисобланиши;

Шаклидан катъи назар, мулкдорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ва давлатга етказилган зарарларни ўз вақтида тўлик ундириш, тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлаш билан биргаликда, иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари, текширув назорат (контролб) идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг аниқ бажарилиши прокурор назоратининг диққат марказида бўлиши;

Республика агросаноат комплексини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда: ер, сув ва ўрмон бойликлари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини, мавжуд техника воситаларини, минерал-ўғитларни сақлаш ҳамда улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, деҳқон, фермер ва шахсий ёрдамчи ва жамоа хўжаликлари, деҳқончилик саноати уюшмалари ва машина-трактор парклари фаолиятини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация қилишни тартибга солувчи, қишлоқ инфраструктураси яратилишига йўналтирилган қонунларнинг оғишмай бажарилишига, жамоа хўжаликлари фаолиятини жамоатчилик асосида бошқариш тартибига риоя этилишига алоҳида эътибор берилиши;

Иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийлик аҳволини янада мустаҳкамлаш, тўлов интизомига риоя қилиш, ёнилғи-энергетика маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш, шартнома мажбуриятларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси устидан катъий назорат ўрнатилиши лозимлиги;

Табиат муҳофазаси қонунчилиги устидан назорат олиб боришда ер фонди турлари ҳуқуқий мақоми қонуний ўзгартирилишига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ишдан чиқаришга, ўрмон бойликлари, ҳайвонот дунёсининг йўқотилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, сувдан

хўжасизларча фойдаланишга қарши курашга қаратилган қонун талабларига риоя этилишига эътибор кучайтирилиши;

Бу борадаги назорат ва прокурорлик таъсир чоралари самарадорлигини кескин ошириш мақсадида мазкур соҳаларда мутасадди бўлган тармоқ назорат-текширув (контроль) идоралари билан ҳамкорлик янада мустаҳкамлансин ва уларнинг фаолияти устидан назорат кучайтирилиши кераклиги;

Ўзбекистон халқининг маданий мероси ва архитектура ёдгорликларини кўриқлаш, тарихий, бадий, миллий, илмий ва маънавий обидаларни сақлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати шакли ва усуллари тубдан ўзгартирилиши лозимлиги;

Бу йўналишда текширишлар ўтказишда, биринчи навбатда, маданий-тарихий обидаларнинг сақланиши, уларнинг қонунсиз сотилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ҳамда четга олиб чиқиб кетилиши олдини олишга масъул бўлган давлат идоравий бошқарув ва текширув органлари томонидан олиб борилаётган ишлар самарасига алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги;

Мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик, ишлаб чиқариш ва молия интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат кучайтирилиши;

Хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, хўжасизлик, кўзбўямачилик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёнилғи-энергия манбаларидан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш, нарх-навони асоссиз кўтариш, шунингдек, савдо ва бозорлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни бузиш каби ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан кескин чоралар кўриб борилиши лозимлиги;

Солиқ, пул-кредит ва қимматбаҳо қоғозлар, банклар ва банк фаолияти ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан доимо назорат олиб борилсин ва кескин кучайтирилсин;

Ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш йўли билан хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларига зарар

стказмаган ҳолда чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоялаш таъминланиши лозимлиги қайд этилган.

Шунда: Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда ташқи савдо битимини тузиш, экспорт-импорт маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов муддатлари бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва валюталарни мажбурий равишда сотиш тартибига қатъий риоя этилиши;

Импорт маҳсулотлари сифатининг назоратини амалга ошириш билан бир қаторда, истеъмол бозорларига паст навли ва сохта буюмлар, табиатни ифлослантирувчи технология ва ускуналар, шунингдек, инсон ҳаёти учун хавfli бўлган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар киришининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилиши кераклиги;

Қўшма корхоналар, шунингдек, чет эл фирма ва компаниялари вакилликларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, инвестиция дастурлари ижроси билан боғлиқ ҳар қандай қонунбузарликларнинг бартараф этилишига эришилиши лозимлиги;

Чет эл инвестициялари мавжуд бўлган корхоналарнинг фаолияти етарли асослар бўлмай туриб текширилишининг олдини олиш мақсадида, ушбу корхоналарда қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисида қатъий сабаблар бўлган ҳолларда Республика Бош прокуратураси билан келишилган ҳолда ҳудуд прокурорлари томонидан текширишлар ўтказиш белгиланиши кераклиги;

Республика темир йўл, автомобил, ҳаво ва сув йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, ташиладиган халқ хўжалик юкларини асрашга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъиятлилиқ билан назорат олиб борилиши зарурлиги;

Транспорт прокуратуралари бу муҳим вазифани амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар ҳамда бошқа тегишли прокуратуралар билан ўзаро ҳамкорлик олиб боришлари кераклиги;

Давлат тасарруфидан чиқариш, давлат ва жамоат мулкани хусусийлаштиришга, кичик, қўшма, хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солишга

қаратилган қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилиши лозимлиги таъкидланган.

Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг жамият олдидаги энг муҳим вазифасидир.

Шунда прокурор ваколатлари:

- Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳамда виждон эркинлиги ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш;

- шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш;

- фуқароларнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, уларнинг мулки дахлсизлигини муҳофаза қилиш;

- шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашга, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунда кўрсатилган тарғибда ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини ҳимоялаш;

- ҳар бир шахснинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш, пенсия таъминоти ҳуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда муҳофазасини таъминлаш;

- бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқларни муҳофаза қилиш;

- фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмак беришга йўналтирилиши белгиланган.

Буйруқ билан аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат асосий вазифа деб белгиланган. Шунда алоҳида эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар катламларига белгиланган имтиёزلарни таъминлашга доир қонунлар ижросига қаратилсин дейилган.

Шунингдек, ташкилот ва корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил қилиш, такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисодий ислохотлар муносабати билан иш жойларининг қисқартирилиши оқибатида ишдан бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратнинг таъсирчанлиги оширилиши лозимлиги;

Фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик ва сансалорлик билан муносабатда бўлиш, ижтимоий адолат талабларига риоя этмаслик, инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига тўсқинлик қилиш ҳолларига барҳам бериш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат кескин кучайтирилиши кераклиги;

Давлат бошқарув идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларига зид равишда қабул қилинган ноқонуний ҳужжатларни аниқлаш ва уларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилиши лозимлиги таъкидланган.

Бунда-Республика вазирликлари, концернлари, корпорациялар, ассоциациялар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарув ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда давлат органлари ҳамда назорат идоралари раҳбар ва мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ва мансабдор

шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлари қонунийлигига алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги;

Протест келтириш йўли билан қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳамда ноқонуний қарорлар бекор қилиниши ёки уларнинг қонун талабларига мослаштирилишига эришилсин. Протестни қаноатлантириш рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, бир ойлик муддат ичида ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этилиши таъминланиши;

Худуд прокурорлари томонидан республика бошқарув органларининг қонунга зид бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда бу ҳужжатни қонунда белгиланган тартибда бекор қилинишини сўраб тегишли тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилиш амалиёти йўлга қўйилиши лозимлиги;

Назорат текширувлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга йўналтирилиб, ишнинг тўғри ва аниқ режалаштирилишига жиддий эътибор қаратилиши кераклиги;

Текширишнинг йўналишидан қатъи назар, бу объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини, шунингдек, фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилишида қонунларга риоя қилинишини ҳамда ҳуқуқий хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашилган ҳолда ҳар бир текшириш режаларига мажбурий тартибда киритилиши қатъий белгиланиши;

Қонун бузилишларини ва уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф қилиш мақсадида назорат тартибида такрорий текширишларни ўтказиш амалиётидан кенг фойдаланилиш зарурлиги;

Назорат тартибида қонунлар ижроси устидан текширув услуги такомиллаштирилиб борилсин, текширувларга тегишли мутахассисларни жалб этиш, прокурор назорат ҳужжатлари: протест, тақдимнома, ариза, қарор ва огоҳлантирувларнинг сифатли бўлиши таъминлансин, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитлар чуқур таҳлил этилиб, уларнинг

олдини олиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида мутасадди раҳбарларга аниқ таклифлар киритилиши кераклиги;

Прокурор назорати ҳужжатини меҳнат жамоасида, ўз иштирокида, ошқора кўрилишига ва натижаси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига эришилиши лозимлиги;

Республика Бош прокуратураси фуқароларнишг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Ҳарбий прокурорлари қуйи прокурорлар томонидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг сифати мунтазам равишда ўрганиб борилиши зарурлиги;

Қуйи прокурорлар томонидан қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари ҳар ойда юқори турувчи прокурорга ўрганиш учун юборилиши таъминланиши кераклиги;

Прокурор назорати ҳужжатларининг сонига қараб баҳо бериш амалиётидан тўлиқ воз кечилиши лозимлиги;

Шу муносабат билан қуйи турувчи барча прокурорларга бир турдаги прокурор назорати ҳужжатини иккинчиси билан алмаштириш қатъиян тақиқланиши таъкидланган.

Шунингдек, буйруқда прокуратура идораларининг назорат фаолиятини ташкил этишда қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликни янада яхшилаш чоралари кўрилиши лозимлиги;

Текширув-назорат идоралари (контроль) билан ўзаро амалий алоқалар ўрнатилиб, қонунлар ижроси устидан биргаликда текширишлар ўтказиб борилсин. Давлат ва тармоқ назорат идоралари томонидан кўрилган чораларнинг қонунийлиги устидан назорат кучайтирилсин. Бунда назорат-текширув идоралари фаолиятининг қонунийлиги устидан мунтазам ва мақсадли назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида ҳар чоракда камида бир маротаба текширишлар ўтказиб борилиши кераклиги;

Ушбу органлар ходимларининг қонунсиз ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилган суистеъмоликлари тўғрисида

прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар бўйича чуқур ва ҳар томонлама текширишлар ўтказилиши таъминланиши зарурлиги;

Мурожаатлардаги тасдиқланган ҳолатлар бўйича қонуннинг бузилишига йўл қўйган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қатъий чоралар қўрилиши лозимлиги;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар муҳокамасига юборилган материалларнинг қонуний ҳал этилишини текшириб бориш мақсадида йилига икки маротаба таққослама далолатномалар тузилиши кераклиги;

Идоравий бошқарув ва текширув органлари фаолиятларида қонунларга риоя этилиши бўйича прокурор назорати аҳволи ҳар б ойда бир маротаба умумлаштириб борилиши лозимлиги белгиланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда судга даъво аризаси бериш ҳуқуқидан кенг фойдаланилиш зарурлиги;

Бу ваколат, айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликка оид ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилиши лозимлиги;

Шунда соғлиғи, ёши (вояга етмаганлар, қариялар) ёки бошқа сабабларга кўра суд орқали ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг манфаатига судга даъво (ариза) тақдим этиш прокурорнинг вазифаси эканлигига жиддий эътибор қаратилиши кераклиги;

Хўжалик ҳуқуқий муносабатларида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамият ташкилотларига етказилган зарарни ундириш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши, банкрот деб топиш ва хўжалик муносабатларидан келиб чиқувчи бошқа масалалар юзасидан даъво киритиш муҳим вазифа деб ҳисобланиши зарурлиги;

Корхона, ташкилот ва муассасалар манфаатларига етказилган моддий зарар регресс тартибида даъво кўзғатиш йўли билан мутасадди мансабдор шахслардан ундирилишига эришилиши лозимлиги қайд этилган.

Буйруқда, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва тегишли бўлимлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Транспорт ва қуроли кучлар ҳарбий прокурорларига:

Текширишларни ўтказишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг олдини олишга, сифати ва самарадорлигини таъминлашга, ҳар ҳисобот даврининг бошида назорат-текширув (контроль), иқтисодиёт ва статистика ҳамда бошқа идораларнинг қонунчилик ҳақидаги маълумотларини олиш ва ёзма равишда таҳлил қилиб, улардан назорат фаолиятини режалаштиришда фойдаланишга эришиш;

Маҳкамалар фаолиятини, биринчи навбатда, туман ва шаҳар прокуратураларининг назорат фаолиятини яхшилашга қаратиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб бориш, қуйи поғонадаги барча прокуратура идораларининг қонунлар ижросини текширишда ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш талаб этилади.

Прокуратура органларининг фаолиятига ҳар қандай қонунсиз аралаштиришлар ҳақида зудлик билан юқори турувчи прокурорга ахборот берилиши кераклиги;

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар йили тегишли ҳудуд халқ депутатлари Кенгашларига, зарур ҳолларда эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик аҳволи ҳақида ахборот тақдим этишлари лозимлиги;

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов ходимлари малакасини ошириш маркази билан ходимлар малакасини оширишда, умумий назорат сифатини яхшилашга қаратилган тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқишда ижодий ҳамкорликни ривожлантириш топширилиши;

Кўрсатилган вазифаларни тегишли бўлим ва бошқармалар узвий ва доимий ҳамкорликда амалга ошириши таъминланиши кераклиги таъкидланган.

Шулар қаторида, Республика Бош прокуратураси кадрлар бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, Ўзбекистон қуроли кучлар ҳарбий, Транспорт,

ихтисослашган, шаҳар-туман прокуратураларида умумий назорат соҳасида хизмат қилиш учун тажрибали ва малакали кадрларни танлаш, касб маҳоратига эга бўлган ходимлар кўнимсизлигига йўл қўймаслик топширилганлиги;

Вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида назорат ишини ташкил этиш учун шахсан масъул ва жавобгар эканлиги қайд этилган.

Буйруқнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига юклатилган.

Буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги «Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги 4-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши белгиланган.

4-§. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашишига йўл қўйилмаслиги

Мустақилликнинг дастлабки йилларида прокурорлик назоратининг муҳим қисми бўлмиш умумий назорат қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ислохотларни қўллаб-қувватлаш борасида етарли ва тўғри усулда ташкил этилишига қарамадан бозор иқтисодиётига ўтилиши ҳамда мулкчилик шакллариининг кўпайиши муносабати билан умумий назоратни янги сифат даражасига кўтариш зарурати пайдо бўлди.

Шунинг учун 2001 йилда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида "Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашишига, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди", -деган норма кўзда тутилди. Бунинг асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллиги таъминланиб, бозор иқтисодиёти шароитида ўзларининг эркин фаолият кўрсатиш имконияти кенгайтирилди. Бунга кўра прокурорлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига фақатгина қонунда белгиланган тартиб ва асослардагина аралаша олишлари мумкин.

Махсус қисм
қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган

-қонунлар ижроси устидан назорат (Умумий назорат)

-фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат

-жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

-ушлаб турил анларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

-жиноят, фуқаролик, ҳўжалик судларида ишларни кўришда прокурор иштироки

-жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

-жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш

-чет давлатлар прокуратура органларининг фаолияти ва ташкил этилиши

Ўзбекистон прокуратура органларининг чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан халқаро ҳамкорлиги

**Прокурор назорати фаининг махсус
қисмида қуйидагилар ўрганилади**

қонулар ижроси устидан назорат предмети
прокурорлар томонидан қандай ваколатлар
воситасида амалга оширилиши

фукаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя
этилиши устидан назорат предмети прокурорлар
томонидан қандай ваколатлар воситасида амалга
оширилиши

жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган
органлар томонидан қонуларнинг ижро этилиши устидан
назоратни амалга оширишда ҲМҚО билан
прокуратуранинг ўзаро муносабати

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш
жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг
бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонуларнинг ижро
этилиши устидан назорат

жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятига
прокурорнинг процессуал раҳбарлиги ва ҳар бир қабул
қилинган ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини
таъминлаш

жиноят ишнни қўзғатиш, дастлабки терговни
тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов
чоралари қўлланнинг қонунийлиги устидан назорат

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонулар ижроси
устидан прокурор назорати

Ҳар бир йўналиш бўйича прокурор назорати
ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш
асослари ва тартиби

Прокуратура органлари ходимлари, уларни
рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш
асослари ва тартиби, ҳужжатларнинг ўзига хос
хусусиятлари

**Қонулар ижроси
устидан
назоратнинг
мазмуни:**

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирилашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонуларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларига мувофиқлигини назорат қилиш

давлат бошқаруви органлари ва соҳасида қонуларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини устидан прокуратура органларининг назорати

Умумий назорат бутун давлат ҳудудида қонуларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш, қонуийликнинг бир хил тушунилишини таъминлаш билан бирга, жиноий ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

**Қонунлар ижроси
устидан
назоратнинг
мақсади:**

Прокуратура
органлари давлат
бошқаруви соҳасида
қонунлар ижроси
устидан назоратини
амалга ошира бориб,
жамият ва давлат
олдида турган
фуқаролар
эҳтиёжларини
қондириш, уларнинг
моддий таъминотини
яхшилаш,
фуқароларнинг
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини
таъминлаш учун
шароит яратиш

прокурорлар умумий
назорат соҳасида ўз
ваколатларини амалга
ошира бориб, бошқа
орган ва ташкилотлар
билан биргаликда
сиёсий, давлат,
иқтисодий, ижтимоий,
миллий ва маданий
қурилиш
масалаларини ҳал
қиладилар

Давлатимиздаги
қонунийликни
мустақкамлаш, қонун
бузилиши ҳолларини
аниқлаш, уларнинг
вужудга келишига
сабаб бўлган шарт-
шароитларни
бартараф этиш

**Қонунлар ижроси устидан назоратнинг
Предмети**

"вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади

Умумий назорат бўйича прокурорлик назоратининг предмет ва доираси 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни билан белгиланган.

Прокурорлик назорати предметига Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари кирмайди, уларнинг ижроси қай даражада амалга оширилаётганлиги ёинки, уларнинг ижроси устидан назорат киради.

**Прокурорнинг қонунлар
ижроси устидан (умумий)
назоратни амалга ошириши
бўйича ҳуқуқий асослар.**

Қонулар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибга ўтказилави.

Қонулар ижроси юзасидан текширишлар ўтказишга иш режалари, Ҳайъат мажлиси, мувофиқлаштирувчи ва идоралараро кенгашлар қарорлари, Бош прокуратура раҳбарияти томонидан ижроси талаб қилинган ҳужжатлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар асос бўлави.

**Умумий назорат соҳасида прокурорнинг
ваколатлари, асосан, Ўзбекистон
Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги
қонунининг 22-соддасига мувофиқ Қонулар
ижроси юзасидан текширишлар, асосан,
тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда
ўтказилави**

ваколатлар ҳуқуқнинг бошқа манбалари, хусусан, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, меҳнат, жиноят-ижроия, маъмурий-ҳуқуқий, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига ҳам асосланган

**Қонунлар ижроси устидан
(умумий) назоратни амалга
ошириш бўйича прокурорнинг
ваколатлари**

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудудига ва хоналарига монеликсиз киришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга.

Давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва идоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратилиши талаб қилишга

Мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга

Текширишлар ўтказганда прокурор хўжалик фаолиятининг у ёки бу соҳаси бўйича мутахассислар жалб қилишга

Мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир

**Прокурорнинг қонунлар
ижроси устидан (умумий)
назоратни амалга ошириш
бўйича ваколатлари доираси:**

Текширишлар ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа керакли ҳужжатлар ҳамда ахборотларни тақдим этиш, мутахассислар жалб қилиш, прокуратурага келиш ва қонун бузилиши соҳасидан тушунтиришлар бериш барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун прокурор талаб қилган тақдирда мажбурийдир.

Текшириш, тафтиш, идоравий ва идоравий экспертиза прокурор белгиллаган муддатда ўтказилиб, натижалар ҳақида мажбурий тартибда прокурорга маълумот берилиши керак

Мансабдор шахслар ва фуқаролар прокурорнинг талабларини бажармаганликлари учун қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда, прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур

**Прокурорнинг қонунлар
ижроси устидан (умумий)
назоратни амалга ошириш
бўйича ваколатлари
доирасидаги вазифалари**

Бу фаолиятни амалга ошириш борасида, биринчидан, тегишли назорат идоралари ва бошқа давлат идораларидан жойлардаги қонунчилик аҳволи, иқтисод соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг жараёни, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар уларнинг бориш динамикаси ва уларга тўсқинлик қилаётган факторлар юзасидан тегишли маълумотлар талаб қилиб олиниши

Иккинчидан, тўпланган маълумотларни тўлиқ ва чуқур таҳлил қилиш, улар орасидан прокурор таъсир чоралари қўлланиши талаб қилинаётган конкрет йўналишлар ва тармоқларни аниқлаш зарур

Чикарилаётган ҳуқуқий актларнинг Конституция, қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига мослигини, бир кварталда камида бир мартаба текширилишини ташкил этиш зарур

Ноқонуний актлар протест келтириш йўли билан бекор қилиниши ёки қонунга мувофиқлаштирилиши лозим. Протест тегишли мансабдор шахс ёки идора томонидан рад этилган ҳолда, белгиланган 1 ойлик муддат ичида судга протестни рад этиш ҳақидаги қарор ноқонуний эканлигини гап олинишини талаб қилиб ариза киритилиши лозим.

Биринчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари.
2. Умумий назоратнинг моҳияти ва мақсади нима?
3. Умумий назорат қандай вазифаларни амалга оширади?
4. Прокурорларнинг умумий назорат бўйича фаолияти предмети нима?
5. Биз прокурорлик назорати предметиға нималарни кирита олмаймиз?
6. Умумий назорат соҳасида прокурорнинг ваколатлари.
7. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб неча кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт?
8. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида неча кунлик муддат ичида прокурорға ёзма равишда маълум қилинади?
9. Прокуратура органларининг ҳуқуқий муҳофаза функцияси нима?
10. Прокурорлик назорати амалиёти қонунчиликнинг қандай бузилишларини кўрсатиб ўтади?
11. Назорат предмети нима?
12. Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокурор ваколатлари.
13. Протестни қаноатлантириш рад этилганда прокурорнинг ҳаракатлари.
14. Протестни қаноатлантириш рад этилганда қанча муддатда прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида судға ариза билан мурожаат қилиши керак?
15. Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича прокурорнинг ваколатлари.

2-БОБ. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.

РЕЖА :

1-§.Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари.

2-§.Прокурорнинг ваколатлари.

3-§.Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

4-§.Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади⁴, деб таъкидлаган эди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий муҳофаза функцияси – махсус ҳуқуқий институт билан реализация қилинадиган давлатдаги ҳуқуқий муҳофаза механизмнинг звеноларидан биридир. Кўп йиллик статистик кузатишлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, сўзсиз, прокуратура органларининг роли фаол (актив)лигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун прокуратура органларига мурожаатларининг сони судга мурожаат қилишдан 10 баробар кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсларнинг ҳуқуқий мақоми принциплари шундай мустаҳкамлаб қўйилганки,

⁴ Каримов И. А. Алолат – қонун устуворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й., 30 авг.

улардан тенг ҳуқуқлилиқ, ҳуқуқ, эркинлик, мажбуриятларнинг кафолатланганлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларни суиистеъмол қилиш тақиқланганлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни қонунсиз чегаралашнинг тақиқланишини қайд қилиш мумкин. «Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори ҳамма-ҳаммаси одамларимизда Қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқни шакллантиришга қаратилмоғи лозим⁵».

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунинг 2- боби Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат деб номланиб, 24-моддада назорат предмети қайд қилинган. Унга кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

2-§. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб:

- Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

- Аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

- Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олади ва бартараф этади;

- қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

- Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган, тақдирда

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср босқасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 94 б.

прокурор жиноят иши кўзгатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради;

- Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзгатади;

- зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради (25-модда).

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратуранинг бирча ҳуқуқий муҳофаза потенциали бош вазифани ечишга киратилган:

Қонун устуворлигини таъминлаш, бирлик, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат функцияси қонуннинг махсус бобига киритилган. Бу назорат фаолияти умум аҳамиятли манфаатлар ҳимоясига қарши қўйилган эмас. Қонунчилик, инстимой амалиёт фуқаролар ва уларнинг жамоаси ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлигидан келиб чиқди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий фуқаролардан танқари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам яшайди.

Фуқаролик қонунчилиги билан ўрнатилган, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабига асосан, қоидалар чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари иштирокидаги муносабатларга қўлланади. Бу субъектлар хўжалик оборотининг иштирокчисидир; улар Ўзбекистон қорхоналари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга, айрим ҳолларда, қонун билан ўрнатилган (масалан, “Чет эл инвесторлари тўғрисида”ги) қонун белгиланган мулкка ҳам эгадирлар.

Конституцияга кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг асосда ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўладилар. Ҳозирги вақтда бошқа мамлакатларнинг қонунчилиги

бўйича, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан, ҳамда Ўзбекистон ва ўша чет эл давлати ўртасида тузилган халқаро шартномаларга кўра, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг баъзи ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аналогик ҳуқуқ ва мажбуриятлари: масалан, сайлов ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви аппаратларида хизмат қила олмаслиги ҳамда уларга ҳарбий мажбурият тааллуқли эмаслиги ва бошқалар. Чунки, чет эл фуқаролари бу ҳуқуқ ва мажбуриятларга ўзларининг давлатлари томонидан ўрнатилган қонунларга асосан эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг шу ҳақдаги қонунлари бутун дунёнинг каерида бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли бўлгани каби, чет эл фуқароларига нисбатан ҳам уларнинг давлатлари томонидан қабул қилинган қонунлар бутун дунё буйлаб ўз фуқароларига нисбатан татбиқ этилади. (масалан: бошқа давлатларда жойлашган элчихона, консулликларда ишловчи фуқаролар ўз давлатлари қонунларида кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчлардан тўлиқ фойдаланадилар, шу билан бирга, аналогик ҳуқуқ ва бурчлардан ҳам фойдаланадилар).

Фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат предмети аниқлаш (белгилаш) жуда ҳам муҳим бўлиб, конституцияда белгиланганидек, фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фақат қонун билан қуйидаги ҳолларда чегараланиши мумкин: конституциявий тузум асосини ҳимоя қилиш мақсадида; бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида; давлат ва халқнинг муҳофазасини таъминлаш мақсадида. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан бошқача чеклашлар. Қонунга асосланмаган бўлади ва улар прокурор назоратидан четда қолмаслиги лозим.

Фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси истисносиз, барча назорат чора-тадбирларида инобатга олинади.

Нazorat фаолиятини белгиловчи асосий тамойил ҳуқуқ ва мажбуриятларда, Қонун ва суд олдида тенгҳуқуқлилик тамойилини ўзида ифода этувчи расмий юридик тенглик

тамоғидан иборатдир. Юридик маънода ҳуқуқ ва мажбурият тенглиги жамиятдаги индивиднинг фактик ҳолатига мос келмайди. Бундай ёндашиш прокурорнинг назорат қилишдаги ҳаттоларидан далолат беради. Бировларнинг ҳуқуқи бузилиши ва бошқа фуқаролар имкониятларини ноқонуний кенгайтириш назорат фаолиятида одатий ҳолдир.

Фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан прокурор назорат предметиға конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, яъни ҳар қайси фуқаро ва инсонларга тегишли бўлган ҳуқуқ киради. Бу ҳуқуқлар барча учун тенг ва бирдир, улар Конституция билан белгиланган.

Конституцияда баён қилинган фуқароларнинг конкрет ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ мантикий асосга эга.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларига асосан, аънавий конституциявий ҳуқуқлар 3 гуруҳга бўлинади:

- 1) шахсий ҳуқуқлар;
- 2) сиёсий ҳуқуқлар;
- 3) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар.

Бу классификация фуқаролар ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги декларацияда келтириб ўтилган – янашга бўлган ҳуқуқ, шахс кадр-қимматининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши, шахсий дахлсизлик прокурор назоратининг барча соҳалари (асосий фаолият йўналишлари) томонидан ҳимоя қилинадиган шахсий ҳуқуқни яратади. Кадр–қиммати, соғлиғига зарар, тан жароҳати етказиш кўринишидаги фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз жиной жавобгарлик ҳаракатлари элементини ташкил қилади.

Фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратига оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғи ҳам мавжуд бўлиб, бу буйруқда прокурорнинг ваколатлари ва мажбуриятлари кўйд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятини самарадорлиғи-

ни ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 22 июнь кунги 25 сонли буйруғида:

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаси - Республика ҳудудида қонун устиворлигини таъминлаш, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқчилигини, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар назорат фаолиятини амалга оширишда:

Мамлакат ҳудудида барча ҳуқуқ субъектлари, улар кимга бўйсунушидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳамда барча мансабдор шахслар томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишга мажбур эканликлари, яъни қонун талабларини ҳеч қандай вазиятда ҳар хил талқин қилишга йўл қўймасликни, қонунлар қарама-қаршилиги ҳолатларида олий юридик кучга эга бўлган Конституция нормалари ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши эътиборга олишлари лозимлиги;

Прокурор назорати давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ва фақат қонунга асосланиб олиб борилсин ва қонун бузилишлари ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, ўз вақтида унинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар қўлланишига, бузилган ҳуқуқларнинг амалда тикланишига эришилиши кераклиги;

Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижроси устидан таъсирчан ва доимий назорат олиб бориш устувор йўналишлардан бири деб ҳисобланиши лозимлиги;

Шаклидан қатъи назар, мулкдорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ва давлатга етказилган зарарларни ўз вақтида, тўлиқ ундириш, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини қўриқлаш билан биргаликда, иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мансабдор шахслар, маҳаллий ҳокимият, бошқарув органлари, текширув назорат (контроль) идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг аниқ бажарилиши прокурор назоратининг диққат марказида бўлиши таъминланиши лозимлиги;

Республика агросаноат комплексини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни олиб боришда: ер, сув ва ўрмон бойликлари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини, мавжуд техника воситаларини, минерал ўғитларни сақлаш ва улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланиш, деҳқон, фермер, шахсий ёрдамчи, жамоа хўжаликлари, деҳқончилик саноати уюшмалари машина-трактор парклари фаолиятини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактиция қилишни тартибга солувчи, қишлоқ инфратузилмаси яратилишига йўналтирилган қонунларнинг оғинмай бажарилишига, жамоа хўжаликлари фаолиятини жамоатчилик асосида бошқариш тартибига риоя этилишига алоҳида эътибор берилиши зарурлиги;

Иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийлик аҳволини янада мустаҳкамлаш, тўлов интизомига риоя қилиш, ёнилғи-энергетика маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш, шартнома мажбуриятларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозимлиги;

Табиат муҳофазаси қонунчилиги устидан назорат олиб боришда ер фонди турлари ҳуқуқий мақоми ноқонуний ўнгартрилишига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шундан чиқаришга, ўрмон бойликлари, ҳайвонот дунёсининг йўқотилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, сувдан хўжасизларча фойдаланишга қарши курашга қаратилган қонун талабларига риоя этилишига эътибор кучайтирилиши кераклиги;

Бу борадаги назорат ва прокурорлик таъсир чоралари самарадорлигини кескин ошириш мақсадида мазкур соҳаларда мугасадди бўлган тармоқ назорат-текширув (контроль) идоралари билан ҳамкорлик янада мустаҳкамлансин ва уларнинг фаолияти устидан назорат кучайтирилиши зарурлиги;

Ўзбекистон халқининг маданий мерослари ва архитектура ёдгорликларини қўриқлаш, тарихий, бадий, миллий, илмий ва маънавий обидаларни сақлашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати шакли ва усуллари тубдан ўзгартирилиши лозимлиги;

Бу йўналишда текширишлар ўтказишда, биринчи навбатда, маданий тарихий обидаларнинг сақланиши, уларнинг қонунсиз сотилиши ва Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ҳамда четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга масъул бўлган давлат идоравий бошқарув ҳамда текширув органлари томонидан олиб борилаётган ишлар самарасига алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги;

Мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик, ишлаб чиқариш ва молия интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат кучайтирилсин. Хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, хўжасизлик, кўзбўямачилик, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёнилғи-энергия манбаларидан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш, нарх-навони асоссиз кўтариш, шунингдек, савдо ва бозорлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни бузиш каби ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан кескин чоралар кўриб борилиши лозимлиги;

Солиқ, пул-кредит, қимматбаҳо қоғозлар, банклар, банк фаолияти ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан доимо назорат олиб борилсин ва кескин кучайтирилиши кераклиги;

Ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш йўли билан, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларига зарар етказмаган ҳолда, чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоялаш таъминланиши лозимлиги таъкидланган. Шунда:

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига ҳилоф равишда тинқи савдо битимини тузиш, экспорт-импорт маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов муддатлари бузилиши ҳолларининг олдини олиш ҳамда валюталарни мажбурий равишда сотиш тартибига қатъий риоя этилиши;

импорт маҳсулотлари сифатининг назоратини амалга ошириш билан бир қаторда, истеъмол бозорларига паст навли ва сўхта буюмлар, табиатни ифлослантирувчи технология ва ускуналар, шунингдек, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган озиқ-овқат ҳамда бошқа маҳсулотлар киришининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозимлиги;

қўшма корхоналар, шунингдек, чет эл фирма ва компаниялари вакилликларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, инвестиция дастурлари ижроси билан боғлиқ ҳар қандай қонунбузарликларнинг бартараф этилишига эришилиши лозимлиги;

чет эл инвестициялари мавжуд бўлган корхоналарнинг фаолиятини, етарли асослар бўлмай туриб, текширилишининг олдини олиш мақсадида, ушбу корхоналарда қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисида қатъий сабаблар бўлган ҳолларда, Республика Бош прокуратураси билан келишилган ҳолда, ҳудуд прокурорлари томонидан текширишлар ўтказиш белгиланган.

Шунингдек, буйруқда республика темир йўл, автомобил, ҳаво ва сув йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, ташиладиган халқ хўжалик юкларини асрашга қаратилган қонунлар ижроси устидан қатъият билан назорат олиб борилиши;

Транспорт прокуратуралари, бу муҳим вазифани амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар ҳамда бошқа тегишли прокуратуралар билан ўзаро ҳамкорлик олиб боришлари зарурлиги;

Давлат тасарруфидан чиқариш, давлат ва жамоат мулкани хусусийлаштиришга, кичик, қўшма, хусусий корхоналар, ҳиссadorлик жамиятлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилиши;

Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг жамият олдидаги энг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланган.

Шунда прокурор ваколатлари:

❖ Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳамда виждон эркинлиги ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш;

❖ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш;

❖ Шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш;

❖ Фуқароларнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, улар мулкнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш;

❖ Шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шaroитларида ишлаш, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини муҳофаза этиш;

❖ Ҳар бир шахснинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш, пенсия таъминоти ҳуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда муҳофазасини таъминлаш;

❖ Бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқларни муҳофаза қилиш эканлиги кўрсатиб берилган.

Шунингдек, буйруқда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмак беришга йўналтирилиши белгиланган.

Прокурорларнинг ушбу соҳа бўйича эътибори, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат асосий вазифа деб белгилансин. Шунда алоҳида эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар қатламларига белгиланган имтиёزلарни таъминлашга доир қонунлар ижросига қаратилишига;

Ташкилот ва корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил қилиш, такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисодий ислохотлар муносабати билан иш жойларининг қисқартирилиши оқибатида ишдан бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратнинг таъсирчанлиги оширилишига.

Фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик ва сансалорлик билан муносабатда бўлиш, ижтимоий адолат талабларига риоя этмаслик, инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига тўсқинлик қилиш ҳолларига барҳам бериш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат кескин кучайтиришга қаратишлари лозимлиги белгиланган.

Худди шундай, давлат бошқарув идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларига зид равишда қабул қилинган ноқонуний ҳужжатларни аниқлаш ҳамда уларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилиши кераклиги;

Бунда-Республика вазирликлари, концернлари, корпорациялар, ассоциациялар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарув ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда давлат органлари ва назорат идоралари раҳбар, мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ҳамда мансабдор шахсларни

маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлари қонунийлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги;

Протест келтириш йўли билан қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳамда ноқонуний қарорлар бекор қилиниши ёки уларнинг қонун талабларига мослаштирилишига эришилсин. Протестни қаноатлантириш рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида қўриб чиқилмаган тақдирда, бир ойлик муддат ичида ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этилиши таъминланиши зарурлиги;

Худуд прокурорлари томонидан республика бошқарув органларининг қонунга зид бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, бу ҳужжатни қонунда белгиланган тартибда бекор қилинишини сўраб тегишли тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мурожаат қилиш амалиёти йўлга қўйилиши кераклиги таъкидланган.

Назорат текширувлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга йўналтирилиб, ишнинг тўғри ва аниқ режалаштирилишига жиддий эътибор қаратилиши;

Текширишнинг йўналишидан қатъи назар, объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини, шунингдек, фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилишида қонунларга риоя қилинишини ҳамда ҳуқуқий хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашилган ҳолда, ҳар бир текшириш режаларига мажбурий тартибда киритилиши қатъий белгиланиши;

Қонун бузилишларини ва уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф қилиш мақсадида назорат тартибида такрорий текширишларни ўтказиш амалиётидан кенг фойдаланиш зарурлиги;

Назорат тартибида қонунлар ижроси устидан текширув услуги такомиллаштириб борилиши кераклиги;

Текширувларга тегишли мутахассисларни жалб этиш, прокурор назорати ҳужжатлари: протест, тақдимнома, ариза, қарор ва огоҳлантирувларнинг сифатли бўлиши таъминлаш, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитлар

чуқур таҳлил этилиб, уларнинг олдини олиш, қонунни бузган шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида мутасадди раҳбарларга аниқ таклифлар киритилиши;

Прокурор назорати ҳужжатини меҳнат жамоасида, ўзиниширокида, ошқора кўрилишига ва натижаси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига эришилиши лозимлиги таъкидланган.

Республика Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Ҳарбий прокурорлари қуйи прокурорлар томонидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларининг сифати мунтазам равишда ўрганилиб борилиши лозимлиги;

Қуйи прокурорлар томонидан қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари ҳар ойда юқори турувчи прокурорга ўрганиш учун юборилиши таъминланиши лозимлиги;

Прокурор назорати ҳужжатларишиг сонига қараб баҳо бериш амалиётидан тўлиқ воз кечиш лозимлиги;

Шу муносабат билан қуйи турувчи барча прокурорларга бир турдаги прокурор назорати ҳужжатини иккинчиси билан алмаштириш қатъиян таъкидланиши белгиланган.

Шунинг билан бирга қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти бўйича қўйилган қатор талаблар кўрсатилган.

3-§. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ ҳамда амалдаги қонунчилик ўрнатган доирада фаолият кўрсатади.

Назорат фаолиятининг мазмуни қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Ўзбекистон Республикасида ягона ҳокимият манбаи ва суверенитет ташувчиси бўлиб, унинг кўп миллатли халқи ҳисобланади;

Халқ ўз ҳуқуқини, бошқарувда умумий ишлар бўйича иштирок этиб, шунингдек ўз вакиллари орқали иштирок этиб, реализация қилади.

Бошқарувда фуқароларнинг бевосита иштирокининг шакли бўлиб, тегишли ҳудудда истиқомат қиладиган фуқароларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, турли хил масалалар бўйича ўтказиладиган референдумлар хизмат қилади.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар, намоишлар ўтказиш ҳуқуқини шунингдек, сиёсий ҳуқуқлардан муҳимларини ўтказишни мустаҳкамлаб қўйилган.

Сайлов қонунчилиги ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик қайта ишлаб чиқилганлиги катта аҳамиятга эгадир. Ушбу икки қонун устидан назорат – прокурорлик фаолиятининг янги йўналишидир.

Сайлов ҳуқуқларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим ролни сайлов тўғрисидаги қонунлар ўйнайди. Бу қонунлар фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ҳисобланади.

Сайлов қонунчилиги ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим :

- жойларда маҳаллий халқ депутатлари, кенгашларига сайлов ўтказишда, норматив актлар чиқарилишида сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига зид келмаслигига ;

- фуқаролар алоҳида категорияларининг сайлов ҳуқуқларини чеклаш ҳолларига йўл қўймаслик (тегишли ҳудудда узок муддатга доимий яшашни талаб қилиш; доимий яшаш жойини вақтинча ташлаб кетганларни сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш);

- депутатликка номзодларни қайд (регистрация) қилиш учун қўшимча шартлар киритилишига (туб аҳоли сўзлашадиган тилни билиш; гаровга қўйиш ва бошқалар);

- жамоат бирлашмаларининг сайлов жараёнида қатнашиш ҳуқуқини чеклашга;

- фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисидаги қонунда кўрсатилган битта сайлов органига сайловчилар вакиллари ўрта меъёрини оширишга;

- номзод сифатида руйхатдан ўтказилган давлат ёки ҳокимият тизимида хизмат қилувчи мансабдор шахсларни сайловолди ташвиқотини ўтказишда ўз манфаатларини кўзлаб, мансаб ваколатларини суниистеъмол қилишларига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлигига сайлов бўйича сайловолди компанияларида содир қилиниши мумкин бўлган қуйидаги қонун бузилишларига нисбатан тантиборни (прокурорлик назоратини) кучайтириш зарур:

- депутатликка номзодларни тақдим қилиш ва уларни қайд қилишда имзо варақалари сохталаштирилишига;

- депутатликка номзодликни қайд қилишни қонунсиз равишда рад қилиш (ўзлари учун зарур бўлган депутатни қўллаб-қувватлаш учун, атайин ўйлаб чиқарилган асосларга кўра, имзолар сонини пасайтириш);

- депутатликка номзодликни қайд қилиш учун топширилаётган ҳужжатларни асоссиз равишда рад қилишга ;

- сайловолди ташвиқоти мобайнида ҳуқуқларнинг бузилишига (асосан сайловолди ташвиқотида тақиқланган услубларни қўллашда ифодаланиши мумкин);

- сайлов ва сайлов якунини ўтказишда сайловлар ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик талабларидан чекиниш ва бошқаларга.

- қонунда белгиланган тартибда тегишли руйхатдан ўтганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлган сайлов бирлашмаларининг (блоклар, ташаббускор гуруҳлар) ваколатли вакиллари томонидан имзолар йиғилишининг ўрнига, маъмуриятнинг мансабдор шахслари томонидан айрим номзодни қўллаб-қувватлаш учун имзо йиғилиши ҳоллари кузатилиши мумкин;

- ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан айрим номзоднинг сайланиши учун махсус штаблар, кенгашлар ташкил қилиш, ўз ваколатларига тегишли бўлган, мансаб нуқтаи назаридан хизмат бўйсунувидаги оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиб, шундай усуллар ёрдамида сайлов компанияларида устунликка эга бўлиш хатти-ҳаракатларини амалга оширганлар.

Россия ва Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ўхшашлигидан келиб чиқиб, шу каби қонунбузилиш ҳоллари содир бўлмаслиги учун, шу ҳақдаги амалда бўлган қонунчилигимиздан келиб чиқиб, қонунлар ижроси устидан назорат тўғри йўналтирилиши лозим.

Фуқароларнинг сиёсий сайлов ҳукукини ҳимоя қилиш соҳасида прокурорлик назоратининг вазифалари икки йўналиш бўйича йўналтирилган бўлиши керак :

- сайлов комиссиялари томонидан чиқариладиган норматив актларни (меъёрий ҳужжатлар) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги устидан прокурор назорати;

- сайлов комиссиялари фаолиятида қонунийлик устидан назорат.

Сайлов фондининг молиявий маблағларига кучайтирилган диққат билан қараш лозим. Сайлов фонди маблағларининг ташкил топиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси қандай амалга оширилаётганлик аниқланиши ва албатта, молиявий ҳаражатлар ҳисоботи қилиниши зарур. Молиявий ҳисоботлар тақдим қилинмаса, жавобгар шахс тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Охириги вақтда жамоат бирлашмаларининг фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Уларнинг таъсири ташкилотларда сайлов ўтказишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий янгиланишларни амалга оширишда сезиларлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларимизга Низомларда кўрсатилган мақсадларни ҳал қилиш учун умумманфаат белгиси бўйича эркин жамоа бирлашишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-

қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг ва ташкилланишининг асосини эркинлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ўз-ўзини бошқариш, ошқоралиқ ва қонунийлиқ принциплари ташкил этади.

Қонунчилик жамоат бирлашмаларини мажбурий давлат рўйхатидан ўтишини назарда тутди, яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56- моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Қасаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Қасаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. (Конституциянинг 59-моддаси).

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Давлат ва жамоат бирлашмалари ўз муносабатларини ўзаро аралашмаслик асосида тузадилар. Бундан давлат органлари жамоат бирлашмаларида таъсисчи бўлиб иштирок этишлари ман этилганлиги тушунилади.

Конституциямизнинг 58-моддасида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслик тамойили мустаҳкамланган.

Жамоат бирлашмалари аъзоси ёки иштирокчиси бўлиб жисмоний ва юридик шахслар қатнашадилар. Давлат жамоат ташкилотларининг эркин ривожланишига қафолат беради.

алоҳида (ёшлар, болалар, қариялар, ногиронлар) ташкилотларга эса моддий кўмак беради.

Қонунда жамоат бирлашмаларининг турли хил ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган, яъни, жамоат ҳаракатлари, жамоат фонди, жамоат ташкилотлари, жамоат муассасалари.

Уларнинг бир-бирдан мажбурий белгиси сифатида аъзолар сони ажратиб туради. Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, Ўзбекистон Республикаси давлат тузулишини, Конституциявий тузум асосини ўзгартиришга (яъни, салбий маънода) қаратилган, давлат хавфсизлигига путур етказувчи ижтимоий, ирқий, миллий ва диний келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Қонун тили билан айтганда, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Прокурорлик назорати амалиёти қонунчиликнинг қуйидаги бузилишларини кўрсатиб ўтади:

- фуқароларни сиёсий партияларга киришга мажбурлаш;
- жамоат ҳаракатлари, сиёсий партиялар таъсис ҳужжатларини рўйхатга олишнинг белгиланган тартибини бузиш;

- қонун билан белгиланган тартибда сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш принципига риоя этмасдан, ташкилотларда партиянинг бошланғич уяларини ташкил қилиш мақсадида, ишлаб чиқариш ташкилотларига кириб бориш;

- жамоат бирлашмалари фаолиятларига давлат органларининг қонунга асосланмаган ҳолда аралашуви;

- қуролли-ҳарбий тузилмалар ташкил этиш;

• конституцион тузумни зўравонлик билан ўзгартириш
ғоясини тарғибот қилиш;

• шовинистик ғояларни тарғибот қилиш;

Сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари томонидан эркинликни суиистеъмол қилиб, қонун билан тақиқланган ғояларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш хатти-ҳаракатлари прокурор назорати аралашувининг, сўзсиз, асоси ҳисобланади. Прокурорлар шу каби жамоат ҳаракатлари ва сиёсий партияларнинг фаолиятига нисбатан аёвсиз чоралар кўришлари, улар фаолиятининг зудлик билан мажбурий тўхтатилиши тўғрисидаги масалани оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат қилувчи давлат органлари олдида қўйишлари лозим. Шунингдек, уларнинг фаолияти учун берилган махсус рухсатнома (лицензия)ларни “Оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонун” талабларини бузганликлари учун, бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш шарт.

Кўча намойишлари, митинглари, мажлислар ўтказиш эркинлиги фуқароларга ўз сиёсий ва ижтимоий қарашларини ифода қилиш учун Конституция билан белгиланган ҳуқуқдир. Ушбу ҳуқуқларни фуқаролар томонидан амалга оширишда жамоат ва давлат манфаатлари поймол этилмаслиги, тартибсизликлар келтириб чиқарилмаслиги, тadbирларни ўтказиш тартибига фуқаролар томонидан риоя қилиниши, улар томонидан ўз вақтида ва қонун билан белгиланган тартибда давлат ижро ҳокимиятларини оғоҳлантиришлари, фуқаролар томонидан ўз сиёсий қарашлари ва ихтиёрларини эркин баён қилиш ҳаракатларига нисбатан қонунсиз равишда ортиқча талаблар қўйилмаслиги хатти-ҳаракатлари прокурор назорати предметининг бир қисми ҳисобланиши керак

Прокурор фуқаролар томонидан ҳам, давлат органлари томонидан ҳам ўз ҳуқуқларидан нотўғри равишда фойдаланмасликларини ўз назоратига олиши зарур.

Бутун дунёда сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишда қонун бузилишига йўл қўйилишининг энг тарқалган услуби бу-кўча намойишлари ва митинглари ўтказиш тартибига риоя қилмаслик ва фуқароларнинг митингини ўтказиш ва намойишларининг

стихияли (тартибсиз, ўз ҳолича) ривожланиши ҳамда илгаридан намоёиш, митинглар ҳақида огоҳлантирилмаслигидир.

Ушбу соҳада прокурор назорати диққатини бўшаштирмаслик лозим, айниқса, ижтимоий-иқтисодий тўлқинланиш ҳолати даврида масъулият кучайтирилиши керак.

Конституция билан белгиланган сиёсий ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 май кунги 4-сонли «қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида»ги Буйруғи мавжуд бўлиб, шу буйруқнинг 2.11 бандида «фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги, диний эътиқоди ва қарашларини ҳимоя этишга қаратилган, шунингдек давлат тили тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилсин» деб кўрсатиб қўйилган. Республикамиз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси прокуратура тизими ходимлари ушбу буйруқ талаби асосида, ўз фаолиятларини ташкиллаштирадидлар.

4-§. Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари индивиднинг ҳамда жамиятнинг муҳим томонларига таъсир қилади.

Янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши илгари давлат томонидан фуқароларнинг шу хусусдаги муносабатларини ҳукмрон равишда оталиғида ушлаб туриш сиёсатидан воз кечди, фуқаро ва инсонлар ўз ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ўзлари бевосита ҳимоя қилишлари ва ҳуқуқлари учун курашишлари замон талабига айланди. Фуқароларнинг ўзлари томонидан фаолликнинг оширилиши индивидуал жавобгарликни ўз зиммаларига олишларига олиб келмоқда.

Бозор муносабатлари шаклланиши, аҳолининг меҳнат билан бандлиги масаласи илгаригига нисбатан ўзгача шакл олганлиги, тадбиркорликнинг ривожланиши, меҳнат билан шуғулланаётган

шахслар билан меҳнат қилмаётган шахслар ўртасида, яъни ишга жойлашганлик ва жойлашмаганлик муносабатлари оқибатида фуқаролар ўртасида тоифаланиш пайдо бўлганлиги биз учун одатдаги ҳол эмасдир.

Асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши конституцион нормалаштиришга асосланган. Конституциямизнинг 36-моддаси Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси мулкдор бўлиш ҳуқуқини ўзида акс эттирган. Банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланишини мустаҳкамлаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига асосан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу қонун талаби билан инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини-янги ҳаёт сифатини таъминловчи, ривожланган давлатлар стандартларига жавоб берадиган мамлакатлар қаторидан ўрин оладиган жамиятимиз ривожининг қонуний замини деб қабул қилиш лозим.

Бу ўринда шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси). Шунингдек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт (Ўз.Рес. Конституциясининг 20-моддаси).

Давлат томонидан оила, оналик, оталик ва болалик, ногирон, нафақахўрларнинг кўллаб қувватланиши кафолатланади. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар,

нафакалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. (Конституциянинг 39-моддаси).

Тадбиркорликни муҳофаза қилишга оид ҳозирда қабул қилинаётган барча қонунлар бевосита фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилгандир. Прокурорлик назорати ҳам айнан шу ҳуқуқ ва эркинликларнинг фуқаролар томонидан амалга оширилаётганида масъул давлат идоралари ҳамда мансабдор шахслар томонидан поймол этилмаётганлигига катта эътиборни қаратишлари, бозор муносабатларини ривожлантириш ва давлатимиз фуқаролари турмуш тарзини кўтаришга қаратилган ушбу хатти-ҳаракатларга асоссиз равишда тўғанок бўлаётганларга нисбатан қонуний чоралар кўриш, тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам орқали кўмаклашишга қаратилиши шарт.

Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишида прокурорлик назорати предмети яна бир нарсага қаратилиш лозим, яъни тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклаш бўйича қонунлар ижроси қай даражада амалга оширилишига қаратилиши керак. Фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялаш - махсус маълумоти бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўзининг ҳамда бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар етказишининг олдини олади. Лицензиялаш оммавий манфаатларни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Прокурор тадбиркорлик эркинлигини суистеъмол қилиш фактларини кўздан қочдирмаслиги керак. Булардан, тижорати бўлмаган ташкилотлар низомларида кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланиши, махсус рухсатнома-лицензия талаб қилинган ҳолларда лицензиясиз фаолият кўрсатиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказадиган фаолият билан шуғулланиши ҳолларига эътибор бериш ва шу ҳолларга дуч келганида, қонун бузилиши ҳолларига барҳам бериши лозим.

Фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган муҳим ва асосий ҳуқуқларидан бири - фуқароларнинг атроф-муҳит,

табиатга бўлган ҳуқуқларидир. Бу борада Бош прокурор барча прокурорлардан табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат қилишни кучайтириш, табиат бойликларини сақлашни таъминлашда қишлоқ хўжалиги тасарруфида бўлган ерларни издан чиқаришга, ўрмон бойликлари, ҳайвонот дунёсининг йўқотилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш чоралари юзасидан белгиланган қонунларнинг қўлланиши устидан доимий назоратни ўрнатиш муҳим вазифа эканлигини ўз буйруғида кўрсатиб ўтган. Прокурор назорати предмети фуқароларимизнинг соғлиғига, табиатга нисбатан ҳуқуқбузарликларга қарши қаратилиши, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилиши лозимлиги, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсонларнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган экологик ҳуқуқбузарликлардан огоҳлантириш ишларини кучайтириши лозим. Кўриб чиқиладиган масала юзасидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг:

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисидаги 25-сонли 2004 йил 22 июнь кунги буйруғи мазкур соҳа бўйича ҳам норматив ҳужжат ҳисобланади. Буйруқ талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифаси - республика ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Инсон ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг жамият олдидаги энг муҳим вазифасидир.

Шунда прокурор ваколатлари:

- фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътикод ҳамда виждон эркинлиги ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш;

- шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш;

- фуқароларнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, улар мулкнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш;

- шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашга, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини ҳимоялаши;

- ҳар бир шахснинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш;

- пенсия таъминоти ҳуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда муҳофазасини таъминлаш;

- бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқларни муҳофаза қилиш;

- фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмак беришга йўналтиришдан иборат.

**Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши
устидан назорат
предмети**

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 2-боби Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат деб номланиб, 24-моддада назорат предмети қайд қилинган. Унга кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чақирик олтинчи сессиясида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида **«Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимаоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади**

Прокурорнинг ваколатлари

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади

Аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишади ва бартараф этади

Қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради

Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий ҳусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, прокурор жиноят иши кўзгатади ҳамда уни содиқ этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради

Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳусусиятига эга бўлган ҳолларда, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзгатади

Зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради. (25-модда)

**Конституция
вий хукуклар
3 гурухга
бўлинади:**

**Шахсий
хукуклар**

**Сиёсий
хукуклар**

**Ижтимоий-
иқтисодий
хукуклар**

“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида 25-сонли 2004 йил 22 июнь кунги буйруқ бўйича прокурорнинг ваколатлари

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳамда виждон эркинлиги ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари амалиётини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси қонунларга мувофиқ фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш

Шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш

Шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш

Фуқароларнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, уларнинг мулк дахлсизлигини муҳофаза қилиш

Шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шартонларида ишлашга, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунида кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини ҳимоялаш.

¹⁰Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокуратура фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида 25-сонли 2004 йил 22 июнь кунги буйруқ бўйича прокуратуранинг ваколатлари

Ҳар бир шахннинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиши назорати

Пенсия таъминоти ҳуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда, муҳофазасини таъминлаш

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқларни муҳофаза қилиш

Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига қўмақ беришга йўналтириш

Шахннинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш

Аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар қатламларига белгиланган имтиёزلарни таъминлашга доир қонунлар ижросига алоҳида эътибор

Иккинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари.

2. Прокурорнинг ваколатлари.

3. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари?

5. Конституциявий ҳуқуқлар неча гуруҳга бўлинади, улар қайсилар?

6. Сайлов қонунчилиги ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини амалга оширишда нималарга эътибор бериш лозим?

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайлов бўйича сайловолди компанияларида содир қилиниши мумкин бўлган қайси қонун бузилишларига нисбатан эътиборни (прокурорлик назоратини) кучайтириш зарур?

8. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисидаги 2004 йил 22 июнь кунги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 25-сонли буйруғи мазмунини айтиб беринг.

9. Мавзу бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман (шаҳар)лар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар назорат фаолиятини амалга оширишда қайси ҳолатларга эътиборни кучайтириш лозим?

10. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятини амалга оширишда қўлланидиган прокурор таъсир ҳужжатларини санаб беринг.

3-БОБ: Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ижро этилиши устидан прокурор назорати

РЕЖА:

1-§. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари.

2-§. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари.

3-§. Прокурор ваколатлари, шакллари ва усуллари.

4-§. Тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қонунлар ижросини таъминлаши устидан прокурор назорати

5-§. Суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор қидирув фаолиятида қонун бузилиши ҳолларини аниқлаш ҳамда прокурор таъсир чораларини қўллашдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

1-§. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари

Жиноятчиликка қарши кураш, тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш, суриштирув ўтказиш, дастлабки терговда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини таъминлаш жараёнида прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорлиги натижасида жиноятчилик индизига болта урилади ва жамиятда фуқаро ва инсонларнинг тинч-хотиржам яшаб, ишлашлари учун замин яратилади, жиноятчилик динамикасида барқарорлик вужудга келади.

Қонунийликни мустақамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш,

жиноятчиликнинг оғир ва ўта оғир турларига қарши кураш, айниқса, унинг уюшган шаклига нисбатан муросасиз кураш мақсадида прокурор томонидан жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини самарали бажариш учун жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, бу борада прокурор назоратини сусайтирмаслик жуда муҳимдир.

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган тергов олди текшируви ўтказиш, жиноят ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ҳамда дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва тергов олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан **назорат предмети** ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга ошириш мақсади республикамизда янги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ҳолат прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятига тубдан янгича ёндашиш лозимлигини ҳаётий зарурат сифатида келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади, жиноят ишларини қўзғатади ёки

жиноятчиликнинг оғир ва ўта оғир турларига қарши кураш, айниқса, унинг уюшган шаклига нисбатан муросасиз кураш мақсадида прокурор томонидан жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини самарали бажариш учун жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш, бу борада прокурор назоратини сусайтирмаслик жуда муҳимдир.

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган тергов олди текшируви ўтказиш, жиноят ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ҳамда дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва тергов олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунлари ижро этишлари устидан **назорат предмети** ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга ошириш мақсади республикада янги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ҳолат прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятига тубдан янгича ёндашиш лозимлигини ҳаётий зарурат сифатида келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади, жиноят ишларини қўзғатади ёки

уларни кўзгатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади.

Жиноят ишини кўзгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖП Қонунчилиги ва Прокуратура тўғрисидаги Қонунга асосан прокурорларга юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, баргараф этиш учун қонунда назарда тутилган чоратadbирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан **назорат предмети** белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторида:

- Жиноят ишларини кўзгатиши мумкинлиги;
- Жиноят ишларини кўзгатишни рад этиши мумкинлиги;
- Жиноят ишларини тугатиши мумкинлиги;
- Эҳтиёт чораси сифатида камоққа олиш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилиши;

- Жиноят ишлари юзасидан иш юритилишини тўхтатиши мумкинлиги;

- Қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик бериши;

- Айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлаши, ишни судга юбориши ваколатлари белгиланган.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг юраги тергов фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади. Шунинг учун тергов фаолиятини бошқаришни тўғри ташкил этиш асосий мезондир. Бу борада **тергов бошқармаси (бўлими)да ишни ташкил этиш бўйича асосий вазифалар** қуйидагилардир:

- Тузилиши ва штатлар бўйича оптимал бўлган малакали ходимлар билан тўлдирилган тергов аппаратини шакллантириш;

- Фуқароларнинг (жиноят процессининг барча иштирокчиларининг) ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизми муштараклигида тергов фаолиятини такомиллаштириш юзасидан шмий тавсияларни амалиётга жорий қилиш;

- Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар, чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳамда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг илғор тажрибаларини ёйиш;

- Тергов фаолиятида жиноятларни аниқлаш, фош қилиш, далилларни топиш, олиш, процессуал мустаҳкамлаш, исботлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга оширишда замонавий техникаларни қўллаш орқали ишнинг ташкилий даражасини такомиллаштириш;

- Прокурор ва терговчиларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, иш вақтини, кучини, модий воситалар ва имкониятларни бекорга сарфламаслик ва бу борадаги кераксиз ийқотишни бартараф этиш.

- Ушбу вазифаларни ҳал этиш бошқарма (бўлим) бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари буйруқлари, кўрсатмалари, ҳайъат ва мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари асосида уч асосий йўналиш бўйича амалга оширилиши мумкин:

- Жиноятларни тергов қилишда қонунийликни назорат қилиш бўйича ишни ташкил этиш;

- Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ишни ташкил этиш;
- Прокуратура идоралари теговчиларининг ўзлари хизмат қиладиган ҳудудлардаги иши устидан раҳбарликни таъминлаш⁶.

Прокурор ушбу фаолиятларни қонунийлик, бирлик, марказлашганлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тергов Бош бошқармаси, бошқарма ва бўлимлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, транспорт, ҳарбий прокурорлари барча имкониятларини ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳар бир жиноятни очиш, терговнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилиши ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш, жиноятни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар сабабларини аниқлашга, уларни бартараф қилиш чораларини кўрадилар.

Иш самарадорлигини ошириш мақсадида: Тергов Бош бошқармаси, бошқарма ва бўлимлари жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига, айниқса унинг уюшган гуруҳлар ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши ҳолларига, ўқ отар қуроллар ва портловчи моддаларни ишлатиш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, босқинчилик, бандитлик жиноий уюшмаси ташкил этиш, терроризм, оммавий тартибсизликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини қонунга ҳилоф равишда ўтказиш каби жиноятларга қарши курашни кучайтириш чораларини кўрадилар.

Жиноятчилик ахволини чуқур ўрганиб, таҳлил этиб, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказиш босқичларида, қонунларни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда, тергов бошқармаси, бўлимлари ишларини лозим даражада ташкиллаштирадилар. Бошқа таркибий тармоқлардаги бўлим ва бошқармалар билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга зарур бўлган ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларни таҳлилий ахборот жиҳатдан таъминлаш ва иш юритишни соҳа-минтақа услубида олиб боришни такомиллаштириш зарур.

⁶ Эсанов М.Ф., Полвонов С.Ё. Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил этиш. Тошкент 1998 ., 3 – б.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2007 йил «20» ноябрь кунги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида»ги 69-сонли буйруғида куйидагилар қайд этилган:

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча жиҳатлари умумэтироф этилган демократик ғоялар, миллий кадриятлар, Ўзбекистон ўзи танлаган ривожланиш ва тараққиёт йўли асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида энг олий кадрият сифатида эътироф этилди.

Фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашдек ғоят муҳим масалаларга жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли давлат дастурларининг бош мезони сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармони асосида қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Жиноят судлов жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада кафолатлашга хизмат қиладиган ушбу Қонуни амалда тўғри татбиқ этилишида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурорларнинг хизмат вазифаларига юқори масъулият билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тегишли тармок бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига қатъий риоя қилинишини таъминланиши зарурлиги;

Қонун талабларига кўра, 2008 йил 1 январдан эътиборан дастлабки тергов давомида айбланувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий судининг судьяси томонидан амалга оширилиши инобатга олинishi зарурлиги таъкидланган.

Қонунга мувофиқ қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома фақат айбланувчиларга нисбатан, алоҳида ҳолларда эса, ушлаб турилган гумон қилинувчиларга нисбатан қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида, тегишли прокурорнинг қарори билан ёки прокурорнинг розилиги асосида терговчининг қарори билан қўзғатилади ва судлар томонидан кўриб чиқилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ва терговчининг бу ҳақдаги қарорига розилик бериш бўйича қонунда қайд этилган ваколатлар қуйидаги прокурорларга тегишли бўлиши белгилаб қўйилган:

-туман-шаҳар миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тегишли туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига;

-вилоятлар ва уларга тенглаштирилган миқёсдаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига;

-республика миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига.

Шунингдек, юқори турувчи прокурорлар ўз ваколатлари доирасида қуйи тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгагиши ёки бундай илтимоснома кўзгагиш ҳақидаги терговчининг қарорига розилик бериши мумкин.

Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгагишда қонунда белгиланган асослар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин, эҳтиёт чораси айбланувчининг терговдан бўйин товлашининг ҳамда унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қўлланиши инobatга олиниши лозимлиги;

Қонун талабларига кўра, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш асосан Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган касддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши;

Алоҳида ҳолларда эса, яъни айбланувчи терговдан яширинганида, ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида, илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилганида, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида, жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида ёхуд бу жазолардан бирортасини ўтаётган шахсга нисбатан бошқа жиноят иши юзасидан тергов олиб борилаётганда, ушбу эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган касддан содир этилган

жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши;

Вояга етмаган шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси факат қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб ҳулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланиши мумкинлиги ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя қилинсин. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар бўйича вояга етмаганларга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатилишига йўл қўйилмаслиги лозимлиги;

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатишда ва бундай илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги терговчининг қарорига розилик беришда прокурорларнинг шахсий масъулияти оширилсин. Бунда прокурорлар суриштирув ва тергов жараёнида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинганлигига, ижтимоий хавфли қилмиш жиноят кодексининг тегишли моддалари билан тўғри малакаланганлигига жиноят иши ҳужжатларини ўрганган ҳолда баҳо бериб, зарур ҳолларда қамокқа олинаётганларни шахсан сўроқ қилишлари кераклиги;

Прокурорлар вояга етмаган шахсга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ҳимоячининг иштирокида сўроқ қилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабларини оғишмай бажарилиши лозимлиги;

Айбланувчи (гумонланувчи)га нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган

жиноий қилмиш квалификацияси, шахсни қамокқа олиш ируратини келтириб чиқарган асослар, шунингдек, бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлар баён этилиши лозимлиги таъкидланган.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатилаётган жиноят ишида айбланувчининг (гумон қилинувчининг) шахсига оид ва бошқа қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши талаб қилинади:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- яшаш ва иш (ўқиш) жойларидан берилган расмий маълумотнома ҳамда тавсифномалар;
- оилавий аҳволи, вояга етмаган фарзандлари ва қарамоғидаги шахслар ҳақидаги маълумотлар;
- муқаддам судланган ёки судланмаганлиги ҳақидаги маълумотли органлардан олинган маълумотлар (талабномалар);
- айбланувчи терговдан яширинганида, ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида, илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи томонидан бузилганида, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор судга юборилаётганда қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилиниши талаб этилади:

- жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор;
- шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш баённомаси;
- шахсни ишда айбланувчи (гумон қилинувчи) тариқасида илтирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор;
- айбланувчининг (гумон қилинувчининг) шахсига оид маълумотлар;
- Жиноят-процессуал кодексининг 239-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома

кўзғатилганда, қарорга тегишли давлат органи ёки мансабдор шахснинг розилиги ақс эттирилган ҳужжатнинг нусхаси ;

- қидирувда бўлган айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисидаги қарор;
- ишда айбланувчининг қонуний вакили ёки ҳимоячининг иштирок этаётганлиги ҳақидаги маълумотлар (ордер, ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённома).

Ҳужжат нусхалар прокурор ёки терговчи томонидан гасдиқланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи (агар у қатнашаётган бўлса) илтимоснома ва унга илова қилинган материаллар билан танишиш тўғрисида мурожаат этган тақдирда, уларнинг судга қадар таништирилиши керак.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома юқорида қайд этилган зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда прокурорнинг алоқа хати билан девонхона орқали расмийлаштирилиб, қонунда белгиланган тартибда зудлик билан тегишли судга тақдим этилади.

Судья бўлмаганда ёки илтимосномани кўриб чиқишда судьянинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, илтимоснома киритган прокурор ёзма равишда мазкур суд раисига, суд бир таркибли бўлганда эса юқори турувчи суд раисига зудлик билан мурожаат қилиниши керак.

Жиноят иши бўйича бир йўла икки ва ундан ортиқ айбланувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлган тақдирда, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарор ва илтимосномани асослантурувчи зарур материаллар ҳар бир айбланувчи бўйича алоҳида расмийлаштирилсин ва судга тақдим қилинади.

Суриштирув жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда суриштирувчи Жиноят-процессуал кодексининг 342-моддаси тартибида суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни зудлик билан терговчига ўтказилади.

Ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида ва унинг терговдан қочиб яшириниши мумкинлиги эҳти-молини тасдиқловчи аниқ асослар бўлган тақдирда терговчилар

томонидан ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн беш соат олдин қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатилиб, тегишли прокурорларга ёки уларнинг ўринбосарларига жинойт иши ҳужжатлари билан биргаликда тақдим қилинади.

Тегишли прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома терговчи томонидан қайси вақтда (дам олиш, байрам кунлари, иш вақти тугаганда) тақдим этилганидан қатъий назар унга розилик бериш масаласини белгиланган тартибда ҳал қилиниши лозим.

Ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарор ва зарур материалларни ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиш тартибига қатъий риоя қилиниши керак.

Бундай ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилса, гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида белгиланган тартибда айб эълон қилиш, акс ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиб уни қамоқдан озод этиш чоралари кўрилиши лозим.

Жинойт-процессда иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома прокурорлар томонидан тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг розилиги конунда белгиланган тартибда олингандан сўнггина кўзгатилиши лозим.

Талабга кўра, адвокатлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома терговчи томонидан етарли асосларсиз кўзгатиш билан бўлса ёхуд иш ҳолатларига кўра уларга нисбатан бошқа енгилроқ эҳтиёт

чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилса, назорат қилувчи прокурор ёки унинг ўринбосари камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномага розилик бермаслик сабабларини асослантириб, ёзма кўрсатма билан хужжатларни терговчига қайтарилиши лозим.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки камокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома шахсга нисбатан камок эҳтиёт чорасини танлаш зарурати қолмаганлиги ёки етарли асосларсиз қўзғатилганлиги ёхуд иш ҳолатларига кўра бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилса, суд алоҳида хонага киргунга қадар илтимосномани чақириб олиш прокурорлар томонидан таъминланиши лозим.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, камокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларнинг судда кўрилишида, коида тариқасида, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қатнашиши лозимлиги белгиланган.

Алоҳида ҳолларда юкори турувчи прокурорнинг кўрсатмасига асосан ушбу масалаларнинг суд муҳокамасида тегишли илтимосномани судга ким киритгани ва унга розилик берганидан қатъий назар прокуратура органларининг бошқа ходимлари ҳам иштирок этиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки камокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриш жараёнида жиноят иши юзасидан дастлабки тергов даврида қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақида маълумотлар аниқланса, бу ҳолатлар бўйича прокурорлар томонидан зудлик билан хизмат текшируви ўтказилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган қатъий чоралар кўрилиши ва натижаси ҳақида судга хабар қилиниши таъминланиши керак.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор судьянинг мустақиллиги ҳамда томонларнинг тенглиги ва тортишув тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда ўз

маърузасида жиноят тафсилотлари, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жабранувчи ва айбланувчининг шахсига доир маълумотлар, айбланувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун мавжуд қонуний асосларни баён қилган ҳолда ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослантириб берилиши лозим.

Суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор зарур ҳолларда муҳокамада катнашиш учун терговчини таклиф этиш ёки қамок тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослантирувчи қўшимча далилларни тақдим қилиш мақсадида ушлаб туриш муддатини қирк саккиз соатдан қўл бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида илтимоснома киритсин ёхуд ўз ташаббуси билан жиноят ишининг муҳокама этилаётган масала юзасидан қонуний ажрим чиқарилишига хизмат қиладиган ҳужжатларни тергов сирини сақлаш қоидаларига амал қилган ҳолда суд эътиборига ҳавола этиши талаб этилади.

Шунинг билан биргаликда, терговчининг суд муҳокамасидаги иштироки иш юритувидаги жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, жиноят туфайли етказилган моддий зиённи қопланишини таъминлашдек кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини зудлик билан ўтказиш манфаатларига путур етказмаслиги лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Судьянинг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киришини инобатга олиб, прокурорлар ушбу ажримларни тергов органлари томонидан дарҳол ижро қилинишини таъминлаш чораларини кўрилиши лозим.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамокқа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда, яъни айбловнинг оғирроғига ўзгартирилганлиги, айбланувчининг танланган эҳтиёт чорасини бузганлиги ва бошқа шу каби ҳолатларда йўл қўйилиши мумкин.

Тегишли прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни ёки қамокда сақлаб

туриш муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажримлари билан келишган тақдирда, терговчи томонидан айбланувчига нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида кўрсатма беришлари лозим.

Судларнинг бундай ажримлари билан келишилмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда апелляция тартибида протест билдирилиши лозим.

Айни вақтда судлар томонидан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, бу ҳақдаги ажрим устидан апелляция шикоятни ёки протест билдирилганидан қатъий назар тергов органлари суд ажримини олгач, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини зудлик билан озод қилишлари лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилиши талаб этилган.

Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш ёхуд қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги суд ажримлари устидан билдирилган шикоят ёки протест апелляция инстанцияси судида кўрилаётганда, қонда тариқасида, апелляция протести билдирган прокурорлар қатнашишлари мақсадга мувофиқ деб топилган.

Алоҳида ҳолларда юқори турувчи прокурорнинг кўрсатмасига асосан апелляция инстанцияси судида прокуратура органларининг бошқа ходимлари ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

Бунда тегишли прокурорлар томонидан қонуний асослар мавжуд бўлган ҳолларда апелляция протестини ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олиш ваколатларидан самарали фойдаланилсин.

Бош прокурорнинг мазкур буйруғида, дастлабки тергов босқичида қамокда сақланаётган айбланувчиларнинг, уларнинг химоячилари ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида прокурорга ёки терговчига йўлланган аризаларининг белгиланган муддатда қонуний ҳал этилиши таъминланиши лозимлиги;

Жиноят иши тергови жараёнида жиноят натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатларнинг бартараф қилиниши, айбловни енгилроғига ўзгартирилиши, жиноят ишини реабили-

тация асосларига кўра ёки айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш учун асослар юзага келиши муносабати билан ёхуд бошқа объектив сабабларга кўра айбланувчини бундан буён қамоқда сақлаб туриш зарурати йўқолган тақдирда прокурор ёки унинг розилиги асосида терговчи мазкур эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилсин. Қабул қилинган қарор хусусида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаган судга албатта хабар берилиши лозимлиги;

Дастлабки тергов даврида айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришда қонун талабларига катъий амал қилиниши кераклиги;

Қамоқда сақлаб туриш муддатида терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда, тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига асосан суд томонидан узайтирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилиши лозимлиги таъкидланган.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи юзасидан бунга бўлган зарурат ва асосларни кўрсатган ҳолда терговчи ёки тергов бўлинмалари бошлиқлари назоратни амалга оширувчи прокурорга тақдимнома киритиш;

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома 3 ойлик ва 5 ойлик муддат тамом бўлишидан 10 кун, ундан ортиқ қонунда кўрсатилган муддатларга узайтириш талаб этилган ҳолларда қамоқда сақлаб туриш муддати тамом бўлишидан 15 кун олдин ваколатли прокурорга жинойт иши билан биргаликда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, сўралаётган қўшимча муддат кўрсатилган ҳолда тақдим этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга қамоқда сақлаб туриш муддатини 5 ойгача узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома туман-шаҳар миқёсидаги

тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, вилоят миқёсидаги тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тегишли орган тергов бошқармаси ва бўлимлари бошлиқлари томонидан тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига қамоқда сақлаб туриш муддатини 5 ойдан ортиқ муддатга узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан юқорида белгиланган муддатларда юборилиши таъминланиши лозим.

Республика миқёсидаги тергов органларининг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома тегишли орган тергов маҳкамаси раҳбарлари томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширувчи тегишли тармоқлари қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимномаларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб чиқиб, унинг асослилиги юзасидан иш ҳолатлари ва тўнланган далилларга таяниб хулоса тузадилар ва якуний қарор қабул қилиш учун ваколатли прокурорларга тақдим этадилар.

Прокурорлар томонидан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома қувватланган тақдирда, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилиб, ушбу қарорни ва уни асослантирувчи зарур материалларни қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тақдимнома киритган тергов органи орқали судга тақдим этилади.

Прокурорлар томонидан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома қувватланмаган тақдирда, унинг асосларини баён этган ҳолда ёзма кўрсатма билан ҳужжатлар тегишлилиги бўйича қайтарилади.

Жиноят иши бўйича икки ва ундан ортиқ айбланувчиларнинг қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш зарурати мавжуд бўлганида, унда тегишли қарор ва уни асослантирувчи зарур материаллар ҳар бир айбланувчи бўйича алоҳида расмийлаштирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилиши белгиланган.

Ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамокка олиш, айбланувчини қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи судда муҳокама қилинаётганда уларни суд мажлисига олиб келиш, суд муҳокамаси натижаларига кўра гумон қилинувчи ёки айбланувчини ушлаб турилганларни сақлаш жойларига ёки тергов ҳибсхоналарига белгиланган тартибда жойлаштириш ёхуд уларни дарҳол озод қилиш чораларини кўриш жиноят ишини тергов қилаётган органлар зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи 2004 йил 9 декабрь куни 31 сон билан қабул қилинган бўлиб, буйруқда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда демократик тамойилларига асосланган қатор янги қонунлар қабул қилинганлиги, мавжуд қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ушбу буйруққа ўзгартириш киритишга асос бўлганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан прокуратура органларининг таркибий тузилмасига жиддий ўзгартиришлар киритилганлиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар, ўз навбатида прокурор назорати фаолиятини такомиллаштириш ва янгича ёндошувни тақозо этишлиги;

Прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини қарор топтириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Диний

экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши давр талабига айланганлиги;

Бирок, жиноятларни очиш ва тезкор-кидирув фаолиятни ташкил қилиш устидан прокурор назоратини таъминлашда ҳамон камчиликларга йўл қўйилаётганлиги;

Дастлабки терговни ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона бўлишини таъминлаш тўғрисидаги қонун талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги;

Жиноят содир қилган шахсларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш, дастлабки тергов ва айбланувчини камоқда сақлаш муддатини узайтириш, айблов хулосани тасдиқлашда хатоликлар мавжудлиги;

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида айбдор шахслардан ундиришда ҳамон сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Буйруқда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Республика Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари, шаҳар ва туман прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга:

Жиноятчиликка қарши кураш, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда улар содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф қилишга, бу жараёнда қонунларга қатъий риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга асосий эътибор қаратишлари лозимлиги;

Жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турларига, айниқса Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига, тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар, жиноий уюшма ташкил этиш, ўқотар қуроллар ва портловчи моддаларни ишлатиш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, босқинчилик, диний экстремизм ва терроризм, оммавий тартибсизликлар, гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш каби жиноятларга қарши кураш олиб бориш зарурлиги диққат марказида бўлиши лозимлиги;

Жиноятчилик аҳволи, уларнинг турлари бўйича мунтазам таҳлил қилиб борилсин. Жиноятчиликка қарши кураш борасида

хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда даврий ва узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурлари ҳамда аниқ йўналтирилган режалар ишлаб чиқилиши, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши таъминлаб борилиши кераклиги;

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилиши лозимлиги;

Шу мақсадда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилиб, мунтазам равишда мувофиқлаштирувчи кенгашлар чақирилсин, қабул қилинадиган қарорлар ижросига жиддий эътибор қаратилиши лозимлиги;

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилишда маҳаллий бошқарув ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилиши кераклиги.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериб боришлари зарурлиги;

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқилишининг қонунийлиги, ўз вақтида қонуний қарорлар қабул қилиниши устидан прокурор назоратининг самарадорлиги оширилиши лозимлиги;

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал қилишнинг қонунийлиги қўшимча манбалардан маълумот олиб, солиштириш йўли билан ҳар ойда камида бир марта текширилиши кераклиги;

Жиноятларни ҳисобдан яширилганлик ҳолати юзасидан идоравий тартибда хизмат текшируви ўтказилиши таъминлансин. қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг, шунинг-

дек, жиноятларни қасддан яширган ходимларнинг жиноий жавобгарлик масаласи қатъиятлик билан ҳал қилиниши лозимлиги;

Вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар томонидан ҳар олти ойда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш амалиёти умумлаштирилиб, натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашларида муҳокама қилиб борилсин ҳамда жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳоллари ва бундай салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўрилиши кераклиги;

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш сифатини яхшилаш мақсадида, зарур ҳолларда тезкор-қидирув фаолияти ҳақидаги маълумот ҳамда махфий ҳужжатларни ўрганиб чиқишда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси 1-қисмида берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланилиши лозимлиги;

Вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали, юқори малакали ходимларидан иборат доимий ҳаракатдаги тергов-тезкор гуруҳи ташкил қилиниб, оғир ва ўта оғир жиноятларни фош этиш, тергов қилишда унинг имкониятларидан кенг фойдаланилиши кераклиги;

Қуйи прокурорлар ички ишлар органларида юритилаётган тезкор-қидирув ва излов ишларини мунтазам ўрганиб, тадбирларни фаоллаштириш бўйича кўрсатмалар беришни амалга ошириб боришлари лозимлиги;

Айбланувчиларнинг тергов ва суддан қочиб яширинишига имкон берган сабаб ва шароитлар чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилиш юзасдан чоралар кўриб борилсин. Тезкор-қидирувни юритиш ва амалга оширишда қонунбузиш ҳолатига йўл қўйган ходимларнинг жавобгарлик масаласи қатъиятлик билан ҳал этишлари лозимлиги;

Терговдан яширинган айбланувчиларга нисбатан суриштирув органлари, маҳаллий ёки давлатлараро қидирув эълон қилиниши устидан назорат ўрнатган ҳолда, уларни ушлаб келтириш (этап қилиш) ҳақидаги қарор вилоят прокурорлари ва уларга прокурорларнинг санкцияси асосида амалга оширилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ушланган айбланувчини олиб келтириш (этап қилиш) ҳақидаги қарор Бош прокуратура орқали юборилишига қатъий амал қилинсин. ушланган айбланувчини олиб келингунига қадар қидирув ишлари тугатилишига йўл қўйилмаслиги;

Тезкор-қидирув ва излов ишлари аҳволи ҳар олги ойда умумлаштирилиб, натижалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашларида муҳокама қилиниб, фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар белгиланиб, ижроси таъминлаб борилиши кераклиги;

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этишлари устидан назоратни таъминлашда қонунда белгиланган ваколатлардан тўлиқ ва самарали фойдаланлари лозимлиги;

Жиноятлар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига, жиноят изларини аниқлашга, ашёвий далилларни қонунда белгиланган тартибда қайд этилиши ва расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги;

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда криминалистика техника воситалари ўқув-услугий қўлланмалар ва суд экспертизалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, жиноят-процессуал қонунчилик талаблари асосида далиллар тўплаш, уларни мустаҳкамлаш ва баҳолашнинг барча усуллари қўлланиши лозимлиги;

Суриштирув ва тергов жараёнида олинган далилий ашёлар, моддий қимматликлар, шахсий ҳужжатларни олиш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, юбориш, тегишли муассасаларга топшириш ёки эгаларига қайтариш қонуний асосларда ҳамда белгиланган тартибда амалга оширилиши лозимлиги, бу борада ҳар 6 ойда санок ўтказиб борилиб, прокурор назорати қатъиятлик билан таъминланиши лозимлиги таъкидланган.

Буйруқда, суриштирув ва тергов жараёнида фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек жиноят процесси иштирокчиларининг амалдаги қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилинишига, қонуннинг ҳар қандай тарзда бузилишига йўл қўйилмаслиги талаб этилади.

Шунингдек, жиноят содир этганликда гумон қилинган ва айбланган шахсларни ушлаш, уларга эҳтиёт чораларини қўллашда конунийлик, одиллик, инсонпарварлик тамойилларига таянилиши лозимлиги, ушбу масалаларни тартибга солувчи конун талабларига қатъий риоя қилиниши лозимлиги талаб этилади.

Вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда айбланувчининг терговдан қочиб-яшириниши мумкинлиги эҳтимолини тасдиқловчи аниқ асослар бўлган тақдирда муҳокама қилиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, вояга етмаганлар ва аёлларни қамокқа олишга рухсат бериш масаласини ҳал қилишда прокурор уларни шахсан сўроқ қилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш масаласига эътибор кучайтирилиб, уни муҳокама этишда жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қоплангани ҳолатига ҳал қилувчи мезон тариқасида қаралиши талаб этилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунлар ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган талабларга қатъий риоя қилиниши;

Дастлабки тергов жараёнида қамокқа олиш эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун қонунда кўрсатилган асослар вужудга келган тақдирда, тегишли қарорда улар тўлиқ кўрсатилган ҳолда гумонланувчи ёки айбланувчини қамокдан озод қилиш масаласи кўриб чиқилиши лозимлиги;

Прокурорнинг ёки терговчининг қарори билан қамокдан озод қилинган шахс ҳақида зудлик билан юқори турувчи прокурорга хабар берилиши лозимлиги;

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунни ҳар қандай тарзда четлаб ўтиш, адолатсизлик ва шахснинг кадр-қиммати, шаънини камситишга йўл қўйиш каби ҳолатларга фавқулодда ҳодиса деб қаралиб, бунга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонун доирасида қатъий ҳал этилиши лозимлиги;

Прокурор розилигисиз ўтказилган тинтувларнинг асосийлиги зудлик билан текширилсин, заруратсиз ва қонунга ҳилоф тарзда тинтув ўтказиш ва ашёларни олиб кўйишнинг ҳар бир ҳолати юзасидан текширув ўтказилиб, қонуний баҳо берилиши лозимлиги;

Жиноят содир қилганликда гумондор сифатида фуқароларни ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назорат кучайтирилиши лозимлиги;

Вактинчалик ушлаш ҳибсхоналарида фуқароларнинг сақланишини қонунийлиги ҳар 10 кунда бир марта текширилсин ва аниқланган қонунбузиш ҳолатларини дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилиши лозимлиги;

Қамоққа олишга санкция бериш, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш ва тергов муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда прокурорлар жиноят иши материаллари билан танишиб, йиғилган далилларни чуқур ўрганиб, танқидий баҳо беришлари зарурлиги;

Дастлабки тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатини узайтиришда жиноят-процессуал кодекси талабларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Буйруқ талабига кўра, тергов ва қамоқда сақлаш муддатларини узайтирилганлиги ёки тергов тамомланганлиги ҳақида тергов ҳибсхоналарига зудлик билан хабар юборилиши таъминланиши лозим;

Тергов ҳибсхоналарида сақланаётган махбусларнинг қамоқда ушлаб туришнинг қонунийлиги ҳар ойда камида бир марта текшириб борилиши керак;

Қонунда кўрсатилган қамоқ муддати тугаган ва муддат тегишли тартибда узайтирилмаган ҳолларда қамоқдаги шахс дарҳол озод қилиниши лозим;

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида айбдор шахслардан ундиришга жиддий эътибор қаратилиши керак;

Жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов давомида айбланувчилар томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида, энг аввало тинтув ўтказиш, уларга тегишли бўлган мол-мулкларни хатлаш, банкларда мавжуд жамғарма ва ҳисоб-

рақамларидаги маблағларига банд солиш каби кечиктириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим;

Моддий зарар етказилиши билан боғлиқ жиноят ишларининг дастлабки тергови даврида қонунда белгиланган тартибда зарар миқдорини сифатли ва самарали тафтиш ўтказиш орқали тўлиқ аниқлаб, уларни қоплаш мақсадида айбланувчилардан ундирилган нақд пул маблағларини прокуратура органларининг депозит ҳисоб-рақамларига топшириш қатъий таъминланиши кераклиги талаб этилади;

Жиноят ишининг айблов хулосасини тасдиқлашда терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўтказилганлиги ва процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинганлигига жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидланган.

Буйруқда, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ва тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ҳар ойда ўрганиб борилсин. Жиноят ишларини асоссиз тугатиш ва тўхтатиш ҳолатларига йўл қўйилмасин, бундай салбий ҳолатлар муҳокама этилиб, қатъий чоралар кўрилиши таъминланиши кераклиги;

Жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги асоссиз қарорлар биринчи марта бекор қилинганидан сўнг, прокурорлар томонидан бир ой доирасида кўшимча тергов муддати белгиланиб, терговнинг сифатли, тўлиқ ва ҳолисона ўтказилиши ҳамда қонуний қарор қабул қилиниши устидан назорат олиб борилиши лозимлиги талаб этилади.

Қуйидаги ҳолларда Бош прокуратурага ахборот юборилишини таъминланиши шартлиги белгилаб қўйилган:

а) темир йўл, ҳаво ва сув транспортларида, саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида рўй берган кишиларнинг нобуд бўлишига ёки катта талофат етишига сабаб бўлган ҳалокатлар, емирилишлар ҳақида;

б) жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган портлаш, ёнғин ва ёппасига тарқалган касалликлар ҳамда захарланишлар ҳақида;

в) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, жанговар аслаҳалар, портлатиш қурилмалари, портловчи моддалар ва радиоактив материаллар, ҳарбий техникалар, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар-

нинг талон-торож қилиниши, шунингдек, уларни қўллаш билан содир этилган жиноятлар ҳақида;

г) гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг талон-торожи, шунингдек кўп миқдордаги гиёвандлик воситалари муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ҳақида;

д) жиний уюшма томонидан содир этилган жиноятлар ҳақида;

е) оммавий тартибсизликлар ҳақида;

ж) террорчилик ва диний экстремистик ҳаракатлар ҳақида;

з) ҳаво кemasи ва бошқа объектларни эгаллаш ёки унга суиқасд қилиш, шахсни гаров сифатида тутқинликка олиш ҳолатлари ҳақида;

и) прокуратура, шунингдек, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, суд, адлия, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати, ахлоқ тузатиш муассасалари, Давлат солиқ ва божхона органлари ходимлари ҳамда ҳокимият ва бошқарув масъул мансабдор шахслари томонидан содир этилган барча жиноятлар ҳақида;

к) ҳибсхоналар ва жазони ижро этиш жойларида содир бўлган жиноятлар, оммавий тартибсизлик, итоатсизлик, қамоқ ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш, мазкур муассасалар фаолиятини издан чиқаришга қаратилган ва оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар ҳақида;

л) хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатликлари билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек чет эл фуқаролари томонидан ёки уларга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақида;

м) дастлабки тергов ўтказишда қонунсиз усуллар қўллаш, асоссиз ушлаш, қамоққа олиш ва жиний жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа йўллар билан қонунни кўпол равишда бузиш ҳоллари ҳақида;

н) қасддан одам ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш жиноятлари ҳақида;

о) вояга етмаганларнинг ўз-ўзини ўлдириш ва унга суиқасд қилиш ҳолатлари ҳақида;

п) икки ва ундан ортик одамлар ўлимига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида;

р) қалбаки пуллар тайёрлаш ва сотиш, кўп миқдорда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш жиноятлари ҳақида;

с) миллий, ирқий, диний низолар асосида содир этилган жиноятлар ҳақида;

Фавқулодда ҳодиса ва воқеалар тўғрисида вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар томонидан зудлик билан телефон орқали навбатчи прокурорга хабар қилиниши, кейин 24 соат ичида ёзма равишда, воқеани асл ҳолати, келиб чиқиш сабаблари, гумон қилинувчи ва жабрланган шахслар ҳақида аниқланган маълумотлар кўрсатилган махсус ахборот Бош прокуратурага тақдим этилиши шарт.

Буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида”ги 13-сонли буйруғи ва 1994 йил 31 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими ва қуйи тармоқ криминалист прокурорлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги 14-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши белгиланган.

2.§. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари.

Қонунчиликка мувофиқ жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда охириги ҳал қилувчи қарор суд томонидан амалга оширилса ҳам, лекин мана шу ишлар юзасидан адолатли ҳукм чиқаришда суриштирув ва дастлабки тергов органлари муҳим ўрин тутаяди.

Жиноят процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органлари қуйидаги вазифани амалга оширишади, яъни:

- фуқароларнинг, жамият ва давлат манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий таъжовузлардан сақлаш;

- фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш;
- жиноятларнинг олдини олиш, жиноят иши қўзғатиш ва жиноятни очиш;
- судларга етарли ва керакли бўлган далилларни киритиш, жиноятчиларни қидириб топиш;
- дастлабки терговни тўлиқ ва объектив олиб бориш.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўз фаолиятларини қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик, демократизм, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларга асосланиб амалга оширади.

Ҳар бир терговчи жиноят ишларини тез ва тўлиқ очиши, жиноят содир этишда айбланаётган шахслар, албатта, жавобгарликка тортилишларини ва айби бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинишлари шартлиги ҳақидаги масалаларни ҳал қилиши керак.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг асосий мақсади, мана шу органлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг қанчалик қонунга мувофиқлиги, терговнинг объективлиги, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби масалаларни тўғри ҳал қилишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт прокурорлари томонидан, давлат солиқ ва божхона кўмиталари идораларида суриштирув устидан лозим даражада прокурор назоратини ўрнатишга қаратилган ташкилий ва амалий чоралар кўриш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва таъминлашга оид **Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида 2005 йил 17 февраль 40-сонли соҳавий буйруғи** ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг ҳуқуқий сиёсати негизини ташкил этади.

Республикамызда изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади – умумэътироф этилган кадриятларни ҳурмат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг кафолати сифатида прокуратура органларининг масъулияти янада оширилмоқда.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан жиноят процессуал қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қамокқа олинган ҳамда суд қарорлари асосида жазо ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йқл ққийлмаслик, шунингдек, судларда жиноят ишлари кқрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бқйича халқаро нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиш ва бу борада ошкораликка эришиш инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши ҳолатларига мурасасизлик муносабатини шакллантиришнинг таъсирчан воситаси сифатида қаралмоғи лозим.

Шу боис прокурорлар қонун билан белгиланган ваколатлардан тқлик фойдаланган ҳолда мамлакатдаги ҳуқуқни ҳимоялаш механизмнинг муҳим бўғини бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар суриштирув ва дастлабки терговнинг барча босқичларида жиноят-процессуал қонун нормаларининг оғишмай бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлаши талаб этилади.

Жиноят процессида шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, процессуал қонунчилиги ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ваколатланган ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига бош мезон сифатида қаралиши белгиланган.

Жиноят ишларини юритиш чоғида мутасадди давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга тқлиқ амал қилиниши ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, жиноят процессининг бошқа инсонпарварлик принципларига риоя этилиши устидан самарали ва таъсирчан назорат таъминланиши талаб этилади.

Суриштирув ва терговнинг бошланғич босқичларидан жиноят процесси иштирокчиларининг қонунда белгиланган тартибда ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиши;

Суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунни ҳар қандай тарзда бузиш, адолатсизликка йўл қўйиш, шахснинг кадр-қиммати, шаънини камситиш ва айбланувчи (гумонланувчи)нинг ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши ҳолатларига фавқулодда ҳодиса деб қаралиши лозимлиги ва айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонун доирасида ҳал қилиниши лозимлиги таъкидланган.

Процессуал мажбурият чораларини қўллашда қонун талабларининг оғишмай ва сўзсиз бажарилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлиги оширилиши талаб этилади.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефонлар орқали сўзлашувларининг сир сақланиши тўғрисидаги конституциявий қафолатларни чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларининг ўтказилишига руҳсат беришда жиноят ишида старли асослар мавжудлиги синчковлик билан текширилиши лозимлиги;

Прокурор розилигисиз ўтказилган тинтувларнинг асослигини зудлик билан ўрганиб борилиши зарурлиги;

Заруриятсиз, қонунга хилоф тарзда тинтув ўтказиш ва ишларни олиб қўйишнинг ҳар бир ҳолати юзасидан қатъий муносабат билдирилиши зарурлиги;

Фуқаролар ва уларнинг турар жойлари дахлсизлиги тўғрисида конституциявий кафолатларга қатъий риоя этилиши, жиноят ишларини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона тергов қилиш ҳамда гумонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш борасида прокурорлар, терговчилар, шунингдек, суриштирув органлари ходимларининг шахсий масъулияти оширилиши лозимлиги;

Прокуратура органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиётини умумлаштиришда ушбу тоифадаги ариза-шикоятларини ҳал этилиши таҳлилига жиддий эътибор қаратилсин, қонунбузилишига йқл ққйган мансабдор шахсларнинг қилмишига ҳуқуқий баҳо берилганлиги, ққрилган чораларнинг асослилиги, уларнинг олдини олиш ва мавжуд муаммоларга барҳам бериш борасидаги амалий ишларга муносабат билдирилиши лозимлиги;

Фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда жиноят процессуал қонунчилик талабларига риоя қилиниши аҳволи ҳар ярим йилда қаида бир маротаба Бош прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш бўлими ва жойлардаги тегишли бўлимлар томонидан умумлаштирилиб, тезкор ва ҳайъат мажлислари муҳоқамасига киритиб борилиши лозимлиги;

Прокуратура органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш амалиёти йқлга ққйилсин. Бундай алоқалар доираси кенгайтирилиб, жиноят процессида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасида прокурорлар томонидан амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб туриш мақсадида турли конференциялар, ққшма тадбирлар, прессконференциялар ва бошқа воситалардан самарали фойдаланиб борилиши кераклиги белгиланган.

Мазкур буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1996 йил 20 сентябрдаги «Фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан прокурорлик

инвентарини янада кучайтириш ҳақида»ги 25-сонли буйруги ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланиши қайд этилган.

3.8. Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади;

- содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади;

- терговчилар ва суриштирувчиларнинг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

- жиноятларни тергов қилиш;

- Қамокка олиш тарзидаги эҳтиёт чорасидан ташқари бошқа эҳтиёт чораларини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш;

- жиноят тавсифини белгилаш;

- айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

- суриштирув органларига фуқароларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамокқа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги, шу жумладан прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида бўлган ишлар юзасидан қарорларни ижро этишни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

- суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади;

- тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш муддатини узайтириш ҳақида судга илтимоснома билан муурожаат қилади;

- жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига кўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

- “жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказди”. Қонун-22.09.08. “Халқ сўзи.” газетасида - 23.09.08 йил куни эълон қилинган. Амалда-23.09.08.;

- суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради;

- жиноят ишларини кўзғатади ёки уларни кўзғатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради;

- айблов ҳулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишни судга юборади;

- қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокуратура органлари Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишади. Жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган чоратadbирларни мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширишга эътибор янада кучайтирилмоқда. **Прокурор назоратининг шакл ва усуллари** билан идоравий назорат мавқеини ошириш тadbирлари янада такомиллаштирилмоқда.

Жиноятларни ўз вақтида очиш ва уни тергов қилиш сифатини яхшилаш мақсадида, керакли ҳолларда тезкор қидирув фаолияти ҳақидаги маълумот ҳамда махфий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 32 моддасини 1-қисмида кўрсатилган прокурорларга берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланилган

ҳолда оғир ва ўта оғир жиноятларни очишда, доимий равишда ҳаракатда бўлган тезкор қидирув гуруҳидан кенг фойдаланилиб, бу гуруҳ фаолиятига раҳбарлик катта тажрибага эга бўлган юқори малакали ходимлар бошчилик қилмоқдалар.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш, ундириш, шунингдек мусодара эҳтимолини таъминлаш чоралари кўрилади. Тергов сифати ҳамда тергов ва суриштирув устидан прокурор назоратини яхшилаш, тезкор қидирув самарадорлигини ошириш чоралари такомиллаштирилмоқда.

Илмий техника воситалари, криминалистика соҳасидаги янги ютуқлар ва суд экспертизаларидан кенг кўламда фойдаланилиб, исботлашнинг манбааларидан ҳисобланган билвосита далиллар аҳамиятини сунъий чеклаб қўйиш ҳолларига барҳам берилмоқда. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда қонунда кўрсатилган, жумладан далиллар тўплаш, уларни мустаҳкамлаш, баҳолашнинг барча усуллари имкониятлари ишга солинмоқда.

Шаҳар-туман прокурорлари ИИБда юритилаётган тезкор қидирув ишларини (ОПД) бевосита ўрганиб, қидирув тадбирларини фаоллаштириш бўйича кўрсатмалар беришни мунтазам амалга ошириб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар транспорт, ҳарбий, прокуратура, шаҳар-туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноят иши кўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш, тергов тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг асослигини ўз вақтида текшириб, айбланувчиларнинг тергов ва суддан яшириниш ҳолларини олдини олиш, яширинганларни топиш ҳақидаги қонун талабларининг бажарилиши, ҳар бир жиноят иши бўйича терговнинг фаол ва малакали ўтказилиши таъминланмоқда.

Қасдан одам ўлдириш, инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган оммавий тартибсизлик, емирилиш, авария, портлашлар ва ўт кетишлар, шунингдек оғир оқибатларга олиб келган бошқа ҳолатлар бўйича воқеа жойига шахсан прокурор ўзи чиқиб, дастлабки босқичда бажарилиши лозим бўлган барча муҳим тергов-тезкор ҳаракатларининг бажарилишини тезкорлик билан амалга оширишмоқда.

Қайд этилган ҳолатлар, шунингдек, номусга тегиш, товламачилик, вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ва бедарак йўқолиши, кўп ва жуда кўп миқдорда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатларини амалга ошириш, валюта ва бошқа моддий бойликларни жуда кўп миқдорда талон-ғарож қилиш, чет эл фуқаросига, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимларига нисбатан уларнинг хизмат фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда содир қилинган жиноятлар юзасидан айбдорлар аниқланмаганлиги асослари билан тергов ҳаракатлари тўхтатилган ҳолларда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш учун бундай жиноят ишлари зудлик билан вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга юборилмоқда.

Жиноятлар тўғрисида ариза ва хабарларнинг кўриб чиқи-лишининг қонунийлиги, ўз вақтида жиноят иши кўзғатилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлиги оширилмоқда.

Ойида камида бир марта жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал қилишнинг қонунийлиги кўшимча манбалардан маълумот олган ҳолда солиштириш йўли билан текширилиб, жиноятларни ҳисобдан яширилганлик ҳолати юзасидан идоравий тартибда хизмат текшируви ўтказилмоқда. Қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, шунингдек, жиноятларни қасдан яширган ходимларнинг жиноий жавобгарлик масаласи муҳим роль ўйнайди.

Жиноятчилик аҳволи, унинг ўсиш, камайиш даражаси, жиноятларнинг очилиши каби ҳисобот маълумотлари сохталаштириш ҳолларига чек қўйилиши лозим. Маъмурий ва интизомий чоралар кўрилиши лозим бўлган, жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракатларни жиноят тариқасида ҳисобга қўйишдек ғайриқонуний амалиётга барҳам бериш керак.

Терговни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона бўлишини таъминлаш тўғрисидаги қонун талабларининг оғишмай бажарилишини, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган шахс ва турар жойлари дахлсизлигини, айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш борасида прокурор, терговчи ва суриштирув органлари ходимларининг алоҳида масъулият билан ёндо-

шувларини таъминлаш масаласи ва қонунни қасддан ҳар қандай чеklang ўтишга, инсон ҳуқуқларининг бузилишига мутлоко йўл қўйилмаслиги лозим.

Жиноят содир қилганликда гумондор сифатида фуқароларни ушлаб туриш қонунийлиги устидан назорат кучайтирилиб, фуқароларни вақтинчалик ушлаш ҳибсхоналарида сақланишларининг қонунийлиги мунтазам равишда ҳар 10 кунда камида бир марта текширишмоқда.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилган ҳамда ҳавфли жиноятларни дуч келган асослар билан уларни очикда қолдирилишининг олди олинмоғи лозим.

Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишга санкция бериш учун мурожаат қилишда, айбланувчини қамокда ушлаб туриш ва тергов муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш масаласини ҳал қилишда прокурорлар жиноят иши материаллари билан танишиб, йиғилган далилларни чуқур ўрганиб, танқидий баҳо беришлари лозим. Қамокқа олиш учун судга санкция бериш учун илтимоснома билан чиқишдан олдин, зарурат туғилган ҳолларда гумон қилинувчи ва айбланувчиларни, вояга етмаганларни эса ҳар қандай ҳолларда ҳам шахсан сўроқ қилишлари керак

Биринчи марта содир қилинган ва ижтимоий ҳавфли бўлмаган жиноятлар учун қамокқа олиш чорасини қўллаш масаласини алоҳида диққат билан кўриб чиқиб, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг шахси, ёши, соғлиғи, oilавий аҳволи, меҳнатга муносабати ҳақидаги маълумотлар инобатга олиниши керак

Вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва миллий ҳавфсизлик хизмати терговчилари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича қамокда сақлаш эҳтиёт чорасини қўллашга вилоят прокурорлари ёки ўринбосарлари томонидан рухсат берилиши белгилаб қўйилиши лозим.

Барча прокурорлар жиноят ишлари юзасидан айблаш ҳулосасини тасдиқлашда терговни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилганлигини, эълон қилинган айбнинг қанчалик асослантирилганлигини, процессуал қонун талабларига тўлиқ риоя қилинганлигини ниҳоятда диққат билан текшириши, қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда тегишли чоралар кўриши

керак бўлади. Ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноят ишлари юзасидан айбланиш хулосаси шахсан вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тасдиқланиши керак.

Прокурор ва судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишлари тергови устидан назорат кучайтирилиб, оқлов асосларисиз жиноят ишини тугатиш ниқоби остида, ғайриқонуний равишда фуқароларни ушлаш, камоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларини яшириб қолишга уринишларнинг кескин олдини олиш лозим.

Ҳаракатдан тугатилган ҳар бир жиноят иши вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар томонидан ўрганиб чиқилиб, қабул қилинган қарор асосли деб топилган тақдирда, бу ҳақдаги хулосани илова қилган ҳолда зудлик билан республика прокуратурасининг тегишли бошқарма ва бўлимларига юборишлари шарт.

Судлар ёки прокурорлар томонидан қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишлари бўйича ажрим ва қарорларда кўрсатилган талаблар бажарилмаганлиги сабабли, ушбу жиноят ишлари яна қўшимча терговга қайтарилган тақдирда, терговни сифатсиз олиб олиб борилган сабаблари вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниб, айбдор ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилиши шарт. Ишларни рўйхати ҳайъат мажлиси қарорининг нусхаси билан ярим ва бир йил якунига кўра Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига юборилиб турилмоғи керак

Терговдан яширинган айбланувчиларга нисбатан суриштирув органлари, маҳаллий ёки давлатлараро қидирув эълон қилганлари ҳолда, уларни ушлаб келтириш (этап қилиш) ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ва Қуролли Кучларининг ҳарбий прокурорлари томонидан санкцияланиши лозим.

Чет эл фуқаросини ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда, халқаро шартномаларда назарда тутилган талабларга қатъий риоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ушланган жиноятчи олиб келтириш (этап қилиш) ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси прокуратураси орқали юборилади.

Жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларнинг кўриб чиқишнинг қонунийлиги, ўз вақтида жиноят иши кўзгатилиши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлиги оширилиши, онда камида бир марта жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал қилишнинг қонунийлиги қўшимча манбалардан маълумот олган ҳолда солиштириш йўли билан текшириш вазифаси юклатилган.

Барча прокурорлар жиноят ишлари юзасидан айблаш ҳудосасини тасдиқлашда терговни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўтказилганлигини, эълон қилинган айбнинг қанчалик асослантирилганлигини, процессуал қонун талабларига тўлиқ риоя қилинганлигини ниҳоятда диққат билан текшириш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар биринчи марта бекор қилинганда, назорат олиб боровчи прокурорлар томонидан қўшимча тергов муддати бир ой давомида белгиланиши, шу жиноят ишлари бўйича яна тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар бекор қилинган тақдирда, ЖПКнинг 351-моддаси талабларига қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланган.

Прокурор жиноят ишини кўзгатишнинг асослиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишини кўзгатиш асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиши лозим.

Суриштирув ва тергов ўтказиш босқичида, қонун талаблари бузилганлиги ҳақида фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар матбуотда чоп этилган хабарларни ҳар томонлама, тўла текширилиб, прокурор ва терговчиларнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисидаги ариза ва шикоятларни ҳал қилиш айти шу прокурор ҳамда терговчиларга топширилмаслиги лозим.

Фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқишнинг қонунийлиги устидан назорат кучайтирилмоғи даркор. Улар юзасидан шаҳар-туман прокурорларининг бевосита тергов олди текшируви ўтказилишлари,

тергов қидирув ишлари олиб бориш хусусида ИИБга зудлик билан топшириқлар бериб борилиши лозим. Бедарак йўқолган шахс жиноят қурбони бўлганлиги ҳақида асослар мавжуд бўлган тақдирда зудлик билан жиноят иши кўзғатилиши керак бўлади.

Тергов ва айбланувчиларни қамоқда ушланиб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқишда, терговни давом эттириш зарурлигининг асосий сабаблари диққат билан ўрганилиб, айбланувчиларни қамоқда ушлаб туришнинг қанчалик асослантирилганлиги ҳамда бу эҳтиёж чорасини узайтиришнинг мақсадга мувофиқлигига танқидий нукта-назардан қаралиши керак. Эҳтиёж чорасини узайтириш ҳақида келтирилган **илтимоснома, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, ҳал қилинишининг** конунийлигига алоҳида эътибор берилиб, қамоқдан асоссиз озод қилишга йўл қўйилмаслиги керак.

Тергов муддатини ҳамда айбланувчиларни қамоқда ушлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги (илтимоснома) қарорда, жиноят ишининг қисқача мазмуни, ҳар бир айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ушланган вақти, қўлланилган эҳтиёт чораси, эълон қилинган айбнинг мазмуни, айбланувчиларнинг ўз ҳимояси учун келтирилган важлари, йиғилган далиллар жиноят ишининг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар, терговни белгиланган муддатда тамомлай олмаслик сабаблари, шунингдек, бажарилиши лозим бўлган тергов ва қидирув ҳаракатлари кўрсатилиши лозим.

Бундай илтимоснома такроран кўзғатилган ҳолларда муқаддам узайтирилган муддат ичида белгиланган тергов ҳаракатлари бажарилмаган бўлса, бунинг сабаблари ҳамда қўлланилган чоратadbирлар аниқ кўрсатилиши керак.

Тергов ва айбланувчиларни қамоқда ушлаб туриш муддатларини узайтириш учун судга мурожаат қилинадиган илтимосномада, қонун талабларидан келиб чиқиб, зарур муддатга узайтирилиши лозимлиги кўрсатилган ҳолда, шу муддатнинг қачон тамом бўлиши кўрсатилмаслиги лозим. Айбланувчи, ҳимоячини иш материаллари билан танишган даври, тергов ва айбланувчи қамоқда ушлаб туриш муддатини ҳисобга олиш жараёни қатъий равишда кузатиб борилиши керак.

Кўшимча терговга қайтарилган ишлар бўйича муддатни узайтириш ҳақидаги илтимоснома жиноят иши билан биргаликда суднинг ажрими ёки қароридан кўчирма, тезкор мажлис ва ҳайъат йиғилиши баённомалари ҳамда қарорларнинг нусхалари тақдим этилиши даркор.

Тергов ва айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома (қарор) 3, 5, 7 ва 9 ойлик ҳамда 1 йилгача муддат тамом бўлишидан 30 кун олдин тегишли прокурорга тақдим этилиш керак.

Ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари қўзғатган ҳамда назорат қилувчи прокурорлар томонидан қувватланган илтимосномалар юқори турувчи прокурорларга ушбу тергов бўлими ва бошқармаларнинг бошлиқлари томонидан шахсан тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тергов ва айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддатини 6 ойдан кўпроққа узайтириш ҳақида прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик органлари терговчилари қўзғатган илтимосномалар, республика прокуратурасига шахсан вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати тергов бошқармаларининг бошлиқлари томонидан тақдим этилиши қонун билан белгилаб қўйилган.

Жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар биринчи марта бекор қилинганда, назорат олиб борувчи прокурорлар томонидан кўшимча тергов муддати бир ой давомида белгиланади. Шу жиноят ишлари бўйича яна тугатиш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарорлар бекор қилинган тақдирда, тергов муддатининг умумий асосларда узайтирилиши лозимлиги хусусидаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддаси талабларига қатъий амал қилиниши шарт.

Тергов ва айбланувчиларни қамоқда ушлаб туриш муддатларининг узайтирилганлиги, тергов тамомланганлиги ҳақида терговчилар тергов изоляторига зудлик билан хабар беришлари шарт.

Қуйидаги ҳолларда республика прокуратурасига ахборот юборилиши таъминланиши шарт:

- темир йўл, ҳаво ва сув транспортларида, саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида рўй берган кишиларнинг нобуд бўлишига ёки кўп миқдорда моддий зарар етишига сабаб бўлган барча ҳалокатлар, емирилишлар ҳақида;

- жиддий зарар етказилишига сабаб бўлган портлашлар, ёнғинлар ва ёппасига тарқалган касалликлар ҳамда заҳарланишлар рўй берганлиги ҳақида;

- қуроллар, жангавор аслаҳалар, портловчи моддалар, ҳарбий техникалар, портлаш мосламалари ва бошқа анжомларнинг талон-торож қилинганлиги, шунингдек, бундай воситаларни қўллаш йўли билан содир этилган жиноятлар ҳақида;

- гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп воситаларни талон-торож қилганлиги, шунингдек гиёҳвандлик воситалари билан кўп миқдорда бизнесни амалга оширганлиги ҳақида;

- уюшган жиний гуруҳлар томонидан содир этилган барча жиноятлар ҳақида;

- келиб чиқишидан қатъи назар, оммавий тартибсизликлар ҳақида;

- террорлик ва экстремистик фаолиятлар, ҳаво кемасини эгаллаш ёки бунга суикасд қилиш, шахсни гаров сифатида тутқинликка олиш ҳолатлари ҳақида;

- прокуратура, суд, адлия, ички ишлар ва Миллий ҳавфсизлик хизмати органлари, ахлоқ тузатиш муассасалари, Давлат солиқ кўмитаси ходимлари, шунингдек, ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг масъул мансабдор шахслари томонидан содир этилган барча жиноятлар ҳақида;

- озодликдан маҳрум қилиш жойлари ва махсус тарбиявий муассасаларда содир бўлган оммавий тартибсизлик, итоатсизликлар, қуролли гуруҳ бўлиб қочиш ҳоллари, шунингдек, ахлоқ тузатиш муассасалари ишларини издан чиқаришга қаратилган ва оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар ҳақида;

- хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатликлар билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек чет эл фуқаролари томонидан ёки уларга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақида;

- тергов ўтказишда қонунсиз усулларнинг қўлланилганлиги, била туриб ғайриқонуний ушлаш, қамоққа олиш, асоссиз

жиноий жавобгарликка тортиш ва бошқа йўллар билан қонуни бўлиб равишда бузилганлиги ҳақида;

- қасддан одам ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш;
- номусга тегиш ёки унга суиқасд қилиш;
- ўз-ўзини ўлдириш ва унга суиқасд қилиш;
- таъмагарлик мақсадида одам ўлдириш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимият ва бошқарув органлари ходимлари, назорат органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, сиёсий ва жамоат арбобларига нисбатан, уларнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолларда содир этилган жиноятлар ҳақида;

- жуда қўп миқдорда талон-торож қилиш ҳақида;
- иорахўрлик жинояти ҳақида;
- қалбаки пуллар тайёрлаш ва сотиш ҳақида;
- миллий, ирқий ёки диний низолар асосида содир этилган жиноятлар ҳақида.

4. §. Тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қонунлар ижросини таъминлашни устидан прокурор назорати - прокуратура органлари фаолиятида янги йўналишдир.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги 29 август 2001 йил куни қабул қилинган 27 октябр 2001 йил кунидан кучга кирган Прокуратура тўғрисидаги қонунинг 4-моддаси прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган бўлиб, шу асосий йўналишлар ичида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бир йўналиш қилиб берилган. Шулар ичидан тезкор-қидирув фаолияти ҳақида илгари бизнинг қонунчилигимизда тушунча берилмаган эди. Қатор ҳамдўстлик давлатлари қонунчиликларида бу ҳақда алоҳида тушунча мавжуд. Масалан, Россия Федерациясида «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун 13 март 1992 йилда қабул қилинган. Ушбу қонун бўйича тезкор қидирув фаолиятига яхши тушунча берилган. Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикасининг жуда

кўп қонунлари собиқ иттифок республикаларининг қонунчиликларига ўхшашдир. Чунки, илгари шу давлатларнинг қонунчиликлари асосини иттифок қонунлари асослари ташкил қилган эди. Албатта, иттифок тарқалгандан сўнг, ҳар бир ҳамдўстлик давлатлари ўзларининг ўз миллий ва этник келиб-чиқишлари, урф-одатларига мос ҳолда, ўз қонунларини қайта ишлаб чиқиб, қабул қилганлар. Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликка эришилганидан сўнг, худди шу асосларга кўра, яъни, ўз миллий турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойликларимиз ва дунёқарашларимизга хос қонунларни қабул қилина бошланди. Ҳозирда, муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи 500 дан ортиқ янги қонунлар қабул қилинган. Ҳамдўстлик давлатлари томонидан қабул қилинаётган бир қанча қонунлар предмети бизнинг қонунларимизга ўхшаб кетади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирча Ўзбекистон Республикаси прокуратура тўғрисидаги қонун бўйича тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат ҳақида қуйидагиларни гапириб ўтиш мумкин.

Тезкор қидирув фаолияти соҳасидаги назорат юридик жиҳатдан ўзида кўрсатиб ўтилган прокурор назорати йўналишининг бир қисмини акс эттиради. Шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қонунларни ижро қилишлари устидан назорат қилиш объектлари, предмети, ташкил этилиш асослари ва ваколатлари нуқтаи назаридан ўзининг алоҳида хусусиятларига эгадир.

Тезкор қидирув фаолияти бўйича қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар томонидан авваломбор, унинг таркибини ва ҳуқуқий-меъёрий асосини билишларини назарда тутати. Тезкор қидирув фаолияти бу -қонун йўли билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш учун махсус ҳуқуқ-ваколатлар берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ўз ваколатлари доирасида ошкора ва хуфёна амалга ошириладиган фуқароларнинг соғлигини, ҳаётини, мулкни, ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятни жиноий хуружлардан муҳофаза қилишга қаратилган тезкор қидирув тадбирларидир.

Тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- жиноятларни аниқлаш;
 - жиноятларни олдини олиш;
 - жиноятларни очиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш;
 - шу билан бирга уни содир этишга тайёргарлик кўраётган ёки содир этаётган шахсларни аниқлаш;
 - суриштирув, тергов ва суд органларидан кочиби юрганлар, жиноий жавобгарликдан бош тортган шахсларни, бедарак йўқолган деб эълон қилинган шахсларни қидирувини амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий, иқтисодий ёки экологик хавфсизлигига тажовузни вужудга келтирувчи фаолиятлар ёки ҳолатлар ҳақида маълумотлар йиғиш.
 - Бундан ташқари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги қарорларни қабул қилиш учун маълумотлар йиғиш ҳуқуқига эгадирлар:
 - давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга рухсатнома-си борлиги тўғрисида;
 - шахсларнинг соғлиги ва ҳаётига, шу билан бирга атроф муҳитга юқори даражада хавф туғдирувчи объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларга рухсатнома олиш ҳақида;
 - тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга рухсатнома олиш ҳақида ёки уни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсатнома олиш ҳақида;
 - тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда ва тайёрлашда иштирок этган шахслар билан ҳамкорлик муносабатини ўрнатиш тўғрисида;
 - тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари тўғрисида;
 - хусусий детективлик ва кўрикчилик фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома бериш тўғрисида.
- Ушбу қонун кўрсатмаларига мувофиқ тезкор қидирув фаолияти соҳасида назоратни амалга оширувчи прокурор ушбу фаолиятини қонун чегараларидан чиқмаслигини кузатиб бормоғи лозим.

Шу ўринда прокурорлар конун бўйича айнан қайси органлар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати борлигини, қайси давлат органи шу ҳуқуққа эга эканлигини аниқлаб олишлари зарур.

Бундай органларга: Ўзбекистон Республикаси Ички шлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси давлат чегара хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари киради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг энг кенг доираси ички ишлар органларининг бўлинмаларига тўғри келади. Ушбу бўлинмалар милиция тизимида мавжуд. Тезкор қидирув фаолияти милиция учун асосий вазибаларидан биридир. ИИВ органлари тезкор қидирув фаолиятини амалдаги қонунларга ҳамда ИИВ томонидан чиқарилган улар фаолиятини тартибга солувчи буйруққа асосан амалга оширадilar. Унга кўра, албатта, жиноят иши кўзгатилиши лозим бўлган жиноят ишлари бўйича жиноятларни аниқлаш, очиш, олдини олиш, келиб чиқиш шарт-шароитларини бартараф қилиш; суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган шахсларни қидирувини амалга ошириш, жиноий жазони ўташдан бўйин товланганларни қидириш; бедарак йўқолган фуқароларни қидириш тезкор қидирув фаолиятининг асосини ташкил қилади.

Жиноий жазоларни ижро этиш тизимининг ахлоқ тузатиш муассасаларида тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш маҳкумларни, ахлоқ тузатиш муассасалари ходимларини ва бошқа шахсларни шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Ушбу муассасаларда белгиланган жазони ўташ тартибининг бузиш ҳоллари ҳамда тайёрланаётган ва амалга оширилган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва уларни бартараф қилиш, жазони ўташдан бош тортган маҳкумларни, қочганларни белгиланган тартибда қидириб топиш; маҳкумлар томонидан ахлоқ тузатиш муассасаларига етиб келгунга қадар содир этилган жиноятларни очиш ва аниқлаш бўйича ўзаро

фаолият юритиш орқали ҳам тезкор кидирув фаолияти амалга оширилади.

Миллий хавфсизлик органлари жосуслик жиноятини аниқлаш, олдини олиш, очиш ва келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш, террористик фаолият, уюшган жиноятчилик, коррупция, наркотик воситалар ва куролларнинг ноқонуний обороти, контрабанда ва бошқа жиноятларни очиш ва аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш, қонун билан ўз нақолатлари доирасида суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик йўли билан қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жамоат ташкилотлари, жиноятчи гуруҳлар, алоҳида шахслар ҳамда ноқонуний ҳарбий тузилмалар фаолиятини аниқлаш, очиш, бартараф қилиш ва олдини олиш юзасидан тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширадilar.

Яқин тарихимизга назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти эса тезкор-кидирув фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Солиқ тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6-июлдаги 291-сонли «Иқтисодийёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширар эди, ушбу Вазирлар маҳкамасининг қарори ўн артирилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 30.03.2003 й. N 216 Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонун бузилишлари тўғрисидаги маълумотларни Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон-Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 415-сонли қарорининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилган буйруғи асосида фаолият кўрсатаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2006 й. п ПҚ-331-сонли «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Қарорда қайд этилишича, мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Департамент органларида кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишлари, таҳлилий, тезкор бўлинмаларнинг махсус техника ва криминалистика воситалари билан таъминланиши тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Иқтисодий, валюта-молия ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига** айлантирилиши қайд этилди.

Департамент тузилмасида Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилсин, Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 20 нафарга кўпайтирилиши белгиланди.

Белгилаб қўйилсинки, Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларига

хамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-тахлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалта ошириш, шунингдек, содир этилган қонун бузилишлари оқибатида етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

- давлат солиқ сийсати амалга оширилишини таъминлаш;

- солиққа тортиш базасини кенгайтириш;

- солиқ тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш;

- солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, "хуфёна" иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

- валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш;

- хорижий валюта маблағларининг қонунга ҳилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб келиниши ва олиб чиқилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта-айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларини олдини олиш ва бартараф этиш;

- молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш;

- жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиноий таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини кўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш;

- солиқ ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жинорий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро-ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш;

- солиқ сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона хизмати органлари тезкор қидирув фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1997-йил 29-август куни қабул қилинган Давлат Божхона хизмати тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинади. Божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига амал қиладилар. (қонуннинг 3-моддаси). **Давлат Божхона хизмати органлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширар эканлар қонуннинг 5-моддасига асосан ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:**

- товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

- юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- валюта назоратини амалга ошириш;

- молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини

амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

- божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

- божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

- божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб кўйиш;

- экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда, шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

- божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

- Давлат божхона хизмати органлари шу билан бирга, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларига зид бўлмаган халқаро божхона органлари талабларига биноан, божхона масалалари бўйича бошқа шартномаларга асосан чет эл давлатларининг божхона ёки ваколатли органлари талабларига биноан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши мумкин.

- Тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа давлат органлари томонидан тезкор қидирув фаолияти тегишли қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда, фақатгина уларга юклатилган масалаларни ҳал этиш

учун ўтказилиши мумкин. Тезкор кидирув фаолияти таркибини тезкор кидирув фаолияти тадбирлари ташкил этади.

- Прокурор назоратининг яна бир вазифаларидан бири қонунда белгиланмаган тезкор кидирув тадбирларини ўтказилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш ва тезкор кидирув органларининг ўз ваколатлари доирасида фаолият юритишлари устидан назорат қилишдан иборат.

- Тезкор кидирув тадбирлари муҳим бўлган ҳолатларда тезкор кидирув органларининг ҳаракатсизлиги тезкор кидирув фаолиятини тартибга солувчи қонунлар талабларининг бажарилмаслигини намоён қилади. Шунинг учун бундай турдаги фактни аниқлаган прокурор тезкор кидирув органлари қонун томонидан белгиланган вазифаларга эришиш учун барча ҳаракатларни амалга оширилиши учун чоралар қўллаши лозим.

- Жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш, тезкор кидирув органларининг ўз ҳуқуқий мажбуриятларини бажариш борасидаги дастлабки мувофаққиятли қадамидир. Яна шу нарса муҳимки, маълумотларнинг жинойий процессуал фаолият доирасида қўлланиши учун (суриштирув органлари) терговчиларга ўз вақтида етиб келишини таъминлаш лозим.

5-§. Прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши бўйича ҳам прокурор таъсир чораларини қўллашдаги ҳуқуқий ҳужжатларга қарор, протест, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув киради.

Уларнинг қўллаш асоси ва тартиби “Прокуратура тўғрисида”ги қонун бўйича амалга оширилади.

Прокурорнинг таъсир қўрсатиш ҳужжатлари сифатида қўлланадиган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Улар қонун бузилишига оид долзарб ва аҳамиятли ҳолатларга қаратилган бўлиши лозим;

- бундай ҳолат аниқланганда, прокурорнинг процессуал аралашishi зарурияти ва тегишли қарор зарурияти тегишли қарор қабул қилинишини тақазо этади;

- Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд хулоса ва тиклифлар асосланган ҳамда қонуний бўлиши керак;
- Улар аниқ фактларга асосланган бўлиши керак;
- Прокурор раҳбарнинг ўзи қонунни бузган шахсга нисбатан қўллаши мумкин бўлган маъмурий, интизомий чораларни олдиндан қўлламаслиги ва буни раҳбарга қўйиб бериши керак;
- Прокурорлик назорати ҳужжатларни чиқаришда амалиётда қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга оид тузилиши, шакл ва реквизитларга ҳамда, энг асосийси, ҳужжатнинг мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим;
- Ниҳоят, ҳуқуқий ҳужжат юридик ва имловий жиҳатдан саводли ёзилиши керак.

Қонунга зид ҳужжатга нисбатан **п р о т е с т** ни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Масалан: туман, шаҳар ички ишлар бўлими маъмурияти томонидан чиқарилган ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан бевосита шу туман, шаҳар ИИБ маъмуриятига ёки унинг юқори турувчи органи вилоят ИИБ маъмурияти номига киритилади. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза

берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб кўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб **жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўзгатиш** ҳақида **қ а р о р** чиқаради.

Ҳар бир чиқариладиган **қарор** тегишли (жиноят процессуал, маъмурий, меҳнат ёки шу каби) қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Агар сўз жиноят ишини кўзгатиш борасида борса, бу ерда Жиноят процессуал кодекси талабларига риоя этиш керак. Қарорда қарорни чиқарган шахснинг исм фамилияси ҳамда мансаби ҳамда унвони, ишни кўзгатиш учун сабаб ва асослар жиноят кодексининг моддаси, жиноят ишининг кейинги йўналиши кўрсатилиши керак.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор шу жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ёки орган номига киритилади. Прокурорнинг ўзи бевосита интизомий жавобгар қилмайди ёки маъмурий жавобгар қилмайди. Яъни, ҳуқуқбузарликнинг даражасига қараб, “сенга меҳнат қонунчилиги бўйича ҳайфсан эълон қиламан ёинки, қаттиқ ҳайфсан эълон қиламан” дея олмайди. Шу интизомий жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс ёки орган номига интизомий жавобгарликка тортишни сўраб, қарор чиқариб, қарорни ижро этишни талаб қилиб жўнатади. Қарор кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши ҳамда кўрилган чора ҳақида прокурорга ёзма равишда хабар қилиниши шарт.

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиши ҳоллари унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб-бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига **т а қ д и м н о м а** киритади.

Тақдимнома қоида бўйича қонун билан белгиланган тартибда прокурор ва унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, қонун бузилишини бартараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чоратадбирларини кўрувчи давлат органларига ҳамда мансабдор шахсларга ёхуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари худди шу текширилган корхона, муассаса ва ташкилотнинг тармоқ идоралари бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлган тарқалганлик хусусиятига эга бўлганда ёки прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чоратадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Умумий назорат тартибида илгари амрнома тарзида зудлик билан қонун бузилиши бартараф этилиши зарур бўлган ҳолларда киритиладиган ҳужжат ўрнига ҳам ҳозирда “тақдимнома” киритилади.

Масалан, моҳияти юзасидан қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш зарурияти мавжуд. Агарда бундай қилинмаса, ёмон оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Тақдимномада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий ёки моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаблари баён этилиши мумкин. Бунинг учун жавобгарликнинг ушбу турларини кўзгатиш ҳақидаги махсус қарор чиқарилиши шарт эмас.

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Тақдимномани тайёрлашда нафақат унинг чиқарилиши учун аниқ сабаблардан, балки ушбу тақдимнома юбориладиган корхона, муассаса ёки ташкилотдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати ҳақидаги хулосалардан фойдаланиш керак

Прокурор ўз тақдимномасида йўл кўйилган қонун бузилишлари уларга имконият яратган сабаб ва шароитлардан ташқари, ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ҳамда уларнинг

олдини олувчи шароитларни яратишга имкон берадиган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатиб ўтса мақсадга мувофиқдир.

Тақдимнома ўз шаклига кўра маълум талабларга жавоб бериши керак. Тақдимномада қуйидаги элементлар мавжуд бўлади:

- Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш жинойтни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к);

- бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва шароитлар тавсифи;

- қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар;

- қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни кўрсатиш;

- уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари; тақдимноманинг дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб;

- прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, тақдимнома-ни киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси.

- умуман, тақдимнома фақат қонун бузилиши ҳолларини бартараф қилишга хизмат қилмасдан, балки қонун бузилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Тақдимнома дейилганида, фақат тор маънода тушунилмаслиги керак. Бундай ҳужжат номи билан жинойтларни тергов қилишда дастлабки тергов органлари, жумладан, прокуратура органлари **терговчилари томонидан ҳам тақдимномалар киритилиши** тушунилиши лозим.

Бундай тақдимнома жиноят иши яқунланаётганида, жиноятни келтириб чиқарувчи сабаблар, шарт-шароитларни бартараф қилиш ва келгусида шу каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик учун тегишли чора тадбирлар белгилаш учун ҳам жиноят содир бўлган жойга (масалан: маҳалла фуқаролар йиғини, меҳнат жамоаси номига) киритилади.

Бундан ташқари, жиноят иши бўйича суд (қарори) ҳукми чиқарилганидан кейин, жиноят процессуал қонунчилигида белги-ланган **протест киритиш муддати қўйи турувчи прокурор томонидан ўтказиб юборилганида**, қонунга мувофиқлаштирилиши лозим бўлган суд ҳужжатини ва бу ҳужжатга нисбатан **протест киритишни сўраб**, ўз асосларини баён қилинган тақдимномани **қўйп турувчи прокурор юқори турувчи прокурор номига юбориши лозим**.

Прокурор назорати ҳужжати сифатида **а р и з а**. Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши, қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибида бартараф этилиши лозим бўлган ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди. Аризадан одатда даъво аризаси сифатида фуқаролик, хўжалик судларига прокурор томонидан мурожаат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Прокурор ўзи киритган даъво аризаси бўйича фуқаролик ва хўжалик судларида даъвони қувватлаб иштирок этиши шарт ҳисобланади. Прокурор ўз ваколатлари доирасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва маънавий ёки моддий зарар кўрган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза билан мурожаат этиш яна бир ҳолатда амалга оширилиши мумкин.

Прокурор прокуратура фаолиятини амалга ошириш чоғида ўз ваколатлари доирасида ғайриқонуний деб ҳисоблаган ҳужжатни қонунга мувофиқлаштириш учун ҳам судга мурожаат этиши воситаси сифатида аризадан фойдаланиши мумкин. Масалан, ўз ваколатлари доирасида ғайриқонуний деб ҳисоблаган ҳужжатни қонунга мувофиқлаштириш учун протест киритганида бу ҳужжат рад этилган чоғида яъни, **протест** шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди.

Прокурорнинг ариза тариқасида прокурор назорати ҳужжати, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан бериладиган аризадан фарқ қилади. Масалан, кўриб чиқилиш муддати, прокурор томонидан бериладиган ариза шакллантирилиши ва судга тақдим этилишининг қонун билан белгиланган ўзига хос тартиби билан фарқланади.

**Қонушларнинг жиноятчиликка қарши
курашни амалга оширадиган органлар
томонидан ижро этилиши устидан
прокурор назорати
предмети**

**Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва
хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал
қилиш**

**Терговни олиб боришнинг қонун
ҳужжатларида белгиланган
процессуал тартиби**

**Жиноятчиликка қарши курашни
амалга оширадиган органлар
томонидан қабул қилинаётган
қарорларнинг қонунийлиги**

**Жиноятчиликка қарши курашни
амалга оширадиган органларнинг
қонушларни ижро этишлари
устидан назорат**

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан **назорат предмети** белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан нazorat предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан нazoratни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади, жиноят ишларини кўзгатади ёки уларни кўзгатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади.

Жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖП Қонунчилиги ва Прокуратура тўғрисидаги Қонунга асосан прокурорларга юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади

**“Прокуратура тўғрисида”ги
Қонуннинг 28-моддаси бўйича
прокурорнинг ваколатлари**

Жиноят ишларини қўзғатиши
мумкинлиги

Жиноят ишларини қўзғатишни рад этиши
мумкинлиги

Жиноят ишларини тугатиши мумкинлиги

Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи, илмий ва
техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан
фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишига кўмак
бериш а йўналтиришдан иборат

Жиноят ишлари юзасидан иш
юритилишини тўхтатиши мумкинлиги

Қонунда назарда тутилган ҳолларда
терговчининг ишни тугатишига розилик
бериши

Айблов ҳулосасини ёки қарорини
тасдиқлаши, ишни судга юбориши
ваколатлари белгиланган


Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ва терговчининг бу ҳақдаги қарорига розилик бериш

Туман-шаҳар миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тегишли туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига

Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган миқёсдаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарларига

Республика миқёсидаги тергов органи иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларига

Шунингдек, юқори турувчи прокурорлар ўз вазолатлари доирасида қуйи тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиши ёки бундай илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги терговчининг қарорига розилик бериши мумкин.



Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор судга юборилаётганда қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

Жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш баённомаси

Шахсни ишда айбланувчи (гумон қилинувчи) тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор


Айбланувчининг (гумон қилинувчининг) шахсига оид маълумотлар

Жиноят-процессуал кодексининг 239-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қўзғатилганда, қарорга тегишли давлат органи ёки мансабдор шахснинг розилиги акс эттирилган ҳужжатнинг нусхаси

Қидирувда бўлган айбланувчига нисбатан қидирув тўлиқ қилиш тўғрисидаги қарор

Ишда айбланувчининг қонуний вакили ёки ҳимоячининг иштирок этаётганлиги ҳақидаги маълумотлар (ордер, ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённома)

Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонулларнинг ижро этилиши устида нazorat қилини



Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонуиларнинг ижро этилиши устидан назорат ваколатлари

Жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради

Сурштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда қор қилмай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажарали ёки терговчи тўла ҳажмда амалга оширади

Тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини ўзгариштириш ҳақида судга илтимоснома билан мурожаат қилади

Жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради

Жиноят ишини суриштирув органидан терговчи, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ЖПКдексида белгиланган ҳолларда ва тарғибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказиш

Суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонуи бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради

Жиноят ишларини қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади

Қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради

Айблов ҳулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишни судга юборади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Учинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Тергов бошқармаси (бўлими)да ишни ташкил этиш бўйича асосий вазифалар этиб нималар тайинланган?
2. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?
3. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органлари қандай вазифани амалга оширишади?
4. Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида қандай ваколатларни амалга оширади?
5. Қайси ҳолларда Республика прокуратурасига ахборот юборилиши таъминланиши шарт?
6. Тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қонунлар ижросини таъминлаши устидан прокурор назорати дейилганда нима тушунилади?
7. Тезкор қидирув фаолиятининг вазифаси нималардан иборат?
8. Тезкор қидирув фаолиятининг энг кенг доираси қайси органларга тўғри келади?
9. Тезкор қидирув фаолиятининг асосини нима ташкил этади?
10. Миллий хавфсизлик органлари қандай ишлар юзасидан тезкор қидирув фаолиятини амалга оширадилар?
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона хизмати органлари тезкор қидирув фаолиятини айтинг.
12. Прокурорнинг таъсир кўрсатиш ҳужжатлари дейилганда нималар тушунилади?
13. Тақдимномада қандай элементлар мавжуд бўлади?
14. Прокурор назорати ҳужжатларига кирмайдиган бошқа ҳужжатлар ҳақида гапириб беринг?
15. Интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ва асослари?
16. Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ва асослари?
17. Жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни қўллаш тартиби ва асослари?

4-БОБ: Жиноят ишени кўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурилов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор ваколатлари

РЕЖА :

1-§. Жиноят ишени кўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари.

2-§. Процессуал мажбурилов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари.

3-§. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор қарори.

4-§. Жиноят ишени судга юбориш.

1-§. Жиноят ишени кўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, қонунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда қанда бир марта текширади, жиноят ишларини кўзғатади ёки ёки уларни кўзғатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади (худ улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади.

Жиноят ишени кўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖП Қонунчилиги ва Прокуратура тўғрисидаги Қонунга асосан прокурорларга юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи

прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чоратadbирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат предмети белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторига :

- Жиноят ишларини кўзғатиши мумкинлиги;
- Жиноят ишларини кўзғатишни рад этиши мумкинлиги;
- Олиб борилаётган тергов ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назоратни олиб бориши;
- Жиноят иши юзасидан олиб борилаётган ҳар бир тергов ҳаракати бўйича бевосита топшириқ бериш, шу тергов ҳаракатларида иштирок этиш, тергов ҳаракатлари амалга оширилиши қонунийлигини таъминлаш;
- Жиноят ишларини тугатиши мумкинлиги;
- Жиноят ишлари юзасидан иш юритилишини тўхтатиши мумкинлиги;
- Қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик бериши;

- Айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлаши, ишни судга юбориши ваколатлари белгиланган.

- Шунингдек, прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган терговолди текширувини ўтказиш;

- жиноят ишлари қўзғатиш;

- тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийлиги таъкидланган.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишнинг асослилиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишини қўзғатиш асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 337-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

- Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;

- Суриштирувчининг, суриштирув органи бошлиғининг, терговчининг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга;

- Иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нухаси ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади.

Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги билан биргаликда, жиноят иши қўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги устидан ҳам назоратни прокурор юқсак савияда амалга оширади.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382- моддасида белгиланган ваколатлардан фойдаланади.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назорати суриштирув ва дастлабки тергов органларининг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларига қатъиян ва аниқ мувофиқ келиши лозим.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи - жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, бир томондан, жиноий ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир кўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари бўлган фактларни аниқлайди.

Жиноят иши қўзғатилиши устидан назорат ўрнатилиши ўз вақтида жиноят иши қўзғатилиши, жиноий фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахслар жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда жиноят судлов ишларининг бошқа масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Жиноят ишини қўзғатишни етарли асосларсиз рад қилиш, қондага кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади. Жиноят ишини қўзғатишни етарли асосларсиз рад қилишга йўл қўймаслик жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб эмас, балки жиноят тўғрисида хабар келиб тушган вақтдан бошлаб амалга оширилиши лозим.

ЖПКнинг 382-моддаси талабларига кўра, прокурор жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш(қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасидан ташқари), ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради, тергов юритиш ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамокда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилади.

Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Прокурорнинг жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг жиноят процессуал кодексида белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

❖ суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

❖ содир этилган ёки тайерланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;

❖ суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга ҳилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

❖ жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш (камोकқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасидан ташқари), ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

❖ суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, камокқа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

❖ суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади;

❖ тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига руҳсат беради;

❖ ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига кўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказади; Қонун- 22.09.08.“Халқ Сўзи газетасида.”- 23.09.08 йил куни чоп этилган 23.09.08 йил кунидан амалда.

❖ суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ехуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

❖ жиноят ишлари қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, ишларни тугатади ехуд юритилишини тўхтатади; қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради; айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

❖ Прокурорнинг ушбу Кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

Жиноят ишини тугатиш тушунчаси, асослари ва тартиби

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ўз қарорини терговчи асослантирилган тарзда расмийлаштириш йўли билан амалга оширади. Терговчининг бундай қарори, одатда, прокурор томонидан тасдиқланмайди. Лекин, амалиётда қонун бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва фуқароларнинг қонунлар билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида ҳар қандай жиноят ишини тугатиш ҳақидаги терговчининг қарори прокурор томонидан ўрганиб чиқилиб, унинг розилиги олинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 374-моддасига биноан, **жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор** белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади. Қарор тавсиф ва

хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисми юқорисида қарорнинг номи, қаерда ва қачон чиқарилаётганлиги, ким томонидан қайси жиноят иши бўйича чиқарилаётганлиги кўрсатилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида эса :

- жиноят ишини кўзгатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

- гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

- жиноят ишини тугатиш асослари;

- бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

- ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

- фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари баён қилинади.

Қарорнинг хулоса қисмида :

- жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

- гумонни ёки айбловни олиб ташлаш тўғрисидаги;

- эҳтиёт чораларини, шунингдек, фуқаровий даъвони таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;

- ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Агарда жиноят иши бўйича бир неча шахс айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган бўлса, уларнинг фақатгина баъзи бирига нисбатан жиноят ишини тугатиш асослари мавжуд бўлса, унда тугатиш асослари мавжуд бўлган айбланувчиларнинг қисмини тугатилади. Қолган айбланувчилар иши эса, умумий иш юритув тартибда, айблов хулосаси билан прокурорга юборилади. Ишни тугатиш ҳақидаги қарорда ашёвий далиллар тақдири белгилаб қўйилиши лозим. Агарда иш юритуви тугатилаётган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси қўлланган бўлса, эҳтиёт чораси бекор қилиниши керак. Рўйхатга олинган ва

олиб қўйилган мулк рўйхатдан чиқарилиб, эгасига қайтарилганини лозим.

Терговчи жиноят ишини тугатганлиги ҳақида ёзма равишда гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқароний даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ҳамма жиноят ишини қўзғатиш учун ариза билан мурожаат қилган фуқаро ёки мансабдор шахсга маълум қилиши шарт. Шу билан бир вақтда, терговчи жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорни устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириши мажбурий ҳисобланади.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддати ичида ёзма равишда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қилади.

Жиноят ишини тугатиш устидан прокурор назоратини ўрганиш учун тугатиш турлари тушунчасига тўхталиб ўтади.

Жиноят ишини тугатиш йўли билан дастлабки терговни тамомлаш қонунда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-84-моддаларида кўрсатилган) асослар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар мавжуд бўлганда, яъни:

- иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчинини қилмишида жиноят тарқиби бўлмаса ;
- гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса,

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар мавжуд бўлганда, яъни

- шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

- шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний қучга кирган ажрими(қарори) ёки қарорли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад қилиши ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

- иш фақат жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатилганидан ҳолларда унинг шикоятни бўлмаса (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

- шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноятни жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Шу ерда шуни ҳисобга олиш лозимки, агарда шахс жиноят ишига айбланувчи тариқасида жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, ёхуд амнистия акти қабул қилинган тақдирда ёнки, айбланувчи, судланувчи вафот қилган, унинг яқин қариндошлари талабига кўра, ишни юритиш қонуний тартибда давом эттирилиши мумкин. Мабодо, ушбу ҳолатларда ҳукм чиқариш учун асослар мавжуд бўлса, айблов қўйиш жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин қўйиш қарарларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган, уларга тегишли жиноят иши ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66-1-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи жиноят содир қилишда гумонланаётган, айбланаётган, судланаётган шахс билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси талабига кўра, жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти;

- ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига қўйиш, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд қўйиш ўнгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмайдиган деб эътироф этилса;

- биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол қўмаклашган бўлса;

- содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса;

- Агарда, жиноят иши юзасидан айбланувчига қўйилган айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра, аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартиришга айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

2-§. Процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифаларига тўхталсак. Ушбу масалада прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда қонуности ҳужжатларида кўрсатилган талабларга қай даражада амал қилинаётганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси қай даражада таъминланаётганлиги, керак бўлса, халқаро конвенция талаблари асосида уларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси таъминланаётганлиги эътиборларида бўлиши лозим.

Жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жинойий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш қонуний ва асосланган бўлиши лозим. У фақат қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда қўлланиши мумкин.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораси қўлланилган шахсларга нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлиш мумкин эмас. Уларга нисбатан процессуал мажбурият чораси қўлланилганда, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериш, шунингдек, бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиш шарт.

Ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораси қўлланилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, юқорида кўрсатилган муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлигига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг нусхаси ишга илова қилинади.

Прокурорнинг процессуал мажбурият чораларини қўллаш ҳақидаги кўрсатмаси суриштирувчи ва терговчи учун мажбурийдир. Бундай кўрсатмаларга эътирозлар бўлса қонунда белгиланган тартибда терговчи юқори турувчи прокурорга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда қонунга, тергов ва гумон остидагилар ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлашда процессуал қонунчилик муддатларига риоя қилиш устидан назорат масалаларига алоҳида тўхталиб ўтсак.

Прокурорлар:

- қамоққа олиш эҳтиёт чорасини судга илтимоснома билан оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўллаш лозимлиги;

- оғир жиноят содир қилганлиги фош этилган жиноятчининг озодликда қолиши ҳолатларига кескин барҳам бериш лозимлиги;

- унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқми ёки йўқлиги масаласига алоҳида тўтибор берилиши кераклиги;

- ҳар бир жиноят иши бўйича айбланувчининг ёши, соғлиғи, оил авий аҳволи, нима иш билан шуғулланиши ва унга қарши тўнланган далилларнинг мазмуни инobatга олинishi кераклиги;

- прокурорлар камокқа олишга рухсат бериш учун суднинг илтимоснома билан мурожаат қилишдан олдин шахсан жиноят иши материаллари билан танишишлари ва камокқа олиниши лозим бўлган шахсни сўроқ қилишлари шартлиги;

- шахар ва туман прокурорлари суд томонидан шахсни камокқа олгандан сўнг эҳтиёт чораси сифатида камокқа олини тўғрисидаги суд қарорининг (ажрими) нусхасини юкори турувчи прокурорга юбориши лозимлиги;

- жиноят содир қилганликда гумондор сифатида фуқароларни ушлаб туриш қонунийлиги устидан назорат кучайтирилиши ва мунтазам равишда ҳар 10 кунда камида бир марта текшириб борилиши лозимлиги;

- тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳбусларни камокда ушлаб туришнинг қонунийлиги ойда камида бир марта текшириб борилиши лозимлиги;

- қонунда кўрсатилган камокда сақлаш муддати ва бу муддат тегишли тартибда узайтирилмаган ҳолларда камокдаги шахс дарҳол озод қилиниши кераклигига алоҳида эътибор бериши лозим.

- Прокурорлар томонидан қонунни қасдан ҳар қандай четлаб ўтиш, адолатсизликка йўл кўйиш, ғайриқонуний равишда фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш, тинтув ўтказиш каби ҳаракатларга фавқулодда ҳодиса деб қаралиши лозим;

- жавобгар шахсларга тегишли чора кўрилиши шарт;

- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш лозим. Процессуал мажбурлов чоралари тўғрисида қўлланиши устидан назоратнинг мақсади ҳам айнан шу ҳисобланади.

Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида 2005 йил 17 февраль 40-сонли буйруқ қабул қилинган.

Ҳуқуқ талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли тармоқлари, қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар суриштирув ва терговнинг барча босқичларида жиноят-процессуал қонун нормаларининг оғишмай бажарилиши устидан қатъий таъминлашлари зарур;

Жиноят процессида шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, процессуал қонунчилиги ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ваколатланган ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминлашига бош мезон сифатида қаралиши керак;

Жиноят ишларини юритиш чоғида мутасадди давлат қўроқлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга тўлиқ эришилгани ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиниши, айбсизлик презумпцияси, жиноят процессининг бошқа қисмлардаги принципларига риоя этилиши устидан самарали назорат таъминлашлари лозим;

Суриштирув ва терговнинг бошланғич босқичларидан жиноят процесси иштирокчиларининг қонунда белгиланган тартиб-қоида билан ҳуқуқи билан таъминланишига алоҳида эътибор қилиниши зарур;

Суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунни қатъий тарзда бузиш, адолатсизликка йўл қўйиш, шахснинг қиммати, шаънини камситиш ва айбланувчи (гумонланувчи)нинг ҳуқуқининг бузилиши ҳолатларига фавқулодда ҳодиса деб қаралиши ва айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонун процессида ҳал қилиниши лозим;

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари қиммати, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон-радио алоқаларининг сир сақланиши тўғрисидаги конституциявий қарорларни чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларининг ўтказилишига руҳсат беришда жиноят ишида старликлар мавжудлиги синчковлик билан текширилиши керак;

Прокурор розилигисиз ўтказилган тинтувларнинг асослилик билан ўрганиб борилсин. Заруриятсиз, қонунга хилоф

тарзда тингув ўтказиш ва ашёларни олиб қўйишнинг ҳар бир ҳолати юзасидан қатъий муносабат билдирилиши лозим;

Фуқароларни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлашнинг асослари ва қонунийлиги ҳар ўн кунда камида бир маротаба текшириб борилиши зарур.

Гумонланувчи, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамоқда сақлаб туриш ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганида, бу ҳақда 24 соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларига ёхуд яқин қариндошларига, агарда бу шахс чет эл фуқароси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар бериш шартлиги тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиниши лозим;

Прокурорлар тергов ва суриштирув органлари томонидан ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, қарамоғида бўлган бошқа шахсларини қариндошларининг ёки тегишли муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши ҳамда процессуал мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларнинг кўриқланишини ташкил этиш чоралари кўрилишига алоҳида эътибор қаратишлари керак;

Қамоққа олишга руҳсат бериш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда прокурорларнинг шахсий масъулияти оширилиши талаб этилади ва прокурорлар суриштирув ва тергов жараёнида жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя қилинганлигига баҳо бериб, барча қамоққа олиш учун судга илтимоснома билан ҳужжатлари юборилаётган шахсларни шахсан сўроқ қилиб, уларга тааллуқли куйидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда ишга қўшилганлигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- яшаш ва иш (ўқиш) жойларидан берилган расмий маълумотлар ҳамда тавсияномалар;
- оилавий аҳволи, вояга етмаган фарзандлари ва қарамоғидаги шахслар ҳақида маълумотлар;

- жиноят иши бўйича стказилган моддий зарарнинг тўлик ёки қисман тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар;

- муқаддам судланган ёки судланмаганлиги ҳақидаги ваколатли органлардан олинган маълумотлар (талабномалар).

Шунингдек, иш ҳолатидан келиб чиқиб, шахнинг турмуш гарзи, хулқ-атвори, соғлиги тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар ҳақидаги ҳужжатлар олиниб, эҳтиёт чорасини қўллаш учун жиноят ишида етарли асослар мавжудлиги тўлиқ текширилиши шарт;

Вояга етмаганлар, аёллар ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашда, уларнинг шахси, оилавий шароити, жиноят оқибатларини бартараф этганликлари, қилмишларидан пушаймонликлари, муқаддам судланмаганликлари ҳолатлари ишобатга олиниши керак;

Уларни қамоққа олиш масаласи истисно тариқасида, айбланувчининг терговдан қочиб яшириниши мумкинлиги эҳтимолини тасдиқловчи аниқ асослар бўлган тақдирда муҳокама қилинсин;

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш масаласига эътибор кучайтирилиб, унинг муҳокамаси давомида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги ҳолатига ҳал қилувчи мезон тариқасида қаралиши лозим;

Етказилган моддий зарарнинг миқдори ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мутаносиб равишда асосан гаров эҳтиёт чорасини қўллашга устувор аҳамият берилиши керак;

Суриштирув ва тергов устидан назоратни амалга оширишда, шунингдек, дастлабки тергов ва айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш, айблов хулласини тасдиқлаш чоғида эълон қилинган айблов ҳамда қўлланилган эҳтиёт чорасининг асосланганлиги ҳолисона ўрганилсин. Етарли асослар мавжуд бўлганда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласи муҳокама қилинсин.

Тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун қонунда кўрсатилган асослар вужудга келган тақдирда,

бу асослар тегишли қарорда тўлиқ кўрсатилган ҳолда гумонланувчи ёки айбланувчини қамокдан озод қилиш масаласи кўриб чиқилиши лозим;

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйиқларга қарши кураш борасида»ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилиш талаб этилади;

Тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида маҳбус ва маҳкумаларнинг сақланиши қонунийлиги, белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазоларнинг қонунга мувофиқлиги, жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонун талабларининг бажарилиши юзасидан ҳар ойда бир мартаба текширишлар ўтказиб туришлари лозим;

Тергов ва суриштирув давомида фуқароларни қийноққа солиш, қўрқитиш, уриш, дўппослаш, уларга азоб бериш, руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш ёхуд бошқа ғайриқонуний усуллар билан далилларни тўплаш ҳолатлари аниқланганида зудлик билан айбдор шахсларнинг қонунда кўрсатилган жавобгарлилик масаласи ҳал этилиши зарур;

Тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган маҳбусларда тан жароҳатларининг аниқланиши ҳолатлари бўйича ҳужжатлар синчковлик билан текширилиши ва жиноят процессуал қонунчилик талаблари асосида қарорлар қабул қилиниши керак;

Жиноят содир этишда гумонланиб ушланган ва қамокқа олинган шахсларни қонунга зид тарзда тергов ва суриштирув, учун мақбул кўрсатув беришга мажбур қилиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги талаб этилади;

Суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилиши устидан назоратни таъминлашда, шунингдек, давлат айбловини қувватлаш чоғида далилларнинг жиноят-процессуал қонунчилик талаблари асосида ваколатли

мансабдор шахс томонидан олинганлиги, уларнинг ишга алоқадорлиги ва ишончлилиги тўлиқ текширилиши лозим.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш кўзғатилган ва тергов ҳаракаглари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим. Башарти:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши кўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан кўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса. Ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий ҳавfli қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, шунингдек, айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин. Башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фош қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

3-§. Айблов ҳулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор қарори

Прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўпланган далилларни айблов ҳулосаси тузиш учун старли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 384-моддаси талабларига асосан, Прокурор ва унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва қуйидаги масалаларга эътибор қаратиши лозим:

- айбланувчининг зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлиги ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлиги;

- қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослан-тирилган-асослан-тирилмаганлигини;

- айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлиги;

- жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлиги;

- айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлиги;

- айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлиги;

- эҳтиёт чорасига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлиги;

- фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлиги;

- жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлиги ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлиги;

- тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлиги;

- айблов хулосаси ЖПКнинг 379- ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлиги;

- суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлиги.

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Эҳтиёт чораси қамокқа олиш тариқасида бўлса, унда судга бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда илтимоснома билан чиқади. Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд

мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қискартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 386-моддаси талабларига кўра, Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини кўпи билан беш суткада кўриб чиқиши ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

- ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;

- ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаш, энгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;

- кўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш;

- иш юритишни тўхтатиш;

- ишни тугатиш.

- башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгариш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари кўшимча ёки ўзгартирилган айб ёълон қилиш учун ишни кўшимча терговга қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида 2004 йил 11 май 21-сонли буйруғи қабул қилинган. Буйруқ мазмунига кўра, жиноят ишининг долзарблиги ва жамоатчилик ўртасида аҳамияти аниқланиб, ҳажм ва мазмун жиҳатдан мураккаб бўлган ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятлар туркумига кирган ишлар бўйича иш прокурорга айблов хулосаси билан келган вақтдан бошлаб давлат айбловчиси тайинланиши ва унинг иш ҳужжатларига асосланган фикри айблов хулосасини тасдиқлаш масаласини ҳал этишда инobatга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қискартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари,

шунингдек фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Даствлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас (ЎЗР ЖПКнинг 387-моддаси).

4-§. Жиноят ишини судга юбориш

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 372-моддасида давствлабки терговни тамомлаш турлари белгиланган бўлиб, унга кўра, давствлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш ёки ишни тиббий йўсиндаги мажбуурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш билан тамомланади.

Жиноят ишини тегишли судга юбориш прокурор ва унинг ўринбосари томонидан айблов хулосасини тасдиқлагандан сўнг амалга оширилади. Ишни тиббий йўсиндаги мажбуурлов чораларини қўллаш учун қарор билан ҳам юборилганида бу қарор прокурор ва унинг ўринбосари томонидан тасдиқланиши лозим. Жиноят иши билан бирга, шу судга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади.

Прокурор ва унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли вазеликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда, прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчи ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартиришлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади. (ЎЗР ЖПКнинг 388-моддаси).

Агарда жиноят иши бўйича давствлабки тергов мобайнида амнистия тўғрисидаги Фармон ёки қарорни қўллаш йўли билан

жиноят ишини тугатиш зарурати вужудга келса, прокурор жиноят иши бўйича айблилик масаласини ҳал этмасдан туриб ҳам, судга амнистия актини қўллаш ҳақидаги қарор билан ишни кўриб чиқиш учун юбориши мумкин.

Худди шунингдек, жиноят иши юзасидан айблилик масаласини ҳал этмасдан туриб, ярашув тўғрисидаги битимни қўллаш ҳақидаги жиноят ишлари қарор билан судга юборилиши ҳам мумкин.

2001 йил 29 август кунги Ўзбекистон Республикасининг Жинойат жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жинойат, Жинойат процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36 моддаси, яъни, терговчининг ваколатларига тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлилиги белгилаб берилди. Бунга кўра, терговчилар айблов хулосаси билан тугаллаган жиноят иши юзасидан тегишли прокурор айблов хулосасини тасдиқламасдан, ишни қўшимча тергов ҳаракатларини олиб бориш учун қарор билан қайтарган бўлса, терговчи прокурорнинг қўшимча тергов олиб бориш лозимлигини кўрсатувчи қарорини бажармасдан туриб, юқори турувчи прокурорга ўз эътирозлари билан ёзма равишда ишни ўз эътирозномасига қўшиб юқори турувчи прокурорга тақдим қилади.

Худди шундай, айблилик масаласини ҳал этмай туриб, жиноят содир этган шахсга нисбатан ёки содир этилган ҳаракатга нисбатан амнистия қарори чиққан бўлса, амнистия қўллаш ва жиноят ишини амнистия қўлланганлиги муносабати билан ҳаракатдан тўхтатиш учун прокурор томонидан қарор билан судга кўриб чиқиш учун юборилиши ҳам мумкин.

Амнистия тўғрисидаги қарор, фармонни қўллаш масаласи, албатта, суд томонидан ҳал қилиниши тўғрисидаги қонун талаби, жиноят ишини прокурор томонидан албатта судга юбориш мажбуриятини ва амнистияни қўллаш жараёнида иштирок этиши мажбуриятини юклайди.

**Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш,
туғатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг
қонунийлиги устидан назорат**



Жиноят ишини кўзгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖП Қонунчилиги ва Прокуратура тўғрисидаги Қонунга асосан, прокурорларни юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат предмети белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларини ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг
337-моддасига мувофиқ, жиноят
иштини қўзғатишнинг қонвийлиги
устидан назорат олиб бораётган
прокурор**

Суриштирувчининг, суриштирув органи
болини шнинг, терговчининг жиноят
иштини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини
бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад
қилишга

Суриштирувчининг, суриштирув органи
болини шнинг, терговчининг жиноят
иштини қўзғатишни рад қилиш
тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва
айни вақтда иш қўзғатишга

Иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш
қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги
қарорнинг ажрими устидан юқори судга
протест беришга ҳақлидир

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-
моддасига мувофиқ, суриштирувчи ёки
терговчи жиноят иштини қўзғатиш
қарорини бекор қилишнинг ишнинг тергов
бўлимининг устидан назоратни амалга
ашуришни доим бўлган прокурорга юборади.

Суриштирув ва дасглабки тергов органлари томонидан қонуларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382- моддасида белгиланган ваколатлардан фойдаланади

Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларига катъиян ва аниқ мувофиқ келиши лозим

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи-жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, бир томондан, жиноий ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир қўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари бўлган фактларни аниқлайди

Жиноят иши қўзғатилиши устидан назорат уриятилиши ўз вақтида жиноят иши қўзғатилиши, жиноий фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахслар жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда жиноят судлов ишларининг бошқа масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради.

**Жиноят ишени
тугатиш тушунчаси,
асослари ва тартиби**

Жиноят ишени тугатиш хақидаги ўз қарорини терговчи асослантирилган тарзда расмийлаштириш йўли билан амалга оширади

Терговчининг бундай қарори, одатда, прокурор томонидан тасдиқланмайди, лекин жиноят ишени тугатиш хақидаги терговчининг қарори прокурор томонидан ўрганиб чиқилиб, унинг розилиги олинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 374-моддасига биноан жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қонунларга риоя қилинган ҳолда тузилади. Қарор тавсиф ва ҳулоса қисмларидан иборат бўлади.

Тавсиф қисми юқорисида қарорнинг номи, қасрда ва қачон чикарилаётганиги, ким томонидан қайси жиноят иши бўйича чикарилаётганиги кўрсатилади.

Жиноят иштини тугатиш тўғрисидаги қарорнинг тавсиф қисмида

жиноят иштини қўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар

гумон қилинувчи ва айбланувчи тарихида ишла иштирок этишига жалб қилинган шахслар қўлланмаган ҳақиқат чоралари, бундан бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илтири чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса; жиноят иштини тугатиш асослари

жиноят иштини тугатиш асослари
жиноят иштини тугатиш асослари

бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги

амбоний далилларнинг рўйхати, бу амбоний далиллар билан жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу амбоний далилларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимомлари, агарда, шундай илтимос қилинган бўлса

фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари баён қилинади

Жиноят ишени тугатиш
тўғрисидаги қарорнинг
хулоса қисмида

жиноят ишени
тугатиш тўғрисидаги

гумонни ёки айбловни
олиб ташлаш
тўғрисидаги

эхтиёт чораларини,
шунингдек, фуқаровий
даъвони таъминлаш учун
кўрилган чораларни бекор
қилиш тўғрисидаги

ашёвий далиллар
тўғрисидаги қарорлар баён
қилинади

Ўзбекистон Республикаси
ЖПКнинг 84-моддаси
талабига асосан жиноят
иши қўйидаги ҳолларда,
шахсининг розилиги
билан, унинг айблелиги
хақидаги масалани ҳал
қилмай туриб,
туғатилиши мумкин

ишни тергов қилиш ёки
судда қўриб чиқиш пайтига
келиб, қилмиш ижтимоий
хавфлилик хусусиятини
йўқотган ёхуд вазият
ўзгариши оқибатида бу
шахс ижтимоий жиҳатдан
хавfli бўлмай қолган деб
эътироф этилса

биринчи марта ижтимоий
хавfli катта бўлмаган жиноят
ёки унча оғир бўлмаган
жиноят содир этган шахс
жиноят содир этилганидан
кейин етказилган зарарни
бартараф этган, қилмишига
чин қўнгилдан нушаймон
қилган ва жиноятни фош
қилишга фаол қўмаклашган
бўлса

содир этилган қилмишнинг
хусусиятичи, биринчи марта
ижтимоий хавfli катта
бўлмаган жиноят содир
этганининг шахсини ҳисобга
олиб, материалларни воёга
етмаганлар ишлари бўйича
комиссияга қўриб чиқиш
учун бериш мақсадга
мувофиқ бўлса

агарда, жиноят иши юзасидан
айбланувчига қўйилган
айбловни тўлдириш ёки уни
оғирлаштириш томонига ёхуд
ҳақиқий ҳолатларга қўра
аввалги айбловдан жиддий фарк
қиладиган томонга ўзгартриш
талаб қилинса, прокурор ёки
унинг ўринбосари қўшимча ёки
ўзгартришга айб ёълон қилиш
учун ишни қўшимча терговга
кайтарди

Фуқароларни ушлаш, камокка олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда қонунга, тергов ва гумон остидагилар ҳамда айбланувчиларни камокда сақлашда процессуал қонунчилик муддатларига роя қилиш устидан назорат (1)

камокка олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга илтимоснома билан оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўллаш лозимлиги

оғир жиноят содир қилганликда фош этилган жиноятчининг озодликда қолиши ҳолатларига кескин барҳам бериш лозимлиги

унча оғир бўлмаган жиноятлар учун камокка олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки йўқлиги масаласига алоҳида эътибор берилиши кераклиги

ҳар бир жиноят иши бўйича айбланувчининг ёши, соғлиги, оилавий аҳволи, нима иш билан шугулланиши ва унга қарши тўплаган далилларнинг мазмунини инобатга олинishi кераклиги

прокурорлар камокка олишга рухсат бериш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилишдан олдин шахсан жиноят иши материаллари билан танишишлари ва камокка олиниши лозим бўлган шахсни сўроқ қилишлари шартлиги

шаҳар ва туман прокурорлари суд томонидан шахсни камокка олганидан сўнг эҳтиёт чораси сифатида камокка олиш тўғрисидаги суд қарорининг (ажрими) нусхасини юқори турувчи прокурорга юбериши лозимлиги

Фуқароларни ушлаш, камокка олиш ва жиноий жавобгарликка тортишда қонунга, тергов ва гумон астидагилар ҳамда айбланувчиларни камокда сақлашда процессуал қонунчилик муддатларига риоя қилиш устидан назорат (2)

жиноят содир қилганликда гумондор сифатида фуқароларни ушлаб туриш қонунийлиги устидан назорат кучайтирилиши ва мунтазам равишда ҳар 10 кунда камида бир марта текшириб борилиши лозимлиги

тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳбусларни камокда ушлаб туришнинг қонунийлиги ойда камида бир марта текшириб борилиши лозимлиги

қонунда кўрсатилган камокда сақлаш муддати ва бу муддат тегишли тартибда узайтирилмаган ҳолларда камокдаги шахс дарҳол озод қилиниши кераклигига алоҳида эътибор бериш лозим

прокурорлар томонидан қонуним қасдан ҳар қандай четлаб ўтми, адолатсизликка йўл қўйиш, ғайриқонуний равишда фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш, ғинтув ўтказиш каби ҳаракатларга фавқулодда ҳодиса деб қаралиши лозим

жавобгар шахсларга тегишли чора кўрилиши шарт

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш лозим. Процессуал мажбурият чоралари тўғри қўлланиши устидан назоратнинг мақсади ҳам айнан шу ҳисобланади.

Прокурор ва унинг
ўринбосари айблов
хулосаси билан келган
жиноят иши юзасидан ҳал
қилиниши дозим 6. масалалар

айбланувчи зиммасига
қўйилаётган қилмиш содир
қилган ёки этилмаганлиги ва бу
қилмишда жиноят таркиби бор-
йўқлиги

қўйилган айб ишдаги мавжуд
қилмишлар билан асослангандир-
асослангандирлиги

айбланувчининг исботланган
барча жиноий қилмишлари
айблов мазмунига киритилган-
киритилмаганлиги

жинояти фош қилган барча
шахслар айбланувчи тарикасида
ишда иштирок этишга жалб
қилинган-қилинмаганлиги

айбловни ёки ишни
туғатишга сабаб бўладиган
ҳолатлар бор-йўқлиги

**Прокурор ва унинг ўринбосари айблов хулосаси билан
келган жиноят иши юзасидан ҳал қилиши лозим
б.масалалар**

(2)

айбловчи ва айбловнинг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тасвиф
берилганлигини;
эҳтиёт чорасига тўғри ёки нотўғри
тасвиф берилганлигини

фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари қўрилган-
қўрилмаганлигини

жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон
берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини
ҳамда уларга барҳам бериш чоралари қўрилган-
қўрилмаганлигини

тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла
ва ҳолисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини

айблов хулосаси ЖПКнинг 379- ва
380- моддаларида назарда тутилган талабларга
мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини

суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг бошқа
талабларига риоя қилган-қилмаганлигини
текшириши шарт.

**Прокурор ва унинг
ўринбосари айблов хулосаси
билан келган жиноят иши
юзасидан**

эхтиёт чорасини ўз қарори
билан бекор қилишга

эхтиёт чорасини ўз қарори
билан ўзгартиришга

суд мажлисига
чақириладиган шахсларнинг
рўйхатини ўз қарори билан
қисқартириш ёки тўлдиришга

айблов хулосаси билан келган
жиноят ишини кўпи билан беш
суткада кўриб чиқишга
масъулдир

Прокурор ва унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб топиб, айблов хулосасини тасдиқлаш

ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларини чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни қўллаш ва шу ўзгартиришлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш

қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш

иш юриги ишни тўхтатиш

ишни тугатиш

Башарти айбловни тўқдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгариш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айблов қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради

Тўртинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Жиноят ишини кўзгатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, қонунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари нималардан иборат?

2. Жиноят ишини тугатиш тушунчаси, асослари ва тартибини айтинг.

3. Процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари деганда нима тушунилади?

4. Дастлабки терговни тамомлаш, унинг турлари, прокурорнинг роли деганда, нима тушунилади?

5. Жиноят ишини судга юбориш ким томонидан ва қандай амалга оширилади?

6. Жиноят ишини судга юборишда прокурорнинг вазифалари?

7. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишда прокурорнинг роли?

8. Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини кўпи билан неча суткада кўриб чиқиши керак?

9. Прокурор ва унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқишда эътиборни қайси масалаларга қаратиши лозим?

10. Ушлаб туриш қонунийлиги устидан назорат мунтазам равишда ҳар неча кунда камида бир марта текшириб борилиши лозим?

11. Терговчи, прокурорнинг қайси қарорини бажармасдан туриб, юқори турувчи прокурорга ўз эътирозлари билан муносабат қилиши мумкин?

12. Терговчи прокурорнинг қарорини бажармасдан туриб, юқори турувчи прокурорга ўз эътирозлари билан қандай шаклда муносабат қилиши лозим?

13. Айблов хулосаси тузилмасдан, қайси ҳолларда жиноят ишлари қарор билан судга юборилиши ҳам мумкин?

14. Иш тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун қарор билан юборилганида, бу қарор ким томонидан тасдиқланади?

15. Айбланувчи ва ҳимоячига айблов хулосаси ҳамда унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини ким юборади?

5-БОБ: Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари

Р Е Ж А :

1-§. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.

2-§. Жиний жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурор ваколатлари.

3-§. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари.

4-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари.

5-§. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки қамоқ жойларида (СИЗОда) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш.

6-§. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлашнинг қонунийлиги устидан назорат.

7-§. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойларида жазони ижро этиш колониясини ўзгартириш (бошқа режимга ўтказиш) нинг қонунийлиги устидан прокурор назорати.

8-§. Муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қонунийлигини таъминлаш устидан прокурор назорати.

9-§. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш.

10-§. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати бўйича прокурорлик назорати.

1-§. Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни етиклаш жойларида прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси демократия ва ижтимоий адолатга тўла асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун зарур ислохотларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилиниши давлат ҳаётида ўлкан сиёсий ўзгариш мустақил Ўзбекистон давлатини қарор топганлигини қонуний мустаҳкамланганини намоён этиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас, қочқун олдида ҳамма баробардир”,-деб таъкидлаган⁷.

Жамиятни демократик ривожлантиришнинг стратегик мақсад ва вазифаларига мос келувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бири прокуратура органлари ҳисобланади. Конституциявий асосда давлат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Бош Прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юклатилган.

Прокуратура идораларининг фаолияти қонуннинг устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси билан мустаҳкамланган, олий кадрият даражасида кўтарилган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларини, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири

⁷ Каримов "Ўзбекистон буюк кслажак сари" Ўзбекистон нашриёти, 1998 й, 126.

қилиб ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа соҳаларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги сессиясида янги Жиноят ижроия кодекси қабул қилинди. Ушбу Кодекс халқаро ҳуқуқнинг маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки қамситувчи муомала турларидан ҳимоя қилишни кўзда тутган ўта муҳим нормаларини ўз ичига олган ва қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциациялаш ва индивидуаллаштиришга риоя қилиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ҳамда маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳуқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2004 йил 12 апрел 5-сонли буйруғи қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 11 май 24 – сонли буйруғи қабул қилинган.

Мамлакатда юз бераётган ҳуқуқий ислохотлар натижасида давлат, жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашуви жиддий такомиллашмоқда. Давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янги ҳуқуқий механизми шаклланимоқда.

Албатта, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда, қамоққа олинганларни сақлашда, жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши аҳволи бугунги кун талабига жавоб бериши талаб этилади.

Мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти ва шартномавий муносабатлар эркинлашуви муносабати билан ижро ҳужжатлари бўйича юридик шахслардан қарзларни ундириш амалиёти бирмунча мураккаблашди. Назорат қилинмайдиган фойда олиш

имконияти вужудга келганлиги сабабли жисмоний шахслардан шриларни ундириш муаммоси мавжуд.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашда суд ижрочилари ҳамда бошқа иштирок этувчи шахслар томонидан кўпгина ҳолларда ижро иши юритишни тартибга солувчи қонунлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик чораси қўрилмоғи лозим.

Суд ижрочилари мол-мулкни хатлаш жараёнини холис-шарсиз, битта холис иштирокида ёки манфаатдор шахсларни холис сифатида жалб қилган ҳолда расмийлаштиришга, мулкдорнинг ҳуқуқларини поймол этиб, ундирувга қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулкларининг хатланишига, қарздорнинг мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик керак.

Сўнгги йилларда Жиноят-ижроия қонунчилигида сезиларли ислохий ўзгаришлар юз берди. Махбус ва махкумларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, қамокда сақлаш ва жазони ижро этиш шароитлари жаҳон андозаларига мослаштирилмоқда. Бу ислохотлар жазони ижро этиш жойларида жиноятчиликнинг кескин камайишига, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботнинг мустаҳкамланишига ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Жиноят-ижроия муҳитининг ўзгариши, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш прокуратура органларининг устувор вазифасига айлангани прокурор назоратининг эски, йилдан йилга тақрорланаётган камчиликлардан халос бўлишни, унинг самарадорлигини янги босқичларга кўтаришни тақозо этади (юзакичилик, қонунда белгилаб берилган ваколатларни тўла ҳажмда татбиқ этмаслик, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масалаларига бепарволик билан қараш, сусткашликка, қатъиятсизликка йўл қўйиш, прокурор назорати ҳужжатлари қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаганлигига чора кўрмаслик ва ҳ.к.).

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11-мартдаги Фармонида кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Суд қарорларини ижро этишда ва қамокка олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси ўз фао-

лиятини қайд этилган салбий ҳолатларни олдини олишга қаратмоғи лозим.

Буйруқ талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг суд қарорларини ижро этишда ва қамокқа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси (бундан кейин матнда бошқарма деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман-шаҳар прокурорлари ва махсус прокурорлар ҳамкорликда:

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида назарда тутилган фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари, жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкӣ ундиришга оид қисми, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкӣ ундиришга тегишли қисми ва шу моддада санаб ўтилган, ижро этилиши лозим бўлган суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари, ижро иши юритиш билан боғлиқ бўлган суд ҳужжатлари, ажрим ҳамда қарорларнинг ижро қилинишида қонунларга риоя этилиши устидан;

Фуқароларни қамокда сақланишида қонунийликни таъминловчи, жиноий жазоларнинг ижросини тартибга солувчи қонунчиликни аниқ ва бир хилда қўлланиши устидан доимий ва самарали назорат ўрнатишлари талаб этилади.

Прокурорлик назоратининг бу борадаги устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Ижро иши юритиш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, жисмоний, юридик шахслар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга риоя этилиши устидан назорат.

Мансабдор шахслар ва ижро иши юритувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан назорат;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимлари фаолиятининг барча йўналишларида:

- Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш Бош бошқармасининг оғодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш фаолиятида;

- Тиббиёт бошқармасининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш жойларида сақланаётган шахсларга тиббий хизмат кўрсатишга оид фаолиятида қонун ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан назорат;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд қарорлари ижросини таъминловчи махсус шифохоналарида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахсларни сақлаш, бундай чораларни йўқлаш муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилишда, тиббий, маиший шарт-шароитларнинг таъминланишида қонунларга амал қилиниши устидан назорат;

Халқаро ҳуқуқ нормалари талабларидан келиб чиқиб маҳбус ва маҳкумларга нисбатан тазйиқ ўтказиш, кийнаш ва ғайринисоний муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар талабларига риоя этилиши устидан назорат.

Прокурор назорати ҳужжатлари орқали ижро иши юритиш соҳасида фуқаролар, жисмоний, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳар қандай қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилиши белгиланган.

Соғлиғи ёки ёшига кўра ҳимояга муҳтож бўлган, ўз ҳуқуқларини ўзлари мустақил амалга ошира олмайдиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади.

Ижро иши юритишни қўзғатиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги, ижро иши юритишни қўзғатиш қарори чиқарилмасдан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро

этиш юзасидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилгани, қарздорга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг олиб қўйилиши, қарздорнинг хатланган мол-мулкни арзон нарҳда сотиб юборилганлиги, қарздорнинг доимий яшаш жойини ўзгартирилганлиги ҳақида тегишли маълумотга эга бўлмагани, ундирувни таъминлаш учун қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа даромадларини аниқлаш чораларини кўрмагани ҳолатлари юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиши мажбурийлиги таъминланиши зарур.

Суд ижрочилари иш юритувидаги, ижро ҳаракатлари ўтказиш муддати тугамаган ижро ҳужжатларини прокуратурага келиб тушган кундан бошлаб бир ҳафталик муддатда ўрганиш тартиби ўрнатилган.

Суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишда ижро ҳаракатларининг тўлиқ таъминланганлиги, давлат божлари, ижро санкциясининг 10 фоизлик тушуми бюджетга ундирилиши бўйича чоралар кўрилгани, ижрочининг ўз ваколатлари доирасида ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари манъуд бўлган қарздор томонларга маъмурий иш қўзғатилганлиги, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товловчиларга нисбатан материалларни жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун прокуратура органларига белгиланган муддатларда ўтказилганлиги мунгазам равишда текшириб борилиши белгиланган.

Текширишларда аниқланган, суд ижрочилари қабул қилган қонунга ҳилоф барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қатъий равишда прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши белгиланган.

Суд ижрочиларининг мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф қилиши оқибатида мулк эгасига кўп миқдорда моддий зарар етказишдан иборат мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳолатлари юзасидан жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал қилишлик талаб этилади.

Прокурорлар ижро иши юритишнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларида кўзда тутилган, дарҳол ижро этилиши лозим бўлган, хусусан, даввони таъминлашга қаратилган ҳужжатларнинг ижросига оид, ҳал қилув қарори чиккунга қадар алимент ундириш тўғрисидаги, мол-мулкни эгасиз деб топиш ҳақидаги ҳужжат

ларнинг ижроси, давлат манфаатларининг ҳимоясига алоқадор масалалар устидан мунтазам назорат ўрнатиш белгиланган.

Ижро иши юритиш босқичида судларнинг шу жараён билан боғлиқ ноқонуний ҳужжатлари аниқланган ҳолларда тегишли тартибда юқори турувчи прокуратураларга назорат тартибида протест келтириш учун тақдимномалар киритиш талаб этилади.

Фукароларнинг суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг мансабдор шахслари ва жойлардаги суд ижрочиларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳамда ижро иши юритувидаги қонунбузарликлар ҳақидаги шурӯжаатларнинг қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши таъминланиши ҳам талаб этилади.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги тизимларининг мансабдор шахслари фаолиятида ижро иши юритуви тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши аҳволи йил давомида камида бир марта текшириш белгиланган.

Буйруқ талабига кўра, ҳар олти ойда давлатга етказилган моддий зарарнинг (шу жумладан прокурорнинг даъволари бўйича) ундирилиши юзасидан суд қарорларининг ижросини таъминлашдаги қонунийлик аҳволн умумлаштириб бориш;

Жойларда ўтказилган текширишлар ва умумлаштиришлар ҳақида Бош прокуратурага ахборотлар юбориш;

Ижро ишини юритиш амалиёти устидан прокурорлик назоратини такомиллаштириш борасида таклифлар киритишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Жиноий жазоларни ижро этишда қонунларга риоя этилиши , устидан назорат соҳасида:

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик аҳволи, жазоларни ижро этиш қонунийлиги масалалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги прокурорлар томонидан доимий равишда ўрганилиб, таҳлил қилиб борилсин, аниқланган қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўз вақтида тегишли чоралар кўриш лозим;

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳбус ва маҳкумларни сақлаб туришнинг қонунийлиги ва белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланган интизомий жазоларнинг қонунийлиги, вояга етмагандар ва аёлларнинг жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгилловчи қонун талабларининг бажарилиши аҳволи ойда камида бир марта текшириб бориш белгиланган.

Ассосиз равишда қамокда сақланаётган шахслар зудлик билан озод этилиши;

Аниқлапган қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериб, айбдор мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарлиги ҳатти қилиниши лозимлиги талаб этилади.

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари бундай текширишларда шахсан қатнашишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида инсон ҳуқуқларига оид, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш борасидаги қонунлар ва халқаро шартномаларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишига эришиш таъминланиши талаб этилади.

Шунингдек, буйруқ талабига кўра, бошқарма ва жойлардан прокурорлар ИИБ ва унинг тизимлари томонидан тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум ва маҳбусларни сақлаш масалалари юзасидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатишлари лозимлиги, аниқланган қонунга хилоф буйруқ фармойиш ва қарорларни бекор қилиш юзасидан ўз вақтида протест киритилиши таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати тергов ҳибсхоналарида маҳбус ва маҳкумлар сақланишининг қонунийлиги устидан назорат қуролли кучлар, миллий ҳавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ваколатли прокурорлар зиммасига юклатилган.

Республика Ҳарбий прокурори ва жойлардаги ҳарбий прокурорлар маҳбус ва маҳкумларни кўрикловчи, уларни манзилга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи ички ишлар кўшинлари қисмларида қонунчиликка риоя қилинишини доимий

таъсирсинлар, интизомий батальонлар ва гауптвахталарда ҳарбий хизматчиларнинг сақланиши қонунийлиги устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар. Қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига таъсирчан прокурорлик чораларини кўриб боришлари талаб этилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ҳар ойда бир марта маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш йўлга қўйилсин, маҳбус ва маҳкумларнинг ариза ва шикоятлари кўриб борилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатилсин. Қонун бузилишлари ҳақидаги хабарлар, заруратга кўра, жойига чиқиб текширишлари лозим.

Прокурорлар ўз ваколатлари доирасида ҳар қандай кўринишдаги қонун бузилишларини аниқлаш ва дарҳол бартараф қилиш, маҳбус ва маҳкумларни таҳқирловчи ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўришлари лозимлиги талаб этилади.

Маҳкумларни муддатдан илгари шартли ва касаллиги туфайли, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда озод қилиш, ёпиқ турдаги муассасалардан манзил-колонияларга, бир режимли муассасадан бошқа режимли муассасага ўтказишда қонунийликни риоя этилиши устидан назорат таъминланиши;

Маҳкумларга нисбатан асосиз равишда инсонпарварлик ҳисслари, амнистия асосида озод қилиш ёки уларни қўллашда рад этилиши ҳолатларини аниқлаб, йўл қўйилган қонун бузилишлар тўғрисида билан бартараф этиш белгиланган.

Муассасалар маъмурияти томонидан маҳкумларни жазодан озод қилишга тайёрлаш, озод этилганларни ўз вақтида ишга, билимлар ва ногиронлар уйига жойлаштиришнинг қонунда белгиланган чоралари кўрилганлиги текшириб борилиши;

Доимий яшаш жойига қайтиб келган шахслар ижтимоий муносабатлар марказлари томонидан ҳисобга олиниши ва уларга моддий ёрдам кўрсатилишининг қонунийлиги мунтазам равишда текшириб борилиши лозимлиги;

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек шартли ҳукм қилиш ҳамда мажбурий характердаги чеклашлар тарзидаги жазолар ички ишлар органлари томонидан

ижро этилиши устидан амалий назорат таъминланиши лозимлиги;

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ва камокқа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши йўналишидаги назорат фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони сифатида:

-суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда тергов хибсхоналари, жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик ҳолати ва фуқароларнинг (шу жумладан маҳбус ва маҳкумларнинг) ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишининг таъминланиши;

-соҳага оид ариза ва шикоятларнинг ўз вақтида, қонуний шарт шартли ҳал этилиши;

-қонунга хилоф ҳужжатларга белгиланган муддатларини протестлар келтирилиши;

-аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланганлиги эътироф этилган.

Бошқарма, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ўз фаолиятини прокуратуранинг бошқа соҳалари билан мувофиқлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Адлия вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти, ўқув ва илмий муассасалар билан узвий ҳамкорлик асосида олиб бориш белгиланган.

Буйруқда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 31 мартдаги 6-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин деб, таъкидланган.

Кўриниб турибдики, прокурорлар томонидан жазони ўташ муассасаларидаги криминоген вазият чуқур таҳлил қилиниши керак. Маҳкамавий назоратнинг кучайтирилиши, муассаса раҳбарлари ва масъул ходимлар лоқайдликка йўл қўймасликлари, маҳкумлар билан ғайриқонуний мулоқотга киришиши, кўзбўямачилик, жиноятларни яшириш каби хизмат манфаатларига зид ҳолатларни юзага келтирмасликлари, уларни

нисбатан мурасасизлик муҳити таъминланиши, тергов ҳибс хоналари ва жазо ўташ жойларига ман қилинган ашёлар, пул, шартли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар олиб кириш ҳолатларини пайдо қилмаслик чораларини таъминлашлари жисм. Маҳбус ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашни таъминловчи қонуний чораларни қўллаш лозим.

Маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, касб-хунар ўргатиш ва уларни меҳнатга жалб қилиш, уларни шартли равишда қонундан муддатидан илгари озод қилишда ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришда қонун талабларидан чекинишга йўл қўйилмаслик керак.

Жиноят ижроия кодексида қайд қилиниб, маҳкумларга қилиниб берилган қўшимча ҳуқуқлар таъминланиши лозим.

Давлатимизнинг сиёсатидаги сезиларли ўзгаришлар қамоққа олинишларни сақлаш, жинсий жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро қилишда қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини жиддий яхшилашни, қонун ва давр талаблари даражасида ташкил этишни тақозо этади.

Ахлоқ тузатиш, қамоқ ва даволаб ахлоқни тузатиш муассасалари раҳбарлари қонунни амалга оширишларини назорат этиш прокурорлик фаолиятининг энг қийин томонларидан ҳисобланади.

ИИ Вазирлиги пенитенциар муассасаларида олиб борувчи инсоний-руҳий танглик, ўз жазосини ўтаётган шахслар моддий-ахлоқ ва санитар-тиббий таъминотнинг ёмонлашуви, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида айtilган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатларига умуман йўл қўйилмаслигига эришиш лозим.

Ахлоқ тузатиш муассасалари ишчилари томонидан ҳукм қилинганларга нисбатан зўравонлик ва қўполлик, улар билан таъминланган алоқаларга кириш ҳолатлари юз бермаслиги керак.

Прокурорлар ахлоқ тузатиш ва умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларининг ҳамда турмани текшириш вақтида аҳолини асосан инсон қадрини поймол қилувчи, ҳукм этилганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, жарима изоляторларига асоссиз маҳкум этиш, инсоний шарт-шароитларни таъминлаш ҳақидаги далилларга қаратиш керак.

Жиноий жазоларни ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан муассасаларда содир бўлиши мумкин бўлган аҳолиятли қонунбузарликларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Назорат вақтида прокурорларнинг биринчи навбатдаги ҳаракатлари айнан мана шуларни илғаб олиш ва уларга барҳам беришга йўналтирилган бўлиши керак. Аммо текширув воситаси сифатидаги саволлар кўлами кенг. Текширишлар қонун ҳусусиятга эга режали бўлиши мумкин. Бунда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятининг барча томонлари ҳисобга олиниши лозим.

Жазони ижро этиш муассасаларида қонунга риоя қилишни текшириш бўйича методик тавсияларга биноан текшириш амалиёти ошириш оптимал бўлмоғи керак. Қонунийликнинг бузилиши ҳақида хавfli сигнал келиб қолганида, фақуллода ҳолат ҳодисаларида муддат келишини қутмай, прокурор текширув ўтказмоғи лозим.

Прокурор томонидан ўтказиладиган текширув бу муассасаларда ҳукм этилганларни сақлаш қонунийлиги, жазони ўташ тарғиби қонун талабларига мослиги, раҳбарият томонидан ҳукм этилганлар ҳуқуқига риоя этиш, улар билан тарбия ишларини ўтказиш, уларга нисбатан мукофот ва жарима чораларини қўллаш, уларнинг шикоятларини, ариза ва таклифларини кўриб чиқиш ва счишга тегишли бўлади.

Прокурор, авваламбор, ҳар бир ҳукм этилганнинг шахсий ҳужжатлари ичида унинг жазони ижро этиш муассасасига сақланишини юридик асословчи қонуний кучга кирган ҳукм ёки суд қарори борлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Прокурор ҳукмининг қонунга мос эканлиги нуқтаи назаридан эмас, балки суд билан белгиланган жазонинг ахлоқ тузатиш муассасаси кўринишига мос эканлиги нуқтаи назаридан; қарорда бўлган бошқа қисмларни амалги ошириш (масалан, гиёҳванларга нисбатан мажбурий даволанишдан фойдаланиш ҳақида) учун ҳукмнома билан танишади.

Прокурор, суд қарори ноқонунийлигини аниқлаб олган ҳолларда, методик тавсияларга биноан, у суддан жиноий иш

қилиш ва бу бўйича ўз протестини келтириш ҳақида қарорни прокурор олдида масала кўйиши лозим.

Прокурор ҳукм этилганларни алоҳида сақлаш ҳақидаги қарорнинг талабларига риоя қилинаётганлигини текширади;

қарор ва аёл, ёши катталар ва вояга етмаганлар; биринчи бор ҳукм этилганларни кўн марта қамоқ жазосини ўтаган шахслардан;

бошиқа ҳукм этилганлардан яқин ҳолда сақланаётганлиги; қарорнинг охиригача озодликдан маҳрум этилганлар;

Ҳукм этилган шахсларни, бир хил кўринишдаги муассасада сақлаш шароитларини ўзгартириш ҳақидаги қарорнинг бажарилишига ва асослилигига прокурор ўз диққатини қаратиши керак. Ҳукм этилган шахсларни бир колониядан ўша турдаги бошқасига ёки бир қамоқхонадан ўша турдагисига ўтказиш ҳақидаги назоратни ҳам кучайтириш лозим.

Ўз жазосини озодликдан маҳрум этилган ҳолда ўтаётган шахсларга қонун назарда тутган жазони ижро этиш муассасалари кўрсатишидан қисқа муддатга ёки узоқ муддатга чиқиш, соқчисиз ёки ҳамроҳсиз юриш имкони берилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш муассасаларида ўз сақланиш шароитларини яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қила оладиган шахслар категориясига тегишган бу турдаги қарорларни қабул қилиш ёки тақиқлаш қарорининг бажарилишини текшириш прокурор мажбуриятига киради

Прокурор озодликдан маҳрум этилганларнинг моддий-маънавий, тиббий-санитар шароитлари таъминланганлиги шароитларига раҳбарият риоя қилаётганлигини ҳам текширади.

Меҳнат уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши даражасининг асосидир. Меҳнат ҳуқуқи агарда унга ўз кучига мос иш бериш имконияти бўлса, бир вақтнинг ўзида улар учун мажбурият ҳамдир.

Прокуратура жинойй жазоларни ижро этувчи муассасалар раҳбарияти маҳкум этилганларнинг жинси, ёши, меҳнатга қобилияти, соғлигининг аҳволи, иложи борича, мутахассисликдан келиб чиққан ҳолда меҳнатга жалб қилинишини таъминлашни, маҳкум этилганлар иш куни давомийлигига риоя қилинишини, байрам кунлари ишдан озод қилиш тартибини, иш ҳақи тартибига риоя қилинишини, иш ҳақидан олиб қолиш

конунийлигини, иш ҳақисиз меҳнатга жалб қилинишини назорат қилади.

Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони амалга оширувчи муассаса фаолиятининг ўзига хос томони жазони ўтатиш бўйича ўрнатилган тартибни бузувчи шахсларга нисбатан жиноят-ижроия қонунчилигида кўрсатиб ўтилган интизомий жазолаш йўллари қўллаш кераклиги билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида қонунларнинг бажарилишини назорат қилаётган пайтда прокурор ўз диққатини жазолашнинг ўша ёки бошқа йўлларида фойдаланиш қонунийлигига қаратиши керак. Яъни, асос борлигига, жазонинг қилинган хатога мослигига, тартибга риоя қилинишига эътибор қаратмоғи лозим.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларида амал қилиш назорати муассаса раҳбари томонидан маҳрум этилганларни шартли равишда муддатидан илгари озод этиш ёки жазонинг енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси қонунийлигини текшириш каби прокурор фаолиятини ўз ичига олади. Суд қарорлари тегишли юридик аҳамиятга эга бўлса ҳам, муассаса раҳбари томонидан қилинган тасаввурларнинг асосланганлигини прокурор текширмаслиги керак, дегани эмас.

Бундан ташқари, касаллиги туфайли шартли равишда муддатидан илгари озодликка чиқишга ва жазоси енгил жазо билан алмаштирилишига асослари бўлган шахслар жиноий жазоларни ижро этиш муассасалари раҳбарлари фаолиятсизлиги ва ноҳақ қарорлари туфайли бундай имкониятдан маҳрум бўлмасликларини прокурор кузатиб бориши лозим.

Текширув натижаларига кўра, прокурор баённома (маълумотнома) тузади. Бу ҳужжатда ЖИЭМ (жазони ижро этиш муассасаси) раҳбарияти томонидан қонунийликка амал қилинганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо берилади. Аниқланган ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши тўлиқлигича акс эттирилади, қонун бузилишига имкон туғдирган сабаб ва шароитлар кўрсатилади, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар киритилади.

Текширув натижаларини амалга ошириш чораларини прокурор қонун талабларининг бузилиш характери ва тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлайди.

Суд билан белгиланган мажбурлаш характеридаги чораларни кўлловчи жиной-ижро этувчи инспекциялар ва муассасалар фаолиятида қонунларга амал қилишда прокурор назоратининг вазусиятлари: жиной жазоларни ижро этувчи инспекциялар туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг мустақил тузилмавий бўлинмаси ва туман (шаҳар) прокурорлари назорати остида ҳисобланади.

Жиной жазоларни ижро этувчи инспекцияларнинг асосий вазифаси - кўплаб жиной ишлар бўйича суд томонидан белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазони ижро этиш.

Жиной жазоларни ижро этиш инспекциялари қонун талабларининг қуйидаги масалаларига амал қилишлари прокурор текшируви назоратининг моҳиятини касб этади:

а) суд қарори билан ҳукм нусхаси (формал) инспекцияга келган кундан 15 кундан кеч бўлмаган вақт ичида ҳукм этилганлар жазони ўташ учун тузатув ишларига жалб қилинганлиги;

б) ҳукм этилганлар ҳисоби олиб борилаётганлиги;

в) жазо ўташ тартиби ва шартлари уларга тушунтирилаётганлиги;

г) ҳукм этилганлар томонидан жазо ўташ шартларига амал қилинаётганлиги ва улар ишлаётган ташкилот раҳбарияти томонидан ҳукм талаблари бажарилаётганлигини текшириш;

д) улар билан тарбиявий ишлар ўтказилаётганлиги;

е) уларнинг ҳулқ-атворлари текширилаётганлиги ва уларнинг ўрнашишга йўналтирилаётганлиги;

ж) иш ҳақидан ушлаб қолиш ва ушлаб қолинган миқдорларни улар ишлаётган ташкилот бухгалтерияси томонидан бюджетга ўтказилиш текшируви амалга оширилаётганлиги;

Ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилганларнинг шахсий ҳужжатларида тақиқлар бўлганда (масалан, куннинг маълум вақтларида уйда бўлмаслик тақиқи, туман ёки шаҳарнинг маълум жойларида бўлмаслик, дам олиш кунларида шу билан бирга меҳнат таътили мобайнида турар жойини тарк этиш) ёки ойида ички мартагача инспекцияга рўйхатдан ўтиш учун келиш мажбурияти юклатилганда, прокурор бу қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Яна, прокурор маҳкумга нисбатан белгиланган жазо ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бош тортганлиги туфайли жазонинг бошқа тури билан алмаштирилиши тўғрисида ёзма огоҳлантириш кўлланилганлигига асослар борлигини текширади.

Шу билан бир каторда, инспекция раҳбарияти томонидан у ҳожиши билан ишдан бўшашга розилик ёки илтимосни инкор этишнинг, маҳкумнинг вақтидан олдин озодликка чиқиш (ёки уни инкор этиш) тақдимномаларининг қонунийлигини ҳам прокурор текширади.

Прокурор маълум лавозимни эгаллаб туриш ёки маълум фаолият билан шуғуланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш кўринишидаги жазонинг амалга оширилаётганлигини назорат қилар экан, у қуйидагиларни аниқлаштиради:

- гап бораётган маҳкум этилганлар жиноий-ижро этувчи инспекциялар томонидан ҳисобга олинаётганлиги;

- маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳақидаги суд қарори билан аниқланган таъқиқларга амал қилиниши текширилаётганлигини;

- маҳкум этилганлар ишлаётган ташкилотлар раҳбарияти қарор талабларини ижро этишлари текширилаётганлигини;

- инспекция томонидан маҳкум этилганларга нисбатан тарбия ишларини ташкил этилаётганлигини.

Прокурор яна суд қарори нусхалари ҳарбий комиссариатни ёки ҳарбий хизматга чакирилган ҳамда хизматни ўтаётган жойларга жазони ўташни давом эттириш учун етказилганлигини текширади

Жиноий-ижро этиш инспекциялари қонунийликка амал қилиш фаолиятини текширишда прокурор шартли маҳкум этилганлар ва аёлларга нисбатан жазо ўташ мажбуриятини узайтирилганлигини аниқлаштиради.

Улар рўйхатда бўлганда прокурор шартли маҳкум этилганлар хатти-ҳаракати ва суд билан юклатилган мажбуриятларга амал қилаётганлигини текшираётган бошқа ички ишлар органлари фаолиятини, шартли маҳкум этишни бекор қилиш ҳақида огоҳлантиришлар бўлганлигини, уларни ҳарбий чакириқ ҳолатларида хатти-ҳаракатларини текшириши учун суд қарорлари нусхалари ҳарбий комиссариатга етказилганлигини аниқлаштиради

Жиноий ижро этиш инспекциялари рўйхатида вақтинча жазони ўташдан озод қилинган маҳкум этилган аёллар бўлса, прокурор уларнинг ўз вақтида рўйхатга киришларини, икки ҳафта ичида келмаганларнинг қидирувини амалги ошириш чораларини ёки яширинаётган аёллар қидирув чораларини текширади.

Махсус давлат органлари, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтати махсус белгиланган муассасалар фаолияти қонунийлигини назорат этиш хусусиятлари шундаки, прокурор маҳкум этилганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаётганлигини, вояга етмаганларга нисбатан жазо чоралари қандай муддатда белгиланганлигини текширади. Бундан ташқари, прокурор вояга етмаган ҳолда жиноят содир этган шахслар жазосини ижро этувчи орган томонидан вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий таъсирга эга таълимчилик чоралари қўлланилиши текширилаётганлигини аниқлайди.

Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари раҳбариятлари томонидан қонунларни ижро этиш прокурор назоратининг хусусиятлари (ВУТХда).

Шубҳа уйғотувчи ва айбланувчиларни вақтинча сақлаш инспекторлари раҳбариятининг қонунларни ижро этилишининг назорат қилувчи прокурорнинг асосий вазифаси ноқонуний қўйилганларни озод этишдир.

Вақтинча ушлаб туриш хибсхонаси (ВУТХ, рус тилида ИВС) бошлиқлари ёки жавобгар навбатчилар, оператив ишчилар, милиция навбатчи инспекторлари томонидан келтирилган фуқароларни баённома тузмасдан ва прокурорни огоҳлантирмасдан қабул қилиб, уларни жойлаштириши (қамаб қўйиши) ҳолатларини назардан четда қолдирмаслик керак.

ВУТХ га келган шахслар, албатта, ҳисоб дафтарларига киритилиши лозим.

Бунинг учун прокурор (унинг ўринбосари, ёрдамчиси) ВУТХ камераларига кириб, у ерда бўлган шахсларни сўроқ қилади, уларнинг ВУТХда сақланишлари учун асос бўладиган ҳужжатлар борлигини текширади.

Жиноят содир этганликда шубҳаланувчи процессуал протокол тузилмасдан ВУТХга камалган бўлса, бу фақат шубҳалар уйғотганда, фуқаронинг ноқонуний сақланишини очиш учун қўлланилади.

Маст ҳолда ёки кичик безорилик содир қилганлик ҳақидаги низоланган актлар билан ушланган, жиноят содир этишда шубҳаланиш ҳодисалари ҳам учрайди. Прокурор бу ҳужжатларнинг тўғрилигини ва бу ҳужжатлар орқасида ноқонуний сақлаш фактлари яширинмаётганлигини текшириши лозим. Бунга маъмурий жазо қўлланилган шахслар томонидан келган шикоятлар, қилинган жиноятлар ҳақида улардан тушунтириш олинган ҳаракати, терговчилар томонидан чақирилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатма бўла олади.

Прокурор ВУТХда ноқонуний сақланаётган шахсларни уларнинг қарори билан озод этиб, масъул шахсларни жавобгарликка тортади.

Прокурорнинг бошқа вазифаси - бу қонуний асосда ВУТХда сақланаётган шахсларнинг жазо муддатини текшириш. ЖПКнинг 221-моддасига асосан, жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни сақлаш 72 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

ЖПКнинг 221,224-моддаси қоидалари асосида шубҳаланувчи ва айбланувчи шахслар ВУТХда 3 кундан ортиқ сақланмастликларини тасдиқлайди.

Айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиниб, суд орқали эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланган айбланувчилар ВУТХдан тергов изоляторига ўтказиладилар.

Ҳибсга олинган ёки айбланувчи ВУТХда 10 кун муддатдан ортиқ сақланса, прокурор уни тергов изоляторидан жўнатиш ҳақида кўрсатма беради.

Прокурор ВУТХда бўлар экан, қонун томонидан кўрсатилган гумон қилинувчи ва айбланувчилар ҳуқуқи маъмурий томонидан бузилмаётганлиги ва тегишли қонун ва қоидаларга амал қилинаётганлигини текширади. (Ҳимоячиси билан учрашган ҳуқуқи, қариндошларни қабул қилиш, бир соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида айланиш, шахсий хавфсизлик, хат ёзиш ҳуқуқи ва бошқалар).

Прокурор мажбуриятига ВУТХда яшаш шароитларининг қонуни билан белгиланган шароитларга мослигини текшириш ёради (ётиш жойи, ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчида ётиш (постельное бельё) борлиги ва бошқалар).

Прокурорлар ойда бир марта тергов изоляторларини текширишга мажбурдирлар. Бу асосан қонунийликни ва асослигини таъминлаш мақсадида ўтказилади. Текширувлар соҳа бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий бўлиги прокурорлар ва уларнинг ўринбосарларини тергов изоляторларида қонунийликка амал қилинишини текширишда шитироқ этишларига мажбур этади.

Прокуратура раҳбарларининг текширувлардаги бевосита шитироқлари нафақат тергов изоляторлари маъмуриятининг қонунийликка амал қилишини, қонун бузилиши бартараф этилишини таъминлайди, балки камчилик чиққан ҳолатларда барча келиб чикувчи қарорлар қуйи прокурор томонидан амалги ошириллаётган назорат даражасини баҳолаш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи, кўрсатма ва широмлари билан ҳам соҳа бўйича назоратни етарли даражада амалга ошириб, уларнинг эътиборлари:

- Гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг сақланиш қонунийлигига;
- маъмурият мажбуриятларини белгиловчи нормаларга амал қилинишига;
- шубҳаланувчи ва айбланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига;
- уларнинг меҳнатга жалб этилишига;
- уларга нисбатан мукофот ва жазо чораларини қўллаш қонунийлигига, ҳибсга олинганларнинг шикоятлари, аризаларини ва таслифларини кўриб чиқиш ҳамда ечишга қаратилган бўлиши ёрак.

Жиноий-процессуал қонунчилик талаби бўйича, айбланувчиларни тергов изоляторига қабул қилиш учун қамокқа олиш тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими асос бўлувчи ҳужжат ҳисобланади.

Назорат вақтида прокурор тергов изоляторлари ҳужжатлари ичида айбланувчининг ҳибсда сақланиш муддатини чўши ҳақида хабар борлигини, айбланувчиларга нисбатан қонун билан белгиланган ёки прокурор томонидан муддатнинг битганлигини аниқлаши лозим.

Айбланувчиларни ҳибсда сақлаш муддатини узайтириш ҳам прокурорнинг илтимосномасига асосан суд томонидан амалга оширилади. Эҳтиёт чораси сифатида камоқда сақлаш муддати узайтирилган шахслар сақланишининг қонунийлигини назорат этувчи прокурор муддат ЖПК нормаларига мос равишда узайтирилганлигига амин бўлиши керак.

Эҳтиёт чораси сифатида камоқда сақлаш муддати прокурор томонидан узайтирилиши мумкин эмас. Ушбу қарорни қабул қилиш прокурорнинг ваколатига кирмайди. Айбланувчи камоқда ноқонуний сақланаётганлигини билдиради. Эҳтиёт чораси сифатида камоқда сақлаш муддатини узайтириш ҳам суднинг ваколатига тааллуқлидир. Қамоқда сақлаш муддати узайтирилиши лозим бўлса, прокурор ўзининг асослантирилган илтимосномаси билан судга мурожаат қилади. Суд илтимосномани айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади.

Айбланувчиларни ҳибсда сақлаш ва дастлабки тергов муддатларини узайтиришда қонунларни ижро этишини прокурор назоратини ташкил этиш кўрсатмаларига мос равишда терговчилар ҳар бир айбланувчига нисбатан камоқда сақланиш муддати чўзилганлиги ҳақида тергов изоляторлари маъмуриятига дарҳол хабар етказмоқлари керак.

Уч ойдан кўпроқ муддатга чўзиш ҳақидаги хабарни етказиш мажбурияти прокуратура бошқармалари (бўлим), ҳарбий транспорт ва бошқа (вилоят даражасидаги) прокуратуралар зиммасига қўйилган. Бу хабарларнинг келганлиги ҳибсга олинганларнинг шахсий ҳужжатларидан текширилади.

Қамоқда сақлаш ҳақидаги қонун талаби тергов изоляторлари бошлиқларини айбланувчининг сақлаш муддати тугагач ва сақлаш муддати чўзилганлиги ҳақида хабар келмагач у қарорлари билан озодликка чиқаришларини мажбурлайди. Тергов изолятори бошлиғи ҳибс муддати тугамасдан 24 соат олдин бу ҳақда тегишли орган ёки масъул шахсларга ва прокурорга хабар

вақтини лозим. Назорат вақтида диққат, асосан, бу талабларнинг изолятори маъмурияти томонидан қандай қарари чиқарилганлигига қаратилмоғи лозим.

Прокурор тергов изоляторига тегишли суд қарори, асосан тергов органи ва прокурор қарори ёки жиноятнинг қилини олиш сифатида ҳибс муддати узайтирилмаган ҳолда қилинганлиги ҳақида маълумот келганда айбланувчилар ўз вақтида апелляцияга чиқаётганликларини текширади.

Ҳуқуқдорлар, айбланувчилар, биринчи инстанция суди қарори билан маҳкум этилганлар ва кассацион равишда ишларини қайта қилиниши натижаларини кутувчилардан ташқари тергов изоляторларида одатда, қисқа муддатга маҳкум этилганлар оқибатида (буларга нисбатан ҳукм қонуний кучга кирган). Ушбу ишлари учун қолдирилган озодликдан маҳрум қилинганлар, шу билан бирга, қамоқхона ва колониялардан қочқинчилар қарори билан тергов ишларини амалга ошириш учун қилинган шахслар устидан назоратни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Биринчи категория шахсларига нисбатан прокурор назорати маъмурияти, юқорида қайд этилган шахсларга - биринчи бор маҳкум этилганлар, муддати 3 йилдан ошмайдиган, умумий қилиниш колониясида жазони ўтовчи шахснинг ва ўз аризаси қилинишида уни тергов изоляторида ҳўжалик ишларини қилиш учун қолдириш имконияти борлиги аниқланиши керак.

Иккинчи категория шахсларига нисбатан прокурор:

- қилиш ҳақида қарор борлигини;
- маҳкум этилганни қайси муддатда тергов изоляторида қилиш тўғрисида рўхсатни текширади.

Агар бу муддат тугаган бўлса, маҳкум этилган ўз жойига қайтарилиш лозим.

Тергов изоляторларида ноқонуний сақлаш ҳоллари камдан-кам учрайди ва бу, асосан, айбланувчининг қамоқда сақланиш муддати узайтирилганлиги ҳақидаги маълумотнинг етиб қилинганлиги билан боғлиқ.

Прокурор тергов изолятори маъмурияти томонидан қамоқда сақланаётган шахслар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи таъминланганлиги, эҳтиёт чораси

сифатида қамокда бўлиш тартиби, дисциплинар талаблар, таклиф, ариза ва шикоят бериш тартиблари ҳақида маълумот билан таъминланганликларини текширади:

- Камсраларни айланиб чиқиш вақтида прокурор маҳкам норматив актлари билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар матни бўлишига ишонч ҳосил қилиш лозим.

- Агарда бу матнлар бўлмаса, прокурор камерадаги гумондор ва айбланувчилардан уларга тергов изолятори маъмурияти томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганини ҳақида сўрайди.

- Бундан ташқари, прокурор қонун билан белгиланган аниқ ҳуқуқларга рия қилмаслик ҳақида шикоят борлигини аниқлаштиради.

- Прокурор гумондор ва айбланувчиларга нисбатан бошқа озодликдан маҳрум этилган шахслар томонидан уларнинг шахсий ҳавфсизлигига, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид туғилганда тергов изоляторида сақлаш жойлари маъмурияти буларни таъминланиши кузатиб бориши керак.

- Прокурор гумондор ва айбланувчиларга нисбатан бошқа озодликдан маҳрум этилган шахслар томонидан уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид туғилганда, қамокда сақлаш жойлари маъмурияти гумондор ва айбланувчиларнинг шахсий ҳавфсизлиги таъминланишини кузатиши лозим.

- Шахсий ҳужжатлардаги бошқа камерага кўчириш аризалари билан текшириш мақсадга мувофиқ ва бу камерадошларни тақикдан қочиш илинжидан келиб чикмаганлигини аниқлаш;

- тергов изоляторида ўлим ҳолатлари факт (далил)лари бўйича текширув материаллари билан танишиш;

- тан жароҳати билан келганларга ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий қисм ҳужжатлари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Маъмурият томонидан қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларига амал қилиш ва шахсий ҳавфсизликларини таъминлаш бўйича маълумотни прокурор гумондор ва айбланувчиларнинг ҳаёт ва соғлиқларига суиқасд қилишлари билан боғлиқ жиноятлар бўйича жиноий иш қўзғатишга рад этилган материаллардан ҳам олиши мумкин. Тергов изоляторлари бошқалиқлари дастлабки тергов органи сифатида кам ҳолларда жиноий иш

бунигадир, чунки миқдор жихатдан, ҳолатлар сонининг ошиб бериши юқори бошқарма органлари томонидан бундай муассасалар фаолиятига манфий баҳо берилиши мумкин. Жиноий иш кўзгатишида рад ҳақидаги материаллар прокурорга нафакат жиноий иш кўзгатишдаги ноқонуний ва асоссиз қарорларни интилаб, бекор қилиш имконини беради, балки бир вақтнинг ўзида гумондор ва айбланувчиларнинг шахсий хавфсизлиги ҳуқуқлари маъмурият томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш имконини ҳам беради.

Тергов изоляторини кўриш вақтида прокурор камокда сақланаётган шахсларнинг бошқа ҳуқуқларига маъмурият томонидан амал қилинаётганлигини ҳам текширади:

Эҳтиёт чораси сифатида камокқа олинган гумондор ва айбланувчи шахслар қонунга мувофиқ алоҳида ҳимоячиси билан айбланмаган миқдорда ва вақт мобайнида учрашиш ҳуқуқига эга. Тўрқатишган субъектларга қариндошлари ва бошқа шахслар билан терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими ёки маълум рухсатномаси билан бир соат давомида учрашишга рухсат берилиши мумкин.

Гумондор ва айбланувчининг қариндошлари ва бошқа шахслар билан хат ёзиб ва хат олиш ҳуқуқининг қандай таъминланаётганлигига диққатни қаратмоғи лозим.

Назорат амалга оширилаётганда эҳтиёт чораси сифатида камокда сақланаётган шахслар таклиф, ариза ва шикоятлари маъмурият томонидан ўз вақтида кўриб чиқиляётганлиги ҳақида ҳам қаратилмоғи лозим.

Бошқа давлат органларига, ижтимоий уюшмаларга ва ҳимоячига жўнатиладиган таклиф, ариза ва шикоятлар маъмурият томонидан қараб чиқилиши керак ва берилган вақтдан ҳисобланади, дарҳол адресат манзилига юборилмоғи керак.

Прокурор гумондорлар ва айбланувчилар таклиф, ариза ва шикоят учун мурожаат қилганликлари учун уларни исталган кўришишдаги тақиқлаш ва шу билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳодисалар бўлмаганлиги билан қаратилмоғи лозим.

Гумондор ва айбланувчиларнинг бепул озиқ-овқат, моддий ёрдам ва тиббий-санитар таъминотларини олишини айтиб ўтсада,

прокурор назорати бўйича бу соҳа юзасидан қонун талаблари маъмурият томонидан бажарилиши талаб килинмоғи керак.

Прокурорнинг асосий диққати ҳибсда бўлган ҳомиладор аёллар ёки олдида вояга етмаган, уч ёшгача бўлган болали аёллар шароитини яхшилашга боғлиқ қонун талаблари маъмурият томонидан бажарилаётганлигига қаратилиши керак.

Санаб ўтилган ҳуқуқларга риоя қилиш, асосан моддий-яншиқ шароитлари билан боғлиқ ҳуқуқлар маъмурият томонидан амалга оширилиши тергов изоляторларининг давомий этишмовчилиги туфайли.

Тергов изоляторларидаги қонунийликка амал қилиш натижалари, жазони ижро этиш муассасалари текшируви кабилар тегишли тартибда расмийлаштирилади.

2-§. Жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурор ваколатлари

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокуратураси ИИВнинг ЖИЭББга қарашли жазони ижро этиш ва тарбия колонияларида қонунларга аниқ ва бир хилда риоя қилиниши устидан назорат олиб боради. У вилоят прокурорига бўйсунди ва ўз фаолиятини Республика прокуратурасининг қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўлими ва вилоят прокурорларининг шу соҳа бўйича катта ёрдамчилари бошқарма ва бўлимларининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширади.

Бу прокуратура ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-ижроия кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи ва кўрсатмалари асосида ташкил қилади.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокурори юқорида қайд этилган муассасаларни қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботнинг аҳволига, унга бўйсунган

прокуратура ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини беважаму-кўст бажарилишига масъул бўлиб ҳисобланади.

Прокуратуранинг иши прокуратура тармоқлари фаолияти қонуни умумий бўлган принципларга мувофиқ, предметларга бўлиниш ҳолда ташкил этилиб, қонунларга аниқ ва бир хилда риоя қилиш, ҳар қандай қонунбузарликларнинг олдини олиш, бундан ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорларни тегишли жавобгарликка тارتтиш масаласини қўйиш асосида амалга оширилади.

Умумий назорат соҳасидаги Ички ишлар вазирлигига қарашли суриштирув ва тергов бўғинларида қонунларга риоя бўлиниши устидан ҳамда жиноят ишларининг судда қўрилиш жараёнидаги фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари билан тартибга солинади.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокуратурасининг вазифаларига қўйиладигилар кирради:

- Маҳкамаларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилишлари;

- Уларни жазодан озод этишга тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилиши;

- Муассасалар маъмурияти томонидан чиқарилган қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва тезкор қидирув ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат қилиш;

- Қайд этилган муассасаларда давлат мулкани сақлашда, ҳуқуқсизликларга, хўжасизликка, сифатсиз маҳсулот бериш ва чиқариш, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслардан қонунийсиз фойдаланиш ва шу каби қонунбузилишларига йўл қўйган шахслардан етказилган зарарни ундириб олишга қаратилган қарорларни қўриш;

- Техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

- Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан қонунлар ва бошқа ҳуқуқларга нисбатан қонунсиз ҳаракатларни аниқлаш, бундай ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш;

• Муассасаларда тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги хабар ва аризаларни қабул қилиб рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш, жиноят ишларини ўз вақтида кўзга туғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиш ва ҳар бир қонун бузилиши ҳолати бўйича чора кўриш;

• Жазони ижро этиш муассасаларида қонунларнинг ижросини текшириш жараёнида аниқланган суд томонидан маҳкумларга нисбатан чиқарилган ноқонуний ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар юзасида ҳудудий прокурорларга протест келтириш тўғрисида тақдимномалар юбориш;

• Жазони ижро этиш ва тарбия колонияларида жазо ўтаётган маҳкумлар томонидан ҳамда бу муассасаларнинг ходимлари (ички кўшинлар ҳарбий хизматчилари бундан мустасно) содир этган ва прокуратура тармоқлари терговига тааллуқли жиноятлар юзасидан дастлабки терговни амалга ошириш;

• Жазони ижро этиш ва тарбия колонияларида жиноят содир қилганликда гумонланган ва айбланганларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция беришни илтимос қилиб, илтимоснома билан судга мурожаат қилиш;

• Бу прокуратура терговчилари Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти ходимлари томонидан содир қилинган мансабдорлик жиноятларини ҳам тергов қиладилар. Прокурор жиноят ишларини терговни устидан раҳбарлик қилиб, айблов ҳулосасини тасдиқлайди;

• Жазони ижро этиш муассасалари раҳбар ходимларининг хизматни бажариш қоидаларига қарши ҳаракатларига оид жиноят ишлари бўйича айблов ҳулосасини тасдиқлаш учун вилоят прокурорига тақдим этиш;

• Жазони ижро этиш муассасаларида содир қилинган жиноятлар бўйича суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб боришда ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

• Судларга прокурорлар томонидан юборилган бу тоифадаги жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи босқичдаги суд мажлисларида кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш.

• Жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти томонидан маҳкумларни жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод

қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги қонунларнинг тўғри ва аниқ бажарилиши устидан назорат қилиш;

- Судларда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳамда уларга ҳукмнинг ижроси билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилишда ҳуқуқсозлар бериш;

- Судлар томонидан чиқарилган қонунга ҳилоф ва асоссиз ҳукмлар, ажримлар, қарорлар устидан апелляция, кассация ва назорат ҳамда хусусий протестлар келтириш.

Прокуратура муассасалар маъмурияти томонидан шикоятлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишни тартибга солишчи қонунларнинг ижросини мунтазам назорат қилиб боради, уларни кўриб, ҳал қилиш жараёнида сансоларликка йўл қўймаслик чораларини амалга оширади.

Ўзбекистон ИИВнинг ички кўшинлари хизматчилари томонидан маҳкумларга нисбатан қонун бузилиши ҳоллари юқорида этилган ариза ва шикоятлар ҳам шу прокуратура томонидан текширилади. Агар, текшириш натижасига кўра, шикоят иши қўзғатиш зарурати туғилса, ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли ҳарбий прокурорга юборилади.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокурори ўз ваколати доирасида:

- жазони ижро этиш муассасаларида ялпи ва соҳавий текширишлар ўтказиб, маҳкумларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланишлари қонуний эканлигига, жазо ўташ режими, меҳнатга жалб қилиш, улар орасида тарбиявий ишларни амалга ошириш, касб ўргатиш тўғрисидаги қонун талабларининг тегили бажарилишига алоҳида аҳамият беради;

- аниқланган ноқонуний ҳолатларни бартараф қилиш чораларини кўради, бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар, қарорлар чиқаради, жазони ўташ тартибига риоя қилиш ҳақида талаблар қўяди, қонунга зид расмий ҳужжатлар устидан протестлар келтиради, қонунларнинг бузилишига олиб келаётган ҳолат ва шароитларини бартараф қилиш ҳақида тақдимномалар чиқаради, огоҳномалар эълон қилади;

- республика ва вилоят миқёсидаги ташкилотларга қонунбузарликларга чора кўриш ҳақидаги йўлланилиши керак

бўлган ҳужжатлар улар томонидан бундай ҳуқуққа эга бўлган прокурорлар орқали юборилади;

— ялпи ва соҳавий текширишлардан ташқари муассасалардаги қонунчиликнинг аҳволига қараб ҳар ойда камида бир маротаба уларга бориб маҳкумларни қабул қилади, интизомий бўлинмаларда сақланаётганларга жазо чораларни қўлланилишининг қонунийлигини текширади ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ўтказди;

— муассасаларда фавқулодда ҳолатлар рўй берганда зудлик билан текшириш учун воқеа содир бўлган жойга чиқиб, ушунга сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш чораларини кўради агар прокуратура воқеа жойидан олисда жойлашган бўлса, жойини ҳудудий прокурор чиқади, махсус прокурор эса етиб келгач тафсилотларини аниқлашни давом эттиради.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокуратуралари таркибида прокурор, ушунга ўринбосари, катта ёрдамчи ва ёрдамчилари, терговчи ва бошқа фаолият кўрсатадилар.

Прокурор прокуратурага тааллуқли бўлган Республика Бош прокурорининг, вилоят прокурорларининг буйруқ ва кўрсатмаларини, ҳайъат қарорлари ва иш режалари ижросини назорат қилади, ходимлар орасида иш тақсимлайди, уларнинг ҳизмат фаолиятини ташкил қилади, ишнинг усул ва услубларини такомиллаштириш чораларини кўради, кадрларни тарбиялаш ва ўқитиш ишларида фаол қатнашади.

Ходимлар орасида иш тақсимоти ҳудудий предметли усулда прокурорнинг фармойишига асосан амалга оширилади. Республика Бош прокурори тармоқ буйруқларининг ижроси, муассасалар, маълум предмет бўйича таҳлил ва умумлаштиришлар тайёрлаш ҳам тақсимланади.

Прокуратура ишини режалаштириш жазони ижро этиш муассасаларидаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот аҳволининг таҳлили, прокурор назорати амалиётини умумлаштиришлари асосида бўлиши шарт.

Прокуратура ходимлари ўз иш фаолиятларида, жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунчиликни мустаҳкамлашда жамоатчилик ёрдамига таянади, уларга юкланган мажбуриятларини

бажаришларида ёрдам бериб, қонунларни тарғибот этадилар.

Прокуратура ҳудудий прокуратуралар ҳамда ҳарбий прокурорлари билан ҳамкорликни жазони ижро этиш муассасаларда қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустақкамлаш мақсадида режалаштирилган тадбирларни биргаликда ўтказиш ва бошқа муассасаларни тартибга солувчи қонунларнинг ижросини назорат ўташ йўли билан амалга оширади.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат прокурори бу муассасаларда жинойятчиликка ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинойий жазоларни ва жинойят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз вазифалари доирасида:

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш;

Шулингдек, жинойий жазо ёки жинойят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний ушлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

Агар қамоқда сақланаётган, қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этишга ҳуқуқ қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунига номувофик бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз

қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, маҳкумлардан ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чоралари қўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан ҳоли ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;

Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, тезкор қидирув тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, маҳкумларнинг ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятидан талаб қилишга;

Жазони ижро этувчи муассаса бошлигининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишга руҳсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги, маҳкума аёлларнинг жазони ижро этиш муассасаси ташқарисида яшаши тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

Қуйидагилар назорат предмети ҳисобланади:

Ушлаб гурилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларини яроқли этилиши;

Ушлаб турилган, қамоққа олинган, маҳкумларнинг шунингдек, жиноят-ҳуқуқий таъсирининг бошқа чоралари қўлла

бўлган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши;

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши.

Прокурор судланганлар, яъни маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғи томонидан жазодан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида чиқарган актларини текширади.

Текширув натижасига кўра акт тузилади. Бу ҳужжатда муассасадаги қонунийлик масалариларига алоҳида тўхталиб ўтилади.¹

Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, бу қоидалар талаблари ҳам прокурор назоратининг предмети ҳисобланади.

Бу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 9 сентябрда 1854 сон билан рўйхатга олинган. ИИБ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 – йил 13-августдаги 12,9 сонли қарори билан тасдиқланган.

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддаси, Жиноят-ижроия кодексининг 165-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 534 ва 542-моддаларига мувофиқ маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тартибини белгилайди.

Тартиб талабига кўра, суд ҳукми билан жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар жазони ўташ даврида оғир касалликка чалинсалар ёки уларда судланишдан олдин бор бўлган касалликлар жазо муддатини ўташ даврида кучайиб кетиб, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бўлса, Қоидаларнинг 1-қисмига мувофиқ, Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатида кўрсатилган касалликлардан бирининг ёки бир нечтасининг тусини олса, улар Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлигининг Махсус тиббий комиссияси жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вилоятлар ИИБ махсус тиббий комиссиялари томонидан тиббий кўрикдан ўтказиладилар.

ИИБ махсус тиббий комиссияси касалликлар Рўйхатида кайд этилган оғир касалликка чалинганлиги ҳақидаги қарорни бемор маҳкум даволаш муассасаларида стационар шароитда чуқур тиббий текширувдан ўтказилиб, ундаги клиник ташхис соғлиқни сақлаш идораларининг етакчи мутахассислари томонидан тасдиқланганидан сўнг қабул қилади.

Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли республика миқёсидаги касалхонада даволанаётган оғир беморлар ташхисини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бош мутахассислари томонидан ҳам тасдиқланиши лозим.

Рухий касалликка дучор бўлган маҳкумлар руҳий беморлар касалхонасида ёки руҳий касалликларни даволаш бўлинмасида стационар шароитда синчиклаб тиббий текширувдан ўтказиладилар.

Ушбу стационарларда уларга қўйилган клиник ташхис Соғлиқни сақлаш вазирлигининг психиатрия бўйича етакчи мутахассиси ва Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бош психиатри томонидан маслаҳат кўригида тасдиқланиши лозим.

Клиник ташхиси тасдиқланган ва беморнинг руҳий ҳолати бўйича камида иккита врач-психиатр иштирокида психиатрив текширув далолатномаси тузилган беморлар комиссия кўришида тақдим этиладилар.

Жазони ижро этиш муассасалари касалхоналарида даволанаётган бу тоифадаги маҳкумлар томонидан содир этилган ҳар бир ўз жонига ёки ўзга шахснинг соғлиғи ва жонига суиқасд қилиш, шунингдек, муассасанинг ички тартиб интизомини бузиш ҳолатлари тегишли назоратчи-навбатчи гуруҳ ходимлари томонидан ҳужжатлаштириб борилиши лозим.

Мутахассис-шифокорлар томонидан клиник ташхис қўйилиши жараёнида тиббий кўрик баёни тўлиқ, аниқ далиллар билан ёритилиши, клиник симптомлар ва лаборатор таҳлиллар билан исботланиши лозим.

Бемор кўйилган клиник ташхисга биноан зарурий адекват консерватив, радикал, хирургик ва баъзи касалликлар учун махсус даво муолажаларини имкон борича олган бўлиши лозим.

Маҳкумга нисбатан ўтказилган текширув ва даволаш муолажаларига асосан ИИВ махсус тиббий комиссияси уни тиббий кўридан ўтказди.

Бемор маҳкумларда аниқланган касалликлар, касалликлар тартибда қайд этилган касалликлардан бири ёки бир нечтасидан тушини олганлиги ва улар жазони ўташга монелик қилиши маҳкум бўлган ҳолларда, ИИВ махсус тиббий комиссияси уларга нисбатан тиббий кўридан ўтказилганлиги ҳақида хулоса тузади.

Маҳкумларни касаллиги туфайли ўталмай қолган жазодан қўриқиб келиши масаласи у сақланаётган жойдаги суд томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши лозим.

Суд мажлисида бемор маҳкум, прокурор, қонунда белгиланган ҳолатларда химоячи, тақдимнома киритган муассаса бошлиғи ва касалхона (тиббиёт бўлими) масъул шахснинг ҳамда беморни даволовчи (руҳий касалликка чалинган) бемор масаласи кўрилаётганда - психиатр) шифокор шифтирок ўтади.

Химоячи қатнашиши мажбурий бўлган ҳолларда унинг шифтирок ўтиши муассаса бошлиғи томонидан таъминланади.

Маҳкумни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиши ҳақидаги тақдимнома бўйича қабул қилинган суд қарори устидан юқори турувчи судга прокурор, химоячи ва маҳкум томонидан протест ёки шикоят киритилиши мумкин.

Касалликнинг кечишидаги ўзгаришлар тўхтамай, бемор маҳкумнинг саломатлиги ёмонлашиши давом этса, бундай бемор маҳкум тақдимномани рад этиш ҳақида суднинг ажрими чиққан ҳолдан қанча вақт ўтишидан қатъи назар, ўрнатилган тартибда, суддан комиссия кўригига тақдим этилиши лозим.

Жойлардаги махсус тиббий комиссия қарорига норозилик белгирилган ҳолларда ИИВ Махсус тиббий комиссиясига шикоят киритилади. ИИВ махсус тиббий комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга норозилик билдириш белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

Суд, бемор маҳкумга нисбатан берилган ИИВ махсус тиббий комиссиясининг хулосаси билан келишмаган ёки хулосада кўрсатилган ҳолатлар ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келмаган ёхуд шубҳа туғдирган тақдирда, хулосанинг асослигини текшириб кўриш мақсадида, кўрилаётган иш бўйича қонунида белгиланган тартибда тегишли суд-тиббиёт, суд-психиатрик ёки бошқа турдаги экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга.

Экспертиза тайинланган ҳолда унинг хулосаси олингунча қадар ишни кўриш муддати вақтинча тўхтатилади.

Бемор маҳкум томонидан касаллик аломатлари бўрттириб кўрсатилаётганлиги ёки бемор ноқонуний йўл билан комиссияга тақдим этилаётганлиги ҳақида маълумотлар бўлса, муассаса маъмурияти бу ҳолатлар тўғрисида ИИВ махсус тиббий комиссиясига (жойлардаги махсус тиббий комиссияга) дарҳол билдириши шарт.

Бемор маҳкумда аниқланган касалликлар касалликлар рўйхатида қайд этилган касалликлар тусини олганлиги ИИВ махсус тиббий комиссияси томонидан тасдиқланиб, тиббий хулоса тузилган ҳолларда, муассаса бошлиғи маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани мазкур тиббий хулоса билан биргаликда унинг шахсий йиғмажилди ва бошқа зарур ҳужжатларни комиссия хулоса тузиб берган пайтдан бошлаб 24 соат мобайнида жинойт ишлари бўйича ҳудудий судга тақдим этиши шарт.

Оғир касалликка дучор бўлган маҳкумдаги ташхисга аниқлик киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Ихтисослаштирилган илмий тиббий марказларда ва бошқа тиббий муассасаларда замонавий тиббий текширувлардан ўтказиш ҳамда бемор маҳкумдаги касаллик касалликлар рўйхатидаги касаллик тусини олганлигини тасдиқлаш учун унинг етакчи мутахассисларнинг маслаҳат кўригидан ўтишини таъминлаш масъулияти қайд этилган марказлар, тиббий муассасаларнинг бошлиқларига юклатилади.

Бу ҳолатда қўшимча текшириш ва маслаҳат кўриклари учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан пул тўлаш йўли билан ҳал қилиш белгиланган бўлса, бемор

маҳдум сакланаётган жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ушбу масалани ўрнатилган тартибда ҳал қилиши лозим.

Оғир касалликка дучор бўлганлиги туфайли суд ажримига кўра жазони ўташдан озод этилган шахс даволанишни давом эттириши учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан шифодан белгилаб қўйилган, у озод этилган муассасага яқин жойлашган, унинг касаллиги хусусиятига мос бўлган, тегишли касалхонага кечиктирилмасдан ётқизилиши шарт.

3-§. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари

Шахсларни ушлаб туриш, қамоққа олинганларни ва жиноий жиноларни ўташ жойларида қонунларга риоя этилиши устидан, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида прокурор ўз ваколатлари доирасида шу шахсларнинг берган шикоят ва аризалари билан батафсил танишиб чиқиши ва тегишли чораларни кўриши лозим бўлади.

Бу тоифа шахслардан ариза олиншининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Чунки, бу шахслар одатда ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ариза ва шикоят билан мурожаат орқали ҳал этиш учун биринчи бўлиб интилмайдилар.

Шунинг учун бу тоифа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш масаласида прокурорлар ўз ваколатлари доираси, яъни ушлаб турилган ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган, шунингдек, қамоқ тариқасидаги жазони ўташ учун ҳукм қилинган шахсларнинг сақланишининг қонунийлиги устидан назорат вилоят прокурорлари ва унга тенглаштирилган прокурорлар ваколатларига уларнинг катта ёрдамчилари ҳамда ёрдамчилари орқали амалга оширилади.

Жазо тариқасида озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг сақланишини бевосита махсус (ихтисослаштирилган) прокурорлар амалга оширадилар ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш муассасалари ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган унданда енгилроқ жазо чоралари, масалан; ахлоқ тузатиш ишлари, манзил колонияларда

озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ махсус прокурор ёки ҳудудий прокурор томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бу тоифа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймон бўлмаслиги учун бевосита прокурорларнинг ўзлари вақти вақти билан камида ойида бир марта уларнинг сақланиш жойларида маъмурият вакиллари иштирокида ва иштирокисиз қабул уюштиришлари, улар билан бевосита суҳбат қилишлари ҳамда уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунийлигини ҳам биратўла текшириб кетишлари шарт ҳисобланади.

Бу тоифа шахслар бевосита прокурорга ариза билан келмайди. Балки, прокурорнинг ўзи ариза олиш учун уларнинг олдига бориши керак бўлади.

4-§. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари

Прокурор назорати ҳужжатларининг барча турлари прокуратура фаолиятининг ушбу йўналишида ҳам қўлланиши мумкин. Уларни қўллаш муддатлари, расмийлаштириш тартиби, кўриб чиқиш муддатлари прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишларида қўлланадиган прокурор назорати ҳужжатларидан фарқ қилмайди. Лекин ижро масаласига келинганида, албатта бу тоифа прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари прокурорлар томонидан қисқартирилиши, яъни максимал муддатда жавоб олинишининг олдини олишлари зарур. Чунки, зудлик билан ҳамда дарҳол қонун бузилишига чек қўйилиши талаб этилади.

Қонун бузилишининг даражаси (характери)га қараб, жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи ихтисослашган махсус прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. Бу ҳужжатларга: **протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув** киради.

Жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қабул қилинган қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан **п р о т е с т** ни махсус прокурор томонидан ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга, масалан, Тошкент вилояти Товоксой қишлоғида жойлашган УЯ64/НН рақамли жазони ижро этиш муассасаси раҳбарияти томонидан қабул қилинган ҳужжат-

га нисбатан, протестни Тошкент вилояти, Зангиота туманида соғиланган жиноий жазоларни ижро этиш устидан назоратни амалга оширувчи махсус прокурор томонидан шу жазони ижро этиш муассасаси раҳбари номига киритилади. Шунингдек, бу протест Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖЖИЭББ номига ҳам киритилиши мумкин.

Мансабдор шахсининг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам судда шундай тартибда протест келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқишли шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад қилинганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан тегишли судга мурожаат этишга ҳақли. Агарда маълумотлар давлат ёки ҳарбий сирга тегишли бўлса, тегишли ҳарбий судга мурожаат қилинади. Умумий асосларга эга бўлган, давлат ёки ҳарбий сирга тегишли бўлмаган тарздаги аризалар тегишли туманлараро фуқаролик судларига берилади. Судга ариза протест рад қилинганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки маҳбус томонидан содир қилинган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маълумий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақида қ а р о р чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Ҳар бир чиқариладиган қарор тегишли (жиноят ижроия кодекси, жазоларни ижро этиш муассасалари фаолиятини

тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонун ости ҳужжатлари, Ички Ишлар Вазирлигининг соҳавий буйруқ, кўрсатма, низомлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи, кўрсатмаси ва низомлари талабларига ва бошқа тегишли қонунлар талабларига мос келиши лозим) қонунчилигини белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Агар сўз жинояти ишини кўзгатиш борасида борса бу ерда, Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодекси ва жиноят ижроия кодекси талабларига риоя этиш керак.

Қарорда уни чиқарган шахснинг исм-фамилияси, мансаби, унвони, ишни кўзгатиш учун сабаб ва асослар жиноят кодексининг моддаси ҳамда жиноят ишининг кейинги йўналишини кўрсатилиши керак.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиши ҳолларининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига **т а қ д и м н о м а** киритади.

Такдимнома қоида бўйича қонун билан белгиланган тартибда прокурор ва унинг ўринбосари томонидан имзоланган қонун бузилишини бартараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи жиноий жазоларни ижро этувчи органларга ҳамда шу идораларнинг мансабдор шахсларига ёхуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари худди шу текширилган муассасанинг тармоқ идоралари бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлган қонун бузилиши бўлса, шу ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун ёки прокурор такдимномаси рад этилганда ёхуд такдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, такдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимномада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий ёки моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаблари баён этилиши мумкин. Бунинг учун жавобгарликнинг ушбу турларини кўзгатиш ҳақидаги махсус қарор чиқарилиши шарт эмас.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Тақдимномани тайёрлашда нафақат унинг чиқарилиши учун аниқ сабаблардан, балки ушбу тақдимнома юбориладиган корхона, муассаса ёки ташкилотдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати ҳақидаги хулосалардан фойдаланиш керак.

Прокурор ўз тақдимномасида йўл қўйилган қонун бузилишлари уларга имконият яратган сабаб ва шароитлардан ташқари ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олувчи шароитларни яратишга имкон берадиган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатиб ўтса мақсадга мувофиқдир.

Тақдимнома қоида бўйича қонун бузилишини бартараф олувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи давлат органларига ва мансабдор шахсларига юборилади. Қонун бузилиши тарқалганлик хусусиятига эга бўлганда ёки прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома ўз шаклига кўра маълум талабларга жавоб бериши керак.

Тақдимномада қуйидаги элементлар мавжуд бўлади:

- Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўнказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш жиноятни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к);

- бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва шароитлар тавсифи;

- қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар;

- қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни кўрсатиш;

- уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари;

- тақдимноманинг дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб;

- прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, тақдимномани киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси.

Умуман, тақдимнома фақат қонун бузилиши ҳолларини бартараф қилишга хизмат қилмасдан, балки қонун бузилишининг олдини олишда юқори аҳамиятга эгадир.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурор назорати ҳужжати сифатида **а р и з а**. Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши, қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибда бартараф этилиши лозим бўлган ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя

кишиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилётган суднинг номи;
- 2) прокурорнинг лавозими ва фамилияси, исми, ота исми ҳамда ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилганлиги, ўша шахс (даъвогар)нинг номи (фамилияси, исми ва ота исми) ва манзили;
- 3) жавобгарнинг номи ва манзили;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси;
- 6) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар ва даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 7) аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Албатта, ишнинг хусусиятига қараб, аризада кўрсатиладиган маълумот ва унинг шакли фарқланиши мумкин.

Аmmo, бу прокурор аризасининг мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар, қолаверса, давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига ҳеч қандай таъсир этмайди. У прокурор таъсир ҳужжатларидан бири сифатида самарали восита бўлиб қолаверади.

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурорнинг аризасидан давлат божи олинмайди.

О г о ҳ л а н т и р у в муҳим прокурор назорати ҳужжати ҳисобланади. Прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриклапандиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органи (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарини органига маълум қилишга ҳақли.

Огоҳлантирув йўлланган шахс ҳужжатдан норози бўлса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда, айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва буни ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

5-§. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки қамоқ жойларида (СИЗОда) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш

Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСларда) ҳамда дастлабки қамоқ жойларида (СИЗО) қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ 3406-сонли Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органи тизимига ўзгартириш киритилган бўлиб, биз муҳокама этаётган йўналишдаги назоратни “Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўлими” прокурорлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 11 май 24 – сонли буйруғи ҳам қабул қилинган. Буйруқ талабларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси (бундан кейин матнда бошқарма деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, ви-

тоғлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман-шаҳар прокурорлари ва махсус прокурорлар ҳамкорликда:

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида назарда тутилган фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари, жиноят ишлари бўйича суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга тегишли қисми ва шу моддада санаб ўтилган, ижро этилиши лозим бўлган суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари, ижро иши юритиш билан боғлиқ суд ҳужжатлари, ажрим ҳамда қарорларнинг ижро қилинишида қонунларга риоя этилиши устидан;

фуқароларнинг қамоқда сақланишида қонунийликни таъминловчи, жиноий жазоларнинг ижросини тартибга солувчи қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда қўлланиши устидан доимий ҳамда самарали назорат ўрнатилиши талаб этилади.

Прокурорлик назоратининг бу борадаги устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Ижро иши юритиш жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, жисмоний, юридик шахслар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга риоя этилиши устидан назорат;

Мансабдор шахслар ва ижро иши юритувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан назорат;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимлари фаолиятининг барча йўналишларида:

- Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш Бош бошқармасининг оқудликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш фаолиятида;

- Тиббиёт бошқармасининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш жойларида сақланаётган шахсларга тиббий хизмат кўрсатишга оид фаолиятида қонун ижросини таъминлаш,

махкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, махкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан назорат;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд қарорлари ижросини таъминловчи махсус шифохоналарида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахсларни сақлаш, бундай чораларни қўллаш муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилишда, тиббий, маиший шарт-шароитлар таъминланишида қонунларга амал қилиниши устидан назорат;

Халқаро ҳуқуқ нормалари талабларидан келиб чиқиб махбۇс ва махкумларга нисбатан тазйиқ ўтказиш, қийнаш ва ғайринин соний муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зарур.

Прокурор назорати ҳужжатлари орқали ижро иши юритиш соҳасида фуқаролар, жисмоний, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари қўрилсин. Соғлиғи ёки ёшига кўра ҳимояга муҳтож бўлган, ўз ҳуқуқларини ўзлари мустақил амалга ошира олмайдиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади.

6-§. Махкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлашнинг қонунийлиги устидан назорат

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари тизимидаги ихтисослашган прокурорлар, яъни жиноий жазоларни ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус прокурорлар томонидан амалга оширилади. Улар ҳудудий вилоят прокурорларига бўйсунадилар. Масалан; Тошкент вилоятида жойлашган жиноий жазоларни ижро этиш жойларидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Занги Ота туманида жойлашган ихтисослашган жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши учун назоратни амалга оширувчи махсус

прокурор амалга оширади. Унинг ваколатига Тошкент вилоятида жойлашган барча жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларининг қонунга асосан фаолият кўрсатиши, у ерда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қай даражада риоя қилинаётганлиги ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига зудлик билан прокурор таъсири чоралари қўллаш ваколати берилади. Улар ўз ваколат доирасидаги муассасаларга хизмат тўғрисидаги кўрсатиб, сутканинг хоҳлаган вақтида, хоҳлаган маҳкумларининг яшаш камералари ва интизомий жазога тўғрисида хоналари, уларнинг ишлаш жойларига кириб боришлари ва қонунларга риоя этилишини назорат қилишлари мумкин.

Жиноий жазоларни ижро этишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат соҳасида:

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик аҳволи, жазоларни ижро этиш қонунийлиги масалалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги прокурорлар томонидан доимий равишда ўрганилиб, таҳлил қилиб борилсин, аниқланган қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўз вақтида тегишли чоралар кўрилиши зарурлиги;

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳбус ва маҳкумларни сақлаб туришнинг қонунийлиги ва белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан қўлланган интизомий жазоларнинг қонунийлиги, вояга етмаганлар ва аёлларнинг жазо ўташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонун талабларининг бажарилиши аҳволи ойда қамада бир мартага текшириб борилиши шартлиги;

Асосиз равишда қамоқда сақланаётган шахслар зудлик билан озод этилсин. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларига барҳам бериб, айбдор мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарлиги ҳал қилиниши лозимлиги;

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари бундай текширишларда шахсан қатнашишлари лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли тергов ҳибсхонаси ва жазони ижро этиш муассасаларидаги қонунийлик ва жиноятчилик аҳволдан келиб

чиккан холда тегишли мутахассисларни жалб қилган холда режа асосида ялпи текширишлар ўтказилиши лозим;

Ушбу текширишларда маҳбус ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқлари эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний ижросини ўрганиш билан биргаликда, уларни иш билан таъминлаш, давлат мулкининг сақланиши, шунингдек, жиноий ижроия тизимини молиявий таъминлаш масалалари ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши аҳволига алоҳида эътибор қаратилиши керак;

Бошқарма ва жойлардаги прокурорлар ИИВ ва унинг тизимлари томонидан тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум ва маҳбусларни сақлаш масалалари юзасидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатишлари лозим. Аниқланган қонунга хилоф буйруқ, фармойиш ва қарорларни бекор қилиш юзасидан ўз вақтида протест киритилиши таъминланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тергов ҳибсхоналарида маҳбус ва маҳкумлар сақланишининг қонунийлига устидан назорат куролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ваколатли прокурорлар зиммасига юклатилган.

Республика Ҳарбий прокурори ва жойлардаги ҳарбий прокурорлар маҳбус ва маҳкумларни кўриқловчи, уларни манзилга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи ички ишлар кўшинлари қисмларида қонунчиликка риоя қилинишини доимий текширсинлар, интизомий батальонлар ва гауптвахталарда ҳарбий хизматчиларнинг сақланиши қонунийлиги устидан назорат ўрнатишлари керак.

Жазони ижро этиш муассасаларида ҳар ойда бир марта маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш йўлчи кўйилсин, маҳбус ва маҳкумларнинг ариза ва шикоятлари кўриб чиқилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатишлари лозим.

Прокурорлар ўз ваколатлари доирасида ҳар қандай кўринишдаги қонун бузилишларини аниқлаш ва дарҳол бартараф этиш, маҳбус ва маҳкумларни таҳқиқловчи ҳамда кадр-

қимматини камситувчи ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўришлари керак.

Ҳибсхоналар ва муассасалар ҳудудида содир этилган жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, оммавий тартибсизликлар, бунёқунмаслик, қуролли хужум, қамоқ ёки кўриклов остидаги оқовиш жойидан қочишлар, оғир оқибатларга олиб келувчи, муассасада ўрнатилган тартибни издан чиқарувчи ҳолатлар билан Бoш прокуратурага махсус хабарномалар юборилиши тўғрисида.

Бу тоифадаги жиноят ишлари тергови устидан назорат Бoш прокуратуранинг Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда жойлардаги прокурорларга юклатилган.

Бундай жиноий ишлар судларда кўрилишида прокурорларнинг иштироқи таъминланиб, натижалари ҳақида Бoш прокуратурага батафсил ахборот тақдим этиб боришлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бoш прокурорининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 11 май 24 – сонли буйруғида

Жиноий жазоларни ижро этишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат соҳасида:

- Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида қонунийлик аҳволи, жазоларни ижро этиш қонунийлиги масалалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги прокурорлар томонидан доимий равишда ўрганилиб, таҳлил қилиб борилсин, аниқланган қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўз вақтида тегишли чоралар кўрилиши лозимлиги;

- Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳбус ва маҳкумларни сақлаб туришнинг қонунийлиги ва белгиланган муддатларга риоя этилиши, уларга нисбатан кўлланилган интизомий жазоларнинг қонунийлиги, вояга етмаганлар ва аёлларнинг жазо ўташ тартиби ва шароитларини

белгиловчи қонун талабларининг бажарилиши аҳволи ойини камида бир марта текшириб борилиши шартлиги;

- Асоссиз равишда қамоқда сақланаётган шахслар зудлик билан озод этилсин. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини барҳам бериб, айбдор мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарлиги ҳал қилиниши кераклиги;

- Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари бундай текширишларда шахсан қатнашишлари лозимлиги;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли тергов ҳибсхонаси ва жазони ижро этиш муассасаларидаги қонунийлик ва жиноятчилик аҳволидан келиб чиққан ҳолда тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда режа асосида ялпи текширишлар ўтказилиши;

- Ушбу текширишларда маҳбус ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини ўрганиши билан биргаликда, уларни иш билан таъминлаш, давлат мулкнинг сақланиши, шунингдек, жиноят ижроия тизимини молиявий таъминлаш масалалари ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши аҳволига алоҳида эътибор қаратилиши;

- Қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида инсон ҳуқуқларига оид, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш борасидаги қонунлар ва халқаро шартномаларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишига эришиш таъминлансин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш чоралари кўрилиши зарурлиги;

- Бошқарма ва жойлардаги прокурорлар ИИВ ва унинг тизимлари томонидан тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкум ва маҳбусларни сақлаш масалалари юзасидан чиқарилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатсинлар. Аниқланган қонунга хилоф буйруқ, фармойиш ва қарорларни бекор қилиш юзасидан ўз вақтида протест киритилиши лозимлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тергов ҳибсхоналарида маҳбус ва маҳкумларнинг сақланишининг қонунийлига устидан назорат қуролли кучлар, миллий

таъсирсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ваколатли прокурорлар зиммасига таъинланганлиги;

- Республика Ҳарбий прокурори ва жойлардаги ҳарбий прокурорлар маҳбус ва маҳкумларни кўриқловчи, уларни маҳбусларга кузатиб бориш вазифаларини бажарувчи ички ишлар бўлиқлари қисмларида қонунчиликка риоя қилинишини доимий назорат қилишчи, интизомий батальонлар ва гауптвахталарда ҳарбий хизматчиларнинг сақланиши қонунийлиги устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар. Қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига таъсирчан прокурорлик чоралари кўриб борилиши кераклиги;

- Жазони ижро этиш муассасаларида ҳар ойда бир марта маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш йўлга қўйилсин, маҳбус ва маҳкумларнинг ариза ва шикоятлари кўриб чиқирилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ўрнатилсин. Қонун бузилишлар ҳақидаги хабарлар заруратга кўра жойига чиқиб текширилиши лозимлиги;

- Прокурорлар ўз ваколатлари доирасида ҳар қандай кўринишдаги қонун бузилишларини аниқлаш ва дарҳол бартараф қилиш, маҳбус ва маҳкумларни таҳқиқловчи ва кадр-қимматини баҳолашчи ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши кераклиги;

- Ҳибсхоналар ва муассасалар ҳудудида содир этилган жиноятлар, қасдан одам ўлдириш, оммавий тартибсизликлар, бўйсунмаслик, қуролли ҳужум, камоқ ёки кўриқлов остидаги оқшаш жойидан қочишлар, оғир оқибатларга олиб келувчи, муассасада ўрнатилган тартибни издан чиқарувчи ҳолатлар юзасидан Бош прокуратурага махсус хабарномалар юборилиши шартлиги;

- Бу тоифадаги жиноят ишлари тергови устидан назорат Бош прокуратуранинг Суд қарорларини ижро этишда ва камоққа олиналганларни сақлашда қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда жойлардаги прокурорларга юклатилганлиги;

- Бундай жиноий ишларни судларда кўрилишида прокурорларнинг иштироки таъминланиб, натижалари ҳақида Бош

прокуратурага батафсил ахборот тақдим этиб борилиши шартлиги қайд этилган.

7-§. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойларида жазони ижро этиш колониясини ўзгартириш (бошқа режимга ўтказиш)нинг қонунийлиги устидан прокурор назорати

Махсус прокурор томонидан назорат амалга оширилади. Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудий судларга ва прокурорга жазони ижро этиш колониясида жазосини ўтаётган шахсга нисбатан жазони ўташ турини ўзгартириш учун тақдимнома билан чиқиши мумкин. Ҳудудий суд судьяси яқка тартибда муассаса вакили, иши кўрилатган шахс ва махсус прокурорнинг иштирокида тақдим қилинган ишни кўриб чиқади. Прокурор ишни ўрганиб чиқиб, ўз фикрини билдиради. Суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши учун ўзига қонун билан берилган ваколатлардан фойдаланади.

Масалан, Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этувчи муассасалар шу муассаса жойлашган жиноят ишлари юзасидан ҳудудий судларга жазони ижро этиш колониясида жазосини ўтаётган шахсга нисбатан жазони ўташ турини ўзгартириш учун тақдимнома билан чиқиши мумкин. Шундай тақдимнома Тошкент вилояти бўйича Зангиота туманида жойлашган жиноий жазоларни ижро этиш муассасалари устидан назоратни амалга оширувчи ихтисослашган махсус прокуратурага берилади. Бу прокуратуранинг прокурори томонидан иш ўрганиб чиқилиб, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда жазони ижро этиш муассасасига борилиб, ўша жойнинг ўзида жиноят ишлари бўйича судья, маъмурият вакили, прокурор ҳамда жазосини ўтаётган шахснинг иштирокида тақдимномани суд мажлисида муҳокама қилинади. Тақдимномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланса, уни қаноатлантириш ҳақида прокурор фикр билдиради суд, томонидан эса тегишли қарор қабул қилинади.

8-§. Муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қонунийлигини таъминлаш устидан прокурор назорати

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 73- ва 74-моддаси талаблари асосида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-ширига риоя этилиши устидан назорат ҳам Махсус прокурор томонидан амалга оширилади. Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудий судларга ва прокурорга жазони ижро этиш колониясида жазосини ўтаётган шахсга нисбатан жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки шартли равишда жазодан муддатидан илгари озод қилиш учун такдимнома билан чиқиши мумкин. Бу ишлар ҳам ҳудудий суд судьяси яқка тартибда, муассаса вакили, иши кўрилади шахс ва махсус прокурорнинг иштирокида такдим қилинган ишни кўриб чиқади. Прокурор ишни ўрганиб чиқиб, ўз фикрини билдиради. Суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши учун ўзига қонун билан берилган ваколатлардан фойдаланади.

Суд муҳокамасида иштирок этаётган махсус прокуратура ходими Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 73- ва 74-моддалари талабларини чуқур ўзлаштирган бўлишлари шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 2004 йил 11 май 24 – сон буйруғида “Маҳкумларни муддатидан илгари шартли ва касаллиги туфайли, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда озод қилиш, ёпиқ турдаги муассасалардан манзил-колонияларига, бир режимли муассасадан бошқа режимли муассасага ўтказишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат таъминлансин. Маҳкумларга нисбатан асоссиз равишда инсонпарварлик актлари, амнистия асосида озод қилиш ёки уларни қўллашда рад этилиши ҳолатларини аниқлаб, йўл қўйилган қонун бузилишлари зудлик билан бартараф этилиши лозим” лиги;

Муассасалар маъмурияти томонидан маҳкумларни жазодан озод қилишга тайёрлаш, озод этилганларни ўз вақтида ишга, қариялар ва ногиронлар уйига жойлаштиришнинг қонунда

белгиланган чоралари кўрилганлиги текшириб борилиши шартлиги талаб этилган.

Тақдимномани кўриш тартиби бундан аввалги параграфда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда ҳамда камоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 11 май 24 – сонли буйруғида яна, маҳкумларни муддатдан илгари шартли ва касаллиги туфайли, шунингдек, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларда озод қилиш, ёпиқ турдаги муассасалардан манзил-колонияларига, бир режимли муассасадан бошқа режимли муассасага ўтказишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат таъминлансин. Маҳкумларга нисбатан асосий равишда инсонпарварлик актлари, амнистия асосида озод қилиш ёки уларни қўллашда рад этилиши ҳолатларини аниқлаб, йўл қўйилган қонунбузилишлар зудлик билан бартараф этиш лозимлиги;

Муассасалар маъмурияти томонидан маҳкумларни жазодан озод қилишга тайёрлаш, озод этилганларни ўз вақтида ишга, қариялар ва ногиронлар уйига жойлаштиришнинг қонунда белгиланган чоралари кўрилганлиги текшириб борилиши лозимлиги;

Доимий яшаш жойига қайтиб келган шахсларни ижтимоий кўникма марказлари томонидан ҳисобга олиниши ва уларга моддий ёрдам кўрсатилишининг қонунийлиги мунтазам равишда текшириб борилиши талаб этилади.

9-§. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар масалан, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, жарима, туман (шаҳар) прокурорлари ваколатларига тегишлидир.

АТИга ҳукм қилинган шахснинг ўз вақтида суд томонидан белгиланган % миқдордаги суммани, суд томонидан белгиланган жойда ўташ ёнги, ИИБ органлари томонидан белгиланган жойларда ўташда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек, шартли ҳукм қилиш ҳамда мажбурий характердаги чекланмишлар тарзидаги жазоларни ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши устидан амалий назорат таъминланиши талаб этилади.

ИИБ органлари томонидан белгиланган жойларда ўташда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинганларни тегишли ИИБ органлари томонидан қонун билан белгиланган муддатда руйхатга олинганлиги, қонунлар ижроси ҳудудийлик тамойилига асосан тегишли ҳудудий прокурор (туман, шаҳар) прокурорларига юклатилган.

Бу соҳа бўйича :

- ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинганлар ҳужжатлари суднинг ҳукми (ажрими)дан нусхалар билан бирга ИИБ органларига келиб тушган кунидан бошлаб, 15 кун ичида ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинганми;

- маҳкумларнинг ҳисоби олиб борилаяптими;

- уларга жазони ўташ тартиби ва шароити тушунтирилганми;

- ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинганлар жазосини ўташ тартибига риоя қилинаётганлиги устидан назорат ўрнатилганми;

• ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинганлар жазосини ўташ амалга оширилаётган корхона маъмурияти билан алоқа қандай ўрнатилган, меҳнат шароити яратиб берилганми;

• маҳкумлар билан тарбиявий ишлар олиб борилаяптими;

• маҳкумларнинг ўзини тутиши, юриш-туриши назоратга олинганми ва имкон қадар уларнинг касбий салоҳиятига мувофиқ ишга юборилганми ённки, ишга жойлаштириш органларига улар юборилаяптими;

• ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинганлар жазосини ўташ амалга оширилаётган корхона томонидан маҳкумларнинг иш ҳақидан бюджет ҳисобига ўтказилиши керак бўлган % миқдоридаги маблағ ўз вақтида ўтказилаяптими деган саволлар бўйича прокурорлар шуғулланишлари лозим.

Бундан ташқари, ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилган бўлса, улар бу назорат талабларига риоя қилишяптими, прокурор ўз назоратида олмоғи керак (яшаб турган жойи, шаҳарини ИИБ нинг маъсул шахслари руҳсатисиз тарк этилмаслигига риоя қилиниши)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Сул ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 11 май 24 – сонли буйруғида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек шартли ҳукм қилиш ҳамда мажбурий характердаги чекланишлар тарзидаги жазоларни ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши устидан амалий назорат таъминланиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ қошидаги жазони ижро этиш инспекциялари фаолиятида қонунларга риоя этилиши аҳволи юзасидан ҳар чоракда текширишлар ўтказилиши лозимлиги;

Жазони ижро этиш амалиёти доимий равишда таҳлил қилиниб, тайёрланган умумлаштиришлардан фойдаланган ҳолда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш борасида ваколатли идораларга тақдимномалар киритилиши лозимлиги;

Бошқарма, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар куйи прокурорларнинг бу йўналишдаги

ишларининг самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги;

Вилоятлар прокуратураларининг соҳага масъул ходимлари уларининг хизмат вазифаларини қўйи турувчи прокурорларга юклаган ҳолда, уларнинг фаолиятини назорат қилмасдан ва амалий ёрдам кўрсатмасдан совуққонлик билан муносабатда бўлишлари йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат деб топилиши лозимлиги таъкидланган дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.09.1994 й. N 458 сонли Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори мавжуд бўлиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида таъминотни барқарорлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва ҳукм этилганларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида қабул қилинган. Қарор талабига кўра,

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳокимликлар ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртма-номалари бўйича ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишлаб чиқариш зоналарини лойиҳалаштириш ва қуриш учун пул маблағларига бўлган эҳтиёжни белгиланган тартибда таъминланиши;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари қурилиши тугаллангандан кейин озодликдан маҳрум этиш жойлари қўриқланиши ва ҳукм этилганлар устидан назорат амалга оширилиши таъминланиши учун қўшимча равишда ички қўшинлар ходимлари ажратиш тўғрисидаги ҳисоб-китобларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши лозимлиги;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва уларнинг шарафий бўлинмалари жазони ижро этувчи муассасаларнинг корхоналарига давлат эҳтиёжини қондириш учун маҳсулотлар ва хизматларнинг муайян турларига буюртма бериши лозимлиги таъкидланган.

10-§. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилинган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати бўйича прокурорлик назорати

Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992 й. N 750-XII сонли Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилинган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида қонуни мавжуд бўлиб, мазкур қонунга ЎЗР 20.08.1999 й. 832-I-сон қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. Прокурорлар ушбу қонун талабларига риоя қилиш устидан назоратни ташкиллаштиришлари лозим.

Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилинган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг маъмурини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу Қонуни қўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратнинг асосий мақсади - илгаридан судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантиришдан иборатдир.

Маъмурий назорат ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остидаги кишининг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний қадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ва истикомат жойида обрўсини тўкмаслиги лозим.

Маъмурий назорат вояга етган қўйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар

идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш (тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мушгазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига бутур етказаетган бўлсалар;

в) ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланилиши мумкин:

а) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишини тақиқлаш;

в) ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсатсиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар назорат остида бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-айрим йўсинда қўлланилади.

Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчадан қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

Маъмурий назоратни амалга ошириш назорат остидаги кишининг истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари (милиция)га юклатилади.

Судьянинг қарори маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос ҳисобланади.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосий тақдимнома судга қуйидагилар томонидан юборилади:

а) оғир жиноятлар содир этганлик учун ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан кўпроқ мартага ҳукм этилган, жазони ижро этиш муассасаларида турган шахсларга нисбатан, - жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, маҳкумнинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи материаллар бўлган тақдирда, озод этишдан камида бир ой олдин;

б) ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан, - жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан, озод этишдан камида бир ой олдин;

в) жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахсларга нисбатан, - ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, шахс жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишдан кейин жамият учун зарарли тарзда кун кечираётганлигидан далолат берувчи материаллар асосида.

Маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисидаги масала судни томонидан тақдимнома олинган пайтдан бошлаб 10 кундан кечикмай ҳал қилинади. Маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгилашга нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддати, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашлар, агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишда белгиланган бўлса, унинг танланган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланган. Назоратни амалга ошириш муддати, Маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги юқорида номи зикр этилган қонун 4-моддасининг "а" ва "в" бандларида кўрсатилган шахслар яшаш жойига етиб келган пайтдан бошлаб, 4-модданинг "б" бандида кўрсатилган шахсларга нисбатан эса, судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Назорат остидаги шахс ўзига белгиланган вақт ичида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибини бузаётган, фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган ёки ўзига нисбатан қўлланилаётган чеклашларга риоя этмаётган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйилади.

Чеклашлар рўйхати назорат остидаги кишининг шахси, унинг турмуш тарзи ва хулқ-атворига қараб, лекин ушбу

Конуннинг 5-моддасида назарда тутилган чеклашлар доирасида кескартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти жазони ўташ доирисида маъмурий назорат остига олиниши белгиланган шахсни жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш олдидан у танлаган истиқомат жойидаги ички ишлар идораларига бўшатилаётган кишининг етиб бориш вақтини хабар қилган ҳолда судьянинг маъмурий назорат белгилаш тўғрисидаги қарорини юборади.

Судьянинг маъмурий назорат белгилаш ёхуд назорат муддатини узайтириш ва назоратни амалга ошириш вақтида қўланиладиган чеклашларни ўзгартириш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахсга ички ишлар идораси бошлиғи томонидан, жазони ижро этиш муассасаларида бўлган шахсга эса жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан тилхат орқали билдирилади.

Бунда назорат остидаги шахсга унинг бурчлари, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тушунтирилади, назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилиш олдидан белгиланган шахсга эса - танланган истиқомат жойига белгиланган муддатда етиб бормаганлик учун жавобгарлик тушунтирилиши лозим.

Назорат остидаги шахсга, шунингдек у маъмурий назоратдан бўйин товлаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлик учун жавобгарлик тушунтириб берилиши керак.

Маъмурий назорат остига олинган шахсларнинг фотосурати олинади ва ички ишлар идораларида ҳисобга олиб қўйилади. Барур ҳолларда назорат остида бўлган шахсларнинг бармоқлари ва башбарти бостириб олиниши шарт.

Маъмурий назорат остида бўлган ҳар бир шахс тўғрисида назорат дафтари юргизилиши керак.

Ички ишлар идоралари (милиция) ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинганларнинг хулқ-атворини улар яшаётган ва ишлаётган жойда мунтазам назорат қилиб боришлари;

б) назорат остига олинганларни танланган истиқомат жойида прописка қилиш ва уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан зарур чоралар қўришлари;

в) улар томонидан жамоат тартиби бузилиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказилишининг олдини олишлари ҳамда йўл қўймасликлари;

г) уларга нисбатан белгиланган чеклашлар бузилганлиги тўғрисида қонунда белгиланган тартибда баённомалар ёзишлари шарт.

Милиция ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш берувчидан, мазкур шахс ўқиётган жойнинг маъмуриятидан, у яшаётган жойдаги жамоат бирлашмаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек, фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш;

б) назорат остида бўлган шахсни ишга жойлаштириш ва унга турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида тегишли давлат жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдига масала қўйиш;

в) назорат остига олинган шахсни суҳбат учун милицияга чақириш, зарурат бўлганда бундай суҳбатларни иш берувчининг, жамоат бирлашмаси ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари, назорат остига олинган шахснинг қариндошлари, шунингдек суҳбат мавзуйга алоқадор шахслар иштирокида ўтказиш;

г) назорат остида бўлган шахсдан маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

д) назорат остида бўлган шахснинг тураржойини соат 6 дан 22 га қадар бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

Маъмурий назоратни амалга ошириш юзасидан айрим тадбирларни ўтказишда ички ишлар идораларига ёрдам бериш учун ички ишлар идораларининг штатсиз ходимлари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Маъмурий назоратдан бош тортаётган шахсларни қидириш, судья қарорига биноан, милиция томонидан амалга оширилади.

Маъмурий назорат қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса;

б) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс гувоҳлиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса;

в) назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда.

Маъмурий назоратни тўхтатиш ҳақидаги "а" ва "в" бандларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиш тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходими томонидан қарор чиқарилиб, бу қарор ички ишлар туман, шаҳар, шаҳардаги туман бўлими (бошқармаси) бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Маъмурий назоратни тўхтатиш ҳақидаги "б" бандида назарда тутилган ҳолларда муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида ички ишлар идораси бошлиғи томонидан судга асосли тақдимнома йўлланади, тақдимнома ўн кунлик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Судья ёки ички ишлар идорасининг маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисидаги қарори назорат остида бўлган шахсга тўлиқ қилинади.

Маъмурий назорат остида турган шахсга доир ҳисобга олиш ҳужжатлари ички ишлар идорасида назорат тўхтатилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сақланади.

Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечирishi, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, қуйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

а) милициянинг чақирувига биноан кўрсатилган муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

б) ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётгани тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиш;

в) бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар (милиция) бўлимида рўйхатдан ўтиш;

г) устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахс қуйидаги қўлланилган чеклашларга риоя этиши шарт:

1) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтдан уй (квартира)дан чиқиб кетмаслиги лозим;

2) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлиши тақиқланади;

3) ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсатсиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетиши тақиқланади;

4) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиши шарт ҳисобланади.

Маъмурий назорат остига олинган шахслар белгиланган чеклашларни бузганлари тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий назоратдан бўйин товлаб истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолган, шунингдек маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилаётганда белгиланган ҳолларда танланган истиқомат жойига муайян муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаган назорат остидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий назоратга оид юқорида қайд этилган қонун вазирлиги арилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Судьянинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарори прокурорнинг норозилиги билан ёки юқори суд идораси томонидан назорат асосиз равишда белгиланган деб эътироф этилган тақдирда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Маъмурий назоратни белгилаш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ шикоят ва аризалар ички ишлар идораси бошлиғи, прокурор ёки юқори суд идораси раиси томонидан белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Шикоят берилганлиги судья маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқармагунча унинг амалга оширилишини тўхтатиб қўймайди.

5-БОБ.

Ушсав турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ижро этиш-хукуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилишини устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари

"Прокуратура сўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органилари фаолиятининг асосий йуналишларидан бири қилиб ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиний-хукуқий таъсирнинг бошқа содаларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилишини устидан назоратни амалга оширишдан иборат.

Ушсав турилганлар -
Ўзбекистон
ЖИҚКнинг
14, 14 моддаларига
асосан қилинувчи
қарориди ушланган
шахслар
(3 ойча, яъни, 72 соат
чегирата ушланган
шахслар)
Висоилар ИИБ
қурулини вилоят
прокурори ёки қалта
прокурорларда Нақтинча
Ушсав Турини
Хабарчилари

Қамоққа олинганлар -
эҳтиёт чораси
сифатида
прокурорнинг
илтимономасига
асосан, суд томонидан
суднинг қарорига
биноан қамоққа
олинган шахслар
(3 ойча, 5 ойча, 7
ойча, 9 ойча 12
ойча)

Жиний жазоларни
ижро этиш жойлари-
Озодликдан махрум
қилиш тарикасидаги
жазони ижро этиш
муассасалари, АТИ
ни ижро этиш
жойлари
(Суд ҳуқуқига қура
айбдор деб топилиб,
жазо тайинланган
маҳкумлар)

Назоратни вилоят
прокурори,
урибосари ва унинг
капта ёрдамчиси
амалга оширади

Назоратни вилоят
прокурори,
урибосари ва унинг
капта ёрдамчиси
амалга оширади

Озодликдан махрум
қилиш тарикасидаги
жазони ижро этиш
муассасалари
Ўзбекистон
Республикаси
прокуратурасининг
ихтисослаш гирилган
прокуратуралар
томонидан амалга
оширилади

АТИ ни ижро этиш
жойлари - ИИБ
белгилаб берган
жойлар ёки
маҳкумининг иш
жойи ҳисобланади,
Назоратни худудий
ИИБ ва унинг
фаолияти устидан
худудий
прокурорлар амалга
оширади



**Жиноий жазоларни ва жиноят-
хукукий таъсирнинг бошқа
чораларини ижро этиш чоғида
қонунларга риоя қилиниши устидан
прокурор назорати**

**Жазони ижро этиш жойларида қонунларга
риоя қилиниши устидан назорат
прокуратураси ИИВнинг ЖИЭББга
қарашли жазони ижро этиш ва тарбия
колонияларида қонунларга аниқ ва бир
индда риоя қилиниши устидан назорат олиб
боради.**

**У вилоят прокурорига бўйсунди ва ўз
фаолиятини Республика
прокуратурасининг қамоққа олинганларни
сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида
қонунларга риоя қилиниши устидан
назорат бўлими ва вилоят
прокурорларининг шу соҳа бўйича катта
қўдамчилари, бошқарма ва бўлимларининг
бевосита раҳбарлиги остида амалга
оширади.**

Жазони ижро этиш жойларида қонуналарга риоя қилиниши устидан назорат прокуратурасининг вазифалари (1)

Маҳкамаларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилишлари

Уларни жазодан озод этишга тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қонуни талабларининг бажарилиши

Муассасалар назмурига томонидан чиқарилган қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат қилиши

Қайд этилган муассасаларда давлат мулкини сақлашда, сунистеъмолчиликларга, хўжасизликка қарши кураш

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, ёқилги, электр энергияси

ва бошқа ресурслардан ўринсиз фойдаланиш ва шу каби қонуни бузишларига йўл қўйган шахслардан етказилган зарарни ўқидриб олишга қаратилган чораларни кўриши

Техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонуналар ижроси устидан назоратни амалга ошириши

Жазони ижро этиш жойларида
қонунларга риои қилиниши
устидан назорат
прокуратурасининг вазифалари (2)

Жазони ижро этиш муассасалари
хотимлари томонидан маҳкумлар ва
бошқа фуқароларга нисбатан қонунсиз
ҳаракатларни аниқлаш, бундай
ҳаракатлар содир этилишининг олдини
олиш

Муассасаларда тайёрланган йил содир
этилган жиноятлар саноқдаги ҳабар ва
артиқларни ҳабуа қилиб руҳланган ўтказиш,
ҳал этиш, жиноят ишларини уз нақсда
қўзғатиш улабларини назорат қилиш ва ҳар
бир қонубузилгани ҳолати бўйича чора кўриш

Суд томонидан маҳкумларга нисбатан
чиқарилган икконувиий ҳукмлар,
ижримлар ва қарорлар юзасидан
худудий прокурорларга протест
қелтириш тўғрисида тақдимномалар
юбориш

Жазони ижро этиш ва тарбия
колонияларида жиноят содир
қилганликда гумонланган ва
айбланганларга нисбатан чора
кўриш

қонунсизликка олишга санкция беришни
қилиш ва илтимоснома билан
судга муурожаат қилиш

Жазони ижро этиш ва тарбия
колонияларида жиноят содир
қилганликда гумонланган ва
айбланганларга нисбатан тергов
ҳаракатларини олиб бориш

Жазони ижро этиш жойларида қонуиларга риоя қилиниши устидан назорат прокуратурасининг вазифалари (3)

Жазони ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан содир этилган мансабдорлик жиноятларини ҳам тергов назоратига олиш

Прокурор жиноят ишлари тергови устидан раҳбарлик қилиб, айблов хулосасини тасдиқлайди

Судларга прокурорлар томонидан юборилган бу тоифадаги жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи босқичдаги суд мажлисларида прокурор ваколатини таъминлаш

Маҳкумларни жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги қонуиларнинг тўғри ва аниқ бажарилиши устидан назорат

масалаларни ҳал қилишда хулосалар бериш

Иштирок этган жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, ажримлар, қарорлар устидан апелляция, кассация ва назорат ҳамда хусусий протестлар келтириш

Жазони ижро этиш жойларида қонуларга риоя қилиниши устидан назорат прокурорининг назорат предмети

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хуқуқий таъсирининг бошқа чораларни ижро этувчи муассасаларда шахслар сақлашнинг қонуийлиги

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жазолар ва жиноят-хуқуқий таъсирининг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шартлари ҳақидаги қону ҳужжатларига риоя этилиши

Ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-хуқуқий таъсирининг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши

Жиноят-ижроия қону ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қону ҳужжатларига риоя этилиши

Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғи томонидан жазодан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида чиқарган актларини текшириш

Текширув натижасига кўра акт тузилади. Бу ҳужжатда муассасадаги қонуийлик масалариларига алоҳида тўхталиб ўтилади

**Прокурорнинг ҳукукий
ҳужжатлари**

Тақдимнома

Протест

Огоҳлантирув

Ариза

Қарор

Протест

Жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қабул қилинган қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни махсус прокурор томонидан ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органига киритилади

Маъсбодор шахснинг иқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқиши шарт. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади

Протест рад этилганда ёки белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни гайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан тегишли судга мурожаат этишга ҳақли

Қарор

Прокурор мансабдор шахс ёки маъбус томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки иттизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақида қ а р о р чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради

Қарорда уни чиқарган шахснинг исми-фамилияси, мансаби ҳамда унвони, ишни кўзгатиш учун сабаб ва асослар (жиноят кодексининг моддаси ва жиноят ишининг кейинги йўналиши) кўрсатилиши керак

Маъмурий ёки иттизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт.

Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади

Тақдимнома

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонуни бузилиш ҳоллари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонуни бузилиши ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига тақдимнома киритади

Тақдимнома прокурор ва унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, жисоний жазоларни ижро этувчи органларга ва шу идораларнинг мансабдор шахсларига ёхуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади

Прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли

**Тақдимномада қуйидаги элементлар
мавжуд бўлади**

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш жиноятни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к)

Бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва шaroитлар тавсифи

Қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шaroитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар

Қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни кўрсатиш

Уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари

Тақдимноманинг дарҳол кўриб чиқиши ва қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб

Прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, тақдимномани киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси

Огоҳлантирув

Прокурор фуқароларнинг қону билан кўрикланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирувчи эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда, айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва буни ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим

Ариза

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонуларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши қону бузилиши ҳоллари ва суд тартибда бартараф этилиши лозим бўлган ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қону ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.
Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қону билан кўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим

Ариза берилётган суднинг номи;
Жавобгарнинг номи ва манзили

Прокурорнинг лавозими ва фамилияси, исми, ота
исми ҳамда ариза кимнинг манфаатини кўзлаб
берилганлиги, ўша шахснинг (фамилияси, исми
ва ота исми) ҳамда манзили

Даъвогарнинг талаби;
агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси

Даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар
ва даъво талабларининг асосларини
тасдиқловчи далиллар

Аризага илова қилинган ҳужжатлар
рўйхати
(Прокурорнинг аризасидан давлат божи
олинмайди)

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг
ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
Прокурорнинг аризаси қонун ҳужжатларида назарда
тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Бешинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ушлаб турилганларни, камоққа олинганларни сақлаш жойларида, прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари дейилганда нималар тушунилади?

2. Жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари деганда нималар тушунилади?

3. Шикоят ва аризалар билан муносабат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари нималардан иборат?

4. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари деганда нима тушунилади?

5. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки камоқ жойларида (СИЗО) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш деганда нима тушунилади?

6. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлашнинг қонунийлиги устидан назорат нима?

7. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойларида жазони ижро этиш колониясини ўзгартириш (бошқа режимга ўтказиш)нинг қонунийлиги устидан прокурор назорати деганда нима тушунилади?

8. Муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришнинг қонунийлигини таъминлаш устидан прокурор назорати деганда нима тушунилади?

9. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш нима?

10. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати бўйича прокурорлик назорати нима?

11. Маъмурий назоратнинг асосий мақсади нима?

12. Маъмурий назорат қандай шахсларга нисбатан ва қайси асосларга кўра ким томонидан ўрнатилади?

13. Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қандай чеклашлар қўлланилиши мумкин?

14. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асосли тақдимнома судга кимлар томонидан юборилади?

15. Маъмурий назорат қанча муддатга белгиланади?

16. Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна қанча муддатга узайтирилиши мумкин?

17. Ички ишлар идоралари (милиция) ходимларининг маъмурий назоратни амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

18. Милиция ходимларининг маъмурий назоратни амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

19. Маъмурий назорат қайси ҳолларда тўхтатилади?

20. Маъмурий назорат остида турган шахс қайси қоидаларга риоя этиши шарт?

21. Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахс қўлланилган қандай чеклашларга риоя этиши шарт?

6-БОБ: Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.

РЕЖА:

1-§. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти.

2-§. Ушбу йўналиш бўйича прокурор назоратининг ўзини хусусиятлари.

3-§. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш:

А) вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича;

Б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш;

В) вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларининг судларда қўрилиши бўйича;

Г) тарбия муассасаларида.

4-§. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимон қилиниши.

1-§. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти

Ҳар қандай давлатнинг келажаги ундаги ёш авлодининг тарбияси, таълим олиши, салоҳияти, соғлиғи билан боғлиқдир. Шу туфайли Ўзбекистонда ҳам ёш баркамол авлодни тарбия қилишга катта эътибор берилмоқда. Ёшларнинг соғлом, баркамол бўлиб тарбия олишлари, ўсиб-улғайишларига шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қанча қарорлар, Олий Мажлис томонидан қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар, албатта, Ўзбекистонда ёш баркамол

авлодни тарбиялаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож ёшларни давлат ҳимоясига олишга ва уларни жамият учун керакли инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни тарбиялаш, таълим бериш учун масъул органлар томонидан қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборатдир.

Ушбу соҳада, яъни вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети бўлиб, вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, корхона, муассаса, ташкилотлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, вояга етмаганларни тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шугулланувчи давлат идораларининг, шунингдек вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши олдини олиш, профилактика билан шугулланувчи давлат органлари, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши ҳисобланади.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилмаган бўлса ҳам, амалиётда қуйидан тортиб, юқоригача, яъни туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларидан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасигача ушбу масала юзасидан алоҳида прокуратура қодимлари шуғулланишади.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти қандай тарзда амалга оширилаётгани, ҳудуддаги мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, техникумлар, ўрта-маҳсус таълим ўқув юртларида вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, болалар

шифохоналари, спорт-соғломлаштириш мактаблари, оромгоҳларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, вояга етмаганларга тааллуқли жиноят ишлари юзасидан алоҳида назорат ишлари юритилиши, уларнинг жиноят ишлари бўйича қонун талаблари асосида эҳтиёт чораси қўллаш масаласи, уларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва имтиёзларини дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги, педагог ва психологлардан фойдаланилаётганлиги, уларга тааллуқли жиноят ишларида прокурор иштирокининг тўлиқ таъминланиши, ҳокимиятлар ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги васийлик, ҳомийлик органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ ва бир хилда, қонунда кўрсатилган муддат ва тартибда амалга оширилаётганлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётганда, уларнинг меҳнат ва бошқа қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилмаётганлигини таъминлаш ушбу соҳадаги прокурор назоратининг вазифаси ҳисобланади.

Прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифалар ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" ги қонун ҳужжатларининг вазифаларидан келиб чиқади. Бундан келиб чиқадики, ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим тарбия олишда ўз ҳуқуқларини тўла амалга оширишлари, уларни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш, ёшлар жиноятини келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан, ёшларнинг қонунга ҳурмат руҳида тарбия топишига эришишдан иборат.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг бир йўналиши сифатида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва бу соҳада масъул давлат органларининг қонунларга риоя этишлари устидан назоратни амалга оширишдир.

Баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири. Шу сабабли ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш учун шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган.

Мамлакатда барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, жумладан, вояга етмаганлар муаммолари билан шугулланувчи идораларнинг амалдаги тузилмалари ўзгартирилиб, янгидан шакллантирилмоқда.

Вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиши ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли Фармониغا асосан, Бош прокуратура тузилмасида шу бўлимда 6 мутахассис ишлаши кўрсатилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг намунавий тузилмасида, “Прокурорнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорати бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси)” лавозими белгиланган, Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмасида эса “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” мавжуд бўлиб, унда 4

мутахассис прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши билан шуғулланиши лозимлиги қайд этилган.

Туман, шаҳар прокуратураларида эса, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси билан бевосита прокурорнинг ички меҳнат тақсимотига кўра, зиммасига юклатилган прокуратура ходими (одатда прокурор ёрдамчиси) шуғулланади.

Улар томонидан туман, шаҳардаги ҳомиладор аёлларнинг туғилажак фарзандларининг қонуний ҳуқуқларидан тортиб, мактаб ёшида бўлган ёш болалар ва мактаб ёшидаги вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат амалга оширилади.

Бунинг учун туман (шаҳар) даги ҳомиладор аёллар ва уларнинг хомиласи соғлиғини, нормал фарзанд дунёга келишини таъминлашга қаратилган қонун ва қонун ости ҳужжатларида кўрсатилган талаблар тегишли поликлиникалар ва туғруқхоналар, оналар ва болалар уйларида етарли даражада бажарилаяптими, болалар туғилганидан кейин врачлар назорати олиб борилаяптими, болалар поликлиникалари ва шифохоналарида қонун талаблари бажарилаяптими, мактабгача болалар муассасалари болалар боғчаси, ясли, интернат, болалар уйларида, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқа ўқув муассасаларида, болалар оромгоҳлари ва бошқа турли болалар муассасаларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси қандай амалга оширилаяпти-доимий назоратда туради. Болалар ўртасидаги жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг қаровсизлигига қарши курашишлари прокурорнинг мунтазам назоратида бўлиши керак.

Туман (шаҳар) прокурори ўз ваколати доирасига кирувчи ҳудудда қанча вояга етмаган шахс борлиги, уларнинг ўқиш ва иш билан бандлиги, ота-онасининг қарамоғида ёки бошқа шахсларнинг қарамоғида қанча вояга етмаган шахс борлиги ҳақидаги маълумотни аниқ билиши лозим.

2-§. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Прокурорлар вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиши ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва у

вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларига юзаки ёндашиб, назоратни сусайтириб юбормасликлари лозим.

Вояга етмаганлар ҳуқуқий манфаатларига алоқадор ташкилот ва идоралар, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссия ва ички ишлар идоралари таркибидаги нозирликлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирги кун талаблари даражасида мувофиқлаштириб борилишини ўз эътиборидан четда қолдирмаслиги керак

Ёш авлоднинг соғлиғи, билим олиши, меҳнат қилиши ва ишда жойларидаги тарбиявий ишлар устидан етарли назорат олиб борилиши лозим. Ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан, жумладан, ўсмирларни ҳарбий ва муқобил хизматга тайёрлаш борасидаги прокурорлик назорати асосан талабга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш лозим.

Вояга етмаганлар орасида оғир, ўта оғир ва айниқса гиёҳвандлик ҳамда ичкиликбозлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўрилишида жойлардаги прокурорлар ўз назоратидаги ички ишлар органлари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмаслиги чорасини кўришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқадиган вазифалар ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифасидир.

3-§. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари

Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни олиб бориб, **ўз ваколатлари доирасида:**

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор қидирув фаолияти-

нинг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади.

- Ушланганларни вақтинча сақлаш хоналарида, тергов хибсхоналарида ва қабул қилиш – тақсимлаш хоналарида ҳар ойда камида бир марта вояга етмаганларни ушлаш, камокқа олиш ва сақлашнинг қонунийлигини текширади.

- Терговчининг ва суриштирувчининг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади.

- Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳар олти ойда чуқур ўрганилиб, бундан ҳолатларни бартараф этишнинг зарур чора-тадбирларини кўради.

- Суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки тўла ҳажмда амалга оширади, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланади.

- Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатларининг қонунларда белгиланган талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилиши, бунда уларнинг шахси чуқур ўрганилиб, кафолатланган ҳуқуқлари таъминланади.

- Жиноятнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароитларни бартараф қилишга, қаратилган қатъий чоралар кўрилиб, ўсмирларни ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ва бошқа жиноий фаолиятга жалб қилган катта ёшдаги шахсларнинг жавобгарлик масаласи ўз вақтида ҳал этилади.

- Вояга етмаганларни асоссиз камокқа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди. Эҳтиёт чораси сифатида камокқа олиш қўлланилаётганида жиноятга қўл урган ўсмирлар прокурорлар томонидан шахсан сўроқ қилинади.

- Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳар олти ойда чуқур ўрганилиб, бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилади. Уларнинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ва озодликдан маҳрум этилганларини жазо ўташ жойларида қайта тарбиялаш ишлари доимий назоратга олинади.

• Вояга етмаганларга нисбатан юритилган жиноят ишларини тугатиш, тўхтатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги материалларнинг барчаси истисносиз, қонунда белгиланган муддатларда ўрганиб чиқишнинг қатъий тартиби ўрнатилади.

А) Вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш.

Вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар муҳим роль ўйнайди. Бу комиссия ота-онасиз қолган ёки ота-онаси ўз ота-оналик мажбурияти ҳамда бурчларини бажармаётган, тарбияси қаровсиз қолган болаларни, вояга етмаганларни, шунингдек, ишга жойлашишга, ўқишга муҳтож ва имконияти йўқ вояга етмаганларни, шунингдек, иқтимоий ёрдамнинг бошқача кўринишларига муҳтож вояга етмаганларни қидириб топади ва уларни рўйхатга олади.

Рўйхатга олинган вояга етмаганларни тегишлича ишга жойлаштириш, уларни даволаш, тарбия, ўқув муассасаларига жойлаштириш ҳамда уларни ўзлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш учун мазкур комиссия масъулдир. Комиссия, шунингдек, тарбиявий ва маъмурий чора қўлланилган, ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, вояга етмаганлар устидан назорат олиб боради.

Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиянинг қарорларини қонунийлиги прокуратура органлари томонидан назорат қилинади. Прокурор ўз викалатлари доирасида вояга етмаган шахсга нисбатан ёки унинг ота-онасига нисбатан чиқарилган маъмурий ёки бошқа чораларни амалга ошириш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширади.

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 11-сонли буйруғи қабул қилинган. Ушбу қонунга биноан ҳокимликлар таркибидаги

вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва ички ишлар бўлимлари нозирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан доимий назорат таъминланади. Болалар ва ўсмирларга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир чоралари кўриш ҳамда профилактика рўйхатига олиш тўғрисидаги қарорларнинг асослилиги, вояга етмаганларни ички ишлар идораларига олиб келиш ва ҳисобга олинишининг қонунийлиги ҳар чоракда бир марта текширилиши талаб этилади.

Прокурор назоратни амалга ошириш чоғида вояга етмаган шахсга ёки унинг ота-онасига солинган жариманинг қонунийлигини текширади. Бунда у ҳар қандай ғайриқонуний қабул қилинган жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан протест келтиради.

Прокурор мазкур йўналишда назоратни амалга ошира бориб, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишни кўрсатиб тегишли орган мансабдор шахсга тақдимнома киритиши ёки бошқа прокурор таъсир ҳужжатларини қўллаши лозим.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим соҳаси бу ички ишлар органларидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи инспекция фаолиятидир.

Халқ таълими, ўсмирларнинг меҳнати тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, уларни ўқиш, иш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг ахволи мунтазам равишда текширилади. Ўқишда ва фойдали меҳнатдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлиги масалаларида шуғулланадиган идоралар фаолияти устидан назоратни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Вояга етмаганларни ўқишдан асоссиз четлатиш ҳоллари бартараф этилиши керак.

Болалар уйлари ва мактаб интернетлари қарамоғида бўлган, ота-онасиз қолган вояга етмаганларни ўқитиш, тарбиялаш ва яшаш шароитлари билан боғлиқ қонунларнинг ижроси устидан ўрнатилган назоратнинг самарадорлиги оширилиши керак

Ижтимоий ёрдамга мухтож ва етим болаларни ўз вақтида танитиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, назоратсиз ҳолатларининг олдини олишга қаратилган амалий чоралар ўйланади. Ушбу ишлар болалар ва маҳалла жамғармалари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилишига аҳолига аниқлик берилиши керак.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларига оид умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун қоидалари бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиши таъминланиши керак.

Вояга етмаганларнинг соғлиғи ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик инспектори кучайтирилиши, бунда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат шартномасига амал қилинишига, табиий кўрик ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишига алоҳида аниқлик берилиши керак.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш жараёнида прокурор ўз таъсир ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий воситалар ёрдамида вояга етмаган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, улар бузилган ҳолда тегишли чора-тадбирларни кўриши лозим.

Прокурор томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши энг аввало прокурор томонидан умумий назорат тартибида текширишлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Прокурор умумий назорат ўтказиш чоғида вазирлик, идора қўмиталари, идоралар, корхона, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан вояга етмаганлар таъминланаётганини текширади. Умумий назорат воситасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ҳолда прокурор бу қонун бузилишларининг олдини олиш, улар оқибатини бартараф этиш чораларини кўриши ва тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиши лозим.

Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда умумий назоратнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Прокурор умумий назорат олиб бориш жараёнида вояга етмаганларнинг

таълим-тарбия олиши, ижтимоий муҳофаза қилиниши учун масъул шахслар, идоралар томонидан бу мажбуриятларнинг бажарилиши ва вояга етмаганлар ҳуқуқларининг таъминланишини текширади. Вояга етмаган шахснинг ота-онаси ўз бурчларини муносиб бажармаганлиги, ўз ота-онанинг ҳуқуқларини суиистеъмол қилган тақдирда, шунингдек вояга етмаган шахснинг тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолларда прокурор судга бу шахсларни ота-онанинг ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраб даъво кўзғатиши мумкин. Бунда прокурор судда шахсан ўзи иштирок этиб, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Прокурор вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда вояга етмаганларга турли имтиёзлар берувчи қонун ҳужжатларининг ҳам ижроси устидан назорат олиб бориши лозим. Қонунлардаги имтиёзлар меҳнатга оид қонунчиликка кўра, вояга етмаганларнинг меҳнатидан оғир соғлиқ учун зарарли ишларда фойдаланиш мумкин эмаслиги, дам олиш кунларида ишга қўйиш мумкин эмаслиги, уларга нисбатан қисқартирилган иш ҳафтаси татбиқ этилиши кабилар бўлиши мумкин.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи давлат органларида ва улар томонидан жиноят ишлари юритилиши жараёнида вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг муҳим соҳасидир. Чунки вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга қарши курашни тўғри ташкил этиш, вояга етмаганларни жиноят ишлари юритилишидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши кўп жиҳатдан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олди олинishiга сабаб бўлади.

Жиноят ишларини юритишда вояга етмаганларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомига эътибор берилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг XV ва XVI боблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 60-бобида вояга етмаганларга нисбатан алоҳида қоидалар белгиланган. Уларга нисбатан ушбу қонунларнинг умумий қоидалари билан бирга юқоридаги бобларда кўрсатилган алоҳида қоидалар ҳам қўлланилади. Бундай алоҳида

қондаларга ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан фақат жазима, ахлоқ тузатиш ишлари, камок ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларигина қўлланилиши, кўшимча жазо қўлланилмаслиги, жиноят процессида адвокат таъминланиши шартлиги, шунингдек, қонундаги бошқа ҳолатлар киради.

Прокурор вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни олиб боришида жиноят ишларини юритувчи, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Б) Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 145-моддаси талабларига биноан, вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан фуқаролар 18 ёшга тўлганда вояга етган ҳисобланади. Уларнинг ҳам жиноий жавобгарликка тортиш масаласи умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 17 моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми, 98, 104-106, 118, 119, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122, 123, 127, 144, 146, 193-195, 205-210, 225, 226, 230-232, 234, 235, 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг яъни, вояга етмаган шахсларнинг жиноятлари

ҳақидаги ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ўн учинчи бўлими 60-бобда белгилаб берилган.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари қуйидагилардир:

- Вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);
- Вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлик ҳолати;
- Унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- Катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи таркибида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддаси талабларига кўра, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт ҳисобланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячидан воз кечган тақдирда ҳам, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 52-моддаси талабларига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмаслиги қайд этилган. Қонуннинг ушбу талабига кўра, ҳар қандай ҳолда вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштироки тўлиқ таъминланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчини биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакили

нинг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиги билан мақрирланган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишида ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади. Сўроқ қилиш чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмагanning қонуний вакили иштирок этиши мумкин. Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига, айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ охирида ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир. Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Вояга етмаган айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чоралари қўлланиши мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, қомийлар, васийларнинг қарамоғига ёки, башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларининг қарамоғига ҳам берилиши мумкин.

Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Вояга етмаган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 558-моддаси

талабларига асосан амалга оширилади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан қамокқа олиш унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа чоралари таъминлана олмайдиган тақдирда қўлланиши мумкин.

Прокурор вояга етмаганни қамокқа олиш учун руҳсан бераётганида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиш, қамокқа олиш асосларини текшириши, ходисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши керак.

Вояга етмаганларни асоссиз қамокқа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қўлланилаётганида жиноятга қўл урган ўсмирлар прокурорлар томонидан шахсан сўроқ қилиниши керак.

Вояга етмаган айбланувчига дастлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари кўрсатилаётганидан унинг қонуний вакили ҳам иштирок этишга ҳақли. Терговчи қонуний вакилга айбланувчини иш материаллари билан таништириш вақти ва жойи тўғрисида хабар бериши керак.

В) Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларининг судларда кўрилиши бўйича прокурор иштирокини таъминлаш.

Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишлари судларда кўрилишида айблов ва ҳимоя тарафлари, педагог, заруриятга қараб, психолог, қонуний вакил, албатта, қатнашади. Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлари қонунга мувофиқлиги, судлар томонидан жавоб тайинланишида ҳар бир айбдорнинг жавобгарлик даражасини алоҳида-алоҳида баҳо берилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабининг бажарилиши, жиноятчиларнинг тўғри йўлга кириши ва уларни қайти тарбиялашга имконият туғдирадиган таъсир чоралари кўрилиши ҳамда самарали тадбир ўтказилиши доимий равишда текшириб борилиши лозим. Шунингдек, судда прокурорлар вояга етмаганлар тўғрисидаги барча жиноий ишларининг

қўрилишида прокурор ваколатини тўлиқ таъминлаш ва давлат ибодати қувватланишининг тарбиявий аҳамиятини кучайтириш чораларини кўришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19 ва 560 моддалари талабларига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, конуний вакили, шунингдек, прокурорнинг фикрини эшитиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текинриллаётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли. Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан ўш раислик қилувчи унга йўқлигида бўлиб ўтган муҳокама маънунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қилади ва унинг йўқлигида сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради.

Суд, зарурат бўлганда, вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга хабар беради. Суд, шунингдек бу комиссия вакиллари гуроҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиритишга ҳақлидир.

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради.

Мажбурлов чорасини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 81-моддасига биноан, жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан, яъни ўн саккиз

ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланиши мумкин:

- А) жарима;
- Б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- В) қамок;
- Г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинланганинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг пабошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади. Прокурор юқорида қайд этилган қонун талаблари суд томонидан албатта, бажарилишини кузатиб боради. Суд муҳокамасининг бирон-бир иштирокчиси томонидан қонунга хилоф равишда хатти-ҳаракат содир қилинганда, ушбу ҳолатга нисбатан суднинг эътиборини қаратади ва ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Прокурор вояга етмаганларга тегишли жиноят ишлари судни кўрилишида яна шунга эътибор бериши керакки, ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинландиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда, суд Ўзбекистон

Республикаси ЖПКнинг 72- моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 1.2 банди талабига кўра, судлар унча оғир бўлмаган ва жиддий зарарли оқибатларни юзага-келтирмаган жиноятларни содир этишда айбдор бўлган ҳамда жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш учун қонунда белгиланган барча имкониятлардан фойдаланмоқликлари лозим. Шу қарорнинг 4.1 банди талабига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди. 4.3 бандида эса, вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласагина, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч қисmini қамокнинг бир қисмига тенглаштирилган ҳолда ҳисоблаб қамок жазоси билан алмаштириши, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги кераклиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларида нафақат вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқлари, балким, вояга етган жиноят содир этган шахсларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси назарда тутилган. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорининг 16-бандида, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумнинг вояга етмаган болалари бўлиб, улар қаровсиз қолаётган бўлса, ҳукмнинг қарор қисмида уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг вазифасига топшириш тўғрисида ҳам кўрсатилмоғи лозимлиги қайд этилган. Судда иштирок этаётган прокурор ушбу талабларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ўзига берилган қонуний ваколатлардан фойдаланиши лозим.

Г) Тарбия муассасаларида. Вояга етмаганларни тарбия-мехнат муассасаларида, махсус тарбиявий билим юртларида сақлаш шароитларининг қонунийлиги доимий равишда текширилиши шарт, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда уларни баргараф этиш чоралари кўрилиши керак.

4-§. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш усулларида, жумладан, **прокурорлик таъсир ҳужжатлари**, тураржой, меҳнат жамоаларида, кеш жамоатчилик ва ёшлар ўртасида суҳбат, савол-жавоб кечалари, тушунтириш ишларининг бошқа шаклларида, ҳуқуқий тарғибот ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг мавжуд аҳволини мунтазам таҳлил қилиб, бу ҳақда ҳокимлар ва тегишли давлат идораларига ахборот ва таклифлар бериб борилиши керак.

Қонун бузилишининг даражаси (характери)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлаптирув прокурор назорати ҳужжатларидир.

Прокурор назоратининг ушбу йўналиши бўйича қонунийликка риоя этиш устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш ҳужжатлари сифатида қўлланадиган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувларнинг қўллаш тартиби ва асослари прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича қўлланиладиган прокурор таъсир ҳужжатлари билан тубдан фарқ қилмайди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги билан боғлиқ бўлган фаолиятни мувофиқлаштириш, бу борадаги прокурор назоратини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт ҳамда шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шахсан масъул эканликлари таъкидланиб, бу масала юзасидан жойларга гуруҳ, бўлим ва бошқармаларнинг фаол иштироки таъминланиши керак.

**ёрдамга мухтож
ёшларни давлат
химоясига олиш**



**Вояга
етмаганларни
ижтимоий ва
хуқуқий
муҳофаза
қилиш**



**уларни
тарбиялаш**

**уларни моддий
ва маънавий
қўллаб
қувватлаш**



**таълим бериш
ўчун масъул
томонидан қону
талабларига
риоя этилиши
ўсгидан**



Вояга етмаганлар тўғрисидаги қону ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети

Вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, корхона, муассаса, ташкилотлар

Ҳокимликлар

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Ва бошқа мансбадор шахслар томонидан ҳамда жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қону ҳужжатларининг ижро этилиши

Вояга етмаганлар муҳофазаси билан шуғулланувчи органлар томонидан қонулар ижроси

Вояга етмаганларнинг тарбияси билан шуғулланувчи органлар томонидан қонулар ижроси

**Вояга етмаганлар тўғрисидаги қону
ҳужжатлари ижроси устидан прокурор
назорати фаолияти**

Худуддаги мактабгача болалар муассасалари

**Мактаблар, лицейлар, коллежлар,
ўрта-махсус таълим ўқув юртлари**

**Ҳомиладорларни назорат қилиш
поликлиникалари, тугруқхоналар,
болалар шифохоналари**

**Спорт-соғломлаштириш мактаблари,
оромгоҳларида
қонуларга риоя қилиниши устидан назорат**

**Вояга етмаганларга тааллуқли бўлган
жиноят ишлари юзасидан алоҳида назорат
ишларининг юритилиши**

**Уларнинг жиноят ишлари бўйича қонун
талаблари асосида эҳтиёт чораси қўллаш
масаласи**

**Уларнинг қонуларда белгиланган ҳуқуқлари ва
имтиёзларига дастлабки тергов ва суд органлари
томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги**

**Педагог ва психологлардан
фойдаланилаётганлиги**

**Барча жиноят ишларида прокурор
иштирокининг тўлиқ таъминланиши**

**Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун
ижроси устидан прокурор назорати
ваколатлари**

Суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор кидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади

Ушланганларни вақтинча сақлаш хоналарида, тергов хибхоналарида ва қабул қилиш – тақсимлаш хоналарида ҳар ойда камидан бир марта вояга етмаганларни ушлаш, қамоққа олиш ва сақлашнинг қонунийлигини текширади

Терговчининг ва суриштирувчининг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилди, жиноят ишларини тугатиш, тўхтатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги материалларнинг барчасини назорат қилади

Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳар олти ойда чуқур ўрганилиб, бундай ҳолатларни бартараф этишнинг зарур чора-гадбирларини кўради

Суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этгани ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки гула ҳажмда амалга оширади, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланади

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатларининг қонуниларда белгиланган талабларга тулик амал қилиб, уларнинг шахси чуқур ўрганилиб, қафолатланган ҳуқуқлари таъминланади

Жиноятнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар курилиб, ўсириларни ичкиликбозликка, гўёҳандликка ва бошқа жиноий фаолиятга жалб қилиш қатъий ёндашган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ўз вақтида ҳал этгани

Вояга етмаганларни асоссиз қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишга нўл қуйилмайди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланмаётганлигида жиноятга қўл урган ўсирилар прокурорлар томонидан шахсан сўроқ қилинади

Озодликдан маҳрум этилганларни жазо ўташ жойларида қайта тарбиялаш ишлари доимий назоратга олинади

**Вояга етмаганлар томонидан содир
этилган жиноятлар бўйича жиноят
иши қўзғатиш ва тергов қилиш**

ЎзР ЖПКнинг 345-моддасига биноан, вояга етмаганлар содир этган барча жиноятлар бўйича дастлабки тергов ИИВ органларининг терговчилари томонидан олиб борилади

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, фуқаролар 18 ёшга тўлганда вояга етган ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 17 моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар

Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг 2-қисми) учун жавобгарликка тортиладилар

Жиноят содир этган ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми, 98, 104-106, 118, 119, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-м² ва 3 қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар

ЖКнинг 122, 123, 127, 144, 146, 193-195, 205-210, 225, 226, 230-232, 234, 235, 279-302- моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Олтинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси?

2. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифаси ва аҳамияти?

3. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

4. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари нималардан иборат?

5. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар нималардан иборат?

6. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши деганда нима тушунилади?

7. Жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан қандай асосий жазоларни қўллаш мумкин?

8. Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жиноят ишлари судда кўрилишида қимлар иштирок этиши шарт?

9. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш.

10. Вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш тушунчасини айтиб беринг.

11. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорнинг умумий назорати фаолияти.

12. Болалар шифохоналари, даъволаш муассасалари, туғруқхоналар устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

13. Болалар дам олиш муассасалари устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

14. Интернатлар, болалар уйлари, мактабгача муассасалар устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

15. Мактаблар, лицейлар, коллежлар устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

16. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ҳужжатлари.

17. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар.

18. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар?

19. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органларининг бошқа органлар билан ўзаро муносабати.

20. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори зиммасидаги алоҳида вазифа.

7-БОБ: Қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.

Р Е Ж А :

1-§. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки.

2-§. Қонунларни тарғибот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

3-§. Ҳуқуқий тарғибот шакллари.

4-§. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш.

5-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашнинг мазмуни ҳамда аҳамияти.

6-§. Прокуратура органларида шикоятларни кўриш ва ҳал қилиш.

7-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва (таклиф) мурожаатлар бўйича ишлашни ташкил қилиш.

8-§. Фуқароларни қабул қилиш. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

1-§. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида белгиланган прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу - қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкинлиги қайд этилган.

Прокуратура идоралари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга асосан

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ушбу фаолиятни амалга ошириш борасида амалиётда қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қай даражада замон талабларига жавоб бериши, қонунларнинг қайси жиҳатлари такомиллаштиришга муҳтож эканлиги, қонунларнинг тўлиқ ва баркамол ижро этилиши учун ушбу қонунларга қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги ва яна мунособатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун қандай қонунлар қабул қилинса, мақсадга мувофиқлигини бевосита кўриб борадилар.

Ушбу қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонунлар қабул қилиниши заруриятини реализация қилиш учун эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббусидан фойдаланилади.

Бунинг учун улар ўзларидаги таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тегишли тартибда тақдим этишади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори эса, ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат қилади.

Суд фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунларни қўллаш амалиётига оид тушунмовчиликлар бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумига қонунларга тушунча бериш учун мурожаат қилиш мумкин.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурорларнинг иштирок этиши уларнинг ўз вазифалари яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ва қонун устуворлигини таъминлаш вазифасини амалга ошириш билан бир вақтнинг ўзида бажарилади. Қуйидан тортиб, юқоригача барча ижро ҳокимияти органлари томонидан қонуности ҳужжатлари қабул қилинишидаги қонун устуворлигини таъминлаш бўйича назоратни амалга ошириш ҳамда қонун чиқарувчи Олий органда-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида иштирок этиши ва бу мажлисларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, қонунлар талқини бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этиши ва қонунлар талқини

бўйича ўз фикр ва нуктаи назарини ифода этиши қонун ижодкорлиги фаолиятининг кўринишидир.

2-§. Қонунларни тарғибот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир

Ҳуқуқий янгиланиш даврида прокуратура ўз вазифасини амалга ошириш, ўз вақтида фуқаро, жамоатчилик, меҳнат ва ўқув жамоалари орасида малакали ҳуқуқ тарғиботи ва тушунтириш ишлари олиб бормоғи керак. Чунки, республикамизда яшовчи ҳар бир фуқаромиз ўз давлатимиз қонунларини нафақат билмоғи, балким унинг мазмун ва моҳиятини тўла-тўқис англамоғи, ҳаётда фойдаланиш ва ундан ўзини ҳимоя қилишда фойдаланиши керак. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айтиши масалага оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Қонунчилик тарғиботи бўлими тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 12 апрель 9-сон буйруғи ва Низомини айнан шу муаммога бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Қонунчилик тарғиботи бўлими тўғрисида»ги Низом талабига кўра, Қонунчилик тарғиботи бўлими Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади. Бўлим таркибида Бош прокуратуранинг масъул ходимларидан иборат матбуот маркази фаолият кўрсатади.

Бўлим фаолиятига Бош прокурор томонидан тайинланадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи айтиши вақтда Бош прокуратура матбуот хизматининг раҳбари ҳисобланади.

Бўлимда катта прокурор, прокурор ва бўлим нозири фаолият кўрсатади. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг ҳайъат қарорлари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талабларини асосида амалга оширади.

Бўлим томонидан қонунийлик ва жинойятчилик аҳволи, бу борадаги профилактик тадбирлар ва қонунлар тарғиботи

ҳақидаги маълумотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкиллаштириш борасида Бош прокуратуранинг ярим йилга тузиладиган иш режаларига таклифлар берилади ва бўлимнинг иш режаси тузилади. Иш режасига киритилган тадбирлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланади.

Бўлимда ишни ташкил этиш ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосидаги иш тақсимотига бинноан амалга оширилади.

Бўлимда қонунчилик тарғиботи юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади ва бу ҳақда Бош прокуратура раҳбариятига ахборот бериб борилади.

Қуйи прокуратураларга соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади.

Бўлимда тезкор йиғилишлар ўтказиб борилади ва уларда соҳага тааллуқли, шунингдек бевосита ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинади.

Бўлимда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда ҳисобот тузилиб, ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасига топширилади. Ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги учун масъулият бўлим бошлиғи зиммасида бўлади.

Зарурат туғилганда, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардан соҳага оид таҳлилий ахборотлар талаб қилиб олинади.

Бўлим фаолиятини Бош прокурорнинг соҳа бўйича ўринбосари назорат қилади ва соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокурорга ахборот бериб боради.

Бўлим Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли идоралар, «қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

Вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг қонунчилик тарғиботи бўйича тармоқлари ўз фаолиятини мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

Бўлимнинг асосий вазифалари – қонунчиликни тарғиб қилиш, қонун ижодкорлиги фаолияти ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларида иштирок этиш, прокуратура органларининг фаолиятига ошкоралик беришни ташкиллаштириш асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Шу мақсадларда бўлим ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

- ❖ Қонунчиликни тарғиб қилишни ташкиллаштириш.
- ❖ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун бузилишларига мурасасизлик руҳида тарбиялаш ишларида қатнашиш.
- ❖ Прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига ошкоралик бериш.
- ❖ Бош прокуратуранинг матбуот хизмати сифатидаги фаолиятини амалга ошириб, Бош прокурор топшириғига асосан оммавий ахборот воситалари учун расмий хабарлар таркатади ва матбуот конференциялари ташкил этади.
- ❖ Бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, давлат ва нодавлат, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш.
- ❖ Прокуратура органларида қонун ҳужжатларини мужасамлаш ва тартибга солиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилишини таъминлаш.
- ❖ Қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишни ташкиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан билдирилган таклифларни ўрганиб, умумлаштириш ва Бош прокуратура раҳбариятига таклифлар тақдим этиш.
- ❖ Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг мазкур

соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, даврий текшириш ўтказиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш.

❖ Бош прокуратуранинг «қонун ҳимоясида» бирлашган ширкати ва прокуратура органлари муассислигида ташкил этилган оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий-услубий ёрдамлар кўрсатиш.

❖ Вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг тегишли тармоқ ходимларини иш ўрганишга таъбириш, уларнинг касб маҳоратини ошириш.

❖ Тарғиботнинг сифати, самарадорлиги, қонунийлик ҳолатига таъсирини ўрганиб, таҳлил қилиш ва тегишли вазифаларни белгилаб бориш долзарб масалаларни идоралараро йиғинлар, тезкор ва ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритиш.

Ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни тушунтиришда асосий лиққат республика Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, республика олий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари ташкил этилиши; прокуратура, суд тизими ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя этиш идораларига; иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатлари, эркин нархга ўтиш ва мулкка; шахснинг ҳаёти, соғлиғи, озодлиги ва шаъни, мулкый, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳофазасига қаратилган миллийлик ҳамда этиқодларга тегишли қонунлар ижросига қаратилиши лозим.

Прокурор назорати фаолиятида ошкораликни таъминлаш орқали жинойтчилик ва қонунсизликка қарши кураш учун аҳолини фаол жалб этишга эришиш кераклиги қайд этилган.

Ҳуқуқ тарғибот фаолияти жинойтчилик ва қонунбузарликка қарши кураш чоралари тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу иш жинойтчилик ва қонунчиликнинг аҳволи, ҳудудлар, объектлар, жойлар ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниб, давлат, ҳуқуқни ҳимоя этиш идоралари, ижтимоий ташкилотлар, партия ва унинг ҳаракатлари, ижодий уюшмалари билан ҳамкорликда, режали ва мақсадга тўғри йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Матбуот имкониятларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилиши керак Марбуот маркази ва гуруҳларининг фаолияти такомиллаштириб борилиши, оммавий ахборот воситаларида

прокуратура фаолиятида юз бераётган жараёнлар ва долзарб муаммолар ёритиб борилишига эришиш керак

Аҳоли, меҳнат ва ўқув жамоалари билан ўтказиладиган учрашув, суҳбат ва савол-жавоб соатларида қонунчилик ҳамда жинойатчилик муаммоларидан ташқари, прокурор ва терговчилар фаолиятида учрайдиган камчилик, хатолар, уларни бартараф этиш хусусидаги тадбирлар ҳамда прокурор-тергов ходимлари меҳнатининг мураккаблиги, фозиллик, эзғуликка, адолат тантанасига йўналтирилганлиги мавзуси қамраб олиб борилиши керак

Ёшлар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари мақсадида тўғри йўналтирилиб, уларда ҳуқуққа хилоф ҳаракатларга нисбатан нафрат туйғуси уйғотиб борилиши керак Ота-оналар, тарбиячилар, жамоатчилик фаоллари ёшларнинг яшаш, ўқиш ва ишлаш жойларидаги турли шаклланишлар орасига ҳамда фаолияти ёшлар тарбиясига қаратилган идора ва маҳкамаларга мунтазам ташриф буюриб, улар билан ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Жазо ўташ жойларига борилганда, унда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ўтказиш лозим. Асосий эътибор жазо ўтаётган ва тарбияланаётганлар озод бўлгач, белгиланган ҳақ ҳуқуқлари хусусида батафсил тушунтириб берилиши лозим.

Давлат идоралари, меҳнат жамоалари, мансабдор ва масъул шахслар билан суҳбат ва учрашувларда, жазо ўтаб қайтган шахсларни иш билан таъминлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, тарбияланиб жамоатчилик орасидан ўз ўрнини топиб кетиши хусусида қонун талаблари ва турмуш тақозосини тушунтириб боришга эришиш керак

Ҳуқуқ тарғибот ва қонунларни мужассамлаш бўлими, ушбу тармоқнинг жойлардаги бўғинлари, қонунларни тушунтириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўйича қўйи прокуратура органлари олиб бораётган ишларни мунтазам текшириб, таҳлил қилиб, амалий ёрдам кўрсатиб бориши қайд этилган.

3-§. Ҳуқуқий тарғибот шакллари

Ҳуқуқий тарғибот шаклларига қўйидагилар киради:

• Қонунлар ижросини назорат қилиш борасида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, келгусида шу

каби қонун бузилишлари келиб чиқмаслиги учун тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун тақдимнома киритиш;

- ушбу киритилган тақдимномаларни жойларда муҳокама этиш чоғида, мажлислар, йиғилишлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда қатнашиш;

- Телевидение орқали ҳуқуқ тарғиботини олиб бориш;
- Радио орқали ҳуқуқ тарғиботини амалга ошириш;
- Матбуот орқали ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;

- Суд минбарларидан туриб, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;

- Маҳаллар фуқаролар йиғинлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, халқ депутатларининг тегишли ҳудудий мажлисларида қатнашиш орқали ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш каби шакллари мавжуд.

Ҳуқуқий тарғиботнинг бошқа шакллари ҳам бўлиши мумкин:

- Масалан, мактаблар, лицейлар, ўрта ва олий ўқув юртлиларида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун турли хил тадбирлар-ўйинлар, мусобақалардан фойдаланиш;

- Намунавий сайёр суд мажлисларининг мактаблар, лицейлар, ўрта ва олий ўқув юртлиларида ўтказилиши;

- Ҳозирги кунда интернет тармоқлари орқали, компьютер маҳсулотларининг тарқатмалари тарзида ҳам амалга оширилиши;

Қонунчилик тарғиботи фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 3 нафар ходимдан иборат “Қонунчилик тарғиботи бўлими” мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратураларида “Қонунчилик тарғиботи бўйича прокурорнинг катта ёрдамчиси” мавжуд.

Туман (шаҳар) прокуратураларида бу вазифанинг амалга оширилишини туман (шаҳар) прокурори ички меҳнат тақсимоли бўйича ўз буйруғи билан белгилаб қўяди. Одатда, жорий ва истиқболли режада прокурорлар ва прокуратура ходимлари бу вазифани амалга ошириш бўйича ўз олдиларига мажбурият олиб, ўз иш режаларига киритиб қўядилар. Ҳар бир ходим йилнинг охирида бир ойида айнан қайси қонунчилик тарғиботи бўйича фаолият кўрсатиши илгаридан белгилаб олинади. Содир қилин-

ган жиноятлар бўйича уларни олдини олиш юзасидан киритилган тақдимномаларнинг муҳокамаси, суд муҳокамаларидаги суд музокараси чоғидаги суд минбаридан фойдаланиш ва янги қабул қилинган қонунларнинг тушунтириш ишлари режадан ташқари амалга оширилади.

4-§. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш

Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш иши ҳам юқорида таъкидланган тартибда ҳуқуқий тарғибот фаолиятини амалга оширувчи ходимлар томонидан амалга оширилади. Қонунларни мужассамлаштириш ишида бевосита прокурорнинг ўзи масъул ҳисобланади. Чунки, амалдаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура ходимлари ҳар кунги қабул қилинаётган қонунларни яхши ўзлаштирган бўлишлари, киритилаётган ҳар бир ўзгартиш ва кўшимчаларни доимий равишда ўзлаштириб боришлари ҳамда жорий қилиб боришлари зарур.

Бунинг учун ҳар доим прокуратура идораларида доимий равишда “назорат” кодекслари (контрольный), “назорат” қонунлари жорий қилинган. Ҳозирги кунда, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган Қарор ва Фармойишлар, Президентимиз Фармонлари, янги Қонунларни ўз вақтида жорий қилиш юзасидан прокуратура идоралари “Норма” ҳуқуқий компьютер тўпламларидан ҳамда www.Lex.uz Интернет тармоғи дастурларидан ҳам фойдаланишмоқда.

5-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва (таклиф) мурожаатлари бўйича ишлашнинг мазмуни ва аҳамияти

Прокуратура органларида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуроридан тортиб, туман, шаҳар прокурорларигача, умуман прокуратура органларининг барча прокурор — тергов ходимлари томонидан фуқароларнинг ариза, шикоят ва мурожаатлари бўйича ишлаш юзасидан тегишли чора ва тадбирлар белгиланган. Улар томонидан ойнинг, ҳафтанинг маълум бир кунлари ва куннинг маълум соатлари қабул вақти қилиб белгиланиб, расмий

қилинганда, албатта, прокуратура идорасининг кириш жойида бўлиши ерда қайси бир прокурор — тергов ходими қачон ва қайси вақтда фуқароларни қабул қилиши жадвал асосида бўлиши кўрсатиб қўйилган.

Мурожаат — фуқаро, жамоа, мансабдор ва бошқа шахснинг қонунга ёки оғзаки шаклда баён қилинган аризаси, таклиф ёки шикоят;

Ариза - фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шикоятимоси баён этилган мурожаати;

Таклиф - фуқаронинг прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаати;

Шикоят - фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати;

Мурожаатнинг дубликати - бир шахс томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаатнинг нусхаси;

Такрорий мурожаат - аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлиб, бундай қарорни қабул қилиб жаноб берган прокуратура органига айнан бир шахснинг айнан бир масала юзасидан қайта мурожаати тушунилади.

Прокуратура органлари тизимининг барча бўғинларида ҳамда таркибий тармоқларда фуқаролар ва юридик шахслар шикоятлари ҳар иш куни, белгиланган соатларда улар учун қулай шаклда қабул қилинади.

Бош прокуратура, вилоят, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда фуқаролар тегишли прокурорлар томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Жадвалларда мазкур прокуратураларнинг, шунингдек, юқори турувчи прокуратура органлари раҳбарларининг қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши таъминланади.

Бош прокуратура ҳамда вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда алоҳида "Фуқароларнинг қабул қилиш хоналари" ташкил этилади.

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳафтасига камида икки мартаба, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар иш куни фуқароларни қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг кундалик қабулларни Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан тегишли таркибий тармоқлар ходимлари иштирокида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Бош прокурорнинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари томонидан Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг шахсий қабули бошқа ҳолларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари томонидан фуқаролар шу тармоққа тааллуқли масала юзасидан қабул қилинади.

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар уларнинг ўринбосарлари, мазкур прокуратуралар таркибий тармоқлари бошлиқлари ҳамда куйи турувчи прокурорларнинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қиладилар.

Фуқароларни қабул қилиш учун фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан рухсатнома ёзиб берилади ва тегишли таркибий тармоқларга маълум қилинади. Фуқароларни таркибий тармоқларда ёхуд прокуратура раҳбарияти томонидан қабул қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда уларга тушунтирилади. Бундай ҳолларда ҳам фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқишлик учун қабул қилинади.

Фуқаролар бевосита яшаш, ишлаш ва ўқиш жойларида қабул қилиниши мумкин. Шахсий қабулда бўлган фуқаролар томонидан Ёзма мурожаат тақдим этилмаса, улардан оғзаки мурожаат қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома тузилади. Маълумотнома оғзаки мурожаат қилган шахс ҳамда фуқарони қабул қилган прокуратура ходими томонидан имзоланади ҳамда мазкур йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

6-§. Прокуратура органларида шикоятларни кўриш ва қилиш ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни талаблари ва бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатларида кўрсатилган муддат ва тартибларда амалга оширилади. Шунингдек, Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири деб эътироф этилган.

Прокурорлар фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадиладар. Мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқининг ихтиёрийлиги, бу ҳуқуқдан фойдаланаётганида камситишга йўл қўйилмаслиги, мурожаатни

қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги ҳамда фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг ханф сизлиги кафолатларини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт, Ҳарбий, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳал этиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш ягона тартибда мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, расмий лаштириш, ҳисоб варақаларини юритиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, жўнатиш, нусха кўпайтириш ҳамда архивга топшириш тартиби "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида"ги Йўриқнома билан белгиланади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш ишларига умумий раҳбарлик Республика Бош прокуратурасида Бош прокурорнинг ўринбосарларидан бири, вилоят, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тегишли прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан бу борадаги ишлар бевосита ташкил этилади ҳамда таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг таркибий тармоқ раҳбарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар мурожаатларнинг мазкур Йўриқнома талабларига қатъий риоя этган ҳолда кўриб чиқилиши ҳамда қонуний ҳал қилиниши учун масъулдирлар.

Прокуратура органларининг барча ходимлари фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида, холисона ва қонуний ҳал этилишига, уларнинг поймол этилган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари фақат қонунда белгиланган ҳуқуқий

нонгалар билан ҳимоя қилинишига, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда фуқарога етказилган зарарни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўришга жавобгардирлар.

Фуқароларнинг шахсий қабулини ташкил этиш ва амалга ошириш, муурожаатларни белгиланган тартибда, муддатда кўриб чиқиш ҳамда қонуний ҳал қилишга масъулиятсизлик билан бошланган прокурор-тергов ходимлари интизомий жавобгарликка тортилади.

Прокуратура органларига келиб тушган муурожаатлар иш бошлангунга қабул қилиниши, қуйи турувчи прокуратура органларига ёки бошқа идораларга юборилиши ёхуд аввалги муурожаатга қўшиб, кўриб чиқилиши мумкин.

Муурожаатлар, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш мақсадида доирасига кирмайдиган прокуратура органига юборилган бўлса ёки юқори турувчи прокуратура органи томонидан муурожаатни қуйи турувчи прокуратура органи кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топилса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда фуқарога хабар берилади.

Агар бир таркибий тармоққа келиб тушган муурожаат бошқа таркибий тармоққа тааллуқли бўлса, ушбу муурожаат тегишли тармоқ бошлиғининг билдиргиси ва прокуратура раҳбариятининг розилиги билан бошқа тармоққа ўтказилади.

Муурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг, шу жумладан прокурорларнинг ўзига жўнатиш манъа қилинади.

Тергов ва суриштирув чоғида келиб тушган ариза, шикоятлар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар жиноят ишларига қўшилади.

Айблов ҳулосаси тасдиқлангунга қадар берилган ариза ва шикоятларда келтирилган вазиятларни тўлиқ текширмай, жиноят ишларини судларга юборишга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг фамилияси, манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма муурожаатлар аноним деб

хисобланади ва кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда ариза ёки шикоятнинг аноним эканлиги тўғрисида маълумотнома тузилиб, у бўйича иш юритиш тугатилади.

Ҳал этилиши назоратга олинган мурожаат аноним эканлиги аниқланса, мурожаатни юборган органга мурожаат Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан кўрилмасдан қолдирилганлиги ҳақида хабар берилади.

Агар аноним мурожаатларда тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида маълумот бўлса, унинг ишончлилигини тезкор йўллар билан аниқлаш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Фуқароларнинг ғайриқонуний хусусиятдаги мурожаатлари юзасидан қонунда белгиланган чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига келиб тушган қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилишини ташкиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Олий Мажлис, Олий Мажлисининг депутатлари ва сенаторлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд томонидан назоратга олиниб юборилган мурожаатлар, республика миқёсидаги давлат идоралари раҳбарларининг суиистеъмолчиликлари, прокуратура органлари ходимларининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар, вилоят ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раисларининг мурожаатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан келган мурожаатлар, прокуратура органлари кадрлари масалалари юзасидан мурожаатлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига қуйидаги мурожаатлар тақдим этилади:

Йўриқноманинг 18-банди 2 хатбошисида қайд этилган Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан назоратга олинмай юборилган мурожаатлар,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, вазирликлар, давлат

қўмиталари, "республика миқёсидаги жамоат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, жамғармалар, хорижий давлат ваколатхоналари раҳбарларининг, шунингдек, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Республика миқёсидаги газета ва журналлар бош муҳаррирлари томонидан юборилган мурожаатлар;

Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ раҳбарлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг қарорлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар.

Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ раҳбарларига Бош прокурор ҳамда унинг ўринбосарларига тақдим қилиниши талаб қилмайдиган ҳамда тармоққа тааллуқли масалалар бўйича барча мурожаатлар берилади.

Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга биринчи марта келиб тушган мурожаатлар, агар уларнинг қўйи прокуратура органларида қўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса, Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ўрдамчилари томонидан қўйи прокуратураларга юборилади.

Биринчи марта келиб тушган, аммо назоратга олинган мурожаатлар текширишни ташкил этиш учун Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг тегишли тармоқларига берилади.

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга қўриб чиқиш учун қўйидаги мурожаатлар тақдим этилади:

❖ -Бош прокуратура томонидан назоратга олиниб, текшириш учун юборилган мурожаатлар;

❖ -давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари раҳбарларининг мурожаатлари;

❖ -вилоят прокурорлари ўринбосарларининг қарорлари устидан келган мурожаатлар;

❖ -прокуратура органлари кадрлари масалалари ҳамда уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар.

Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарларига мазкур Йўриқноманинг 22-бандида кўйд этилган мурожаатлардан ташқари барча мурожаатлар берилади.

Шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга келиб тушган барча муурожаатлар тегишли прокурорларга тақдим этилади.

Муурожаатда бир неча бошқарма ва бўлимларнинг ваколат доирасига тааллуқли масалалар бўлса, ижрочилар орасида биринчи бўлиб қайд этилган тармоқ раҳбари масъул ҳисобланади ва у томонидан муурожаат бўйича тўла ҳажмда текшириш ўтказилиши ташкил этилади. Масъул раҳбар муурожаатнинг нусхалари бошқа ижрочиларга топширилиши, муурожаат бўйича ягона топшириқ тайёрланиши, муурожаатга тааллуқли ҳужжатларни бошқа ижрочилардан олиб, дастлабки ёки якуний жавоблар юборилишини таъминлайди.

Муқаддам айнан шу мазмундаги муурожаат бўйича тўла ва ҳолисона текшириш ўтказилиб, қонуний қарор қабул қилинган ва ваколатли прокурор томонидан жавоб берилган бўлса, бундай муурожаат ҳамда унинг дубликатлари кўриб чиқилмасдан қолдирилади (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикоятга ёки юридик шахснинг муурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно).

Бундай муурожаатлар назоратта олиниб юборилган бўлса, назоратга олган органга муурожаат бўйича прокуратура органларида иш юритиш тугатилганлиги ҳақида маълум қилинади.

Муурожаатлар тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган муурожаатлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушбу муддат муурожаат келиб тушган кундан бошлаб, муаллифга жавоб юборилган кунгача ҳисобланади.

Прокуратура раҳбарияти томонидан муурожаатни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддати белгиланиши мумкин.

Муурожаатни кўриб-чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чоратадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ушбу муддат муурожаат қилинган прокуратура органига қараб тегишлича Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори, Бош прокурорнинг ўринбосарлари, вилоят, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан истисно тарикасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда мурожаат қилган шахсга ҳамда мурожаатни назоратга олган органга, албатта, маълум қилинади.

Текшириш жараёнида ариза муаллифи томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаат аввалги мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ва натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Текширилаётган ёки текширилиши тамомланган мурожаатнинг нухаси муаллифнинг ўзи ёки бошқа органлардан келиб тушса, бундай мурожаат дубликат сифатида расмийлаштирилиб, назорат ишига кўшилади.

Мурожаатлар белгиланган муддатларда, тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиниши лозим.

Ҳар бир мурожаат бўйича текшириш услуги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари бошлиқлари вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан устхат (резолүция) қўйиш йўли билан белгиланади.

Мурожаатларни ҳал этиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тафтиш қилиш ёки текшириш вазирати пайдо бўлганида улар қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказишга тегишли давлат органи томонидан рухсат берилмаса, тегишли ҳужжатлар асосида муаллифга бу ҳақда ёзма равишда маълум қилинади.

Мурожаатларнинг тўлиқ ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда текширишларга тегишли мутахассислар ҳамда мурожаат муаллифлари ёки уларнинг қонуний вакиллари жалб этилиши мумкин.

Жойлардаги прокуратураларда узоқ вақт давомида ўз ечилиmini топмай келаётган, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинлик-

ларининг жиддий камситилиши, қонунларнинг қўноқ тарзда бузилиши ҳақидаги мурожаатлар, қоида тариқасида, жойларга чиқиб, тегишли мутахассислар ва мурожаат муаллифлари иштирокида текширилади.

Мурожаатларда баён қилинган вазларни текшириш жараёнида қўшимча маълумотлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳаракати устидан шикоят қилинаётган мансабдор ёки бошқа шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиб олинади.

Текшириш натижасига кўра маълумотнома тузилиб, мурожаат этган шахснинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг тўла ёки қисман тиклаш чоралари кўрилса - қаноатлантириш мурожаатда баён қилинган вазлар тасдиқланмаса, рад этиш ёки ҳуқуқий масалалар бўйича қонун талабларини тушунтириш тўғрисида тўхтамга келинади.

Суд қарорлари устидан берилган мурожаатлар, қоида тариқасида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари чакирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруқларида белгиланган тартибда текширилади ва жавоб берилади.

Текшириш якуни бўйича мурожаат этган шахс ёки унинг қонуний вакилининг илтимосномасига биноан текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқиш имконияти таъминланади. Ҳужжатлар билан таништирган прокуратура ходими томонидан бу ҳақда маълумотнома тузилиб, назорат ишига қўшиб қўйилади.

Мурожаатлар, агар уларда баён қилинган масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва муаллифга ёзма шаклда жароб берилган бўлса, ҳал қилинган деб ҳисобланади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бир тўхтамга келиш ҳамда уларга жавоб хати юбориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурор ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, мазкур прокуратураларнинг таркибий тармоқ бошлиқлари туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Мурожаатни қаноатлангирмасдан қолдириш ҳақидаги қарор тегишлилиги бўйича фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурор ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қабул қилинади ва улар томонидан жавоб берилади.

Қаноатлангирилмай қолдирилган мурожаатлар юзасидан фуқароларга юқори турувчи прокурорга шикоят бериш ҳуқуқи таъминланади.

Ҳал этилиши Бош прокурор томонидан назоратга олинган мурожаатлар бўйича фуқароларга жавоблар фақат Бош прокурорга ахборот берилганидан кейингина юборилади.

Ҳал этилиши Бош прокурорнинг ўринбосарлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан назоратга олинган мурожаатлар ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

7-§. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва мурожаатлар бўйича ишлашни ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар ойнинг биринчи жума куни фуқароларни шахсан қабул қилиш вақти кўрсатиб қўйилган. Вилоятлар ва туман, шаҳар прокурорларининг ҳам қабул вақтлари жадвали прокуратура органлари идораларининг биносига кириш жойида (ичкарида) кўринарли ерга, албатта, осиб қўйилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда алоҳида навбатчи прокурор ўз ишидан ташқари навбатчилик кўнида прокуратура идораларига ариза, шикоят ва мурожаатлар билан келган фуқароларни қабул қилади, уларнинг ариза ва шикоятларини прокуратура идорасининг тегишли қайд қилиш китобига қайд этиб, аризани мазмунига кўра, тегишли ваколатли прокурор орқали аризани ҳал қилувчи прокуратура ходимига етказилади.

Туман (шаҳар) прокуратураларида прокурорнинг ўзи бевосита кун бўйи қабул қилиши ва кечки ҳамда тунги вақтда навбатчи прокуратура ходими томонидан ариза ва шикоятлар қабул қилиниши ташкил этилган.

Прокурорлар, бундан ташқари, бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларга, фуқаролар йиғинларига, меҳнат жамоаларига, маҳаллаларга чиқиб, ишчи ва хизматчилар билан, фуқаролар билан мулоқот ўтказиб, уларнинг ариза, шикоят ва мурожаатларини қабул қилишлари мумкин. Айнан шундай мулоқотлар мобайнида, баъзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятларни яшириш, уларнинг ўсиш динамикасини сунъий равишда ўзгартириш ҳолатларини аниқлайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади.

8-§. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижасида прокурорлар ўз ваколати доирасидаги ҳудудда жиноятчилик ва қонунийлик қай даражада эканлигини, жиноятчиликни ўсиш динамикасини, прокуратура фаолиятини қай бир йўналишини кўчайтириш лозимлигини белгилаб олади. Йиллик режаларини тузишда ҳам, албатта, ушбу натижаларни эътиборга олиб, иш режаларини ишлаб чиқади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳам бу маълумотдан, таҳлил натижаларидан фойдаланади. Жиноятларнинг олдини олиш, бартараф қилиш ва келгусида шу каби жиноятлар келиб чиқмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни белгилаб олишда фойдаланади.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қонуннинг 7-моддасида белгиланган. Унда қайд этилишича, «Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқарувчиси, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тутатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифани бажара бориб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади; аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради; фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жинорий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши кўзгатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жинорий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзгатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлари жиноят процессуал қонунчилиги билан (382-388-мм.), "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун (28 м.) ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юригишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни олиб борар экан қуйидаги ваколатларга эга бўлади: содир этилган ёки тайёрланган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қону талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади; суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга ҳилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят гавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; тергов юригиш ва эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамоқда сақлаш муддатини узайтиради; ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳам Бош прокурорнинг махсус йўриқномаси ва низоми мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «**Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими тўғрисида**»ги Низоми талабига кўра,

Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади.

Бўлим фаолиятига Бош прокурор томонидан тайинланадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлимда бўлим бошлиғининг ўринбосари, катта прокурорлари, прокурорлари, мутахассислари, бўлим катга нозирлари ва нозирлари фаолият кўрсатади.

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжат-

лари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг хайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, прокуратура органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ҳақидаги Йўриқнома ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

Бўлим томонидан қонунийлик аҳволи таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкиллаштириш борасида Бош прокуратура-нинг ярим йилга тузиладиган иш режасига таклифлар берилади ҳамда бўлимнинг иш режаси тузилади. Иш режасига киритилган тадбирлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланади.

Бўлим ишини ташкил этиш ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосидаги иш тақсимотига биноан амалга оширилади.

Бўлимда фуқароларнинг мурожаатлари ва иш юритиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади ва бу ҳақда Бош прокуратура раҳбариятига ахборот бериб борилади.

Куйи прокуратураларда соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади.

Бўлимда тезкор йиғилишлар ўтказиб борилади ва уларда соҳага тааллуқли, шунингдек, бевосита ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Бўлимда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорақда ҳисобот тузилиб, ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасига топширилади. Ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги учун масъулият бўлим бошлиғи зиммасида бўлади.

Заруратга кўра, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардан соҳага оид таҳлилий ахборотлар талаб қилиб олинади.

Бўлим фаолиятини Бош прокурорнинг соҳа бўйича ўринбосари назорат қилади ва соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокурорга ахборот бериб боради.

Бўлим Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис,

суд ва бошқа тегишли идоралар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

Вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўйича катта ёрдамчилари ўз фаолиятини Низом талаблари асосида амалга оширади.

Бўлимнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари:

Бўлим прокуратура органларида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда қабул қилинишини ва кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Бош прокуратурада бошқарма ва бўлимлар ходимлари фуқароларнинг кундалик қабуллари ташкиллаштирилади ва бевосита бўлимда фуқаролар қабул қилинади.

Бош прокуратурага фуқаролар, давлат идоралари, муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслардан келган хат, ариза ва шикоятлар, мурожаатлар, шошилинчнома, махсус хабарлар, шунингдек, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари ҳамда бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиб, рўйхатдан ўтказиши, ҳал қилиш учун тегишлилиги бўйича таркибий тармоқларга тарқатилишини ва ҳисоби юритилишини ташкиллаштирилади.

Бўлим прокуратура органларида иш юритиш, аризаларни қабул қилиш, махсус ва алоҳида назоратда бўлган аризалар кўриб чиқилишини ташкиллаштирилади.

Прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш, ҳужжатлар билан ишлашнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган чораларни кўради.

Бош прокуратура архивига топширилган прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг сақланиши, муҳимлик даражасининг экспертиза қилиниши, муҳр ва штамплардан фойдаланилиши, уларнинг сақланиши ва ҳисоби юритилишини таъминлайди.

Қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилади, соҳадаги фаолият самарадор-

лигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар ва бу борадаги прокурорлик фаолиятини мунтазам равишда умумлаштириб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳақида Бош прокуратуранинг ҳайъат ва тезкор мажлисларига таклифлар тайёрлайди.

Мазмун ва моҳиятига кўра алоҳида аҳамиятга эга хат, таклиф, ариза, бошқа ёзма ёки оғзаки хабарлар ҳақида Бош прокуратура раҳбариятини хабардор қилади, назоратга олиб юборилган бу тоифадаги хат, ариза ва шикоятлар раҳбариятга кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминлайди.

Бош прокуратурага биринчи марта келиб тушган ариза ва шикоятлар қуйи прокуратура органларида кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаган тақдирда, уларни қуйи прокуратураларга ёки тааллуқлилиги бўйича тегишли идораларга юборади.

Ноконуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахслар ёки идораларга нисбатан ёзилган ариза ва шикоятларни мазкур идоралар ёки мансабдор шахсларнинг ўзларига юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимларида, қуйи прокуратураларда қайд этилган Йўриқнома талаблари бажарилишини, шунингдек, хатлар, аризалар ва шикоятларнинг белгиланган муддатда кўриб чиқилишининг ҳисобини юритади ва уларнинг бу борадаги фаолиятини мунтазам ўрганиб боради.

Қуйи прокуратураларда соҳа бўйича ишларни тегишли илоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда ташкил этади. Бош прокурорнинг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари, ҳайъат қарорлари ижросини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш борасида қўйилган талабларнинг бажарилишни назорат қилади.

Бош прокурорнинг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда ҳайъат қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, бўлим

фаолиятига тааллуқли бўлган буйруқ, кўрсатмалари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди.

Кадрлар бошқармаси билан биргаликда ваколатлари доира-сида кадрларнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган тадбир-ларни ўтказди, ижобий иш тажрибаларини ўрганиб, омма-лаштиради.

Раҳбарият топшириғига кўра, айрим ариза ва шикоятлар бўйича жойларда текширишлар ўтказди, куйи прокуратуралари-да текшириш ўтказиш ҳақида топшириқ беради ва хулосалар ташар-қилиб олади.

Қонунларни тарғиб қилиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида иштирок этади.

Бўлимда иш юритишни ташкил қилиш прокуратура органларида иш юритишни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома асосида ариза ва шикоятларни рўйхатдан ўтказадилар ва ҳисобини юритадилар

Ариза ва шикоятларни ўз вақтида, тегишлилигига қараб, Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимларига тарқатадилар, назоратга олинган ариза ва хатларни, тегишлилигига кўра, раҳбариятга тақдим этадилар ҳамда муносабат билдирилгандан сўнг китобларга расмийлаштириб, назорат карточкаларини тўлдирган ҳолда ариза ёки хат билан биргаликда имзо қўйдириш-ни йўли билан тармоқларнинг нозирларига тарқатадилар.

**Қонун ижодкорлиги
фаолиятида прокурор
иштироки**

Ўзбекистон Республикасининг
“Прокуратура тўғрисида”ги
Қонунининг 4-моддасида белгиланган
прокуратура органлари фаолиятининг
асосий йўналишларидан бири

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунинг
13-моддасига кўра, Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурори ЎзР
Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси
билан мурожаат этиши мумкин

Суд фаолияти билан боғлиқ қонунларни
қўллаш амалиётига оид тушунмовчиликлар
бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий
Хўжалик суди Пленумига қонунларга тушунча
бериш учун мурожаат қилиши мумкин

Қонун ижодкорлиги фаолиятида
прокурорларнинг иштирок этиши бир вақтнинг
ўзида уларнинг ўз вазифаларини, яъни ҳуқуқни
муҳофаза қилиш функцияси ва қонун
устуворлигини таъминлаш вазифасини амалга
ошириш билан бирга бажарилади

**Қонунларни тарғибот қилиш -
прокуратура фаолиятининг
асосий йўналишларидан бири**

**Прокуратура ўз вазифасини амалга
ошириш, ўз вақтида фуқаро, жамоатчилик,
меҳнат ва ўқув жамоалари орасида
малакали ҳуқуқ тарғибот ва тушунтириш
ишлари олиб бориш**

**Телевидение, радио, матбуот ҳамда
соҳавий нашриётлар орқали ҳуқуқий
тарғиботни амалга ошириш**

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг «Қонунчилик тарғиботи
булими тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш
ҳақидаги 2004 й 12 апрель кунги 9-сонли
буйруғи мавжуд**

2004 йил 12 апрел 9-сон

Хуқуқий тарғибот шакллари

Киритилган тақдимномаларни жойларда муҳокама этиш чоғида, мажлислар, йиғилишлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда қатнашиш

Телевидение орқали хуқуқ тарғиботини олиб бориш

Радио орқали хуқуқ тарғиботини амалга ошириш

Матбуот орқали хуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш

Суд минбарларидан туриб, хуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш

МФЙ, ҚФЙ, халқ депутатларининг тегишли ҳудудий мажлисларида қатнашиш орқали хуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш каби шакллари

Еттинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштироки деганда нима тушунилади?
2. Ҳуқуқий тарғибот шакллари нималардан иборат?
3. Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаштириш дейилганда нима тушунилади?
4. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва мурожаатлар бўйича ишлашни ташкил қилиш деганда нима тушунилади?
5. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш орқали нималарга эришилади?
6. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳужжати сифатида ариза нима?
7. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳужжати сифатида шикоят нима?
8. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳужжати сифатида таклиф нима?
9. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга кўриб чиқиш учун қандай мурожаатлар тақдим этилади?
10. Прокуратура органларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлайдиган алоҳида бўлим ва унда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ

8-БОБ: Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

РЕЖА:

1-§. Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар.

2-§. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки.

3-§. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатлари.

4-§. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари.

5-§. Ишларни судда кўриш босқичида прокурор ваколатлари.

6-§. Биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки.

7-§. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор иштироки.

8-§. Назорат тартибида иш юритишда прокурор иштироки.

1-§. Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар

Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг асосий мақсади - иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, айбсиз шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ва ваколат ўрнатишдир. Бунинг учун, ўз навбатида, "Ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзлари қонунларга сўзсиз риоя қилишлари лозим"⁸. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида иштирок этаётган прокурорнинг бутун фаолияти қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиши керак

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни (янги таҳрири), Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрель кунги 12 сон буйруғи билан тасдиқланган “Судларда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги Низом” ва 2004 йил 11 май кунги 21 сонли буйруғи билан амалга оширилади. Ушбу норматив ҳужжатлар мазмунида судларда иштирок этаётган прокурорларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш кафолати сифатида иштирок этиши ҳамда ҳар қандай ҳолда қонуннинг устуворлигини, қонунининг олдида барчани баробарлиги, қонуннинг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилиш тамойиллари мустаҳкамлангандир.

Судда иштирок этадиган прокурордан юқори касбий малакадан ташқари, юқори ҳуқуқий онгнинг мавжудлиги, қонунни ҳурмат қилиш, ҳар қандай қонун бузилиши ҳолларига нисбатан муросасизлик, ўз ишончига нисбатан қатъиятлилиқ ва бунинг учун курашиш салоҳияти, ҳар қандай ғайриқонуний ташқи таъсирларга берилмаслик ва уларга қарши кураша олиш, ўзининг ҳаракатларига танқидий қарай олиш, ҳақиқатни аниқлаш учун бутун ақл-заковатини ишга сола олиш, судланувчига нисбатан бир томонлама муносабатда бўлмаслик, илгаридан судланувчининг айбдорлигига ишониб қолмаслик, инсонпарварлик, инсоннинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, меъёр ҳиссиёти, камтарлик, ўзини бошқалардан юқори қўйишдан холи бўлиш каби фазилатларга эга бўлиши керак.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловчи субъектлари доираси Бош прокурорнинг буйруғи билан белгилаб берилган.

Аниқ бир жиноят иши бўйича давлат айбловчиси сифатида маълум бир прокурорнинг иштирок этишига йўл қўйиш мумкинлиги ва бунга **фактик** ҳамда **юримдик** замини яратилган бўлсагина, амалга оширилиши мумкин.

Фактик замин - авваламбор, прокурорнинг тергов ва суд муҳокамасидаги шарт-шароитларни, шунга тегишли қонунчилик

талабларини, амалиётни ҳамда шу борадаги ўзига хос хусусиятларни яхши билиши ва ўзлаштирганлиги, юкори касбий малакани эгаллаганлигида ифодаланади. Фақат шундагина прокурор муҳокама қилинаётган иш материалларини чуқур ўрганиши ва судга ҳақиқатни аниқлашида кўмаклашиши мумкин.

Прокурор судда музокара қилишининг фактик имкониятини муҳим элементи бу-судланувчи айбдорлиги ҳақида ички ишончни мавжудлигидир. Бунингсиз прокурор давлат айбловчиси сифатида ўзига юклатилган процессуал мажбуриятларни талаб даражасида бажара олмайди.

Прокурорнинг судда иштироки **юридик заминини, ўз ўрнида, умумий ва махсусга бўлиш мумкин. Умумий замини** - прокурор ваколатини амалга оширувчи шахсларни тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларда (Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисидаги Қонун, Кадрларни танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг кадрларни танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги буйруғи, Судлар тўғрисидаги Қонун, Ўзбекистон Республикаси ЖПК) ўз аксини топади. Ушбу ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш (Олий юридик маълумотнинг мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши, жисмонан соғломлиги), ҳақиқатан, прокурорларнинг судда жиноят ишларини кўрилишида давлат айбловчиси сифатида иштирок этишига имконият яратади.

Махсус замин-маълум бир прокурорнинг аниқ бир жиноят иши бўйича давлат айбловчиси сифатида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар-тўсқинлик мавжуд эмаслигида ифодаланади. Тўсқинлик (монелик қиладиган ҳолат) турлича бўлиши мумкин. Масалан, ишнинг натижасидан прокурорни бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги ишни объектив кўришга халақит беради. Бу тўсқинликпи бартараф қилиш учун эса қонунчиликда рад этиш (отвод бериш) институти амал қилади. Рад этилган прокурорнинг ишни кўришда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси: талаблари “Суд ҳукми” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг суд ҳукми олдига қўйган (ЖПКнинг

455-моддаси” ҳукм-қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт”) талаблари қўпол равишда бузилишига олиб келади. Бу эса, ўз ўзидан жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан бекор қилинишига асос ҳисобланади. **Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида 2004 йил 11 май 21-сонли буйруқда қайд этилишича**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт, Ҳарбий, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг бу соҳадаги асосий вазифаси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини малакали таъминлаш орқали фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Шу мақсадда, прокурорлар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларидан тўла ҳамда самарали фойдаланиб, шахснинг шаъни ва қадр қимматини ҳурмат қилиш тарафларнинг тортишуви, айбсизлик презумпцияси, судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, шунингдек, жиноят процессининг бошқа принципларига қатъий амал қилган ҳолда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ҳам эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини да назарда тутилган қуйидаги ишлар судларда кўрилишида **прокурор иштироки мажбурийдир:**

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- ярашув тўғрисидаги ишлар;
- ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасида;
- суд прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ҳолларда;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилатган ишлар.

Шунингдек:

- оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар;
- вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар;
- амнистия актини қўллаш билан боғлиқ жиноят ишлари судда кўрилишида прокурор иштироки қатъий таъминланиши шарт.

- оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ишлар прокурорга айблов хулосаси билан келган вақтдан бошлаб давлат айбловчисини тайинлаш чоралари кўрилиши керак.

- давлат айбловчисини сифатида тажрибали, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик соҳасида етарли билимга эга, потиклик маҳоратини эгаллаган ходимлар тайинланади.

Ўта оғир турдаги жиноят ишларининг судда кўрилишида прокуратура иш ўрганувчиларининг давлат айбловини қувватлашига йўл қўйилмайди.

Суд муҳокамасига прокурорлар пухта тайёргарлик кўриб, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама тўлиқ ҳамда ҳолисона олиб борилганлигини ўрганишлари лозим. Суд мажлиси жараёнида алоҳида эътибор судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилиб, суд муҳокамаси қоидалари ҳамда мунозара маданиятига амал қилиб, далил-исботларни текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашади. Иш бўйича қонун ва иш ҳужжатларига асосланган фикр бериб, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминлашлари шарт.

Ярашув тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида прокурор ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказилмаганлиги ва бошқа масалаларни синчковлик билан текшириш орқали қонуний ажрим чиқарилишига қўмақлашади.

Прокурор музокарасида судланувчининг айблилиги, унинг жиноий ҳаракатларини тавсифлаш, жазо турини ва меъёрини тайинлаш билан биргаликда, жиноят натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, қўшимча жазо тайинлаш, шунингдек, жиноятнинг сабаблари, унинг содир этилишига имкон берган

шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида хусусий ажрим чиқариш тўғрисида фикр беришлари керак.

Суд муҳокамасига, айникса, мансабдор шахслар томонидан содир этилган қонун бузилишлари юзасидан хусусий ажримлар чиқариш ҳамда уларни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласи қўйилишини талаб этишлари керак.

Давлат айбловини қувватлаётган прокурорлар тергов ва суддаги маълумотлар судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келсалар, айбловдан воз кечиш тўғрисидаги қонун талабларига сўзсиз амал қилишлари лозим.

Давлат айбловчисининг фикри судга ёзма тақдим этилиши мажбурийлиги ҳақидаги қонун талаблари оғишмай бажарилиши таъминланиши керак (ЎЗР ЖПКнинг 450-457 моддалари талаблари асосида).

Ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳукм ҳамда ажримларга прокурорлар томонидан апелляция, кассация, хусусий протест келтириш чоралари қўрилиши шарт.

Прокурор протестлари ишдаги мавжуд ҳужжатлар, далиллар, қонун нормалари билан асослантирилган бўлиши лозим.

Прокурор иштирокисиз қўрилган ишлар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги апелляция-муддатида ўрганиб борилиши, протест келтиришга асос бўлмаган тақдирда ҳулоса тузилиши, прокурор томонидан тасдиқланиши лозим.

Апелляция протести келтирилмаган ноқонуний суд қарорларига қонунда белгиланган тартибда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кассация протестлари келтирилиши керак.

Апелляция, кассация инстанцияларининг ноқонуний ажримларига назорат тартибида протест келтирилиши, бундай протест келтириш прокурорнинг ваколатига кирмайдиган ҳолларда эса, юқори турувчи прокурорга асослантирилган тақдимнома киритилиши таъминланиши зарур.

Судларнинг назорат босқичларида ишлар қўрилишида вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шахсан иштирок этишлари талаб этилади.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларида қатъияшадиган прокурор ишларни тўлиқ ўрганиб, протест ва шикоят

важларининг асослилиги, суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан асослантирилган фикр беришлари лозим.

Суд қарорлари юзасидан фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларнинг қонунда белгиланган муддатда, ишлар тўлиқ ўрганилган ҳолда қонуний ҳал қилиниши таъминланиши керак. Жиноят ишларини ўрганиш натижасига кўра суд қарори асосли деб топилган тақдирда, хулоса тузилиб, протест келтириш имкониятига эга бўлган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланиши, ариза муаллифига эса асослантирилган жавоб берилиши лозим.

2-§. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 109-моддасида суд муҳокамасида прокурорнинг иштирок этиш асослари белгилаб берилган. Унда кўрсатилишича, «Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради. Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради».

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август куни қабул қилиниб, 27 октябрь куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган ва ҳозирда амалда бўлган Прокуратура тўғрисидаги қонунининг (янги таҳрири) 33-моддасида судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирок этиши шарт қилиб қўйилган. Унда кўрсатилишича, «Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўриладиганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Прокурор судларда жиноят ишлари кўрилатганда давлат айбловини қувватлайди.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, конуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Ишлар судларда кўрилатганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал конунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошка иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал конун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт».

3-§. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатлари

Жиноят процессуал конунчилиги ва Прокуратура тўғрисидаги конун талабларидан келиб чиқиб, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорлар қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

- Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида жиноят ишлари бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорлар конунийлигини кўриб чиқади;

- Судда жиноят иши кўрилишида қатнашар экан, давлат айбловчиси сифатида иштирок этади;

- Суд муҳокамаси мобайнида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз ҳулосасини беради;

- Давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва конуний манфаатларини конуний ҳимоя қилиш талаб қилинган ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилади ҳамда уларни судда қувватлайди;

- Ғайриконуний ва асоссиз суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест киритади;

- Протестлар ва шикоятлар асосида апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида ҳулосалар беради;

- Судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ўз вақтида ҳамда конуний равишда ижро этилишини текширади;

- Судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ўз вақтида ва конуний равишда ижро этилишини назорат қилади;

Зарур ҳолларда, суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонун билан белгиланган тартибда назорат тартибида қайта кўриб чиқилиши учун ҳамда янги очилган ҳолатларда жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини тиклаш учун керакли чораларни кўради⁹.

Жиноят ишларининг барча инстанцияларда судлар томонидан кўрилиши мобайнида йўл қўйилган ҳақолатлар прокурорлар томонидан турли услублар билан аниқланиши мумкин:

- Прокурор иштирокисиз кўрилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини қонун билан белгиланган 10 кунлик апелляция муддатида кўриб, текшириб чиқиш;

- Прокурорлар томонидан апелляция, кассация ва назорат инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида иштирок этиш;

- Ҳукмлар ижрога қаратилишининг қонунийлигини ва ижрога қаратиш муддатига қандай амал қилинаётганлигини текшириш ҳамда ҳукмларни ижро этишда иштирок этишнинг умумий тартиб ва қондалари бўйича қонун талаблари бажарилаётганлигини текшириш;

- Жиноят ишлари юзасидан ёхуд алоҳида бир тоифа жиноят ишлари юзасидан маълум бир вақт оралиғи бўйича суд амалиётини умумлаштириш.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида йўл қўйилган ҳақолатларни баргараф қилишга ёрдам берадиган ҳуқуқий норматив актларга қуйидагилар киради:

Ариза,

Илтимоснома,

Хулоса,

Прокурорнинг протести,

Прокурорнинг тақдимномаси¹⁰.

Прокурорнинг жиноят иши бўйича суд муҳокамаси мобайнида берадиган фикри ҳар қандай ҳолатда қуйидагича бўлиши керак:

⁹ И.Н. Басков, Б.В. Коробейников Курс прокурорского надзора Учебник. Москва Изд. Зерцало 2001.с228.

¹⁰ И.Н. Басков, Б.В. Коробейников Курс прокурорского надзора Учебник. Москва Изд. Зерцало 2001.с229.

Объектив ва исботланган. Прокурор хулосасига асос бўлган яқуний фикрлар фақатгина ҳақиқатни акс эттириши, ҳеч қандай ўзбошимчалик билан қонунни талқин қилмаслиги, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари ўзгартирилишига умуман йўл қўймаслигини лозим.

Прокурор хулоса қилишига асос бўлган, мантиқан ҳеч қандай эътирозсиз яқуний фикр шаклланишига хизмат қилган ишонарли мотивлардан фойдаланилган бўлиши шарт.

Прокурорнинг хулосаси ҳамма вақт ҳам бир ёқлама фикрнинг ифодаладиган хулосадан иборат бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир жиноят иши бўйича унинг фикри фақатгина «қўшиламан ёки қўшилмайман» билан чегараланиб қолмасдан, жиноят ишини ҳар томонлама ва тўла равишда очиб берадиган барча ҳолатларни ўзида акс эттирган бўлиши, иш бўйича айбонни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг барчасини эътиборга олинганлиги, пайдо бўладиган масалалар юзасидан прокурорнинг тутган ўрни атрофлича иш ҳолатларига ҳолисона баҳо бериш билан кузатилиши лозим.

Юридик асослантирилган бўлиши, яъни, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қаратилган бўлиши, қайси моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тегишлилигини ўзида акс эттирган бўлиши керак. Агарда, жиноят иши бўйича жиноят қилмишга юридик баҳо бериш лозим бўлиб қолса ҳамда мураккаб ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш зарурати туғилиб қолганда, суд амалиётига мурожаат қилиниши, Олий Суд Пленумининг шу жиноят ишида кўрилаётган жиноятлар тоифаларини бўйича қабул қилган қарорлари билан асослантирилган бўлиши шарт.

Аниқ белгиланган бўлиши, яъни, прокурор ҳал қилинаётган масала юзасидан ўзининг аниқ белгиланган ўрнини билиб олиши керак. Шу масала бўйича ўзининг фикрини аниқ баён қилиши, яъни, масалани ё ижобий ҳал қилиш ёки салбий ҳал қилиш ҳақидаги, бошқача қилиб айтганда, масала бўйича киритилган илтимосномани ё қондириш ёки рад этиш ҳақидаги аниқ фикрини билдириши лозим. Ушбу икки фикрдан ташқари, ўртаҳол бўлган

альтернатив фикрни билдириши мумкин эмас. Прокурор фикри ё у томонли ёки бу томонли бўлиши керак¹¹.

Суд муҳокамаси куйидаги бир неча қисмлардан иборатдир:

- а) Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми ;
- б) суд тергови;
- в) тарафлар музокараси;
- г) тарафлар лўқмаси;
- д) судланувчининг охирги сўзи;
- е) ҳукм чиқариш

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида прокурор иштироки.

4-§. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари

Судланувчини жиноят содир қилишда айбланишга асос бўлган далилларни текширишдан аввал, суд томонлар иштирокида қатор процессуал ҳаракатларини бажариши лозим. Бу процессуал ҳаракатларнинг мақсади жиноят иши бўйича барча ҳолатларни тўла, ҳар томонлама, ҳолисона ва объектив тарзда кўриб чиқиш учун шарт-шароитларни яратиш, айбдорлик масаласини ва жазо масаласини ҳал қилаётганда тўғри ҳамда адолатли қарор қабул қилиш учун замин яратишдан иборат.

Умуман олганда, суд муҳокамасигача олиб бориладиган жиноий иш юритув фаолияти - дастлабки тергов фаолияти-мазмунини ва моҳияти бўйича ҳам суд терговига тайёргарлик ҳисобланади. Бироқ суд муҳокамасига тайёргарлик қисми бирмунча тор ва аниқ вазифаларни бажаришга мулжаллангандир: қийсики, далиллар мазмунини бевосита текширишга қаратилган суд жараёнининг қисми бўлиб, унда тўпланган жиноят иши материаллари бўйича судда ҳозир бўлган шахслар иштирокида суд терговини бошлаш ва судланувчига эълон қилинган айбнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш учун судда қатнашадиган томонларнинг яқуний тайёргарлиги амалга оширилади¹².

¹¹ И.И. Басков. Б.В. Коробейников Курс прокурорского надзора Учебник. Москва Изд. Зерцало 2001. с245.

¹² Перлов И.Д. Подготовительная часть судебного разбирательства в советском уголовном процессе. М. Голориздат. 1965. 43-50-бет. Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. "Наука" М. 1975.279 бет.

Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб, судда иштирок этадиган прокурор ўзига юклатилган вазифа характерини ўзгартирмаган ҳолда фаолият кўрсатади. Прокурор ушбу ҳолатда давлат айбловчиси сифатида иштирок этади, суд муҳокамасининг ушбу қисмида унинг процессуал вазифаси - айбловдан иборатдир. У судга кўриб чиқиш учун юборилган жиноят иши бўйича тузилган айблов хулосасида қайд қилинган судланувчининг айби ҳақидаги ўзининг хулосасини қувватлайди¹³. Лекин суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида далилларнинг ишончлилиги ҳали текширилмайди, прокурорнинг айблов вазифаси шундан ҳаракатлардан иборат бўладики, суд муҳокамасининг кейинги жабҳаларида суд очик-ойдин давлат айбловчисининг хулосалари ва келтирган далилларини рад этиб бўлмаслиги ва ишончлилигига тўла ишонч ҳосил қилади. Худди шу мақсаддагина прокурор давлат айбловчиси сифатида жиноят иши судда кўрилишига ва суд томонидан ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқишга ҳалакит берадиган тўсиқларни ўз вақтида бартараф қилишдан манфаатдордир. Айнан шу мақсадда прокурор олдинда бўлиб ўтадиган текширишга имкон қадар содир этилган жиноят бўйича айбловни тасдиқловчи тусмоллар ҳамда айбни исботламайдиган, рад этадиган тусмолларни кўрсатувчи фактик ҳолатларнинг тўлиқ доирасини жалб қилишга ҳаракат қилади.

Прокурор суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида, бевосита айблов вазифасини амалга оширмай, келгусида суд муҳокамаси даврида айбловни қувватлаш учун лозим бўлган ҳаракатларни бажаради, деган фикр баён қилинганида бир неча саволлар очик қолади. Биринчидан, суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида прокурор айнан қандай процессуал вазифани амалга оширади деган савол очик қолади. Иккинчидан, айбловни қувватлашни ташқи, кўзга ташланиб турадиган вазифаларнинг ўзигагина эътибор бериб, айбловнинг ички моҳияти хусусида, прокурорнинг 1-инстанция судидаги фаолиятининг ички мазмуни чуқур ёритилмайди.

¹³ Қонунчиликда суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор ва айбловчи тушунчалари бир тушунчани билдиради. Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. "Наука" М. 1975, 280-бет.

Бу саволларга жавоб топиш учун эса суднинг суд муҳокамасидаги процессуал ҳаракатлари нималардан иборат эканлигига мурожаат қилиш лозим бўлади. Биринчидан, суд муҳокамаси очик деб эълон қилинганидан сўнг, суднинг мажбуриятини нима ташкил этади? Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 429-моддасига асосан, тарафлар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, таржимон, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларнинг судга келган-келмаганликлари аниқланади.

Прокурорнинг судга келмаганлиги аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 412-моддасига асосан, суд жиноят ишини муҳокама қилишни бошқа вақтга қолдириш масаласини ҳал қилади. Агарда, аввалдан белгиланган судда қатнашадиган прокурор суд мажлисига келмай қолса ва ишни кейинга қолдиришнинг имконияти йўқ бўлса, суд муҳокамаси бошланмасдан аввал, бошқа прокурорнинг ишда қатнашишини таъминлаш масаласи ҳал қилинади.

Амалдаги қонунчилик талабига кўра, барча жиноят ишлари бўйича прокурорнинг иштирок этиши шартдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни 13-моддаси “Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки” деб номланиб, унда қайд этилишича, “Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали химоя қилинишини таъминлаш мақсадида, барча инстанция судларида ишлар кўриляётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади”.

Баён қилинганлардан тушунарлики, албатта, прокурор ҳар бир жиноят иши бўйича қатнашиши мажбурийдир. Яна шуни аниқ этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 409-моддаси талабига кўра ҳам, биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишлари кўрилишида, албатта, прокурор иштирок этиши шартдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 412-моддасининг биринчи қисмида “Прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини муҳокама қилиш кейинга қолдирилади” дейилган қатъий қонун талаби ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 11-бўлими, яъни

48-бобидан 54-бобига қадар биричи инстанция судида иш юритиш тартибини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, шу бобларда аке эттирилган қонун талаблари ичида прокурор иштирокисиз жиноят ишини биринчи инстанция судида кўриш мумкинлиги ҳақида тушунча мавжуд эмасдир. Демак, биринчи инстанция судларида жиноят ишларини прокурор иштирокисиз кўриш мумкин эмас.

Қонун томонидан биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўришда прокурорнинг иштироки шарт деб ҳисобланган экан, ишни прокурор иштирокисиз давом эттириш мумкин эмас. Бу ҳолда, прокурор суд муҳокамасига етиб келмаганлигининг сабабидан қатъи назар, ишни суд муҳокамасида кўриш қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 412-моддасига асосан, ишга янгида жалб қилинган прокурорга жиноят иши билан танишиб чиқиб, суд муҳокамасида иштирок этиши учун тайёргарлик кўришга суд томонидан етарли, зарур бўлган вақт ажратиб берилиши шарт.

Судда сабабсиз ҳозир бўлмаган айбловчи ҳақида суд юқори турувчи прокурорга тегишли чора кўриш ҳақида маълум қилини мумкин. Айбловчи иштирокида кўрилиши бошланган жиноят иши бўйича суд муҳокамасини унинг иштирокисиз тамомлаб бўлмайди. Бу коида истисно нималигини билмайди, жумладан, судланувчи ҳимоячидан воз кечган тақдирда ҳам, прокурорни ишда иштирок этишдан четлаб бўлмайди.¹⁴

Агар, прокурор иштирокида кўришни бошланган иш бирон сабаб билан кейинроққа қолдирилган бўлса, бу ишни давом эттириш ҳам прокурор иштирокида амалга оширилиши шарт.

Прокурор ўзининг жиноят ишини кўришга тайёргарлик муносабати билан пайдо бўладиган барча саволларга ҳулосаларни, нуқтаи назарини баён қилади.

Ушбу саволларнинг ичида 1-даражали аҳамиятни касб этадигани, суд таркиби қонунийлигини аниқлаш ҳисобланади. Агар судьялардан биронтасининг кўрилаётган жиноят ишини муносабати қонун талабларига жавоб бермаса, унда ушбу суд

¹⁴ Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора в уголовном судопроизводстве. М. "Наука" 1975, 283 бет.

таркиби томонидан қабул қилинган барча суд қарорлари қонуний ҳимда асосланган ҳисобланмайди ва албатта, бекор қилиниши шарт ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 484-моддаси 3 банди ва 487-моддаси 2-қисми 1-банди).

Бутун қилинган иш натижалари йўққа чиқарилмаслигининг олдини олиш учун суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида прокурор ва суд тарафларнинг, айниқса, судланувчининг тўлиқ суд таркибига, алоҳида судьяга ёки алоҳида судьяларга эътирозларини батафсил ўрганиб чиқишлари ва эътирозга нисбатан прокурор ўз фикрини билдириши, суд ўз ажримда муносабатини билдириши керак. Агар, прокурорнинг ўзи бирон-бир судьянинг ишида иштирок этишига монъелик қиладиган ҳолатларни аниқласа, у шу судьяни рад этиши ва шу судьяни суд муҳокамасида қатнашмаслигига эришиши шарт. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 80, 431-моддалари).

Суд муҳокамасига тайёрлов қисми фақатгина суд таркиби ва томонлар қонунийлигини текширишга боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмайди. Томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган суд муҳокамасининг келгуси босқичларини муваффақиятли давом эттириш учун замин бўлиб хизмат қиладиган бошқа масалаларни ҳам, албатта, ҳал қилишни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатларни аниқлаш вазифаси суд мажлисида раислик этувчига юклатилгандир. Ўз ўрнида прокурор ҳам ушбу вазифани бажаришга кўмаклашишдан холи эмасдир.

Суд муҳокамасининг муваффақияти, кўпинча, прокурорнинг ушбу муҳоқамага тайёргарлик даражасидан келиб чиқади. Прокурорнинг суд муҳокамаси мобайнида ҳақиқатни аниқлашга нисбатан бўлган қатъийлиги, талабчанлиги ва касбий маҳорати юқори даражада эканлиги, ўзининг қонунга асосланган, жиноят иши материалларидан келиб чиқадиган фикри тўғрилигини қонун йўли билан кўрсатиб бера олиши, ўзининг фикрига процесснинг бошқа иштирокчиларини ҳам ишонтира олиши фақатгина жиноят иши материаллари билан жуда ҳам яхши танишиб чиққан, юқори тайёргарликка эга бўлган прокурор томонидангина амалга оширилиши мумкин. Жиноят иши материалларини юксак талаб даражасида билиш - барча давлат айбловини қувватлаётган

прокурорлар олдига қўйиладиган талабдир. Шунинг учун жиноят иши материалларини ўрганиш шундай ташкил этилиши лозимки, жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватлаётган прокурор жиноят ишини фақатгина асосий процессуал ҳужжатларини ўқи билангина танишиб чиқмасдан, балки, қолган барча жиноят иши бўйича тўпланган материаллар билан ҳам бемалол танишиб чиқиши лозим бўлса, ҳар бир материал бўйича ўз мулоҳазасини бера олиши ва материалга нисбатан тегишли баҳо бера олиши лозим.

Суд муҳокамасигача жиноят иши билан танишиб чиқаётган прокурор ўзига дастлабки тергов мобайнида судланувчининг айбини тасдиқлайдиган ёки оқлайдиган ёхуд шубҳа остини оладиган кўрсатмаларни, далиллар мажмуасини тегишлича қайта қилиб олиши ва суд тергови мобайнида ушбу кўрсатмаларни, далилларни бир-бирига солиштириб, таққослаб кўриши ва ушбу қонуний баҳо бериши лозимдир. Амалиётда суд муҳокамасига тайёргарлик жараёнида ушбу услубдан кенг фойдаланилади. Айнан шу тайёргарлик прокурорнинг суд тергови мобайнида фаол қатнашишига ҳамда ўзининг музокара нутқини тузишига катта ёрдам беради.

Суд муҳокамасига яхши тайёрланган ва барча тегишли маълумотларни эгаллаб олган прокуроргина суд процесси мобайнида пайдо бўлган барча саволларга жавоб беради ва пайдо бўлган барча муаммолар хусусида судга ўзининг қонуний фикрини билдира олади. Иш материалларини яхши ўрганмаслик эса айбловни қувватлаш сифатини пасайтириб юборади, бу эса, ўз ўрнида, суд процесси якунига салбий таъсир кўрсатади.

Суд муҳокамасига тайёргарликка айбловчи сифатида қатнашувчи прокурорнинг индивидуаллиги, шахсий фазилатлари, хусусан олганда, хотираси, таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш ва прогностлаш салоҳияти катта таъсир қилади.

Жиноят иши материалларини давлат айбловчиси ўрганиб чиқар экан, қуйидагиларни таҳлил қилади:

- Ҳар бир жиноят иши бўйича исботлаш предмети ва доирасини;
- Жиноят содир этган шахсни фош қилувчи далилларни;

• Айбловга қарши бўлган, айбловни исботламайдиган далилларни;

• Судланувчи шахсини тавсифловчи ҳолатларни;

• Жиноят иши бўйича ҳуқуқий-норматив материалларни ва шу тоифа жиноят ишлари бўйича суд амалиёти.

Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида қандайдир маънода томонларнинг тутадиган ўрни аниқлаб олинади.

Давлат айбловчиси процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари тунунтирилаяптими, уларнинг ҳуқуқлари таъминланаяптими-кузатиб туради. Мабодо, қонун бузилиши ҳолларига йўл қўйилса, суднинг эътиборини шу қонун бузилиши ҳолатига қаратади ва айнан шу ҳолатлар ўз вақтида бартараф қилиниши натижасида суд томонидан одилона ҳукм чиқарилишига замин яратилади. Масалан, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тегишли тартибда таъминламаслик, судланувчи айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олмаганлиги ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмининг муҳим томони шундан иборатки, айнан шу босқичда ариза ва илтимосномалар ҳал қилинади. Судда раислик этувчи илтимосномалар бўйича айбловчининг ҳам фикрини сўрайди. Агар, дастлабки тергов томонидан ҳатоларга йўл қўйилган бўлса, жиноят иши билан танишиб чиққан прокурор, жиноят процессининг худди шу босқичида аниқланган ҳатоларни бартараф қилиш учун қўшимча далилларни талаб қилишни сўраб судга илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, давлат айбловчиси судга бошқа процесс иштирокчилари томонидан қилинган илтимосномалар бўйича ҳам ўзининг фикрини баён қилади.

Айбловни қувватлаётган прокурор судга далилларни ўрганишнинг шундай илмий асослантирилган тартибини таклиф қилиши керакки, иш бўйича дастлабки тергов томонидан аниқланмай қолган барча ҳолатлар аниқланиши, жиноят иши суд томонидан ҳолисона, тўла, ҳар томонлама ва объектив равишда кўриб чиқилиши лозим¹⁵.

¹⁵ Сивицкий В.М. Отвод прокурора в уголовном судопроизводстве. «Правоведение», 1970. №4. 54-59-бет.

5-§. Ишларни судда кўриш босқичида прокурор ваколатлари

Прокурорлар жиноят содир қилган шахсларнинг омма томонидан қораланишига эришиш учун, суд муҳокамаси ҳамма вақт ҳам тарбияловчи ролни бажариши учун суд минбаридан фойдаланадилар. Суд минбари – ўзига хос минбар ҳисобланади. Прокурор судда айбловни қувватлаш учун юксак касбий саноҳиятга эга бўлиши, бугун касбий маҳорати билан тайёргарлик кўрган бўлиши керак. Прокурор айбловчи тариқасида дарҳол ўз ўзидан шаклланиб қолмайди. Ушбу вазифани бажариши учун қонунларни ўзлаштириб олганлигининг ўзи етарли эмас. Риторика асосларини, нотиклик санъати услуб ва шакллариини эгаллаган бўлиши, кенг дунёқарашга эга бўлиши ҳамда етарли даражада ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлиши талаб қилинади.

Айниқса, биринчи инстанция судларида жиноят ишлари ошқора кўрилишида суд процессида судланувчи, судланувчининг барча қариндошлари, жабрланувчи ва унинг тарафдорлари, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар, холислар ва хоқазо очиқ суд мажлисига кириб ўтирган фуқаролар бевосита суд мажлисида иштирок этиб ўтирадилар ва суд муҳокамаси якунига нисбатан ҳам катта қизиқиш билан қарайдилар. Суд томонидан судланувчига нисбатан жазо чораси белгиланишидан аввал прокурор ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жамият учун, фуқаролар учун содир этилган жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусиятлари ва миқдорини, ушбу жиноятнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари ва унинг келиб чиқишига ёрдам берган сабабларни, шу сабаблар бартараф қилинган-қилинмаганлиги, бартараф қилиш учун ҳамда келгусида шу каби жиноятлар содир этилмаслиги учун қандай чора ва тадбирлар белгиланиши лозимлигини, судланувчини айби қайси далилларга кўра ўз исботини топаётганлигини, судланувчини айни ҳолатда содир этилган жиноятга нисбатан муносабатини, содир этилган жиноятда судланувчи ҳаракатларини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари нималардан иборат эканлигини, содир этилган жиноятга нисбатан қонун томонидан қандай жазолар белгиланиши мумкинлигини, судланувчи қандай жазога сазоворлиги, унинг содир этган жиноятига қандай жазо мувофиқлиги, бевосита ушбу

судланувчига нисбатан жазонинг қайси тури, қанча миқдорда белгиланиши ҳамда жазони ўташ тури қандай бўлиши ҳақидаги ўзининг фикрини билдиради.

Суд томонидан судланувчига жазо тайинланиши жараёнини барча процесс иштирокчилари судланувчига давлат томонидан берилаётган жазо ёхуд содир қилган жинояти учун давлат томонидан қасд олинishi деб тушунмасликлари, балки қонунда белгиланган нормани бузганлиги учун қонун томонидан ўрнатилган жазога сазовор эканлигини ва шу жазони қонун томонидан белгиланаётганлигини тушунишлари ҳамда одил судлов шу услубда амалга оширилишида прокурор қонун вакили сифатида судга кўмаклашаётганлигини тушуниб етишлари лозим. Чунки, судланувчига нисбатан жазо тайинланганида давлатга нисбатан нафрат ҳисси эмас, қонунни жиноий қилмиш орқали бузган шахсга нисбатан қилган ишига лойиқ жазо тайинланлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳиссиёт пайдо қилиниши керак

Шу ерда бир нарсани мисол қилиб ўтиб кетиш мумкин, яъни 220 вольт ёки ундан юқори кучланишли электр токи инсон ҳаёти учун хавфли эканлиги ҳамма учун маълум. Агарда кимдир шу ток билан муомала қилиш қоидаларини бузса, тегишли хавфсизлик қоидаларига амал қилмаса ва натижада, электр токи уриб тан жароҳати олса ёинки ҳаётдан ҳам маҳрум бўладиган бўлса, ҳеч кимда электр токига нисбатан нафрат ҳисси ёхуд электр токини айблаш ҳиссиёти пайдо бўлмайди. Барча биладики, электр токи билан ўйнашиб бўлмайди. Электр токи учун ҳар қандай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, барибир ҳисобланади. Энди, нима учун жамиятда ўрнатилган қонун талабларини билатуриб, қасддан бузилса, жиноят қонунчилигида белгиланган жиноят деб топиладиган жиноий қилмишлар содир этилса, унинг учун қонунда белгиланган жиноий жазо тайинланганида, жиноят содир этган шахснинг ўзида ва унинг қариндошларида давлатга нисбатан, умуман олганда, қонунга нисбатан эътироз бўлиши керак? Унда бундай эътироз ҳиссиётини пайдо қилмаслик ва қонунга нисбатан ҳурмат билан ёндашиш ҳиссини уйғотиш жиноят иши бўйича айбловни қувватлаётган прокурорнинг касбий маҳорати ва нотиклик санъатига боғлиқдир. Прокурор қонун олдида барча баробарлиги, тенглиги, қонун томонидан бир

шахсга нисбатан иккинчисига ҳеч қандай имтиёз берилмаганлигини, содир қилинган жиноят учун жавоб муқаррарлигини, ҳеч бир шахс асоссиз равишда суд томонидан айбдор деб топилмаслигини, ҳар қандай шахсни айби ошқорасиз равишда суд томонидан суд мажлисида кўриб чиқилиб, ошқорасиз судлов томонидан ҳал қилинишини, унинг вазифаси ошқорасиз судловга кўмаклашиш эканлигини тушунтириб етказа билиши зарур.

Шубҳасиз, суд муҳокамасининг оғирлик маркази ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текширишни амалга оширадиган суд тергови ҳисобига тўғри келади.

Суд муҳокамасининг айнан ушбу босқичида айблов учун асос бўлган далилларнинг батафсил текширилишига йўл қўйилади. Судланувчига унга қўйилаётган айблов бўйича ўзини ҳимоя қилиш учун ўз важларини келтиришнинг кенг имконияти яратилади.

Суд муҳокамасининг ушбу қисмида судланувчи, гувоҳлар, экспертлар сўроқ қилинади, ашёвий далиллар, судланувчи шахсини тавсифловчи маълумотлар аниқлаб текширилади.

Суд терговини тўла ва тўғри ўтказиш қонуний ва асосланган ҳукм чиқаришга кафолат бўлиб хизмат қилади.

Суд муҳокамасини ўтказиш учун жиноят иши бўйича тайёрлов қисмида ўтказилиши лозим бўлган барча процессуал ҳаракатлар бажариб бўлингандан сўнг, жиноий иш юритувини давом эттириш учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқлиги аниқлагандан кейин суд муҳокамасининг асосий қисми ҳисобланган – суд терговига ўтилади. Айнан шу ерда барча тўпланган далиллар текширилади ва чиқариладиган ҳукм учун замин яратилади. Суд тергови - янги процессуал шароитда далилларни мустақил ва ижодий равишда текшириш босқичидир. Бу босқичда ҳар бир далил суд томонидан ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқилиши керак. Шунинг учун жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватловчи ҳамда қонун билан белгиланган прокурорлик ваколатини таъминловчи прокурор далилларни текширишда фаол қатнашиши ва суд органларининг жиноят иши юзасидан чиқарган ҳар қандай қарорлари қонунийлигини таъминлаш учун ўзига қонун билан берилган ваколатлардан

тўлиқ фойдаланиши ҳамда исботлаш процесси иштирокчиларининг жиноят процессуал қонунчилиги талабларига қатъий риоя этишларини таъминлаш бўйича барча чораларни кўриши керак. Прокурор ушбу ҳаракатлари билан ҳукм адолатли ва ишончли бўлиши, ўзида ҳақиқатни акс эттириши учун шарт-шароит яратилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, суд муҳокамасида прокурор иштирокининг ҳамда суд терговининг процессуал мақсади судга кўриб чиқиш учун тақдим қилинган дастлабки тергов материалларини ўрганиб чиқишгина эмас, балки, суд муҳокамаси иштирокчилари ҳамда бевосита суднинг ўз ташаббуси билан тўпланган ва тақдим қилинган далилларни ҳам текшириб чиқиб, реал ҳақиқатни аниқлаш имкониятини яратишдан иборатдир.

Суд тергови мобайнида қуйидагилар аниқланади: жиноят ҳодисаси; айбланувчининг жиноят содир қилишдаги айби; айбдорлик даражаси ва характерига таъсир қилувчи ҳолатлар; жиноят туфайли етказилган зарарнинг характери ва миқдори. Суд ҳукмининг сифати, қонунийлиги, асосланганлиги ҳамда адолатлилиги кўпинча суд терговининг тўла, ҳар томонлама ва объектив равишда олиб борилганлигидан келиб чиқади. Чунки, суд ҳукми суд тергови мобайнида аниқланган далилларгагина асосланади. «Суд ҳукми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорининг 4-бандида «Судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади. Бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги ЖПКнинг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқади» деб қўйилган. Шунингдек, шу қарорнинг 3-банди сўнгида «ЖПКнинг 26 ва 455-моддалари талабига биноан, ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим», деб қайд қилиб қўйилган. Ушбу қарор талабларидан кўриниб турибдики, суд тергови Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси

талаблари асосида ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда амалга оширилиши лозим. Суд бевосита ва шахсан барча далилларни суд муҳокамасида текшириб чиқиши шарт. Суд тергови мобайнида суд жиноят иши бўйича тўпланган барча далилларни текшириб чиқиши, судланувчиларни, жабрланувчиларни, гувоҳларни, эксперт ва холисларни қайтадан сўроқ қилиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши, тегишли экспертиза тайинлаши, суд тергови экспериментини ўтказиши ва ҳоказоларни бевосита ва қисқа муддатда амалга ошириши мумкин. Дастлабки тергов мобайнида тўпланган барча далилларни суд терговидида тўпланган далилларга таққослаб, солиштириб кўриб, реал ҳақиқатни аниқлаб олиши мумкин. Суднинг бу фаолиятига эса, прокурор кўмаклашиши лозим. Хукмларнинг асосланганлиги ва қонунийлигига кўпинча суд тергови мобайнида прокурор томонидан ҳақиқатни аниқлашга фаол кўмаклашиш ҳам сабаб бўлади.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши.

Республикамызда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари авваламбор, амалдаги қонунчилигимизда белгиланган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришга, уларни муҳофаза қилишга оид талабларни такомиллаштиришга қаратилгандир. Ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи олдида устувор йўналиш айнан шу талабдан келиб чиқиши лозим. Хусусан олганда, прокуратура идоралари ҳам ўзларига қонун билан юклатилган вазифаларни бажаришда ўз фаолият йўналишларида айнан шу талабдан келиб чиқиши лозимлиги юртбошимиз И.А. Каримов томонидан 2001 йилнинг август ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида таъкидлаб ўтилган эди. Амалдаги қонунчилигимизда ушбу талаблар бажарилиши учун старли қонуний асослар борми, деган савол туғилади. Бунинг учун фуқароларнинг Конституция билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган прокурорнинг ваколатларидан бири ҳисобланган жиноят ишлари суд муҳокамасида кўрилиши мобайнидаги «айбловдан воз кечиш»дек қонун билан белгиланган ваколатини кўриб чиқамиз.

Прокурорнинг вазифаси-жиноят процессининг барча босқичларида қонун бузилиши ҳолларига нисбатан, бу қонун бузилиши ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, уларни бартараф қилиш учун қонун билан белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш ҳисобланади. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўрилишида суд муҳокамасида айбловни қувватлаётган прокурор эса, ҳар қандай ҳолатда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифасини бажариши лозим бўлган давлат органи прокуратура томонидан тайинланган вакил - қонун ҳимоячиси бўлиб қолиши керак.

Суд муҳокамасида давлат айбловчиси сифатида иштирок этаётган прокурор ўзининг қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш каби конституцион вазифасини бажаради (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддаси). Судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлаш фаолияти эса қонун талаблари (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 409-моддаси)ни ижро этишга қаратилгандир. Прокурор судда судланувчи айби ўз тасдиғини топмаганлигини аниқлаши заҳоти, айбловдан воз кечади. Шу ҳолда ҳам айбловни талаб қилиш қонун талабларига зид бўлади. Бунда қонун ижросини талаб қилиш эмас, аксинча, қонунни бузишни талаб қилиш бўлиб қолади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 409-моддаси 4-қисмида “Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт” дейилган. Кўриниб турибдики, прокурор Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, унга берилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифасидан четга чиқа олмайди.

Агар суд муҳокамаси натижаларига кўра, прокурор суд тергови мобайнида текширилиб, аниқланган маълумотлар судланувчи айбини исботламаяпти деган хулосага келса, унда қонун талабларига кўра айбловдан воз кечиши ва бунинг сабабларини судга тушунтириб бериши ёхуд судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асослангирилган ёзма баёнот бериши шарт.

Айбловдан воз кечиш тўла ёки қисман ҳам бўлиши мумкин, яъни айбловнинг баъзи бир бандларидан ёки қисмларидан воз кечиши ва қолган қисми бўйича айбловни қувватлаши мумкин.

Бу масалани чуқурроқ муҳокама қилиш учун айблов тушунчаси моҳиятига яна бир назар ташлаш лозим бўлади.

Айбловнинг фактик асосини суриштирув, дастлабки тергов мобайнида топилиб, аниқланган ва прокурор томонидан судда кўриш учун тақдим қилинган айбланувчи айбини исботловчи далиллар ташкил қилади. Ушбу далиллар мажмуаси судда айблов вазифасини амалга ошириш учун айбловнинг бошланғич нуктаси ҳисобланади.

Айбланувчи айбини фош қилувчи далиллар бир-бири билан қанчалик даражада мослиги ва гармоник муштарақлиги айбловни қувватлаш муваффақиятли чиқишининг замини ҳисобланади. Лекин, бу-ишнинг бир томонини акс эттиради. Масаланин иккинчи томони-тўпланган далилларга нисбатан прокурорнинг субъектив муносабати, исботлаш жараёнида ўз тасдиғини топган ёки рад қилинган фактларга нисбатан баҳо бериши ҳисобланади.

Аниқланган далиллар қанчалик даражада кўп, турлича бўлишидан қатъи назар, жиноят иши юритувининг ушбу босқичида ишнинг келгуси тақдирини ҳал қиладиган процесс иштирокчиси субъектнинг самарали мантикий фикрлаш фаолияти билан руҳлантирилмаса, бу далиллар ҳар ердан қирқиб олинган фактлардангина иборат бўлиб қолади. Айнан далилларга баҳо бериш ва ундан келиб чиқувчи юридик аҳамиятга эга бўлган хулосалар ҳар қандай айблов бўйича ишни мазмунан ҳал қилишнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Суриштирув ва дастлабки тергов айблов хулосасини тузиш билан ақунланса, жиноят иши тақдирини прокурор ҳал қилади. У айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини судда кўриш учун юборади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 388-моддаси) ёки жиноят иши бўйича қўшимча тергов олиб бориш учун терговчини қайтариб юборади ёхуд қонуний асослар мавжуд бўлганда, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқаради (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддаси). Албатта, биринчи ҳолатда, яъни айблов хулосасини тасдиқлаб судга юборишда тўпланган далиллар мажмуаси айбланувчининг айбдорлигини рад

надиган заррача ҳам шубҳа қолдирмаган бўлиши талаб қилинади. Айблов хулосасини тасдиқлаётган прокурорда айбланувчининг айбдорлиги ҳақида каттиқ ишонч ҳосил бўлиши шарт.

Айбдорликка нисбатан ички ишонч-бу тўпланган далилларга нисбатан баҳо беришнинг маълум бир психологик тавсифи ҳисобланади. Прокурорда ички ишончнинг пайдо бўлиши, одатда, жиноят ишида айбланувчи айбдорлигини тўлиқ тасдиқлайдиган далил ва исботларнинг етарлилигидан далолат беради. Дадиллик ва ишончлилиқ ҳиссиёти қоидага кўра, асоссиз бўлмайди. Унинг асосида шу субъектга бəғлиқ бўлмаган билиш фиолиятининг ҳақиқий натижаси ўз аксини топган бўлади¹⁶.

Аксинча, ишончсизлик эса, тўпланган далиллар етарли эмаслиги, жиноят иши бир томонлама тергов қилинганлиги, исботлаш ҳужжатлари, материалларида ҳатоликлар мавжудлигини, иш бўйича айбланувчининг айбига нисбатан ишончсизликни, жиноят ишини судда кўриш учун асослар етарли эмаслиги кўрсатади.

Шундай қилиб, айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиш борасида прокурорда пайдо бўладиган айбланувчининг айбдорлиги ҳақидаги ички ишонч - айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган шахсни жиноят содир қилганлиги фактини тасдиқлайдиган далиллар мажмуасига баҳо бериш натижасидир.

Ички ишончнинг ажралмас қисми бўлиб прокурорнинг хулосаси тўғрилигига бўлган ишончи ҳисобланади. Ишончнинг ўзи-ҳақиқатан исботланган ҳолатга ишонишдир. Ишонч асосланмаган ҳолда, илмий кадрга эга бўлмайди. Такрорланмас кучни субъектив ишонч эмас, асосланган ишонч беради¹⁷.

6-§. Биринчи инстанция судида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки

Айбланувчининг айбдорлиги ҳақидаги ички ишончи бўлиши I-инстанция судида ўзининг функционал вазифасини бажаришга киришадиган прокурор учун жуда ҳам зарурдир.

¹⁶ Старченко А.А. Логика в судебном исследовании -М.: 1958. -с.214.

¹⁷ Арбус В.Ф. Учение логики о доказательстве и опровержении. -М.: Госполитиздаг, 1954. -с. 4.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг турли жиҳатлари, жумладан, “давлат айбловчиси” сифатидаги иштирокини ўрганиш, прокурори иштироки мазмуни ядросини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга йўналтириш, суд муҳокамасида иштирок этадиган прокурорларнинг субъектларини ва уларни жиноят процессининг ушбу босқичидаги ваколатларини ҳамда процессуал ҳолатини янада аниқлаб олиш, суд муҳокамасига тайёргарлик қисмидаги баъзи бир муаммоларни ҳал қилиш, суд муҳокамасининг суд терговини, суд музокараси ва суд музокарасидан кейинги лўқма билан судга муружаат қилиш, суд мажлиси баённомасига нисбатан прокурорнинг мунособати, алоҳида тоифада кўриладиган жиноят ишларида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари борасидаги муаммоларга қизиқиш ҳуқуқшунос олимлар ҳамда амалиётчиларни ҳамма вақт қизиқтириб келган. Советлар даврида ҳам, ҳозирги чет эл адабиётларида, айниқса, ривожланган етакчи давлатларда бу долзарб муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари анча чуқур ва ҳар томонлама ёритиб берилган.

Масалан: Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки ҳақида, давлат айблови ҳақида собиқ иттифок даврида М.Л. Шифманнинг “Прокурор в уголовном процессе (стадия судебного разбирательства)” 1948 йил, В.М. Савицкийнинг “Государственное обвинение в суде” 1971 йил, В.М. Савицкийнинг “Очерк теории прокурорского надзора в уголовном судопроизводстве” 1975 йил, С.А. Альпертнинг “Обвинение в советском уголовном процессе” 1974 йил, В.И. Басковнинг “Прокурор в суде первой инстанции” 1968 йил, В.И. Басковнинг “Прокурорский надзор при рассмотрении уголовных дел в судах” 1986 йил, А.Н. Мишутиннинг “Прокурорский надзор за законностью рассмотрения в судах уголовных дел” 1963 йил, И.Сапожниковнинг “Прокурорский надзор за соблюдением законности при рассмотрении в судах уголовных дел” 1961 йил, М.Ю. Рагинскийнинг “Надзор за соблюдением законности при рассмотрении судами уголовных дел” 1973 йил, В.Д. Финкониинг “Прокурорский надзор за рассмотрением в суде уголовных дел” 1972 йил, В.А. Болдыревнинг “Государственный обвинитель в

советском суде” 1954 йил, М.П. Маляровнинг “Поддержание государственного обвинения в суде” 1970 йил монографиялари, 1999, 2000 ва 2001 йилларда чиқарилган В.И. Басковнинг “Прокурорский надзор В Российской Федерации”, “Прокурорский надзор”, А.А. Чувилевнинг “Прокурорский надзор в РФ”, Коробейников ва Басковнинг “Прокурорский надзор В РФ”, Ю.Е. Нинокуровнинг “Прокурорский надзор” дарсликлари ва бир қатор, шу ҳамда, бошқа олимларнинг илмий мақолаларида уларнинг фикрлари баён қилинган. Жиноят процессига тегишли барча дарсликларда прокурорнинг судларда жиноят ишларини кўрилишидаги процессуал ҳолати, унинг тутган ўрни ҳақида маълум даражада баён қилинган. Аммо, собиқ Ўзбекистон ССРда ҳа, давлат айблови ёхуд прокурорнинг судларда жиноят ишларини кўрилишидаги фаолияти тўғрисида деярли ҳеч қайси олим томонидан монография ёхуд дарслик даражасида илмий иш олиб борилмаган.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, қонунларнинг ўзгариши ва кўпгина қонунларнинг янгидан қабул қилинганлиги муносабати билан прокуратура ходимлари ўз фаолиятларида қонун талаблари асосида ишларни ташкил қилиш, ҳамда бу борада илмий изланиш олиб бориш зарурияти пайдо бўлди. 1996 йил апрель ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан «қонун ҳимоясида» деб номланган илмий-амалий журналда прокуратура фаолиятининг айрим масалалари юзасидан услубий мазмунга эга бўлган мақолалар чоп этиб келинмоқда. Ўзбекистон олимларидан Г.А. Абдумажидов, Б.Т. Акрамходжаев, А.Дж. Давлетов, Б.Х. Пўлатов, Ф.Х. Рахимов, З.С. Ибрагимов, Р.Мухамедов, Х.Р.Раҳмонкулов, Р.Х. Қодиров ва бошқалар томонидан прокурор назоратининг турли томонлари тегишли даражада ёритилиб келинмоқда. 1999 йилда А.Дж. Давлетов томонидан рус тилида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ “Прокурорский надзор” дарслиги, 2000 йилда рус тилида доцент З.Ф. Иноғомжонова ва доцент Г.Н.Никифоровалар томонидан “Уголовный процесс” дарслиги ишлаб чиқилди. Б.Х.Пуллатов томонидан “Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах” деб

номланган монография 2002 йилда, “Суд муҳокамаси изланиш, таҳлил қилиш, фикрлаш ва англаш жараёни” деб номланувчи илмий - услубий қўлланма 2003 йилда, “Прокурорнинг давлат айбловини қувватлашга тайёргарлик кўришининг моҳияти ва мазмуни” деб номланувчи илмий услубий қўлланма 2003 йилда “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти” деб номланган монография 2004 йилда “Тарафлар музокарасида давлат айбловчисининг нутқи” деб номланувчи қўлланма 2004 йилда тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ходимларига фойдаланиш учун тақдим қилинган.

Одил судловни амалга оширишни такомиллаштиришда, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишни асосий тамойилларини белгилаб олинишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят процессуал қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг тегишли қарорлари жуда муҳим рол ўйнайди. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосини айнан шу кўрсатилган қонун ва қарорлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) ва Ўзбекистон Республикаси Бosh Прокурорининг 2004 йил 11 майдаги 21-сонли “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ва Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг барча жабҳаларини кенг ёритиб берадиган ўзбек тилидаги илмий асарлар кўпайтирилиши, бу муаммо мавзуси махсус ўрганиш предмети сифатида янада кенгрок тадқиқ қилиниши керак.

Шунинг учун қонун талаблари асосида судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари чуқур илмий тадқиқотларни кутмоқда.

Прокурор жиноят иши бўйича суд муҳокамасида иштирок иши учун жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ишга қатнашишни бошлаши мумкин, суд эса прокурорни жиноят ишида қатнашишига рухсат беришга мажбур.

Суд муҳокамасига ҳал этишлик учун юборилган ҳар қандай жиноят ишини тақдирини ҳал қилувчи якуний қарор суд томонидан қабул қилинади. Суднинг ҳукми, ажрими ва қарори қонунийлик, асосланганлик ва адолатлилик талабларига жавоб бериши керак.

Биринчи инстанция судларида давлат айбловини қувватлаш – жиноят содир этган шахсни фош қилиш, уни жавобгарликка торғиш, унга тегишли жиноят ишини судга юбориш ва суд олдида айбловни асослаб бериш фаолиятдан иборат прокуратурага юклатилган жинойий таъқиб қилиш функциясини муҳим бир қисми ҳисобланади.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг асосий мақсади – суд томонидан одил судловни амалга оширишда қонун билан белгиланган ваколатларидан фойдаланиб, адолатли суд қарорини қабул қилишига кўмаклашишдан иборат. Бунинг учун суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор томошабин каби, бутун процессни фақатгина кузагиб ўтирадиган шахс эмас, балки судга далилларни объектив ва албатта ишонарли тарзда тақдим қила оладиган, далилларни тўлиқ таҳлил қила оладиган, далилларга ҳолисона баҳо бера оладиган юқори касбий малакага эга бўлган мутахассис бўлиши лозим.

Судда иштирок этадиган прокурордан юқори касбий малакадан ташқари, юқори ҳуқуқий онгни мавжудлиги, қонунни ҳурмат қилиш, ҳар қандай қонунбузилиш ҳолларига нисбатан муросасизлик, ўз ишончига нисбатан қатъиятлик ва бунинг учун курашиш салоҳияти, ҳар қандай ғайриқонуний ташқи таъсирларга берилмаслик ва уларга қарши кураша олиш, ўзи-ўзининг ҳаракатларига танқидий қарай олиш, ҳақиқатни аниқлаш учун бутун ақл-заковатини ишга сола олиш, судланувчига нисбатан бир томонлама мунособатда бўлмаслик, илгаридан судланувчини айбдорлигига ишониб қолмаслик, инсонпарварлик, инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, меъёр ҳиссиёти, камтарлик,

ўзини бошқалардан юқори кўйишдан ҳоли бўлиш каби фазилатларга эга бўлиши керак.

Аниқ процессуал ҳолатларда прокурорнинг ушбу айбдорлик масаласига нисбатан ички ишончи ўзгариши мумкин. Суд муҳокамаси мобайнида далилларни текшириш жараёнида айбланувчининг айбдорлигига нисбатан прокурорнинг субъектив муносабати ўзгариши мумкин. Судланувчининг айбдорлигига каттиқ ишонч ўрнига, ишончсизлик, иккиланиш, ҳатто, судланувчининг умуман айбсизлиги ҳақида ишонч пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, прокурор ўзининг дастлабки айбловини ўзгартириши ёки тўлиқ айбловдан воз кечиши мумкин.

Судда айбловни қувватлаш учун келаётган прокурор ўзининг айблов нуктаи назари ўзгармас, қатъий бўлиши лозим деган тушунчага, яъни, бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас деган бир ёқлама фикрга эга бўлмаслиги лозим. Суд муҳокамаси мобайнида унинг судланувчи айбдорлигига нисбатан муносабати, далилларни судда текшириб, ўрганиб чиқиш давомида ўзгариши мумкинлиги эҳтимолини эсдан чиқармаслиги керак.

Қолаверса, судда янги очилган ҳолатлар бўлиши мумкинлигини, янги далиллар судга процесс иштирокчилари томонидан тақдим қилиниши мумкинлигини ва воқеа ҳолатларига бу ўзидан таъсир қилиши ҳамда далилга баҳо бериш ўзгачароқ тус олиши мумкинлигини назардан четда қолдирмаслиги лозим.

Шундай ҳолатда прокурор ўзининг дастлабки айблов нуктаи назарини ўзгартириши керак. Умуман олганда, прокурор ҳамма вақт шундай ўзгариш юз беришига тайёр бўлиши ва суд тергов натижалари бўйича айбловни ўзгартириши ёки айбловдан воз кечиши мумкин.

Айбловдан воз кечиш - айбсизлик презумпцияси билан бевосита боғлиқдир. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши ушбу принципнинг ҳамда одил судлов принципининг тантанаси ҳисобланади.

Судланувчининг айби суд муҳокамасида ўз тасдиғини топмаса, жазо тайинлаш ўрнига, тўлиқ реабилитация қилиниши қонуний таъминланиши лозим.

Шу айтилганлар, айбловдан қисман воз кечиш ҳолатларига ҳам тааллуқлидир. Судда ўз тасдиғини топмаган айбловнинг бир

қисми прокурор томонидан айбловдан чиқариб ташланиши ва шу қисми бўйича суддан реабилитация талаб қилиниши керак.

Айбловдан воз кечишга асос бўладиган иккита сабаб бўлиши мумкин:

Биринчи сабаб - суд тергови шуни кўрсатадики, прокурор айбловни тузаётганда далилларни баҳолашда чалкашликка йўл қўйган бўлади. Далилларга нотўғри талқинда ёндашган бўлади.

Иккинчи сабаб - суд тергови мобайнида янги ҳолат очилиши, судга дастлабки терговда ўрганилмаган янги далиллар тақдим қилиниши ва айблов бўйича фактлар тўлиқ ўрганилмаганлиги бўлади.

Прокурор томонидан айбловдан воз кечиш судланувчини оқлаш лозимлигини, яъни оқлов ҳукми чиқариш кераклигини билдиради. **Суд томонидан оқлов ҳукмини чиқаришга уч ҳолатда йўл қўйилади :**

1. Жиноят ҳодисаси содир бўлмаганлиги аниқланса;
2. Судланувчи ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаса;
3. Жиноят содир қилишда судланувчининг иштироқи исботланмаса.

Айбловдан воз кечиш прокурорни асосий вазифасидан четлаштирмайди, обруйини туширмайди, аксинча, қонунийликни таъминлаш, одил судловни амалга оширишда кўмаклашиш, айбсиз шахслар ғайриқонуний жавобгарликка тортилишининг олдини олиш каби вазифаларини бажаришда ўз аксини топади.

Прокурор айбловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шарт. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 409-моддаси).

Давлат айбловчилари ўз фаолиятларида дастлабки тергов ҳужжатларига танқидий баҳо бермаслик, исботланмаган айбловни суд терговидан аниқланган ҳолатга зид равишда қувватлаш ҳолларига қатъий чек қўйишлари, айблов судда исботланмаган ҳолларда айбловни қувватлашни талаб қилишга йўл қўймасликлари лозим.

Судда иштирок этаётган ва давлат айбловини қувватлаётган прокурорлар нотиклик маҳоратига эга бўлишлари, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуш, ўзаро

тортишув тамойилига, суд муҳокамаси ва маданияти қоидаларига қатъий риоя қилишлари, далил-исботларни текширишда фаол иштирок этиб, ишни кўришда юзага келган масалалар бўйича асосли хулосалар беришлари, тарафлар музокарасида қатнашиб, судда аниқланган ҳолат ҳужжатларига баҳо бериб, жиноят содир қилганларга муросасиз бўлиб, тергов ва суддаги маълумотлар айбсизлигидан далолат берали деган ишончга келсалар, *айбловдан воз кечиб*, ўз фаолиятлари билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашишлари лозим.

Бундан ташқари, давлат айбловчисининг фикри судда ёзма тақдим этилиши мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабига риоя қилишлари керак.

Бу ҳақда, 2004 йил 11 май кунги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг *“Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”*ги 21-сонли буйруғи мавжуд.

Буйруқда қайд этилишича, «прокурорлар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларидан тўла ва самарали фойдаланиб, шахснинг шаъни ва кадр қимматини ҳурмат қилиш, тарафларнинг тортишуви, айбсизлик презумпцияси, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ҳамда жиноят процессининг бошқа принципларига қатъий амал қилган ҳолда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган қуйидаги ишлар судда кўрилишида **прокурор иштироки мажбурийдир**:

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- ярашув тўғрисидаги ишлар;
- ҳукмни ижро этиш билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасида;
- суд прокурорнинг иштирокини зарур деб топган ҳолларда;

- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилатган ишлар. Шунингдек:

- оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар;
- вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар;
- амнистия актини қўллаш билан боғлиқ жиноят ишлари судда кўрилишида.

Оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ишлар прокурорга айблов хулосаси билан келган вақтдан бошлаб давлат айбловчисини тайинлаш чоралари кўрилиши лозим.

Давлат айбловчиси сифатида тажрибали, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик соҳасида етарли билимга эга, нотиклик маҳоратини эгаллаган ходимларни тайинлаш амалиёти кенг жорий қилиниши талаб этилади.

Ўта оғир турдаги жиноят ишларининг судда кўрилишида прокуратура иш ўрганувчиларининг давлат айбловини қувватлашига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Суд муҳокамасига прокурорлар пухта тайёргарлик кўриб, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона олиб борилганлигини ўргансинлар. Суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорга суд мажлиси жараёнида алоҳида эътибор судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилиб, суд муҳокамаси қоидалари ва мунозара маданиятига амал қилиб, далил-исботларни текшириш ҳамда уларга баҳо беришда фаол қатнашиш. Иш бўйича қонун ва иш ҳужжатларига асосланган фикр бериб, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминлаш юклатилган.

Ярашув тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида прокурор ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказилмаганлиги ва бошқа масалаларни синчковлик билан текшириш орқали қонуний ажрим чиқарилишига кўмаклашишлари талаб этилади.

Прокурорнинг музокарасида судланувчининг айблилиги, унинг жиноий ҳаракатларини тавсифлаш, жазо турини ва меъёрини тайинлаш билан биргаликда, жиноят натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, қўшимча жазо тайинлаш, шунингдек, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига

имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида хусусий ажрим чиқариш тўғрисида фикрлар берилиши лозим.

Суд муҳокамасига айниқса, мансабдор шахслар томонидан содир этилган қонун бузилишлари юзасидан хусусий ажримлар чиқариш ҳамда уларни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласи қўйилиши керак.

Давлат айбловини қувватлаётган прокурорлар тергов ва суддаги маълумотлар судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келсалар, айбловдан воз кечиш тўғрисидаги қонун талабларига сўзсиз амал қилишлари талаб этилади.

Давлат айбловчисининг фикри судга ёзма тақдим этилиши мажбурийлиги ҳақидаги қонун талаблари оғишмай бажарилиши таъминланиши шартлиги ҳақида ҳам буйруқда талаб қўйилган.

Тегишли соҳавий буйруқда суд минбаридан қонунларни тарғиб қилиш, жамоатчилик эътиборини жиноятларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратиш воситаси сифатида самарали фойдаланилиши кераклиги;

Долзарб масалалар ва жамоатчилик ўртасида муҳим аҳамият касб этган жиноят ишлари бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиниши лозимлиги талаб этилган.

Судлар томонидан оқлов ҳукми чиқарилган жиноят ишлари бўйича махсус хабарнома зудлик билан Бош прокуратурага тақдим этилиши лозим. Оқлов ҳукми билан қелишилган тақдирда жиноят ишлари вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан шахсан тасдиқланган ҳулосалар билан Бош прокуратурага юборилиши керак.

Ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳукм ҳамда ажримларга прокурорлар томонидан апелляция, хусусий протест келтириш ҳақидаги қонун талабларининг оғишмай бажарилиши таъминланиши талаб этилади. Бу борада уларнинг шахсий масъулияти оширилсин ва уларнинг шу соҳадаги фаолиятига баҳо беришда апелляция протести самарадорлиги муҳим мезон, деб ҳисобланади.

Прокурор протестлари ишдаги мавжуд ҳужжатлар, далиллар, қонун нормалари билан асосланганлиги ҳамда расмийлаштириш сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган.

Бош прокурорнинг буйруқ билан қўйган талабларига қаторига, асоссиз протестлар келтирилишига йўл қўйилмаслик;

Ишни судда кўриш бошлангунга қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки чақириб олиш ваколатларидан фақат қонуний асослар мавжуд бўлсагина фойдаланилишлик;

Прокурор иштирокисиз қўрилган ишлар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги апелляция муддатида ўрганиб борилсин, протест келтиришга асос бўлмаган тақдирда хулоса тузилиб, прокурор томонидан тасдиқланиши лозимлиги;

Апелляция протести келтирилмаган ноқонуний суд қарорларига қонунда белгиланган тартибда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кассация протестлари келтирилиши лозимлиги ҳам таъқидланган.

Апелляция, кассация инстанцияларининг ноқонуний ажримларига назорат тартибида протест келтирилиши, бундай протест келтириш прокурорнинг ваколатига кирмайдиган ҳолларда эса юқори турувчи прокурорга асослантилган тақдимнома киритилиши лозим.

Ишлар судларнинг назорат босқичларида кўрилишида вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шахсан иштирок этишлари шартлиги талаб этилади.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларида қатнашадиган прокурор ишларни тўлиқ ўрганиб, протест ва шикоят важларининг асослилиги, суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан асослантилган фикр бериш лозимлиги;

Суд қарорлари юзасидан фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларнинг қонунда белгиланган муддатда, ишлар тўлиқ ўрганилган ҳолда қонуний ҳал қилиниши таъминлансин. Жиноят ишларини ўрганиш натижасига кўра, суд қарори асосли деб топилган тақдирда хулоса тузилиб, протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқлансин, ариза муаллифига эса асослантилган жавоб берилиши кераклиги;

Судларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорларининг қонунийлиги ўрганиб борилсин, ноқонуний қарорларга протест келтириш чоралари кўрилиши лозимлиги талаб этилади.

Бош прокуратуранинг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар соҳа бўйича ишларни ташкил қилишда бўйсунувчи прокурорлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш билан биргаликда, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор бериш;

Муҳокама этилаётган мавзу бўйича прокурорларга судлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиб, амалиётда юзага келган масалалар бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва қонунларнинг бир хилда татбиқ этилиши таъминлаш, бу борада суд-прокурор амалиёти мунтазам равишда ўрганиб, умумлаштириб бориш вазифаси ҳам юклатилган.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов ходимлари малакасини ошириш Маркази билан биргаликда ходимларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш борасида тавсия ва услубий қўлланмалар тайёрланиши, мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказиб турилсин, ижобий тажрибалар оммалаштирилиб, фаолиятга татбиқ этиб борилиши талаб этилади.

Прокурор томонидан айбловдан воз кечилганида, ҳар қандай ҳолда судланувчининг ҳолати яхшиланади, чунки бундай ҳолда, суд прокурорнинг тугган ўрнидан келиб чиқиб судланувчига нисбатан оқлов ҳукми чиқаради ёки содир қилинган жиноят учун суд муҳокамасида исботланган айблилик даражасига қараб, жазони енгиллатиб ҳукм чиқаради. Айни вақтда, агар айбловдан воз кечиш прокурор томонидан хато равишда қўлланса, жабрланувчининг судда химояланиш ҳуқуқи амалга оширилиши ҳамда жиноят туфайли унинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш масаласида муаммо пайдо бўлади. Шунинг учун бундай ҳолларда прокурорлардан ўта юқори касбий маҳорат ҳамда масъулият талаб қилинади.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 401-моддасида назарда тутилган жиноят ишини тугатиш учун асослар мавжуд бўлгандагина жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Яъни, ЖПК нинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлсагина жиноят ишини тугатиш мумкин. Бундай асослар бўлмасдан туриб, ушбу

босқичда прокурор томонидан айбловдан воз кечилганида жиноят иши тугатилмасдан, жиноят иши бўйича қўшимча тергов ҳаракатларини олиб бориш учун жиноят иши прокурорга қайтариб юборилади. Бу ерда жабрланувчининг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний кафолати мавжуддир.

Прокурор айбловдан воз кечса, албатта, ўз фикрини асослаб, ўз хулосасини ёзма равишда судга тақдим этиши керак. Чунки, биринчидан, прокурорнинг айбловдан воз кечиши жуда ҳам аҳамиятли ҳисобланади ва жиноят иши тақдирини ҳал қилади, иш ҳолатига қараб жиноят иши тугатилади ёки оқлов ҳукми чиқарилади;

-иккинчидан, айнан прокурорнинг айбловдан воз кечиш ҳақидаги ёзма фикрини суд ўзининг оқлов ҳукмига асос қилиб олади;

-учинчидан, суд прокурорнинг айбловдан воз кечиш ҳақидаги ёзма фикри билан жабрланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчиларини таништириб чиқиши лозим бўлади.

Жабрланувчи шу асослар билан танишиб чиққандан сўнггина, ўз фикри ва эътирозини билдириши мумкин.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси прокурорнинг айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шартлиги қонунда мустаҳкамлаб қўйган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2- майдаги 2- сонли қарорининг 5-бандида “ Иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин.

Судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.

Ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини фош қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини очиб ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозим” дейилган;

6-бандида: “Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади”;

12-бандида: “Эълон қилинган айбловнинг (айблов эпизодларининг) қисми судда ўз тасдиғини топмаган тақдирда, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айблов қисми бўйича окланишининг сабаблари келтирилади”;

18-бандида: “Судлар оқлов ҳукмини чиқаришга олиб келувчи, жиноий ҳодисанинг ёки жиноят таркибининг бўлмаслиги, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги тўғрисидаги асослар рўйхати Жиноят процессуал кодексининг 464-моддасида тўлиқ кўрсатилганлигини эътиборга олишлари лозим.

Оқлов ҳукми чиқарилаётганда унинг тавсиф қисмида ЖПКнинг 469-моддасига биноан судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти; суд аниқлаган иш ҳолатлари, судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд хулосасини тасдиқловчи далиллар; судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишончга сазовор эмас ёки старли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши; фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари баён қилинади.

Оқлов ҳукмига оқланганнинг айбдор эмаслигига шубҳа туғдирувчи ибораларнинг киритилишига йўл қўйилмайди” деб қайд қилинган. Кўриниб турибдики, амалдаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг тегишли Қарорлари билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган ва прокурор томонидан уларнинг манфаатларида айбловдан воз кечишнинг қонуний асослари яратилгандир.

Прокурор томонидан эса, айбловдан воз кечишда айнан юқорида кўрсатилган масалаларга эътибор берилиши шартдир. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши прокурорнинг жиноят ишлари бўйича фақатгина айблов томонидан иштирок этиши-

нигина эмас, балким, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, фукараларнинг Конституция билан белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний қафолати сифатида иштирок этишини билдиради.

Жиноят ишлари бўйича суд музокарасида прокурорнинг айблов нутқи

Суд музокараларининг мазмуни - авваламбор, тарафларнинг музокара нутқларидир. Музокара нутқлари эса, бахслашаётган тарафларнинг процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган характерни ўзида мужассамлаштирган нутқдан иборатдир.

Давлат айбловчиси нутқида ҳам кизгин мунозара бўлмаслигида оддийгина бир сабаб мавжуд, у ҳам бўлса, давлат айбловчиси айблов нутқини яъни, ўзининг музокара сўзини барча процесс иштирокчиларидан, шу жумладан, ҳимоячидан ҳам аввал биринчи бўлиб баён қилади. Шунинг учун давлат айбловчиси ўз музокарасини баён этаётганида ҳали ҳимоячи томонидан судланувчининг хатти-харакатларини оқловчи қандай далиллар, асослар келтирилиши, ҳимоя учун қандай аргументлар тақдим этилиши мумкинлиги ҳақида жуда ҳам тўлиқ маълумотга эга бўлмайди.

Бундай ҳолда эса, албатта, айнан қайси масалада мунозара қилиниши мумкинлигини олдиндан билиш ҳар қандай юксак маҳоратли давлат айбловчиси учун ҳам осон бўлмайди. Лекин ушбу ҳолат прокурорнинг ўз айблов нутқини ўзгартиришига асос бўлиб хизмат қилмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам прокурор давлат айбловчиси сифатида давлат номидан иш кўрадиган масъул мансабдор шахс ҳисобланади. Шу ўринда В.А.Ивановнинг бир сўзини эсга олиш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни, “Давлат айбловчиси қўллаётган прокурор музокара нутқига тайёрланаётганида, агарда ҳимоячи бўлганимда, музокарага қандай тайёрланган бўлар эдим, деган саволини ўз олдига қўйиб, тасаввур қилиб кўриши лозим.

Шунда, ҳимоячи томонидан ўз музокарасида қандай асос ва нажлар келтирилиши мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлган давлат айбловчиси томонидан ҳимоячининг тутадиган йўлини

олдиндан кўра олиш имконияти бирмунча кенгайди”¹⁸. Ушбу олимнинг фикри бизнинг назаримизда ҳам жуда тўғридир. Чунки, суд муҳокамаси даврида текширилган ва аниқланган далиллар бевосита давлат айбловчиси ва ҳимоячи иштирокида амалии оширилади. Суд муҳокамаси мобайнида қайси бир далил тўғри далил, қайси бир далил эгри далил ёхуд қайси бир далил оқловчи ёки қораловчи далил эканлиги ҳақида етарли тушунчага эга бўлинади.

Мунозарага сабабчи бўлиши мумкин бўлган далиллар қайси эканлиги ҳақида ҳамда айнан қайси далилларни ҳимоячи ўз ҳимоя нутқида судланувчининг фойдаси учун ишлатиши мумкинлиги ҳақида ҳам тушунчага эга бўлинади. Шундай экан, давлат айбловчиси томонидан айнан: “Агар ҳимоячи бўлганимда, ўз ҳимоя нутқимда ва қайси далиллардан кенг фойдаланган бўлар эдим? деган саволни ўз олдига қўйилиши у ўз айблов нутқида танкидий қараш орқали йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни бартараф этишга муваффақ бўлади.

Давлат айбловчиси ўз нутқини унутмаган қайд этилган талабларни ҳолда тайёрласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат айбловчисининг нутқи айблов қирралари остида суд муҳокамасини умумлаштириши, судда кўриб чиқилган далилларни таҳлил қилиб бериши ва далилларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида баҳо бериши, ўрганилаётган ҳодиса-воқеаниш мавжуд алоҳида томонлари ўртасидаги алоқани кўрсатиб бериши ҳамда ушбу жиноят иши бўйича жиноят қонунчилигининг қайси талабларини қўллаш лозимлигини ўзида ифода этиши керак

Давлат айбловчисининг айблов нутқида нисбатан қонун талаблари нималардан иборат ва унинг қонун билан белгиланган шакли қандай тарзда ифодаланиши керак? Бу саволга жавоб топиш учун қонунга ва судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш хусусида ёзилган юридик адабиётга мурожаат қиламиз.

Айблов нутқининг тўлиқ шакли қонун билан белгиланмаган бўлиб, бир қанча юридик адабиётларда қандай шаклга эга бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдирилган. В.М.Савицкийнинг фикрича, “ айблов нутқининг мазмуни ва тузилиши жуда ҳам

¹⁸ Иванов В.А. Указ.соч.с52-53, В.М. Савицкий “ Очерк теории прокурорского надзора” Указ.соч. с.338.

турлича бўлиши мумкин. Унинг турлича бўлишига эса, содир этилган жиноятнинг каерда содир этилганлиги, жиноятнинг характери, исботлашнинг мураккаблиги, судланувчи ёки жабрланувчи шахсининг ўзига хос хусусиятлари, суд процесси иштирокчиларининг таркиби кимлардан иборат эканлиги, давлат айбловчиси суд минбаридан туриб айблов нутқини айнан процесс иштирокчиларининг тушуниш даражасига қараб, қай тартибда тузиши мумкинлиги, шунга қараб айнан қайси масалаларга чуқурроқ тўхталиб ўтиши, қайсидир масалаларга эса камроқ ўрин ажратишни мумкинлиги таъсир қилади, конун билан давлат айбловчисининг нутқини тартибга солиш мақсадга мувофиқ эмас”¹⁹.

Худди шунга ўхшаш фикрни М.Л.Шифман ўзининг “Жиноят ишлари бўйича прокурорнинг нутқи” асарида билдириб, “Аввалдан айблов нутқи элементларини ва айблов нутқи тузилишини шакллантириб олиш, умуман олганда, фойдали эканми. Ахир, прокурорнинг суддаги сўнги натижавий чиқиши эркин ва ихтиёрий тарзда тузилган бўлиши керак-ку. Бу ерда давлат айбловчиси ўзининг айблов нутқида тўпланган фактларни жамлаб, суд тергови мобайнида аниқланган фактларни бир бирига қўшиб, натижаси юзасидан суд ҳукм чиқариши мобайнида ҳал қиладиган барча масалалар хусусида ўз фикрини билдиришига катта аҳамият қаратиши керак”²⁰, дейди.

М.Маляров ҳам ўзининг “Давлат айбловчисининг нутқи”га оид мақоласида шу тўғрисида тўхталиб, Шифманнинг фикрига қўшилган²¹. Бизнинг фикримизча эса, уларнинг фикрларида, албатта, қандайдир маънода мантиқ борга ўхшасада, ҳозирги вақтга келиб бу фикрлар амалиётда ўзини чала оқлади деб ҳисоблаймиз. Нимага ўзини тўлиқ оқламади, чунки собиқ иттифоқ жиноят процессуал қонунларида, хусусан, Ўзбекистон ССРнинг ЖПКда ҳам қонун билан, албатта, айблов нутқини қандайдир қисмини шакллантириб қўйилмаслиги оқибатида ҳар бир жиноят иши бўйича давлат айбловчиси сифатида қатнашаётган прокурорларнинг, прокуратура ходимларининг фақат-

¹⁹ В.М. Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. Наука, М.1975, с.340-341.

²⁰ Шифман М.Л. Речь прокурора по уголовному делу. Под редакцией П.И. Кудрявцева. Госюриздат. 1960.

²¹ Маляров М. “Речь государственного обвинителя” Соц законность, 1964. № 9, с.20-28.

гина ўзларининг билим савиялари доирасидагина жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо беришлари ёхуд умуман ҳеч қандай тартибсиз айблов нутқларини тузишлари, аввал қайси жиноят иши кўрилаётганлиги ёхуд жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилиги нимадан иборат эканлигини баён қилмасдан туриб, судланувчи шахсини тўлиқ ёритмай туриб, жиноят иши бўйича далилларни текшириш натижаларига ҳам кетма-кетликда мурожаат қилмай, айблов нутқи билан судда музокара сўзлаб, айблов нутқларининг тарбиявий аҳамиятини тўлиқ очиб бера олмаслик ҳолларига йўл қўйганлар.

Шу айтиб ўтилган камчиликларга барҳам беришнинг ягона йўли - айблов нутқида прокурор қайси масалаларга тўхталиб ўтиши шарт эканлигини, қайси масалалар бўйича мажбурий тарзда ёзма фикрини судга тақдим қилиши лозимлигини мустақилликка эришганимиздан сўнг, мустақил Ўзбекистоннинг жиноят процессуал қонунчилигида қонун билан белгилаб қўйилиши бўлди. Бу қонун талаблари Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 450 ва 457 -моддасида қайд этиб ўтилган.

Қонун айблов нутқининг маълум бир қисмини шакллантирар экан, қолган қисмини қандай шакллантириш лозимлиги ҳақида эса аниқ бир чегара белгиланган эмас. Лекин шундай бўлсада, бу масалада бир қанча илмий мулоҳазалар мавжуд.

Амалиётда Ўзбекистон Республикаси Прокуратура идоралари ходимлари томонидан илмий фикрлар ичидан қонунларимизга зид бўлмайдиган илғор фикрлар ажратиб олиниб, уларга асосан айблов нутқининг матни ўз ифодасини топиб, прокуратура органлари томонидан самарали равишда қўлланиб келинмоқда. Масалан, А.Дж. Давлетовнинг рус тилида тайёрланган “Прокурор назорати” дарслигининг жиноят ишларининг судларда кўрилишида давлат айбловчиси нутқиға багишланган қисмида прокурорлик амалиётида **айблов нутқининг қуйидаги элементлари шаклланганлиги** тўғрисида тўхталиб ўтилган:

- 1) жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо бериш;
- 2) ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилиш;
- 3) далилларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

- 4) қилмишга берилган юридик квалификацияни асослаш;
- 5) судланувчининг шахсини тавсифлаш;
- 6) айбдорнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;
- 7) жиноятларни келтириб чиқаришга ёрдам берган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш чора тadbирлари ҳақида таклифларни шакллантириш;
- 8) тайинланиши лозим бўлган жазога, ундирилиши лозим бўлган фуқаролик даъвосига, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундиришга ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан ўз таклифини билдириш;
- 9) хулоса қилиш.

Шунингдек, А.Дж. Давлетов томонидан кўрсатилишича, албатта ҳар қандай жиноят иши учун худди шу кўрсатилган тартибда, айблов нутқини тузиш шарт эмас. Айблов нутқининг элементлари худди шу тарзда баён қилиниши зарур эмас. Балки, жиноят ишининг ўзига хос хусусиятларига, жиноят иши бўйича тўпланган материалларнинг тузилишига қараб, айблов нутқининг қайд қилинган элементлари жойлашиши ўзгариши, шу элементларнинг мазмуни ва бутун ҳажми аниқ воқеа ҳолатларига қараб ўзгариши мумкин²².

Шу ўринда яна бир савол туғилади, хўш мана шу айблов нутқи элементларининг мазмуни нималардан иборат. Бунинг учун ҳар бир элемент мазмунини таҳлил қилиб чиқамиз.

Жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо бериш - ҳар бир айблов нутқининг ажралмас қсמידир. Жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо бериш жиноят иши бўйича тўпланган фактик материалларга асосланган, аниқ ва бутун айблов нутқи билан бевосита боғланган бўлиши керак. Давлат айбловчисининг нутқида бундай баҳо бериш жиноят иши юзасидан ҳақиқий ҳолатларни баён қилишда ёки далилларга баҳо бериб кетишнинг ўзи билангина кифояланиши етарли эмас. Баъзи ҳолларда прокурорнинг айблов нутқи шу билан яқунланади, ҳолос. Жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо беришнинг мазмуни ва ҳажми кўпинча ишнинг характеридан, содир этилган жиноий қилмишнинг хавфлилиқ

²² Қаранг, А.Дж. Давлетов. Прокурорский паdзор. Учебник. Издательство "Билим". Нукус. 1999, с.194.

даражасидан, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлардан ва суд муҳокамасининг процессуал тартибидан келиб чиққан ҳолда, катта ёки кичикрок бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда, прокурорлар ўз айблов нутқларида содир этилган жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо беришда, албатта мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, давлатимиз фуқароларининг фаровон ва гинч-тотув яшашлари учун давлатимиз раҳбарияти томонидан қилинаётган ишлар, фуқароларимизнинг ўзлари томонидан шундай ҳаётга нисбатан интилишлари, қонунчилигимиз соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунларнинг демократик руҳда эканлиги ҳақида гапириб ўтишлари, жойларда, маҳаллаларда ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бир қанча ижобий ишлар қилинаётганлиги, халқимизнинг ҳуқуқий онгини ва маънавиятини юксалтириш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлашлари ва шунга қарамасдан, ханузгача жамиятимизнинг баъзи бир фуқаролари томонидан қонун бузиш ҳолларига йўл қўйилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги, ушбу содир этилган жиноятнинг жамиятимиз учун, ҳар бир жамиятимиз аъзоси учун қанчалик хавфли эканлиги, ҳар бир содир этиладиган жиноят шу жамиятнинг томирига тушган қурт каби салбий таъсирга эга эканлиги ҳақида сўзлаб, суд минбаридан фуқароларда давлат сиёсатиغا, қонунга, идораларга, барча фуқароларга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотувчи, уларнинг маънавиятини юксалтирувчи қонунлар ташвиқотини амалга оширишлари лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталишлари лозим.

Жиноятга ижтимоий-сиёсий баҳо беришда давлат айбловчиси ҳар бир жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари, хавфлилик даражаси ҳақида аниқ тушунча бериши керак. Масалан: наркотик моддаларни сақлаш, наркотик савдоси билан боғлиқ жиноят бўлса, уни ўзига хос маълумотлар тартибида баён қилишни билиши керак. Шунингдек, қасддан баданга тан жароҳати етказиш ёки қасддан одам ўлдириш жиноятлари бўлса, у ҳолда ҳам шу каби жиноятлар жамият учун қанчалик даражада хавфли эканлигини, мамлакатимизда яшаб, истикомат қилаётган ҳар бир инсоннинг, фуқаронинг соғлиғи, ҳаёти тегишли қонунлар билан муҳофаза қилиниши кафолатланганлигини, ҳеч бир шахс

қонунсиз равишда жиноий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилмаслиги, қонунни бузган шахслар эса, албатта, қонун олдида жавоб беришини, қонун барчага баробарлигини, жиноят содир этган ҳар қандай шахс қонун олдида тенг равишда жазога тортилишини, яъни жазонинг муқаррарлиги принципи мазмунини, тайинланадиган жазолар эса адолатли равишда тайинланиши, бу борада одил судлов принциpidан четга чиқилмаслиги қоидаларини суд процессининг барча иштирокчиларига етказа билиши зарур.

Ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилишда прокурор суд процесси иштирокчилари кўз ўнгида жиноят иши юзасидан воқеа ҳолатларининг умумий тафсилотини намоён қилади ва бу билан келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган далилларни муҳокама қилиш вазифасини енгиллаштиради. Прокурорнинг айблов нутқида далилларни таҳлил қилиш, уларга баҳо бериш кўпинча, жиноят иши юзасидан ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилиш билан кузатилади.

Айблов нутқининг ушбу элементи ўз ичига давлат айбловчиси томонидан содир этилган жиноят ҳодисаси қачон, қасрда содир бўлганлиги, ким томонидан содир қилинганлиги; содир бўлган жиноят ҳодисаси бўйича қачон ва қасрда, ким томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг қайси моддаси билан жиноят иши қўзғатилганлиги, жиноят иши ким томонидан тергов қилинганлиги ва дастлабки тергов ҳаракатлари натижасида ким (кимлар) айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинганлиги; унга нисбатан қандай турдаги эҳтиёт чораси қўлланилганлиги, дастлабки тергов қачон тамомланганлиги ва айблов хулосаси жиноят иши судда кўриб чиқиш учун юборилганлиги ҳақидаги умумий тафсилотларни баён қилади.

Албатта, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини баён қилишда ҳозирда қайд этилган маълумотлар ичидан жиноят иши ким ва жиноят кодексининг қайси моддаси билан қачон қўзғатилганлиги, жиноят иши бўйича дастлабки терговни ким амалга оширганлиги ва айнан қачон судга юборилганлиги ҳақида тўхталиб утилмаса ҳам бўлади. Чунки, бу маълумотлар жиноят ишини суд муҳокамасида кўриш бошланган вақтда барча процесс иштирокиларига эълон қилинган бўлади. Шунинг учун воқеа

ҳолатларининг ушбу томонларига айбловчи томонидан катта урғу берилмаслиги мумкин. Бу эса, қонунга зид эмас. Лекин, жиноят иши бўйича айбловни қувватлаётган прокурор ушбу масалада тўлиқ мустақил фикрга эга бўлиши лозим. Масалани кенг ёритиш керакми, йўқми, баён доирасини кенгайтириш лозим ёки лозим эмаслиги муаммо унинг эркига ҳавола қилинади.

Прокурор айблов нутқининг марказини, асосини суд томонидан малакали, ҳар томонлама, тўла ва объектив тарзда текширилган далиллар таҳлили ва далилларга баҳо бериш ташкил этиши лозим. Айбловчи айбловнинг ҳар бир банди, содир этилган жиноятнинг ҳар бир эпизоди бўйича ўзининг объектив тарздаги мунособатини билдириши шарт. Айниқса, шу нарса жуда ҳам муҳимки, прокурор далилларни таҳлил қилиб, уларга баҳо бераётганида, ҳар бир далилнинг жиноят ишига алоқадорлиги, тааллуқлилиги, ишончлилиги ва процессуал аҳамиятга эга эканлиги ёки бундай хусусиятларга эга эмаслиги ҳақида асослантирилган факрини билдириши керак.

Шунингдек, прокурор жиноят иши бўйича низоли ҳисобланган, шубҳали ёки масалани судланувчининг фойдасига ҳал этадиган, яъни тарафларнинг баҳсига сабабчи бўлган далилларга алоҳида эътиборни жалб қилишга мажбур.

Айблов нутқининг фактик асосини суриштирув, дастлабки тергов мобайнида топилиб, аниқланган ва прокурор томонидан судда кўриш учун тақдим қилинган айбланувчи айбини исботловчи далиллар ташкил қилади. Ушбу далиллар мажмуаси судда айблов функциясини амалга ошириш учун давлат айбловининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Айбланувчи айбини фош қилувчи далилларнинг бир-бири билан қанчалик даражада мужассамлашганлиги ва гармоник муштараклиги давлат айбловини қувватлаш муваффақиятли чиқишининг замини ҳисобланади.

Лекин, бу ишнинг бир томонини акс эттиради. Масаланинг иккинчи томони - тўпланган далилларга нисбатан прокурорнинг субъектив мунособати, исботлаш жараёнида ўз тасдиғини топган ёки рад қилинган фактларга нисбатан баҳо бериши ҳисобланади.

Аниқланган далиллар қанчалик даражада кўп, турлича бўлишидан қатъи назар, жиноят иши юритувининг ушбу босқи-

чида ишни келгуси такдирини ҳал қиладиган процесс иштирокчиси субъектининг самарали-мантиқий фикрлаш фаолияти билан руҳлантирилмаса, бу далиллар ҳар ердан қирқиб олинган ўлик фактлардангина иборат бўлиб қолади. Айнан далилларга баҳо бериш ва ундан келиб чиқувчи юридик аҳамиятга эга бўлган хулосалар ҳар қандай айблов бўйича ишни мазмунан ҳал қилишнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Суд терговда аниқланиб, текширилган барча далилларни таҳлил қилиш ва алоҳида-алоҳида ҳамда бутун далиллар мажмуасига биратўла баҳо бериш йўли билан судланувчининг айбдорлиги ва содир этилган жиноят бўйича айбининг қай даражада исботланганлиги ҳақидаги хулосасини шакллантириб беради.

Қилмишга берилган юридик квалификацияни асослаш ҳам ҳар бир айблов нутқининг таркибий қисми ҳисобланади. Айблов нутқининг бу қисми далиллар таҳлили ва далилларга баҳо беришдан сўнг акс эттирилади. Албатта, суд муҳокамаси аниқланган, текширилган ва ишончли ҳисобланган далилларга асосланган бўлиши, қонун талаблари бўйича аниқ ифодаланган бўлиши шарт. Судда иштирок этаётган прокурор ўз айблов нутқида судланувчининг жиноий қилмишига юридик баҳо берар экан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида жиноят деб қайд қилинган ҳар бир жиноий қилмишнинг жиноят таркибини жуда ҳам яхши билиши; уларни бир-бирларидан яхши фарқлай олиши; жиноят кодекси махсус қисми моддалари билан жиноий қилмишни квалификация қилиш учун жиноят элементларини чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Прокурор судланувчи ҳаракатларига юридик баҳо беришдан аввал, қўйилаётган айблов бўйича Жиноят Кодекси моддаси билан айблаш учун қандай ҳолатлар мавжуд бўлиши лозимлигини, ушбу моддани ташкил қилиш учун жиноий қилмиш ўзида қандай элементларни ифода этган бўлиши кераклигини, ушбу модданинг жиноят таркибини ташкил этиш учун қандай талаблар мавжуд бўлиши лозимлигини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб бериши лозим.

Шундан сўнг, жиноят иши бўйича тўпланган далиллар мажмуи бўйича судланувчи ҳаракатлари аниқ ва равшан квалификация қилиб берилади. Тўпланган ва текширилган

далилларнинг қайси бири жиноят кодексининг айнан қайси моддасида кўрсатилган жиноят судланувчи томонидан содир этилганлигини тасдиқлаётганлигини кўрсатиб, ўз фикрини қонуний асослантириб бериши зарур.

Бундан ташқари, агарда, жиноят ишида кўрилатган жиноятга оид масалалар юзасидан Олий Суд Пленумининг тегишли қарори қабул қилинган бўлса, шунингдек, қарорда шу тоифадаги жиноятларга юридик баҳо бериш, яъни уларни Жиноят Кодексининг моддалари билан квалификация қилиш борасидаги кўрсатмалар мавжуд бўлса, унда шу кўрсатмалардан, албатта, фойдаланилиши ва унинг мазмунини процесс иштирокчиларига кенг ёритиб, тушунтириб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Прокурор томонидан судда аниқланган далилларга асосан, судланувчи жиноятини дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилиш қарорида ҳамда прокурор томонидан тасдиқланган айблов ҳулосасида кўрсатилган Жиноят Кодекси моддасидан бошқа модда билан квалификация қилиш зарур бўлса ёки модданинг баъзи бандларини судланувчини айбловдан чиқариб ташлаш лозим деган ҳулосага келса ҳам, албатта, прокурор нима учун бундай қарорга келганлигини тўлиқ баён қилиб, ўз фикрини қонуний асослантириб бериши лозим бўлади.

Судланувчи шахсини тавсифлаш айблов нутқининг зарурий элементи ҳисобланиб, судланувчи шахси ҳақидаги маълумотлар аниқ, батафсил, энг асосийси, судланувчининг турмуш тарзи, жамиятда тутган ўрни, унинг муқаддам судланган-судланмаганлиги, агарда судланган бўлса, қачон, қаерда нима учун судланганлиги, жазони ўтаган-ўтамаганлиги, жазодан озод бўлганлиги асоси, судланганлик муддатини ўтган-ўтмаганлиги, содир этилган жиноятга унинг муқаддам судланганлигининг таъсири бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги, уни характери, аслида, ким эканлигини ифодаловчи ҳақиқий маълумотларга асосланган бўлиши зарур.

Прокурор ўз айблов нутқида айбдорни айбининг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таҳлил қилиши ва уларга баҳо бериши лозим. Прокурор қонун ҳимоячиси сифатида жиноят ишига бир томонлама ёндашмаслиги, иш

бўйича аниқланган далилларга ҳолисона ва объектив тарзда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 23-моддасида кўрсатилган “айбсизлик презумпцияси” принципи талабларини эсдан чиқармаган ҳолда, бегараз баҳо бериши керак. Жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 55-моддасида кўрсатилган айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда 56-моддасида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи ҳолатларга одилона мунособатда бўлиб, шу ҳолатларни муҳокама қилиши, иш қонуний ҳал бўлиши учун судга қўмаклашиб, ушбу ҳолатларни кўрсатиб бериши зарурдир.

Айблов нутқининг яна бир элементи прокурор томонидан жиноятларни келтириб чиқарган шарт-шароитлар ва сабабларга тегишли тарзда баҳо бериш ҳисобланади. Бунда прокурор кўриб чиқилган жиноят иши бўйича судланувчи томонидан содир этилган жиноятнинг келтириб чиқарган шарт-шароитлар, бу жиноятни келиб чиқишига ёрдам берган ҳолатлар нималардан иборат эканлигини ёритади. Жиноятнинг сабаб ва илдизларини чуқур таҳлил қилиб бериши, зарур бўлган ҳолларда, суддан ушбу ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида шу каби жиноятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қабул қилиниши юзасидан қонун билан белгиланган тартибда хусусий ажрим чиқаришни талаб қилиши шартдир. Бундай ҳолларда, прокурор судга жиноятни келтириб чиқарган шарт-шароитни бартараф қилиш ҳамда шу каби жиноятлар содир бўлмаслиги учун жиноятни олдини олиш юзасидан айнан қандай чора-тадбир қўлланиши зарурлигини кўрсатиб берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Прокурор нутқининг яна бир зарурий элементи тайинланиши лозим бўлган жазога, ундирилиши лозим бўлган фуқаролик даъвосига, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундиришга ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан ўз таклифини билдириш ҳисобланади. Прокурор ушбу масала юзасидан ўзининг фикрини батафсил асослантириши, судланувчига нисбатан нима учун айнан шу турдаги жазо танланиши лозимлигини (масалан: озодликдан маҳрум қилиш бўлса, нима учун айнан озодликдан маҳрум қилиш жазоси танланиши кераклигини ва нима учун уни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган

бошқа жазо билан жазолаш мақсадга мувофиқ эмаслигини), мақсадга мувофиқлигини, жазони ўташ муддати қанча бўлиши кераклигини ва нима учун қонунда кўрсатилган жазо муддатининг айнан шу миқдори белгиланиши лозимлигини асослаб бериши керак.

Айни масалада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг тегишли қарорлари талаблари нималардан иборат эканлигини, қонун талаб этган ҳолларда судланувчини жазодан озод қилиш масаласини, судланувчига нисбатан амнистия актларини қўллаш масаласига нисбатан ўз мулоҳазаларини қонуний асослангандиган ҳолда, судга баён қилиб бериши зарур.

Айблов нутқининг хулоса қисми ёрқинлиги, таъсирчанлиги, қисқалиги ва хулосаларнинг тушунарлилиги билан ажралиб туриши керак ҳамда ўз-ўзидан юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 450-моддаси “Тарафларнинг айбловнинг моҳияти юзасидан таклифлари” деб номланган бўлиб, унда кўрсатилишича, “музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1-6-бандларда назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийдир”. Хўш, 1-6-бандларда қандай масалалар назарда тутилган деган савол туғилади. Албатта, қонуннинг ўзида бу саволга жавоб мавжуддир. Ушбу модда “Ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар” деб аталади. Суд эса муҳим масалаларни қонун билан белгиланган тартибда, алоҳида маслаҳатхонага кириб ҳал қилади. Демак, айнан суд ҳукм чиқариши вақтида алоҳида маслаҳатхонада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича ёзма равишда хулоса бериш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Бунинг учун 457-моддага мурожаат қиламиз. Унда қайд этилишича, суд маслаҳатхонада қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;

2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;

4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми.

Айнан шу масалалар юзасидан қонун бўйича ишда қатнашаётган давлат айбловчиси ўзининг таклифларини ёзма равишда судга тақдим қилиши шарт.

Мана шу олтита банддан кўриниб турибдики, прокурор қонун бўйича судланувчининг айби нимадан иборат эканлиги, уни Жиноят Кодексининг қайси моддаси қайси қисми, қайси банди билан айбдор деб топиш кераклиги, содир этилган жиноятда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор ёки йўқлиги, ҳамда судланувчи жазоланиши керакми, йўқлиги ҳақидаги ўз таклифини билдириши кўрсатилган. Унда айнан қандай турдаги жазо белгиланиши, жазонинг миқдори (муддати) қанча бўлиши, жазони қандай тартибли жазони ўташ муассасасида ўташи кераклиги ҳақидаги таклифини бериши лозимлиги қайд қилинмаган.

Амалиётдачи, суд музокараси мобайнида давлат айбловчиси ўз нутқида, бундан ташқари оғзаки равишда суд маслаҳатхонага кирганда ҳал қилиши лозим бўлган қуйидаги масалалар юзасидан ҳам ўз фикрини билдиради:

1) судланувчига қандай жазо (жазо тури, миқдори, муддати) тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

2) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавfli рецидивист деб топиш лозимми;

3) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

4) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят

туфайли келтирилган мулкый зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми;

5) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

6) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

7) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилани зарурми.

Агарда иш бўйича бир неча судланувчи жиноят содир этишда айбланаётган бўлсалар, унда юқорида қайд қилиб ўтилган масалалар юзасидан давлат айбловчиси ўз хулосаларини ҳар бир судланувчига нисбатан алоҳида-алоҳида билдириши лозим.

Кўришиб турибдики, суд ҳукм чиқариши учун ҳал қилиши лозим бўлган барча масалалар юзасидан прокурор алоҳида маслаҳатхонада ўз фикрини билдириши керак.

Лекин, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят процесуал кодексининг 450-моддасида қонуншунос аниқ қилиб, 457-модданинг 1-6-бандларида кўрсатилган масалалар юзасидангина давлат айбловчиси ва ҳимоячиси ўзи таклифларини ёзма равишда тақдим қилишлари лозимлиги қайд қилинган. Қонунда бундан ташқари, бошқа масалалар юзасидан давлат айбловчиси ва ҳимоячини ўз таклифларини оғзаки равишда билдиришга мажбур эканликлари қайд қилинмаган.

Суд музокараларидан кейинги луқма(реплика)

Суд музокараси иштирокчилари ўз музокара нутқларини ижро этишганидан сўнг, шу жумладан, прокурор ҳам тарафларнинг музокаралари хусусида яна бир марта луқма билан ўз фикрларини билдириши мумкин. Қонунда кўрсатилишича: «Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади». (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 449-моддаси).

Ҳимоя вакилларининг музокара нутқиға жавобан давлат айбловчисининг сўзга чиқиши - давлат айбловчисининг лўқмаси деб аталади. Амалдаги қонун тили билан лўқма деб аталмасида, музокара нутқиға нисбатан эътироз ва мулоҳазани жуда кўп олимлар тегишли адабиётларда айнан лўқма деб юритишади. Шунинг учун биз ҳам шу олимларнинг фикрларига кўшилган ҳолда, ўз фикримизни ифода этишда лўқма сўздан фойдаланишни маъқул топдик.

Лўқма ўз моҳиятига кўра муҳимдир, лекин суд процессида прокурор музокарасининг зарурий элементи ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳар бир жиноят иши бўйича прокурорнинг фикрига ҳимоя вакиллари томонидан зид фикр берилганида қўллаш лозим деган фикрга қўшилмаймиз. Агарда, ҳар бир жиноят иши бўйича лўқма билан сўзга чиқиш мажбурий элементга айланиб қолса, амалиётда, кўпинча, айблов нутқининг асосий моҳиятига путур етказиши мумкин бўлган ортиқча такрорлашга олиб келади.

Прокурор лўқмадан фақатгина шундай ҳолларда фойдаланиши керакки, қачонки ҳимоячилар ўз музокараларида фактларни бузиб кўрсатсалар, қонунни нотўғри талкин қилсалар ва виждонли ҳимояни қўллаш ўрнига шу каби жиддий чекинишларга йўл қўйсалар ённки, прокурор ўзининг айблов нутқида иш учун муҳим бўлган ҳолатларни кўрсатиб ўтиб кетмаган ёки етарли равишда шу ҳолатларни ёритиб кетмаган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади²³.

Баъзан, прокурор ҳали суд тергови мобайнида баъзи далилларга нисбатан ҳимоячининг аниқ фикри қандай эканлиги ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлмайди. Шунинг учун прокурор ўз айблов нутқи баёни вақтидаёқ лўқма билан чиқишни ўйлаб қуяди. Бундай ҳолларда, прокурор ҳимоячининг айнан қайси далилларга нисбатан аниқ фикри ҳақида шубҳаси бўлса, шу далилларни таҳлил қилиб уларга баҳо бераётганида, ҳимоячи ўз ҳимоясида фойдаланиши мумкин бўлган ҳолатга чуқур баҳо бермасдан ўтиб кетади. Ҳимоячининг шу ҳолатга нисбатан фикрини эшитганидан сўнггина, прокурор ҳимоячининг ҳимоя нутқиға нисбатан лўқма билан сўзга чиқиш мобайнида ўша далилга нисбатан ўзининг якуний фикр-мулоҳазасини беради.

²³ Государственный обвинитель в советском суде. Под общей редакцией В. А. Болдурова. 1954. Москва. с.300.

Айнан шундай ҳолатларда, луқма - айблов нуткининг зарурий элементига айланади.

Аммо, асосий айблов нуткини шундай тузиш керакки, унда ҳимоячи томонидан келтирилиши мумкин бўлган важларга ҳам жавоб бериб кетилиши керак Шундай қилиб, прокурорнинг луқмаси - суд музокарасининг зарурий элементи ҳисобланмайди. Прокурор фақатгина зарурий ҳоллардагина, қачонки, прокурор агарда ҳимояга нисбатан ўз фикрини билдирмаса, айбловга путур етиши мумкин бўлганда ҳамда ҳимоячининг музокара нуткини жавобсиз қолдирса, иш ҳолатлари ўзгача талқин қилиниши ёки қонунни нотўғри қўллашга олиб келади, деган асос бўлган тақдирдагина луқмага мурожаат қилиши мумкин.

Луқманинг тузилиши ҳамма вақт ҳам ҳимоячининг ҳолатидан келиб чиқади. Чунки, луқма ўз-ўзидан ҳимоячининг музокара нутқида жавоб нутқи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1997 йил 22-августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 13-бандида. Тарафларнинг музокара сўзлари ЖПК нинг 449-моддаси тартибида суд баённомасида тўлиқ акс эттирилган бўлиши лозим. Агарда тарафлар ўз нутқларини ёзма равишда тақдим этмасалар, бу ҳақда баённомада қайд этилиши керак

Судларга тушунтирилсинки, суд тергови тамомлангандан сўнг тарафлар музокара сўзларидан кейин уларнинг ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлари бўлса яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин”, дейилган.

Процесс иштирокчиларининг шахсий муносабатлари замирида, ўзаро келишмовчиликлари ёхуд тарафларнинг бир-бирларига нисбатан пайдо бўлган қарама-қаршиликлари туфайли луқмадан фойдаланиш мумкин эмас. Луқмани тарафлар фикрлари бир-бирига қарама-қарши бўлганлиги сабабли, шахсий келишмовчиликларни ойдинлаштириш қуролига айлантирмасликлари лозим. Луқма, асосий айблов нутқи каби аниқ, иш-ботланган, юқори даражада асосланган фактлардангина тузилган бўлиши керак

Суд мажлиси баённомаси бўйича мулоҳаза билдириш

Прокурор Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 426- моддасида баён қилинган суд муҳокамаси баённомасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги қонун талабларини ҳам ўз назаридан қочирмаслиги лозим. Ўзи қатнашган ишлар бўйича суд муҳокамаси баённомаси қонунда белгиланган муддатда тайёрланганлиги ва имзоланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Чунки, суд муҳокамаси иштирокчилари томонидан суд муҳокамаси баённомаси билан ўз вақтида танишиш ва эътирозлари бўладиган бўлса, уларни билдириш ҳукуқи поймол бўлмаслиги лозим.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

Қонун талабига кўра, суд баённомасини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 90-моддасига асосан раислик қилувчи ва суд мажлиси қотиби томонидан амалга оширилади. Баённомага: суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар; бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; суд тергови ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатмалари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 426- моддаси талабига кўра, суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатмаларини суд мажлисининг баённомасида имзолайдилар.

Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг қотиби томонидан имзоланади.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб уз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт. Бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1997 йил 22-августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 19-бандида: Суд мажлиси баённомаси иш бўйича муҳим процессуал ҳужжатлардан бири эканлигини эътиборга олиб, судлар Жиноят процессуал кодексининг 426-моддаси талабларидан келиб чиқиб, уни юритиш сифатини яхшилаш чораларини кўришлари керак.

Баённоманинг ўз вақтида ва сифатли юритилиши учун раислик этувчи қаторида суд мажлиси котиби ҳам масъулдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 426-моддасининг 5-қисмига биноан, баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан ўрталарида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт. Бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб баённомага илова қилинади.

Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби Жиноят-процессуал кодексининг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади. Агарда суд мажлиси жараёнида бир нечта котиб қатнашган бўлса, ҳар қайси котиб ўзи юритган ёзув учун баённомани имзолаши шарт. Раислик этувчи ўзгармаган бўлса, суд мажлиси тамом бўлгандан кейин имзо чекиши етарлидир.

Суд мажлиси баённомаси аниқ, тушунарли жилдда ёзилиши, ўчиришлар ёки киритилган сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар ҳусусида баённома охирида имзолаш олдидан изоҳ берилиши зарур (ЖПК нинг 92- моддаси)” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 426-моддасининг олтинчи қисмида кўрсатилишича “Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш восита-

ларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади”.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим. (ЖПКнинг 426-моддаси).

Суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 427-моддаси).

Раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаган тақдирда, бу мулоҳазалар ушбу ишни кўрган суд таркиби ҳал этиши учун киритилади. Башарти ишни судьянинг яққа ўзи кўриб чиққан бўлса, раислик қилувчининг қарори узил-кесил ҳисобланади, лекин манфаатдор тарафлар бу қарор устидан ЖПК да назарда тутилган тартибда шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин. (ЎЗР ЖПКнинг 427-моддаси).

Суд баённомасига давлат айбловчиси томонидан мулоҳаза билдиришнинг илмий ёки амалий шакли мавжуд эмас.

Қонун йўли билан мулоҳаза билдириш ҳаракатини ифода қилувчи ҳужжатни расмийлаштиришга нисбатан талаблар қўйилмаган. Иш бўйича айбловчи бўлиб қатнашган прокурор томонидан ҳам ёхуд ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқа иштирокчилар, шу жумладан, ҳимоячи томонидан ҳам суд баённомасига ўз мулоҳазасини билдириш эркин баён қилиш орқали амалга оширилади. Суд процесси иштирокчилари бўлган прокурор ва ҳимоячи ёхуд бошқа иштирокчилар томонидан тузиладиган мулоҳаза билдириш ҳужжати шакли (бланки) қуйидагича тахминий андазада бўлиши мумкин:

Суд мажлисининг баённомаси юзасидан

МУЛОҲАЗА

2002 йил 30 январь

Тошкент шаҳри,

Яккасарой тумани суди

(Мулоҳаза киритилган сана) (Мулоҳаза билдириш жойи)

Мулоҳаза билдирувчи: № N-сонли жиноят иши юзасидан 2002 йилнинг 25 январь куни суд муҳокамаси ўтказилган бўлиб, ушбу ишда мен Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани прокурорининг катта ёрдамчиси 1-даражали юрист Далиев Шухрат Эркинович прокурор - (давлат) айбловчи (си)

(Суд процесси иштирокчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, процессдаги ўрни) сифатида қатнашдим.

Мулоҳаза (суд баённомасига эътироз) мазмуни. Суд муҳокамаси мобайнида суд таркиби томонидан (ёхуд якка тартибда иш кўрилганида суд мажлисига раислик этувчининг ўзи томонидан) судга тақдим қилинган далилларни ўрганиш, текшириш ва гувоҳлар ёки тегишли экспертни ёхуд мутахассисни суд тергови мобайнида “..... бундай” деб берган кўрсатуви, суд муҳокамасининг баённомасида ўз ифодасини топмаган. Ёинки, ушбу ҳолат суд баённомасида суд муҳокамасидагидан ўзгача тарзда “..... бундай деб “ифода қилиб баён қилинган. Бу эса, мана шу далилни бошқача талқин қилишга, суд томонидан иш ҳолатларига нообъектив тарзда баҳо беришга сабаб бўлган. Аслида суд муҳокамаси мобайнида ушбу ҳолат текширилганда, куйидагилар аниқланган эди..... Кўришиб турибдики, суд муҳокамасининг баённомасини айнан мана шу қисми иш ҳолатларига номувофиқ тарзда баён қилинган.

Суд муҳокамаси мобайнида далилларни текширишда мутахассис Шукуровнинг далилга нисбатан берган мана бундай фикри, шундайлигича эмас, балки мана бундай ифода қилинган.....

Далилларни ўрганиш борасида гувоҳ Комиловнинг кўрсатмаси мана бундай деб нотўғри баён қилинган.

Суд мажлиси раиси томонидан ёки суд котиби томонидан суд муҳокамасининг баённомаси имзоланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг моддаларида кўрсатилган қонун талаблари баённомада уз аксини топмаган. Масалан, процесс иштирокчиси (суд процессида тутган ўрни) нинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги қайд қилинмаган ва ҳоқазо.

Суд муҳокамаси баённомасига нисбатан талаб: Суд баённомаси куйидагича бўлиши керак эди: деб аслида

кандай ҳолатда бўлганда қонуний ва ҳақиқий ҳолатни ифода қилган бўлар эди, шулар баён қилинади.

Юқоридагиларни тасдиқлайман :

Суд муҳокамаси баённомасига мулоҳаза билдирувчи Яккасарой тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Далиев Шухрат Эркинович _____

(Имзо)

Суд мажлисида раислик қилувчи: _____

(Ф. И.О.И ва имзо)

Баённомага нисбатан талаб, нималардан иборат эканлиги баён қилинганидан сўнг раислик этувчи (зарур бўлганда, суд котиби) ва мулоҳаза билдирувчи томонидан мулоҳаза билдириш баённомаси охирига имзо чекилиши лозим.

Қисқа қилиб айтганда, суд муҳокамасининг баённомасига нисбатан бериладиган мулоҳаза ҳужжати моҳиятига назар ташланса, ушбу ҳужжат суд мажлиси қонунийлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади. Тарафларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий қафолатлайди. Айнан шу ҳужжат орқали ҳукми ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга асос бўладиган жиноят процессуал қонунчилигининг жиддий бузилиши ҳолати кўрсатиб берилиши мумкин.

Ғайриқонуний, асосланмаган ва адолатсиз суд қарорига нисбатан протест киритиш ғайриқонуний, асослангирилмаган ва адолатсиз суд қарорларига нисбатан прокурор томонидан муносабат билдирилишининг энг самарали услубларидан биридир.

Туман (шаҳар) прокурорлари туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукм ва қарорлар асослангирилганлиги ва қонунийлигини, суд томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги ёхуд бартараф этиш учун қонун билан белгиланган ваколатлардан фойдаланмаганлиги учун юқори турувчи прокурор олдида жавобгар ҳисобланадилар. Бу юқори турувчи прокурорлар судлар томонидан жиноят ишлари тўғри ҳал қилиниши учун масъулиятсизлар дегани эмас. Прокуратура идораларида ишни ташкил этишни ҳудудийлик ҳамда предметлилик тамойилига асосан қуйи турувчи

прокурорларнинг ваколатларига тегишли судлар томонидан қабул қилинган суд қарорлари қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириб туриш киради. Қуйи турувчи прокурорлардан бу ҳақда доимий ҳисобот олиб турадилар. Ўз ваколатлари доирасида кассация ва назорат тартибида ғайриқонуний суд қарорларига нисбатан протестлар киритадилар. Бу фаолиятлари билан улар ҳам одил судловни амалга оширишга кўмаклашадилар.

Биринчи инстанция судларида давлат айбловини қувватлашнинг самарадорлигини ҳамда сифатини ошириш бевосита шу жиноят иши бўйича суд томонидан чиқарилган ҳукмнинг қонунийлигини протест киритиш йўли билан таъминлашда ҳам ўз ифодасини топади.

Прокурор, прокурорнинг ўринбосари ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш асослар мавжуд деб ҳисоблаган ҳолда, амалда бўлган қонунчилик асосида протест киритиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497-2-моддаси). Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497-8-моддасида кўрсатилган тартибга асосан, протест билдирган шахс ўз протестини ҳамда юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорнинг киритган протестини чақириб олиши мумкин.

Жиноят иши бўйича бутун иқир-чиқирларни бевосита ишда қатнашган прокурор жуда яхши билади.

Чиқарилган ҳукми қонуний, асосланган ва адолатлилиги бевосита суд муҳокамасида далилларни таҳлил қилишда иштирок этган прокурорга яхшироқ маълум бўлади. Судда иштирок этаётган прокурор процессуал ҳаракатларни амалга оширишда бутунлай мустақил бўлиши лозим. Суд муҳокамаси мобайнида ўз ваколатларини амалга ошириш босқичида айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ҳам бўйсунмаслиги ва ўз ҳаракатларини унга тасдиқлатиб олмаслиги лозимдир. Судланувчини айби исботланмаса айбловдан воз кечиш ҳуқуқига эга. (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси). Судда айбловчи сифатида иштирок этган прокурорлар ушбу ҳуқуқларидан кўпроқ фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. «Шу ўринда бир ҳақиқатни қайта ва қайта таъкидлашни истардим: барча ислохотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий

мақсади, умуман, барча саъй-ҳаракатларимиз пировард мақсадининг ўзи - инсон манфаатларини қондиришни таъминлашдир»²⁴.

Албатта, давлат айбловини қувватлаган прокурорга протест киритиш ҳуқуқининг берилиши, унинг ваколатини кенгайтирибгина қолмасдан, унинг масъулиятини ҳам оширади. Судда айбловни қувватлаш ҳамда прокурорнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажариш сифатини ҳам оширади.

Ҳукмлар устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК(497³-модда)да белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича,

Куйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айна шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълонқилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи

²⁴ Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш- устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 февраль. Т.: Ўзбекистон- 1998. -17-бет.

томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олиниши мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ЖПК кодексининг 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим.

Апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести билдирилиши ҳукми ижро этишни тўхтатиб туради.

Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади.

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Апелляция шикояти ва протестида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳукми чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилган ва протест билдирилган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;

4) шикоят, протест берган шахснинг вазифаси, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимоснинг моҳияти;

5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;

6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;

7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёки протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юқори турувчи прокурор ҳам эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақлидир.

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Ҳукм чиқариш билан яқунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас. Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

7-§. Апелляция, кассация ёки назорат тартибида иш юритишда прокурор ваколатлари

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин. Ишни юқори инстанция суди томонидан кўриш апелляция, кассация ва назорат тартибида берилган шикоят ва билдирилган протестлар асосида амалга оширилади: **Апелляция тартибида:**

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан **апелляция тартибида шикоят беришга** - маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили ҳақлидир.

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан **апелляция тартибида протест билдиришга** – прокурор ва унинг ўринбосари ҳақлидир.

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ва протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқига юқори турувчи прокурор ҳам эга.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Тарафлар (прокурор ҳам) шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларига кўра ўтказиб юборилган бўлса, суд томонидан бу муддат тикланиши мумкин.

Апелляция тартибида протест билдирилган ёки апелляция тартибида шикоят билдирилган жиноят ишлари улар юзасидан билдирилган эътирозлар ва тақдим этилган қўшимча материаллар билан ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборилиши лозим.

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан юқорида кўрсатилган ваколатли шахслар томонидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда **хусусий шикоят ва хусусий протест** билдирилиши мумкин.

Апелляция тартибида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-бобида кўрсатилган тартиб ва қоидалар бўйича амалга оширилади. Апелляция тартибида ишни кўришда прокурорнинг иштироки шарт ҳисобланади.

Апелляция тартибида иш юритишда раислик қилувчи апелляция шикояти берган шахсга, апелляция шикояти ва протести кимга нисбатан берилган бўлса, ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Прокурор апелляция протестининг мазмунини ва мақсадини батафсил суд ҳайъатига тушунтириб бериши лозим. Протест киритилиш асослари, нима сабабдан прокурор суднинг чиқарган қарорини ғайриқонуний, асосланмаган ёки адолатсиз деб ҳисоблаётганлигини қонун талаблари асосида тушунтириб бериши керак Суд томонидан айнан қайси қонун нормалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қайси қарорининг қайси талаблари эътиборга олинмаганлиги ёхуд бу қонуний талаблар қай тарзда бузилганлигини баён қилиб бериши лозим.

Суд муҳокамаси ўтказилиб, суд тергови ўтказиладиган бўлса, суд муҳокамаси мобайнидаги қонун билан белгиланган ваколатларидан тўлиқ фойдаланади. Прокурор суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этаётган бошқа шахслар каби янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш учун рад этилган ашёлар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига кўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, суд бу илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади. Суд музокараси биринчи инстанция судидаги суд музокараси талаблари асосида амалга оширилади ва шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Суд музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охирги сўз беради. Шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Суд ишни апелляция тартибда кўриб, ўзининг ажрими билан:

- 1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиришга;
- 2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;
- 3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатишга;
- 4) биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгартиришга;
- 5) биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиш ва ушбу Кодекс 419-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни кўшимча тергов юритиш учун юборишга;
- 6) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан камчиликларга ёки суд терговини бир томонлама олиб боришга ёхуд жиддий бўлмаган процессуал қоидабузарликларга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси ишни биринчи инстанция судига янгитдан судда кўришга юбормай, камчиликларни тўлдириш, процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳукмга ўзгартиришлар киритади.

Апелляция инстанцияси суди қароридан қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки

протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганда биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўрилган ва ишончли деб топилган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

ҚарорЖПКодексининг 473-моддаси қодалари асосида эълон қилинади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Хусусий шикоят ёки хусусий протест апелляция шикоятлари ва протестлари билан бир вақтда кўриб чиқилади. Хусусий шикоят ёки протест бўйича суд ўша ернинг ўзида ёки маслаҳатхонада ажрим чиқаради. Хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси қарорлари эълон қилиниши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради.

Кассация тартибида:

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса **кассация тартибида шикоят беришга** - маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили ҳақлидир.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими (қарори) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, **кассация тартибида протест билдириш:**

❖ Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

❖ Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - шу судларнинг судлов ҳайъатларига;

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - шу суднинг судлов ҳайъатига;

❖ Оқруғ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан-Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига қассация тартибида шикоят ва протест билдирилиши мумкин.

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси - барча инстанция судларининг ҳуқмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳуқмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

в) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар - жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳуқмлари ва ажримлари устидан қассация тартибида протест киритишлари мумкин.

Ҳуқм устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан - шу судларнинг судлов ҳайъатларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан - шу суднинг судлов ҳайъатига;

4) оқруғ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний қучга қирган ҳуқмлари устидан - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний

кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёхуд протест бевосита кассация инстанцияси судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга ЖПКодексининг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15-майдаги 11-сонли “Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида кўрсатилганидек, шикоят (протест)да:

- шикоят (протест) берган шахс ёки кимга нисбатан ҳукм устидан шикоят (протест) келтираётганлиги тўғрисида маълумот;
- шикоят (протест) берган шахснинг, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги вазлари ва талабларининг мазмуни;
- аризачи ўз талабларини асослаётган ҳамда кассация инстанцияси томонидан текширилиши шарт бўлган далиллар тўғрисида маълумот;

- шикоят (протест) берган шахснинг имзоси бўлиши шарт. Акс ҳолда шикоят (протест) берилмаган деб ҳисобланади.

Ҳукм чиқарган суд Ўзбекистон Республикаси ЖП Кодексининг 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, бир ойлик муддат ичида ишни шикоятлар, протестлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек, тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга кассация инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини маълум қилади ва суд мажлисига кимлар келганини аниқлайди, шундан кейин суд ишни кўришга киришиш мумкин

ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Сўнграислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчиларининг фамилияларини эълон қилади. Ҳозир бўлганлардан рад қилиш ҳақида арзлари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлган тақдирда суд улар юзасидан қарор қабул қилади.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг кассация инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради, ушбу Кодекснинг 479-моддаси талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди ва зарур бўлса, уларни бажариш чораларини кўради.

Раислик қилувчи суд мажлисида иштирок этаётган шахслардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг вазияти ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган маҳкум ёки оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунтирув берадилар. Шикоят берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади. Иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор протестни асослаб беради. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган ҳолларда сўзга чиқиш навбатини суд белгилайди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг тушунтирувлари эшитиб бўлингач, суд мажлисига чакирилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилинади. Улар суд муҳокамасининг қайси иштирокчиси ташаббуси билан чакирилган бўлса, аввало ўша шахс томонидан сўроқ қилинади. Ихтилофлар чикиб қолса, уларни суд ҳал қилади.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар суроқ қилиниб бўлгач, суд тарафларнинг ушбу Кодекснинг 449-моддасига мувофиқ ўтказиладиган музокарасини бошлайди. Суд музокараси ва маҳкумнинг охирги сўзи тугагандан кейин суд қарор чиқариш учун маслахатхонага кириб кетади. Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома ушбу Кодекснинг 426-моддасида кўрсатилган муддатда тайёрланиши лозим. Баённома билан суд мажлисининг барча иштирокчилари танишишга ва зарурат бўлганда ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда унга ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган кассация шикоятни ёки протести бирор сабабга кўра кассация инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса, шунингдек, маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг кассация шикоятни, ушбу маҳкумга доир иш процесснинг бошқа иштирокчиси берган кассация шикоятни ёки протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, кассация инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибида протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади.

Ишни кўшимча кўриш тартиби кечикиб келган хусусий шикоят ва хусусий протестларни ҳал қилишга ҳам тааллуқлидир.

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

8-§. Назорат тартибида иш юритишда прокурор иштироки

Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510 моддасида белгилаб берилган.

Апелляция ёки кассация тартибида зкўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПК кодексининг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими (қарори) устидан, агар иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилган бўлмаса, **назорат тартибида протест билдиришга**

❖ а) Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси-барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан:

❖ б) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан:

❖ в) ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан;

❖ г) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори- округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича

кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 480-моддаси «Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурор иштироки» деб номланиб унда кўрсатилишича, жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор катнашади.

Ишнинг кўрилишида:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида - тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида-тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумида - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори катнашади.

Прокурор томонидан суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида катнашиш одил судловга кўмаклашишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 511-моддасида кўрсатилган шахслар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ҳар қандай жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Ишларни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси

прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир. Ишларни округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, округлар ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадир.

Ишларни талаб қилиб олишга фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг, ишни назорат тартибида юритиш ҳақида топшириқ олган адвокатларнинг илтимосномалари, судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, шунингдек, ишни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг бевосита шундай қарорга келишлари сабаб бўлади.

Протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг ахволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинadиган ва текшириладиган ҳолларда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1) илтимосномада келтирилган вазлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек, унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган сул қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки куйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

Назорат тартибида талаб қилиб олинган жиноят иши протест билдириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан ёки унинг топшириғига биноан илгари ушбу ишни кўришда қатнашмаган прокурор ёхуд судья томонидан текширилади.

Ҳукмни ёки ажримни (қарорни) қонунга хилоф ва асоссиз деб топган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар протест билдирадилар ва ишни шу протест билан бирга тегишли назорат инстанцияси судига юборадилар.

Протест билдиришга асос бўлган илтимоснома ва бошқа материаллар протестга илова қилинади. Протест билдирилгани ҳақида протест билдиришни сўраб илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга, шунингдек, маҳкумга, окланган шахсга, уларнинг ҳимоячиларига ёхуд қонуний вакилларига хабар берилади.

Суднинг қарорига протест билдириш учун асослар мавжуд бўлмаганда ишни текширган прокурор ёки судья асослантирилган хулоса тузади, хулоса протест келтириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан тасдиқланиб, ишга қўшиб қўйилади. Бу ҳақда илтимосномасига кўра иш талаб қилиб олинган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга хабар берилади, иш эса судга қайтарилади.

Ишни талаб қилиб олишнинг ёки протест билдиришнинг рад этилиши устидан юқори суд раисига ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандан суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилиш гунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Қонуннинг очикдан-очик бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилгунга қадар ундан оидан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Протест берган шахс протестни қайтариб олишга ҳақли. Юқори турувчи прокурор ўзига бўйсунувчи прокурор билдирган протестни қайтариб олишга ҳақли. Протестни қайтариб олишга фақат назорат инстанцияси суди ишни кўришни бошлагунга қадар йўл қўйилади. Протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек, мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тартиқида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин.


Назорат инстанцияси судида жиноят иши ушбу Кодекснинг 506-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан кўрилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатида ишни кўриш чоғида протестни қаноатлантириш гарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳволини оғирлаштириш ҳақидаги масала қўйилган протест эса рад этилади.


Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукми ҳамда шунингдек, апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек, назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар гуфайли ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки

ўзгартиради. Бунда ЖПК кодекси 490-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Протестни кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуний бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни туғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлиди.





**Прокурор иштироки
шарт бўлган ишлар**

Тиббий йўсиндаги
мажбурлов чораларини
кўллаш

Ярашув тўғрисидаги
ишлар

Ҳукми ижро этиш
билан боғлиқ
масалалар
муҳокамаси

Суд прокурорнинг
иштирокини зарур деб
топган ҳоллар

Апелляция, кассация ва
назорат
инстанцияларида
кўрилаётган ишлар

Оғир ва ўта оғир
турдаги жиноятлар

Вояга етмаганларга
доир ишлар

Ярашувга оид
ҳамда амнистияга
оид ишлар

Судларда жиноят ишларини кўришида прокурор ваколатлари

Суд муҳокамасига тайёргарлик қисмида жиноят ишлари бўйича суд томонидан қабул қилинган қарорларни қонунийлигини кўриб чиқади

Суд муҳокамаси мобайнида пайдо бўладиган масалалар юзасидан ўз хулосасини беради

Ғайриқонуний ва асоссиз суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларига нисбатан протест киритади

Судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ўз вақтида ва қонуний равишда ижро этилишини текширади

Судда жиноят ишининг кўрилишида қатнашар экан, давлат айбловчиси сифатида иштирок этади

Давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш талаб қилинган ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилади ва уларни судда қувватлайди

Протестлар ва шикоятлар асосида апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида жиноят ишлари кўрилишида хулосалар беради

Судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ўз вақтида ва қонуний равишда ижро этилишини назорат қилади

**Айблов нутқининг
қуйидаги элементлари
шаклланган**

1) Жиноятга ижтимоий-
сиёсий баҳо бериш;

2) ишнинг ҳақиқий
ҳолатларини баён қилиш;

3) далилларни таҳлил қилиш
ва уларга баҳо бериш;

4) қилмишга берилган
юримдик квалификацияни
асослаш;

5) судланувчининг шахсини
тавсифлаш;

6) айбдорнинг айбини
енгилаштирувчи ва
огирлаштирувчи ҳолатларни
таҳлил қилиш ва уларга баҳо
бериш;

7) жиноятларни келтириб чиқаришга
ёрдам берган сабаб ва шарт-
шароитларни таҳлил қилиш ва
уларни бартараф қилиш чора
тадбирлари ҳақида тақлифларни
шакллантириш;

8) тайинланиши лозим бўлган жазага,
уқдирилиши лозим бўлган фуқаролик
даъвосига, жиноят туфйли етказилган
моддий зарарни уқдиришга ва шунга
ўхшаш масалалар юзасидан ўз тақлифини
билдириш;

9) хулоса қилиш.

“Музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПК 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1-6-бандларда назарда тутилган масалалар

1) Судланувчига қандай жазо (жазо тури, миқдори, муддати) тайинлашни лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

2) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ уга хавфли рецидивист деб топиш лозими;

7) судланувчига нисбатан тиббий йўсидаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми;

3) озодликдан маҳрум қилиниши маҳкум жазонинг қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

У фуқаровий даъво қилинган тартибли керакми, бу даъво қилиниши фойдасига ва қанча миқдорда қилинган тартибли лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўйилмаган бўлса, жиноят гуфойли қилиниши мумкин зарар ундириши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссдорлик тартиблида жавобгарликка тортилганларга лозимлиги;

5) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

6) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми.

Ишни юқори суд томонидан кўриш

**1) Апелляция тартибида-ушбу
Кодекснинг 497-2-моддасида
кўрсатилган шахсларнинг
шикоятларига ва протестларига
биноан;**

**2) кассация тартибида - ушбу
Кодекснинг 498-моддасида
кўрсатилган шахсларнинг
шикоятларига ва протестларига
биноан;**

**3) назорат тартибида - қонунда
протест билдириш ҳуқуқи берилган
суд раиси, прокурор ёки улар
ўринбосарларининг протестларига
биноан;**

**4) янги очилган ҳолатлар муносабати
билан эса, қонунда протест билдириш
ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг
ўринбосари протестига биноан;**

**Суд қарорлари устидан шикоят
бериш ва протест билдириш
ҳуқуқи ҳамда унинг
таъминланиши**

ЖПКнинг 497-2, 498 ва 516-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли

Шуингдек, суд қарорларини назорат тартибда қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимочилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир.

Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибда кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно.

Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шуингдек, уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади.

Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки

**Апелляция тартибида
кўрилишида прокурор қатнашади.**

Жиноят ишининг кассация тартибида кўрилишида прокурор қатнашади

Жиноят ишининг назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

**Жиноят ишининг юқори суд
томонидан кўрилишида
прокурорнинг иштироки**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари
бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар
ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди ҳайъатларида

Тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори
томонидан ваколат берилган прокурор

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари
бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар
ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди раёсатларида

Тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори ёки унинг ўринбосари,
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар,
Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий прокурори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
қатнашади.

Юқори судда жиноят ишени кўриш чегараси

Суд жиноят ишени апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослигини ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс ишгирокчилари қўшимча тақдим этган сўх суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишени янгитлан кўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади

Суд шикоят ёки протестда баён этилган ваъжлар билан чегараланмасдан, ишени барча маҳкумларга, шу жумладан, шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади

Юқори судда жиноят ишини кўриш муддатлари

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест келиб тушган куйдан бошлаб ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ёки унинг ўринбосари эса, кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши лозим.

Хукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

1) Суд терговининг тўлиқ эмаслиги еки бир ёқлама олиб борилганлиги;

2) хукмда баен қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги;

6) дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўриш пайтида бартараф этишининг имкони бўлмаса, хукм бекор қилиниши лозим;

**Апелляция
тартибида
шикоят
бериладиган ва
протест
билдирилади-
ган қарорлар**

**Суднинг қонуний кучга
кирмаган ҳукмлари
устидан апелляция
тартибида шикоят
бериш ёки протест
билдириш мумкин**

**Биринчи инстанция
судининг суд
муҳокамаси вақтида
чиқарилган ажрими
устидан апелляция
тартибида шикоят
бериш ва протест
билдириш ҳукм устидан
шундай ҳаракатларни
содир этиш билан бир
пайтнинг ўзида амалга
оширилиши мумкин**

Хукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир

Мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Ҳукмлар устидан апелляция тартибида
шикоят бериш ва протест билдириш
тартиби**

**1) Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар)
судларининг қонуний кучга кирмаган
ҳукмлари устидан**

**- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят
ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари
бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар
судларига;**

**2) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг
қонуний кучга кирмаган ҳукмлари
устидан**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция
тартибида шикоят бериш ва протест билдириш
мумкин**

**3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг,
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари
бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари
устидан.**

**шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция
шикоятлари ва протестлари айти шу судларнинг
ўзи томонидан кўриб чиқилади.**

**Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм
чиқарган суд орқали берилади.**

**Ҳукм устидан апелляция
шикоятлари ва
протестлари бериш
муддати**

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида.

маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шу вақт мобайнида иш билан суд биносида танишишга ҳақлидир.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

**Апелляция
шикояти ёки
протести бериш
муддатини
тиклаш
тартиби**

Хукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда, апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар хукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни ҳусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим

Хукм устидан апелляция шикоятлари ёки протестлари бериш оқибатлари

Апелляция шикоятлари берилиши ёки апелляция протестлари билдирилиши ҳукми ижро этилиши тўхтатиб туради.

Хукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ушбу Кодекс 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб

ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади

Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан қўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин

Апелляция шикояти ва протестининг мазмуни

1) Шикоят, протест йўлланаётган суднинг номи;

2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳукми чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;

4) шикоят, протест берган шахснинг вазлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;

5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;

6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;

7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

**Апелляция
шикояти ёки
протестини
қайтариб олиш**

**Хукм устидан
шикоят берган ёки
протест билдирган
шахс ўз шикояти
ёки протестини
қайтариб олишга
хақлидир**

**Протестни
қайтариб олиш
хукукига юқори
турувчи прокурор
ҳам эга. Маҳкум ўз
ҳимоячисининг
шикоятини
қайтариб олишга
хақлидир.**

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497-2-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Хукм чиқариш билан якунланган суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим устидан шикоят берилган ёхуд протест билдирилган тақдирда, хукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат тугагандан кейингина иш апелляция инстанцияси судига юборилади.

Суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далиллари текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан шикоятлар бериш ва протестлар билдириш мумкин эмас.

Буларга қарши эътирозлар апелляция шикояти ёхуд апелляция протестига киритилиши мумкин. Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, башарти ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

Апелляция инстанция судининг ваколатлари

1) Биринчи инстанция судининг
ҳукмини ўзгаришсиз, шикоят ёки
протестни эса қаноатлантиришсиз
қолдиришга;

2) биринчи инстанция судининг
айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов
ҳукми чиқаришга;

3) биринчи инстанция судининг
айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни
туғатишга;

4) биринчи инстанция суди ҳукмини
ўзгартиришга;

5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор
қилиш ва ушбу Кодекс 419-моддасининг биринчи
қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни
қўшимча тергов юритиш учун юборишга;

6) биринчи инстанция судининг
ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш
ва ишни янгитдан судда кўриш учун
юборишга ҳақли.

Хукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида қўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар

қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида қўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақлидир

Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир

Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмининг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

**Кассация тартибида ҳукм
устидан шикоят бериш ва
протест билдириш тартиби**

**1) Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар)
судларининг қонуний кучга кирган
ҳукмлари устидан**

**Қорақалпоғистон Республикаси жиноят
ишлари бўйича Олий судига, жиноят
ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент
шаҳар судларига;**

**2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят
ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари
бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар
судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари
устидан шу судларининг судлов ҳайъатларига;**

**3) Ўзбекистон Республикаси Олий
судининг қонуний кучга кирган
ҳукмлари устидан
суднинг судлов ҳайъатига;**

**4) округ ва ҳудудий ҳарбий судларининг
қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига;**

**5) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг
қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса эса
шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида
шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.**

**Суд ҳукмлари, ажримларини
(қарорларини) кассация тартибида
кайта кўриб чиқишга йўл
қўйиладиган муддат**

**Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга
доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги,
жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг
аҳволини оғирлаштирадиган бошқа
ўзгаришлар назарда тутилган бўлса,**

**суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини
(қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини
ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини
(қарорини) кассация тартибида кайта кўриб
чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин
бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.**

**Шикоят бериш ёки
протест билдириш
муддатини тиклаш**

**Хукм устидан шикоят бериш ёки
протест билдириш муддати узрли
сабабларга кўра ўтказиб юборилган
ҳолларда**

**кассация тартибида шикоят бериш ёхуд
протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган
шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни
тиклашни сўраб мурожаат қилишлари
мумкин.**

**Ўтказиб юборилган муддатни
тиклашнинг рад этилганлиги устидан
юқори судга шикоят бериш ёхуд
протест билдириш мумкин**

**Юқори суд муддатни тиклашга ва
ишни хусусий шикоят ёки протест
бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир**

**Бунда ушбу Кодекс 479-моддасининг
иккинчи, учинчи ва тўртинчи
қисмларида назарда тутилган
талаблар бажарилиши лозим.**

**Хукм устидан шикоят
бериш ёки протест
билдиришнинг
оқибатлари**

**Хукм чиқарган суд ЖПКнинг
479-моддасининг иккинчи,
учинчи ва тўртинчи қисмларида
назарда тутилган талабларни
бажариб,**

**Юқори турувчи прокурор
ҳам протестни қайтариб
олиш ҳуқуқига эга.**

**Бу муддат алоҳида ҳолларда
юқори суд раиси ёки унинг
ўринбосари томонидан кўпи
билан йигирма кунга
узайтирилиши мумкин.**

**Ҳукм устидан
кассация шикояти
бериш ёки протестни
қайтариб олиш**

**Ҳукм устидан шикоят берган
ёки протест билдирган шахс
ўз шикояти ёхуд протестини
қайтариб олишга ҳақлидир.**

**Юқори турувчи прокурор
ҳам протестни қайтариб
олиш ҳуқуқига эга.**

**Маҳкум ўз ҳимоячисининг
шикоятини қайтариб
олишга ҳақли.**

**Биринчи инстанция судининг
ажрими устидан шикоят
бериш ва протест билдириш**

**Иш бўйича биринчи инстанция
судининг ажрими устидан**

у чиқарилган қунадан эътиборан ЎН ҚУНЛИК
МУДДАТДА ЖП Кодексининг 498-моддасида
назарда тутилган шахслар томонидан
хусусий шикоят берилиши ёки хусусий
протест билдирилиши мумкин.

**Хукм чиқариш билан яқунланган суд
муҳокамаси чоғида чиқарилган ажрим
устидан шикоят берилган ёхуд протест
билдирилган тақдирда,**

хукм устидан шикоят бериш ёки протест
билдириш учун белгиланган муддат
тугагандан кейингина иш кассация
инстанцияси судига юборилади.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган
шахслар ҳам суд ажрими устидан,
башарти ажрим уларнинг манфаатларига
дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир

Хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш тартиби

Хусусий шикоят ёки протест кассация шикоятлари ва протестлари билан бир вақтда кўриб чиқилади

Хусусий шикоят ёки протестни ҳал қила туриб, раислик қилувчи суд муҳокамаси барча иштирокчиларнинг фикрини сўрайди, зарур ҳолларда жиноят ишнинг берилган шикоят ёки протестга алоқадор материалларини ўқиб эшиттиради.

Ҳар бир хусусий шикоят ёки протест бўйича суд ўша ернинг ўзида ёки маслаҳатхонада ажрим чиқаради

Иш юзасидан фақат хусусий шикоят ёки протест тушган бўлса, ҳукм чиқарган суд кассация шикояти ёки протести билдириш учун белгиланган муддат тугаши билан ишни юқори судга юборади

Хусусий шикоят ёки протест бўйича чиқарилган суд ажрими қатъий ҳисобланади

**Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан
назорат тартибида шикоят бериш
ҳуқуқига эга бўлган шахслар**

**Апелляция ёки кассация тартибида кўриб
чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва
ажрим (қарор) устидан ушбу Кодекснинг
498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат
тартибида шикоят беришлари мумкин.**

**Хукм ва ажрим
(қарор) устидан
назорат тартибида
протест билдириш
хукукига эга бўлган
шахслар**

**Чиқарилган хукмлар ва
ажримлар (қарорлар) билан
бирга ишларни назорат
тартибида кўриб чиқишга
улар фақат апелляция ёки
кассация тартибида кўриб
чиқилганидан кейин**

**конунда протест билдириш
хукуки берилган суд раиси,
прокурор ёки уларнинг
ўринбосарлари протест
билдиргандагина йўл
кўйилади**

**Куйидагилар назорат тартибидаги
протест билдиришга ҳақли
(1)**

**1) Ўзбекистон Республикаси Олий
судининг раиси**

**барча инстанция судларининг
ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари)
устидан**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон
Республикаси Бош прокурори, унинг
ўринбосарлари**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар
қандай суднинг ҳукмлари ва
ажримлари (қарорлари) устидан**

**2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва
Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон
Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
прокурорлари ҳамда уларга тенгаштирилган прокурорлар**

**жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар)
судларининг ҳукмлари ва ажримлари
устидан**

Қуйидагилар назорат тартибидаги протест билдиришга ҳақли (2)

ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган, тегишлича, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди

жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов хайъатларининг ажримлари устидан

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича қўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно

**Қуйидагилар
назорат
тартибидаги
протест
билдиришга ҳақли
(3)**

**3) Ўзбекистон
Республикаси
Ҳарбий судининг
раиси, Ўзбекистон
Республикаси
Ҳарбий прокурори**

**округ ва ҳудудий
ҳарбий судларнинг
ҳукмлари ва
ажримлари устидан,**

**ишни апелляция ёки
кассация тартибида
қўрган Ўзбекистон
Республикаси
Ҳарбий судининг
ажримлари устидан**

**Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий
суди томонидан биринчи
инстанция бўйича
қўрилган ишлар бўйича
апелляция ва кассация
ажримлари бундан
мустасно.**

**Суд ҳукмлари, ажримларини
(қарорларини) назорат
тартибида қайта кўриб
чиқишга йўл қўйиладиган
муддат**

**Протестда оғирроқ жиноятга доир
қонун моддаларини қўллаш
зарурлиги, жазони кучайтириш ёки
маҳкумнинг аҳволини
оғирлаштирадиган бошқа
ўзгаришлар назарда тутилган бўлса,**

**суднинг айблов ҳукмини ёки
ажримини (қарорини), шунингдек
суднинг оқлов ҳукмини ехуд ишни
тугатиш тўғрисидаги ажримини
(қарорини) назорат тартибида
қайта кўриб чиқишга**

**улар қонуний кучга
киргандан кейин бир йил
мобайнидагина йўл
қўйилади.**

**Назорат протести
билдириш ҳақидаги
илтимосномаларни
кўриб чиқиш
муддатлари**

**Назорат протести билдириш
ҳақидаги илтимоснома бир
ойгача бўлган муддатда**

**иш талаб қилиб олинадиган
ва текшириладиган
ҳолларда эса, икки ойгача
бўлган муддатда кўриб
чиқилиши лозим.**

**Назорат протести билдириш
хақидаги илтимоснома
бўйича қабул қилинадиган
қарорлар**

1) Илтимосномада келтирилган важлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек, унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган важлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Протестни қайтариб олиш

Протест берган шахс протестни қайтариб олишга ҳақли

Юқори турувчи прокурор ўзига бўйсунувчи прокурор билдирган протестни қайтариб олишга ҳақли

Протестни қайтариб олишга фақат назорат инстанцияси суди ишни кўришни бошлагунга қадар йўл қўйилади

Протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади.

**Жиноят ишларини
протестлар бўйича
назорат тартибида
қўрувчи судлар
(1)**

**Қорақалпоғистон
Республикаси жиноят
ишлари бўйича Олий
судининг, жиноят ишлари
бўйича вилоятлар ва
Тошкент шаҳар
судларининг раёсатлари**

Мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари қўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни қўрадилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг жиноят
ишлари бўйича судлов
хайъати**

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан

Шунингдек, мазкур судлар томоғидан биричи инстанция тартиқсизда қўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни қўради

**Жиноят ишларини
протестлар бўйича назорат
тартибида кўрувчи судлар
(2)**

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг раёсати**

Мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради

**Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг Ҳарбий
ҳайъати**

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тартибидеда кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради

**Жиноят ишларини
протестлар бўйича
назорат тартибида
кўрувчи судлар
(3)**

**Ўзбекистон
Республикаси
Олий судининг
Раёсати**

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судлов
хайъатларининг апелляция ва
кассация ажримлари устидан

Шунингдек, Ўзбекистон
Республикаси Олий суди
судлов хайъатларининг
назорат тартибида чиқарилган
ажримлари устидан
билдирилган протестлар
бўйича ишларни кўради.

**Ўзбекистон
Республикаси
Олий судининг
Пленуми**

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди Раёсатининг
қарорлари устидан
назорат тартибида
билдирилган протестлар
бўйича ишларни кўради.

**Зарур ҳолларда
протестлар бўйича ишлар**

**Қорақалноғистон Республикаси
жиноят ишлари бўйича Олий
судини, жиноят ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
судларини, Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий судини
четлаб ўтиб,**

**назорат тартибида
бевосита Ўзбекистон
Республикаси Олий
судининг судлов
хайъатлари томонидан
кўрилиши мумкин.**

Саккизинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидаларни айтиб беринг.
2. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт бўлган ҳолатларни санаб беринг.
3. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатларини ёритиб беринг.
4. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари моҳиятини очиб беринг.
5. Ишларни суд мажлисида кўриш босқичида прокурор ваколатлари нималардан иборат?
6. Биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки бўйича прокурорнинг музокара нутқи элементларини айтиб беринг.
7. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор иштироки мазмуни ва моҳиятини ёритинг.
8. Назорат тартибида иш юритишда прокурор иштироки ва ваколатлари, протест киритиш субъектларини ажратиб беринг.
9. Прокурорнинг апелляция инстанциясида кўриб чиқиш учун киритилган протестини ким чақириб олиши мумкин?
10. Прокурорнинг кассация инстанциясида кўриб чиқиш учун киритилган протестини ким чақириб олиши мумкин?
11. Прокурорнинг назорат инстанциясида кўриб чиқиш учун киритилган протестини ким чақириб олиши мумкин?
12. Апелляция инстанцияси судида прокурорнинг протести юзасидан қабул қилиниши мумкин бўлган қарор турлари қайсылардан иборат?
13. Кассация инстанцияси судида прокурорнинг протести юзасидан қабул қилиниши мумкин бўлган қарор турлари қайсылардан иборат?
14. Назорат инстанцияси судида прокурорнинг протести юзасидан қабул қилиниши мумкин бўлган қарор турлари қайсылардан иборат?
15. Назорат протестини киритиш ва кўриш муддати қандай?

9-БОБ: Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

РЕЖА:

1-§. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш.

2-§. Фуқаролик процессида прокурор ваколоти.

3-§. Прокурорнинг фуқаролик ишларини юритишнинг апелляция босқичида иштирок этиши асослари.

4-§. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати.

1-§. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш

Прокурор ёки унинг ўринбосари давлат бошқарув органлари ёки мансабдор шахслари томонидан, қонунда кўрсатилган ваколоти доирасида бўлса, улар қабул қилинган актига ғайриҳуқуқий деб тониш тўғрисида умумий юрисдикциядаги судга ёки хўжалик судига мурожаат этиш ваколатига эга. Суд прокуратуранинг дастлабки терговда жиноятни очишдаги қўллаган процессуал чоралари қонунийлигини назорат қилса, прокуратура суд қарорларининг қонунийлигини уларга нисбатан юқори турувчи судга протест келтириш йўли билан назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан прокуратуранинг ўзаро муносабати "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин.

Умумий юрисдикцияли ва хўжалик судларида прокурорнинг роли бир томондан у суд муҳокамасининг субъекти билиб кўринса, бошқа бир томондан суд қарорларига нисбатан бир қанча назорат функцияларини амалга оширувчи сифатида намоён бўлади.

Жиноят ишларининг суд муҳокамасида прокурорнинг роли муҳимроқдир. У ўзига берилган процессуал ҳуқуқ, давлат айб-ло-

вини қўллаб-қуватлашни амалга оширади. Фуқаролик ишларида ФПКнинг 46-моддаси ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Даввони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди. ФПК га мувофиқ фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда прокурорнинг қатнашиши шарт.

Суд томонидан ғайриқонуний ва асоссиз қарорлар чиқарилганда прокуратура органлари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилиги прокуратурага судларда ишларни кўришда катта ваколатлар берган. Прокурор ўз ваколатлари доирасида ноқонуний ва асоссиз қарор (ҳукм, ажрим, ҳал қилув қарори) устидан юқори турувчи судга апелляция ёки назорат тартибида протест келтириши мумкин. Бундан ташқари, прокурор ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Агар бу актларнинг ғайриқонуний ва асоссизлигини прокурор аниқласа, назорат тартибида протест келтиради ёки протест келтириш ваколоти доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

2-§. Фуқаролик процессида прокурор ваколоти

Фуқаролик процессида прокурорнинг ваколатлари ифодасини топган ҳуқуқий нормалар қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Фуқаролик процессида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши бўйича прокурор ваколатини амалга ошириш вазифаси прокуратура идоралари тизимида қуйи поғонадаги прокурорларнинг юқори поғонадаги прокурорларга бўйсунит тартибининг ўрнатилиши билан, давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқарув идоралари, мансабдор шахслардан мустақил равишда ташкил қилиниши билан таъминланади.

“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, давлатида Ўзбекистон Республика Конституциясининг 120-моддасига асосан ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.”

Прокурор фуқаролик процессида ўз ваколатларини фақат қонунга ва Ўзбекистон республикаси Бош прокурорининг қонунга асосан чиқарилган йўриқнома ва буйруқларига асосланиб амалга оширади.

Демак, фуқаролик процессида прокурор ваколатининг асосий вазифалари қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, одил судловни амалга ошириш, суд ишини юритишни такомиллаштириш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди.

Фуқароларнинг, давлат жамоат ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари ҳимояси орқали прокурор уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу сабабдан ҳам прокурорнинг фуқаролик процессида ўз ваколатини амалга ошириши қонун устуворлигини таъминлашни кафолатлайди.

Прокурор фуқаролик процессининг барча босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш ва ҳар қандай қонун бузарликни бартараф қилиш учун масъулдир.

Прокурор фуқаролик процессида йўл қўйилган ғайриқонуний ҳаракатлар ва ҳаракатсизликларни, у ким томонидан содир қилинмасин, мулк шаклидан қатъи назар, шунингдек, суд томонидан қабул қилинган қарор ва ажримларнинг қонунга тўғри келмаган қисмларини ўз вақтида аниқлаб, ўз ҳуқуқлари ҳамда

ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган прокурор таъсир чораларини қўллаш йўли билан уларни тузатиш ва бўзилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўриши шарт.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-бўлимида прокурорнинг судларда ишларни кўришда прокурорларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган бўлиб уларни куйидагича тавсифлаш мумкин:

1) Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси);

2) суд қарорларига нисбатан протест келтириш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси);

3) суд қарорларини текшириш учун ишларни судлардан талаб қилиб ва чақириб олиш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддаси);

4) фуқаролик ишларига доир суднинг қарорларига нисбатан келтирилган протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддаси);

5) Ўзбекистон республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади. (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси).

“Прокуратура тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган фуқаролик процессидаги прокурор ваколати прокурорнинг хизмат вазифаси ва суд юритишнинг босқичига қараб белгиланади. Судларда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик процессида прокурорларнинг ваколат доираси, асосан, Ўзбекистон республикаси ФПК 46-47-моддаларида назарда тутилган. Ўзбекистон республикаси ФПК нинг 46-моддасида процессда прокурорнинг иштироки масаласи ёритилган бўлиб, унга кўра, “Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш учун ариза билан судга мурожат қилиш ҳуқуқига

эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиши ҳуқуқига эга.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишида прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда фуқаролик ишларини кўришда, шунингдек прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт”.

ФПКнинг 47-моддасида прокурорнинг фуқаролик процес-сидаги ваколатлари бўйича процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзининг ифодасини топган. Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасида назарда тутилган ишда иштирок этувчи тарафларнинг бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги кўрсатилган. Бунга кўра, ишда иштирок этувчи шахс иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далилларни тақдим қилиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим қилиш, судга оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг вазларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, вазларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш каби ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Булардан ташқари, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтиришлар бериш, иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори юзасидан протест келтириш ҳуқуқига эга²⁵.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрь қонун тахририда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда.

Агар даъвогар рози бўлмаса, прокурор ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтиришга ҳақли эмас.

Прокурорнинг бошқа шахснинг ҳукуқи ва қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун берган ўз прирасидан воз кечиши шахсни судда ФПКнинг 104-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқиш ҳукуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессидаги прокурорнинг ваколатлари бўйича унинг фаолияти ҳукуқий томондан тартибга солиниб, фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнида бу ваколатларни амалга ошириш услуби ҳамда шакллари, суд иш юритишининг барча турларида ва суд процессининг ҳамма босқичларида прокурорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган.

Фуқаролик процессуал Кодексида прокурор иштироки прокурор ваколатини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишда прокурорнинг иштирок этиш асослари ва шакллари фуқаролик ишини юритишдаги прокурор ваколат доираси ҳажми Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунининг 33-моддасига кўра фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўриллаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Шунингдек прокурор фуқаролик ишлари бўйича судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши юзасидан ўз фикрини билдиради.

ФПКнинг 46-моддасида қонунда назарда тутилган ёки суд ишида прокурорнинг қатнашиши шарт деб топилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишларда прокурор иштирок этиши шартлиги белгиланган.

Фуқаролик Процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига кўра қуйидаги фуқаролик ишларида прокурор иштироки мажбурийдир:

Суд томонидан ишда прокурорнинг қатнашиши зарур деб топилган ҳолларда, шунингдек, прокурорнинг аризаси билан кўзғатилган ишларда (ФПКнинг 46-моддаси);

сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятни кўриб чиқишда (ФПКнинг 272-моддаси);

прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқишда (ФПКнинг 277-моддаси);

фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилишда (ФПКнинг 288-моддаси);

фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишда (ФПКнинг 294-моддаси);

Апелляция, кассация, назорат тартибида кўриладиган ишларда;

Ғайриихтиёрий равишда стационарга ётқизишда;

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 80-моддаси);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги 22-сонли “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал ва Оила кодексларида назарда тутилган қуйидаги ишлар судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийдир:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;

- прокурорнинг аризаси билан кўзғатилган ишларда;

- сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларга доир ишларда;

- прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасига доир ишларда;

- фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда;

- фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда;

- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларда;

- шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишларда;

- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриладиган ишлар.

Шунингдек:

-фуқароларни ишга тиклаш;

-мулкни рўйхатдан чиқариш;

-фуқароларни бошқа тураржой бермасдан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишларда;

-Олий суд, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанциясида кўриладиган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминлансин дейилган.

Шунингдек шу буйруқда:

Бошқа турдаги фуқаролик ишларини судда кўришда уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва тумандаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб прокурор иштирок этиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари ва прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида вилоят, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари қатнашсинлар.

Прокурорлар уларнинг иштироки билан кўриладиган фуқаролик ишлари юзасидан суд мажлиси бошлангунга қадар низога оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳамда иш материалларини ўрганиб чиқсинлар.

Иш материаллари билан танишиш жараёнида ишнинг судга тааллуқлилиги, ўзгалар номидан ариза берган шахсининг қонуний ваколатга эга эканлиги, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги, низо бўйича жавобгар тўғри жалб қилинганлиги ва давлат божи тўланганлиги каби низонинг қонуний ҳал этилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилсин.

Судда иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципига амал қилган ҳолда, далил-исботларни текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, қўшимча далиллар тўплашда ташаббус кўрсатиб, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, ишнинг моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, ишнинг ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашсин.

Судда аниқланган қонун бузилишлари юзасидан мутасадди мансабдор ёки бошқа шахсларга нисбатан моддий, интизомий, маъмурий чоралар кўриш ва жиноят иши кўзғатиш масалалари, албатта муҳокама қилиниши бўйича илтимосномалар тақдим этиш ҳуқуқидан самарали фойдаланилсин.

Болалар тарбияси билан боғлиқ, яъни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида, аввало, вояга етмаган болаларнинг шахсий, ижтимоий ва қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига, бу каби даъволарни кўзғатиш учун Оила Кодексининг 79, 82 ва 83-моддаларида белгиланган асосларнинг мавжудлиги, ота-онадан маҳрум бўлган болаларни қонуний тартибда болалар муассасасига жойлаштириш ёки фарзандликка бериш ҳамда уларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этилишига, ушбу масалаларни ҳал этиш ҳақида судда илтимосномалар тақдим этишга жиддий эътибор қаратилсин.

Фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг ҳимояси, шу жумладан, уларни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ низоларнинг судларда кўрилишида ФПКнинг 259-моддасида белгиланган хусусиятларга риоя этилиши, айниқса, суд томонидан процесснинг ўзидаёқ мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юкланишига процессуал ваколатлар доирасида эришилсин.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун прокурор томонидан кўзгатишга даъво қувватлашда асосий эътибор зарарнинг миқдорига тааллуқли ҳисоб-китоб маълумот-

ларининг мавжудлиги, жавобгарлар доираси тўлиқ ва тўғри аниқланганлиги ҳамда даъво талабининг аниқ ва қонунга асосланганлигига қаратилсин. Бу масалаларда камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни суд процессининг ўзидаёқ бартараф этиш чоралари кўрилсин.

Ундирилиши лозим бўлган зарар миқдорининг судда асосиз камайтирилишига ёки даъводан воз кечишга йўл қўйилмасин.

Суднинг ноқонуний қарор ва ажримларига прокурорлар томонидан апелляция ҳамда хусусий протест келтириш ҳақидаги қонун талабининг оғишмай бажарилиши таъминлансин. Бу борда прокурорларнинг шахсий масъулияти оширилсин ва уларнинг соҳа бўйича фаолиятига баҳо беришда апелляция протестининг самарадорлиги муҳим мезон, деб ҳисоблансин.

Прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар бўйича суд қарорларининг қонунийлиги апелляция муддатида ўрганилсин, протест келтиришга асос бўлмаган тақдирда хулоса тузилиб, прокурор томонидан тасдиқлансин.

Аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиб туриш, аризани қабул қилишни рад этиш, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги суд ажримларининг асослиги ва қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, қонуний баҳо берилишига ва қонуний асослар бўлган ҳолда хусусий протест келтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Протестларнинг мазмуни аниқ, тушунарли, ишдаги далиллар ва қонун талаблари билан ифодаланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

Асосиз протестлар келтирилишига йўл қўйилмасин. Ишни судда кўриш бошлангунга қадар протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки чақириб олиш ваколатларидан фақат қонуний асослар мавжуд бўлсагина фойдаланилсин.

Протест келтириш прокурорнинг ваколатидан четга чиқадиган ҳолларда юқори турувчи прокурорга протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома туман (шаҳар), вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан киритилсин.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида қатнашадиган прокурорлар ишларни тўлиқ ўрганиб, протест ва шикоят

важларининг асослилиги, суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан асослангандиқлик фикр берсин.

Судларнинг—назорат босқичларида ишлар қўрилишида вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар шахсан иштирок этсинлар.

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган аризалар қонунда белгиланган муддатда, ишлар тўлиқ ўрганилган ҳолда қонуний ҳал қилиниши таъминлансин. Фуқаролик ишларини ўрганиш натижасига кўра суд қарори асосли деб топилган тақдирда ҳулоса тузилиб, протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқлансин, ариза муаллифига эса асослангандиқлик жавоб берилсин.

Назорат тартибида протест киритиш тўғрисидаги аризалар асосида Бош прокуратурага қақирилган ишлар вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тасдиқланган ҳулосалар билан юборилсин.

Бош прокуратуранинг судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар соҳа бўйича ишларни ташкил қилишда бўйсунувчи прокурорлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш билан биргаликда, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берсинлар.

Судларда ишлар қўрилишида суд-прокурор амалиёти мунтазам равишда ўрганиб, умумлаштириб борилсин. Топшириқлар, кўрсатмалар, ҳайъат ва тезкор мажлис қарорлари ижроси устидан назорат кучайтирилсин, асосий эътибор судларда прокурор иштирокининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилсин.

Суд, адлия ва бошқа мутасадди идоралар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилсин, соҳа амалиётида юзага келган масалалар юзасидан биргаликда тадбирлар ишлаб чиқилиши ва қонунларнинг бир хилда татбиқ этилиши таъминлансин», деб қайд этилган.

Прокурорнинг ўз ташаббуси билан бошқа тоифадаги ишларнинг қўрилишида иштирок этиши ижобий баҳоланади.

Прокурорнинг фуқаролик ишларини судда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятида прокурор назоратига оид умумий қоидаларга риоя этиш иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарорига протест бермасдан илгарироқ вужудга келишини қайд қилиш керак.

Прокуратура органларининг фуқаролик процессидаги вазифалари Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг фуқаролик процессидаги вазифалари Ўзбекистон республикаси Конституциясида белгиланган асосий тамойиллардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширади” деб кўрсатиб ўтилган.

Маълумки фуқаролик процессуал қоидалар моддий ҳуқук нормаларининг амалда ҳаракатини кафолатлайди, шунингдек жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялайди.

Фуқароларнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Прокуратура органларининг фаолияти қонунларнинг устуңлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иктисодий, сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун уларга кенг ваколатлар берилган. Бу ваколатларни амалга оширишда прокуратура органларининг мустақил ҳолда фаолият юритиши қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлиб, қонунларнинг

ижро этилишини назорат қилиш, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, фуқаролик ишларини текшириш ва ҳал қилиш, қонун билан белгиланган бошқа ваколатларини ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

3-§. Прокурорнинг фуқаролик ишларини юритишнинг апелляция босқичида иштирок этиши асослари

Прокурорнинг иккинчи инстанция судида иштирок этиши тўғрисида шунини айтиш керакки, унинг бу инстанцияда иштирок этиши икки шаклда (формада): биринчидан, суд қарори устидан шикоят, протест келтириш йўли билан; иккинчидан, тарафлардан бирининг суд қароридан норози бўлиб шикоят аризаси берганида бу тўғрисида фикр бериш йўли билан иштирок қила олади.

Прокурорнинг протест билдириш ҳуқуқи - унинг биринчи инстанция судида ишнинг кўрилишида иштирок қилиш-қилмаслигига боғлиқ эмас. апелляция протестини ҳамма прокурорлар, яъни туман, шаҳар, вилоят ва юқори турган прокурорлар бери оладилар. Иккинчи инстанция судида протест кўрилганида прокурор иштирок этади ва протестни қувватлайди.

Фуқаролик ишларини апелляция босқичида кўришда, бу босқич предмети бўлиб - қонуний кучга кирмаган суднинг қарор ва ажримлари ҳисобланади.

Прокурор ишни биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этиш этмаслигидан катъи назар ноқонуний ёки асоссиз деб топган суд қарори устидан апелляция тартибда кўриш учун протест келтириш мумкин. Апелляция протестлар прокурор томонидан қарорни чиқарган суд орқали келтирилади. Протестнинг тўғридан тўғри апелляция инстанциясига берилиши унинг кўрилишига тўсқинлик қила олмайди. Апелляция протест қарор чиқарилгач 20 кун мобайнида келтирилади. Апелляция шикоят процессуал ҳужжат сифатида куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) протест объектив, асосланган бўлиши керак

Апелляция протест ёки протест муаллифи бўлган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан қувватланади.

Апелляцион протест учун куйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

- 1) иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг тўлиқ очилмаганлиги;
- 2) иш учун аҳамиятли бўлган, суд томонидан аниқланган деб ҳисобланган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) суд хулосалари қарорининг иш ҳолатларига номувофиқлиги;
- 4) моддий ёки процессуал нормаларнинг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши.

Прокурор ишнинг ҳал этилишида иштирок этар экан, ишда қатнашувчи шахслардан сўнг қарорнинг қонунийлиги ва исосланганлиги тўғрисида фикр беради. Прокурорнинг апелляция инстанцияси судидаги иштироки иш бўйича фикр тузиш билан экунланади. Бунда у суд қарорининг мазмунини, ишни апелляция тартибида кўриш учун асослар, қарорга протест келтирилиши сабабини ва иш кўрилиши якуний натижаларини кўрсатиб ўтади.

Агар прокурор нуқтаи назари билан суд ажрими нуқтаи назари ўртасида фарқ (ҳар хиллик) вужудга келса, у бу тўғрида кассация тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурорга хабар қилади.

Прокуратура органларининг раҳбари прокурор фикрини тасдиқлагач у процессуал ҳужжатга айланади.

Агар тарафлардан бири суд қарори устидан шикоят аризаси берган булса, бу шикоят судда кўрилишида прокурор, гарчи ўзи протест бермаган бўлса ҳам, иштирок эта олади ва ўзининг оғзаки ва ёзма фикрини беради.

Прокурор биринчи ва иккинчи инстанция судларида иштирок этишдан ташқари, юқорида айтилганидек, суд қарорларининг қонуний кучини ҳам текширишга ҳақлидир. Унинг бу ҳуқуқи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримлари ва қарорлари юзасидан протест келтиришдан иборат. Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи ФПКнинг 349-моддасида кўрсатилган шахсларга берилган.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунда белгиланишича, прокурор ўз фаолиятини куйидаги йўналишларда амалга оширади. Жумладан: - инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий

ҳуқуқлари, эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашни қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини устидан назорат олиб бориш; - судларда жиноий ишларнинг кўриб чиқилишида давлат айбини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик ишларини қараб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган ҳужжатларга протест келтириш ва ҳоказо.

Назорат тартибида протест киритиш тўғрисидаги аризалар асосида Бош прокуратурага чақирилган ишлар вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тасдиқланган хулосалар билан юборилиши зарур.

Назорат тартибида берилган протест судда кўрилишида прокурорнинг иштирок этиши шарт ва шу бўйича ўзи ёки юқори турган прокурор келтирган протестни қувватлайди, ваколатли шахсларнинг берган протести бўйича иш юзасидан хулоса беради. Прокуратура фаолиятининг бу йўналиши бўйича ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг махсус буйруғи ва Низоми мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 14-сонли буйруғи қабул қилинган. Бу буйруқ ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни 13-моддасига асосан қабул қилинган.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида 2004 йил 11 май 22-сонли буйруқда қайд этилишича, фуқароларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги ва «Судлар тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунчилигидаги ўзгаришлар, шу жумладан, судларнинг ихтисослашуви ва суд қарорларини текширишда апелляция институтининг жорий қилинганлиги фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт, Ҳарбий, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фуқаролик судлов соҳасидаги асосий-вазифаси фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш қонунийликни мустаҳкамлаш, прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Фуқаролик суд ишлари юритилишида прокурор ваколатлари:

- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, давлат, жамоат ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш;

- қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳамда мазкур буйруқда белгиланган - ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлаш;

- прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ноқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш;

- қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонун бузилишларни бартараф этишга йўналтирини ҳисобланади.

Барча прокурорлар ва прокуратура органларининг тегишли тармоқлари фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида, айниқса, ота-оналик мажбурият-

ларини бажаришдан бош тортаётган, муттасил ичкиликбозлик ва гиёхвандликка мубтало бўлган, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этган шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, уларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақида, шунингдек, соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларнинг манфаатини кўзлаб даъво аризалари киритиш амалиётини янада фаоллаштириш талаб этилади.

4-§. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддасига асосан ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Қонунинг 9-моддасига асосан хўжалик судларида хўжалик низоларини кўришда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Унга кўра, прокурор хўжалик низоларини кўришда судда иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг 43-моддасига кўра, «Прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига даъво аризасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судига эса-тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Даъво тақдим этган прокурор келишув битими тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятлар бажаради.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Прокурор томонидан ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогарнинг воз кечиши аризани кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиш шарт деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этмиши шарт».

Хўжалик судида ишни кўришга тайёрлаш тўғрисидаги қарор чикарилган кундан бошлаб иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак. Алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати хўжалик судининг раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Хўжалик суди ишни кўрганда иш бўйича далилларни текширади: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, экспертларнинг хулосаларини шикитлади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради. Ишни кўриш суднинг ўзгармас таркибида амалга оширилади.

Хўжалик судида ишни кўришнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳар бир ишни кўриш дам олиш учун белгиланган вақтдан ташқари узлуксиз давом этади. Хўжалик суди иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунча ёки ишни кўриш кейинга қолдирилгунча бошқа ишларни кўришга ҳақли эмас.

Барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлайди. Бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш тугаганлигини эълон қилади ва хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун чиқиб кетади.

Ҳал қилув қарори имзолангандан кейин иш кўрилган мажлиснинг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини беришга ҳақлидир.

Апелляция шикоятини биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг апелляция инстанцияси кўради.

Апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор ва апелляция протести келтиришга ҳақлидир (ЎЗР ХПКнинг 156-моддаси).

Апелляция шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган хўжалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ушн Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

Апелляция шикояти (протести) хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

Апелляция протестида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- протест йўлланаётган хўжалик судининг номи;
- протест бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;
- устидан протест берилаётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;
- протест берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши нимадан иборатлиги;
- протестга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция протестида ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилинган хулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлиги ваз қилиб келтирилишига йўл қўйилмайди.

Апелляция протестини бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга протест нухасини ва унга илова қилинган, ушарда бўлмаган ҳужжатларнинг нухаларини юборади.

Ишда иштирок этувчи шахс кассация протестининг нухасини олганидан кейин унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга фикр нухалари жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни апелляция протести кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳужжалик судига юборишга ҳақлидир.

Апелляция протести ЎзР ХПКнинг 162-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) апелляция шикоятни (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нухалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикоятни (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикоятни (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция протести биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар протестни қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, протестини шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикояти (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

Апелляция протести иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда апелляция протестини кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Протестни чақириб олиш. Протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошланганча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд, апелляция протести чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори устидан иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади. Хўжалик суди апелляция инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Апелляция протести Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация протести унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

Хўжалик судининг ажрими устидан кассация тартибда протест келтириш мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация протести суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок

этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса - кассация протести келтиришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Олий ҳўжалик судининг Раёсати шу суд томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

Кассация шикоят (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳўжалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

Кассация шикоят (протести) ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

Кассация шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўлланаётган ҳўжалик судининг номи;
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;
- 3) устидан шикоят (протест) берилётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган ҳўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;
- 4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги;
- 5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кассация шикоятида (протестида) ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда

баён қилинган хулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлигини далил қилиб келтиришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятни уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятни унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Кассация шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протест) нусхасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятининг (протестининг) нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга фикр-мулоҳаза нусхалари жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикояти (протести) кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир.

Фикр-мулоҳаза ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Кассация шикояти (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) кассация шикояти (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судини четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятига (протестига) ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова

қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикоятни (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

6) кассация шикоятида (протестида) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикоятни (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикоятни (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар шикоятни (протестни) қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, шикоятни (протестни) шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кассация шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4, 6 -бандларида кўрсатилган олатлар баргараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс кассация шикоятни (протести) билан хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

Кассация шикоятни (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда кассация шикоятини (протестини) кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанциясининг хўжалик суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув

қарорининг, қарорнинг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Иш кассация инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўрилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

Кассация шикоятни берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40 -моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд кассация шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

Хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида тўғри қўлланилганлигини текширади.

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги қарор қабул қилишга;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор старлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори ва (ёки) қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун топширишга;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

6) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга.

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатига амал қилганлиги ҳал қилув қарорида ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса. Мазкур шахслар бундай ҳал қилув қарори ёки қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли;

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

Кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

2) кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

4) қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарор мазмунининг қисқача баёни;

5) ҳал қилув қарори, қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикоят (протести) юзасидан мулоҳазада баён қилинган важлар;

7) мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;

8) хўжалик суди ишида иштирок этувчи шахслар асосланган қонун ҳужжатларини қўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, суд қарорни қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун топширилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва хўжалик суди томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга қиради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг қарорда баён қилинган кўрсатмалари ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик суди у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки тўғри эмаслиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши тўғрисидаги масалаларни аввалдан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

Хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация шикоят (протести) суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Назорат тартибида протест келтириш. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан, ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси муносабати билан ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборади. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш кўрилганидан кейин апелляция ёки кассация инстанцияси судига берилиши мумкин. Протест келтириш учун асослар йўқлиги тўғрисида ариза берган шахс хабардор қилинади.

Протест нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

Х.П.Кодекснинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси муносабати билан ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборади. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилганидан кейин берилиши мумкин. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон қонуни тахриридаги жумла) Протест келтириш учун асослар йўқлиги тўғрисида ариза берган шахс хабардор қилинади.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Назорат тартибида протест келтирган мансабдор шахс уни ишни кўриш бошланишидан аввал чакириб олишга ҳақли. Протест чакириб олингани тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий хўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важдлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чакирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсик бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш юзасидан хулоса беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгаришсиз, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади. Агар Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Раёсат аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раёсат қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қароридан баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди ҳал қилув қароридан, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг тўғрилиги ёки нотўғрилиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни янгидан кўришда қандай ҳал қилув қарори,

қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари устидан назорат тартибда протест келтирилиши ва ушбу Кодексда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек улар ишнинг давом эттирилишига тўсқинлик қилган ҳолларда, ҳал қилув қароридан алоҳида қайта кўрилиши мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан келтирилган протестлар суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестларни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2004 йил 23 апрель 13–сон буйруғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни 13-моддасига асосан қабул қилинган. Прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши бўйича иш юритиш шу Низом асосида олиб борилади.

Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида 2004 йил 11 май 23-соили буйруқ қабул қилинган бўлиб, буйруқ талабларига биноан, давлат ва жамоат манфаатлари, хусусий бизнес субъектларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоялаш мақсадида судларга аризалар киритиш, прокурор ваколатини малакали таъминлаш, судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорларининг хўжалик судлов соҳасидаги асосий вазифаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини

таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишдан иборат.

Давлат ва жамоат манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда даъво аризалари киритиш билан бир вақтнинг ўзида манфаатлари ҳимояланиши кўзда тутилаётган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан бу борада амалий чоралар кўрилмаётганлигининг сабаблари ўрганилиб, тегишли муносабат билдирилиши лозим.

Авваламбор, даъво аризалари кўзғатилишига асос бўлаётган ҳужжатлар ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқилиши, даъволарнинг асосли ва қонунга мувофиқ бўлиши таъминланиши керак.

Қуйидаги низоларнинг хўжалик судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки мажбурийлиги белгилаб қўйилган:

- прокурор даъвоси билан кўзғатилган;
- давлат мулкини ҳимоя қилиш билан боғлиқ;
- юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш;
- халқаро ва давлатлараро шартномалар, келишувлар бўйича;
- банкрот деб эълон қилиш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар;
- давлат назорат органларининг пул маблағларини акцентсиз тартибда ундириш ҳақидаги ҳужжатларнинг ижро этилиши мумкин эмас деб топиш;
- контрактация ва ер ижараси шартномалари билан боғлиқ;
- табиатга зарар етказишдан келиб чиққан низолар.

Суд мажлисига прокурорлар пухта тайёргарлик кўриб, низога оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳамда иш материалларини суд жараёни бошлангунга қадар ўрганиб чиқишлари лозим.

Иш материаллари билан танишиш жараёнида ишнинг хўжалик судига тааллуқлилиги, ўзгалар номидан ариза берган шахснинг қонуний ваколатга эга эканлиги, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги, низо бўйича жавобгар тўғри жалб қилинганлиги, даъвони таъминлаш чоралари кўрилганлиги ва давлат божи тўланганлиги каби низонинг қонуний ҳал

этилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга алоҳида тўғри қаратилиши талаб этилади.

Судда иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципига амал қилгани ҳолда, далил-исботларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, иш моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, унинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашиши керак.

Хўжалик судларининг барча босқичларида ишлар кўрилишида, айниқса, давлат ва жамоат мулкани ҳимоя қилиш, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, корхона ва ташкилотларнинг банкротлиги, хусусийлаштириш, табиат муҳофазаси билан боғлиқ низоларнинг муҳокамасида зарар етказилишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий, моддий чоралар кўриш ва жиноят иши кўзғатиш масалалари, албатта, муҳокама қилиниши зарур.

Биринчи инстанция судларида прокурор иштирокисиз ҳал қилинган ҳамда апелляция, кассация босқичларида кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинган суд қарорлари билан келишилган ҳолларда прокуратура раҳбарияти томонидан тасдиқланган ҳулосалар тузилиши шарт.

Хўжалик судларининг ноқонуний ва асоссиз қарорларига нисбатан апелляция ва кассация муддатларида ҳамда назорат тартибида протестлар келтирилиши керак.

Даъвони кўрмасдан колдириш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд ажримларининг асослилиги ва қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, қонуний баҳо берилишига ва қонуний асослар бўлган ҳолда апелляция протести келтирилиши таъминланмоғи лозим.

Апелляция инстанциясида кўрилиб, кассация протести келтириш муддати ўтказиб юборилган ёки кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича ноқонуний суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги тақдимномалар зудлик билан Республика Бош прокуратурасига юборилиши керак.

Судлар томонидан қаноатлантириш рад этилган прокурор даъволари, апелляция ва кассация протестлари бўйича қабул қилинган суд қарорлари билан келишилган тақдирда мазкур хўжалик ишларини вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар раҳбарияти томонидан тасдиқланган хулосалар билан Бош прокуратурага юборилиши лозим.

Суд қарорлари юзасидан фуқаролар ҳамда юридик шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларнинг қонунда белгиланган муддатда, ишлар тўлиқ ўрганилган ҳолда қонуний ҳал қилиниши зарур. Ишларни ўрганиш натижасига кўра суд қарори асосли деб топилган тақдирда хулоса тузилиб, протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланиши, ариза муаллифига эса асослантирилган жавоб берилиши керак.

Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш (1)

Прокурор ёки унинг ўринбосари давлат бошқарув органлари ёки мансабдор шахслари томонидан, қонунда кўрсатилган ваколати доирасида бўлса, улар томонидан қабул қилинган актни гайриҳуқуқий деб топиш тўғрисида умумий юрисдикциядаги судга ёки хўжалик судига мурожаат этиш ваколатига эга.

суд қарорларининг қонунийлигини уларга нисбатан юқори турувчи судга протест келтириш йўли билан назорат қилади.

Фуқаролик ишларида ФПКнинг 46-моддаси ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Даввони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди.

Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш (2)

ФПК га мувофиқ фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларда прокурорнинг қатнашиши шарт

Суд томонидан ғайриқонуний ва асоссиз қарорлар чиқарилганда прокуратура органлари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқини тиклашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Фуқароларнинг, давлат жамоат ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан прокурор уларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилади

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-бўлимида прокурорнинг судларда ишларни кўришда прокурорларнинг

1) Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 33-моддаси);

2) Суд қарорларига нисбатан протест келтириш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси);

3) суд қарорларини текшириш учун ишларни судлардан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддаси);

4) фуқаролик ишларига доир суднинг қарорларига нисбатан келтирилган протестларни ўзгартириш, тўлдириш чақириб олиш (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 36-моддаси);

5) Ўзбекистон республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади. (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси).

Фуқаролик процессида прокурорларнинг ваколат доираси

Фуқаролик процессида прокурорларнинг ваколат доираси, асосан, Ўзбекистон республикаси ФПК 46-47-моддаларида назарда тутилган

Ўзбекистон республикаси ФПК нинг 46-моддасида процессда прокурорнинг ишгиروي масаласи ёритилган бўлиб унга кўра “Прокурор бошка шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини химоя қилиш учун ариза билан судга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек прокурор бошка шахслар ташаббуси билан кўзгатирилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

“Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб тоилган ҳолларда фуқаролик ишларини кўришда, шунингдек, прокурорнинг аризаси билан кўзгатирилган ишларда прокурор иштирок этиши шарт”

Фуқаролик процессида прокурорларнинг ваколат доираси

ФПКсининг 47-моддасида прокурор-
нинг фуқаролик процессидаги
ваколатлари бўйича процессуал ҳуқук ва
мажбуриятлари ўзининг ифодасини
топган.

Прокурор Фуқаролик процессуал
кодексининг 34-моддасида назарда
тутилган ишда иштирок этувчи
тарафларнинг бир қатор ҳуқук ва
мажбуриятларга эга эканлиги
кўрсатилган.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар
ва ташкилотларнинг ҳуқуклари ҳамда
конуний манфаатлари суд йўли билан
самарали химоя қилинишини таъминлаш
мақсадида барча инстанция судларида
ишлар кўрилатганда прокурор қоиунда
белгиланган тартибда иштирок этади.

Қуйидаги фуқаролик ишларида прокурор иштироки мажбурий

Суд томонидан ишда прокурорнинг катнашишини зарур деб топилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризаси билан кўзгатиш ишлар (ФПКнинг 46-моддаси)

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятни кўриб чиқишда (ФПКнинг 272-моддаси)

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризасини кўриб чиқишда (ФПКнинг 277-моддаси)

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки фуқарони ўлган деб эълон қилиш (ФПКнинг 288-моддаси)

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш (ФПКнинг 294-моддаси)

Апелляция, кассация, назорат тартибда кўриладиган ишлар

Гайриихтиёрий равишда стационарга ётқизиш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар (Оила кодексининг 80-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004
йил 11 майдаги 22-сонли буйруғига кура қуйидаги
фуқаролик ишларида прокурор ишгиروي мажбурий
(1)

суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб
топган холларда

прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган ишлар

сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари
(қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича
ишлар

прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб
топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишлар

фуқарони бедарак йўқолиш деб топиш ёки ўлган деб
эълон қилиш тўғрисидаги ишлар

фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки
муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни
тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишлар

шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия
стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар

апелляция, кассация ва назорат
инстанцияларида қўрилаётган ишлар

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг 2004 йил 11 майдаги
22-сонли буйруғига кўра қуйидаги
фуқаролик ишларида прокурор
иштироки мажбурий (2)**

-фуқароларни ишга тиклаш

-мулкни рўйхатдан чиқариш

-фуқароларни бошқа тураржой
бермасдан яшаш жойидан
кўчириш тўғрисидаги ишлар

-Олий суд, вилоят судлари ва уларга
тенглаштирилган судларнинг
биринчи инстанциясида кўриладиган
ишларда

Бошқа турдаги фуқаролик ишларини судда
кўришда уларнинг долзарблиги,
мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва
тумандаги қонунийлик ахволдан келиб
чиқиб прокурор иштирок этиши мумкин

**Прокурорнинг фуқаролик ишларини
юретишнинг апелляция босқичида
иштирок этиши асослари**

биринчидан, суд қарори устидан шикоят,
протест келтириш йўли билан


иккинчидан, тарафлардан бирининг суд
қароридан норози бўлиб шикоят аризаси
берганида бу тўғрисида фикр бериш йўли
билан иштирок қила олади

Кассация протестини ҳамма
прокурорлар, яъни туман, шаҳар, вилоят
ва юқори турган прокурорлар бера
оладилар

Прокурорнинг протест билдириш ҳуқуқи
- унинг биринчи инстанция судида
ишнинг кўрилишида иштирок қилиш-
қилмаслигига боғлиқ эмас

Иккинчи инстанция судида протест
кўрилганида прокурор иштирок этади ва
протестни қувватлайди

Апелляцион протест қарор чиқарилгач
20 кун мобайнида келтирилади.



**Назорат тартибида протест
келтириш ҳуқуқи ФПКнинг
349-моддасида кўрсатилган
шахсларга берилган**

**Қорақалпоғистон Республикаси
фуқаролик ишлари бўйича Олий
суди раиси**

**Фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
судлари, Ўзбекистон Республикаси
Харбий суди раислари**

**Тегишли фуқаролик ишлари бўйича
туманлараро, туман (шаҳар) судларининг,
округ ва ҳудудий харбий судларининг ҳал
қилув қарорлари ва ажримлари устидан**

**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг,
Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг судлов
хайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан
келтирган протестлар бўйича,**

**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон
Республикаси Харбий суди томонидан биринчи
инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан
апелляция, кассация ажримлари бундан мустасно**

**Назорат тартибида протест
келтириш ҳуқуқи ФПКнинг
349-моддасида кўрсатилган
шахсларга берилган**

**Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори**

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар
прокурорлари, Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий прокурори**

**Тегишли фуқаролик ишлари бўйича
туманлараро, туман (шаҳар) судларининг,
округ ва ҳудудий ҳарбий судларининг хал
қилув қарорлари ва ажримлари устидан**

**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича Олий судининг, фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов
хайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан
келтирган протестлар бўйича,**

**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий суди томонидан биринчи
инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан
апелляция, кассация ажримлари бундан мустасно**

**Назорат тартибида протест
келтириш ҳуқуқи ФПКнинг
349-моддасида кўрсатилган
шахсларга берилган**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раисининг ўринбосарлари**

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори ва унинг ўринбосарлари**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг қарорларидан ташқари,
Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал
қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари
устидан келтирган протестлар бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг қарорларидан ташқари,
Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал
қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари
устидан келтирган протестлар бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди
раиси - Ўзбекистон Республикаси барча
судларининг ҳал қилув қарорлари,
ажримлари ва қарорлари устидан келтирган
протестлар бўйича**

**Протестларни кўрадиган
судлар
(2)**

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг раёсати**

Мазкур суднинг округ ва ҳудудий
ҳарбий судлар томонидан кўрилган
ишлар устидан чиқарган апелляция
ва кассация ажримлари устидан
келтирилган протестлар бўйича
ишларни кўради

**Ўзбекистон Республикаси Олий
судининг Ҳарбий ҳайъати**

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди раёсатининг
қарорлари устидан**

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий судининг мазкур суд томонидан
биринчи инстанцияда кўрилган ишлар
устидан келтирилган апелляция ва
кассация ажримлари юзасидан
келтирилган протестлари бўйича
ишларни кўради

Протестларни кўрадиган судлар (3)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан келтирилган протестлар бўйича

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов хайъатларининг назорат тартибда чиқарган ажримларини кўради

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибда келтирилган протестлар бўйича ишларни кўради

Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қоракўлнинг Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Харбий судини чеглаб ўтиб, назорат тартибда бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов хайъатлари томондан кўриб ч. мумкин

**Протестни тўлдириш,
ўзгартириш ва қайтариб
олиш
(ФПКнинг 356-моддаси)**

**Назорат тартибида протест келтирган
мансабдор шахс протестни тўлдириш,
ўзгартириш ёки қайтариб олишга
ҳақли**

**Прокурор келтирган протестни юқори
турувчи прокурор ҳам тўлдириши,
ўзгартириши ёки қайтариб олиши
мумкин**

**Протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки
қайтариб олишга протест
кўриладиган суд мажлиси
бошлангунига қадаргина йўл
қўйилади**

**Протест тўлдирилганлиги,
ўзгартирилганлиги ёки қайтариб
олинганлиги ҳақида ишда иштирок
этувчи шахслар хабардор
қилинадилар.**

Ишни назорат тартибида кўриш доираси

(ФПКнинг 357-моддаси)

**Суд ишни назорат тартибида
кўрганида биринчи инстанция ва
апелляция ёки кассация
инстанцияси судларининг моддий ва
процессуал ҳуқуқ нормаларини
ишдаги мавжуд материаллар бўйича
протестда келтирилган вазлар
доирасида қанчалик тўғри
қўллаганликларини текширади.**

**Башарги, суд қарорида бошқа
шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун
билан қўриқланадиган манфаатлари
бузилган бўлса, суд протест
доирасидан четга чиқиши мумкин**

Протестни кўриш тартиби

(ФПКнинг 358-моддаси)

Назорат тартибида келтирилган протестни кўришда ушбу Кодекснинг 333, 335 ва 336-моддаларида баён этилган қондалар шу бобда баён этилган истисноларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади

Судлов ҳайъатида, суд Раёсати ва Пленумида раис ёки унинг топшириғига биноан илгари ишни кўришда қатнашмаган судья, Раёсат ёки Пленум аъзоси иш юзасидан маъруза қилади.

Маърузада: ишнинг ҳолатлари, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор, шунингдек протестнинг мазмуни баён этилади

Ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинмаган бўлишларига қарамай, судга келган ҳолларда ҳам суд мажлисига киритиладилар. Бу шахслар судга иш бўйича маъруза қилинганидан кейин тушунтиришлар берадилар

**Ишни назорат тартибида
кўришда
прокурорнинг иштироки**

(ФПКнинг 359-моддаси)

**Ишни назорат тартибида кўришда
прокурор қатнашиб, ўзи ёки юқори
турувчи прокурор келтирган
протестни қувватлайди**

**ёхуд суд раиси ёки унинг ўринбосари
келтирган протест бўйича
кўрилаётган иш юзасидан ўз
фикрини беради**

**Назорат тартибдаги протестлар
бўйича
ажрим ва қарорлар чиқариш**

(ФПКнинг 360-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича
вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон
Республикаси Харбий суди раёсатларининг
қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди
судлов хайъатларининг ажримлари ва Ўзбекистон
Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари
ушбу Кодекснинг 14 ва 204-моддаларида назарда
тутилган тартибда чиқарилади.

Протест қаноатлантирилишини ёқлаб
ва унга қарши берилган овозлар тенг бўлиб
қолса, протест рад этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
судлов хайъатининг назорат тартибдаги
протест бўйича чиқарган ажрими суднинг
тўлиқ таркиби томонидан имзоланади.

Суд раёсатининг қарори раёсат
мажлисида раислик қилувчи томонидан,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг қарори эса, Ўзбекистон
Республикаси Олий судининг Раиси ва
котиби томонидан имзоланади.

**Ишни назорат тартибда
кўраётган суднинг ваколатлари
(ажрими ёки қарори билан)
(ФПКнинг 361-моддаси)**

1) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз, протестни эса қамоатлангирмай қолдиришга

2) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки апелляция ёхуд кассация инстанцияси судига юборишга

3) ҳал қилув қарорини, ажрим ёхуд қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга

4) иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарордан бирини ўз кучида қолдиришга

5) ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли

Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 33- моддасига асосан ҳамда «Судлар тўғрисида»ги Қонунинг 9-моддасига асосан хўжалик судларида хўжалик низоларини кўришда прокурор иштирокининг ҳукукий асослари белгилаб берилган

Унга кўра, прокурор хўжалик низоларини кўришда судда иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг 43-моддасига кўра, “Прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли”

**Даъво
аризасини
кiritиш
ваколати**

**Ўзбекистон
Республикаси Олий
хўжалик судига
даъво аризасини
Ўзбекистон
Республикаси Бош
прокурори ёки
унинг ўринбосари**

**Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоят ва
Тошкент шаҳар хўжалик
судига эса-
тегишлича,
Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоят ва
Тошкент шаҳар
прокурорлари ҳамда
уларга тенглаштирилган
прокурорлар ёки уларнинг
ўринбосарлари тақдим
этади**

**Прокурорнинг ўз
даъвосидан воз кечиши
даъвогарини ишпи
мазмунан кўриб чиқишни
талаб қилиш ҳуқуқидан
маҳрум қилмайди
Прокурор томонидан
ҳуқуқини химоя қилиш
мақсадида тақдим этилган
даъводан даъвогарнинг
воз кечиши аризаини
кўрмасдан қолдиришга
олиб келади**

**Апелляция шикояти бериш
(протести келтириш) ҳуқуқи**

Ишда иштирок этувчи шахслар
хўжалик судининг қонуний кучга
қирмаган ҳал қилув қарори устидан
апелляция шикояти бериш (протест
келтириш)га ҳақлидир

**Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор,
давлат органлари ва бошқа органлар ўз
зиммаларига юклатилган ваколатга
кўра, шунингдек аризачилар ҳамда
юримдик аҳамиятга эга бўлган
фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва
ташкilotлар ҳамда фуқаролар
банкротлиги тўғрисидаги ишлардан
манфаатдор бошқа шахслар ишда
иштирок этувчи шахслар деб
хисобланади**

Апелляция протестида куйидагилар кўрсатилиши керак

1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи.

2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахсининг номи

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, ишонинг предмети

4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахсининг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонуи ҳужжатлари ҳамда иш материаллари

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати

Апелляция шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишоннома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нуҳзалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Буздан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади

**Апелляция протести,
ЎзР ХПКнинг 162-моддасига
асосан қуйидаги ҳолларда
қайтарилади**

1) апелляция шикоят (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса

2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатирилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконини назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса

4) апелляция шикоят (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикоят (протести) иш юретишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса

Кассация шикояти бериш (протести келтириш) ҳукуки

Ишда иштирок этувчи шахслар
хўжалик судининг қонуний қучга
қирмаган ҳал қилув қарори устидан
кассация шикояти бериш (протести
қелтириш)га ҳақлидир

Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор,
давлат органлари ва бошқа органлар ўз
зиммаларига юклатилган ваколатга
қўра, шунингдек аризачилар ҳамда
юримдик аҳамиятга эга бўлган
фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва
ташқилотлар ҳамда фуқаролар
банкротлиги тўғрисидаги ишлардан
манфаатдор бошқа шахслар ишда
иштирок этувчи шахслар деб
ҳисобланадилар

**Кассация шикояти бериш
(протести келтириш)
тартиби**

**Кассация шикояти (протести)
Ўзбекистон Республикаси Олий
хўжалик судига ҳал қилув
қарори, қарор қабул қилган
хўжалик суди орқали берилади**

**Ҳал қилув қарори, қарор қабул
қилган хўжалик суди шикоят
(протест) тушган кундан эътиборан
беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон
Республикаси Олий хўжалик судига
иш билан бирга юбориши шарт**

**Кассация шикояти (протести)
хўжалик судининг ҳал қилув қарори
ёки апелляция инстанциясининг
қарори қонуний кучга кирганидан
кейин бир ой давомида берилиши
мумкин.**

**Кассация шикоятининг
(протестининг) мазмуни
(ЎзР ХПК177-моддаси)**

1) шикоят (протест) йўланаётган хўжалик судининг номи 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтириляётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низоининг предмети

4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқук нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати

Кассация шикоятда (протестда) ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилинган ҳулосалар ишнинг ҳолатларига яомувофиклигини далил қилиб келтиришга йўл қўйилмайди

Кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади. Шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади

**Назорат тартибда
протест келтириш
ваколати**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳўжалик судининг
Раиси ва унинг
ўринбосарлари, Ўзбекистон
Республикаси Бош
прокурори ва унинг
ўринбосарлари**

**Ўзбекистон Республикасиинг
ҳар қандай ҳўжалик суди қабул
қилган ҳал қилув қарорлари ва
қарорлар устидан протест
келтиришга ҳақли, Ўзбекистон
Республикаси Олий ҳўжалик
суди Раёсатининг қарорлари
бундан мустасно.**

Протестни кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий ҳўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест важдари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин

Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди

ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш юзасидан ҳулоса беради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
хўжалик суди Раёсатининг ишлари
назорат тартибида қайта кўриш
бўйича ваколатлари**

**1) хўжалик судининг ҳал қилув
қарорини, қарорини ўзгаришсиз,
протестни эса қаноатлантирмасдан
қолдиришга**

**2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла
ёки қисман бекор қилиб, ишни
янгидан кўриш учун юборишга**

**3) ҳал қилув қарорини, қарорни
ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни
янгидан кўришга юбормасдан янги
қарор қабул қилишга**

**4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки
қисман бекор қилиб, иш юритишни
тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман
кўрмасдан қолдиришга**

**5) иш бўйича илгари қабул қилинган
ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан
бирини кучда қолдиришга ҳақли**

Тўққизинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

2. Фуқаролик ишларининг биринчи инстанция тариқасида судларда кўрилиши жараёнида прокурор ваколатлари нималар?

3. Прокурорнинг фуқаролик ишларини юриштишнинг апелляция босқичида иштирок этиши асосларини ажратинг.

4. Фуқаролик ишлари бўйича апелляция тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

5. Фуқаролик ишлари бўйича кассация тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

6. Фуқаролик ишлари бўйича назорат тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

7. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолатини ёритинг.

8. Хўжалик ишлари бўйича ишлар кўрилишида прокурорнинг протестини киритиш субъектлари кимлар?

9. Хўжалик ишлари бўйича апелляция тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

10. Хўжалик ишлари бўйича кассация тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

11. Хўжалик ишлари бўйича назорат тариқасида киритилган протестни ким чақириб олиши мумкин?

12. Хўжалик низолари судларда кўрилишида иштирок этадиган прокурорларни ажратиб беринг.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

10-БОБ: Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.

РЕЖА:

1-§. Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.

2-§. Протест.

3-§. Қарор.

4-§. Тақдимнома.

5-§. Ариза.

6-§. Огоҳлантирув.

1-§. Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.

Қонун бузилишининг даражаси (характери)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. **Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир.** (*Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 37-моддаси*).

Қонунийликка риоя этиш устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш ҳужжатлари сифатида қўлланадиган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувлар маълум талабларга жавоб бериши керак:

-Улар қонун бузилишига оид долзарб, муҳим ва аҳамиятли ҳолатларга қаратилган бўлиши лозим, бундай ҳолат аниқланганда прокурорнинг процессуал аралashi зарурияти ва тегишли қарор зарурияти ва тегишли қарор қабул қилинишини тақозо этади.

-Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд ҳулоса ва тақлифлар асосланган ва қонуний бўлиши керак. Улар аниқ фактларга асосланган бўлиши керак.

-Прокурор раҳбарнинг ўзи қонунни бузган шахсга нисбатан қўллаши мумкин бўлган маъмурий ва интизомий чораларни олдидан қўлламаслиги ва буни раҳбарга қўйиб бериши керак.

-Прокурорлик назорати ҳужжатларни чиқаришда амалиётда қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга оид тузилиши, шакл ва реквизитларга ҳамда энг асосийси, ҳужжатнинг мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим.

-Ниҳоят, ҳуқуқий ҳужжат юридик ва имловий жиҳатдан саводли ёзилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддасида кўрсатилишича:

“1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидаги, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги “прокурор” деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак. (ЎЗР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сонли Қонуни тахриридаги қисм)”

Кўриниб турибдики, протест, тақдимнома киритиш, огоҳлантирув ҳужжатини қўллаш, ариза билан мурожаат қилиш, интизомий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддаси талабига кўра:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокурори;
- Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари;
- ва уларга тенглаштирилган прокурорлар;
- шунингдек, уларнинг ўринбосарларига тегишлидир.

2-§. Протест.

Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди.

(Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддаси).

Қонунда протестнинг шакли, мазмуни, унда кўрсатилиши керак бўлган масала мазмунининг тузилиши қандай бўлиши ҳақида (масалан, протестнинг номи, қаерда ва қачон қабул қилинаётганлиги, қабул қилаётган шахснинг лавозими, кириш қисми, асослантирувчи қисми, протест учун асос қилиб кўрсатилаши лозим бўлган қонун нормаси, талабнинг қандай шакл, усул ва услубда берилиши) талаб келтирилмаган. Бу масала юқорида қайд этилган ваколатли прокурорларнинг ихтиёрига

ҳавола қилинган. Шундай бўлишига қарамасдан, прокурорлик амалиётида ҳужжат қандай бўлиши кераклиги ҳақида маълум бир талаблар шаклланган

Қоида бўйича, протестнинг мажбурий реквизитлари:

- бу ҳужжатнинг номи, яъни “Протест” деб аталиши;
- ҳуқуқий актни чиқараётган органнинг номи ва мансабдор шахснинг эгаллаган лавозими;

- (масалан: *Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Далиев Шухрат Эркинович*);

- Ҳуқуқий актнинг қабул қилинишига асос бўлувчи номланиш

- (масалан : *Маълум бир туман хокимининг 000 сонли қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун*);

- Ҳуқуқий ҳужжатни чиқиш санаси ва номери

- (2008 йилнинг 25 октябрь кунини № 000);

- Протестнинг мазмуни: баён ҳамда асослантирувчи қисм

- (*прокурор ғайриқонуний деб ҳисоблаган ҳужжатнинг қабул қилинганлиги ва ҳужжатнинг ғайриқонунийлигини асос эттирувчи ҳолат ва нима учун ҳужжат ғайриқонуний, қонунга зид эканлигини асослантирувчи норматив ҳужжат мазмуни асос эттирилади ҳамда айнан қонун талаби бўйича қандай бўлиши кераклиги изоҳланади*);

- Протест киритишнинг ҳуқуқий асоси ва йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолати очиб берилади, унинг бартаараф этилиши шартлиги қайд этилади;

- (...асосларга кўра, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим деб ҳисобланади);

- Протест киритиш учун ҳуқуқий асос кўрсатилади

- (масалан, *Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 38,56 моддаларига асосланиб*)

- Протестнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг хулоса қисми ҳисобланади. Хулоса қисмида, прокурор ғайриқонуний деб ҳисоблаган ҳужжатни бекор қилиш ёки уни қонунга зид бўлган қисми қисман ўзгартириш шартлигини талаб тариқасида асос эттиради. Бу ерда, бекор қилиниши керак бўлган ҳужжат ким томонидан ва қачон киритилганлиги ҳамда унинг нима деб номланганлиги аниқ кўрсатилиши керак;

- Протест келиб тушган кундан бошлаб, 10 кун муддат ичида кўриб чиқилиши шартлигини ҳамда протестни кўриб чиқиш натижаси ҳақида прокурорга ёзма равишда маълум қилиш талаби қайд этилади;

- Зарур бўлган ҳолларда, протест коллегиал тартибда кўриладиган бўлса, прокурорнинг иштирокини таъминлаш мажбурияти кўрсатиб ўтилади (бундай ҳолатларда, протестни кўриб чиқиш санаси ҳақида прокурорга олдиндан хабар қилиниши шарт);

Протест, албатта, прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиши шарт ҳисобланади.

3-§. Қарор.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят ишн, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўзғатиш ҳақида **қ а р о р** чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Ҳар бир чиқариладиган қарор тегишли (жиноят процессуал, маъмурий, меҳнат ёки шу каби) қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Агар сўз жиноят ишини кўзғатиш борасида борса, бу ерда Жиноят процессуал кодекс талабларини риоя этиш керак. Қарор чиқарилган шахснинг исм-фамилияси ва мансаби ҳамда унвони, ишни кўзғатиш учун сабаб ва асослар жиноят кодексининг моддаси, жиноят ишининг кейинги йўналиши кўрсатилиши керак.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

(Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексин 33-моддасида “Прокурор”нинг жиноят процессидаги ўрни белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов bosқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов bosқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан катъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 34-моддасида “Прокурорнинг ваколатлари” қайд этилган:

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов bosқичларида ушбу Кодекснинг 243, 382-388, 558-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Прокурор суд муҳокамасида қатнашиб, ушбу Кодекснинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Прокурорнинг ваколатлари

(ЎЗР ЖПКнинг 382-моддасида қайд этилган)

“Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир

ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

- содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;

- суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

- қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоққа сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

- суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар қўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

- суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ушбу Кодексга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади; (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сонли Қонун тахриридаги хатбоши)

- тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради;

- дастлабки тергов муддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради;

- ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

- жиноят ишини суриштирув органидан терговнига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказади;

- суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

- жиноят ишлари қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради;

- айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

Прокурорнинг ушбу Кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ, “Суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир” дейилган. Албатта, бу процессуал ҳаракатларни амалга оширишда прокурор қарор деб номланган прокурор назорати ҳужжатидан кенг фойдаланади.

4-§. Такдимнома.

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиши ҳоллари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиш ҳолларини баргараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига **т а қ д и м н о м а** киритади.

Такдимнома қоида бўйича қонун билан белгиланган тартибда прокурор ва унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, қонун бузилишини баргараф этувчи ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи давлат органларига ҳамда мансабдор шахсларига ёхуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ҳудди шу текширилган корхона, муассаса ва ташкилотнинг тармоқ идоралари бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлган тарқалганлик хусусиятига эга бўлганда ёки прокурор такдимномаси рад этилганда ёхуд

тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимномада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий ёки моддий жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор талаблари баён этилиши мумкин. Бунинг учун жавобгарликнинг ушбу турларини кўзгаатиш ҳақидаги махсус қарор чиқарилиши шарт эмас.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Тақдимномани тайёрлашда нафақат унинг чиқарилиши учун аниқ сабаблардан, балки ушбу тақдимнома юбориладиган корхона, муассаса ёки ташкилотдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибнинг ҳолати ҳақидаги хулосалардан фойдаланиш керак.

Прокурор ўз тақдимномасида йўл қўйилган қонун бузилишлари уларга имконият яратган сабаб ва шароитлардан ташқари ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олувчи шароитларни яратишга имкон берадиган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатиб ўтса, мақсадга мувофиқдир.

Тақдимнома, қоида бўйича, қонун бузилишини бартараф этувчи ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрувчи давлат органларига ва мансабдор шахсларга юборилади. Қонун бузилиши тарқалганлик хусусиятига эга бўлганда ёки прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

Тақдимнома, ўз шаклига кўра маълум талабларга жавоб бериши керак. Тақдимномада куйидаги элементлар мавжуд бўлади:

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш жиноятни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к); бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ва

шароитлар тавсифи; қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шароитларни бартараф қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар; қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни кўрсатиш; уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари; тақдимноманинг дарҳол кўриб чиқиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб; прокурорнинг шикоятлари ва даражали унвони, тақдимномани киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси.

Умуман, тақдимнома фақат қонун бузилиши ҳолларини бартараф қилишга хизмат қилмасдан, балки қонун бузилишини олдини олишда юқори аҳамиятlidir.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақlidir.

5-§. Ариза.

Прокурор назорати ҳужжати сифатида **а р и з а**. Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибда бартараф этилиши лозим бўлган ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасidir.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўриштирилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Аризада куйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилётган суднинг номи;
- 2) прокурорнинг лавозими ва фамилияси, исми, ота исми ҳамда ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилганлиги, ушбу шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили (даъвогар);
- 3) жавобгарнинг номи ва манзили;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси;
- 6) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар ва даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 7) аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Албатта, ишнинг хусусиятига қараб, аризада кўрсатиладиган маълумотлар ва унинг шакли фарқланиши мумкин.

Аммо бу прокурор аризасининг мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахслар, қолаверса, давлат ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятига ҳеч қандай таъсир этмайди. У прокурор таъсир ҳужжатларидан бири сифатида самарали восита бўлиб қолаверади.

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда конуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор томонидан маълум бир орган ёки мансабдор шахснинг ғайриконуний деб ҳисоблаган ҳужжатига нисбатан киритилган протест рад этилса, ёки кўриб чиқилмаса, шу ҳужжатни конунга мувофиқлаштириш учун ҳам судга ариза билан мурожаат қилиниши мумкин.

“Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриконуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди”.

(Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддаси).

Бундай аризалар тегишли фуқаролик судларига берилади.

Прокурорнинг аризаси судда кўрилаётганда, прокурор иштирок этиши ва ўз аризасида кўрсатилган вазмларни асослаб бериши керак. Бу прокурорнинг судга берган аризаси, албатта, қаноатлантирилади, деган мазмунни бермайди. Суд тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қонун талабларига биноан, ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қилади.

6-§. Огоҳлантирув.

Огоҳлантирув муҳим прокурор назорати ҳужжати ҳисобланади. Прокурор фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида, мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органига (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирувчи эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддаси).

Огоҳлантирув йўлланган шахс ҳужжатдан норози бўлса, юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва буни ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

Огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжати сифатида жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлгани сабабли, арзимаган оғзаки огоҳлантирилиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича киритилмайди.

Огоҳлантирилган шахс бу ҳужжат орқали ўзига фуқароларнинг конун билан кўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказмаслик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, конуннинг бузилишига йўл қўймаслик масъулиятини олади.

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИ
ҲУЖЖАТЛАРИ**

ПРОТЕСТ

ҚАРОР

ТАҚДИМНОМА

АРИЗА

ОГОҲЛАНТИРУВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Улар қонуи бузилишига оид долзарб, муҳим ҳолатларга қаратилган бўлиши лозим, бундай ҳолат аниқланганда прокурорнинг процессуал аралашини зарурияти ва тегишли қарор зарурияти ҳамда тегишли қарор қабул қилинишини тақазо этади

Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд хулоса ва таклифлар асосланган ва қонуний бўлиши керак. Улар аниқ фактларга асосланган бўлиши керак

Прокурор раҳбарнинг ўзи қонуни бузган шахсга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган маъмурий ва интизомий чораларни олдиндан қўлламаслиги ҳамда буни раҳбарга қўйиб бериши керак

Прокурорлик назорати ҳужжатларни чиқаришда амалиётда қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга оид тузилиши, шакл ва реквизитларга ҳамда, энг асосийси, ҳужжатнинг мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим

Ҳуқуқий ҳужжат юридик ва имловий жиҳатдан саводли ёзилиши керак

Протест

Жиной жазоларни ижро этиш муассасаларида кабул қилинган қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни махсус прокурор томонидан ана шу ҳужжатни кабул қилган органга ёки юқори турувчи органга киритилади

Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Қонунбузарликни дарҳол баргараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади

Протест рад этилганда, ёки белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан тегишли судга мурожаат этишга ҳақли

Қарор

Прокурор мансабдор шахс ёки махбус томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қ а р о р чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради

Қарорда уни чиқарган шахснинг исм-фамилияси ва мансаби ҳамда унвони, ишни қўзғатиш учун сабаб, асослар, жиноят кодексининг моддаси ва жиноят ишининг кейинги йўналиши кўрсатилиши керак

Прокурорнинг маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги қарори келиб тулган қундан бошлаб ун беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт.

Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади

Тақдимнома

Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиши, ҳоллари унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига тақдимнома киритади

Тақдимнома прокурор ва унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, жиноий жазоларни ижро этувчи органларга ҳамда шу идораларнинг мансабдор шахсларига ёхуд уларнинг юқори турувчи органларига юборилади

Прокурор тақдимномаси рад этилганда ёхуд тақдимнома бўйича нотўғри қарор қабул қилинган бўлса, тақдимнома юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади

Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақли

**Тақдимномада қуйидаги элементлар
мавжуд бўлади**

Тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийликка риоя этилиши ҳақидаги материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, жиноятни тергов қилиш натижалари ва ҳ.к)

Бузилган қонун номи ва йўл қўйилган қонун бузилишига олиб келган сабаблар ҳамда шартлар тавсифи

Қонун бузилишига олиб келган сабаб ва шартларни бартараф қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тавсия қилинадиган чора-тадбирлар

Қонун бузилишига йўл қўйган аниқ мансабдор шахсларни кўрсатиш

Уларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги прокурор таклифлари

Тақдимноманинг дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик мuddат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозимлиги ҳақидаги талаб

Прокурорнинг лавозими ва даражали унвони, тақдимномани киритиш санаси, тақдимнома муаллифи имзоси

Огоҳлантирув

Прокурор фуқароларнинг қонуни билан кўрикланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрлаётганлиги ҳусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда;

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иши, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

Огоҳлантирувда кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда, айбдор шахс интизомий, фуқаролик, маъмурий ёки жинсий жавобгарликка тортилиши мумкин. Огоҳлантирилган шахс огоҳлантирув билан таништирилиши ва буни ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлаши лозим.

Ариза

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор аризаси - бу суд муҳокамаси орқали қонуларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши, қонун бузилиши ҳоллари ва суд тартибида баргараф этилиши лозим бўлган ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишнинг самарали воситасидир

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.
Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қону билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим

ариза берилаётган суднинг номи;
жавобгарнинг номи ва манзили

прокурорнинг лавозими ва фамилияси, исми,
фамилияси ҳамда ариза қимнинг манфаатини
қўзлаб берилганлиги, ўша шахснинг номи
(фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда
манзили (даъвогар)

даъвогарнинг талаби;
агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, унинг баҳоси

даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар
ва даъво талабларининг асосларини
тасдиқловчи далиллар

аризага илова қилинган ҳужжатлар
рўйхати
(Прокурорнинг аризасидан давлат божи
олинмайди)

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг
ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
Прокурорнинг аризаси қонуни ҳужжатларида назарда
тутилган тартибда кўриб чиқилади.

10-боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби қандай?

2. Протест тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш субъектлари қимлар?

3. Протест тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш асослари қандай?

4. Қарор тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш субъектлари қимлар?

5. Қарор тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш асослари қандай?

6. Тақдимнома тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш субъектлари қимлар?

7. Тақдимнома тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш асослари қандай?

8. Ариза тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш субъектлари қимлар?

9. Ариза тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш асослари қандай?

10. Огоҳлантирув тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш субъектлари қимлар?

11. Огоҳлантирув тариқасидаги прокурор назорати ҳужжати кириштириш асослари қандай?

12. Прокурор назорати ҳужжатларини чақириб олиш мумкинми, агарда шундай бўлса, қайсилари ва қандай тартибда чақириб олинади?

13. Қайси прокурор назорати ҳужжати рад қилинганида ёки қўриб чиқилмаганида прокурор судга мурожаат қилади?

14. Прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш оқибатларини ёритиб беринг.

15. Прокурор назорат ҳужжати бўлган қарордан ташқари яна қандай қарорлар қабул қилиши мумкин?

УЧИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
11-БОБ: Прокуратура органлари ходимлари.

РЕЖА:

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсади ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари.

2-§. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар.

3-§. Прокуратура органлари ходимларининг даражали ивонлари ва ҳарбий ивонлари.

4-§. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат.

5-§. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги.

6-§. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ҳамда уларнинг oilаларини ижтимоий химоялаш чоралари.

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсади ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис 2 чақириқ 6-сессиясида «Адолат-Қонун устуворлигида» деб номланувчи маърузасида прокуратура идоралари хусусида «Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий химоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўтказилишида, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи ўрин тутади», деб берган таърифлари бу идоранинг тутган ўрнини, салоҳиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Адолат-қонун устуворлигида» деб номланган ўз маърузасида «...прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур...», «Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир»²⁶ деб, алоҳида уқтирган эди. Прокурорлар халқни назорат қилишлари эмас, балки, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилишлари ва ўз фаолият йўналишларини айнан шунга қаратишлари лозим. Авваламбор, дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишининг ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган эди. Логинчада прокуратура - деган сўз “ғамхўрлик қиламан”, “таъминлайман”, “ҳимоя қиламан” деган маъноларни билдиради. Ҳозирги, юртбошимиз қўяётган талаблар ҳам айнан шундан иборатдир. Прокуратура идоралари, авваламбор, қонунларларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз фаолият йўналишларида асосий мазмунни айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, фуқароларимиздан ташкил топган давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратишлари лозимлиги талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузасида «Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади»²⁷ деб, 2002 йилнинг 29-август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи

²⁶ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

²⁷ Каримов И. А. Адолат-қонун устуворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.

сессиясида «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»²⁸ деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чақирик олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адолат-қонун устуворлигида» номи маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар:

“Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларнинг қонунга бўйсунуш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш-бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”.

“Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатагон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда”.

“1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”.

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик узагишларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти. Буни аниқ тан олиш керак Бизнинг бош вазифамиз-ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ кутулишдир.

Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қискартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик таймойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устунлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади.

Қонунни бузган одамдан уни тақрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳисса олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдай ўтган замондан қолган ярамас тажрабага барҳам берилиши зарур.

Ҳуқуқ-гартибот органлари ходимлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик, органларни бундай нопок шахслардан тозалаш, ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқиш зарур.

Жиноят қонунчилиги бўйича жиноятлар учун жазо тайинлашни либераллаштириш лозим.

Жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш зарур.

Жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади.

Қонунни бузган оила бошлигининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак. Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор мана шундадир.

Биз синфий кураш ғояларига, давлат манфаатларининг мутлақ устунлигига асосланган ва ҳали –бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндашувлардан воз кечишимиз керак. Яъни, агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини қўтариб юришига қаршимиз. *Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу бизнинг бош мақсадимиздир.*

Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини эркинлаштириш жараёни изчил давом эттирилиши зарур.

Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жинорий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифалардан биридир.

Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қўйиб олсинки, улар мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ вояга етказган. Бас шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилишлари эмас, балки уларга хизмат қилишлари керак.

Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур.

Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль орган-

ларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу- прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Прокурорлар фаолиятига улар томонидан кўзгатишган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.

Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир.

Юридик кадрлар биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мустахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир қатор ўқув муассаларида-Тошкент давлат юридик институтида, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларида амалга оширилмоқда. Андижон ва Наманган давлат университетларида бор-йўғи 3 тадан фан номзоди ишлайди ҳолос.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий кўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳаларни тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиламизки, ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш,

қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланади.

“Хуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғуллангани яхши эмасмиди ? Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак”.

2-§. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29-августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида (43-модда) белгилаб берилган бўлиб, **Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар қуйидагичадир:** прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига:

- олий юридик маълумотга эга;
- зарур касбий фазилатлари бўлган;
- зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган даражада саломат бўлган;
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинландилар.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун раҳбар лавозимларга тайинланаётган прокурорлар учун юқорида қайд этилган талаблар билан биргаликда ёш цензини ҳам назарда тутлади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига:

камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган;

йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари ўзларининг юксак фуқаролик бурчи билан қоришиб кетадиган юқори касбий тайёргарликка эга бўлишлари, қонун бузилиши ҳолларига мурасасиз бўлишлари, сотилмас, адолатли, виждонли бўлишлари лозим.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Акс ҳолда, улар келгусида ўзлари томонидан текширилиши мумкин бўлган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришиб қўйиб, ўзларининг мустақилликларини қўлдан бериб қўйишади. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин, холос.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белғилайдиган тартибда аттестациядан ўтказиладилар. Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда қасамёд қабул қиладилар (44-модда). Унда жиноятчиликка қарши мардонавор ва мурасасиз курашни ҳамда ўз мазмунига кўра энгил бўлмаган қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан талаблар қўйилган.

Қасамёд мазмуни қуйидагичадир:

“Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан”.

Қасамёд қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тарки-

бида прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция тузилади (Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 46-моддаси).

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказди.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Прокуратура ходимларига нисбатан бундай юқори талабларнинг қўйилиши тасодифий эмас, чунки қонун прокурорлар ва терговчиларга жуда ҳам кенг ҳокимият-бошқарув ваколатини бериб қўйган. Бу ваколатлардан нотўғри фойдаланиш ёхуд хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиниши жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун, ўз касбий мажбуриятини амалга ошираётган ҳар бир прокуратура ходими қонун доирасида ҳаракат қилиши ҳамда инсонларга нисбатан эътиборли бўлиши талаб қилинади.

Ҳар бир прокуратура органи ходими чуқур билимга, зарур амалий тажрибага эга бўлиши, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳалол-поқ, қатъиятлилиқ, ташаббус ва намуна кўрсатиб адо этиши талаб этилади.

Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги 2005 йил 17 февраль кунги 42-сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи мавжуд бўлиб, буйруқ талабига кўра, Прокуратура органларида хизмат қилиш учун олий юридик, Департамент органларида хизмат қилиш учун эса олий юридик, иқтисодий ва молиявий маълумот, зарур касбий фазилатларга эга, соғлиғига кўра, хизмат вазифаларини бажаришга қодир, судланмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилиниши мумкинлигига эътибор қаратилиши лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, Прокуратура органларига ишга қабул қилишда, биринчи навбатда, прокуратура органларида меҳнат қилаётган олий маълумотли

техник ходимлар ҳамда прокурорларнинг жамоатчи ёрдамчилари сафидан муносибларини танлаш кераклиги таъкидланган.

Олий ўқув юртлари битирувчиларини Бош прокуратура масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган комиссия хулосасига асосан ишга қабул қилиш амалиётидан фойдаланилиши белгиланган.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинган мутахассисларни тарбиялаш, касб маҳоратини ошириш чора-тадбирлари кўрилиши лозимлиги, ёш мутахассисларга тажрибали ходимлардан мураббий тайинланиши ва уларнинг бу борадаги масъулияти оширилиши, шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар мураббийларнинг ёш ходимларни тарбиялаш борасидаги ҳисоб аттестация комиссияси йиғилиши, тезкор мажлисларда олиб борилиши лозимлиги ҳам буйруқда қайд этилган.

Буйруқда яна, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департаментнинг жойлардаги бўлимлари бошлиқлари лавозимларига, қоида тарикасида, прокуратура органларида мутахассислиги бўйича камида беш йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулият ҳамда шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланиши кераклиги таъкидлаб қўйилган.

Юқорида таъкидлаб келинаётган, 42-сонли буйруққа 1-илова тарзида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Қабул қилинган бўлиб, унда кўрсатилишича, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман-шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар беш йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларининг бошқа ходимлари, шунингдек, Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтказилади.

Аттестациядан ўтиш муддати ходимнинг охири аттестациядан ўтган санасидан бошлаб ҳисобланади.

Агар ходимнинг аттестациядан ўтиши белгиланган даврда унинг лавозими ўзгарса, янги лавозимда ўрта ҳисобда бир йил ишлаганда навбатдаги аттестациядан ўтказилади.

Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда бола парвариши таътилидаги аёл ходимлар, узоқ муддатли касаллиги туфайли меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган, лавозими сақланган ҳолда тегишли юртларига ўқишга юборилган, сайланадиган органларда ишлайдиган ходимларнинг аттестациядан ўтиш муддати иш фаолиятини давом эттиришга киришган вақтидан бошлаб ҳисобланиб, аттестация ўтказилиши шу тартибда амалга оширилади.

Иш ўрганувчилар, қоида тариқасида, бир йиллик иш ўрганиш муддати тугаши билан аттестациядан ўтказилади.

Прокуратура органларида илк бор лавозимга тайинланишда бир йилдан сўнг, аввал юридик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар эса иш ўрганиш Дастурини тўлиқ бажарган ҳолларда олти ойдан сўнг аттестациясиз ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар прокуратура органларига ишга қабул қилинган ходимлар, шунингдек Ҳарбий прокуратура тизимига илк бор ҳамда Департамент органлари синов муддати билан лавозимга тайинланган ходимлар бир йилдан ошганда аттестациядан ўтказилади.

Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурор шунингдек, Департамент, унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари: розилиги ва кўрсатмалари, тегишли аттестация комиссиялари тавсиясига биноан куйидаги ҳолларда ходимлар муддатидан аввал аттестациядан ўтказилиши мумкин:

а) хизмат вазифасини виждонан ва намунали бажариб келаётганлиги учун ходимни юқори ва кенг ҳажмли лавозимларга тавсия этиш мақсадида аттестациядан ўтказилиши зарур, деб топилганда;

б) ходим хизмат вазифасини лозим даражада бажармаётганда унинг хулқ-атворида салбий хусусиятлар келиб чиққанида;

в) ходимнинг ўз ташаббуси асосида муддатидан аввал аттестациядан ўтиш ҳақидаги илтимосномаси прокуратура

органлари раҳбарлари аттестация комиссияси томонидан қаноатлантирилганда;

г) Департамент органлари ходимларига хўжалик субъектлар да ҳужжат текшириш ва тафтиш ўтказиш ваколатларини бериш лозим, деб топилганда;

д) хизмат тақозо этган бошқа ҳолларда.

Пенсия ёшига етиб ишлаётган ходимлар фақат тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Департаменти бошлиғи ёхуд Бош прокурорнинг кўрсатмаси билан аттестациядан ўтказилиши мумкин.

3-§. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг ўқув муассасалари ва илмий ташкилотларининг ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

Прокуратура органларининг ходимлари учун Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бериладиган даражали унвон)дан тортиб, 3-даражали юристгача даражали унвонлар белгилаб қўйилган. Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси ҳамда 1, 2, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси даражали унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Бошқа даражали унвонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан берилади. Кичик юрист даражали унвони аттестациядан ўтган ва лавозимига тасдиқланган ёш мутахассисларга берилади; иш ўрганиш мобайнида ўзини алоҳида яхши томонлардан кўрсатган ёш мутахассислар 3-даражали юрист унвонини олиш учун тақдим қилиниши мумкин.

Прокуратура органларининг аттестациядан ўтказилмайдиган моддий-техника таъминоти, молия, ишлар бошқармаси ходимлари ва бошқалар меҳнатда ўзини алоҳида яхши томонидан кўрсатганликлари учун даражали унвон олиш учун тақдим қилинишлари мумкин. Прокуратура органларига бошқа ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа ташкилотлардан ишга келганларга уларнинг тайинланган лавозимларини, билимлари ва иш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда даражали унвонлар берилади.

Даражали унвонлар берилган прокуратура ходимлари шу унвонларида умрбод қоладилар. Даражали унвондан маҳрум қилиш прокуратура органларидан номига доғ тушурувчи ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга нисбатан қўлланиши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёхуд ўзини нолойиқ даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасаларидан хизматдан бўшатилаётган ходим даражали унвонидан ёки ҳарбий унвонидан маҳрум қилиниши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёхуд ўзини нолойиқ даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасалари ходимларини олий даражали унвонидан ёки олий даражали ҳарбий унвонидан маҳрум қилиш, шунингдек олий даражали унвони ҳамда олий даражали ҳарбий унвонидан пастга тушириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш ва пастга тушириш мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазири томонидан амалга оширилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларининг даражали унвонларга эга бўлган ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтларида ўрнатилган тартибдаги фарқлантирувчи белгили форма кийим бошини кийиб юрадилар. Нафақага чиққан олий даражадаги унвон ёки олий даражадаги ҳарбий унвонга, шунингдек адлия катта маслаҳатчиси ёки юстиция полковниги даражали унвонига эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига ўрнатилган тартибдаги фарқлантирувчи белгили форма кийим бошини кийиб юриш ҳуқуқи қолдирилади.

Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурул ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга.

4-§. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, транспорт, ҳарбий, махсус ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратураларда иш юритиш ягона асосда махсус йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлигини масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

Қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш прокуратуранинг ҳар бир ходимидан эътиқод, масъулият, ваколатчилик, қонунбузарликларга муросасизлик, янгиликни сезиш ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини ўзида мужассамлашни талаб этади.

Аксарият прокурор ва терговчилар қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонун бузилишининг олдини олиш ишларини тадбиркорлик билан амалга ошириб намуна бўлмоқдалар. Кўпчилик ходимлар фидокорона меҳнатлари, кўрсатган ташаббус ва маҳоратлари учун фахрий унвон ва мукофотларга сазовор бўлдилар.

5-§. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги

Прокурор ва терговчиларнинг мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шarti бўлиб ушбу ходимлар фаолиятининг дахлсизлиги ҳисобланади. Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлак мақолати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракати учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади. Бу масалани ҳал этишда ички хавфсизликни таъминлаш инспекциясининг текшируви ўтказилади ва хулосаси олинади.

Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунди.

Инспекция фаолиятига инспекция бошлиғи раҳбарлик қилади. Инспекцияда катта прокурор ва прокурорлар фаолият кўрсатади.

Инспекция ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Бош прокуратуранинг ҳайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

Инспекциянинг асосий вазифаси - прокуратура органлари ходимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига қатъий риоя этишлари ва ўз бурчига садоқатли бўлишларини таъминлашдан, «прокуратура ходими» деган номга доғ туширадиган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция, порахўрлик ва бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир қилишларининг олдини олишдан, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Инспекция томонидан «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 46-моддасига биноан прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумот (ариза, шикоят, хабар)лар бўйича хизмат текширувлари ўтказилади. Хизмат текширувлари Бош прокурорнинг руҳсати билан ўтказилади. Хизмат текшируви жараёнида ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этган прокуратура органлари ходимлари ва бошқа фуқаролар, мансабдор шахслардан Бош прокурор номига

ёзма тушунтиришлар, иш учун аҳамиятли ҳужжатлардан кўчирма ва нусхалар, прокуратура органларининг таркибий тармоқларидан жиноят ишлари ва материаллар бўйича қарорларнинг қонунийлиги юзасидан хулосалар ёки маълумотлар, шунингдек бошқа идоралардан зарур ҳужжатлар олинади.

Хизмат текшируви якунида тузилган хулоса инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади. Бу ҳақда Бош прокуратура ахборот берилади.

Инспекцияда мавжуд хизмат текширув ҳужжатлари, махфий назорат жилдлари ва бошқа маълумотлар билан танишиш фақат Бош прокурор рухсати билан амалга оширилади.

6-§. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш

Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган ҳақлардан иборат бўлади. Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади. Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қонун билан тегишли чоралар белгиланган. Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғуртланади. Прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатиладиган кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ва соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига Ўзбекистон Республикасининг

Меҳнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда тўлаб борилади.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида, унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карра кўп миқдорда тўланади. Прокуратура органлари ходимига, у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан, касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятини доимий йўқотишга олиб бермайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида, унинг ойлик иш ҳақи беш карра кўп миқдорида тўланади. Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

**Прокуратура органларидаги
лавозимларга тайинланадиган
шахсларга нисбатан
қўйиладиган талаблар**

Олий юридик маълумотга эга
бўлиши

Зарур касбий фазилатларга эга
бўлиш

Зиммаларига юкланадиган
хизмат вазифаларини бажаришга
имкон берадиган соғлиқ

Ўзбекистон Республикасининг
фуқаролари бўлишлари

Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади

Мутахассислик бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим

Олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари

**Прокуратура органлари
ходимларини
Аттестациядан ўтказиш**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент
шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга
тенглаштирилган прокурорлар, туман-
шаҳар прокурорлари ва уларга
тенглаштирилган прокурорлар

ҳар беш йилда бир
маротаба аттестациядан
ўтказилади

Прокуратура органлари ва
муассасаларининг бошқа ходимлари,
шунингдек, Солиқ ва валютага оид
жиноятларга қарши курашиш
департаменти ходимлари

уч йилда бир маротаба
аттестациядан
ўтказилади.

Иш ўрганивчилар, қанда
тариқасида, бир йиллик иш
ўрганиш муддати тугаши билан
аттестациядан ўтказилади

Прокуратура органларида илк бор
лавозимга тайинланганда бир йилдан
сўнг, аввал юридик иш тажрибасига эга
булган ходимлар эса иш ўрганиш
Дастурийи тўлиқ бажарган ҳолларда олти
ойдан сўнг аттестациясиз ўтк. мумкин

11-боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, илмий ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари қайсилар?

2. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талабларни санаб ўтинг.

3. Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга нисбатан яна қандай қўшимча талаблар мавжуд?

4. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвоплари ва ҳарбий унвоплари ким томонидан ҳамда қандай тартибда берилади?

5. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат ҳақида тушунча беринг.

6. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлигига оид қонун талаблари ва унинг таъминланиши қандай амалга оширилади?

7. Ички хавфсизлик инспекциясининг вазифаси нимадан иборат?

8. Ички хавфсизлик инспекциясининг фаолият мақсадини ёритинг?

9. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари нималардан иборат?

10. Прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби ва муддатлари қандай?

12-БОБ: МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратури органларининг фаолияти

РЕЖА :

1-§. МДХ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон в.б.) прокуратура органларининг фаолияти.

2-§. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари.

3-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари.

4-§. Халқаро ҳамкорлик.

1-§. МДХ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон в. б.) прокуратура органларининг фаолияти

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиши, тарихий тенденциялари бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, улар ягона марказлашган прокуратура идорасига тегишли бўлганлиги туфайли, қонунларнинг тузилиши, прокуратура идорасининг давлат органлари ўртасида тутган ўрни ва аҳамияти бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Масалан: **Россия Федерацияси Прокуратура** органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Россия Федерацияси Прокуратура тўғрисидаги Қонунининг 3-моддасида белгиланган. Россия прокуратурасининг ҳуқуқий асослари Россия Федерацияси Конституцияси, Прокуратура тўғрисидаги Федерал қонуни, бошқа федерал қонунлар ва халқаро шартномалардан иборат. Россия Федерацияси Конституциясининг 129-моддасида кўрсатилишича, Россия Федерацияси прокуратураси қуйидан юқорига бўйсунуш тартибида Россия Федерацияси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимидан ташкил топган. Россия Федерацияси Бош прокурори Россия Федерацияси Президентининг тақдимномасига асосан Федерация Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Россия Федерацияси субъектларининг прокурорлари Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан субъектлар билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Бошқа прокурорлар Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан

лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Россия Федерацияси прокуратурасининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби, нақолатлари федерал қонунлар билан белгиланади. Прокуратура органлари амалдаги «Россия Федерациясининг Прокуратура тўғрисидаги» Қонунига асосан фаолият кўрсатади. Ушбу қонунга ўзгартиришлар 10.02.1999 йили, 19.11.1999 йили ва 02.01.2000 йили киритилган бўлиб, 7 та бўлим, 54 моддadan иборат. 1-бўлим Умумий қоидалар, 2-бўлим Россия Федерацияси прокуратура органларининг ташкил топиши ва тизими, 3-бўлим Прокурор назорати, 5-бўлим Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат. Прокуратура органлари ва муассасалари ходимлари, 6-бўлим Ҳарбий прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, 7-бўлим прокуратура фаолиятининг ва ташкил этилишининг бошқа масалалари деб номланади.

Россия Федерациясининг прокуратураси - Россия Федерацияси номидан Россия Федерацияси Конституцияси ва қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат фаолиятини амалга оширадиган ягона марказлашган федерал тизимни ташкил этади.

Россия прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қонунда асосий функциялар деб номланади. Асосий функциялар Россия Федерациясининг Прокуратура тўғрисидаги Федерал Қонунининг 1-моддасида белгиланган. 2-моддасида Халқаро ҳамкорлик, 4-моддасида прокуратура фаолиятининг ва ташкил этилишининг тамойиллари, 5-моддасида прокурор назорати фаолиятини амалга оширишга аралашушга йўл қўйилмаслиги, 6-моддада прокурор талаблари бажарилишини мажбурийлиги, 8-моддада жиноятчиликка қарши кураш фаолияти, 9-модда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки, 10-моддасида прокуратура идораларида ариза, шикоят ва бошқа муурожаатларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши белгилаб қўйилган. Қонуннинг бошқа кейинги моддаларида белгиланган қонун талаблари ҳам Ўзбекистон Республикасининг прокуратура тўғрисидаги қонун талабларига ўхшаб кетади.

Россия Федерацияси прокуратура идораларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги вақолатлари, судларда

прокурор ваколатини таъминлаш, умумий назорат фаолияти ва бошқа фаолияти прокурор томонидан ўз ваколатларини қўлланида фойдаланадиган прокурор назорати ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ваколатлари ва прокурор назорат ҳужжатлари ҳамда уларнинг қўллаш асосларига ўхшашдир. Фақатгина прокурорнинг жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган ваколатларида фарқ мавжуд бўлиб, айрим тергов ҳаракатлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш (санкция бериш) ваколати Россия Федерациясида судларга берилган. Шундай бўлсада, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар дастлаб ҳужжатлари прокурорга олиб бориб, унинг қонуний розилигини олишлари лозим бўлади.

Қозоғистон Республикаси ва бошқа собиқ СССР тузумига кирган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кирувчи давлатларининг прокуратура органлари фаолияти, уларнинг ташкил топиши ва фаолият принциплари Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ташкил топиш ва фаолият принципларига ўхшашдир. Қозоғистонда прокуратура-Қозоғистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган, республика ҳудудида қонунлар, Қозоғистон Республикаси президентининг фармонлари ва бошқа норматив ҳужжатлар аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан “Олий назорат”ни амалга оширувчи давлат органи. Қозоғистон Бош прокурорини Қозоғистон Республикаси Президенти Парламент Сенатининг розилиги билан тайинлайди. Бош прокурор Президент олдида ҳисобдордир.

Белоруссияда республика прокуратураси давлат номидан қонунлар ижроси устидан олий назоратни амалга оширувчи мустақил орган ҳисобланади (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси).

Литва Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, прокуратура Литва Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мустақил органидир (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси). Ишлар бўйича тергов олиб бориш ва прокурор назоратини амалга ошириш чоғида прокуратура ишига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахслар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий ҳаракатлар, радио ва телевидение ходимларининг

қилиши Қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси).

Қирғизистон Республикаси Бош прокуратураси республика Президенти олдида ҳисобдор бўлиб, Ҳукуматга қонунийликнинг, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қонунларга риоя қилиши, жамоат тартиби ва миллий хавфсизликни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилишни таъминлаш вазифалари бажарилишининг ҳолати ҳақида ахборот беради (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси). Қирғизистон Республикаси Конституциясида прокуратура ижро этувчи ҳокимият тизимига киритилган.(Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси).

Эстонияда прокуратура ижро этувчи давлат ҳокимиятининг аълия вазири бошқаруви соҳасига мустақил хизмат мақомида қирувчи муассасаси ҳисобланади. “Прокуратура тўғрисида”ги Низом, унинг тузилиши ва штатлар руйхатини аълия вазири тасдиқлайди. Шунга қарамай, прокуратура дастлабки тергов органлари томонидан амалга оширилувчи жиноят ишлари бўйича судгача иш юритишнинг қонунийлигини, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни ижро этишнинг қонунийлигини, тиббий ва тарбиявий йўсиндаги мазжбурлов чоралари қўлланишининг қонунийлигини, полиция фаолиятининг қонунийлигини назорат қилади²⁹.

Хорижий давлатлар прокуратура органларининг фарқлари албатта, мавжуб бўлиб, улар асосан ўша давлатларнинг Конституциявий тузилиши, қонунлар билан уларга берилган ҳуқуқий мақом ва давлат ҳокимияти билан ўзаро боғлиқлик даражаси ва фаолият шакл ва йўналишлари шу қонунлар мазмунидан келиб чиққанлигига бевосита боғлиқдир.

Жаҳон прокуратура тизимларининг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг барчаси давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. БМТнинг 8- конгрессида қабул қилинган прокуратура магистратларига тааллуқли жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш тўғрисидаги Раҳбарий тамойилларда кўрсатилишича,

²⁹ Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДЮИ.2006.Б 54-55.

прокурорлар одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Уларга татбиқ этиладиган қоидалар ва процедуралар уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятларини рағбатлантиришга қаратилган. Деярли барча давлатлар қонунчилиги ва амалиёти объективлик, холислик ва мустақиллик тамойилларига асосланади. Прокуратура ҳар қандай ташқи таъсир, шу жумладан, сиёсий ҳокимият таъсиридан мустақилдир. Шунингдек, прокуратураларнинг умумий тамойили унинг ҳаракатчанлигидадир. Унинг ҳаракатчанлиги қонунларда прокуратура идораларига берилган ваколатлар доирасининг кенглиги билан белгиланади. Прокуратуранинг асосий вазифаси жамиятни жиноятчиликдан ҳимоя қилиш. Бу масалани ҳал этишда прокуратура жиноятчиликка қарши курашнинг аниқ қонунига ва унинг ҳуқуқий мақомига зид бўлмаган чораларни ўзи аниқлайди.

Шуни таъкидлаш зарурки, прокуратура соҳасида ҳеч қандай ягона андоза бўлиши мумкин эмас. Бу прокуратура фаолияти ва уни ташкил этишнинг ранг-баранг моделлари мавжудлигини англатади. Прокуратура институтининг мақоми ва ваколатлари мамлакат, унинг тарихи ва ҳуқуқий маданиятига қараб турлича бўлиши мумкин. Прокуратурани ривожлантириш Европа Кенгаши (Вена, 1993) прокуратурани бир мамлакатда бошқа мамлакат прокуратураси андозаси бўйича ташкил этишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас деган хулосага келингани бежиз эмас. Прокуратура мақоми, тузилиши, функциялари ва иш шакллари ўзгартириш уйғун тарзда амалга оширилиши, яъни бунда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик жамиятини самарали ҳимоя қилиш учун ҳақиқий қафолатларни яратиш бош мақсад бўлиб қолиши лозим³⁰.

Одатда, барча давлатларда прокуратура куйи органларининг юқори органларга бўйсунishi тамойилига асосланиб ташкил этилади. Лекин бундан истиснолар ҳам мавжуд (м-н: АҚШдаги атторней хизмати).

³⁰ Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДЮИ.2006.Б.52-53.

Прокуратура ўз фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, кўнлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик хилади. Хорижий мамлакатларда прокуратура ва полицияларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Прокуратура ва полиция ҳамкорлигининг 3 та кўринишини кўрсатиш мумкин: **биринчидан, прокуратура ва полиция органларининг ташкилий бирлиги** билан ифодаланади. Бунда қуйидаги вариантлар мавжуд:

полиция органлари прокуратуранинг структуравий бўғини ҳисобланади;

полиция фаолиятининг барча йўналишлари прокуратура назорати остида;

прокуратура полиция кадрлари билан иш олиб бориш учун масъул ;

полиция фаолиятини белгилайди;

унинг жинойтчилик билан кураш бўйича сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди.

Ҳамкорликнинг 2-кўриниши прокуратура полиция ҳаракатини умумий жинойт сиёсат бўйича ҳам муайян жинойт иш бўйича ҳам бошқариб туриши. Прокурор тегов ишларини полициянинг қайси бўлими, қайси полициячи олиб боришини аниқлайди. Шунингдек, прокурор муайян жинойт иш бўйича тергов ишларини олиб боришда жалб қилиниши лозим бўлган куч ва воситаларни аниқлайди.

Прокуратура ва полиция ўртасида зиддият пайдо бўлганда полициячи прокурор ҳаракатлари устидан юқори турувчи прокуратура органларига ёки ўзининг раҳбариятига мурожаат қилишга ҳақли.

Ҳамкорликнинг 3-кўриниши, бу прокуратура полиция фаолиятининг қонунийлигини назорат қилади. Назорат функциясини амалга оширишда прокуратура полициядан жинойтчилик ҳолати, муайян жинойтлар ва уларни содир этган шахслар тўғрисида ахборотни талаб қилиб олади. Баъзида прокуратура полициянинг юқори лавозимдаги ходимларининг фаолияти устидан интизомий назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. Охириги вақтларда прокуратура фаолиятининг полиция фаолияти билан яқинлашиши кузатилмоқда, чунки бу органлар ҳал қила-

диган масалалар умумийдир. Прокуратура полиция фаолиятини, унинг қонунга риоя этишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича асосий норматив актларни қўллашни назорат қилувчи ягона орган бўлиб келмоқда ва бўлиб қолади.

Турли мамлакатларда прокуратура ваколат доираси ҳажми фарқланади. Шу билан бирга прокурор ҳамма жойда ё бир ўчи ёки бошқа орган билан ҳамкорликда (терговчи судья) амалга оширадиган асосий ва ажралмас функциялари ҳам бор. Буларга жиноий кидирув тўғрисида қарор қабул қилиш; судда айбловни таъминлаш, суд қарорлари устидан протест келтириш мисолдир. Аксарият мамлакатларда прокуратура – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар манфаатлари ва жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминловчи органдир. Ган шундаки, жиноий юстиция тизимида қарама-қаршилик мавжуд: бир томондан жамиятни муҳофаза қилиш учун шахс эркинлиги бузилса, иккинчи томондан – шахс эркинлиги ўша жамият номидан кафолатланади. Ушбу вазиятда фақат прокурор бу икки гуруҳ манфаатлари ўртасидаги мувозанатни тиклаш имкониятига эгадир.

Умумэтироф этилишича, прокурорнинг асосий вазифаларидан бири – адолатга эришиш ва эркинликларни ҳимоя қилишдир. Ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида прокурор қонунни шундай татбиқ этадики, жамият учун қабул қилинган қарорнинг адолатлилиги тўғрисида ҳеч кимда шубҳа туғилмаслиги лозим.

Прокурор фаолиятининг умумий жиҳати жиноий жавобгарликни ишлаб чиқиш жараёнида қатнашиш, ҳуқуқий меъёрларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ёндашишлардан иборат.

Прокурорлар жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишда, уларга нисбатан давлат сиёсатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, АҚШда АҚШ бош атторней (генеральный атторней) ташаббуси билан жабрланувчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича Федерал дастур қабул қилинган. Шу каби дастурлар бошқа штатларда ҳам қабул қилинган бўлиб, мамлакатдаги жиноятчиликнинг сифат ва миқдори тавсифига ижобий таъсир

қилиди. Масалан: 90-йиллардан бошлаб, АҚШда жиноятчилик ҳар қили 3-5 %га камаяди. Бу ҳолат фуқароларнинг жиноятчилардан кўркмай қолганлиги ҳамда уларни моддий таъминлай оладиган прокуратура ва полиция билан фаол ҳамкорлик қилиши билан боғлиқ.

Деярли барча мамлакатларда прокуратура жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қатнашиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Шунинг ёрдамида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддаси амал қилиши таъминланади. Унда кўрсатилишича, ҳар бир шахс унинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ёки унга эълон қилинган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ишнинг суд томонидан оқилона муддат ичида мустақил ва холис кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор айбланувчининг бошқа ҳуқуқларини таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга, масалан: унга эълони қилинган айбловнинг хусусияти ва асоси тўғрисида дарҳол ва тўлиқ унга тушунарли бўлган тилда ҳабардор қилиниши; ўз ҳимоясига тайёрланиш учун старли вақт ва имкониятларга эга бўлиши; унга қарши гувоҳлик берувчи шахсларга саволлар бериш ҳамда у талаб қилган гувоҳларга саволлар бериш, шунингдек ўз гувоҳларини чақириш, унга қарши гувоҳлик берувчи гувоҳларни чақиришдек ҳуқуқлар.

(Конвенциянинг 6-модда, 3-қисми).

Прокурорнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан ўзаро муносабатлари ҳам кизикиш уйғотади. Бу соҳада жаҳон тажрибасини умумлаштириш мамлакатларни 3 гуруҳга бўлиб ўрганишга олиб келади:

1) прокурорларнинг ижроия ҳокимияти билан яқин алоқада бўлган мамлакатлар;

2) прокурорлар қонун чиқарувчи ҳокимият билан яқин алоқада бўлган мамлакатлар;

3) прокурорларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан доимий алоқалари бўлмаган мамлакатлар.

Лекин, қоида бўйича кўп мамлакатлар учун прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар билан алоқада аралаш кўриниши хосдир.

Бундай муносабатларнинг 8 та турини ажратиш мумкин:

- прокурор-ижроия ҳокимиятининг ажралмас қисми;
- ижро ҳокимияти прокуратурага бошчилик қилади;
- ижро ҳокимияти прокурорларни таъминлайди;
- ижро ҳокимияти прокурорларга интизомий чоралар тайинлайди;
- ижро ҳокимияти прокуратура фаолиятини назорат қилади;
- ижро ҳокимияти прокуратурага муайян жиноий ёки фуқаролик ишлари билан боғлиқ бўлмаган умумий масалалар бўйича буйруқлар беради;
- ижро ҳокимияти прокуратурага муайян ишлар бўйича буйруқ беришга ҳақли;
- ижро ҳокимияти прокуратура бюджетини бошқаради.

Ҳозирги вақтда прокуратура тўғрисидаги қонунчилик прокуратура фаолиятига қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг аралашмаслигига кафолатни таъминлаш йўналиши бўйича ривожланмоқда. Бунда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ваколатларини белгилашда уларнинг прокурор фаолиятига аралашшига ҳуқуқий асос бўлмаслиги таъминланган. Бундай аралашшининг аниқ чегаралари белгиланади.

Бу ҳолат прокуратуранинг бошқа ҳокимият структуралари билан алоқаси йўқлигини билдирмайди, чунки акс ҳолда прокуратура фаолият юрита олмайди. Масалан, **прокуратура ва ижроия ҳокимияти органларининг алоқалари** қуйидагиларга имкон беради:

- прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради;
- жиноий сиёсатни амалга оширишни кафолатлаш;
- профилактика субъектининг жамият олдида қонунийлик ҳолати учун жавобгарлик даражасини аниқ белгилаш.

Прокуратура давлат ҳокимияти турли органларининг ҳамкорлигини таъминлаш орқали бутун дунё мамлакатларида тобора уюшиб кетаётган жиноятчилик билан, хусусан коррупция билан курашишда асосий роль ўйнамоғи лозим. Бу фаолият самарали бўлиши билан бирга инсон ҳуқуқларини ҳурмат

қилишга асосланиши, одил судловни амалга оширишда қонунийликни қафолатлаши лозим.

2-§. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари

“Прокуратура органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини муҳокама қилганда биринчи навбатда миллий ҳуқуқий тизимдан келиб чиқиш зарур. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жаҳонда прокуратура органларининг халқаро стандарти йўқ. Чунки ҳар бир давлат бу ўринда ўзига хос йўналишга эга. Мисол учун, АҚШ, Эстония, Қозоғистон каби давлатларда прокуратура давлатнинг ижроия ҳокимияти таркибига кирса, Испания, Болгария, Латвия, Грузия каби давлатларда суд ҳокимияти таркибига киради. Франция, Италия, Руминия каби давлатларда эса прокуратура суд ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги ўринни оғаллайди³¹.

Бугунги кунга келиб, давлат органлари тизими ичида прокуратуранинг ўрнидан келиб чиққан ҳолда, давлатларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Прокуратура адлия вазирлиги таркибига кирадиган давлатлар (*АҚШ, Польша, Франция, Бельгия, Нидерландия, Дания, Руминия, Исроил, Япония, Эстония, Сурия*). Уларда адлия вазири бир вақтнинг ўзида бош прокурор ҳам бўлиши мумкин.

2. Прокуратура суд тизимига кирадиган давлатлар (*Испания, Колумбия, Болгария, Латвия*).

3. Прокуратура алоҳида давлат ҳокимияти ҳисобланадиган, яъни ижроия ва суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган давлатлар (*Вьетнам, Хитой, Корея халқ Демократик Республикаси, Куба ва Лаос*).

4. Прокуратура ёки унга ўхшаш институтлар йўқ давлатлар (*Буюк Британияда прокуратура институти умуман йўқ. Давлат айблови Давлат айблови хизмати деган орган томонидан қўллаб-қувватланади*).³²

³¹ Додонов В., Кругских В. Прокуратура в России и за рубежом. Сравнительное исследование. М., 2001 г.

³² Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. М. 1996 г.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма давлатларда ҳам прокуратура конституциявий институт ҳисобланмайди. Масалан, АҚШ конституциясида фақатгина Бош прокурор лавозими мавжудлиги ва уни лавозимга тайинлаш тартиби ҳақида сўз юритилади. Бу турдаги давлатларга прокуратура ижро этувчи ёки суд ҳокимияти таркибига мансуб давлатлар киради. Бу ерда прокуратуранинг фаолияти қонунлар билан тартибга солинади (АҚШнинг 1870 йилдаги «Адлия вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қонуни, Италиянинг 1930 йилдаги ЖПК, Франциянинг 1958 йилдаги ЖПК).

Японияда прокуратуранинг фаолияти ва ваколатлари 1944 йилги «Прокуратура тўғрисида»ги декрет билан белгиланади. Германияда эса 1877 йилги «Суд тузилмалари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади³³.

МДҲ ҳамда Лотин Америкаси давлатларида прокуратура институтининг ҳуқуқий асослари ва асосий вазифалари конституцияда белгиланган. Уларда прокуратура институтига алоҳида боблар бағишланган. Лекин баъзи давлатларда прокуратура тоталитар тузумнинг маҳсули деб қаралиб, унга конституцияда ўрин берилмаган (Польша) ёки жуда кам ўрин берилган (Литва, Словения, Словакия). Ҳатто, Россия Конституциясида прокуратура институтига биттагина модда (129-модда) бағишланиб, унда прокуратуранинг функцияси ҳақида сўз юритилмай, фақат мақоми ва ташкилий асослари ҳақида гапирилади.

Козоғистонда прокуратура фаолияти Президентнинг қонун кучига эга бўлган «Прокуратура тўғрисида»ги Фармони асосида тартибга солинади³⁴. Тожикистонда эса «Прокуратура тўғрисида»ги Конституциявий Қонун мавжуд.

Деярли барча давлатларда прокуратура органлари мустақил ҳисобланиб, прокурорлар фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда иш юритадилар. Шу билан бирга улар ўз фаолияти даврида сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб қўядилар ҳамда асосий ишидан ташқари бирон-бир фаолият тури билан шуғуллала-

³³ Решетников Ф. Правовые системы стран мира: справочник. М., 1993 г.

³⁴ Р.Тусунбеков. «Прокуратура Республики Казахстан», Альбом-книга. Алматы. Онер, 2002 г.

ниши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланишлари мумкин.

Прокурорларнинг сиёсатга аралashiши тақиқланади. Лекин АҚШда бошқача ҳолат мавжуд. У ерда прокурорлик кўп ҳолларда шахснинг давлат ҳокимиятидаги юқори лавозимларга эришиши учун асос бўлади. АҚШнинг баъзи штатларида эса прокурорларга асосий ишдан ташқари хусусий юридик амалиёт билан шуғулланишга ҳам руҳсат этилган³⁵.

Назарий жиҳатдан прокуратуранинг вазифасини иккига бўлиш мумкин:

- 1) кунлар ижроси устидан назорат;
- 2) жиний таъқибни амалга ошириш.

Жиний таъқибни амалга ошириш ўз навбатида учга бўлинади: жиноятларни тергов қилиш, дастлабки тергов устидан назорат қилиш, судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш. Европа иттифоқига кирувчи барча давлатлар ва АҚШда прокуратура айнан шу вазифани бажаради.

Жиний таъқибни амалга оширишда барча прокурорларга жиноят ишини кўзғатиш ва унинг кўзғатилиши устидан назоратни амалга ошириш юклатилган. Аммо Франция, Германия ва Японияда бу нарса бошқача кечади. У ерда жиноят ишини кўзғатиш прокуратуранинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Аксарият ҳолларда жиноят иши кўзғатилишининг конунийлиги прокуратура билан бирга суд томонидан ҳам назорат қилинади.

Дастлабки терговни амалга ошириш ҳам хорижий давлат прокуратура органларининг вазифаси ҳисобланади.

Озарбайжон, Арманистон³⁶, Грузия, Латвия, Литва ва Эстонияда прокуратурадан дастлабки тергов устидан назорат вазифаси олиб ташланиб, фақатгина суриштирув ва тезкор қидирув фаолияти устидан назорат сақланиб қолган. Бу давлатларда бир вақтнинг ўзида ҳам дастлабки тергов устидан назоратни, ҳам судда давлат айбловини қувватлаб бўлмасликдан келиб чиққан.

Прокуратура тизими марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаганлиги кўп ҳолларда давлатнинг маъмурий-худудий

³⁵ Министерство юстиции США, «Правовая система США». ХУавт^Юп, О.С. 20530

³⁶ Закон Республики Армения «О прокуратуре» от 3 августа 1998 г.

тузилишига боғлиқдир. Агар давлат маъмурий тузилишига кўри федератив бўлса унда прокуратура тизими тўлиқ марказлаштирилмаган бўлади. Мисол учун АҚШ. Хорижий давлатларда прокурорларни лавозимга тайинлаш (сайлаш) жараёни турличадир.

Ўзбекистон Конституциясига кўра, Президент мамлакат Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва кейинчалик Олий Мажлис тасдиғига киритади³⁷. Беларус, Германия, Қозоғистон, Озарбайжон³⁸, Албания каби давлатларда ҳам Бош прокурор шу тартибда сайланади. Словакияда эса Бош прокурор парламентнинг таклифига биноан Президент томонидан тайинланади.

Россия ва Грузияда Бош прокурор, давлат раҳбарининг таклифига биноан парламент ёки унинг юқори палатаси томонидан тайинланади. Болгарияда эса президент томонидан Олий суд кенгашининг таклифи билан лавозимга тайинланади. Агар Президент бир марта Олий суд кенгаши таклиф қилган номзодни маъқулламаса ва ушбу номзод такроран таклиф қилинса, Президент бу сафар уни Бош прокурор лавозимига тайинлашга мажбурдир.

Туркияда Бош прокурор кассация суди томонидан таклиф қилинган бешта номзод ичидан президент томонидан тайинланади.

Польша, Эстония ва АҚШда Бош прокурор бир вақтнинг ўзида Адлия вазири ҳисобланади ва уларни тайинлаш тартиби ҳукумат аъзоларини лавозимга тайинлаш тартиби билан бир хилдир.

Молдовада Бош прокурор парламент раисининг таклифига биноан парламент томонидан тайинланади.

Прокурор ваколатлари муддати ҳар бир давлатда ўзига ҳосдир³⁹. Баъзи давлатларда у муддатсиз, айримларида маълум муддатга тайинланади. Баъзиларида эса то нафақага чиккунча мазкур лавозимни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жаҳонда прокуратура органларининг халқаро стандарти мавжуд эмас. Прокуратура

³⁷ Ўзбекистон конституцияси Т. «Ўзбекистон». 2001. 93-моддаси 9-банд.

³⁸ Закон Азербайджанской Республики «О прокуратуре» от 7 декабря 1999 г.

³⁹ Долонов В.Н., Крутских В.Е. Прокуратура в России и зарубежом. Сравнительное исследование. -М., 2001 г.

органларини шакллантириш ҳар бир давлатда унинг ўзига хос миллий, ҳуқуқий асосларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади”⁴⁰.

Австрия прокуратураси

Австрияда расман прокуратура ижроия ҳокимияти органларига киради. Шу билан бирга, унинг фаолияти кўпроқ суд ҳокимияти билан боғлиқ. Австриянинг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида (§ 3, аб.2) прокуратура ҳуқуқни кўриқловчи орган сифатида қаралади.

Прокурор лавозимига тайинлаш адлия вазири томонидан амалга оширилади. Номзод учун мажбурий шарт судья бўлиб 2 йил ишлаган бўлиш, Австрияда прокурор суд тизимининг ташкилий структурасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланмайди.

Прокурор ўз фаолиятида унга бериладиган кўрсатмалар билан чекланган, лекин ижроия ҳокимияти органларининг чиновникларига нисбатан чекловлар камроқ даражададир. Бошқача қилиб айтганда, прокурор энг юқори чиновникларнинг бири ҳисобланади.

Федерал адлия вазирининг обер-прокурорга, обер прокурорнинг эса ўзининг бўйсинувидаги прокурорга муайян (аниқ) иш билан боғлиқ (айблов эълон қилиш, иш қўзғатишни бекор қилиш) берилган ҳар қандай кўрсатмаси тегишли тарзда изоҳланган, ёзма шаклга эга бўлган ва асослангирилган бўлиши лозим. Прокурор ҳар қандай чиновник каби, нафақат жиноят қонунчилигига зид бўлган кўрсатмани, балки унинг фикрича судга тақдим этилиши мумкин бўлмаган кўрсатмаларни бекор қилишга ҳақли. Прокурор адлия вазири кўрсатмаларига амал қилиши шарт.

Австрия прокурорининг вазифаси жиноят ишини кўриш давомида жазо тайинлаш билан боғлиқ масалаларда давлат манфаатини ҳимоя қилиш. Австрияда прокуратура органлари назорат функциясини амалга оширмайди. Австрия ЖПКнинг 1-моддаси 2-§ига мувофиқ жиноят ишларининг судда кўрилиши фақат айбловчи (прокурор) аризасига кўра бошланади.

⁴⁰ Аллаберганов С. Ўзбекистон ва хорижий давлатларда прокуратура. /Қонун ҳимоясида. 2004. 09(105)-Б.27-28.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш, айблов эълон қилиш, ишни тугатиш масалаларини ҳал қилиш ваколатига эга. У ҳатто жиноят ишининг суд муҳокамаси босқичидан ҳам айбловни чақириб олиши мумкин. Фақат прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки тугатишни ҳал қилади. Суд жиноят ишини қўзғатиш ёки кўриш ваколатига қачонки, прокурорнинг эътирози бўлмасанин ҳақли. Бундай ҳолларда фақат суд айблов эълон қилишини қонунийлигини текширади.

Қўшимча айблов (субсидар айблов)нинг эълон қилиниши яъни жабрланувчи томонидан прокуратура ишни тугатгандан сўнг давом эттирилиши ҳам мумкин.

Дастлабки тергов босқичида айбловни тайёрлаш принципи кетма-кетлик билан амалга оширилади, лекин бундай кетма-кетлик Германиядагидан фарқ қилади. Чунки Германияда тергов ҳаракатлари тергов судьяси томонидан суд жараёнида олиб борилади. Бироқ, тергов судьяси очиқ суд жараёнида қарор чиқарувчи судья сифатида қатнашмайди.

Жиноят процессида прокурор процесс тарафларидан бири ҳисобланади ва объективликка риоя қилиши лозим. У айбдор жазоланиши ва айбсиз оқланиши мақсадида айбланувчини ҳам оқлайдиган, ҳам айблайдиган ҳолатларни аниқлаши ва текшириши шарт. Прокурор ўз меҳнати учун давлат бюджетидан тўланадиган ҳақ унинг объектив бўлишига тўсқинлик қилмайди, чунки маош миқдори қонун билан тайинланади. Объективлик тамойили прокурорга нафақат айбловчи бўлишга, балки қонунийликни таъминишнинг қафили бўлишга ёрдам беради. Бу процесснинг ҳар қандай босқичига, шу билан бирга суд қарорига протест келтириш босқичига ҳам тегишли. Объективлик тўғрисида гапирганда Австриянинг Олий Судида Бош прокуратуранинг мавжуд бўлишига эътибор бериш лозим. Бош прокуратура айблов органи ҳисобланмай, фақат Олий судда суд қарорига протест келтириш воситаларига нисбатан ўз фикрини билдиради. Бош прокуратура прокуратура органлари тизимига кирмайди. Бош прокурор назорат олиб боришга, прокурорга кўрсатмалар беришга ҳақли эмас. У прокурор фаолияти учун ҳеч қандай жавобгар эмас. Бош прокурор вазифаси - умумий ҳолда жиноят қонунчилигининг бузилишининг олдини олиш, хусусан эса -

либланувчи манфаатлари бузилишига йўл қўймасликдир. Бу вазифасини бажариш учун Бош прокурор ўз ташаббуси билан ёки суднинг қонуний кучга кирган қарорига таянган ҳолда Олий Судга суд қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво киритади. Федерал Олий Суд ушбу шикоятни ўз иш юритувига олар экан, ҳукм чиқариш йўли орқали қонун бузилиши маҳкум учун салбий оқибатлар келтирган бўлса, олдинги ҳукмини бекор қилади.

Прокурорнинг объектив бўлиш галаби прокуратура ходимлари шаъни тўғрисидаги Кодексда, Прокуратура тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамланган ва уларга биноан прокурор ўз вазифаларини тез, виждонан, бегараз ва холисона бажариши лозим. Прокурор фаолияти устидан назоратни нафақат адлия вазири орқали парламент, балки институтлаштирилган халқ адвокати (омбудсман) ҳам амалга оширади.

Австрияда прокуратура жинойт таъқибни амалга оширар экан, қонунийлик (қабул қилинаётган қарорнинг ҳуқуқийлиги) тамойилига, алоҳида ҳолларда эса, истисно тарзида мақсадлилиқ тамойилига амал қилади.

Содир қилинган жиноят ҳақидаги маълумот (далолат, аризалар) прокуратурага бир неча манба орқали келади: полиция, жандармерия, жисмоний шахслар, бошқармалар, оммавий ахборот воситалари. Келиб тушган далолатномалар журналда рўйхатга олинади ва прокурорга берилади.

Прокуратура раҳбари ва обер-прокурорлар қуйи прокурорларнинг юритувидаги жинойт ишларни ўз юритувига олиш ҳамда ишларни бир прокурордан бошқа прокурорга олиб бериш ваколатига эга. Прокурорнинг ишда қатнашаётган шахс билан қариндошлиқ алоқаси бўлса, бу ишни қабул қилиб олишни рад этиши шарт. Прокурорни рад этиш қонунда кўрсатилмаган, яъни жиноят иши кўзғатилган шахс ҳам, жиноят ҳақида маълумот етказган инстанция ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас.

Қуйи прокурор раҳбарга ўз юритувида бўлган барча муҳим жинойт ишлар ҳақида хабар бериши шарт. Қуйи прокурор ўз ташаббуси билан юқори турувчи прокурор (обер-прокурор)ни жамият манфаатини кўзлаб ёки кўрилаяётган иш учун аҳамиятли

бўлган фактнинг юридик характери аниқ белгиланмаган бўлса, хабардор қилиши шарт.

Ўз навбатида, обер-прокурор ҳудудлараро характерга эга бўлган жиноий ишлар ҳақида федерал вазирни хабардор қилиши шарт.

Федерал адлия вазири ва алоҳида жиноий ишлар ёки ишлар гуруҳи (одам ўлдириш ёки сиёсий жиноятлар) бўйича обер-прокуратура раҳбари қуйи прокуратуранинг ҳисобот бериши тўғрисидаги кўрсатмалар беришга ҳақли.

Суриштирувни полиция ёки суд олиб боради, дастлабки терговни эса, фақат суд амалга оширади. Тергов ҳаракатларини прокуратура олиб бормайди (Германиядан фарқли равишда), фақат шунга тегишли кўрсатмалар беришга ҳақли. Прокурор аризаси бўйича оператив-қидирув ҳаракатлар (Қамокка олиш, тинтув ўтказиш, телефон ва бошқа қурилмалар орқали суриштирувларни эшитиш ва ҳ.к) амалга оширилади. Бунинг учун эса мустақил судьянинг кўрсатмаси талаб қилинади.

Прокуратура функциясига жиноий иш қўзғатиш ёки тугатиш киради. Ишни тугатиш тўғрисидаги қарорни прокурор ёки равишда асослантиради ва маълумотни прокурор журналига киритади.

Бу материаллар билан танишишга гумон қилинувчи ҳам арз қилувчи ҳам ҳақли эмас. Бундай ҳуқуқ раҳбарга, адлия вазирига ва халқ адвокати (омбудсман)га берилган.

Прокурор томонидан ишни судга оширишда 2 процедури мавжуд:

Агар 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш таҳлил қилинаётган бўлса, прокурор жазо тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома билан чиқади. 5 йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум этишда эса прокурор айблов ҳулосасини тақдим этади.

Прокурор суд чиқарган ҳукм устидан апелляция шикоятни келтиришга ҳақли (айбланувчи фойдасига ҳам, унга қарши ҳам).

Фуқаролик процессида прокурор ролига тўхталсак, бунда охириги пайтларда прокурор ваколати доираси чегараланаяпти. У оталикни тан олиш, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, бедарак йўқолган шахсни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларда қатнашади. Прокурорнинг фуқаролик процессида қатнашиши

нинг фаолият ҳажмининг 1 % ини ташкил қилади. Асосан эса, қаророник процессида давлат манфаатларини прокурор эмас, давлат прокуратура, ҳукумат ёки бошқа муассаса адвокат сифатида ҳимоя қилади.

Дания прокуратураси

Данияда прокуратура хизматининг асосий вазифаси жиноий амаллар бўйича айбловни қувватлаш ҳисобланади. Прокуратура Дания вазирлигига бўйсунди. Прокуратура ходимлари давлат қўғамчилари бўлиб, маоши аниқ белгиланган. Прокуратура жойлардаги хокимиятлардан мустақилдир.

Дания прокуратура хизматининг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

суд, полиция ва прокуратура хизмати ваколатларининг аниқ ажратилганлиги;

адлия вазири прокуратура хизматининг қарорларини ўнгартириши мумкин (шикоятлар тизими орқали), лекин у прокуратуранинг тезкор ва бошқа ишларига аралашмайди;

адлия вазири унга бўйсунувчи прокуратура структураларини бошқартиради, маблағларни улар ўртасида тақсимлайди;

прокуратура хизмати функциялари «Одил судловни амалга ошириш тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади;

прокуратура хизмати ва полиция функциялари ўзаро боғлиқ. Масалан, бош констебль энг қуйи поғонадаги прокурор вазифасини бажаради. Бундай боғлиқликнинг сабаблари :

а) полиция ва жойлардаги аҳоли ўртасидаги кенг алоқа;

б) айблов департаменти нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, балки ўзига хос «хизмат»дир;

в) полицияга ишга қабул қилишнинг кенг имкониятлари (хунармандлар, фермерлар, ўқитувчилар ва ҳ.к) унга «яхши ва дўстона полиция» мақомига эга бўлишга ёрдам беради.

Прокуратура хизмати ходимлари бўлиб, Олий юридик маълумотли, полицияда 3-4 йил ва округ прокуратура офисида 2 йил ишлаган шахслар қабул қилиниши мумкин.

Давлат айбловчиси сифатида қуйидаги шахслар қатнашиши мумкин:

- округ прокурори;

- давлат айблов департаменти директори;
- бош констебль.

Округ прокурорининг асосий функциялари:

- жиноий ишларни тергов қиладиган полиция ходимларини устидан назорат қилиш;
- полиция ходимлари томонидан жазонинг ижро этилишини устидан текширувни амалга ошириш;
- психиатрия бўлимларига жойлаштириш тарзидаги жазо чораларининг ноаниқ муддатларини текшириш кабилардан иборат.

Айблов департаменти қуйидагиларни амалга оширади:

- округ прокурори устидан назорат;
- йўриқномалар чиқариш;
- жиноий ишлар бўйича Олий судда иштирок этиш.

Қонунга биноан суднинг қамокка олиш, тинтув, олиб қўйиш тўғрисидаги қарори фақатгина ушбу қарорнинг қабул қилинишидан олдин судда полиция ходими келганидан кейин ёки ундан 24 соат ўтгандан сунг қабул қилиниши мумкин. Ушбу полиция ходими жиноий таъқиб қўзғатиш-қўзғатмаслик ҳақида қарор қабул қилади. Унинг иштироки суд музокарасида ҳам шарт ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз вояга етган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура хизматининг роли катта. Бунда прокурор хизмати судга энг адолатли жазо чораларини таъминлашда ва бу жазо муддатини аниқлашда ёрдам беради. Суд жазо муддатининг тўхтатилиши ёки унинг ўзгаришини ҳал қилади. Лекин, прокурор хизмати қонун бўйича эмас, одат бўйича соғлиқни сақлаш хизматидан судланганларнинг соғлиғи ҳақида маълумот олади. Агар бу хизмат ёки шахснинг ўзи ёхуд қўриқлаш хизмати жазонинг тўхтатилиши зарурати ҳақида арз қилса, иш судга берилади.

Дания прокуратурасининг фаолият соҳасига бошқа бошқарув ва ҳокимият тизимларининг фаолият олиб бориши устидан назорат қилиш кирмайди. Дания прокуратураси бундай ваколатга эга эмас. Бошқа хизматлар билан алоқалар тенг ҳамкорлик билан чегараланиб қолади.

Жиноятлар ҳаётнинг турли соҳаларида содир қилиниши мумкин, шу жумладан, атроф табиий муҳит Департаменти, Солиқ бошқармаси тергов олиб бориш бўйича маълум ваколатларга эга. Лекин айблов эълон қилиш прокуратура хизматининг аралашу- шини тақозо этади, чунки фақат у ишни судга ошириши мумкин.

Прокуратура хизматининг бу фаолиятида 2 та хусусият мавжуд:

- жиноий иш қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласини ҳал қилиш учун далилларни тўплаш ва баҳолаш;
- ишларнинг судда кўрилишида иштирок этиш.

Италия прокуратураси

Италия – прокуратура органлари ва ижро ҳокимияти органларининг аниқ ажратилганлигининг мисолидир. Ита- лиядаги прокуратура органларининг мақоми хусусида олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим олимлар фикрича, Италиядаги прокуратура органлари конституциявий институт ҳисобланади.

Айрим олимлар эса, бу фикрни инкор қилиб, ҳаттоки, Италия Конституциясида прокуратура фаолиятига бағишланган махсус нормалар мавжуд эмас, деган фикр билдирганлар.

Италия Республикасининг амалдаги Конституцияси 112- моддасига биноан прокуратура органлари жиноий таъкиб фаолиятини амалга оширишлари лозим.

Италия прокуратурасининг ваколатлари 1941 йилда қабул қилинган “Суд тузилиши тўғрисида”ги қонун ва процессуал қонунчиликда кенгроқ кўрсатилган.

Италияда прокуратура суд тизимига кирса-да, бу тизимда у судлардан фарқли бўлган функцияларга эга. Ҳар бир прокурор суд корпусининг аъзосидир. Прокурорлар судьяларнинг Олий Кенгаши томонидан тайинланади. Улар бир умрга тайинланиб, судья ҳам бўлиши мумкин ва аксинча, судьялар прокурор лавозимида ишлаши мумкин.

Италияда прокуратура органлари Франциядаги прокуратура органларига ўхшаб, икки томонлама мақомга эга. Бир тамондан, улар суд ҳокимияти таркибига киради ва судлар қошида фаолият олиб боради, иккинчи томондан, улар суд ҳокимияти таркибига

киради ва судлар қошида фаолият олиб боради, учинчи томондан, у ташкилий жиҳатдан адлия вазирлигига бўйсунди.

Прокуратура органи ходимлари Италияда суд корпусининг магистрлари ҳисобланади, яъни уларнинг мақоми судьяларнинг мақоми билан бир хил. Шу билан бир вақтда улар адлия вазирлиги назорати остида фаолият олиб бордилар.

Бу назорат чекланган хусусиятга эга бўлиб, адлия вазирлигининг таркибидаги махсус инспекция томондан амалга оширилади.

Ҳар бир прокурор функционал мустақилликка эга бўлиб, суд магистранти сифатида уни ишдан четлаштириш бевосита Конституциянинг 104-107 моддалари билан тақиқланган.

Прокуратура давлат органи сифатида Кассацион суд, апелляция суди, вояга етманганлар ишлари бўйича трибунал шунинг умумий юрисдикция трибуналлари қошида фаолият олиб боради.

Бош прокурорлар Кассация ва апелляция судлари қошида республика прокурорлари қуйи турувчи трибуналлар ҳузурида фаолият олиб боради. Кассация суди ҳузурида 300 дан ортиқ магистрант фаолият олиб бормоқда.

Италия прокуратурасида марказлашган раҳбарлик мавжуд эмас. Ушбу ҳолат магистратуранинг мустақилиги билан асосланади. Прокуратуранинг турли бўлимлари ўртасида, бўйсунини муносабатлари эмас, суд ишининг қайси инстанцияга мансублиги бўйича, функционал субординация (мувофиқлаштириш) мавжуд.

1992 йилда уюшган жиноятчилик соҳасида терговни самарали мувофиқлаштириш учун округларнинг асосий шаҳарларида жойлашган трибуналлар қошида прокуратураларда мафияга қарши курашиш бошқармалари тузилди.

Бу бошқарма шу хилдаги ишлар бўйича ихтисослашган магистрантлардан ташкил этилди.

Кассацион суд ҳузуридаги Генерал прокурор қошида тузилган мафияга қарши курашиш миллий бошқармасига қуйи бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, магистратура олий кенгаши (судларининг ўз-ўзини бошқариш органи) магистрантларни тайинлаш, алмаштириш, хизмат бўйича кўтариш, уларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш

масалаларини хал қилади. Бу ваколатлар ижроия ҳокимиятидан мустақил равишда амалга оширилади.

Адлия вазири магистрантлар учун мажбурий ички тартиб-интизом қоидаларини қабул қилиши орқали улар билан муносабатда бўлади.

Прокуратура органлари берилган ваколатларга кўра қонунларга риоя этилишини текширади, одил судловнинг тез ва самарали амалга оширилишига ёрдам беради, давлат, юридик шахслар, муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, жиноят содир қилинганлиги учун жазо тайинланишини таъминлайди, хавфсизликни сақлаш учун тегишли чоралар кўради. (Суд тузилиши тўғрисидаги қонуннинг 73-моддаси).

Прокуратура органлари, бундан ташқари, жинойи ишларни кўзгатади, дастлабки терговни ўткази, суд полицияси органларига раҳбарлик қилади, терговни назорат қилувчи судьялардан шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган чоралар қўллашни талаб қилади, судларда айбловни қувватлайди ва суд қарорларига протестлар келтириди. Жиноят ишлари бўйича охири айбловни бошқа давлат органларидан тайинланган шахслар, преторлар (мисол учун, полиция офицерлари) ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

Прокурорлар, шунингдек, қонунда кўрсатилган фуқаролик ишларини кўриб чиқишда, кассация суди томонидан кўрилатган барча ишларда иштирок этадилар.

Жиноятларни тергов қилиш суд полицияси органлари, преторлар (кейинги даврда преторлар тергов судьяси сифатида ишларни ўзлари кўриб чиқмоқдалар) республика прокурорлари, тергов судьялари томонидан олиб борилмоқда.

Тергов судьялари трибунал аъзолари орасидан тайинланиб, ўзларига берилган ишлар ва присяжныйлар (маслаҳатчилар) судига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқади.

Прокуратуранинг Италияча моделида иерархик юксалиш йўқ. Турли даражадаги прокурорлар ўртасида ҳеч қандай иерархик тобелик йўқ. Ҳар бир прокурор ўз ваколатида мутлақо мустақил ва тўла автономиядан фойдаланади. Прокурор дискрацион ҳуқуққа эга экан. Қонунийлик тамойили суд тартибига риоя

қилишни талаб қилади. Мажбурлов чоралари тўғрисидаги қарорни тергов судьяси қабул қилади, агар иш жуда тезкорликни талаб қилмаса. Тергов тугаганда прокурор ишни дастлабки муҳокама ўтказадиган судьяга беради ва бу судья айблов эълон қилиш учун далилларнинг етарлилиги ёки айбловдан воз кечиш кераклигини ҳал қилади. Аслида прокурорлар ўзларининг суддан олдинги функцияларини суд назорати остида амалга оширадilar.

Италия прокуратурасининг суддаги ваколатлари бошқа давлатлар прокуратураларининг шундай ваколатларидан торроқ. Италия прокуратураси айбловдан воз кечишга ҳақли эмас. Прокурор суддан судланувчига оқлов ҳукми чиқаришни сўраши мумкин, лекин судья далилларни баҳолаб бунга норозилик билдириши ҳам мумкин. Италия прокуратурасида жиноят процессининг бирор-бир таърифи эмас, балки «одил судлов органи» деб аташ тўғрироқ бўлади. Чунки прокурор дастлабки тергов даврида барча айблайдиган ва оқлайдиган далилларни олиши шарт.

Конституциянинг 104-моддасига кўра, прокуратура ҳар қандай ташқи таъсирлардан мустақилдир. Жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида прокурор фақат қонун ва ўз виждонига бўйсунди, бунинг учун эса у ташқи кўрсатмалар ва шартлардан холи бўлиши шарт. Жиноят иши кўрилар экан (дастлабки тергов муддати – 6 ой) прокуратура суд полицияси офицерлари ва агентларидан ташкил топган аппаратига таянади. Зарурат бўлганда прокуратура тергов ишлари бўйича ўз ваколатларини ўзининг бўйсунувидаги давлат полициясининг қарабинерлар армияси ва молиявий гвардиянинг агентлари ва офицерларидан иборат бўлган махсус бўлимга топшириши мумкин.

ЖПКнинг 330-моддасига биноан прокуратура ўз ташаббуси билан у ёки бу шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят ҳақида гумон қилинганда ҳар қандай факт, ҳар қандай ҳолатни текширишга ҳақли. Бу текширишлар натижасида прокурор дастлабки суриштирув бошлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Прокурор суриштируви барча процессуал нормаларга риоя қилиш билан ўтказилади. **Прокурорнинг барча текширув ишларида адвокат иштирок этиши мумкин.** Прокуратура

такрорланмайдиган тергов ҳаракатлари олиб борилганда масалан, текширилаётган предметнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган экспертларда адвокат ёзма равишда ёки телефон орқали прокуратура органи томонидан тергов ҳаракати олиб борадиган жой ва вақт ҳақида хабардор қилинади.

Прокуратура томонидан амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари ичида кўздан кечириш, жиноят содир этишда гумон қилинувчиларнинг телефон сўзлашувларини эшитиш кабилар муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳаракатларнинг кўпида адвокат иштирок этишга ҳақли. Агар адвокатга хабар бериш кўп вақт олса, прокурор у ёки бу тергов ҳаракатларини унинг иштирокисиз ўтказиши мумкин. Лекин бу ҳолда прокурор адвокатга бу ҳақда хабар бериши шарт. Баъзи ҳолларда, масалан, «қўққисдан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари» деб ҳисобланадиган тингув ва секвестрларда ҳимоячини олдиндан хабардор қилиш талаб қилинмайди, лекин у бу ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

Прокурор ёки у ваколат берган шахс томонидан эшитиш ва ушлаб олиш жараёнида чекловлар мавжуд. Бундай ҳаракатлар умрбод қамоқ ёки 5 йилдан ортиқ бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазолари кўзда тутилган жиноятлар тергови вақтида ўтказилиши мумкин. Эшитиш қурол-яроғ, наркотик, ҳақорат қилиш, фуқароларни телефон орқали безовта қилиш каби ишлар билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларида қўлланиши мумкин. Прокурор полицияга бу ҳаракатларни ўтказиш учун рухсат беради, лекин ўзи ҳам ушлаб олиш (эшитиш) бошланишидан 24 соат ичида судьядан рухсат олиши лозим, акс ҳолда бу муддатдан ташқари олинган маълумот процессуал қийматини йўқотади.

Эшитиш ҳақидаги қарорда бу ҳаракатнинг шартлари ва муддати кўрсатилган бўлиши керак. Бу муддат 15 суткадан ошмаслиги лозим. Лекин суд кўп маротаба ҳар бир ҳолатда 15 суткадан узайтиришга ҳақли.

Ҳар сафар ёзиб олишдан сўнг баённома тузилиб, унинг нусхаси билан манфаатдор шахслар танишиши мумкин.

Охирги йилларда мафия кўринишидаги жиноий гуруҳларнинг, миллатлараро жиноятчиликнинг ривожланиши оқибатида прокуратура органларининг мамлакатда ҳукук-тартиботни

таъминлашдаги аҳамияти ўсиб бормокда. Уларнинг функционал мажбуриятлари аниқ жиноий ишлар чегарасидан чикиб, прокурор жиноий-ҳуқуқий соҳа сиёсатини аниқлаш ваколатига эга бўлмокда.

Франция прокуратураси

Францияда прокуратура фаолияти ЖПКнинг 31-48-моддалари билан тартибга солинади. Ташкилий жиҳатдан прокуратура Адлия Вазирлиги таркибига киради. Францияда прокуратура тизими ташкилий жиҳатдан суд тизимига ўхшайди. Юқори мансабдор шахс бўлиб кассацион суд қошидаги Бош прокурор ҳисобланади. Республика прокурорлари деб кичик ва катта (қуйи ва юқори) инстанция трибунали қошидаги район прокурорлари аталади. Улар апелляцияон суд қошидаги Бош прокурорларга бўйсунди. Бундан ташқари, бош прокурорлар ва Республика прокурорларининг ўринбосарлари лавозимлари ҳам мавжуд.

Барча прокурорлар **Франция** Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан четлатилади. Адлия Вазири тавсия беришда муҳим аҳамиятга эга. **Францияда прокурорга** жиноятчилик билан кураш соҳасида сиёсатни аниқлаш ваколати берилган.

ЖПКнинг 34, 39-моддаларига кўра жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки терговни назорат қилиш, судда айбловни қувватлашга ҳақли.

Бош прокурорлар апелляцияон судлар ваколат доирасига кирадиган ҳудудларда жиноят конунчилигини қўллаш устидан назоратни амалга оширади. Бош прокурорга апелляцияон суд ваколат доирасига кирадиган районидаги прокуратуранинг барча мансабдор шахслари бўйсунди. Бош прокурор мансабдор шахслар ва суд полицияси агентларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар. У полицияга одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш бўйича кўрсатмалар беришга ҳақли.

Республика прокурори суд полицияси мансабдор шахсининг барча ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлади ҳамда жиноятни очишга алоқадор бўлган полиция хизматларига раҳбарлик қилади. Жиноят иши ким томонидан кўзғатилганлигидан қатъи назар,

уни давом эттириш ва судда айбловни қувватлаш ҳуқуқи прокуратурага тегишлидир.

Прокурор судда ижро ҳокимиятининг вакили сифатида иштирок этишига қарамасдан, у тўла мустақилдир, хусусан, судга нисбатан ва судьялар ҳамда ҳакамлардан фарқли равишда рад этилмайди.

ЖПКнинг 32-моддасига кўра, прокурорга тараф тушунчаси берилмайди, шу сабабли суд унга тарафга бўлган муносабатда бўла олмайди, хусусан, унга санкциялар қўллаш мумкин эмас. Судьялар билан бир қаторда терговнинг хоҳлаган вақтида судланувчи ва гувоҳларга саволлар бериш, шунингдек, айбланувчининг ҳимоячиси томонидан ҳам рад этилмайди.

Жиноят қонунчилигининг бузилиши қонун бузувчига қарши давлат томонидан жиноий даъво қўзғатиш орқали суд текширувларини ўтказишга олиб келади. Жиноий даъво томонидан давлат номидан ёки унинг ўз ташаббуси билан ёхуд шикоят, баённома, хабарлар, жабрланувчи шикояти асосида киритилади.

Жиноят ишини тергов қилишда прокуратура доим Конвенциянинг 5, 6-моддаларида ўрнатилган ушлаб туриш ва процедураларнинг оқилона муддатига риоя этиш ҳақида қайғуради. Бу соҳада унинг барча ҳаракатлари процесснинг тезлаштирилишига, жабрланувчилар ҳам тергов остидагилар ҳам азобланмаслигига қаратилган. Франция прокуратураси жиноят ишини қўзғатиш масаласида кенг ҳаракат доирасидан фойдаланади. Бунда прокуратура қонунийлик тамойилидан кўра мақсадга мувофиқлик тамойилига амал қилади. Шунини айтиш мумкинки, Францияда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш барча ишларнинг 70% ини ташкил этади. Бунга қарамай, мақсадга мувофиқлик ваколати чеклангандир, чунки у фақат қарор қабул қилиш даражасида амалга оширилади: у жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Лекин, жиноий иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг Франция қонунчилиги бўйича, бу иш жамиятга тегишли бўлади: прокурор энди тергов қилишдан бош торга олмайди. У фақат жиноий иш қўзғатилган шахс фойдасига тавсиянома киритиши мумкин, дастлабки терговнинг тугаши вақтида ишни тугатиш тўғрисида ёки суд мажлисида оқлов ҳукми чиқариш

ҳақида илтимосномалар киритади. Қарорни эса ишни кўраётган тергов ёки суд органлари қабул қилади.

Республика прокурори шикоятлар ва хабарлар қабул қилади ва улар бўйича тезкор қарор қабул қилади (ЖПКнинг 40-моддаси 1-қисми).

Ҳар бир мансабдор шахс, агар у ўзи фаолият юритаётган корхона ёки ташкилотда содир этилган жиноят тўғрисида хабар топса, дарҳол Республика прокурорини хабардор қилиши шарт эмас. Агар зарур бўлса прокурор дастлабки тергов амалга оширилишини талаб қилиши мумкин. **Дастлабки терговни ўтказиш ҳукуки суд рангининг тергов судьяси – магистрларга тегишли.** Тергов судьяси ташкилий жиҳатдан суд инстанциялари бўйсунувидадир, мазмун жиҳатдан эса, прокурор кўрсатмалари чегарасида ҳаракат қилади. Айнан прокурор ЖПКнинг 82-моддасига кўра терговнинг ҳар қандай босқичида тергов судьясига ҳақиқатни аниқлашга фойдали бўлган барча ҳаракатларни кўрсатиши мумкин. Шу мақсадда прокурор ишнинг барча материалларини 24 соат ичида қайтариб бериш шарти билан талаб қилиб олиши мумкин. Прокурор тергов судьясига терговни бошлашни ман қилиб кўйиши мумкин, қачонки ушбу қилмишда жиноят белгилари бўлмаса. Тергов судьяси ҳар бир воқеа жойига чиқади ва тинтув ҳақида прокурорни хабардор қилади. Прокурор айбланувчини ва фуқаровий даъвогарни сўроқ қилишда ҳозир бўлишга ҳақли. Тергов судьяси прокурорни белгиланган тергов ҳаракатлари тўғрисида олдиндан хабардор қилади. ЖПКнинг 140-моддасига кўра айбланувчини вақтинча озод қилиш тергов судьяси томонидан фақат прокурор розилиги билан амалга оширилади, прокурор эса ўз навбатида айбланувчининг озод этилишини хоҳлаган вақтда талаб қилиши мумкин. Процессуал меъёрларнинг бузилишини аниқлаган тақдирда прокурор айблов камераси олдида у ёки бу ҳаракатни ёхуд бутун ишни ҳақиқий эмас деб топишни сўраши мумкин. Ниҳоят, прокурор тергов судьясининг ҳар қандай қарорига унинг маъмурий ёки суд характериға эга бўлишидан қатъи назар, протест келтириши мумкин.

Прокурорнинг суд полицияси фаолияти устидан назорат қилишда ҳам кенг ваколатлари мавжуд. Прокуратура магистрант-

ири ва суд полицияси офицерлари ўртасида узлуксиз телефон алоқаси ўрнатилган. **Прокурор полиция ходимининг ходиса тўғрисида ҳисоботини эшитиб, дарҳол етгита қарордан бирини қабул қилади:**

- Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш. Қоида бўйича, бундай қарор ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарликни 1 марта содир этган шахсларга нисбатан қабул қилинади;

- дарҳол жиноий иш кўзғатиш, шу билан бирга, полициядан ҳуқуқбузарнинг ахлоқ тузатиш судига келиш ҳақида огоҳлантирилиши сўралади. Бундай йўл кичик ва ўрта ҳуқуқбузарлик, баъзан эса оғир жиноят этган шахсларга нисбатан тугилади;

- ахлоқ тузатиш судига жўнатиш учун суриштирувчига ҳуқуқбузарни прокурор олдига келтириш ҳақида буйруқ бериш. Бундай қарор содир этилган қилмиш учун бир йилдан етти йилгача қамоқ жазоси белгиланган тақдирда қабул қилинади;

- терговни бошлаш учун суриштирувни олиб бораётган шахсга ҳуқуқбузарни олиб келиш ҳақида буйруқ бериш. Бу ҳолда прокуратура тергов судьяси ишни ўз юритувига қабул қилиши учун прокурорнинг дастлабки терговни бошлаш талабини тузади. Бир вақтнинг ўзида вақтинча ушлаб туриш масаласи ҳал қилинади. Бундай қарор шахс томонидан оғир жиноят содир этилганда қабул қилинади;

- суриштирувчига ҳуқуқбузарни прокуратурага олиб келиш тўғрисида кўрсатма бериш. Прокурорнинг ўзи ҳуқуқбузарни ахлоқ тузатиш судга келиши шартлиги тўғрисида баённома орқали огоҳлантиради;

- суриштирувчига ҳуқуқбузарнинг ахлоқ тузатиш судига аниқ кун ва соатда келиши тўғрисида кўрсатма бериш. Судга келишнинг бундай йўли амалда кўп учрайди: у судга тўғридан-тўғри чақиришга тенглаштирилади ва шунинг учун судланувчини унинг судга келиш-келмаслигидан қатъи назар суд қилишга йўл қўяди;

- полицияга ҳуқуқбузарни қўйиб юбориш ва суриштирувни давом эттириш ҳақида кўрсатма беради;

- Прокуратура ва полиция ҳамкорлигининг бу янги тезкор тизими прокурорларга полиция билан алоқа ўрнатишга, полиция фаолиятини назорат қилиб туришга ёрдам беради.

Германия Федератив Республикаси прокуратураси

Прокуратура фаолияти «Суд тизими тўғрисида»ги Федератив Қонун, ЖПК, «Прокурорнинг ташкилий структураси тўғрисида»ги Низом ва прокуратуранинг ички тартиби қоидалари билан тартибга солинади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ГФР прокуратураси ўз ўрнини секинлик (қийинчилик) билан эгаллади. Бу ҳолат прокуратура суд ва полиция ўртасидаги доимий келишмовчиликлар билан амалга оширилди. Ташкилий жиҳатдан прокуратура суд тизимининг бир қисми ҳисобланади. Умумий судловли ҳар бир судда ўз прокуратураси мавжуд. Энг қуйи судларда ижтимоий хавфлилик даражаси унга юқори бўлмаган жиноятларни кўрувчи судларда прокуратуралар ташкил этилмайди. Уларнинг вазифаларини бажариш ер суди қошидаги прокуратурага юклатилган.

ГФРда 114 та ер суди бўлиб, улар ишларни биринчи инстанция ҳамда апелляция инстанциясида кўриб чиқади.

Ҳар бир ер суди қошида ўз прокуратураси бор.

Ҳар 24 та юқори ер судининг қошида (бу судлар биринчи инстанция ҳамда қуйи судлар қарорлари устидан шикоятларни кассацион инстанцияда кўриб чиқади) ер адлия вазирлигига бўйсунувчи **бош прокуратура бор.**

Олий федерал суди қошида Федерал адлия вазирлигига бўйсунадиган Федерал бош прокуратура бор.

Федерал бош прокурор ерлар прокурорларига кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

ГФР прокуратура органларида жами 4500 прокурор ишлайди. Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида прокуратура органлари суднинг эмас, ижро ҳокимиятининг таркибий қисмидир. Прокуратура ижро ҳокимияти тизимидаги маъмурий бошқармаларга киради, бу бошқарма эса – адлия тизимига.

Прокуратурага адлия органлари фаолиятини таъминлаш вазифаси юклатилган бўлиб, бу вазифани эса улар суд билан ҳамкорликда ва тенг ҳуқуқларда бажаради.

Прокурорлар, мақомидан қатъи назар, давлат чиновниклари ҳисобланади. Уларнинг раҳбарият билан муносабатлари оммавий-ҳуқуқий характерга эга.

ГФРда прокуратуранинг асосий вазифаси жиноий таъқибни амалга ошириш ҳисобланади. Прокуратура – жиноий таъқибни бошлашга, иш ҳолатини аниқлашга, далиллар йиғишга нақолатли ва мажбур бўлган органдир. Прокуратура жиноий иш кўзгашига асослар етарлилиги масаласини ҳал қилади. Прокуратура тергов ҳаракатларини амалга оширади: айбланувчи, гувоҳ, экспертни сўроқ қилиш; тинтув ўтказиш ҳақида, ашъвий далилларни олиб қўйиш ҳақида кўрсатма беради. Фақат прокурор айблов эълон қилиш йўли билан терговни тугатиш ҳақида ёки ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Прокурор нафақат айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар, балки енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳам аниқлаши шарт.

Терговни олиб боришда прокуратура, кўп ҳолларда, полицияга таянади. Унинг ходимлари қонунда «прокуратуранинг ёрдамчи ходимлари», «прокурор ёрдамчилари» деб номланиб, унинг кўрсатмаларини бажариши шарт.

Тергов олиб бориш мақсадида прокурор ҳар қандай давлат органидан маълумот талаб қилиши, терговни ўзи олиб бориши ёки бошқармаларга ёхуд полиция ходимларига юклаши мумкин. Прокурор чақирув хати бўйича айбланувчи прокуратурага келиши шарт. Гувоҳлар ва экспертлар ҳам чақирув қоғози бўйича прокуратурага келиши ва у ерда кўрсатмалар бериши шарт.

ГФРда тергов судьяси лавозими йўқ. Лекин айбловчи ҳуқуқларини чекловчи мажбурлов чораларини қўллаш мумкин (тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, хат-телеграфик корреспонденциясининг ўкилиши) бўлиб, булар полиция томонидан прокурор санкцияси бўйича судьянинг рухсати билан амалга оширилади. Кечиктириш мумкин бўлмаган ҳолларда, судьянинг рухсатини ўз вақтида олиш имконияти

бўлмаганда, бу ҳаракатларнинг ўтказилиши прокурор руҳсати билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Дастлабки тергов давомида прокурор жиноят содир этилганлигида аниқ шахсни гумон қилиш учун старли асосга эга бўлганда у айблов эълон қилиш йўли орқали судга даъво тақдим этади. Лекин айбланувчининг айб даражаси юқори бўлмаганда ёки жиноят ишига жамиятнинг катта қизиқиши бўлмаган ҳолларда, у бундай қилмаслиги ҳам мумкин. Бунда айбланувчи жарима тўлайди. Жиноят содир этишда гумон қилиш учун старли асос бўлмаганда, прокурор ишни тўғатади. Жиноят орқали зарар кўрган шахс прокурор томонидан тугатилган ишни текшириш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Судда жинойий ишни кўриш прокурор томонидан айбловнинг тақдим этилиши билан очилади. Прокурор судда тараф сифатида иштирок этмайди. Агар суд ишни ўз юритувига олган бўлса (асосий суд музокараси очилгунга қадар), прокурор айблов актини чақириб олишга ҳақли эмас. Қарор қабул қилиш вақтида суд прокурорнинг иш ҳолатларига берган баҳоси ва у тақлиф қилган жазо чораси билан чекланмаган.

Кассация инстанциясида прокурор ишгиروي суд қарорининг қонунга мос келишини таъминлашга қаратилган. Прокурор лозим топса биринчи инстанция суди томонидан айбли деб топилган шахс фойдасига протест киритиши мумкин. Бундан ташқари, прокурор томонидан киритилган протест айбланувчига қўлланилган жазо чорасини ўзгартириши ёки суд қарорини бекор қилиши мумкин.

ГФРда прокурор янги очилган ҳолатлар бўйича ишни янгитдан кўришда иштирок этишга ваколатли (яъни гувоҳлар, экспертларни сўроқ қилишда қатнашиш, суд кўриб чиқишида қатнашиш). Прокурор дастлабки қамоқ ва вақтинча ушлаб туриш масаласини ҳал қилишга ҳақли. Дастлабки қамоқ судьянинг арест ҳақидаги ёзма буйруғи асосида амалга оширилади. Айбланувчиси қамоққа олиш учун ҳуқуққа зид қилмишни содир этишда “жиддий гумон”нинг мавжудлиги старлидир. Вақтинчалик ушлаб туриш суд санкциясиз ҳам амалга оширилиши мумкин, қачонки прокуратура томонидан аниқланадиган «ҳаракатларини секинлаштириш хавфи» бўлса.

Вакгинчалик ушлаб туришда шахс кейинги кундан кечиктирмасдан участка судига келтирилиши ва у ерда суд ошодликка чиқариш тўғрисида ёхуд дастлабки камоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

«Суд тизими тўғрисида»ги қонунда кўрсатилишича, ер қонунчилиги томонидан прокурор ваколати доираси кенгайтирилиши мумкин. Шунинг учун, баъзи ерларда прокуратура ваколат доирасига фуқаролик ҳуқуқининг муайян масалаларини ҳал қилиш қиради. Прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво тақдим этиш, шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида, шахсни ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги ишларни қўзғатиш ҳақида ариза тақдим этиш ваколатига эга.

Прокуратура органларининг иерархик тизими сабабли ва прокурор давлат хизматчиси ҳисобланганлиги сабабли барча прокурорлар ва прокуратуралар устидан юқори турувчи раҳбарият ёки раҳбар томонидан назорат олиб борилади. Федерал адлия вазири федерал бош прокурор ва у билан ишлайдиган федерал прокурорлар устидан назорат ва раҳбарлик қилади, ер адлия бошқармаси – бу ердаги прокуратура органлари устидан. Ер судлари қошидаги прокуратуралар бир вақтнинг ўзида юқори турувчи ер суди қошидаги прокуратуралар бош прокурорлари назорати остида бўлади. Шунингдек, прокурорлар устидан уларнинг раҳбарлари ҳам назорат олиб боради. Хизмат назорати деганда хизмат бурчларини расмий ва фактик бажарилиши устидан назорат қилиш тушунилади. Бунга бошлиқнинг қўл остидаги прокурорни огоҳлантириш ва вазифасини тегишли тарзда бажарилишини талаб қилиш ваколати ҳам қиради. Хизмат назорати раҳбарга прокурорнинг ҳисобот беришини ҳам назарда тутати.

Прокуратура органлари раҳбарлари ижрочи прокурорнинг функцияларини ўз зиммасига олиши (деволюцион ҳуқуқ) мумкин ёки вазифани бажаришни бошқа прокурорга юклаши (субституцион ҳуқуқ) мумкин. Худди шундай ҳуқуқларга ер адлия вазирлари эга, лекин деволюцион ҳуқуққа эга эмаслар, чунки улар прокуратура бошқармаси ҳисобланмайди. Кўрсатмалар бериш ҳуқуқи икки даражани: ички ва ташқини назарда тутати. «Ички» кўрсатма бериш ҳуқуқи прокуратура раҳбари ва бош прокурорга ўз бўйсунувидаги прокурорга нисбатан берилган,

«ташқи» эса – адлия вазирларига. Ташқи кўрсатмалар бериш ҳукуқи прокуратура органлари ишининг умумий тартибига тегишли бўлади; аниқ ишлар бўйича аниқ кўрсатмалар қилиб учрайди; кўрсатмалар бериш институти кўп вақт давомиди танқидга учраган. Лекин адлия вазирининг жавобгарлиги принципидан келиб чиққан ҳолда бу ҳуқуқ сақланиши лозим. Бошқа тарафдан эса, прокуратура қабул қилган қарорларининг ҳаммасига ҳам кўрсатмалар беришни (айниқса, ташқи) қўллаб бўлмайди. Шунинг учун кўрсатмалар бериш қарорлар варианти мавжуд бўлгандагина мумкин.

Прокурор суд амалиётига қарши бора олмайди. Агар суд қилмишни жазога сазовор деб топса, прокурор уни жазога сазовор эмас деб ҳисоблай олмайди.

Болгария прокуратураси

Прокуратура органининг ўрни, функцияси ва ваколатлари Болгария Конституцияси, суд ҳокимияти тўғрисидаги Қонун ва ЖПК билан белгиланади. Давлат прокуратураси суд ҳокимиятининг бир қисми бўлиб, Болгария Республикасида одил судловни амалга оширар экан, мустақил институтдир. Прокурорлар эса ўз функцияларини бажаришда фақат қонунга бўйсунди. Прокуратура парламент ва ҳукуматдан мустақил, улар ўртасида ҳеч қандай институцион алоқа йўқ. Ҳеч ким прокурорларга улар фаолияти юзасидан кўрсатмалар беришга ҳақли эмас. Барча давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, фуқаролар прокурорга ўз функцияларини бажаришда кўмаклашиши шарт.

Прокуратура структураси уч даражали суд структурасига ўхшайди. Судлар билан муносабатлар «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва ЖПК билан тартибга солинади. Суд процессида прокуратура низолашаётган томон ҳисобланади ва жиноят содир этган шахс ҳамда унинг адвокати билан тенг ҳуқуққа эга. Давлат прокуратураси судда фуқаролик ва жиноий ишларни кўришда қатнашар экан, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилади ва қонунийликка риоя этиш устидан назорат қилади.

Болгария прокуратурасининг фаолиятида жиноятчиликка қарши кураш муҳим ўрин эгаллайди. Бу иш прокуратура томонидан полиция ҳамкорлиги билан амалга оширилади.

Полиция ва прокуратура муносабатлари ЖПК ва «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига кўра, прокуратура полицияга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли. Прокуратура полицияга оператив маълумотни текшириш, жиноий ишлар кўзғатиш ва тергов қилиш ҳамда тергов материалларини прокуратурага тақдим этишни буюриши мумкин. Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳамда оператив ҳаракатларни ўтказишда прокурор санкцияси талаб қилинади. Масалан, қидирувда бўлган шахсни ушлашда прокурорнинг ёзма кўрсатмаси ёки тегишли суд буйруғи бўлиши шарт.

«Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 119-моддасига биноан, прокурор ушланган шахслар билан, улар нимага асосланиб ва нима сабабларда ушланганлигини аниқлаш мақсадида хоҳлаган вақтда кўришиши, улар билан суҳбатлашиши, ҳужжатларини текшириши мумкин. Агар прокурор ушланган шахснинг ҳуқуқлари бузилганлигини аниқласа, дарҳол бузилишларни бартараф қилиш чораларини кўради. Зарур бўлганда эса, ушланганни озод этади. Ушлаб туриш ва озод этиш прокурорнинг ёзма кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

Прокурор дастлабки терговнинг қонунийлиги устидан назорат ва раҳбарлик қилади. Шу мақсадда у тергов органларига ижроси мажбурий кўрсатмалар беради; тергов материалларини текшириш учун талаб қилиб олади; тергов ҳаракатларини ўтказишдан қонунни бузган шахсларни ҳамда ишни очиш жараёнини таъминламаётганларни четлатади; ишни тергов қилишни бошқа терговчига буюради; полицияга аниқ жиноят иши бўйича ҳам жиноятчилик билан кураш бўйича умумий масалалар бўйича кўрсатмалар беради.

Болгария прокурорининг асосий функцияси жиноят процессида иштирок этишдир. Конституция (127-модда), «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (118-модда) ва ЖПК (43-модда)га асосан прокуратура одил судловга жиноят содир этган шахсни топширади ва суд музокараси вақтида айблов тақдим этади (бунда процессда давлат айбловчиси сифатида иштирок этади).

Прокурор – суд процессида актив томон ва унинг иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга. Судда айблов актини тақдим этар экан, прокурор судланувчига биринчи бўлиб саволлар беради. Айбловни ўзгартириши мумкин, ишни дастлабки терговга кайтариш ташаббускори бўлиши мумкин.

Давлат манфаатларини ҳимоя қилар экан, прокурор фуқаролик, маъмурий ва тижорат ишларини кўришда иштирок этиши мумкин ва суд учун мажбурий бўлмаган фикрини билдириши мумкин. Алоҳида ҳолларда давлат манфаатларини ҳимоя қилишда ёки алоҳида тоифадаги шахслар (войга етмаганлар, ногиронлар, камдаромадлилар) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун прокурор ўзи фуқаролик иши кўзғатиши мумкин.

Венгрия прокуратураси

Венгрияда прокуратуранинг Конституцион мақоми. Бу мамлакатда прокуратура мустақил, фақат қонунга бўйсунди ва фақат **парламент** билан боғлиқ. Бу боғлиқликнинг амалий оқибатлари шундаки, парламент **олти йилда бир марта Бош прокурорни сайлайди. Бош прокурор** йилда бир марта прокуратура фаолияти тўғрисида **парламент олдида ҳисобот беради**. Прокуратура ташқи кўрсатмалар олмайди.

Венгрия прокуратураси билан полиция ўртасидаги алоқа ўзига хослик билан ажралиб туради. Бу органлар ўртасида ташкилий алоқа йўқ, чунки полиция ички ишлар вазирлигининг қисми, яъни ижро ҳокимияти органидир, прокуратура эса фақат парламентга бўйсунди. Функционал алоқалар эса қуйидагича: полиция тергов ишларининг асосий қисмини ўтказди. Гумон қилинувчини ушлаб туради. Прокуратура (прокурор) бу вақтда тергов ишларининг қонунийлиги устидан назорат олиб боради. Шу асосда полиция тергов ишини прокурорнинг ёзма ва оғзаки кўрсатмаларига мувофиқ ўтказди. Прокурор, зарур деб топса, тергов ишига аралашishi ва тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин. Полиция гумон қилинувчини ушлаб туриш муддатини (72 соат) узайтириш ҳақида прокурорга мурожаат қилади. Бундан ташқари, полиция ҳар қандай жиноий иш бўйича тергов ишини бошлаш ҳақида ёки ишни тугатиш тўғрисидаги қарор ҳақида прокурорга хабар беради. Қолганларида полиция

прокуратурадан мустақил равишда ҳаракат қилади. Прокурор томонидан ишни ўрганиб чиқиш эса полиция терговни тугатгандан сўнг амалга оширилади. Прокурор ҳамма ишларни ўрганиб чиқмайди. Бундай ишлар жамиятда катта қизиқиш уйғотган бўлади. Прокуратура ва полиция ҳамкорлиги доимий характерга эга. Прокуратуранинг ўзи дастлабки тергов ўтказишда монополияга эга эмас. Ҳаттоки жамият учун юқори хавф билдирадиган ишларда ҳам, айбдорга уч йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси қўлланилиши мумкин бўлганда прокурор ишни ўз юритувига олишни ёки уни бошқа бошқармаларининг тергов органларида қолдиришни (полиция, божхона ёки акциз бошқармалари ва ҳ.к) ўзи ҳал қилади. Дастлабки терговда прокурор назоратни амалга оширади. Прокурор терговчининг ҳар қандай қарорини ўзгартириши ёки бекор қилиши ҳамда тергов учун бутун жавобгарликни ўз бўйнига олишга ҳақли. Прокурор дастлабки терговнинг ҳар қандай босқичида уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Венгрия прокуратураси

90-йиллар бошида Венгрия прокуратураси структурасида ҳам марказда, ҳам округларда янги бўлинма вужудга келди – прокурор қидирув бюроси. Унинг функциялари полицияникига ўхшайди.

Венгрияда прокурор қонунийлик тамойилига қаттиқ риоя этади. Аммо муайян ҳолларда у «имконлилик» тамойилига таяниш ҳуқуқига эга. Масалан, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноий ишлар бўйича прокурор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун муҳим маълумот берган шахсларга нисбатан жиноий ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Судда прокурор ҳам ҳимоячи эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, ишда тараф сифатида чиқади. Прокурор саволлар беришга, аризалар беришга, айбловдан воз кечишга, уни ўзгартиришга, яъни айблов тайёрлаш учун муҳокамани бошқа кунга қолдиришни талаб қилишга ҳақли.

Венгрия прокуратура структураси қонунийлик тамойилига амал қилади. Прокурорлар суд муҳокамасини ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласида дискрецион имкониятга эга эмас. Қонун

қарорлар қабул қилиш жараёнига сиёсий мотивларни қўшишни ман этади.

Польша прокуратураси

Польшада прокуратура фаолияти «Давлат прокуратураси тўғрисида»ги Қонун, «Олий суд тўғрисида»ги Қонун, «Конституцион трибунал тўғрисида»ги Қонун, «Суд корпусининг миллий кенгаши тўғрисида»ги Қонун, «Апелляцион судларни ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади.

Польшада прокуратура ижро ҳокимиятининг таркибий қисми бўлиб, Адлия Вазирлигига бўйсунди, у эса Бош прокурор вазифаларини бажаради.

90-йиллар бошларига қадар Польшанинг бутун ҳуқуқий тизими, шу жумладан, прокуратура, СССР намунаси бўйича тузилган. Бозор муносабатларининг ривожланиш даврида Польша Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларига нисбатан ўз ҳуқуқий тизимини ғарб модели бўйича қайта тузди. Шу билан бирга прокуратура ораганлари функциялари деярли ўзгармай қолди.

Аввалгидек, Польша прокуратураси дастлабки терговни ўтказди ва уни назорат қилади; жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича даъво тақдим этади; жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда суд процессида тараф сифатида қатнашади; судда ва маъмурий процессда ҳуқуқни тўғри ва бир хилда қўллаш устидан назорат қилади; жиноятчилик масалалари бўйича текширишлар ўтказди; қонунга зид бўлган маъмурий органлар қарорлари устидан протест келтиради; жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради; жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар олдини олиш соҳасида бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади; норматив актлар ҳуқуқий экспертизасини ўтказди.

Конституциянинг 64-моддасига биноан прокуратура ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилади ва жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб этиш учун масъулдир. Бу фаолият қуйидаги воситалар орқали таъминланади; прокуратура томонидан дастлабки тергов ишларини ўтказиш; бошқа бошқармалар томонидан

Ўтказиладиган тергов ишларини назорат қилиш; прокурорнинг судда давлат айбловчиси сифатида қатнашиш, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишда судлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилади; жиноий ишлар бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш.

Польшада прокуратура органларининг марказда ва жойлардаги прокуратураларнинг ҳамкорлиги масаласининг ҳал қилиниши ўзига хосдир. Хизмат назоратининг мазмуни фаолият давомида йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ташкил этади. Шу билан бирга юқоридан келган инструкцияларга риоя этиши прокурор ўз мустақиллигини йўқотади дегани эмас. Масалан, юқори турувчи прокурордан кўрсатма ёки инструкция юборилганда қуйи турувчи прокурор бу кўрсатма ёзма шаклда тегишли тушунтиришлар билан бўлишини талаб қилиши мумкин. Кўрсатманинг мазмунига эътирозлари бўлган прокурор унинг ўзгартирилишини ёки ўзининг ушбу ишни олиб боришдан озод этилишини талаб қилишга ҳақли. Ишни олиб боришдан озод этиш тўғрисидаги қарорни кўрсатма берган прокурордан юқори турувчи прокурор қабул қилади.

Жиноятчилик билан курашишни мувофиқлаштириш функцияларини бажаришда прокурор қуйидагиларни амалга оширади; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг йиғилиш ва конференцияларини ўтказиш; жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш масалалари бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқади. Бу соҳадаги прокуратуранинг инструкция ва тавсияномалари барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мажбурийдир. Жиноятларни очиш ва олдини олишга алоқадор, бўлган масалалар бўйича қабул қилинадиган барча қонуности норматив актлар аввал прокуратура билан келишилган ҳолда қабул қилиниши шарт.

Польшада прокуратура барча тоифадаги жиноий ишларни мустақил тергов қилишга ҳақли. Дастлабки тергов ўтказиш ҳуқуқига полиция, Давлат хавфсизлик бюроси, ҳарбий полиция, чегара хизмати, молиявий назорат органлари ҳам эга. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий ишлар бўйича дастлабки терговни Давлат тижорат инспекцияси, Давлат санитария инспекцияси,

Ўрмон хўжалиги маъмурияти ўтказади. Бу органлар томонидан ўтказиладиган терговни прокуратура назорат қилади.

Жиноий иш кўзгатиш масаласида прокуратура қонунчилик тамойилига асосланади. «Имкониятлар танлови» принципи прокурорлар томонидан кам қўлланилади.

ЖПКга кўра, агар судда давлат айбловини прокурор қувват ласа, жиноят орқасидан жабрланган шахс процессда фуқаровини айбловчи сифатида қатнашишга ҳақли. Агар давлат прокурори иш кўзгатишни рад этса ёки уни тугатса, жабрланувчи судга уни айблов актини тақдим этиши мумкин.

Польшада охириги йилларда судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор роли анча юксалди. Прокурорнинг фуқаролик процессида қатнашишининг қуйидаги шакллари кенг тарқалган:

- мулкий деликтлар ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлар;
- бошқа тараф ташаббуси билан ишда қатнашиш;

Иқтисодий жиноятлар билан кураш соҳасида прокуратура эътибори молиявий соҳадаги фирибгарлик, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, қалбаки пул чиқариш билан боғлиқ жиноятларга қаратилган.

Чехия прокуратураси

Конституцияга биноан, прокуратура ижроия ҳокимиятининг бир қисмидир. Прокуратура тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: **Олий прокурор, Юқори прокурор, Регионал прокурор, Департамент прокурори.** Қуйи прокурор юқори турувчи прокурорга бўйсунди.

Олий прокурор Адлия Вазирлиги назорати остида ҳисобланади. Олий прокурор Адлия Вазирлиги ҳайъати (коллегияси) олдида ҳар йили **Чехия** прокуратураси ишининг натижалари ҳақида ҳисобот беради. Ўз навбатида Адлия Вазири Парламент олдида қонунийлик ҳолати ҳақида ҳисобот беради. Прокуратура суд олдида жойлашади, лекин бу икки орган бир-биридан мустақилдирлар. Прокуратура ташқи ҳокимиятлардан ҳеч қандай кўрсатмалар олмайди.

Олий (Бош) прокурор, дастлабки терговни ким амалга оширишидан қатъи назар, бу жараёни тўлиқ назорат қилади.

Терговчининг қонунга риоя қилиши устидан назорат қилар экан, прокурор: терговчининг у ёки бу қарорини бекор қилишга ва ўз қарорларини қабул қилишга ҳақли; ишни бошқа терговчига ўтказиш; тергов сифати тўғрисида хулосалар бериш; алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида буйруқ бериш; баъзи тергов ҳаракатларини ўтказишга судьянинг рухсатини олишга (арест, телефон сўзлашувларини эшитиш ва шу каби фуқароларнинг асосий (конституцион) ҳуқуқларини бузадиган тергов ҳаракатлари) ҳақли.

Прокурор суд процессида процесс тарафи ҳисобланади ва давлат вакили сифатида жиноят процессида жамоат айбловини амалга оширади.

Прокурор суд қарорлари устидан апелляцияга бериш; суддан қўшимча далилларни олишни сўраш; судланувчи, гувоҳлар, процесснинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришга ҳақли.

Чехия Республикасида прокурорлар қўйидаги ишлар бўйича фуқаролик процессини бошлаш ҳуқуқига эга:

- оталикни белгилаш;
- тижорат корхонасини тугатиш, агар унинг ташкил этилиши ноқонуний бўлса, давлатга нисбатан шартнома мажбуриятларини бажармаганлик тўғрисида;
- митинглар ўтказишда қонун бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича.

Чет мамлакатларда жиноят ишларида давлат айбловини қувватлаш масаласида прокурорларнинг тутган ўрни тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак:

Судда айбловни қувватлаш прокуратуранинг универсал функцияси ҳисобланади. **Молдавия Республикасининг** Прокуратура тўғрисидаги қонунига асосан ҳам прокурорнинг суд босқичидаги процессуал ҳолати унинг дастлабки терговдаги процессуал ҳолатидан тубдан фарқ қилади. Прокурор бунда ҳокимият-фармойиш ваколатини йўқотади ва бошқа процессуал мақомида иштирок этади, яъни, айнан давлат айбловчиси тариқасида суд процессида тараф мақомида иштирок этади. Прокурор ушбу босқичда процесснинг бошқа иштирокчилари

билан бир қаторда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга (**Молдавия Прокуратураси** тўғрисидаги қонуннинг 29-моддаси 2-банди)⁴¹.

Факатгина қатор давлатларда (**Германия, Франция**) прокурор процессда тараф ҳисобланмайди⁴². Масалан, Франция ЖПКнинг 32-моддасига асосан прокурорга “тараф” деган тушунча татбиқ этилмайди. Шундай экан, суд прокурорга тараф сифатида қарамайди, хусусан прокурорга санкция қўллай олмайди. Судья билан бир қаторда прокурор судланувчига ва гувоҳларга сўроқнинг ҳар қандай босқичида савол бериши мумкин.

Грецияда ҳам прокурор тараф сифатида қатнашмайди. Прокурор объектив ҳақиқатни аниқлаш ва қонунларни тўғри қўллашни таъминловчи ҳокимият ҳисобланади.

Давлат айбловчиси сифатида иштирок этаётган прокурор судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчи, холисларни, мутахассис ва экспертларни сўроқ қилишда ва эксперт ва мутахассисни хулосалари ва ашёвий далилларни ўрганишда иштирок этади. У жиноят ишлари бўйича суд музокараларида музокара нутқи билан иштирок этади. Ўз музокара нутқида суд алоҳида маслаҳатхонада ҳал қилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикрларини беради.

Францияда ҳам давлат айбловчиси сифатида прокурор иштирок этади. Қонун билан унинг мустақиллиги мустаҳкамланган. Прокурорга отвод бериш мумкин эмас (Франция ЖПКнинг 669-моддаси). Судяга (Франция ЖПКнинг 253-моддаси) ва суд присяжныйга (Франция ЖПКнинг 297-моддаси) отвод бериш мумкин.

Белоруссияда Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасига асосан прокурор давлат айбловини қувватлайди, қонун талабларига асосан ва ўзининг ички ишончига асосан ишни ҳар томонлама ва холисона кўрилишини таъминлайди.

Россия конституциясига мувофиқ, прокурор жинойат таъкиб қилишнинг давлат айбловини қувватлаш шакли билан биргалликда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширадиган давлат органи ҳам ҳисобланади. Прокурор судда давлат вакили сифатида иштирок этади. Шунинг учун қонунсиз ва асоссиз

⁴¹ Прокуратура в России и за рубежом. -М.: 2001. -66-70 С.

⁴² Филимонов Б.А. Защитник в Германском уголовном процессе. -М.: 1997. --с. 56.

айбловни қувватламайди, айбловдан воз кечади, процесс ишти-
рокчилари томонидан йўл қўйиладиган процессуал ҳатоларга
бефарқ қараб тура олмайди. У ўзининг конституцион функция-
сидан келиб чиқиб, йўл қўйилаётган қонун бузилиши ҳолларига
нисбатан суднинг эътиборини қаратади ва бу билан қонун
талаблари бажарилишини таъминлаш функциясини амалга
оширади.

Шунга ўхшаш йўналишни ғарбий Европа мамлакатларида
ҳам кўриш мумкин. Жиноят процессининг ушбу босқичида
прокурор, авваламбор, қонун манфаатларида иштирок этади.
Масалан: **Германия Федератив Республикаси** ЖПКнинг 160-§и
талаби бўйича прокурор нафақат судланувчи ҳаракатларини
оғирлаштирувчи ҳолатларни, балки, енгиллаштирувчи ҳолат-
ларини ҳам аниқлаши шарт ҳисобланади⁴³. Бизнинг қонунчилиги-
миз талаблари бўйича ҳам ишда иштирок этувчи прокурор
Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига асосан ҳақи-
қатни аниқлашда ҳар томонлама, ҳолисона ва объектив тарзда
судланувчи ҳаракатларини ҳам оғирлаштирувчи, ҳам енгил-
лаштирувчи ҳолатларни аниқлашга мажбур.

Қатор мамлакатларда судларда айбловни прокурор билан
биргаликда бошқа шахслар ҳам қувватлашига йўл қўйилади.
Масалан: **Италияда** жиноят ишлари бўйича прокурорларнинг
тавсияномаларига кўра бошқа давлат хизматчилари, яъни
полиция офицерлари ҳам айбловни қувватлашлари мумкин⁴⁴.
Буёқ Британия ва Ирландияда - Оммавий таъқиб қилиш хизмати
ходимлари айбловни қувватлайдилар. **Ирландияда** бу хизмат
ходимлари жиноят ишлари бўйича айбловни “халқ номидан”
амалга оширадилар. Полиция ва хусусий шахслар эса, участка
судларида кичик ишлар бўйича (биздаги ижтимоий ҳавфи катта
бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар) айбловни қувват-
лайдилар. Россия Федерациясининг ЖПКга 2002 йил 1-июлда
ўзгартиришлар киритилган бўлиб, унга кўра прокурорнинг
топшириғига асосан айбловни суриштирувни амалга оширган
суриштирувчи ва дастлабки терговни амалга оширган терговчи
ҳам амалга ошириши мумкин.

⁴³ ГФР УПК. - М.: 1994. - с 89.

⁴⁴ Решетников Ф.М. Правовые системы мира. Справочник. - М.: 1993.-с. 111.

Канадада магистрантлар судларида айбловни хусусий шахслар қўллайдилар. Лекин Федерациянинг Бош атторнейи ёки худудий атторней суд муҳокамасининг ҳар қандай босқичида хусусий шахс томонидан қўлланилаётган айблов бўйича кўрилаётган жиноят ишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Юқори турувчи инстанция судларида бош атторней ёки худудий атторней ходимлари томонидан қувватланади. Атторней хизмати вакили сифатида доимий шу иш билан шуғулланувчи махсус юрист ёки хусусий амалиётчи адвокат ҳам айбловни сифатида иштирок этиши мумкин.

Давлат номидан айбловни қўллаётган баъзи бир давлатлар қонунчиликларига назар ташласак, АҚШда давлат айбловчисининг функцияси атторней хизматига юклатилган. Атторней – АҚШда ҳар қандай ишончли вакил ва юқори суднинг вакили ҳисобланади. Қонун вакили сифатида ўз фаолиятини амалга оширади, судлов фаолиятига кўмаклашади.

АҚШда прокурор фақат жиноят процессида давлат айбловчиси (атторней) - ҳукуматнинг давлат вакили сифатида иштирок этади. Унинг вазифаси тортишувчилик тамойилига кўра, объектив ҳақиқатни аниқлаш эмас, айбловни қўллашда ютуққа эришни ҳисобланади.

АҚШ қонунларига кўра, атторней хизмати давлат номидан жиноят иши кўзғатади (бизда эса, жиноят иши давлат номидан кўзғатилмайди), қонунбузарликни тергов қилади, судда айбловни қувватлайди. АҚШнинг федерал тузилиши 3 та муҳим тизимга бўлинади: 1) федерал 2) штатли 3) маҳаллий. Ҳар бир тизим ўзининг алоҳида ташкилотига эга. Ҳар бир штат ўз Конституциясига эга. Федерал хизмат бошқаруви марказлашган бўлади⁴⁵.

Атторней хизмати, ўз ваколатига кўра, полиция томонидан тўпланган далилларни суд муҳокамасида фойдаланиш мумкинми ёки йўқми, таҳлил қилиб, тегишли тарзда уларга баҳо беради. Далилларни тўплашда, заррача бўлса ҳам, қонунсизликка йўл қўйилган бўлса, қонунсиз услублар билан далиллар тўпланган бўлса, бундай далилларни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

⁴⁵ Решетников Ф.М.Правовые системы стран мира. Справочник. -М.: 1993. -с.111.

Ушбу масалада, атторней хизмати вакиллари полиция фаолияти устидан тўлиқ назоратни амалга оширадilar.

Австралия давлатида ҳам судларда жиноят ишлари бўйича айбловни атторней хизмати вакиллари амалга оширадilar. Судларда улар “Қироллик айбловчилари” деб номланадилар ва жуда ҳам кенг ваколатларга эгалар. Ҳар бир қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларни давлат номидан қабул қиладilar. Улар судда ҳар қандай жиноят иши бўйича айбловни қўллаб қувватлашни давом эттиришлари ёки иш бўйича тўпланган далиллар етарли эмас деб ҳисобласалар, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш ваколатига эгалар⁴⁶.

3-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Бунга Ўзбекистон ва корея прокуратуралари ўртасида ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ёрқин мисол бўла олади. Шунини таъкидлаш жоизки, 2003 йил февраль ойида имзоланган экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий базаси бўлиб хизмат қилмоқда. 2003 йилнинг 10 октябрь, 4 ноябрь кунлари Сеул шаҳрида бўлиб ўтган “Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар юзасидан адолатли судловни амалга ошириш” мавзусидаги халқаро конференция ва семинарларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори Х.Бўриев Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги таклифига кўра иштирок этди. 2003 йилнинг ноябрь ойида Республика Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон прокуратураси делегацияси Корея Республикаси билан ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги идоралараро битимларни имзолаш ҳамда ушбу давлатнинг прокуратура органлари фаолияти билан яқиндан

⁴⁶ Решетников Ф.М.Правовые системы стран мира.Справочник. - М.: 1993. -с.111.

танишиш мақсадида корейга ташриф буюрган. Ўз ўрнида 2004 йилнинг 29 октябрь - 1 ноябрь кунлари мамлакатимизга Корей Республикаси Олий Халқ прокуратураси делегациясининг ташрифи ҳамкорлик алоқалари изчил йўлга қўйилаётганидан далолатдир⁴⁷.

Худди шундай дипломатик алоқалар ўрнатилган ва халқаро шартномалар тузилган давлатлар билан, жумладан, АҚШ, Япония, Германия, Хитой ва хоказо давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўзаро ҳамкорлик, жиноятчиликка қарши кураш амалиётини ўрганиш ҳамда прокуратура фаолиятидаги ижобий амалиёт алмашиш алоқалари ўрнатилган.

4-§. Халқаро ҳамкорлик

Дипломатик алоқалар ўрнатилган ва шартномалар тузилган давлатлар билан жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида ўзаро ҳамкорлик ишларини ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали амалга оширилади. Ўзаро шартномалар мавжуд бўлмаган давлатлар билан ҳуқуқий алоқалар халқаро конвенциялар, халқаро ҳуқуқий нормалар талаблари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқий бўлими мавжуд. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Халқаро-ҳуқуқий бўлими тўғрисида»ги Низоми асосида олиб боради. Низом 2004 йил 23 апрел кўни 20-сон буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Халқаро-ҳуқуқий бўлими тўғрисида»ги НИЗОМИ талабларига кўра, Халқаро ҳуқуқий бўлим (бундан кейин матнда бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи бўлиб, халқаро-ҳуқуқий соҳада қонушлар ижроси устидан назорат олиб боради.

Бўлим фаолиятига Бош прокурор томонидан тайинланадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлимда бўлим бошлиғининг ўринбосари, катта прокурорлар ва прокурорлар, мутахассислар ҳамда бўлим нозири фаолият кўрсатади.

⁴⁷ Махсумов Ж., Аловудинов М., Эрнўлатов Б. Ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланмоқда./Қонуи ҳимоясида. 10(106) 2004.Б.2.

Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни ва амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари, Бош прокуратуранинг ҳайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

Бўлим томонидан қонунийлик ва жиноятчилик ахволи таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкиллаштириш борасида Бош прокуратуранинг ярим йилга мўлжалланган иш режаларига тақлифлар берилади ва бўлимнинг иш режаси тузилади.

Соҳада ишларни янада яхшилашга қаратилган бошқа чоратадбирлар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Бўлимда ишни ташкил этиш ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосида Бош прокурор ўринбосари томонидан тасдиқланадиган иш тақсимотига биноан амалга оширилади.

Бўлимда амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади ва бу ҳақда Бош прокуратура раҳбариятига ахборотлар бериб борилади. Соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади.

Бўлимда тезкор йиғилишлар ўтказиб борилади ва уларда соҳага тааллуқли, шунингдек, бевосита тармоқ фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Бўлимда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда ҳисобот тузилиб, топширилади. Ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги юзасидан бўлим бошлиғи масъул ҳисобланади. Вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардан зарурат бўлганда соҳага оид таҳлилий ахборотлар талаб қилиб олинади.

Бўлим фаолиятини Бош прокурорнинг соҳа бўйича ўринбосари назорат қилади ва соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокурорга ахборот бериб боради.

Бўлим ўз фаолиятини амалга оширишда Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-ҳуқуқий муассасалар ва жамоатчилик ҳамда Бош прокуратура раҳбариятининг руҳсати асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хо-

риждаги элчихоналари ва ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва унинг ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилади.

Вилоят прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчи (ёрдамчи)лари ҳам ўз фаолиятларини ушбу Низом талаблари асосида амалга оширади.

Бўлимнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари:

- Бўлим халқаро-ҳуқуқий соҳада қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатларда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоялаш чораларини кўради;

- Ўзбекистон Республикаси иштирокчи ҳисобланган Шартнома, Битим, Конвенция, Меморандум ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (бундан кейин матнда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар деб юритилади) бўйича барча вазирлик ва идоралар томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

- Халқаро-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги тизими ва унинг хориждаги таркибий тармоқлари фаолиятида қонунлар ижроси устидан назорат олиб боради.

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси тизимида ҳамда Бош прокуратуранинг Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси билан биргаликда «Интерпол» миллий марказий бюроси фаолиятларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимининг Ўзбекистон фуқароларини хорижга юбориш ва уларни иш билан таъминлаш борасидаги фаолиятида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб боради;

- Ўзбекистон Республикасининг мутасадди идоралари ва Бош прокуратуранинг тегишли тармоқлари билан ҳамкорликда хорижий инвесторларнинг фаолиятида қонунлар ижроси юзаси-

дан текширишлар жараёнида чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида Бош прокуратура раҳбариятига таклифлар беради;

- Бош прокурорнинг рухсати билан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тайёрланиши билан боғлиқ тадбирларда қатнашади, мутахассис-экспертларнинг хулосаларини ўрганади, ҳуқуқий экспертлардан ташкил топган ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган лойиҳаларнинг муҳокамасида ҳамда Ўзбекистонда ёки хорижда чет эл ҳуқуқий экспертлари билан ўтказиладиган музокараларда Ўзбекистон делегацияси таркибида иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан бошқа давлатларнинг прокуратуралари, бошқа тегишли органлари ўртасида тузиладиган ўзаро ҳамкорлик юзасидан ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, уларнинг имзоланиши билан боғлиқ тадбирлар бўйича тайёргарликни ташкил этиб, ижросини таъминлаш чораларини кўради;

- Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида халқаро-ҳуқуқий масалалар юзасидан ҳамкорлик борасида хорижий давлатлар делегациялари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувларга тайёргарлик ишларини ва ўтказилишини таъминлайди.

- Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий давлатлар билан тузилган ҳамда амалда бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида жиноий, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан ҳамкорлик қилади;

- Хорижий давлатлар фуқаролари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунлар ижроси устидан назорат қилади. Бу борада уларнинг шаъни, кадр-қимати, соғлиғига путур етказадиган тазйиқ ўтказиш, азоб ва қийноққа солиш, шунингдек, ғайриқонуний равишда ушлаш ва қамокқа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш, тинтув ўтказиш ҳолларига йўл қўймаслик чораларини кўради;

- Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тезкор-қидирув ҳаракатлари ўтказилишида қонунларга риоя қилинишини назорат қилади. Бу борада жиноят ишлари,

материаллар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, кидирув, тезкор-излов йиғма жилдларини ўрганади. Ноконуний ва асоссиз қарорларни бекор қилади;

- Бош прокуратура раҳбариятининг розилиги билан халқаро кидирувда бўлиб, ушланган шахсларни хорижий давлатларга бериш ва хориждан келтириш (экстрадиция қилиш) юзасидан ишларни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси томонидан кидирилаётган ва хорижий давлатларда халқаро кидирувдаги ушланган шахсларни экстрадиция қилиш ҳақидаги ҳужжатларни тўплайди, уларнинг халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади, таклифлар киритади;

- Бош прокуратура раҳбариятининг топшириғи билан халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хорижий давлатлардан келиб тушган Ўзбекистон фуқароларига нисбатан бўлган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари давом эттирилиши ва улар бўйича қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш чораларини кўради, жиноят ишларини хорижий давлатларга юборилиши бўйича зарур ҳужжатлар тайёрлайди;

- Бош прокуратура раҳбариятининг топшириғига кўра хорижий давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хорижий давлатлардан келиб тушган тергов ва суд масалаларидаги тегишли топшириқларнинг ижро этилишини ташкил этади;

- Ўзбекистон ҳудудида жазо ўтаётган маҳкумларни, унинг фуқаролиги бўлган хорижий давлатда ёки аксинча, хорижий давлатда жазони ўтаётган Ўзбекистон фуқароларини республикада жазони ўташини давом эттириш учун юбориш ёхуд қабул қилишга доир ҳужжатларни ўрганади ва бу борада зарурий тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

- Бўлимга келиб тушган мурожаат (ариза, шикоят, хабар) ларни кўриб, ҳал этади ёки қуйи прокуратуралар томонидан текширилишини ташкил қилади. Бу борада умумлаштиришлар қилади ва муҳокама учун ҳужжатлар тайёрлайди;

- Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг халқаро ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчи (ёрдамчи) ларининг ишини тўғри ташкил этилишини

таъминлаш чораларини кўриб, уларнинг фаолиятини, соҳага тааллуқли. Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳайъат ва мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари ҳамда режавий тадбирларнинг ижросини текширади, камчиликларни бартараф қилиш борасида тадбирларни амалга оширади;

- Соҳа бўйича прокурор назорати амалиётини таҳлил қилиб, умумлаштиради. Фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Иш услубларини такомиллаштиради. Қуйи прокуратураларга фаолиятга оид услубий тавсиялар ва қўлланмалар тайёрлайди. Ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва амалиётга татбиқ этилишини таъминлайди;

- Бош прокуратура раҳбариятининг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг хорижий давлатларга хизмат сафарларига юборилишини ташкил этади;

- Қонунларни тарғибот қилиш ишларида қатнашади, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади.

12-боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. МДХ мамлакатларида (Россия, Қозогистон в. б.) прокуратура органларининг фаолиятидаги ўхшашлик томонлари ва фарқлари нималардан иборат?

2. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари тушунчасини ёритинг.

4. Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Австрия, Болгария, Венгрия, Чехия, Италия, Дания, Канада давлатларининг прокуратура органларининг фаолият жиҳатларини, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятига қиёсланг?.

5. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари нималарда ифодаланади?

6. Прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини қайси фаолиятлардан билиш мумкин?

7. Прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Ўқув режасига кўра, ушбу фан бўйича талабалар ёзма иш бажаришлари ва имтиҳон топширишлари шарт. Ушбунини амалга ошириш маъруза ва семинар машғулоти муштараклигида инфодаланади. Назорат иши сиртқи таҳсилда амалдаги қонунчиликни яқка тартибда ўрганишнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида назорат ишини мақсади талабалар назарий билимларини, амалий масалаларни малакали равишда ҳал қилишдаги салоҳиятини текширишдан иборат.

Назорат ишлари бўйича вазифалар ўттиз вариантдан иборат. Талаба вариант номерини аудитория журналыдаги фамилиялар рўйхати бўйича аниқлаб олади.

Назорат ишларини тақдим қилиш муддати институтнинг сиртқи факультети декани томонидан белгиланади. Назорат ишининг ҳар бир варианты иккита назарий саволни ва иккита вазифани ўз ичига олади. Савол шакли ва вазифа шартини ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

Назорат иши ҳажми бир ўқув дафтари ҳажмидан ошиб кетмаслиги керак. Дафтар муқовасида талаба вариант рақами, курси, гуруҳ рақами, ўз фамилияси, исми, ота исми, рейтинг дафтарчаси рақамини кўрсатиши керак. Дафтарнинг варақлари чеккаси чизик билан чегараланган ва рақамланган бўлиши керак.

Талабанинг назорат ишига нисбатан қўйиладиган муҳим талаб - назорат ишини мустақил бажаришидир.

Китоблардан, тегишли боблардан, брошюра ва мақолалардан кўчиришга йўл қўйилмайди. Назорат ишида назарий масалаларни ҳал қилишда қўпол хатолик бўлган ёки вазифани ҳал қилишда қўпол хатоликка йўл қўйилган бўлса, шунингдек мустақил бажарилмаган назорат иши учун имтиҳонда қониқарсиз баҳо қўйилади.

Бундай ҳолларда, талаба вариантни бошқатдан ишлаб келади ёки ўқитувчининг ихтиёрига кўра бошқа вариантни бажаради. Талаба томонидан назорат ишини ёзишга тайёргарлик кўришда, мавзу бўйича тавсия қилинган адабиётларни, норматив материалларни ҳамда дарслик, ўқув қўлланмаси ёки бошқа манбанинг тегишли бобларини ўзлаштирилиши ва суд ёки тергов амалиётига оид эълон қилинган материаллар билан танишиб чиқилиши лозим. Бунда амалдаги қонунчиликка охириги

киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга алоҳида эътиборни қаратиши лозим бўлади.

Ҳар бир вазифани якуний тўхтами мотивлаштирилган бўлиши керак, яъни асоси, аргументи, мувофиқ тарздаги ҳуқуқий нормаларга ва назарий билимларга таянган бўлиши керак. Ҳар бир вазифани ҳал қилишдан аввал унинг шартлари баён этилади. Ишнинг сўнггида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Вариант 1.

1. Назарий савол:

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Вояга етмаган ўспирин Холбоев, ёши 15да, ноқонуний оғ пайтида ўрмонда ушланган. Қўлга олиш пайтида унинг ёнида бир неча ўлдирилган қуш топилиб, у уларни мактабдаги зоология кабинети учун кўргазма қилиш мақсадида отганлигини айтган. Ўрмон хўжалиги ишчилари қўлга олинганни ўрмон хўжалигига тегишли бўлган жойдаги алоҳида хонага “тоқи прокурор ишни ҳал қилмагунга қадар” қамаб қўйишган. Эртасига эса бу воқеа тўғрисида хабар беришди.

ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОРНИНГ ТАЪСИР ВОСИТАСИ БЎЛГАН АКТНИ УШБУ ҲОЛАТГА ДОИР ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокуроридан ушбу туман прокуратураси терговчиси Эшовга фуқаро Ларинга нисбатан вояга етмаган Эргашев томонидан босқинчилик қилинганлиги ҳолати юзасидан ўз иш юритувига олиш тўғрисида кўрсатма берилган. Терговчи туман прокурори кўрсатмасини бажаришдан бош тортиб вилоят прокурорига ўз эътирозини ёзма равишда жўнатиб, бу иш ички ишлар терговчиларига тегишли эканлигини айтган.

ҲОЛАТНИ БАҲОЛАНГ.

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ОЛИБ
БОРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИШИ
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВАКОЛАТЛАРИ
ҚАНДАЙ?

Вариант 2.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ташкиллаштирилганлиги ва
фаолиятининг асосий принциплари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

1989 йили фуқаро Черновнинг қасддан ўлдирилганлик ҳолати юзасидан жиноят иши кўзгатирилган. Узоқ давом этган терговдан сўнг айбдорлар топилмагач, иш ҳаракатдан вақтинча тўхтатилган. 1992 йили янги далиллар топилгач иш қайта ҳаракатга келтирилиб, тергов пайтида қуйидагилар аниқланган: Чернов жиноий гуруҳ билан алоқадор бўлиб, футбол жамоаси мураббийи Тихонов томонидан ўлдирилган. Ўлим Тихоновга қилинган босқинчиликка зарурий мудофаа чегарасидан чиқиш оқибатида содир бўлган. Аммо, ушбу иш бўйича жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлиги учун терговчи ўзининг қарори билан юқоридаги асос бўйича жиноят ишини тугатган. Тихонов ўз ишининг бу асос бўйича тугатилишига эътироз билдириб прокуратурага шикоят қилган. Унинг айтишича, у айбсиз ва унга нисбатан Чернов томонидан қуролли босқинчилик қилиш оқибатида ўз ҳаётини жиноятчи тажовузидан ҳимоя қилиш оқибатида Черновга қаршилик кўрсатиш натижасида Чернов ўлганлигини билдирган.

ПРОКУРОР ҚАЙСИ ҚОНУНЛАР АСОСИДА ВА ҚАНДАЙ
ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

УШБУ ҲОЛАТ БЎЙИЧА ПРОКУРОР ТАЪСИР ВОСИ-
ТАСИНИ ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИДАН
ҲОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТУЗИНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурори ички ишлар бўлимига ва жиноят содир этилиши тўғрисидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш хисобини юритиш ҳамда рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартибини текшириш учун келган.

ПРОКУРОР АНИҚЛАНГАН ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИГА ҚАНДАЙ ЧОРА КЎРИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИ АЙТИНГ.

ВАРИАНТ 3.

1. Назарий савол:

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Судьянинг чиқарган қарорига асосан жиноят иши давлат айбловчиси ва ҳимоячи иштирокида кўрилиши шарт. Суд мажлиси очиқ деб эълон қилинганидан сўнг, аниқланишича, иш бўйича давлат айбловчиси деб тайинланган прокурор ўринбосари суд мажлисига сабабсиз келмаганлиги аниқланган.

ПРОКУРОРНИНГ СУДДА ДАВЛАТ АЙБЛОВИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ? СУД ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

Вазифа № 2.

Тарасов бир қанча жиноятларни содир қилганликда 1998 йилда суд томонидан айбдор деб топилган. Бироқ, бир жиноятни ҳарбий хизматга қадар, бошқасини эса, заҳирага бўшатиладигандан сўнг содир этган.

Ушбу жиноят иши бўйича тергов туман прокуратураси терговчиси томонидан олиб борилган бўлиб, иш вилоят суди томонидан кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 345-моддаси талаблари бузилганлиги сабабли, кассация инстанцияси жиноят ишини қўшимча тергов олиб бориш учун қайтариб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари
Ўзбекистон Республикаси Олий Судига назорат тартибда
куйидагиларга асосан протест келтирган:

Тарасов заҳирага бўшатиладиганидан кейингина биринчи содир
тилган жиноят тўғрисида маълум бўлган ва ҳарбий хизматчи
сифатида унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмаган,
унинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаган, унинг содир этган
жинояти эса ҳарбий жиноятлар тоифасига кирмайди.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТАРМОҒИНИ АЙТИНГ.

ПРОКУРОР ҲАҚЛИМИ? ЖАВОБИ АСОСЛАНТИРИНГ.

Вариант 4.

1. Назарий савол:

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Прокурор томонидан Бухоро вилоятининг бир ташкилотда
меҳнатга оид қонунчиликка риоя қилинишини текшириш
жараёнида ишчиларга иш ҳақи ўз вақтида ёзиб борилаётганлиги,
лекин 4 (тўрт) ойдан ошиқ вақт давомида тегишли ҳисобда
маблағнинг йўқлиги мунособати билан иш ҳақи тўланмай
келаётганлиги аниқланган.

**ЮҚОРИДАГИ ҲОЛАТДА ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ТАЪСИР
ЭТАДИ?**

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

“Ташсельмаш” заводида штатлар қисқариши мунособати
билан оммавий тарзда ишдан бўшатиш ўтказилган ва бу ҳақда
туман меҳнат бандлик бўлимига хабар қилинмаган.

Меҳнат бандлик бўлими бошлиғи туман прокурорига ушбу
ҳолат юзасидан хабар қилган.

ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 5.

1. Назарий савол:

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Прокурор шаҳар ҳокимиятидан ҳоким қабул қилган қарорларни, қонунийлигини текшириш учун талаб қилиб олган Ҳокимият, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан, прокуратурага ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумот келиб тушгандан кейингина умумий назорат тартибидея текшириш ўтказишга ҳақли эканлигини, шу сабабли талаб қилинган ҳужжатларни прокуратурага тақдим этмаслигини билдирган. Шунингдек, ҳокимият прокурорнинг ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳокимиятга маълумот бермаганлигини, шу мунособат билан ҳокимият қотибияти прокуратурага шаҳар ҳокими қарорини тақдим қилишга мажбур эмаслигини билдирган.

ПРОКУРОР ВА ҲОКИМИЯТ ҚОТИБИЯТИ ҲАРАКАТЛАРИГА БАҲО БЕРИНГ.

Вазифа № 2.

“Пойафзал” ОТАЖ томонидан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги ҳолати юзасидан прокуратурага бир неча шикоятлар келиб тушган. Прокурор фабрикада текшириш ўтказиш жараёнида маълум бўлишича, пояфзал ишлаб чиқаришда паст сифатли хомашёдан фойдаланилган. Шу мунособат билан, прокурор фабрика маъмуриятига кўрсатилган камчиликни бартараф қилиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб қилиб тақдимнома киритган.

ПРОКУРОРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИГА БАҲО БЕРИНГ.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вариант 6.

1. Назарий савол:

Прокурорларнинг тайинланиши ва уларнинг ҳисобдорлиги.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани прокурори шу туман судининг ҳукмига нисбатан апелляция тартибида протест киритган. Тошкент шаҳар прокурори протестни асосиз деб топиб, прокуратура фаолиятининг марказлашганлик ва бирлик тамойилига асосан туман прокурорининг ушбу протестини чиқариб олган. Ҳамза тумани прокурори Тошкент шаҳар прокурорининг ҳаракатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Бонч прокуратурасига шикоят билан мурожаат қилиб, ўз шикоятида Тошкент шаҳар прокурори унинг туман прокурори сифатидаги мустақиллигини бузганлигини кўрсатган.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРОРИ ВА ТУМАН ПРОКУРОРИ ҲАРАКАТЛАРИГА БАҲО БЕРИНГ.

СУДНИНГ ҲУКМИГА НИСБАТАН АПЕЛЛЯЦИЯ ПРОТЕСТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Суд жабрланувчи А.Ҳакимовнинг телефон сўзлашувларини эшитиш учун тезкор қидирув тадбирини ўтказиш учун рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилган. Туман прокурори ушбу қарор билан танишиб чиқиб ҳамда ушбу қарор бўйича тадбирни ўтказиш тўғрисидаги тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги тезкор ходимнинг қарори билан танишиб чиқиб, қарорни ноқонуний қабул қилинган деб ҳисоблаб, қарорга нисбатан протест киритди.

ПРОКУРОРНИНГ ҲАРАКАТИГА БАҲО БЕРИНГ.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 7.

1. Назарий савол:

Қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати (умумий назорат).

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Молия-кредит мунособатлари соҳасида прокурорлик текширувларининг самарадорлигини ошириш учун шахар прокурорининг буйруғига асосан туман прокуратурасининг штат-бирлигида мутахассис лавозими жорий қилинган. Туман прокурори иктисод факультетининг битирувчисини ишга олган.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҲО БЕРИНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурорига сувни ташқарига чиқариш каналидан касддан ўлдириш аломатларисиз янги туғилган чақалоқнинг мурдаси топилганлиги ҳақида хабар келиб тушган.

БУНДАЙ ВАЗИЯТДА ПРОКУРОРНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ АКТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 8.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ҳайъати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман прокуратураси фаолиятини ташкил этишга оид жуда муҳим масалаларни кўриб чиқиш учун прокурор ўзининг буйруғи билан туман прокуратураси таркибида прокуратура, туман ички ишлар бўлими (бошқармаси) ходимлари, ўз-ўзини бошқариш органлари вакилларидан иборат ҳайъатни ташкил этган.

ТУМАН ПРОКУРОРИНИНГ ҲАРАКАТИГА БАҲО БЕРИНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурори ёрдамчиси Аҳадов гуруҳ жиноятчилиги тўғрисидаги жиноят ишини тергов қилган. Иш судга келиб тушган. Суд муҳокамаси бошланишидан 3 кун олдин Аҳадовга ушбу иш бўйича судда давлат айбловини қувватлаш юклатилган

ди. Суд муҳокамасида судланувчиларнинг ҳимоячилари давлат айбловчисига, унинг беғаразлигига шубҳа туғдираётганлигига ишорат қилиб, рад қилиш илтимоси билан судга мурожаат қилишди. Суд рад қилиш бўйича талабномани кўриб чиқиб, ҳимоячиларни талабларини қаноатлантирмади. Прокурор сифатида ишда шу иш бўйича терговни олиб борган Аҳадов иштирок этган. Иш бўйича суд айблов ҳукми чиқарган.

Ҳукм юзасидан келтирилган шикоятларда ҳукмни бекор қилиш масаласи қўйилган.

СУДЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲИМОЯЧИЛАРИ КЕЛТИРГАН ШИКОЯТЛАР АСОСЛИМИ?

ЖАВОБНИ ҚОНУНГА ТАЯНИБ АСОСЛАНТИРИНГ.

СУДДА ПРОКУРОРНИНГ ИШТИРОК ЭТИШИДАГИ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТНИ ТАВСИФЛАНГ.

Вариант 9.

1. Назарий савол:

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман прокурори ёрдамчиси “Мўйноқ-балиқ” АБ.да меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан текширув олиб бориш жараёнида АБ директорининг ишчиларга бериладиган меҳнат таътиллари ва отгуллари тўғрисидаги бир неча йилги буйруқлари қонун талабларига зид эканлиги аниқланган. Текшириш давомида директорнинг ушбу ғайриқонуний буйруқлари АБ.сининг ўзи буйсунадиган юқори турувчи идорасининг ёзма кўрсатмасига асосан чиқарилганлиги аниқланган.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Айблов хулосаси, келиб тушган жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш жараёнида прокурор, қўйилган айблов айбланувчининг шахси ва содир этилган қилмишнинг оғирлигини мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосага келган.

БУНДАЙ ВАЗИЯТДА ПРОКУРОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ АКТИНИ ТУЗИНГ.

Вариант 10.

1. Назарий савол:

Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Жиноят иши кўрилишида давлат айбловчиси сифатида иштирок этган прокурор ёрдамчиси суд томонидан жуда енгил жазо тайинланганлигини асослантириб, апелляция тартибида протест тайёрлади. Туман прокурори тайёрланган протестга рози бўлмади.

ПРОКУРОР ВА УНИНГ ЁРДАМЧИСИ ҲАРАКАТЛАРИГА БАҲО БЕРИНГ.

ПРОКУРОРНИНГ НАЗОРАТ АКТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурорига айбланувчи С.Ж.Қараев томонидан унинг иш материаллари билан танишиб бўлгач иш бўйича қўшимча материалларни ишга қўшиш тўғрисида келтирган илтимосномасини терговчи асосиз равишда рад қилганлиги ҳақида шикоят келиб тушган.

**ПРОКУРОР ҲАРАКАТЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вариант 11.

1. Назарий савол:

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро қилиниши устидан прокурорлик назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани прокуратурасига фуқаро Эгамов томонидан, у штатлар қисқариши мунособати билан индан ноқонуний бўшатирилганлиги, ушбу факт юзасидан прокурорлик текшируви ўтказишни ва маъмуриятнинг ноқонуний буйруғи бекор қилинишини сўраган шикоятни тушди. Прокурор ёрдамчиси Эгамовни суҳбатга чақириб, унга мазкур иш бўйича прокуратура шуғулланмаслигини, ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишини тавсия этиб тушунтиришлар берди.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОНУНИЙМИ?

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШИКОЯТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Вазифа № 2.

Апелляция инстанцияси судида давлат айбловчиси сифатида туман прокурори ёрдамчиси иштирок этди.

УНИНГ ИШТИРОК ЭТИШИ ҚОНУНИЙМИ?

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ҚОНУННИНГ АНИҚ НОРМАЛАРИГА АСОСЛАНИБ БАЁН ҚИЛИНГ.

Вариант 12.

1. Назарий савол:

Терговчининг процессуал қарорлари асослилиги ва қонунийлиги устидан прокурор назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Аҳлоқ тузатиш колонияларида қонунларга риоя қилиниши устидан текширув олиб борилганда, прокурор колония хизматчи-

лари томонидан махсус чораларни қўллаш шартлари бузилганлиги фактини аниқлади. Судланувчи Юсуповни тиббиёт қисмига кузиш тиб бориш вақтида назоратчилар Зарипов ва Королевлар Юсуповни бошига резина тўқмоқлари билан бир неча бор уришган.

**ПРОКУРОР РЕАКЦИЯСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ АКТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вазифа № 2.

Жиноят ишларини тергов қилиш устидан назоратни амалга оширувчи, бироқ ишнинг қўрилишида судда иштирок этмаган транспорт прокуратураси прокурори томонидан суд қарорига нисбатан кассация протестини келтирган.

**ТРАНСПОРТ ПРОКУРОРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ
БАҲОЛАНГ.**

Вариант 13.

1. Назарий савол:

Дастлабки тергов босқичида жиноят иши кўзгатилиши, тўхтатилиши, қайта тикланиши ва тугатилишининг асослилиги ва қонунийлиги устидан прокурор назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ахлоқ тузатиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратурага СИЗО - 9 ходимларнинг бири томонидан, фельдшер Қаюмовнинг судланувчилар ва колония ходимларининг ўзаро муносабатларига доир тартибни бузаётганлиги ҳамда уларга спиртли ичимликлар олиб келаётганлиги тўғрисида шикоят аризаси тушган. Текшириш жараёнида мазкур факт тасдиқланган.

Ахлоқ тузатиш колонияси маъмуриятининг колонияга кириш режими қоидалари устидан тўлиқ назоратни ташкил қилмаганлиги ва назоратчи Олейникнинг ёрдамида фельдшер Қаюмов ярим йил мобайнида колонияга судланувчилар учун чой ва спиртли ичимликлар олиб келган.

**ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ПРОКУРОРЛИК
ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚўЛЛАНИЛАДИ?**

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Айрим туман прокурорлари прокуратура органлари ходимларининг иш ҳажми кўплигига асосланиб, вилоят прокурори катта ёрдамчисига оператив ҳисобот ва статистик маълумотлар бўйича бир квартал иш натижалари хусусида, бундай маълумотлар ярим йил давомида тақдим этилади, деб ҳисобот беришни рад этдилар.

ТУМАН ПРОКУРОРЛАРИГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАНИШИ МУМКИН?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 14.

1. Назарий савол:

Айблов ҳулосаси билан келиб тушган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Аҳлоқ тузатиш муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан текширув олиб борилганда прокурор томонидан колония ошхонасида мунтазам равишда сифатсиз маҳсулотлардан фойдаланилаётганлиги фактлари аниқланган. Колония раҳбарига ошхона хизматчилари фаолияти устидан шикоят билан мурожаат қилган судланувчи Досалиевга, бошқа судланувчилар олдида колония раҳбари агар у яна шикоят билан мурожаат қиладиган бўлса бир ой вақт мобайнида колония ҳудудида озик-овқат маҳсулотини сотиб олишдан маҳрум этишини маълум қилган.

ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ МУМКИН?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вазифа № 2.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда судья иш давлат айбловчиси иштирокида кўрилиши кераклигини кўрсатди. Туман прокурори ушбу жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватлашдан, сабабларини кўрсатмасдан бош тортди.

ПРОКУРОРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ АДОЛАТЛИМИ?

Вариант 15.

1. Назарий савол:

Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жинойий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Қонунларнинг ижросини текшириш мақсадида тергов изоляторига борган прокурор айбланувчи Кузьмин қарцерга ноқонуний жойлаштирилганлигини аниқлаган. Прокурор уни қарцердан озод қилиш тўғрисида қарор чиқарган.

Тергов изоляторининг раҳбари прокурор қарорини бажаришдан бўйин тортган ва юқори турувчи прокурорга ўзининг қарорлари билан шахсларни қарцердан озод қилишга ҳуқуқий ўқлигини кўрсатиб шикоят қилган. Изолятор раҳбарининг фикри бўйича прокурор унинг Кузьминни қарцерга жойлаштириш тўғрисидаги қарорига нисбатан протест келтириши керак эди.

ТЕРГОВ ИЗОЛЯТОРИ РАҲБАРИ ВА ПРОКУРОРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ БАҲОЛАНГ.

Вазифа № 2.

Нукус шаҳри табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси прокурори “Турон” АБ ўзининг ишлаб чиқариш чиқиндилари билан дарёни ифлослантираётганлиги тўғрисида хабар олган. Прокурорлик текшируви ўтказилиши жараёнида мазкур факт ўз тасдиғини топган. Бироқ, шу билан бирга, ифлосланиш бошқа туманда ўтказилаётган тозалаш иншоотларининг конструктив этишмовчилиги натижасида юз бераётганлиги аниқланган.

**ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вариант 16.

1. Назарий савол:

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича конунларнинг ижроси устидан прокурор назорати.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Шахар прокурори ёрдамчиси гўшт комбинатида конунларнинг ижросини текшириш вақтида, омбор мудирининг айби билан 50 кг дудланган балиқ колбасалари бузилганлиги, бироқ комбинат маъмурияти томонидан келтирилган зарарни кошлаш учун ҳеч қандай чора қўлланилмаганлигини аниқлаган.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурори туман худудида жойлашган йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарларига, унга давлат бюджетидан келиб тушадиган пул маблағларининг ҳисоботи ва чикими хусусидаги ҳар ойги маълумотларни тақдим этишлари тўғрисидаги сўровномалар тайёрлади ва юборди.

МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ БЎЙИЧА ПРОКУРОРНИНГ УШБУ ТУРДАГИ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙЛИГИГА БАҲО БЕРИНГ.

Вариант 17.

1. Назарий савол:

Конунларни тарғиб қилиш ва конунчиликни амалга оширишда прокурорларнинг иштироқи.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ички ишлар органлари терговчиларининг жиноятларни тергов қилишда конунларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мажбурияти юклатилган Когон тумани прокурори ёрдамчиси Когон туман ИИБ худудидаги тергов бўлими

бошлиғидан сўнгги йил мобайнидаги очилмасдан қолган жиноят ишларини, ушбу турдаги ишларни тергов қилиш жараёнида ижобий натижаларга эришилмаганлиги сабабли беришини талаб қилган.

ТЕРГОВ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ВА ПРОКУРОР ЁРДАМ ЧИСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ БАҲОЛАНГ.

Вазифа № 2.

Бухоро вилоят прокурори томонидан апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиладиган иш бўйича давлат айбловчиси сифатида нутқ сўзлашида нуқсонлари бўлган бўлим прокурори юборилди.

БУХОРО ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ БАҲОЛАНГ.

Вариант 18.

1. Назарий савол:

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ушланган шахсларни вақтинча сақлаш изоляторларида сақлашнинг қонунийлигини текширишда прокурор вояга етмаганга нисбатан зўрлик ишлатиб жинсий характердаги ҳаракатларни амалга оширишда гумон қилинган Юсуповни ушлаб туриш баённомасида Юсуповнинг терговчига топширилган вақт, баённома тузилган вақт, ушлаб туриш сабаблари кўрсатилмаганлигини ва баённома терговчи томонидан имзоланмаганлигини аниқлаган.

Ушлаб туриш тўғрисидаги айрим бошқа баённомаларнинг ҳам юқорида кўрсатилгани каби камчиликлари бор эди.

БУНДАЙ ҚОИДА БУЗИЛИШ ҲОЛЛАРИГА ПРОКУРОР ҚАНДАЙ МУНОСОБАТДА БЎЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Тошкент шаҳри Бектемир туман прокуратурасига фуқаро Азизов томонидан, уни штатлар қисқариши мунособати билан ноқонуний ишдан бўшатишганлиги, ушбу факт юзасидан прокурорлик текширувини ўтказишни ва маъмуриятнинг ноқонуний буйруғи бекор қилинишини сўраган шикоятни тушган.

Прокурор ёрдамчиси Азизовни суҳбатга чақириб, унга мазкур шикоятдаги ҳолат бўйича прокуратура шуғулланмаслигини, у ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишини тавсия этиб тушунтиришлар берган.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОНУНИЙМИ?

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШИКОЯТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Вариант 19.

1. Назарий савол:

Судларда фуқаролик ишлари ва хўжалик низолари кўрилишида прокурор ваколатлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

9-сонли тергов изолятори бошлиғи ўз қарори билан айбланувчи Холиқовни ҳибсдан озод этди, чунки уни ҳибсда ушлаб туришнинг 3 ойлик муддати тугаган эди. Аммо ушбу муддатни узайтириш тўғрисида тергов изолятори бошлиғига маълумот келмаганди. Прокурор тергов изолятори бошлиғи қабул қилган қарорнинг қонунийлигини текшираётиб, уч ойлик муддатни янада узайтириш тўғрисидаги хабар тергов изоляторига етиб келганлигини аммо, унинг ходимлари томонидан хабарнома йўқотиб қўйилганлигини аниқлади. Ундан ташқари, 9-сонли тергов изолятори бошлиғи Холиқовни ҳибсда ушлаб туриш муддати 24 соатдан сўнг тугаши тўғрисида прокурорни хабардор қилиши керак эди.

ПРОКУРОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурори ёрдамчиси Исмоилов жиноий гуруҳ томонидан содир этилган жиноят ишини тергов қилди. Иш судга келиб тушди. Суд тергови бошланишига 3 кун қолганида судда ушбу иш бўйича давлат айбловини қувватлаш Исмоиловга топширилди. Судланувчиларнинг ҳимоячилари томонидан суд мажлисида давлат айбловчисига нисбатан рад этиш билдирилди. Улар ўз эътирозларида давлат айбловчиси сифатида тайинланган Исмоиловнинг беғаразлигига ишонмасликларини билдиришди. Суд рад этишни бекор қилди. Жиноят иши бўйича суд муҳокамасини давом эттириб, иш бўйича айблов ҳукмини чиқарган Ҳимоячилар ҳукмини бекор қилиш учун шикоят ёзишди.

СУДЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲИМОЯЧИЛАРИ ШИКОЯТЛАРИ АСОСЛИМИ? ЖАВОБНИ ҚОНУНАН АСОСЛАБ БЕРИНГ. ПРОКУРОР СУДДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИГА ТАВСИФ БЕРИНГ.

Вариант 20.

1. Назарий савол:

Суд қарорига протест келтириш.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман суди ҳукми билан Содиқов 2 йилга озодликдан маҳрум этилди. Судланганнинг апелляция шикоятига биноан, вилоят суди ҳукмини ўзгартирди ва Содиқовга шартли жазо чорасини ажрим қилди - 2 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, 3 йилга синов муддати белгиланди.

Вилоят прокурори ҳукм ва апелляция ажримига назорат тартибига протест келдирди ва айбланувчига нисбатан қўлланилган ҳукмини кечиктириш керак деб ҳисоблаб, ўз фикрини протестда ифода этди.

СУД НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ ТАРИҚАСИДА ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛА ОЛАДИМИ?

ПРОТЕСТНИ ҚАЙСИ СУДЛОВ ИНСТАНЦИЯСИ КЎРИШИ КЕРАК?

Вазифа № 2.

Азимов 1998 йили бир неча жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган. Шунда, улардан бирини у ҳарбий хизмат давомида, 2 тасини эса заҳирага бўшатишганида содир этган. Ушбу жиноят иши туман прокуратураси томонидан тергов қилинган ва вилоят суди томонидан кўриб чиқилган. Кассация инстанцияси ишни янгидан тергов қилишга юборган ва ўз қарорини ЎР ЖПК нинг 345-моддаси талаби бузилганлиги билан асослаган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари ЎЗР Олий судига назорат тартибда протест келтирган ва унда Азимовнинг биринчи жинояти тўғрисидаги хабар тергов органларига Азимов заҳирага бўшатишгандан сўнг маълум бўлганлигини ва ҳарбий хизматчи сифатида унга нисбатан тергов ҳаракати олиб борилмаганлигини, унинг ҳуқуқлари бузилмаганлигини ва содир этган жинояти ҳарбий жиноятлар тоифасига кирмаслигини кўрсатган.

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИ СОҲАСИНИ КЎРСАТИНГ,
ПРОКУРОР ҲАҚЛИМИ? ЖАВОБИНГИЗНИ ҚОНУНИЙ
АСОСЛАНГ.**

Вариант 21.

1. Назарий савол:

Прокурор айблов нутқининг аҳамияти.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ортиқов ўз жиноятини вояга етмай туриб содир этди. Тергов тугашига 18 ёшга тўлди. Суд, ўз юритувиغا ола туриб Ортиқовга ҳимоячи тайинлади. Аммо суд мажлиси очилгач, судланувчи ҳимоячидан воз кечганлиги ва ўзини айбсиз деб эътироф этаётганлиги, бундан ташқари, ҳимоя учун тўлашга унда пул йўқлигини билдираётганлигини эътиборга олиб, ҳимоячи иштирокисиз ишни кўриб чиққан ва айблов ҳукми чиқарган. Прокурор ҳукмга протест келтириб ҳукмни бекор қилишни сўраган ва ишни қўшимча терговга юборишни, айбланувчининг ҳимоячига бўлган ҳуқуқлари таъминланиши лозимлигини кўрсатган.

ПРОКУРОРНИНГ ПРОТЕСТИ АСОСЛИМИ?

ПРОТЕСТ ҚАНДАЙ РЕКВИЗИТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ
КЕРАК? ХУКМНИ ТЎЛА БЕКОР ҚИЛИШ УЧУН УНДА
НИМАЛАР ҚАНДАЙ АСОСЛАРГА КЎРА БАЁН ҚИЛИНИШИ
КЕРАК?

Вазифа № 2.

Туман прокурори ёрдамчиси “Нефт маҳсулотлари инспекцияси” А.Ж.да меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича текшириш ўтказиб куйидагиларни аниқлаган. Бир неча йил давомида бош директор А.Ж. ишчиларига дам олиш ва ҳордиқнинг берилишини қонунда кўрсатилган талабларга риоя этмасдан, ўзгача тарзда буйруқ чиқариб келганлиги, кейинги текширишлар давомида аниқланишича, А.Ж. директори ушбу ҳаракатларини ўзининг юқори турувчи идорасининг ёзма равишда кўрсатмаси асосида бажариб келган.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲАРАКАТИ ҚАНДАЙ
БЎЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вариант 22.

1. Назарий савол:

Прокурор назорати ҳуқуқий далолатномалари, уларнинг мазмуни, уларни қўллашнинг асослари ва тартиби.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Судьянинг қарорига биноан, жиноят иши давлат айбловчиси ва ҳимоячиси иштирокида кўрилиши керак эди. Суд мажлиси бошлангач, давлат айбловчиси деб тайинланган прокурор ўринбосари суд мажлисига номаълум сабабларга кўра, етиб келмади.

СУДДА ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ДАВЛАТ АЙБЛОВИ-
НИ ҚУВВАТЛАШ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

СУД ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

Вазифа № 2.

“Интер негоя” заводида ишчилар штат қискартирилганлиги мунособати билан оммавий тарзда ишдан бўшатилади. Аммо, аҳолининг туман бандлик бўлими бу ҳақда огоҳлантирилмади. Бандлик бўлими бошлиғи ушбу фактга нисбатан туман прокурорининг эътиборини қаратди.

ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ДАЛОЛАТНОМАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 23.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ходимлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман прокурори Ички Ишлар бўлимига жиноят содир этиш тўғрисидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, ҳисобни юритиш ҳамда рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартибини текшириш учун келди.

ПРОКУРОР АНИҚЛАНГАН ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ЧОРА КЎРИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИ АЙТИНГ.

Вазифа № 2.

Вилоят прокуратурасига судланган Ивановдан унга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан шикоят келиб тушди. Шикоятда айтилишича, тайинланган жазо адолатсиз бўлиб, ҳукмга назорат тартибида протест келтирилиши кераклиги кўрсатилган. Вилоят прокурори ўринбосарининг кўрсатмаси бўйича бўлим прокурори жиноят ишини талаб қилиб олиб, уни ўрганиши натижасида назорат тартибида протест келтириш учун асос йўқлигини аниқлаган. Бу ҳақда Ивановга ёзма равишда вилоят прокурорининг ўринбосари имзоси билан жавоб хати юборилган.

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТИГА БАҲО БЕРИНГ.

Вариант 24.

1. Назарий савол:

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва аҳамияти.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Фаргона вилоят прокуратурасига Бақоевдан шикоят келиб тушиб, унда айтилишича Бақоев уй-жой масаласи бўйича 2 маротаба Бешарик туман прокурори Солиевнинг олдида кирмоқчи бўлган ва уни 2 маротаба ҳам Солиевнинг қабулига киритишмаган. Унинг уй-жой масаласи бўйича прокуратура шўгулланмаслигини айтишган. Вилоят прокуратураси бўлим прокурори шикоятни қабул қилиб унга ўз резолюциясини кўйган. Унга кўра, Солиев Бақоевни қабул қилиши лозимлиги кўрсатилган. Шундан сўнг шикоят резолюция билан Бешарик туман прокуратурасига юборилган.

БЎЛИМ ПРОКУРОРИ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ АНИҚЛАНГ.

БЎЛИМ ПРОКУРОРИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УШБУ ШИКОЯТГА ТАЪСИР ҚИЛИШИ КЕРАК ЭДИ?

Вазифа № 2.

Прокуратурага 3-сонли тергов изолятори ходимларидан бирининг аризаси келиб тушди. Унга кўра, фельдшер Т.И.Ёқубов ходимлар ва судланган орасидаги ўзаро мунособатлар тартибини бузаётганлиги ҳамда уларга спиртли ичимликлар олиб келаётганлиги айtilди. Шунга кўра, ушбу хабар текширилди ва текшириш жараёнида юқорида кўрсатилган факт ўз тасдиғини топди. Ахлоқ тузатиш колониясининг маъмурияти етарли даражада назорат олиб бормаганлиги ва назоратчи Азимов билан Ёқубовнинг тўғридан-тўғри тил бириктириши оқибатида фельдшер Ёқубов ярим йил давомида колонияга спиртли ичимликлар ва чой олиб ўтганлиги аниқланди.

ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вариант 25.

1. Назарий савол:

Прокуратура ходимларининг мустақиллик ва дахлсизлик кафолатлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ички ишлар органлари терговчиларининг жиноятларни тергов қилишда қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мажбурияти юклатилган Бўстонлиқ тумани прокурори Ёрдамчиси Бўстонлиқ туман ИИБ ҳудудидаги тергов бўлими бошлиғидан сўнгги йил мобайнидаги очилмасдан қолган жиноят ишларини, ушбу турдаги ишларни тергов қилиш жараёнида ижобий натижаларга эришилмаганлиги сабабли беришини талаб қилган.

ТЕРГОВ БЎЛИМ БОШЛИҒИ ВА ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИ ТУТГАН ЎРНИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ БАҲОЛАНГ.

Вазифа № 2.

Айблов ҳулосаси билан келиб тушган жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш жараёнида прокурор, қўйилган айблов айбланувчининг шахси ва содир этилган қилмишнинг оғирлигига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ҳулосага келган.

БУНДАЙ ВАЗИЯТДА ПРОКУРОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ АКТИНИ ТУЗИНГ.

Вариант 26.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ходимларининг мансаб унвонлари.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Аҳлок тузатиш муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан текширув олиб борилганда прокурор томонидан колония ошхонасида мунтазам равишда сифатсиз маҳсулотлардан фойдаланилаётганлиги фактлари аниқланган. Колония раҳбарига

ошхона хизматчилари фаолияти устидан шикоят билан мурожаат қилган судланувчи Досалиевга, бошқа судланувчилар олдида колония раҳбари агар у яна шикоят билан мурожаат қиладиган бўлса бир ой вақт мобайнида колония худудида озик-овқат маҳсулотини сотиб олишдан маҳрум этишлигини маълум қилган.

ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ МУМКИН?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТУЗИНГ.

Вазифа № 2.

Нукус шахри табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси прокурори “Турон” АБ ишлаб чиқариш чикиндилари билан дарё ифлослантирилаётганлиги тўғрисида хабар олган. Прокурорлик текшируви ўтказилиши жараёнида мазкур факт ўз тасдиғини топган. Бироқ, шу билан бирга ифлосланиш бошқа туманда ўтказилаётган тозалаш иншоотларининг конструктив этишмовчилиги натижасида юз бераётганлиги аниқланган.

ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 27.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Ахлоқ тузатиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратурага СИЗО - 9 ходимларнинг бири томонидан, фельдшер Қаюмовнинг судланувчилар ва колония ходимларининг ўзаро муносабатларига доир тартибни бузаётганлиги ҳамда уларга спиртли ичимликлар олиб келаётганлиги тўғрисида шикоят аризаси тушган. Текшириш жараёнида мазкур факт тасдиқланган.

Ахлоқ тузатиш колонияси маъмуриятининг колонияга кириш режими қоидалари устидан тўлиқ назоратни ташкил

қилмаганлиги ва назоратчи Олейникнинг ёрдамида фельдшер Қаюмов ярим йил мобайнида колонияга судланувчилар учун чой ва спиртли ичимликлар олиб келган.

ПРОКУРОР ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ПРОКУРОРЛИК ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Суд жабрланувчи А.Ҳакимовнинг телефон сўзлашувларини эшитиш мақсадида тезкор қидирув тадбирини ўтказиш учун рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилган. Туман прокурори ушбу қарор билан танишиб чиқиб, ушбу қарор бўйича тадбир ўтказиш тўғрисидаги тезкор қидирув фаолияти тўғрисидаги тезкор ходимнинг қарори билан танишиб чиқиб, қарор ноқонуний қабул қилинган деб ҳисоблаб, қарорга нисбатан протест киритди.

ПРОКУРОРНИНГ ҲАРАКАТИГА БАҲО БЕРИНГ.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вариант 28.

1. Назарий савол:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман прокурори ёрдамчиси “Мўйноқ-балиқ” АБда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан текширув олиб бориш жараёнида АБ директорининг ишчиларга бериладиган меҳнат таътиллари ва отгуллари тўғрисидаги бир неча йилги буйруқлари қонун талабларига зид эканлиги аниқланган. Текшириш давомида директорнинг ушбу ғайриқонуний буйруқлари АБсининг ўзи буйсунадиган юқори турувчи идорасининг ёзма кўрсатмасига асосан чиқарилганлиги аниқланган.

ПРОКУРОР ЁРДАМЧИСИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вазифа № 2.

Судьянинг чиқарган қарорига асосан, жиноят иши давлат айбловчиси ва ҳимоячи иштирокида кўрилиши шарт. Суд мажлиси очик деб эълон қилингандан сўнг, аниқланишича, иш бўйича давлат айбловчиси деб тайинланган прокурор ўринбосари суд мажлисига сабабсиз келмаганлиги аниқланган.

**ПРОКУРОРНИНГ СУДДА ДАВЛАТ АЙБЛОВИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ?
СУД ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ КЕРАК?**

Вариант 29.

1. Назарий савол:

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва унга тенглаштирилган прокуратуралар.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Туман прокуроридан ушбу туман прокуратураси терговчиси Эшовга фуқаро Ларинга нисбатан вояга етмаган Эргашев томонидан босқинчилик қилинганлиги ҳолати юзасидан ўз иш юритувига олиш тўғрисида кўрсатма берилган. Терговчи туман прокурори кўрсатмасини бажаришдан бош тортиб вилоят прокурорига ўз эътирозини ёзма равишда жўнатиб, бу иш ички ишлар терговчиларига тегишли эканлигини айтган.

ҲОЛАТНИ БАҲОЛАНГ.

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ОЛИБ БОРУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВАКОЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Вазифа № 2.

Туман прокурорига айбланувчи С.Ж. Караев томонидан унинг иш материаллари билан танишиб бўлгач, иш бўйича кўшимча материалларни ишга кўшиш тўғрисида келтирган илтимосномасини терговчи асоссиз равишда рад қилганлиги ҳақида шикоят келиб тушган.

**ПРОКУРОР ҲАРАКАТЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вариант 30.

1. Назарий савол:

Туман (шаҳар) прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.

2. Амалий машғулотлар:

Вазифа № 1.

Қонунларнинг ижросини текшириш мақсадида тергов изоляторига борган прокурор айбланувчи Кузьмин ноқонуний қарцерга жойлаштирилганлигини аниқлаган. Прокурор уни қарцердан озод қилиш тўғрисида қарор чиқарган.

Тергов изоляторининг раҳбари прокурор қарорини бажаришдан бўйин тортган ва юқори турувчи прокурорга ўзининг қарорлари билан шахсларни қарцердан озод қилишга ҳуқуқи йўқлигини кўрсатиб шикоят қилган. Изолятор раҳбарининг фикри бўйича прокурор унинг Кузьминни қарцерга жойлаштириш тўғрисидаги қарорига нисбатан протест келтириши керак эди.

ТЕРГОВ ИЗОЛЯТОРИ РАҲБАРИ ВА ПРОКУРОРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОНУНИЙЛИГИНИ БАҲОЛАНГ.

Вазифа № 2.

Туман прокурори ИИБга жиноятлар ҳақида ариза, шикоят ва хабарларни қабул қилиш, қайд қилиш ва рўйхатга олиш бўйича белгиланган қоидаларни текшириш учун келди.

ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛЛАРИ АНИҚЛАНСА, ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ АЙТИНГ.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти юзасидан ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш.

Вилоят ҳокими томонидан 2000 йил 3 июль куни қабул қилинган 160-Қ сонли қарор билан Самарқанд туман ҳокимининг 1999 йил 14 декабрдаги фуқаро Ш.Қосимовга шахсий АЁҚШ қуриш учун Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 0,15 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги 661-Қ сонли қарори тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддаси 4-бандига асосан, «Саноат корхоналари, темир йўллари ва автомобил йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилиши кўрсатилган бўлсада, фуқаро Ш.Қосимовга Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг 54 боннитет балли яъни энг унумли боғ ери ҳисобидан қонунга зид равишда ер ажратилган.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 46-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни беришнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, вилоят ҳокими томонидан юқорида кўрсатилган қарор қабул қилишда ушбу модда талаблари бузилган.

Бундан ташқари, «Ер кодекси»нинг 16-моддасига асосан ерни олди-сотди қилиш, айирбошламаслик, ҳадя этмаслик, гаровга қўймаслик белгиланган бўлсада, фуқаро Ш.Қосимовга ажратилган ер майдонида қурилиш ишлари асоссиз равишда фуқаро С.Салимов томонидан олиб борилмоқда.

**УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН,
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Пастдарғом туман ҳокими томонидан 2002 йил 4 апрель куни қабул қилинган 121-Қ сонли фуқаро Назаров Қувондиққа ошхона ҳамда автобекат қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарор "Навбахор" ширкат хўжалигининг умумий вакиллар йиғилишида кўриб чиқилмаганлиги сабабли, туман ҳокимининг 2002 йил 11 майдаги 197-Қ сонли қарори билан бекор қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2002 йил 4 ноябрь куни жиноий ишлар бўйича Пастдарғом туман судининг ҳукми билан собиқ «Навбахор» ширкат хўжалигининг раиси Ашуров Камол ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқаро Қ.Назаровга ошхона ва автобекат қуриш учун ер майдони ажратиб беришда ҳужжатларни сохталаштирилганликда айбли деб топилган ва тегишли жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунга қарамасдан, Пастдарғом туман ҳокими ўзининг 2003 йил 4 июль кундаги 502-Қ сонли қарори билан фуқаро Назаров Қувондиққа бекор қилинган қарор асосида ажратилган ер майдонида қурилиш ишларини давом эттиришга рухсат берган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 23-моддаси 5-бандига зид равишда, ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар тўпلامисиз Пастдарғом туман ҳокимининг 2003 йил 4 июлдаги 502-Қ сонли қарори билан фуқаро Қ.Назаровга ошхона ва автобекат қуришни давом эттириш учун рухсат берилган.

**УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вилоят Давлат солиқ бошқармасининг Сиёб туман Давлат солиқ инспекциясининг «қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш ҳамда бозорлар фаолиятини назорат қилиш» шўъбаси бош давлат солиқ инспектори Ф.Раҳматов билан янги меҳнат шартномасини тузиб, уни бир йил муддатга Сиёб туман Давлат солиқ инспекциясида юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимига бош давлат солиқ инспектори лавозимида кўчириш тўғрисида 2003 йил 14 апрелдаги 261-ШТ сонли буйруқ қабул қилинган.

Ушбу буйруқ учун асос қилиб олинган 2003 йил 14 апрелдаги меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 76-моддасига асосан, меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши кўрсатилган.

Худди шунингдек, Меҳнат Қонунда таъкидланишича, «Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб белгиланган, яъни номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжалланиб қайта тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ф.Раҳматов 2003 йил 9 апрелдан 17 март кунига қадар 721178-сонли меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлганлиги учун вилоят Давлат солиқ бошқармаси маъмурияти нинг 2003 йил 14 апрелдаги 261-ШТ сонли буйруғига, яъни бошқа ишга кўчиришларига розилик бериш имкониятига эга бўлмаган ҳамда мазкур буйруқлар билан тилхат асосида танишмаган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 5, 76,82 ва 92-модда талаблари қўпол равишда бузилган.

**УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Тайлоқ тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизоғон» канали иншоот назоратчиси Холиқов Санакул, сув инспектори О.Соатов томонидан 2003 йил 24 февраль куни сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, 9075 сўмга жаримага тортилган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисмига кўра, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваригача миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлиб, бу эса 9070 сўмни ташкил қилсада, сув инспектори О.Соатов томонидан ҳуқуқбузар С.Холиқовга нисбатан асоссиз равишда жарима миқдори кўпайтириб кўрсатилган.

**УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН,
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Вилоят ҳокими томонидан 1999 йил 16 декабрь куни Пастдарғом туман ҳокимининг 1999 йил 28 октябрдаги 364/10-рақамли қарори тасдиқланиб, Самарқанд ҳарбий гарнизони ўқув марказига тегишли 195 гектар ер майдонини Пастдарғом

туманидаги Қ.Тўраев номли ширкат хўжалигига қайтариш ҳақидаги 311-К-сонли қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, ушбу ер майдонлари вилоят ижроия қомитетининг 1960 йил 29 январдаги 2/47-3 сонли қарорига асосан Пастдарғом ва Самарқанд туманлари ер майдони ҳисобидан 1978 йил 14 октябрдаги Б№001751 ва 16 октябрдаги Б№00775-сонли ердан фойдаланиш актига асосан 13624,27 гектар ер майдони Самарқанд ҳарбий гарнизонига ўқув машқ майдони сифатида фойдаланиш учун ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 7-қисмида кўрсатилишича, «Ер участкасидан оқилона фойдаланмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси 3 йил мобайнида норматив паст бўлишида ифодаланганда ердан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши» кўрсатилган бўлиб, вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу ер майдонлари қайси мақсадларда фойдаланиш учун ҳарбий қисмга берилганлигига эътибор берилмасдан, ноқонуний қарор қабул қилинган.

Шунингдек, мазкур 311-К-сонли қарор билан Самарқанд ҳарбий гарнизонига тегишли бўлган ўқув марказининг жами 195 гектар ер майдони, шундан Самарқанд олий ҳарбий қўмондонлик автомобилчи муҳандис билим юрти ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан 142 гектар, 52922-сонли ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалигидан 53,0 гектар ер майдонларини Пастдарғом туманидаги Қ.Тўраев номли ширкат хўжалигига қайтарилишида вилоят ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги билан келишилмаган.

**УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Давронов Рустам Зияевич Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг омбор мудири лавозимида ишлаб келиб, унинг жавобгарлигида бўлган моддий бойликлар санокдан ўтказилганида, у 5017 сўмлик камомадга йўл қўйганлиги аниқланган.

Р.Давронов ўзининг ушбу ҳаракатлари билан ўзганинг оз миқдордаги мулкани талон-торож қилган.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ?
ПРОКУРОР ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

«Самарқандгазтаъминот» шўба корхонаси ўлчаш асбобларини ўрнатиш бўйича хизмат бўлими бошлиғи Д.Абдуллаев ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармасдан келиб, 2003 йил давомида вилоятда 131 минг 800 та улгуржи истеъмолчилар ва хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатилиши режалаштирилганлигига қарамасдан, жорий йилнинг ўтган 7 оyi давомида 51659 та газ ўлчагич ўрнатилишини ёки режа 39 фоизга бажарилиши таъминланган.

Д.Абдуллаев ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармасдан, улгуржи истеъмолчилар ва хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатилишини таъминланмаганлиги ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги сабабли унга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш лозим.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН
ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ?
ПРОКУРОР ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкнинг сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талаблари ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизومي ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида

тўланишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 июл ҳолатига корхона ва ташкилотлардан 5 млн. 220 минг 600 сўмлик дебитор ва 97 млн. 507 минг 300 сўмлик кредитор қарздорликка йўл қўйилган. Шундан 596 минг 500 сўмлик дебитор қарзнинг муддати ўтган.

Бундан ташқари, 2002 йил 29 мартда 25-сонли ва 30 мартда 26-сонли тўлов топшириқномалари асосида жамият Жомбой пахта заводига тегишли 3 млн. 500 минг сўмлик акцияларни сотиб олиб, жамият раҳбарлари шу кунга қадар акциялардан келиб тушган дивидентларни жамиятнинг киримига олиш чораларини кўришмаган.

Бунинг натижасида, жамиятнинг ишчи ва хизматчиларига 5 млн. 274 минг 683 сўм иш ҳақи тўланмай келинмоқда.

«Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг директори Зикирова Гулбаҳор Аблоқуловна томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бузилган.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН, ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

«Самарқанд ТТПК» очик турдаги акциядорлик жамиятида молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талаблари ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 сентябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлардан муддати ўтган 10 млн. 535 минг сўмлик дебитор, 26 млн. 178 минг сўмлик кредиторлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бунинг натижасида, ишчи ва хизматчиларни иш ҳақидан ҳам 2 млн. 532 минг сўмлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бундан ташқари, 2001-2002 йилларда жами 577 минг сўмлик бартер операциялари амалга оширилган.

Шунингдек, кўшимча қиймат солиғи бўйича жами 2 млн. 340 минг 700 сўм, ишчи ва хизматчилар даромад солиғи бўйича 31 минг сўм кам ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси»нинг талаблари бузилганлиги аниқланган.

«Самарқанд ТТПК» ОТАЖ бош ҳисобчиси И.Н.Лялюк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда «Солиқ Кодекси» талаблари бузилган.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи С.Юсупов мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, Республика Пахта уруғчилиги бошқармаси томонидан тасдиқланган, Самарқанд вилоят Пахта уруғчилик бирлашмасининг 2002 йил учун харажатлар сметасига зид равишда бирлашмага хизмат автомашинаси олиш учун ажратилган 8 млн. сўмдан 4 млн. 870,5 минг сўмини 2002 йил 4 февраль куни вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан тузилган 2-сонли шартномага асосан 19-сонли тўлов топшириқномаси билан вақтинчалик молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб берган ва бунга асос қилиб, вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғининг шахсий фармойишини кўрсатган.

Ушбу шартнома шартларига кўра шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кириб, ўтказиб берилган 4 млн. 870,5 минг сўмлик вақтинчалик молиявий ёрдам пулининг ҳар ойда 10 фоизи ва якуний сумма 2002 йил декабрь ойида бирлашмага қайтариб

олиниши белгиланган бўлсада, пул маблағлари 2003 йил апрель ойига қадар қайтариб олинмаган ва смета бўйича автомобил сотиб олинмаган, бунинг оқибатида бирлашманинг шу миқдордаги дебитор қарзлари пайдо бўлиб, пулларни ундириш борасида бирор чора кўрилмаган.

Бундан ташқари, бирлашма балансида 2003 йил 1 апрел ҳолатига автотранспорт воситалари мавжуд бўлмаган ва транспорт воситаларини ижарага олиш ҳақида бирор ташкилот ва корхона билан шартнома тузилмаган бўлсада, 2002 йил давомида ёқилғи мойлаш материаллари харид қилиш учун бюджет маблағидан 621 минг сўм, вазирлик ажратмасидан 350 минг сўм, эҳтиёт қисмлари учун 978 минг сўм ва ҳайдовчи иш ҳақи учун 165,8 минг сўм, жами 2 млн. 114,8 минг сўм, 2003 йилнинг биринчи чорагида ёқилғи мойлаш материаллари учун давлат бюджетидан 50 минг сўм ва вазирлик ажратмасидан 150 минг сўм ҳамда эҳтиёт қисмлар учун 465 минг сўм, жами 665 минг сўм, ҳаммаси бўлиб 2002 йил ва 2003 йилнинг ўтган 3 оyi давомида 2 млн. 779,8 минг сўмлик пул маблағлари ноқонуний сарфланган.

Шундай қилиб, вилоят пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи С.Юсупов республика Пахта уруғчилик бошқармаси томонидан автомашина олиш учун мақсадли ажратилган пул маблағларини ноқонуний сарфлагани ва асосиз равишда хизмат автомашинаси харажатларига жами 2 млн. 779,8 минг сўмлик пул маблағларини харажат қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР ҚАРОРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

«Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан 2002 йил декабрь ойида «Умарбанк»дан 70 млн. сўмлик кредит олган бўлсада, ҳозирги кунга қадар ушбу кредит маблағининг кредит фоизи ва маблағни ўзини ҳам қайтариш чоралари кўрилмаган. «Сампласт» савдо уйи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 574-сонли қарорига зид равишда, 2001 йилни 3 млн. 493 минг сўм ва 2002 йилнинг 11

млн. 498 минг сўм иқтисодий зарар билан яқунлаган бўлсада, банкдан жуда кўп миқдорда кредит маблағларини олган.

Бундан ташқари, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган Фармони ва қарорлари талабларига амал қилинмаганлиги, қарзларни ундириш ва тўлаш чоралари кўрилмаганлиги оқибатида 2003 йил 1 сентябрь ҳолатига 10 млн. 222,5 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзлари ҳамда 38 млн. 890 минг сўмлик муддати ўтган кредитор қарзлари вужудга келган.

Шунингдек, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан хизмат вазифалари суиистеъмол қилиниб, 2000-2002 йиллар давомида жами 57 млн. 399 минг сўмлик бартер операциялари амалдаги қонун талабларига зид равишда амалга оширилган.

«Сампласт» савдо уйи моддий товар бойликлари санокдан ўтказилганида, 20 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги «Кувонч» ва «Нозил» кафел плиткалари, гипс, цемент ва бошқа қурилиш материалларидан камомад аниқланди.

УШБУ ҚОНУН БУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ҚАНДАЙ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШИ КЕРАК?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Булунғур туманидаги машина трактор парки АЖ Пайариқ туманидаги "Чураш" ширкат хўжалиги билан тузилган 2001 йил 30 октябрь кундаги 4-А-сонли шартномага асосан 81 млн. 144 минг сўм миқдорида кишлоқ хўжалиги техникалари билан хизмат кўрсатган.

Пайариқ туманидаги «Чураш» ширкат хўжалиги шартнома шартларига зид равишда, МТП томонидан кўрсатилган техника хизмати пулларини ўз вақтида етказиб бермаганлиги оқибатида ҳозирги кунга 81 млн. 144 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларига йўл қўйилган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг

масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги «Тўловлар интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисидаги Фармонлари талаблари бажарилмасдан келинган.

**УШБУ ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ХУЖЖАТ ТАЙЁРЛАШИ ЛОЗИМ?
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.**

Каттакўрғон шаҳридаги 2518-автокорхона «Каттакўрғон дон маҳсулотлари» акциянерлик жамияти билан 2002 йил 10 декабрь куни тузилган автомобил транспортида юк ташиш ҳақидаги 1-сонли шартномага асосан 4 млн. 53,1 минг сўм миқдорда автомобиллар билан хизмат кўрсатган.

«Каттакўрғон дон маҳсулотлари» акциянерлик жамияти шартнома шартларига зид равишда, 2518-автокорхона томонидан кўрсатилган техника хизмати пулларини ўз вақтида етказиб бермаганлиги оқибатида ҳозирги кунга 4 млн. 53,1 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларга йўл қўйилган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги «Тўловлар интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисидаги Фармонлари талаблари бажарилмасдан келинган.

УШБУ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН, ПРОКУРОР ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ХУЖЖАТ ТАЙЁРЛАШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши, иш ҳақи тўланишига доир

кунунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда, қатор кунун бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, вилоят молия бошқармаси мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келишлари, иш ҳақи учун ажратилган пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан тегишли назоратни олиб борилмаганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларига риоя қилинмаган ҳолда вилоят халқ таълими тизимига қарашли муассасалари ходимларининг иш ҳақларидан жами 953 млн. 500 минг сўм миқдорда қарздорлигига йўл қўйилган.

Нуробод туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари томонидан 2002 йилнинг август ва сентябрь ойлари учун мактаб ва мактабгача муассасаларнинг ўқитувчи ва ишчи ходимларига тўланиши лозим бўлган 2 млн. 850 минг сўм пул маблағлари асосиз равишда туман суғурта бўлимига ўтказиб юборилган.

Ўқитувчи ва ишчи хизматчиларига ойлик иш ҳақлари ва нафақа пулларини ўз вақтида тўлаш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда натура шаклида иш ҳақи тўланганлиги ҳолатларига ҳам йўл қўйилиши назорат қилинмаган.

Қайд этилган кунунбузилиши ҳолатлари молия бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида келиб чиққан.

УШБУ ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҲУЖЖАТИ ТАЙЁРЛАШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Вилоят прокуратураси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2003 йил 29 мартдаги 1/2-Г сонли қарори билан тасдиқланган иш режага асосан Самарқанд шаҳридаги «Зарводийсувназорат» инспекциясида мулкнинг сақланиши, тўлов интизоми, «маъмурий

жарималар қўлланиши ва ундирилиши қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказилди.

Ўтказилган текширишда, инспекция ходимлари томонидан сувдан ноқонуний фойдаланган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузишда аниқланган ҳолатни тўлиқ ёритмаслик, ҳуқуқбузарлардан тушунтириш хатлари олинмаганлиги, қўлланилган жарималарни тўлиқ ундириш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

Инспекциянинг 15 нафар сув инспекторлари 2002 йил давомида 353 та маъмурий қарор билан ҳуқуқбузарларга нисбатан 1 млн. 546 минг сўмлик маъмурий жарима қўллаб, шундан 37 минг 350 сўмини ҳозирги кунга қадар ундирилмаганлиги, бу ҳолатларга сув инспекторлари Б.Тошқулов 2250 сўм, О.Муҳаммадиев 9070 сўм, Г.Узоқов 9070 сўм, А.Холиқов 9070 сўм ва Н.Халиловлар 7890 сўмлик жарималар ундирилишини таъминламаганликлари сабаб бўлган.

2003 йилнинг 15 май кунига қадар 10 нафар инспектор томонидан 27 та маъмурий қарорлар орқали ҳуқуқбузарлар 166 минг 717 сўм жаримага тортилган бўлиб, шундан атига 54 минг 460 сўми ундирилган қолган 112 минг 257 сўмлиги ҳозирги кунга қадар ундирилмасдан қолган. Сув инспекторлари Ф.Бобоназаров ва Н.Халиловлар қўллаган жарималардан 18140 сўмдан жами 36 минг 280 сўм, О.Муҳаммадиев 19954 сўм ва Л.Бойқобилов томонидан эса 32 минг 640 сўмлик жарималар ундирилиши таъминланмаган.

2003 йилнинг ўтган даврида сув инспекторларига қайд этиш китоби бўйича 350 та маъмурий қарор ва баённома бланкалари тарқатилган бўлсада, инспекторлардан Ж.Хидиров, Х.Таджиев, А.Мингбоев, Ф.Бобоназаров ва А.Соатовлар ушбу бланкаларни олганликлари ҳақида имзо чекишмаган.

Бундан ташқари, инспекция бошлиғи томонидан ҳар бир сув инспектори томонидан аниқланган қонун бузилишлари юзасидан фуқаро ва мансабдор шахсларга қўлланилган маъмурий кодекснинг моддаси ҳамда жарима миқдорлари тўғрилиги юзасидан хулоса ёзиб борилмаганлиги оқибатида, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган миқдордан ортиқ жарима қўлланишга олиб келган.

Хусусан, Тайлок тумани сув хўжалиги бошқармаси «Боғизоғон» канали иншоот назоратчиси Холиқов Санакул, сув инспектори О.Соатов томонидан 2003 йил 24 февраль куни 102-сонли қарор билан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, 9075 сўмга жаримага тортилган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисмига кўра, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваригача миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлиб, бу эса 9070 сўмни ташкил қилсада, сув инспектори О.Соатов томонидан ҳуқуқбузар С.Холиқовга нисбатан асоссиз равишда жарима миқдори кўпайтириб кўрсатилган.

Худди шунингдек, Тайлок тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизоғон» канали иншоот назоратчиси Холиқов Жаббор, сув инспектори О.Соатов томонидан 2003 йил 24 февраль куни 103-сонли қарор билан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, асоссиз равишда 9075 сўмга жаримага тортилган.

Текширишда, инспекция мансабдор шахслари томонидан моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан назорат сусайтириб юборилганлиги оқибатида товар моддий бойликларидан ошиқча ёки камомад чиқиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, ёқилги мойлаш маҳсулотлари омбори мудирини А.Сайиткулов 1018 сўм камомадга йўл қўйган бўлса, моддий жавобгар шахс Н.Хайруллаева ҳисобидан 4750 сўмлик ортиқча товар қолдиғи аниқланган.

Зикр этилган қонун бузилиши ҳолатлари «Зарводийсувназорат» инспекциясининг раҳбарияти ва масъул ходимларининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасликлари натижасида келиб чиққан.

УШБУ ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ЎЗ ВАКОЛАТИ
ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҲУЖЖАТИ ТАЙЁРЛАШИ
ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАҒ.

Вилоят прокуратураси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2003 йил 1 июлдаги №2/2-Г сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бўйича 2003 йил 2-чорагида ўтказиладиган текширишлар режаси жадвалига асосан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти, мулкнинг сақланишига, шартнома ва тўлов интизомига риоя қилинишига қаратилган ва бошқа қонун талаблари ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида, жамиятда ишловчи моддий жавобгар шахслар томонидан ўз фаолиятлари давомида оз миқдорда талон-тороғликка йўл қўйганликлари аниқланган.

Жумладан, Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг омбор мудирининг лавозимида ишлаб келган Давронов Рустам Зияевич моддий жавобгарлигида бўлган мулклардан 5017 сўм, пахта цехи бошлиғи лавозимида ишлаб келган Эргашев Аслам моддий жавобгарлигида бўлган мулклардан 5900 сўм камомадга йўл қўйганликлари аниқланган.

Шунингдек, жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкнинг сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талаблари ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоб

тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармонлари талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўт вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 июль ҳолатига корхона ва ташкилотлардан 5 млн. 220 минг 600 сўмлик дебитор ва 97 млн. 507 минг 300 сўмлик кредитор қарздорликка йўл қўйилган. Шундан 596 минг 500 сўмлик дебитор қарзнинг муддати ўтган.

Бундан ташқари, 2002 йил 29 мартда 25-сонли ва 30 мартда 26-сонли тўлов топшириқномалари асосида жамият Жомбой пахта заводига тегишли 3 млн. 500 минг сўмлик акцияни сотиб олиб, жамият раҳбарлари шу кунга қадар акциялардан келиб тушган дивидентларни жамиятнинг қиримига олиш чораларини қўришмаган.

Бунинг натижасида, жамиятнинг ишчи ва хизматчиларига 5 млн. 274 минг 683 сўм иш ҳақи тўланмай келинмоқда.

«Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг директори Зикирова Гулбаҳор Абдуқуловна ва Аҳадова Аркона томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бузилган.

Бундан ташқари, ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Исмоилова Саида Абдурахмановнанинг иш фаолияти текширишдан ўтказилганида, айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» талаблари бузилганлиги, яъни ишга қабул қилинган ёки ишдан бўшатилган, меҳнат таътили берилган айрим ходимлар буйруқ билан таништирилмаганликлари, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат ва моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилмаганлиги, ишга қабул қилиш пайтида ходимнинг паспорти ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат, турар жойдан маълумотнома, меҳнат дафтарчасини, ҳарбий билетини, махсус маълумотга ёки тайёргарликка эга бўлганлигини тасдиқловчи олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёки гувоҳномасини талаб қилиб олинмаганлиги ва шу ҳужжатларнинг нусхаси ҳар

бир ходимнинг шахсий йиғма жилдларига қўшилмаганлиги аниқланди.

«Ғалаба» номли масъулияти чекланган жамиятнинг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Исмаилова Саида Абдурахмановна ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»нинг 80, 82-модда талабларини бузган.

Булардан ташқари, «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг хазиначи лавозимида ишлаб келган Давронова Ҳабиба касса қоидалари интизомини бузиб, 2003 йилнинг май, июнь ойларида маҳсулот сотишдан тушган жами 464 минг 500 сўм нақд пул маблағини банкка топширмасдан, хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатганлиги аниқланган. Х.Давронова ўзининг ушбу ҳаракатлари билан касса интизомини бузган.

Юқорида кўрсатилган қонун бузилиши ҳолатлари келиб чиқишига «Ғалаба» масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари жамиятнинг моддий жавобгар шахслари иш фаолияти устидан тегишли назорат ўрнатмаганликлари ва қонун талабларини мукамал билмасликлари сабаб бўлган.

Қайд этилган қонун бузилишлари бўйича уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмаса, давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказилиши мумкин.

УШБУ ҲОЛАТ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР ЎЗ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҲУЖЖАТИ ТАЙЁРЛАШИ ЛОЗИМ?

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТИНИ ТАЙЁРЛАНГ.

Илова:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари
р ў й х а т и

№	Сана си	Буйруқ номланиши	Изоҳ
1	12.03.2004	ЎзР прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўш к
2	15.03.2004	Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида	
3	12.04.2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
4	12.04.2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ички ишлар вазирлиги органлари қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўш к
5	12.04.2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
6	12.04.2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашни ташкилий услубий таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	47-сонли буйруқ билан кучини йўқотган

7	12.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
8	12.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
9	12.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Қонунчилик тарғиботи бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
10	12.04. 04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
11	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
12	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	70-сонли Б б/н ўзг. К
13	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Хўжалик судларида ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
14	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	

15	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	47-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
16	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Фуқаролар муносабатлари ва хатлар бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
17	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Молия-иқтисодиёт бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
18	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
19	23.04. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Хўжалик ишлари бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
20	11.05. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Халқаро ҳуқуқий бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
21	11.05. 2004	«Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. К
22	11.05. 2004	«Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. К
23	11.05. 2004	«Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	

24	11.05. 2004	«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамокка олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»	70-сонли Б б/н ўзг. к
25	22.06. 2004	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида	70-сонли Б б/н ўзг. к
26	22.06. 2004	Халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида	69-сонли Б б/н ўзг. К
27	22.06. 2004	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида	69-сонли Б б/н ўзг.К
28	22.06. 2004	Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида	59-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
29	24.06. 2004	«Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалар тўғрисида»	
30	09.12. 2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Кадрлар бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К
31	09.12. 2004	Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида	69,71,72- сонли Б б/н ўзг.

32	09.12.2004	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
33	09.12.2004	«Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»	
34	09.12.2004	«ЎзР Куролли кучлари, МХХ ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ҳақида»	69-сонли Б б/н ўз. К
35	09.12.2004	«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. к
36	09.12.2004	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
37	10.12.2004	«Фуқаролар мурожаатлари ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида»	
39	23.12.2004	Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти тизимида банк ва молия тизимларида маблағлар шаклланишининг ноқонуний манбаларини аниқлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисида	
40	17.02.2005	«Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»	69,72-сонли Б б/н ўзг. к

41	17.02. 2005	ЎзР прокуратураси органлари ишини ташкил этиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. К
42	17.02. 2005	Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. К
43	17.02. 2005	Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида	71-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
44	17.02. 2005	Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари фаолиятида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида	60-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
45	07.04. 2005	Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар ўртасида ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини кучайтариш тўғрисида	
46	27.06. 2005	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ахборот-таҳлил бўлими»ни ташкил этиш, Низомини тасдиқлаш ҳамда штатлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
47	10.10. 2005	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашни ташкилий услубий таъминлаш бўлимини тугатиш ҳамда прокуратура органларини терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
48	20.12. 2005	ЎзР Бош прокуратураси биноларига кириш ва чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К

49	14.01. 2006	Хужжатларни муҳимлилик қийматини экспертиза қилишни ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида	
50	21.01. 06	Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида	
51	23.01. 2006	Прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида	
52	25.01. 2006	Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида	
53	10.02. 2006	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
54	27.02. 2006	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти ташкил этиш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К
55	01.03. 2006	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти Низомини тасдиқлаш ҳақида	67-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
56	27.03. 2006	Хизмат бурчини бажаришда намуна кўрсатган прокурорларни қўллаб-қувватлашнинг тартибини белгилаш ҳақида	
733	29.06. 2004	Прокурорлик фаолияти тўғрисидаги «П» шаклдаги ҳисоботнинг янги шаклини жорий этиш тўғрисида	73-сонли Б б/н ўзг. К

57	22.05.2006	ЎзР Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиной дарамадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларининг таркибий тузилмаси ҳақида	
58	22.05.2006	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
59	22.05.2006	Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш тўғрисида	
60	22.05.2006	Бош прокуратура хузурида солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиной дарамадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органи фаолиятида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида	
61	26.06.2006	Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонунбузишлари тўғрисидаги маълумотни Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖЛДҚҚДга тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
62	20.07.2006	«Молия иқтисодий хавфсизлик» махсус курсини ташкил этиш ҳақида буйруқ (қўшма буйруқ ЎзР ДСҚ билан бирга)	

63	08.08. 2006	Тергов, суриштирув ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	
64	27.09. 2006	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚД тармоқлари фаолиятини тартибга солувчи Низомларни тасдиқлаш ҳақида	
65	27.11. 2006	Ўз.Р. прокуратура органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	72,73-сон Б б/н ўз. К
66	27.11. 2006	ЎзР прокуратураси органларида сақлаш муддатлари белгиланган ҳужжатларнинг рўяхати ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномани ҳамда ЎзР Бош прокуратурасининг архиви тўғрисидаги, ЎзР Бош прокуратурасининг доимий фаолият кўрсатувчи марказий эксперт комиссияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. к
67	08.01. 2007	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Хуқук» газетаси таҳририятининг Низомини тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. к
68	05.09. 2007	Бош прокуратура ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари ишини ташкил этиш Регламентини тасдиқлаш тўғрисида.	72-сонли Б б/н ўзг. к

69	20.11.2007	Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари химоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида	
70	20.11.2007	Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	
71	26.11.2007	ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
72	04.12.2007	ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилиши муносабати билан Бош прокурорнинг айрим соҳавий буйруқ ва низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	
73	05.01.2008	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
74	22.05.2008	ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларининг «Илмий кенгаши тўғрисида»ги Низомини тасдиқлаш ҳақида	
75	19.08.2008	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	
76	28.08.2008	Ўзбекистон республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларида солиқ ва валютага оид жиноятларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини фаолиятга жорий этиш тўғрисида	

77	15.09. 2008	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва синов имтиҳонларини олиш ҳақида	
78	02.10. 2008	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий сайтини яратиш ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш тўғрисида	

Жиноят иштини кўзғатиш ҳақида

Қ А Р О Р

2009 йил «___» феврал

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Эшонқулов С.Ш., фуқаро Клюев В.В. чет элга чиқиш рухсатномаси расмийлаштирмасдан Литва Республикасига чиқиш ҳолати юзасидан тўпланган 15/107-09-сонли материал ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Лисунова даҳаси 17-уй 10-хонадонда доимий рўйхатда бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси 25.06.1958 йилда туғилган Клюев Виктор Васильевич Литва Республикасига доимий яшашга кетиш учун 29.07.1997 йилда Ҳамза туман ИИБ ХЧКваФР бўлимига тақдим этган ҳужжатларига кура, унинг 18.06.1996 йилда Ҳамза туман ИИБ томонидан ҳужжатлаштирилган СА 0504634 рақамли паспортига рўйхатдан чиқарилганлик ҳақидаги муҳр қўйилиб, Литва Республикасига доимий яшашга кетиш учун берилган рўйхатдан чиқиш варақасига асосан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган.

Шундан сўнг, фуқаро В.В.Клюев Тошкент шаҳрига қайтиб келиб, Ҳамза туман ИИБ ХЧКваФР бўлими томонидан Ҳамза тумани Лисунова даҳаси 17-уй 10-хонадонга 21.01.2003 йилдан 21.04.2003 йилга қадар вақтинча рўйхатга қўйилган ва 45 ёшга тулиши муносабати билан янги СА 1838990 рақамли фуқаролик паспорти билан ҳужжатларштирилиб, вақтинча рўйхати янги паспортига расмийлаштириб берилган.

Ўтказилган текширув давомида, фуқаро В.В.Клюев 2003 йилда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган вақтида СА 0504634 рақамли паспортида доимий яшашга чиқиш рухсатномаси ва консуллик ҳисобга олинганлиги ҳақидаги белгилар бўлмаган, лекин паспортини виза варақларида уни Литва Республикасида бўлганлигини тасдиқловчи чегара хизматининг белгилари мавжудлиги аниқланган.

Бундан ташқари, фуқаро В.В.Клюев 11.12.2006 йилда Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиб, Ҳамза тумани Лисунова даҳаси 17-уй 10-хонадонга 13.12.2006 йилдан 13.02.2007 йилга қадар

вақтинча рўйхатдан ўтган ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш вақтида унинг СА 1838990 рақамли паспортида доимий яшашга чиқиш рухсатномаси ва консуллик ҳисобга олинганлиги ҳақидаги белгилар бўлмаган, лекин паспортини виза варақларида уни яна Литва Республикасида бўлганлигини тасдиқловчи чегара хизматининг белгилари мавжудлиги аниқланиб, Ҳамза туман ИИБ ХЧКваФДР бўлимига ёзган аризасида Литва Республикаси Радвилишки шаҳри Рукайчи қишлоғидан келганлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда фуқаро Ключев В.В.нинг чет элга чиқиш рухсатномаси расмийлаштирилмасдан бир неча мартаба Литва Республикасига бориб келиши ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, ушбу ҳолат бўйича жиноят ишини кўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш лозим.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 34, 315, 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур ҳолат бўйича фуқаро Ключев Виктор Васильевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилсин.

2. Жиноят иши дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун туман ИИБ Тергов бўлимига юборилсин.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Эшонқулов

С.Ш.

**Жиноят ишени кўзгатиш ва терговга тегишлилиги бўйича
юбориш ҳақида
Қ А Р О Р**

2009 йил «___» март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Саматов Х.Х., фуқаро Зоҳидова Н.А.ни аризаси бўйича тўпланган 215-сонли ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Тошкент шаҳар прокурори номига 23.02.2009 йил куни Тошкент шаҳар Яққасарой туман Окилова кўчаси 1 «а»-уй 41-хонадонда яшовчи 27.06.1973 йилда тугилган Зоҳидова Наила Анваровна ариза билан муружаат этиб, ўз аризасида 2009 йил 06 январ куни тахминан соат 05-00 ларда Ҳамза туманида жойлашган «Смак» кафесини олдида ўзбек миллатига мансуб «Икром» исмли шахс маст ҳолатда уни уриб, сўмкаси ва тилла брослетини олиб кочиб кетганлигини, шундан сўнг у тиббий муолажала олиш учун 16-шаҳар касалхонасига тан жароҳати билан муружаат қилганлигини кўрсатган.

Суд-тиббий экспертизасининг 09.03.2009 йилги 344-Х-сонли хулосасига кура, фуқаро Зоҳидова Н.А.да қуйидаги тан жароҳатлари топилган: чап чакка-тепа соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейишлари, чап кўз параорбитал соҳаси ва ўнг қўл букилувчи юзаси қонта-лашлари, бу тан жароҳатлари қатгик тумтоқ жисм таъсиридан, қарорда ва текширилувчи кўрсатган вақт ва шароитларда вужудга келган бўлиши мумкин, оғирлик даражаси бўйича ушбу тан жароҳатлари ЕНГИЛ тан жароҳати деб баҳоланган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан терговолди текширув ҳаракатлари олиб борилиши давомида, фуқаро Н.А.Зоҳидовага нисбатан куч ишлатиб уриб, сўмкаси ва тилла брослетини олиб кочиб кетган шахс Маматов Икром Абдиевич эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, Маматов Икром Абдиевичнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган талончилик, яъни ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан куркитиш жиноятининг аломатлари мавжудлиги аниқланганлиги сабабли, ушбу

ҳолат бўйича жиноят ишини қўзғатиш ва мазкур тоифадан жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик ички ишлар органлари терговчиларига юклатилганлигини инобатга олиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун туман ИИБ Тергов бўлимига юбориш лозим.

Юқоридагиларга кура ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 15, 34, 321, 322, 324, 330, 331, 336, 345, 382-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур ҳолат бўйича 05.03.1986 йилда тугилган Маматов Икром Абдиевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилсин.

2. Жиноят иши терговга тегишлилик бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун туман ИИБ Тергов бўлимига юборилсин.

Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси

Саматов Х.Х.

**Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида
Қ А Р О Р**

2009 йил «___» март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Рустамов С.К., фуқаро А.А.Петровни аризаси бўйича тўпланган 172-сонли хужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

14.02.2009 йил куни Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Соловьева кўчаси, 62-уй, 3-хонадонида яшовчи 1975 йилда тугилган фуқаро А.А.Петров туман прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, уз аризасида 2009 йил 13 феврал куни соат тахминан 13.00.ларда Ҳамза туман ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, уни туман ИИБ даги биринчи қаватидаги хонага олиб келишганлигини, унга нотаниш бўлган милиция ходимлари у содир этмаган жиноятни содир этганликда айблашиб, «Калашников» автоматига ўхшаш ёғочдан ишлатилган тахта билан бошига, кўкрак қафасига ва оёқларига бир неча бор уриб тан-жароҳати етказишганлигини, олинган тан-жароҳатларига бардош бермасдан, жиноят содир этганлиги ҳақида тушунтириш ёзиб берганлигини маълум қилган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 24.02.2009 йилги 248-Х-сонли хулосасига кўра, фуқаро А.А.Петровда қуйидаги тан жароҳатлари топилган: кўкрак қафаси чап томонлама ва чап болдир соҳалари қонталашлари, бош тепа-энса соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши, бу тан жароҳатлари қаттиқ тумтоқ жисм таъсиридан, қарорда ва текширилувчи кўрсатган вақт ва шароитларда вужудга келган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражаси бўйича ушбу тан жароҳатлари ЕНГИЛ тан жароҳати деб баҳоланган.

Шундай қилиб, ушбу ҳолатда Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ ходимларининг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятини аломатлари мавжудлигини инobatга олиб, жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш лозим.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 34, 315, 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур ҳолат бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилсин.

2. Жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик туман прокуратураси терговчиси Солиев К.М га юклатилсин.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Рустамов С.К.

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

«___» август 2006 йил.

Қ А Р О Р

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

« » август 2006 йил Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси 2-даражали юрист Хасанов Ш. Қ., 467-сонли фуқаро Н. Д. Исаков ва бошқаларнинг аризаси юзасидан тумандаги «Ойбек коммуналчи фэйз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратураси томонидан 467-сонли фуқаро Н. Д. Исаков ва бошқаларнинг аризаси юзасидан тумандаги «Ойбек коммуналчи фэйз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида мулкни сақланишига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, ширкат ижрочи директори, моддий жавобгар шахс Салаев И.Ш.нинг жавобгарлигидаги товар моддий бойликлари 09.08.2006 йил куни ҳолатига санокдан ўтказилиб, бухгалтерия ҳисоботи билан таққосланганида жами 30.678,0 сўмлик камомад ва 51.500,0 сўмлик ортиқча мавжудлиги аниқланган.

Ширкат ижрочи директори, моддий жавобгар шахс Салаев И.Ш. ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ширкатга зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб

топширилган кимматликларнинг сакланишини таъминламаганлиги учун тўлик моддий жавобгар бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддасига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- «Ойбек коммуналчи файз» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори, моддий жавобгар шахс Тошкент шаҳар Ҳамза тумани У. Исмоилов кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Салаев И.Ш.га нисбатан моддий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилсин.

- Моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқишлик учун «Ойбек коммуналчи файз» хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига юборилсин.

- Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги қарор келиб тушгандан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва уни кўриб чиқиш натижалар ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурорининг
катта ёрдамчиси**

Хасанов Ш. Қ.

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

«___» май 2005 йил.

Қ А Р О Р

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

« » май 2005 йил.

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 1-даражали юрист Эшқулов Қ. С., «KРАНEX» Шўба хўжалик жамиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Туман прокуратураси томонидан «KРАНEX» Шўба хўжалик жамиятида Ўзбекистон Республикасининг мулкни сақланишига қаратилган қонунчилиги ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, жамият омбор мудирини, моддий жавобгар шахс Камалов Хасан Бакиевичнинг жавобгарлигидаги товар моддий бойликлари 26.05.2005 йил куни ҳолатига санокдан ўтказилиб, бухгалтерия ҳисоботи билан таққосланганида жами 11.053,0 сўмлик камомад мавжудлиги аниқланган.

Жамият омбор мудирини, моддий жавобгар шахс Камалов Хасан Бакиевич ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жамиятга зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддасига асосланиб, -

ҚАРОР ҚИЛДИМ :

- «KRANEX» Шўъба хўжалик жамияти омбор мудир, моддий жавобгар шахс Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 1-пр. Машраб кўчаси 81-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Камалов Хасан Бакиевичга нисбатан моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилин.

- Моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқишлик учун «KRANEX» Шўъба хўжалик жамияти раҳбарига юборилсин.

- Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги қарор келиб тушгандан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва уни кўриб чиқиш натижалар ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

Эшқулов Қ.С.

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

«___» май 2005 йил.

Қ А Р О Р

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

« » май 2005 йил. Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 1-даражали юрист Шохмаматов Ш.Ш., “ТАИЧБ” ДАЖ нинг И. Эргашев номли тиббий-санитария қисмида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратурасининг 2005 йил 1-ярмига мўлжалланган иш режасига асосан туман ҳудудидаги “ТАИЧБ” ДАЖ нинг И. Эргашев номли тиббий-санитария қисми Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида” ги Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, шифохона омбор мудири, моддий жавобгар шахс Сидоров Сидор Сидоровичнинг жавобгарлигидаги озиқ-овқат маҳсулотлари 07.05.2005 йил куни ҳолатига санокдан ўтказилиб, бухгалтерия ҳисоботи билан таққосланганида жами 1.070,0 сўмлик камомад мавжудлиги аниқланган.

Шифохона омбор мудири, моддий жавобгар шахс С. С. Сидоров ўзининг хатти-ҳаракатлари билан шифохонага зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»
ги қонуннинг 39-моддасига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- Ҳамза туман “ТАИЧБ” ДАЖ нинг И. Эргашев номли тиббий-санитария қисми омбор мудирини, моддий жавобгар шахс, 26.01.1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар Қалам қори кўчаси 17-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Сидоров Сидор Сидоровичга нисбатан моддий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилсин.

- Моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқиш учун “ТАИЧБ” ДАЖ нинг И.Эргашев номли тиббий-санитария қисми бош шифокорига юборилсин.

- Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги қарор келиб тушгандан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқиши ва уни кўриб чиқиш натижалар ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

Шохмаматов Ш.Ш.

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

« ___ » май 2005 йил.

Қ А Р О Р

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

« » май 2005 йил. Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 1-даражали юрист Бахтиёр С.И., 18-сонли оилавий поликлиникада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратурасининг 2005 йил 1-ярмига мўлжалланган иш режасига асосан туман ҳудудидаги 18-оилавий поликлиникада Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида” ги Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, шифохона бош хамшираси, моддий жавобгар шахс Иванова Валентина Николаевнанинг жавобгарлигидаги товар модий бойликлар 11.05.2005 йил куни ҳолатига санокдан ўтказилиб, бухгалтерия ҳисоботи билан таққосланганида жами 2.298,55 сўмлик камомад мавжудлиги аниқланган.

Шифохона бош хамшираси, моддий жавобгар шахс Иванова Валентина Николаевна ўзининг хатти-ҳаракатлари билан шифохонага зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»
ги қонуннинг 39-моддасига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- Ҳамза туман 18-сонли оилавий поликлинаика бош хамшираси,
моддий жавобгар шахс, 20.10.1966 йилда Тошкент шаҳрида туғилган,
миллати ўзбек, Тошкент шаҳар 1-пр. Нигора кўчаси 2-уйда истиқомат
қилувчи фуқаро Иванова Валентина Николаевнага нисбатан моддий
хуқуқбузарликка доир иш қўзғатилсин.

- Моддий хуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқишлик учун 18-
сонли оилавий полклинаика бош шифокорига юборилсин.

- Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги
қарор келиб тушгандан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб
чиқилиши ва уни кўриб чиқиш натижалар ҳақида уч кунлик муддат
ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси

Бахтиёров С.И.

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

«__» май 2005 йил.

Қ А Р О Р

Моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

« » май 2005 йил.

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 1-даражали юрист Б.И.Исоҳонов, 7-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратурасининг 2005 йил 1-ярмига мўлжалланган иш режасига асосан туман ҳудудидаги 7-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонасида Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида” ги Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган текширишда, шифохона дорихона мудираси, моддий жавобгар шахс Иванова Валентина Николаевнанинг жавобгарлигидаги дори-дармон воситалари 05.05.2005 йил куни ҳолатига саноқдан ўтказилиб, бухгалтерия ҳисоботи билан таққосланганида жами 6.064,23 сўмлик камомад мавжудлиги аниқланган.

Шифохона дорихонаси мудираси, моддий жавобгар шахс Ф. С. Иванова ўзининг хатти-ҳаракатлари билан шифохонага зарар етказган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»
ги қонуннинг 39-моддасига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- Ҳамза туман 7-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси дорихона мудираси, моддий жавобгар шахс 06.08.1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар Фаргона йўли кўчаси 3-пр 142-уйда истиқомат қилувчи Иванова Валентина Николаевнага нисбатан моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатилсин.

- Моддий ҳуқуқбузарликка доир иш кўриб чиқишлик учун 7-сонли болалар юқумли касалликлари шифохонаси бош шифокорига юборилсин.

- Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ҳақидаги қарор келиб тушгандан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва уни кўриб чиқиш натижалар ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

Б. И. Исоҳонов

ҚАРОР

Интизомий жавобгарликка доир иш кўзгатиш тўғрисида

2007 йил «___» июн

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Қулматов А.К., туман ИИБ ТБ иш юритувидаги номаълум шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди билан кўзгатишган жиноят иши ҳужжатлари билан назорат тартибида танишиб чиқиб, куйидагиларни

А Н И К Л А Д И М :

Жиноят иши ҳужжатларига кура, 2007 йил 10 июн куни тахминан соат 00-30 лар атрофида номаълум шахслар Ҳамза тумани Султонали Машхадий кўчасида жойлашган «Алис» кафесининг олдида була туриб, 1962 йилда тугилган фуқаро Норматов Носир Аъзамовични ҳеч қандай сабабсиз уриб дунослаб, унга нисбатан тан жароҳатлари етказишиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Мазкур ҳолат бўйича 24.06.2007 йил куни Ҳамза туман ИИБ ТБ томонидан номаълум шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши кўзгатишган.

Ҳамза туман ИИБ навбатчилик қисмига 10.06.2007 йил куни Тошкент Тиббиёт Академиясига фуқаро Н.А.Норматов тан жароҳати олиб мурожаат қилганлиги юзасидан хабар келиб тушган ва бу хабар туман ИИБ навбатчилик қисмидаги «2-шакл» китобида 1209-сон билан қайд этилган. Мазкур хабар кўра, туман ИИБ ЖК ва УЖКК тезкор вакили Д.Х.Умрзоқов тезкор суриштирув ҳаракатларини олиб бориб, ушбу ҳолат бўйича ҳужжатлар тўплаб, 11.06.2007 йилдаги билдирги билан Ҳамза туман ИИБ бошлиғига тақдим этган.

Тўпланган ҳужжатлар, туман ИИБ бошлиғининг 11.06.2007 йилги муносабат белгисига кўра, қонуний ҳал этишлик учун туман ИИБ Тергов бўлимига топширилган ҳамда Тергов бўлими бошлиғининг шу кунги муносабат белгисига кўра, ушбу ҳолат бўйича тергов-олди суриштирув ҳаракатларини олиб боришлик бўлим терговчиси Б.П.Носировга юклатилган.

Бирок, терговчи Б.П.Носиров ЖПКнинг 22-моддасида «иш бўйича исботланиши лозим Ф.И.Ш. ўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши

керак» деб кўрсатилган талабларни, ҳамда ЖПКнинг 341-моддасида «суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим» деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, бу муддат давомида ҳолат бўйича бирон-бир процессуал ҳаракатларни олиб бормаган ва ушбу ҳолат бўйича қонуний қарор қабул қилмаган. Бу ҳаракатлари билан содир этилган жиноятни яшириб келишга сабаб бўлган.

Шундай қилиб, Ҳамза туман ИИБ ТБ терговчиси Б.П.Носиров ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганлигини, жиноят-процессуал қонунчилик талабларига амал қилмаганлигини ҳамда бу ҳаракатлари билан жиноятни тезда фош этилмаслигига ва жиноят излари йўқолишига сабаб бўлганлигини инobatга олган ҳолда, юкорида баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

ҚАРОР Қ И Л Д И М :

1. Ҳамза туман ИИБ Тергов бўлими терговчиси Носиров Юнусали Алибабаевичга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилсин.

2. Қарор ижро этишлик учун Тошкент шаҳар ИИББ га юборилсин ва натижаси ҳақида қонунда белгиланган муддатда туман прокуратурасига ёзма равишда хабар қилинсин.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

А.К. Қулматов

ҚАРОР

Иттизомий жавобгарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида

2007 йил «___» июн

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори адлия маслаҳатчиси К.М. Эшқобилов, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси 5 дивизион 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори Раимов Баҳодир Собировичга нисбатан тўпланган 873-880 ж 07 сонли материаллар ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

2007 йил 03-сентябр куни Тошкент шаҳар Ҳамза туман Лисунова 4-дахаси, 7-уй, 35-хонадонида яшовчи фуқаро А.Н.Курбонов ҳамда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Ц 5-дахаси, 60-уй, 4-хонадонида яшовчи фуқаро А.К.Ҳайдаровлар Тошкент шаҳар ИИББ раҳбариятига ариза билан мурожаат этишиб, унда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси 5-дивизион 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори Б.С.Раимов тамагарлик йўли билан улар содир этишмаган қоидабузарлик учун пул талаб қилиб, қўпол равишда муомалада бўлиб унга нисбатан чора кўрилишини сўрашган.

Фуқаро А.Н.Курбоновни ва А.К.Ҳайдаровларни аризалари юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ НПБ бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси 5 дивизион 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори Б.С.Раимовга нисбатан хизмат текшируви ўтказилган, аризачи ва ЙПХ инспектори Б.С.Раимовларни кўрсатмаларида тафовут бўлганлиги сабабли тўпланган иш ҳужжатлари бўйича қонуний ҳал этишлик учун туман прокуратурасига юборилган.

Туман прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан тергов-олди суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, фуқаро А.Н.Курбонов ўзининг аризаси юзасидан куйидагиларни яъни у, 2007 йил 3-сентябр куни ўзи бошқарувида бўлган Тико русумли, давлат раками 30 R 2420 бўлган автомашинасида Ҳамза тумани Кадишева бозори қаршисида кейинчалик маълум бўлган ЙПХ инспектори Б.С.Раимов тўхтатиб, светофорнинг тақиқловчи «қизил чироғидан ўтдинг» деб ноҳақ айблаб, 5000 сўм сўраганлиги, шунда айтилган пулни бера олмаслиги ҳақида айтганида, ЙПХ инспектори ҳайдовчилик гувоҳномасини

олиб баённома расмийлаштириб, имзо чекишни сўраганида бон тортганлиги, шундан сўнг ЙПХ инспектори уни Ҳамза туман ИИБга олиб бориб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатаман деб дўк-пўниса қилганидан сўнг баённомага имзо чекишга мажбур бўлганлиги, унга нисбатан тузилган маъмурий баённома бўйича жаримани тўлаб хужжатларини қайтариб олганлиги, ЙПХ инспекторига бирон бир пул бермаганлигин билдирган.

Шунингдек фуқаро А.К.Ҳайдаров ҳам ўзининг аризаси юзасидан куйидагиларни яъни у, жорий йилнинг 6-октябр куни тахминан соат 13.45.ларда ўзига тегишли бўлган автомашинасида. Ҳамза тумани Паркент кўчаси бўйлаб бошқариб кетаётиб, «Паркент» бозорига етмасдан автомобилда ўтирган шерикларини туширмоқчи бўлиб тўхтаганлиги, шунда уни олдига кейинчалик маълум бўлган ЙПХ инспектори Б.С.Раимов келиб, ўзини таништирмасдан, у билан қўпол муомалада бўлиб хужжатларини талаб қилганлиги, инспекторга нима сабабдан хужжатларини талаб қилаётганлиги ҳақида сўраганида унга жавоб бера олмаганлиги ва ўрталарида узоқ тортишувлардан сўнг ЙПХ инспектори уни хавфсизлик камарини тақмаганлиги учун жарима солиши ҳақида айтганлиги, шунда инспектордан уни ёшини инобатга олиб кечириб юбориши ҳақида илтимос қилганлиги, лекин инспектор рози бўлмаганидан сўнг, қаерга жарима тўлаб келишини сўраганида инспектор ходими унинг ўзига 10000 сўм тўлаши ҳақида айтганлиги, шунда жаримани ғазнага тўлайман деб туриб олганида ЙПХ инспектори уни ҳақорат қилганлиги ва ундан пул ололмаслигини кўриб четроқда турган ВАЗ 21011 автомашинасига ўтириб жойидан кетиб қолганлиги, ушбу ЙПХ инспектор Б.Р.Раимовга бирон бир пул бермаганлиги, инспектор шу куни уни ҳақорат қилганлиги учун унга нисбатан чора куриш ҳақида Тошкент шаҳар ИИББга ариза ёзишга мажбур бўлганлигини билдирган.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган терговолди текширув давомида, тўшланган иш хужжатларидан, олинган кўргазмаларда фуқаро А.Н.Қурбонов ва А.К.Ҳайдаровларни аризасида кўрсатиб ўтилган ЙПХ инспектори томонидан пул талаб қилганлиги важдари ўз тасдиғини топмаганлиги аниқланган. Шу билан бир қаторда ЙПХ инспектори Б.С.Раимов ҳайдовчиларга қоидабузарликларни тўғри тушунтириб бера олмаганлиги, ҳайдовчилар билан бўлган мулоқатда юзага келган келишмовчиликни олдини олмаганлиги, фуқаролар томонидан ўз норозиликларни билдириганлиги сабабли мазкур аризани келиб чиқишга сабабчи бўлиб, ўзининг ушбу хатти-ҳаракатлари

билан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 30-декабрдаги 446-сонли ва 2001 йил 16 июлдаги 175 сонли буйруқни 18.2 бандидаги талабларини қўпол равишда бузганлиги, унинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб 2 мартаба ариза келиб тушганлиги ва ўзига тегишли хулоса қилиб олмаганлиги аниқланган.

Кўрсатиб ўтилганларга асосланиб, ЙПХ инспектори Б.С.Раимовга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш, ва фуқаролардан бир неча аризалар келиб тушаётганлиги сабабли, унга нисбатан интизомий жазо қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

ҚАРОР Қ И Л Д И М :

1. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси 5 дивизион 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори Раимов Баҳодир Собировичга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилсин.

2. Қарор ижро этишлик учун Тошкент шаҳар ИИББ га юборилсин ва натижаси ҳақида қонунда белгиланган муддатда туман прокуратурасига ёзма равишда хабар қилинсин.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

К.М. Эшқобилов

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

_____ И.Ш.Фамилия

2007 йил «___» июн

ҚАРОР

Интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида

2007 йил «___» июн

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.С.Сохибназаров, туман ИИБ ТБ иш юритувида бўлган 34/07-1757-сонли жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар билан назорат тартибда танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И К Л А Д И М :

2007 йил 29 апрел куни тахминан соат 23:00 ларда 27.06.1992 йилда туғилган вояга етмаган Владимир Владимирович Коновалов маст ҳолатда бўла туриб, ўзганг мулкани яширин равишда талон-торож мақсадида, 11.11.1991 йилда туғилган вояга етмаган Виталий Сергеевич Моисеев ва 10.04.1987 йилда туғилган Комил Максудович Хусаиновлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Ҳамза тумани Слонима 1-дахаси 9-уйни олдига келиб, ушбу уйнинг 39-хонадонда истиқомат қилувчи 18.01.1942 йилда туғилган Николай Афанасьевич Макарчукни хонадонига балкон орқали кирган вақтларида, хонадон эгаси Н.А.Макарчук уларни кўриб қолиб, вояга етмаган В.В.Коноваловни ушлаб олган вақтида, вояга етмаган В.В.Коновалов ошхона пичоғи билан Н.А.Макарчукни бир неча маротаба уриб тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан яширинган.

Фуқаро Н.А.Макарчук олган тан жароҳатлари натижасида, шу куни РИШТЎИМ га «кўп маротабали корин қисмини кесиб-санчилган жароҳатлари, ошқозон, қалин ва ингичка ичакларини, ошқозон ости бези ва ут пуфагини жароҳатланиши, 2-даражали геморогик карахтлиги» ташхиси билан ётқизилган, бироқ у ҳушига келмасдан, олган тан жароҳатларнинг оғирлиги натижасида 2007 йил 01 май куни вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ҳамза туман прокуратураси томонидан 2007 йил 30 апрел куни вояга етмаган Р.В.Коноваловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми билан 34/07-1757–сонли жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун Ҳамза туман ИИБ Тергов бўлимига юборилган.

2007 йил 30 апрел куни ушбу жиноят иши туман ИИБ ТБ терговчиси А.А.Бабаев томонидан иш юритувга олинаиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Дастлабки тергов давомида, терговчи А.А.Бабаев жиноят-процессуал қонунчилик талабларига амал қилмасдан, вояга етмаган Р.В.Коноваловга ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в», «ж» бандлари билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этмасдан (айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор ишда мавжуд эмас), уни айбланувчи тариқасида сўроқ қилган. Шунингдек, вояга етмаган Р.В.Коноваловга нисбатан эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олишни қўллаш ҳақидаги қарорда у ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида, вояга етмаган В.С.Моисеев ва К.М.Хусайиновлар биргаликда қўшниси Н.А.Макарчукни хонадонига кирганлиги кўрсатилган бўлса-да, вояга етмаган Р.В.Коноваловга ЖКнинг 25, 169-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан айб эълон қилинмаган.

Жиноят иши бўйича тахминан бир ярим ой (2007 йил 06 май кунидан 14 июн кунига қадар) процессуал ҳаракатлар амалга оширилмаган ва ҳозирги кунга қадар айбланувчи вояга етмаган Р.В.Коноваловга нисбатан стационар тартибда суд-психиатрия экспертизаси тайинланмаган. Энг ачинарлиси, жабрланувчи Н.А.Макарчук 01.05.2007 йилда вафот этган бўлса-да, ҳозирги кунга қадар унинг ўлими юзасидан суд-тиббий экспертизаси тайинлаш ҳақида қарор чиқарилмаган. Бундан ташқари, терговчи томонидан процессуал ҳужжатлар бетартиб ишга тиқилган ва кўплаб техник хатоларга йўл қўйилган.

Шундай қилиб, Ҳамза туман ИИБ ТБ катта терговчиси А.А.Бабаев ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганлигини, жиноят-процессуал қонунчилик талабларига амал қилмаганлигини инobatга олган ҳолда, юқорида баён этилганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

ҚАРОР Қ И Л Д И М :

3. Ҳамза туман ИИБ Тергов бўлими катта терговчиси Бабаен Азизбек Аҳаджановичга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш кўзгатилсин.

4. Қарор ижро этишлик учун Тошкент шаҳар ИИББ га юборилсин ва натижаси ҳақида қонунда белгиланган муддатда туман прокуратурасига ёзма равишда хабар қилинсин.

**Ҳамза туман прокурорининг
катта ёрдамчиси**

М.С.Соҳибназаров

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

И.Ш. Фамилия

2008 йил «__» август

Қ А Р О Р

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

2008 йил «__» август

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 3-даражали юрист Х.С. Рустамов Ҳамза туман хокимияти томонидан тақдим этилган иш ҳақидан қарздорлик тўғрисидаги маълумоти юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида Ҳамза туман хокимияти томонидан тақдим этилган иш ҳақидан қарздорлик тўғрисидаги маълумоти юзасидан ўрганиш давомида «PO'LATQURILISH» маъсулияти чекланган жамиятда ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи юзасидан 2008 йилнинг май ойи учун 8 525 000 сўм муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилганлиги ҳолати аниқланди.

«PO'LATQURILISH» маъсулияти чекланган жамият раиси Фамилия Исми Баходирович ва бош ҳисобчи Нурилинна Татъяна Павловналар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49 – моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддаси, МЖТК нинг 275-моддалрига асосланиб, -

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

- «PO'LATQURILISH» маъсулияти чекланган жамият раиси Фамилия Исми Баҳодирович ва бош ҳисобчи Нурилинна Татьяна Павловналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий хуқуқбузарликка доир иш қўзғатилсин.

- қарор кўриб чиқишлик учун Ҳамза туман Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига юборилсин.

- қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси

Х.С.Рустамов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Хамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

2008 йил «__» июл

Қ А Р О Р

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

2008 йил «__» июл

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Хамза туман прокурори катта ёрдамчиси 3-даражали юрист С.Н. Исматов фуқаро Тухенко Валентина Геннадьевнанинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чикиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Хамза туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида Хамза туманида жойлашган «Ўзбек коғози» ОАЖ ишчилари Тухенко Валентина Геннадьевна ва бошқаларнинг аризаси юзасидан ўрганиш давомида жамиятда ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи юзасидан 2008 йилнинг май ойи учун 59.526.269 сўм ҳамда 2008 йилнинг июнь ойи учун 65.346.756 су муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилганлиги ҳолати аниқланди.

“Ўзбек коғози” ОАЖ бошқарув раиси Жамалов Муроджон Махатович ва бош ҳисобчи Куравлева Наталья Геннадьевналар ўзларининг хатги-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддаси, МЖТК нинг 275-моддалрига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- “Ўзбек қоғози” ОАЖ бошқарув раиси Жамалов Муроджон Махатович ва бош ҳисобчи Куравлева Наталья Геннадьевналари нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилсин.

- қарор кўриб чиқишлик учун Ҳамза туман Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига юборилсин.

- қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

С.Н. Исматов

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

2008 йил «___» август

Қ А Р О Р

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

2008 йил «___» август

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси З-даражали юрист У.Нишонов фуқаро Р.А.Сагдуллаева ва Б.Э.Хожахановларнинг аризалари юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш йўналишида Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатга оид” қонунчилиги ижроси бўйича фуқаро Р.А.Сагдуллаева ва Б.Э.Хожахановларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширув давомида фуқаро Сагдуллаева Рафоат Амановнага “Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси” ОАЖда инспектор бўлиб ишлаган даври учун унга 354.780 сўмлик ҳамда фуқаро Хожаханов Юнусали Эргашхоновичга “Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси” ОАЖда бош муҳандис бўлиб ишлаган даври учун унга 837.972 сўмлик иш ҳақини ўз вақтида берилмаганлиги аниқланди.

“Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси” ОАЖ директори Кучимов Рашид Эшниязович ва бош ҳисобчи Хаитов Эркин Темировичлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддаси, МЖТК нинг 275-моддалрига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- “Тошкент фуқаро ишшоотлари ва сув таъминоти дистанцияси” ОАЖ директори Кучимов Рашид Эшниязович ва бош ҳисобчи Хаитов Эркин Темировичларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий хукукбузарликка доир иш кўзгатилсин.

- қарор кўриб чиқишлик учун Ҳамза туман Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига юборилсин.

- қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

К.Ш.Нишонов

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

И.Ш. Фамилия

2008 йил «___» июл

Қ А Р О Р

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

2008 йил «___» июл Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси 2-даражали юрист С.Б.Ҳалходжаев фуқаро М.С.Леонтьевнинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, куйидагиларни,-

Аниқладим:

Ҳамза туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатга оид” қонунчилиги ижроси бўйича фуқаро М.С.Леонтьевнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширув давомида фуқаро Леонтьев Михаил Сергеевични ишга қабул қилиш вақтида «Электро-Профи-Плюс» хусусий корхонаси директори Корчагин Андрей Николаевич томонидан меҳнат шартномаси тузилмаганлиги ҳолати аниқланди.

Бундан ташқари фуқаро М.С.Леонтьевга “Электро-Профи-Плюс” хусусий корхонасида электрмонтажловчи бўлиб ишлаган даври учун унга ҳисоб – китоб (расчётнўй) пули ўз вақтида берилмаганлиги аниқланди.

«Электро-Профи-Плюс» хусусий корхонаси директори Корчагин Андрей Николаевич ўзининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддаси, МЖТК нинг 275-моддалрига асосланиб, -

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

- «Электро-Профи-Плюс» хусусий корхонаси директори Корчагин Андрей Николаевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий хукукбузарликка доир иш қўзғатилсин.

- қарор кўриб чиқишлик учун Ҳамза туман Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига юборилсин.

- қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши шарт.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

С. Б. Ҳалходжаев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

И.Ш. Фамилия

«__» июн 2008 йил.

Қ А Р О Р

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақида

«__» июн 2008 йил.

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокурорининг катта ёрдамчиси З-даражали юрист С.Б.Ҳамидов, «Ўздавнефтегазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими ходимларидан томонидан «Sarbon - Neftgaz» ОАЖда ўтказилган текширув ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, куйидагиларни,-

Аниқладим:

Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан «Sarbon - Neftgaz» ОАЖда нефт маҳсулотларини қабул қилиниши, сақланиши, тарқатилиши, уларнинг оқилона ишлатилиши масалалари юзасидан ўтказилган текширув давомида жамиятга қарашли ЗИЛ-431610 русўмли 10 АЈ 370 давлат ракамли суюлтирилган углеводород газида ишловчи юк автотранспорти томонидан «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш» агентлиги томонидан 28.07.2003 йилда қайд қилинган ва кучга кирган «Автомобиль ҳаракат воситалари ва йўл қурулиш машиналарида ёнилғи ва мойлаш материалларини сарфлаш меъёрий ҳужжати» қўлланмасининг «Газ балонли автомобиллар учун бензиннинг сарф қилиш меъёрлари» нинг 1,8- бандиги ҳилоф равишда 1 951 955 сўмлик 5182 литр автобензин номувофиқ ишлатиб юборилганлиги ҳолатига, шунингдек 53354 сўмлик 133 литр/98 кг автобензин ва 9252 сўмлик 20 литр/16 кг дизель ёқилгиси белгиланган меъёрлардан ошиқча равишда ҳисобдан чиқарилганлиги аниқланган.

Аниқланишича, «Sarbon - Neftgaz» ОАЖ бошқарув раиси томонидан тасдиқланган хизмат йўриқномасига кўра Авазов Абдурахим Саматовичга автотранспорт воситаларига ЁММ лар тарқатилиши, ҳисоби юригилишига раҳбарлик қилиш, ЁММ ларнинг сақланиши ва сарфланишини назорат қилиш каби вазифалар юклатилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Sarbon - Neftgaz» ОАЖ тасарруф бўлими бошлиги Авазов Абдурахим Саматович ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 172-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги қонуннинг 39-моддаси, МЖТК нинг 275-моддалрига асосланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

- «Sarbon - Neftgaz» ОАЖ тасарруф бўлими бошлиги Авазов Абдурахим Саматовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 172-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилсин.

- Қарор кўриб чиқиш учун туман Давлат солиқ инспекциясига юборилсин.

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақидаги қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида уч кунлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма маълум қилиниши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
катта ёрдамчиси**

С. Б. Хамидов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Ҳамза тумани Давлат
солиқ инспекцияси
бошлиғи**

Д. Л. Файзуллаевга

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-
44-44**

« _____ » март 2008 йил
№ Д-10 sonli

ПРОТЕСТ

*Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосарининг 2 008 йил 25 феврал
кунги қарорини қонун бекор қилиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги юзасидан ўрганиш ўтказилган. Ўтказилган ўрганиш давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “MDS-FARM” шуъба корхонасида ўтказилган текширув натижаларига кўра Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март кунни тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтирилишига олиб келган нотўғри бухгалтерия ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини юритилганлиги учун шуъба корхона бош бухгалтери Болтаева Анна Сергеевнага нисбатан МЖТК нинг 175-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, унга нисбатан МЖТК нинг 21-моддасини қўллаган ҳолда огоҳлантириш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланди.

Лекин, “MDS-FARM” шуъба корхонасида ўтказилган текширув давомида корхона лицензияси тўхтатилган бўлсада, 2004 йил 02 декабрдан 11 декабргача савдо фаолиятини амалга оширган ва

лицензиясиз 1.530.330,0 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, 201.854,0 сўм миқдориди даромад олганлиги аниқланган бўлсала, текширув натижаларига кўра, ушбу ҳолат юзасидан қонуний қарор қабул қилинмаган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

С Ў Р А Й М А Н :

- Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март кунги “MDS-FARM” шуъба корхонаси бош бухгалтери А. С. Болтаевага нисбатан барвақт қабул қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорни бекор қилишнгизни.

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Д. Ғ. Ёқубжонов



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

100047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-
44

**«Коммунал Файз»
хусусий уй-жой
мулкдорларининг
шirkати бошқарув
раисига**

2008 йил «___» sentyabr
830-sonli

ПРОТЕСТ

*«Коммунал Файз» хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати умумий
мажлисининг*

2008 йил 28 март кунги мажлиси қарорини бекор қилиш ҳақида

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Лисунова кўчаси 1 “А”-даха, 13, 55, 59, 62, 64-уйда истикомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар шикоят билан мурожаат қилиб, унда “Коммунал Файз” хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати томонидан шirkат аъзоларининг розилигисиз ноқонуний равишда “коммунал” хизматлари учун тўлов миқдорини 70 % га оширилганлигини, ҳамда «Коммунал Файз» хусусий уй-жой мулкдорлари шirkати умумий мажлисининг 2008 йил 28 март кунги мажлис қароридан кўрсатилган фуқаролар мажлисда умуман иштирок этишмаганлигини, маълум қилишиб, бу юзасидан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда 2008 йил 28 март куни бўлиб ўтган “Коммунал Файз” ХУЖМШ нинг аъзолари умумий мажлиси баённомаси юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 2008 йил 01 апрель кунидан кўп қаватли уйларда “эксплуатация” хизмат-

лар учун тўлов миқдори ҳар 1 м² учун 100 сўмга оширилганини аниқланди.

Ушбу ширкат бошқаруви мажлисининг қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисм 6-хатбошига асосан ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий мажлисининг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 19-моддаси 1-қисм 9-хатбошига асосан ширкат ходимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳам ширкат аъзолари умумий мажлисининг ваколатига киритилган.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси 7-қисмига асосан эса ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки уларнинг вакилларининг эллик фоизидан кўпроги ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларининг бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки уларнинг вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 21-моддасида жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифдалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Коммунал Файз” ХУЖМШ томонидан эса белгиланган тартибда овоз йиғилмасдан ва расмийлаштирилмасдан, кўрилаётган масала юзасида ваколатга эга бўлмаган ширкат аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан “эксплуатация” хизматлари учун тўлов миқдори оширилган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- 2008 йил 28 март кунги « Коммунал Файз » хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий мажлиси қарорини бекор қилишингизни;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Д.Ё. Ғаниев



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**“Мавлюдахон
коммунал” хусусий уй-
жой мулкдорларининг
ширкати бошқарув
раисига**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44
«_____» dekabr 2007 yil
10/891-07 –sonli**

ПРОТЕСТ

«Мавлюдахон коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таркибидаги

15 А, Б, В – уйлар мулкдорларининг 29.07.2007 йилдаги умумий мажлиси қарорининг тегишли бандини бекор қилиши ҳақида

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Ғалабанинг 40 йиллиги 2-дахаси 15А,Б,В-уйларда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар ариза билан мурожаат қилиб, унда “Мавлюдахон коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ширкат аъзоларининг розилигисиз ноқонуний равишда “коммунал” хизматлари учун тўлов миқдорини ҳар 1 м² учун 110 сўм миқдорида белгиланганлигини, бу юзасидан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда 2007 йил 29 июль куни бўлиб ўтган “Мавлюдахон коммунал” ХУЖМШ таркибидаги Ғалабанинг 40 йиллиги 2-дахаси 15 А, Б, В-уйлар жой мулкдорларининг йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 01.08.2007 йил кунидан кўп қаватли уйларда “эксплуатация” хизматлар учун тўлов миқдори ҳар 1 м² учун 110,0 сўм миқдорида белгиланганлиги аниқланди.

Ушбу уй жой мулкдорлари мажлисининг қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисм 6-хатбошига асосан ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий мажлисининг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси 7-қисмига асосан эса ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки уларнинг вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларининг бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки уларнинг вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 21-моддасида жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Мавлюдахон коммунал” ХУЖМШ томонидан эса белгиланган тартибда овоз йиғилмасдан ва расмийлаштирилмасдан, кўрилатган масала юзасидан ваколатга эга бўлмаган ширкат аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан “эксплуатация” хизматлари учун тўлов миқдори оширилган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- 2007 йил 29 июль кунги «Мавлюдахон коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий мажлиси қарорининг 7-бандини бекор қилишингизни;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

А.А. Қосимжонов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Ҳамза тумани Давлат
солиқ инспекцияси
бошлиғи**

Д. Л. Файзуллаевга

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-44**

«___» ___noyabr 2007 yil
№23/984-07 sonli

ПРОТЕСТ

*Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосарининг 2 006 йил 06 март
кунги қарорини қонун бекор қилиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги юзасидан ўрганиш ўтказилган. Ўтказилган ўрганиш давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “MDS-FARM” шубба корхонасида ўтказилган текширув натижаларига кўра Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март кунини тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтирилишига олиб келган нотўғри бухгалтерия ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини юритилганлиги учун шубба корхона бош бухгалтери Болтаева Анна Сергеевнага нисбатан МЖТК нинг 175-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, унга нисбатан МЖТК нинг 21-моддасини қўллаган ҳолда огоҳлантириш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланди.

Лекин, “MDS-FARM” шубба корхонасида ўтказилган текширув давомида корхона лицензисини тўхтатилган бўлсада, 2004 йил 02 декабрдан 11 декабргача савдо фаолиятини амалга оширган ва лицензиясиз 1.530.330,0 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб,

201.854,0 сўм миқдорида даромад олганлиги аниқланган бўлсада, текширув натижаларига кўра, ушбу ҳолат юзасидан қонуний қарор қабул қилинмаган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

С Ў Р А Й М А Н :

- Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март кунги “MDS-FARM” шуъба корхонаси бош бухгалтери А. С. Болтаевага нисбатан барвақт қабул қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорни бекор қилишнгизни.

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

К.К. Қулмаматов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Ҳамза тумани Давлат
солиқ инспекцияси
бошлиғи**

Д. Л. Файзуллаевга

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-44**

«___» noyabr 2007 yil
№23/984-07 sonli

ПРОТЕСТ

*Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосарининг 2 006 йил 06 март
қонун қарорини қонун бекор қилиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилган текшириш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги юзасидан ўрганиш ўтказилган. Ўтказилган ўрганиш давомида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан “MDS-FARM” шуъба корхонасида ўтказилган текширув натижаларига кўра Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март куни тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловларнинг миқдорини камайтирилишига олиб келган нотўғри бухгалтерия ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини юритилганлиги учун шуъба корхона директори Галиева Дилбар Равильевнага нисбатан МЖТК нинг 175-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилиб, унга нисбатан МЖТК нинг 21-моддасини қўллаган ҳолда огоҳлантириш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланди.

Лекин, “MDS-FARM” шуъба корхонасида ўтказилган текширув давомида корхона лицензияси тўхтатилган бўлсада, 2004 йил 02 декабрдан 11 декабргача савдо фаолиятини амалга оширган ва

лицензиясиз 1.530.330,0 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, 201.854,0 сўм миқдорида даромад олганлиги аниқланган бўлсада, текширув натижаларига кўра, ушбу ҳолат юзасидан қонуний қарор қабул қилинмаган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

С Ў Р А Й М А Н :

- Ҳамза туман ДСИ бошлиғи ўринбосари томонидан 2006 йил 06 март кунги “MDS-FARM” шубба корхонаси директори Д. Р. Галиевага нисбатан барвақт қабул қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорни бекор қилишнгизни.

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

А.А. Гафуров



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**“Бобур коммунал
сервис” хусусий уй-жой
мулкдорларининг
ширкати бошқарув
раиси**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-44**
«_____» avgust 2007 yil
10/631 –sonli

Л. Пақга

ПРОТЕСТ

«Бобур коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таркибидагиб-уй мулкдорларининг 28.07.2007 йилдаги ва 3-уй мулкдорларининг 02.07.2007 йилдаги умумий мажлиси қарорининг тегишли бандларини бекор қилиш ҳақида

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Лисунов 1А-дахаси 1-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар ариза билан мурожаат қилиб, унда “Бобур коммунал сервис” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 1-уй аъзоларининг розилигисиз ноқонуний равишда “коммунал” хизматлари учун тўлов миқдорини ҳар 1 м² учун 80 сўм миқдорида белгилаганлигини, бу юзасидан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда 2007 йил 02 июль куни бўлиб ўтган “Бобур коммунал сервис” ХУЖМШ таркибидаги Лисунов 1А-дахаси 3-уй жой мулкдорларининг йиғилишида муҳокама қилинган 2-масала юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 01.07.2007 йил кунидан кўп қаватли уйларда “эксплуатация” хизматлар учун тўлов миқдори ҳар 1 м² учун 80,0 сўм миқдорида белгиланганлиги ҳамда 2007 йил 28 июль куни бўлиб ўтган ширкат таркибидаги Лисунов 1А-дахаси 6-уй жой мулкдорларининг йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 01.08.2007 йил кунидан кўп қаватли уйларда

“эксплуатация” хизматлар учун тўлов миқдори ҳар 1 м² учун 80,0 сўм миқдорида белгиланганлиги аниқланди. Ширкат таркибидаги Лисунов 1А-даҳаси 1-уй жой мулкдорлари орасида эса йиғилиш ўтказилмаган ва улар “эксплуатация” хизматлар учун тўлов миқдори оширилишига рози бўлишмаган.

Ушбу 2 та уй жой мулкдорлари мажлисининг қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисм 6-хатбошига асосан ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий мажлисининг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси 7-қисмига асосан эса ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки уларнинг вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларининг бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки уларнинг вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 21-моддасида жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечтасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодаляётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Бобур коммунал сервис” ХУЖМШ 3 та уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган бўлсада, белгиланган тартибда овоз йиғилмасдан ва расмийлаштирилмасдан, кўриляётган масала юзасидан ваколатга эга бўлмаган фақат 2 та уйдаги жой мулкдорларининг умумий мажлиси қарори билан “эксплуатация” хизматлари учун тўлов миқдори оширилган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- «Бобур коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таркибидаги 6-уй мулкдорларининг 28.07.2017 йилдаги ва 3-уй мулкдорларининг 02.07.2017 йилдаги умумий мажлиси қарорининг тегишли бандларини бекор қилиш ҳақида;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

К.К.Салаев



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲАМЗА ТУМАН
ПРОКУРАТУРАСИ**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-
44**

« _____ » aprel 2007 yil
269-sonli

**«Олтин водий
коммунал»
хусусий уй-жой
мулкдорларининг
ширкати бошқарув
раисига**

ПРОТЕСТ

*«Олтин водий коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг
2006 йил 25 июль кунги умумий мажлиси қарорини бекор қилиш
ҳақида*

Ҳамза туман прокуратураси томонидан тумани ҳудудда жойлашган «Олтин водий коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2006 йилдаги “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 64-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ширкатни 2 та ширкатга ажратиш тўғрисидаги 25.07.2006 йилги умумий мажлис қарори назорат тартибида ўрганилди.

Аниқланишича, 2006 йил 25 июль куни «Олтин водий коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг ишончли вакиллари иштирокида умумий мажлис йиғилиши ўтказилган бўлиб, кун тартибида Слонима 1-дахаси 9, 12, 13, 14, 15, 16, 17 уйларнинг «Олтин водий коммунал» ХУЖМШ дан алоҳида ажралиб

чиқиш масаласи кўрилган. Ушбу мажлисдан олдин, ҳар бир уй бўйича алоҳида-алоҳида йиғилиш ўтказилган бўлиб, унда умумий мажлисда қатнашиш учун ҳар бир уй бўйича вакиллар сайланган. 25.07.2006 йилги ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ушбу ишончли вакилларнинг 75 фоизи иштирок этган бўлиб, мажлис якуни бўйича тузилган баённома қарорида вакиллар фақат ўзлари учун имзо қўйганлар.

Ушбу ширкат умумий мажлисининг қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 17-моддасига асосан, ширкатни қайта ташкил этиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг эллик фоизидан кўп овози билан қабул қилган қарорига биноан амалга оширилади.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 20-моддаси 7-қисмга кўра, биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Ушбу қонуннинг 21-моддасида баён этилишича, жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодаляётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Олтин водий коммунал” ХУЖМШ томонидан қонуннинг ушбу талаблари кўпол равишда бузилган ҳолда 25.07.2006 йилдаги умумий йиғилишда тегишли тартибда расмийлаштирилмаган ва ваколатга эга бўлмаган вакиллар қатнашган бўлиб, қабул қилинган қарорда ширкатнинг барча аъзолари манфаатлари ифода этилмаган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- 2006 йил 25 июль кунги «Олтин водий коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий мажлиси қарорини бекор қилишини ва қонун талаблари даражасига келтиришини;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан қўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришини.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

С.С.Мухамедов



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-
44**

**«Баҳор булоғи» хусусий
уй-жой
мулкдорларининг
ширкати бошқарув
раисига**

«_____» aprel 2007 yil
216-sonli

ПРОТЕСТ

*«Баҳор булоғи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий
мажлисининг 2007 йил 24 феврал кунги мажлиси қарорининг 3-
бандини бекор қилиш ҳақида*

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Тошқишлоқмаш массиви 5-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар ариза билан мурожаат қилиб, унда “Баҳор булоғи” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ширкат аъзоларининг розилигисиз ноқонуний равишда “коммунал” хизматлари учун тўлов миқдорини 30 % га оширилганлигини, бу юзасидан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда 2007 йил 24 феврал кунги бўлиб ўтган “Баҳор булоғи” ХУЖМШ нинг бошқарув органи аъзолари ҳамда айрим ширкат аъзоларидан иборат ширкат аъзолари мажлиси баённомаси юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 2007 йил 01 март кунидан кўп қаватли уйларда “эксплуатация” хизматлар учун тўлов миқдори хар 1 м² учун 1-тоифадаги уйларда 81 сўм 31 тийиндан 107 сўм 35 тийинга ва 2-тоифали уйларда 62 сўм 76 тийиндан 81 сўм 60 тийинга оширилган ҳамда ширкат ишчи ва ходимларининг ойлик иш ҳақлари миқдори ҳам 30 фоизга оширилганлиги аниқланди.

Ушбу ширкат бошқаруви мажлисининг қарори қонун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисм 6-хатбошига асосан ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий мажлисининг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 19-моддаси 1-қисм 9-хатбошига асосан ширкат ходимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳам ширкат аъзолари умумий мажлисининг ваколатига киритилган.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси 7-қисмига асосан эса ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки уларнинг вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларининг бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки уларнинг вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 21-моддасида жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечтасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Баҳор булоғи” ХУЖМШ томонидан эса белгиланган тартибда овоз йиғилмасдан ва расмийлаштирилмасдан, кўрилатган масала юзасидан ваколатга эга бўлмаган ширкат аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан “эксплуатация” хизматлари учун тўлов миқдори ва ширкат ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдори оширилган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- 2007 йил 24 февраль кунги «Баҳор булоғи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий мажлиси қарорининг 3-бандини бсқор қилишингизни;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Г. Ф. Турдибаев

О'ЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
BOSH
PROKURATURASI



ГЕНЕРАЛЬНАЯ
ПРОКУРАТУРА
РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН

TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI

ПРОКУРАТУРА
ХАМЗИНСКОГО
РАЙОНА г.
ТАШКЕНТА

700047 Toshkent sh ,
Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel
369-44-44

700047 г. Тошкент ул
Хамза
1-тупик-8 . Тел 369-44-
44

24 январь 2007 йил
№ 41-сонли

«Темирйўлчи коммунал» хусусий уй-
жой мулкдорларининг ширкати
бошқарув раисига

ПРОТЕСТ

*«Темирйўлчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати
умумий мажлисининг*

2006 йил 08 декабрь кунги мажлиси қарорини бекор қилиш ҳақида

Хамза туман прокуратурасига Хамза тумани Элбек кўчаси 3/1-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар ариза билан мурожаат қилиб, унда «Темирйўлчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ширкат аъзоларининг розилигисиз поқонуний равишда «эксплуатация» хизматлари учун тўлов миқдорини 50 % га оширилганлигини, бу юзасидан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза юзасидан ўтказилган текширишда 2006 йил 08 декабрь куни бўлиб ўтган «Темир йўлчи коммунал» ХУЖМШ нинг уй ва йўлак бошлиқлари ҳамда маҳалла фаолларидан иборат ширкат аъзолари умумий мажлиси баённомаси юзасидан қабул қилинган қарорига асосан 2006 йил 01 декабрь кунидан кўп қаватли уйларда «эксплуатация» хизматлар учун тўлов миқдори 1,5 баробарга ҳамда

ширкат ишчи ва ходимларининг ойлик иш ҳақлари миқдори ҳам 1,5 баробарга оширилганлиги аниқланди.

Ушбу ширкат бошқаруви мажлисининг қарори қопун талабларига зид равишда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрель кунги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонунининг 19-моддаси 1-қисм 6-хатбошига асосан ширкат аъзолари мажбурий бадалларининг миқдорини тасдиқлаш ширкат аъзолари умумий мажлисининг мутлоқ ваколатлари доирасига киритилган.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 19-моддаси 1-қисм 9-хатбошига асосан ширкат ходимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳам ширкат аъзолари умумий мажлисининг ваколатига киритилган.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси 7-қисмига асосан эса ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки уларнинг вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадап ортиқ уйдаги жой мулкдорларининг бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки уларнинг вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Шу билан бирга, мазкур қонуннинг 21-моддасида жой мулкдорларининг оддий ёзма шаклдаги ишончномасига эга бўлган шахс ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкинлиги, шунингдек, агарда шахс жой мулкдорларидан бир нечтасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифодалаётган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беришлиги кўрсатилган.

Лекин, “Темирйўлчи коммунал” ХУЖМШ томонидан эса белгиланган тартибда овоз йиғилмасдан ва расмийлаштирилмасдан, кўрилатган масала юзасидан ваколатга эга бўлмаган ширкат аъзоларининг умумий мажлиси қарори билан “эксплуатация” хизматлари учун тўлов миқдори ва ширкат ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдори оширилган.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб,-

ТАЛАБҚИЛАМАН:

- 2006 йил 08 декабрь кунги «Темирйўлчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати умумий мажлиси қарорини бекор қилишингизни;

- Протестни қонунда белгиланган 10 кунлик муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар беришингизни.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Ш.Ш. Исматуллаев



**О'ЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲАМЗА ТУМАН
ПРОКУРАТУРАСИ**

**100047 Toshkent sh , Hamza
1 - berk kochasi - 8 . Tel 289-44-
44**

**Бош прокуратура
хузуридаги
СВОЖЖДЛҚҚД
Тошкент шаҳар
бошқармаси Ҳамза
тумани бўлими
бошлиғи**

Ш.Б.Музаффаровга

2009 йил «_____» февраль
№ 23Д/09 - сонли

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлимида 2008 йил 12 ойи ҳамда 2009 йилнинг 2 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текшириш жараёнида департаментнинг Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлимига 2008 йил мобайнида жами 10 та фуқароларнинг ариза, шикоят ва мурожаатлари келиб тушган бўлиб, мазкур ариза ва шикоятларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддатлари бузилганлиги каби хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, 12.04.2007 йилда туман прокуратурасидан келиб тушган фуқаро Ю.Мирвалиевнинг “Хўжалик моллари” ОАЖ мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган мурожаат хати “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини

рўйхатга олиш китоби”да рўйхатдан ўтказилмасдан, фақат “Келиб тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби”да 107-сон билан рўйхатга олинган.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг 2007 йлда 3 та (А10,А11 ва А12-сонли), 2008 йилда 5 та (А1,А4,А5,А8 ва А9-сонли) мурожаатлари бошқарма ва туман прокуратураси томонидан назоратга олинган ҳолда юборилган бўлсада, қайд этиш китобида назоратга олинганлиги ҳақида белги қўйилмаган.

Бундан ташқари бўлимга фуқаро Ю.Мирвалиевнинг 3 та ҳамда А.Абитов ва бошқаларнинг 2 тадан келиб тушган мурожаатлари “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш китоби”да рўйхатга олинган бўлсада, такроранлиги (дубликат) ҳақида китобда қайд этилмаган.

Шунингдек, туман бўлими томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бир ойдан ортиқ кўрилиб, қонунда белгиланган муддатларнинг бузилишига йўл қўйилган.

Жумладан, бўлимга туман прокуратурасидан 12.04.2007 йилда фуқаро Ю.Мирвалиевнинг “Хўжалик моллари” ОАЖ мансабдор шахсларнинг ноқонуний хати-ҳаракатлари юзасидан ёзган аризаси текшириш натижаларида фақат 22.05.2007 йилда (1 ой 10 кунда) Ўз.Р. ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми асосида жиноят иши кўзғатиш рад қилинган.

Туман прокуратурасидан 2008 йил 30 январь куни бўлимга келиб тушган “Телеком Таъминот Хизмати” ШК раҳбари Ш.А.Ҳамидовнинг “Технополис” МЧЖ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик суди ҳал қилув қарори ижроси таъминланмаётганлиги тўғрисидаги аризаси юзасидан, Чилонзор туман ДСИга 6 февраль куни 14/1-44-08-сонли хат орқали ушбу корхонанинг фаолиятини қонунийлигини таҳлил асосида амалга оширилган ҳолда текшириб, нагжаси ҳақида маълумот тақдим этиш сўралган. Чилонзор туман ДСИ 2008 йил 21 февраль куни бўлимга “Технополис” МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган таҳлил маълумотини ва корхонанинг ҳисоб рақамидаги пул айланмаси маълумотини (распечатка) юбориб, унда корхона мансабдор шахслар томонидан пул маблағларини нақдлаштириш ва савдо қоидаларини бузаётганлиги кўрсатилган бўлсада, бўлим томонидан бу материал бўйича текшириш кунига қадар қонуний тўхтамга келинмаган.

Бўлим томонидан 2008 йил давомида Департамент органлари ваколат доирасига кирмайдиган ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишга йўл қўйилган.

Жумладан, туман бўлимига бошқармадан 03.01.2008 йилда келиб тушган фуқаро С.Сирожиддиновнинг хусусий тадбиркор А.Абдакимов ва бошқаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ёзган аризаси тегишлилиги бўйича туман ДСИга юборилмасдан, Адлия Вазирлигида 03.09.2007 йилда 1712-сон билан рўйхатга олинган Назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 23.08.2007 йилдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-бандига асосан хусусий тадбиркор “Д.А.Абдакимов” ва “А.А.Абдакимов”ларнинг фаолиятлари юзасидан текширув ҳаракатларини амалга ошириб, натижаси юзасидан маълумот юбориши сўралган ҳолда аризанинг нусхаси туман ДСИга юборилган. Ушбу ариза бўйича текшириш натижасида фақат 25.02.2008 йида яъни 1 ой 22 кундан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзгатилаган.

Худди шундай, бўлимга 2008 йил 10 март, 28 май ва 9 июлдаги хусусий тадбиркор А.И.Лисиннинг Ҳамза туман ТИФ Миллий банкнинг мансабдор шахслари томонидан унинг ҳисоб рақамига чекловлар қўйилганлиги, ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўз вақтида ололмаётганлиги ҳақидаги аризалар ҳам тегишлилиги бўйича банк идораларига юборилмасдан бўлимда кўрилган.

Бундан ташқари бўлимга 19.05.08 йил фуқаро С.Ш.Ҳалилов ва 30.09.08 йилда фуқаро С.А.Валиевларнинг “Паркент” ва “Авиасозлар” бозорларидаги валюта айирбошлаш шахобчаларидан чет эл валюта маблағларини сотиб олишини имконият бўлмаётганлиги юзасидан аризалари ҳам бўлим томонидан кўриб чиқилган.

2008 йилнинг 30 январь куни туман прокуратурасидан “Телеком таъминот хизмат” ШК директори А.Ш.Ҳамидовнинг аризаси бўлимга келиб тушган бўлиб, аризада МЧЖ “Технополис” мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида баён этилган. Ариза ўрганиб чиқилиб, маълумотнома тузилган ва ариза муаллифига 2008 йил 14 февраль куни жавоб хати юборилган.

Бироқ ариза юзасидан тузилган текширув режаси бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланмаган.

Худди шундай ҳолатлар фуқаро А.Лисин, А.Верешагина, С.Ш.Ҳалилов ва Ж.Сатибаевларнинг аризалар бўйича ҳам йўл қўйилган.

Шунингдек, 2008 йил 30 сентябрь куни туман прокуратурасидан Ҳамза тумани, Бунёдкор 1-тор кўчаси 13-уйда яшовчи фуқаро С.А.Валиевнинг туман ҳудудида жойлашган валюта айирбошлаш шаҳобчаларидан АҚШ доллари ололмаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси келиб тушган бўлиб, ушбу ариза бўлим томонидан ўрганиб чиқилиб, маълумотнома тузилган ва ариза муаллифига 2008 йил 9 октябрь куни жавоб хати юборилган.

Бироқ ариза юзасидан тузилган текширув режаси бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланмаган ҳамда режа асосида тузилган маълумотномага имзо қўйилмаган. Туман прокурорига юборилган жавоб хатида, Миллий банкнинг Ҳамза туман филиалига шу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва иш фаолиятини ижобийлаштириш юзасидан тақдимнома киритилиши кўзда тутилмоқда, деб жавоб хати юборилган бўлсада, мазкур йўналишда ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Ҳамза туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари ижроси юзасидан етарли даражада назорат олиб борилмаслиги натижасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига зиён етказилиши мумкин.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлимининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора тадбирлар белгилашингизни;

2. Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлимида Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дархол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Х.Ё.Жалолов



**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Тошкент шаҳар ДТ
Ҳалқ банки Ҳамза
тумани филиали
бошқарувчиси**

Д.Ҳ.Ёрматовга

**100047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44
2009 yil «___» mart
Д-10/48-09 sonli**

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Ҳамза туман прокуратурасида фуқаро Ғ.А.Ҳакимжонов ҳамда фуқаро И.Ш.Жамалов ва бошқаларнинг аризаси мавжуд бўлиб, унда Ҳалқ банки Ҳамза тумани филиали ходимлари ҳаракатларидан норози эканликларини, шунингдек банкнинг №7963/0135-сонли шохобчасидан мунтазам равишда моддий ёрдам пули, нафақалар ва пенсия тўловларини ўз вақтида ололмаётганликларини кўрсатишган. Ҳамза туман прокуратураси томонидан мазкур аризаси юзасидан ўтказилган текширув давомида қуйидагилар аниқланди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ДТ Ҳалқ банки Ҳамза тумани филиалининг №7963/0135-сонли шохобчаси Ҳамза туманидаги “Мухтор Ашрафий”, “Ғулом Усмонов”, “Аҳмад Яссавий” ва “Жўрабек” маҳаллаларига нафақалар ва пенсия тўловлари бўйича хизмат кўрсатади. 2009 йил февраль ойи учун ушбу шохобча томонидан тақдим этилган тўлов варақалари асосида 18 ёшгача болалар нафақа пули жами 2.883.914 сўм, шундан “Мухтор Ашрафий” маҳалласида яшовчи фуқароларга 459.856 сўм, “Ғулом Усмонов” маҳалласида яшовчи фуқароларга 298.626 сўм, “Аҳмад Яссавий” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1.498.738 сўм, “Жўрабек” маҳалласида яшовчи фуқароларга 626.694 сўм миқдорда, бола икки ёшга тулгунга қадар тўланадиган нафақа пули жами 5.495.840 сўм, шундан “Мухтор Ашрафий”

маҳалласида яшовчи фуқароларга 785.120 сўм, “Ғулом Усмонов” маҳалласида яшовчи фуқароларга 785.120 сўм, “Аҳмад Яссавий” маҳалласида яшовчи фуқароларга 2.411.440 сўм, “Жўрабек” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1.514.160 сўм миқдорда, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пули жами 5.440.500 сўм, шундан “Мухтор Ашрафий” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1.309.500 сўм, “Ғулом Усмонов” маҳалласида яшовчи фуқароларга 750.000 сўм, “Аҳмад Яссавий” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1.575.000 сўм, “Жўрабек” маҳалласида яшовчи фуқароларга 1.806.000 сўм миқдорда нафақа тўловларини амалга ошириши лозим бўлган. кун ҳолатига Ҳамза тумани Ижтимоий таъминот бўлими томонидан аҳолини пенсия тўловлари бўйича январ ойи учун 760 млн. сўм молиялаштирилган ва “Тошкент Почтамти” АЖ Сирғали туманлараро тармоғига кўчириб берилган. Лекин, 2009 йил 19 январь кун ҳолатига Миллий банк Ҳамза тумани филиали томонидан эса пенсия ва нафақалар учун талаб этилган 760 млн. сўм ўрнига фақатгина 610 млн. сўм нақд пуллар берилган. Яъни талаб этилганидан 150 млн. сўм кам нақд пул билан таъминланган.

Худди шунингдек, 2009 йил 23 январь ҳолатига Ҳамза тумани Ижтимоий таъминот бўлими томонидан аҳолининг пенсия тўловлари бўйича январ ойи учун жами 940 млн. сўм молиялаштирилган ва “Тошкент Почтамти” АЖ Сирғали туманлараро тармоғига кўчириб берилган. Ўз навбатида Тошкент Почтамти” АЖ Сирғали туманлараро тармоғи томонидан Миллий банк Ҳамза филиалига шунча миқдорида нақд пул учун бюртмалар берилган. Лекин, 2009 йил 23 январь кун ҳолатига Миллий банк Ҳамза тумани филиали томонидан пенсия ва нафақалар учун талаб этилган 940 млн. сўм ўрнига фақатгина 740 млн. сўм нақд пуллар берилган. Яъни талаб этилганидан 200 млн. сўм кам нақд пул билан таъминланган.

Миллий банк Ҳамза тумани филиали томонидан фақатгина 2009 йил 26 январь ойининг 26-санасидагина белгиланган муддатдан кечиктириб “Тошкент Почтамти” АЖ Сирғали туманлараро тармоғини тўлиқ нақд пул билан таъминлаган.

Бу эса ўз навбатида “Тошкент Почтамти” АЖ Сирғали туманлараро тармоғи таркибида хизмат кўрсатувчи почта алоқа бўлимлари, хусусан №94-сонли почта алоқа бўлими томонидан пенсия ва нафақа тўловлари ўз муддатидан кечиктирилиб, амалга оширилишига олиб келмоқда ва натижада кўплаб пенсионерлар томонидан норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 30 августда 165 сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги тизимидаги корхоналарда пенсия ва нафақа тўлаш” йўриқномасининг 1.7 бандига асосан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионерларга нафақалар тўланиши ҳар ойнинг 18 санасига қадар тугалланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли «Банклардаги депозит ҳисоб-варақлардаги нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорнинг 3-бандидаги «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисоб-варақаларидан нақд пуллارни кечиктирмай тўлаш борасида тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиниши тўғрисида»ги оғир жавобгарлик тури кўзда тутилган бўлсада, аммо Миллий банк Ҳамза тумани филиали маъмурияти томонидан нақд пул билан таъминлаш масаласида егарлича назорат ўрнатилмай келинмоқда.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани Миллий банк Ҳамза туман филиалининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашингизни;

2. Келгусида Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклар фаолиятида нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солиш соҳасига оид қонунчилиги ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

С.С. Вафоев



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

Ҳамза туман хокими

Ш. О. Абдуқодировга

700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-
44

2009 yil «___» _mart_
10/ 208-sonli

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани прокурори номига фуқаро Р.К.Зоҳидов ариза билан мурожаат этиб, ўз аризасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида масъулияти чекланган жамият ташкил этмокчи бўлганлиги, шу сабабли, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб 2009 йил 9 февраль куни ушбу ҳужжатларни Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида хизмат қилувчи “Манзура” исмли аёлга топширганлиги, бироқ орадан ўн кундан ортик вақт ўтган бўлсада унинг ҳужжатлари тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаганлигини кўрсатиб, ушбу ҳолатда ёрдам беришликни сўраган.

Мазкур ариза юзасидан ўтказилган текширув жараёнида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам фуқаро Валиханова Манзураҳон Сайбурхановна Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг тугатиш бўлими бош мутахассиси лавозимида хизмат қилади.

Ушбу ҳолат юзасидан сўралган М.С.Валиханова ўз тушунтириш хатида қуйидагиларни, яъни 2009 йилнинг таҳминан 10 февраль куни тадбиркорлик палатасида ишловчи “Ўктам” исмли таниши “Сизга бир одам келиб, маълумотнома ташлаб кетади, шу маълумотномани олиб қолинг” деб илтимос қилганлиги, орадан таҳминан бир, икки кундан сўнг ҳақиқатдан ҳам бир одам келиб, “Ўктамга шу ҳужжатларни бериб қўйинг” деб банк маълумотномасини бериб кетганлиги, шундан кейин ушбу шахс яна икки маротаба келиб Ўктамни сўраганлиги, М.С.Валиханова ушбу шахсга Ўктам исмли шахс Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ишламаслиги, уни бу ердан сўрамаслигини маълум қилган. Шундан кейин ушбу шахсни бошқа кўрмаганлигини маълум қилган.

Шунингдек, ҳолат юзасидан тушунтириш берган фуқаро Фамилиа Ўктамжон Ўлмасович ўз тушунтириш хатида қуйидагиларни, яъни 2008 йилнинг май ойидан октябрь ойига қадар Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатасининг Ҳамза тумани бўлимида еткази мутахассис лавозимида ишлаганлиги, ҳозирги кунда вақтинча ишсизлиги, 2009 йил 9 февраль куни Ҳамза тумани ҳокимиятига иш билан келганлиги, у ерда ўзини Р.Қ.Зоҳидов деб таништирган фуқаро маслаҳат билан мурожаат этиб, фирма очмоқчи эканлигини маълум қилганлиги, Ў.Ў.Сафаров ушбу фуқарога масъулияти чекланган жамияти очиши ҳақида маслаҳат берганлиги, шунда ушбу фуқаро Ў.Сафаровга қариб қолганлиги сабабли, ҳужжатларни тўплашда қийналишини ва ж қилиб, ушбу ҳужжатларни тўплашга ёрдам беришликни илтимос қилганлиги, шу сабабли, унга ҳужжатларини тўплашга ёрдам берганлиги, шундан сўнг фуқаро Р.Зоҳидов унга 100 (юз) АҚШ доллари берганлиги, бу пулдан Ў.Сафаров давлат божини тўлаб, тўпланган ҳужжатларни фуқаро Р.Зоҳидовга бериб, тўпланган ҳужжатларни шахсан ўзи Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига топшириши кераклигини айтганлиги, шундан сўнг, У фуқаро Р.Зоҳидовга жорий йилнинг 23 февраль куни телефон қилиб, ҳужжатларни шахсан ўзи топшириши кераклигини яна бир бор таъкидлаганлиги, бироқ фуқаро Р.Зоҳидов 26 февраль кунига қадар инспекцияга расман мурожаат этмаганлигини ва тўпланган ҳужжатлар Ў.Сафаровда яъни ўзида турганлигини маълум қилган.

Текширув давомида, Ҳамза туман Ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида мавжуд “фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини рўйхатга олиш” китоби кўздан

кечирилганда, фуқаро Р.Зоҳидов 2009 йилнинг 30 январь кунидан 26 февраль кунига қадар инспекцияга ёзма равишда мурожаат этмаганлиги ва рўйхатдан ўтказилмаганлиги маълум бўлди.

Бирок, фуқаро Сафаров Ўктамжон Ўлмасович Ҳамза туман Ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходими бўлмасда, ушбу инспекция тугатиш бўйича бош мутахассис М.С.Валиханова (Ў.Ў.Сафаровга бериб қўйиш учун деб) фуқаро Р.К.Зоҳидовга тегишли бўлган ҳужжатларни ваколат доирасига кирмасда ёки тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш чораларини кўрмасдан ўзига олиб қўйган.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 август кунги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 357-сонли Қарорининг 1-иловасига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18, 19-банди талаблари бузилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳамза туман ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 август кунги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 357-сонли Қарори ҳамда талаблари бузилиши натижасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказиб келинмоқда.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани туман ҳокимиятининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашингизни;

2. Келгусида туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 август кунги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 357-сонли Қарори ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ҳар бир айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини қонунда белгиланган тартибда ҳал этишингизни;

4. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Х.Ё.Жалолов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Ҳамза туман ДСИ
бошлиги в.б.**

И.С.Раимовга

**100047 Toshkent sh , Hamza
1 - berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44**

**2008 йил «___» декабрь
№ 10Д/08 - сонли**

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Ҳамза туман прокуратураси томонидан туман ДСИси «КМТУ» бўлимида Ўзбекистон Республикаси «Нақд пул тушуми ва касса интизоми тўғрисида»ги Қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомиласини янада қисқартириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 280 – сонли қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда қуйидагилар аниқланди;

Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекциясининг, «Қиска муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими ва унинг таркибидаги «Инкассация ишларини ташкил ва назорат қилиш» шуъбасининг Ўзбекистон Республикасининг Нақд пул маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ инкассация бирлашмаси орқали банкка топширилишини назорати ва молиявий жарималарни ўз вақтида ихтиёрий тўламаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарималарни қўллаб бериш учун Хўжалик судларига даъво аризалари берилишининг ахволи тақдим этилган ҳужжатларни танлов асосида ўрганилди.

Ўрганиш натижаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли Қарори асосида инкассацияга жалб этилган ходимларнинг иши ва Инкассация бирлашмаси

томонидан нақд пул маблағларини топширмаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги маълумотномаларни таҳлил қилиш ва ушбу субъектларда мониторинг-хронометраж ишларини ўтказилиши ҳамда НКОФМ Кенгаши рухсатномаси асосида қисқа муддатли текширишларни ташкил этилиши ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Туманда нақд пул тушуми юзасидан назорат ишларининг аҳолини ўрганиш мақсадида, танлов асосида Тошкент шаҳар Инкассация бошқармасининг 19.08.2008 йилдаги 21-10/385-сонли, 13.10.2008 йилдаги 21-10/659-сонли ва 01.10.2008 йилдаги 21-10/871-сонли маълумотномалари ўрганилганда, ушбу маълумотномалар ижро учун ДСИнинг «Инкассация ишларини ташкил қилиш» шуъбаси бошлиғи Х.Каримовга ДСИ бошлиғи муносабат белгиси асосида берилган. Х.Каримов томонидан ушбу маълумотлар ўрганилиб, нақд пул тушумини тўлиқ топширмаётган субъектларда мониторинг-хронометраж ишлари ўтказиш ёки ушбу субъектларда қисқа муддатли текшириш ўтказиш лозимлиги юзасидан туман ДСИ бошлиғига билдиришномалар киритганлиги маълум бўлди. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар юзасидан Тошкент шаҳар инкассация бошқармасига жавоб хатлари юборилган.

Ўрганиш натижасида жорий йилнинг 22 декабр кунига қадар ДСИ ходимлари томонидан 11937 та мониторинг-хронометраж ишлари ўтказилиб, хронометраж ўтказилган кунлари олдинги кунга нисбатан 1227,6 млн. сўм кўп нақд пул тушуми туширилишига эришилган.

ДСИнинг «КМТУ» бўлими томонидан 2008 йил 1 январдан 22 декабрга қадар 257 та қисқа муддатли текширувлар ўтказилган.

Ўтказилган текширувлар натижасида 250 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 163332,7 минг сўм молиявий, 182 та шахсга нисбатан 8349,0 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган ва 7 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилган ҳамда 61 та текширув материаллари туман Жиноят ишлари бўйича судига чора кўриш учун юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармони талабларини ижроси юзасидан ўрганиш ўтказилганда 7 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарима қўллаш юзасидан даъво аризалари киритилган.

Киритилган аризалар бўйича 7 та ҳолатда ҳам даво тўлиқ қаноатлантирилган.

Шунингдек, молиявий жарималарни ўз вақтида ихтиёрий равишда тўламаётган хўжалик субъектларга нисбатан Тошкент шаҳар Хўжалик судига даъво аризасини киритилишининг ахволи ўрганилганда, «КМТУ» бўлимининг айрим ходимлари томонидан ўз вақтида даъво аризалари киритилмаётганлиги аниқланди.

Хусусан, «Алис Крафт» МЧЖда текширув 06.11.2008 йилда ўтказилган ва ушбу текширув юзасидан молиявий жаримани ундириш «ИИТК» шуъбаси ходими Ф.Джумановга юклатилганлиги, шу каби хусусий тадбиркор «Косимбоев.А»да текширув 07.11.2008 йилда ўтказилган бўлиб, молиявий жаримани ундириш «КМТУ» бўлими ходими Ш.Махкамовга юклатилганлиги.

Молиявий жарима қўллаш ҳақидаги «Такдимнома»да, 10 кунлик муддатда ихтиёрий равишда молиявий жаримани тўлаш лозимлиги кўрсатилган бўлсада, ҳозирги кунга қадар боқиманда мавжуд бўлиб, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар юзасидан Хўжалик судига даъво аризаси киритилмасдан қолиб кетганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳамза туман ДСИ «КМТУ» бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси «Нақд пул тушуми ва касса интизоми тўғрисида»ги Қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомиласини янада қисқартириш чора – тадбирлари тўғрисида"ги 280 – сонли қарори ижроси юзасидан етарли даражада назорат олиб борилмаслиги натижасида жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилиши мумкин.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур такдимномани Ҳамза туман ДСИ «КМТУ» бўлимининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора тадбирлар белгилашингизни;

2. Ҳамза туман ДСИда Ўзбекистон Республикаси «Нақд пул тушуми ва касса интизоми тўғрисида»ги Қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомиласини янада қисқартириш

чора – тадбирлари тўғрисида"ги 280 – сонли қарори ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори в.б
адлия катта маслаҳатчиси**

И.В.Мўминов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Ўзбекистон
Республикаси Адлия
Вазирлиги Тошкент
шаҳар Адлия
бошқармаси бошлиғи**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1 - berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44**

2008 йил «_____» сентябр
№ Д-780/08 - сонли

_____га

ТА Қ Д И М Н О М А

***Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал
идорасининг катта давлат нотариуси Ш.Ақбаровнинг хизмат
вазифасига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласини ҳал қилиш
ҳақида***

Ҳамза туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида Тошкент шаҳар, Ҳамза туман, Сукрот кўчаси 4 – уй, 6 – хонадонда яшовчи фуқаро И.А.Мисихасванинг туман прокурори номига ёзган аризаси юзасидан ўтказилган текширув давомида қуйидагилар аниқланди;

Жумладан Тошкент шаҳар, Ҳамза туман, Сукрот кўчаси 4 – уй, 6 – хонадонда яшовчи фуқаро И.А.Мисихаева аризасида қизини нг ўлиmidан сўнг юқоридаги манзилда жойлашган уй унга қонун асосида мерос ҳуқуқи асосида қолганлигини, вужудга келган оғир аҳвол муносабати билан ушбу уй жойни сотиш мақсадида 22 апрел 2003 йилда фуқаро Мирзаахмедова Наргизага уй учун харидор топиш ва олди - сотди шартномасини расмийлаштириш учун нотариал тасдиқланган ишончнома берганлиги, кейинчалик унинг Калининград шаҳрида яшовчи қизи уйни сотмасликни маслаҳат берганлиги муносабати билан у 2 декабр 2003 йилда ушбу ишончномани бекор

қилганлиги ва 1 – Давлат нотариал идораси орқали шу куни юқоридаги манзилда жойлашган уйни сотишга банд қўйилганлигини билдирган.

Шунингдек у фуқаро Н.Мирзаахмедовани бу ҳақда огохлан-тириш учун қидирганлиги, лекин Н.Мирзаахмедова шубҳали ҳаракат-лар қилиб, яшириниб юрганлиги муносабати билан топа олмаган-лигини билдирган.

Шунингдек, фуқаро Н.Мирзаахмедова ишончнома бекор қилинган бўлсада қонунга ҳилоф равишда 2004 йил 17 декабр куни Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси Ш.Акбаров билан тил бириктириб юқорида манзили келтирилган уйни ўз эри номига ҳады шартномаси расмийлаштирганлигини билдирган.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идора-сининг катта давлат нотариуси Ш.Акбаров юқоридаги шартномани расмийлаштирганда бу уйга банд қўйилганли ҳолатини текширишни фуқаро Н.Мирзаахмедовага ихтиёрига бериб қўйганлиги, у томони-дан тақдим қилинган қалбаки ёзувлар киритилган нотариал идора ҳужжатини текшириб кўрмасдан асоссиз равишда инобатга олган-лиги, фуқаро Н.Мирзаахмедова томонидан тақдим этилган ишонч-нома Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 505 – моддаси, 7 - қисми талабларига жавоб бермаганлиги муносабати билан, яъни «Ҳады олувчининг номи кўрсатилмаган ҳадыни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»ли-ги масаласига аниқлик киритмасдан уй жойни ҳады шартномасини расмийлаштирганлиги, агар нотариал идора нотариуси юқоридаги қонун ҳужжатларини билмаса у нотариал идорада ишламаслиги, юқоридаги қонуларни била туриб бу характларни амалга оширган бўлса эса бу унинг жинойатчи эканлигидан далолат бериши, Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси Ш.Акбаров ва фуқаро Н.Мирзаахмедоваларнинг ноқонуний хатти ҳаракатлари оқибатида у уч йилдан бери суд идораларига қатнаб юрганлигини натижасида унга катта миқдорда моддий ва маънавий зиён етганлигини билдирган.

Ўтказилган тергов олди текшируви давомида ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси Ш.Акбаров юқоридаги шартномани расмий-лаштирганда бу уйга банд қўйилганли ҳолатини текширишни фуқаро Н.Мирзаахмедовага ихтиёрига бериб қўйганлиги, у томонидан

тақдим қилинган қалбаки ёзувлар киритилган нотариал идора ҳужжатини текшириб кўрмасдан асоссиз равишда инобатга олганлиги, фуқаро Н.Мирзаахмедова томонидан тақдим этилган ишончнома Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 505 – моддаси, 7 - қисми талабларига жавоб берамаганлиги муносабати билан, яъни «Ҳадиа олувчининг номи кўрсатилмаган ҳадияни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»лиги масаласига аниқлик киритмасдан уй жойни ҳадиа шартномасини расмийлаштирганлиги, Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг қатта давлат нотариуси Ш.Ақбаров ва фуқаро Н.Мирзаахмедоваларнинг ноқонуний хатти ҳаракатлари оқибатида Тошкент шаҳар, Ҳамза туман, Сукрот кўчаси 4 – уй, 6 – хонадонда яшовчи фуқаро И.А.Мисихаева уч йилдан бери суд идораларига қатнаб юрганлигини натижасида унга қатта миқдорда моддий ва маънавий зиён етганлигини ҳолатлари аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг қатта давлат нотариуси Ш.Ақбаров томонидан Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан етарли даражада назорат олиб борилмаслиги натижасида фуқаро И.А.Мисихаева манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказган.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора тадбирлар белгилашингизни;

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Тошкент шаҳар Ҳамза туман биринчи давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси Ш.Ақбаровнинг хизмат вазифасига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласини ҳал қилишингизни;

4. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Д.Д. Хабибуллаев

**О'ЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
BOSH
PROKURATURASI**



**ГЕНЕРАЛЬНАЯ
ПРОКУРАТУРА
РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН**

**TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**ПРОКУРАТУРА
ХАМЗИНСКОГО
РАЙОНА г. ТАШКЕНТА**

**700047 Toshkent sh ,
Hamza
1- berk kochasi -8 . Tel
369-44-44**

**700047 г. Тошкент ул
Хамза
1-тупик-8 . Тел 369-44-44**

2006 йил 29 ноябр
№ Д-10-741/6

**Тошкент шаҳар Хокимияти Меҳнат
ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш бош бошқармаси бошлиғи
Б.С.Камоловга**

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Тошкент шаҳар, Ҳамза туман прокурори номига Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лисунова 1 - квартал, 115 – уй, 60 – хонадонда яшовчи фуқаро Н.Мўминованинг 26.10.2006 йилдаги Тошкент шаҳар Травматология ва ортопедия институти мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризасига асосан тўпланган ҳужжатлар билан тапишиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди.

Аризачи мувожаотида унинг онаси юқорида номи келтирилган институтда ишлашлиғи, нафақахурлиғи, аввал у пенсияни хар ой ўз вақтида олганлиғи, институтга янги бош ҳисобчи келганлигидан сўнг эса пенсия тўловини икки ой муддатга кечиктириб бераётганлигини ва туман прокуратурасидан бу ҳолатнинг қонунийлигига баҳо берилишини сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 6 апрел 2004 йилда № 1333 – рўйхат рақам билан қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Меҳнат Вазирлиги, Марказий банк ва Давлат Солиқ Қўмитасининг

тегишли қарорларига асосан ишлаб чиқилган Низомнинг 8 параграф, 24 – бандида ҳуқуқий шахслар томонидан туман ижтимоий таъминот бўлимига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан нобюджет маблағларини олиш бўйича талабномалар киритиши лозимлиги кўзда тутилган.

Юқоридаги Низомнинг 27–бандида туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан нобюджет маблағларини олиш бўйича талабномаларни ҳуқуқий шахслардан олган кундан бошлаб беш иш кунида ҳуқуқий шахсларнинг иккиламчи ҳисоб рақамларига пул маблағларини кучириб бериши лозимлиги кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар, Травматология ва ортопедия институти томонидан нобюджет маблағларини олиш бўйича талабномаларни ўз вақтида ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилиши юзасида кўриб чиқилганда юқорида келтирилган низомда белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан талабномалар берилганлиги аниқланди.

Лекин юқоридаги Низом талабларига зид равишда Ҳамза туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Низомда белгиланган беш кунлик муддат ичида пул маблағларини ҳуқуқий шахснинг иккиламчи ҳисоб рақамига кучириб бериш тўғрисидаги талаб ўз вақтида бажарилмаганлиги, ҳамда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан жорий ойнинг 5 санасигача туман ижтимоий таъминот бўлимига тегишли нобюджет маблағларни етказиб беришни таъминламаганлиги, аслида жорий йилнинг сентябр ойи учун нобюджет маблағларини октябр ойнинг 10 санасидан 31 санасигача етказиб берилганлиги ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Ҳамза туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Низомда белгиланган муддатларга амал қилмасдан Тошкент шаҳар, Травматология ва ортопедия институти томонидан нобюджет маблағларини олиш бўйича талабнома 2006 йил сентябр ойи учун 06.10.2006 йилда берилган бўлсада, бу ҳуқуқий шахснинг иккиламчи ҳисоб рақамига нобюджет пул маблағларини 8 ноябр 2006 йилда кўчириб берилганлиги, яъни талабнома топширилган кундан бошлаб 33 кун ичида, белгиланган муддатдан 28 кун кечиктирилган ҳолда кучириб берилганлиги ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва Ҳамза тумани ижтимоий таъминот бўлими маъсул мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 6 апрел

2004 йилда № 1333 – рўйхат рақам билан қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Меҳнат Вазирлиги, Марказий банк ва Давлат Солиқ Қўмитасининг тегишли қарорларига асосан ишлаб чиқилган Низом ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан етарли даражада назорат олиб борилмаслиги натижасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва Ҳамза тумани ижтимоий таъминот бўлимининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора тадбирлар белгилашингизни;

2. Камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан қаттиқ интизомий жазо чоралари белгилашингизни;

3. Ҳамза туман Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва Ҳамза тумани ижтимоий таъминот бўлимида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 6 апрел 2004 йилда № 1333 – рўйхат рақам билан қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Меҳнат Вазирлиги, Марказий банк ва Давлат Солиқ Қўмитасининг тегишли қарорларига асосан ишлаб чиқилган Низом ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

4. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

К.Н. Мамараимов



**U'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани суд ижрочилар
бўлинмаси катта суд
ижрочиси**

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44**

Ж. О. Ғуломовга

« ____ » _mart_ 2008 yil
136-sonli

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуни ижроси юзасидан Ҳамза туман суд ижрочилари бўлимида текширув ўтказилди. Ўтказилган текширув давомида куйидагилар аниқланди.

26.11.2006 йилда даъвогар “SARTON INVESTMENTS LCC” компаниясининг аризасига асосан Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан жавобгар “SARBENT” МЧЖ дан даъвогар фойдасига жами 21.199.592,66 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган. Мазкур ҳал қилув қарорига асосан 10-0620/11499 сонли ижро варақаси даъвогар томонидан ижро қилишлик учун жавобгарнинг мол-мулки сақланаётган ҳудуддаги ижро бўлинмасига яъни Сиз раҳбарлик қилаётган Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмасига 09.10.2007 йилдаги UZ/160/2007 сонли хат билан тақдим этилган. 19.04.2007 йилда Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси Ф.А.Абдуҳақимов томонидан “SARBENT” МЧЖ дан “SARTON INVESTMENTS LCC” фойдасига 21.199.592,66 сўм ундириш тўғрисида 7230/4 сонли ижро иши кўзгатиш ва қарор нусхаси

жавобгар юридик манзилига юборилган. Мазкур қарорга асосан жавобгарга қарзни 5 кунлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаш тақлиф этилган ва қарздор мол-мулкига таъқиқ қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 12.10.2006 йилдаги 10-0620/11499 сонли ажримига асосан мукаддам Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси Ж.П.Кариев томонидан Ҳамза тумани С. Машҳадий кўчаси 210-уй манзилида жойлашган “IRIS” корхонасида сақланаётган “SARBENT” МЧЖ га тегишли бўлган 1 дона “гидравлический колун бревен”, 1 дона “рубильная машина” ва 1 дона “вентилятор пневмопровода” ҳолислар иштирокида хатланиб, банд солинган ва сақлаш учун “IRIS” корхонасига топширилган.

Шунингдек, қарзни ихтиёрий равишда тўлаш муддати ўтганидан сўнг суд ижрочиси Ф.А.Абдухакимов томонидан 21.05.2007 йилда қарздорнинг мол мулки жойлашган манзил яъни Ҳамза тумани С. Машҳадий кўчаси 210-уйга борилиб, жамиятга тегишли бўлган юқоридаги мол-мулклар ҳолислар иштирокида қайтадан рўйхатга олинган.

Мазкур ижро ишини юритган суд ижрочилари Ф.А.Абдухакимов ва Ж.А.Ўринбоевлар томонидан қарздорнинг мол-мулкани аниқлаш мақсадида барча чоралар кўрилмаган.

Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан ижро варақаси иш юритувига қабул қилиниб, “SARBENT” МЧЖ га тегишли бўлган Ҳамза тумани С. Машҳадий кўчаси 210-уй манзилида сақланаётган мол-мулки аниқланиб, рўйхатга олинган бўлсада, суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган мол-мулкларни ўз вақтида баҳолаш чоралари кўрилмаган. Натижада орадан 9 ойдан ортиқ муддат ўтган бўлсада, ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш, уни реализация қилиш чоралари кўрилмаган ва бу билан ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатлар кўпол равишда бузилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонунинг 30-моддасига асосан суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддати ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳамза туман суд ижрочилари бўлими суд ижрочиларининг ўз хизмат вазифасига

совуққонлик ва лоқайдлик билан қарашлиги натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуни талаблари бузилган.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани Ҳамза туман суд ижрочилари бўлимининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиб, айбдор ходимларга чора кўришингизни;

2. Келгусида туман суд ижрочилари бўлимида Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуни ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

И.А. Бабаёров



**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

Ҳамза туман хокими

Ш. О. Абдуқодировга

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-
44**

«___» _dekabr_ 2007 yil
10/ 07-sonli

ТАҚДИМНОМА

*Қонун бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб
ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида*

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида, Сиз раҳбарлик қилаётган Ҳамза туман хокимлигида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Ўтказилган текширув давомида Ҳамза туман хокимлигида 2007 йилнинг 2,3-чораги давомидаги фуқароларнинг мурожаатлари танлов асосида текширилган бўлиб, текширув натижасида қуйидагилар аниқланди.

Ҳамза туман хокимлигида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқилиши давомида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонунига асосан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларига амал қилинмаслиги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, 14.05.2007 йилда Ҳамза тумани С. Азимов кўчаси 5 проезд 3-уй 4-хонадонда истикомат қилувчи Л. И. Ульянова ва

бошқалар 03-08/138 сонли ариза билан туман хоким номига мурожаат қилиб, унда “Нур ижод” Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати бўлинишига қаршилиги ва ширкат фаолиятдан норозилигини кўрсатган. Ушбу аризани кўриб чиқишлик туман хокимининг биринчи ўринбосари Х. С. Носиров, Ҳамаз туман хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари уюшмаси раиси А. Мўминов, туман хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Б.Валиевларга юклатилган. Лекин, ушбу ариза қонунда белгиланган 1 ойлик муддатдан ортиқ вақт мобайнида кўриб чиқилиб, ариза муаллифига 26.06.2007 йилда, яъни ариза келиб тушган санадан 1 ойи ва 12 кундан сўнг жавоб хати юборилган. Аризани кўриб чиқиш муддати тегишли тартибда узайтирилмаган.

Шунингдек, жорий йилнинг 25 апрел куни Ҳамза туман Мирзо Улуғбек кўчасида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг улар истиқомат қилаётган уй олдидаги кафе фаолиятдан норозилиги тўғрисидаги 03-08/117 сонли туман хокими номига ёзган аризаси туман хокими томонидан туман хокимининг биринчи ўринбосари Х. С. Носиров, туман хокими ўринбосари Б. Б. Жамалов, туман савдо департаменти бошлиғи Н. Шайхов, туман ДСИ бошлиғи Р. Усмоновларга юклатилган. Лекин, ушбу ариза ҳам қонунда белгиланган 1 ойлик муддатдан ортиқ вақт мобайнида кўриб чиқилиб, ариза муаллифига 28.06.2007 йилда, яъни ариза келиб тушган санадан 2 ойи ва 3 кундан сўнг жавоб хати юборилган. Аризани кўриб чиқиш муддати тегишли тартибда узайтирилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишлик учун масъул бўлган шахслар томонидан лоқайдлик ва сансанорликка йўл қўйишлари натижасида, ариза ва шикоятларнинг қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши таъминланмаган ва бу билан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуни талаблари қўпол равишда бузилган.

Бундан ташқари, туман хокимлигида қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этмайдиган фуқаролар ариза ёки шикоятларини кўриб чиқилиши давомида ҳам Қонунда белгиланган 15 кунлик муддатга риоя қилинмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, 16.05.2007 йилда фуқаро Ф. Азимов туман хокимлигига 03-08/132-сонли ариза билан мурожаат қилиб, яшаш учун бошпана билан таъминлашни сўраган. Мазкур аризани кўриб чиқишлик туман хокимининг биринчи ўринбосари Х. С. Носиров ва

туман КТАТХ раҳбари А. С. Шакировга юклатилган. Ариза юзасидан текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиб олиш зарур бўлмасда, 15.06.2007 йилда ариза муаллифига ёзма равишда жавоб берилиб, унда ётоқхона олишлик учун белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида тушунтирилган.

Шунингдек, 12.04.2007 йилда Тошкент шаҳар Чилонзор 31-32 манзилида истиқомат қилувчи фуқаро Х. А. Абдумажидова туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, унда кийим кечак ва мусиқа аппаратуралари олишда ёрдам сўраган. Мазкур аризани кўриб чиқишлик туман ҳокимининг ўринбосари Б. Б. Жамалов ва туман “Маҳалла” жамғармаси раиси в.б. Ў. Хайитбоевга юклатилган. Ариза юзасидан текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиб олиш зарур бўлмасда, 10.05.2007 йилда ариза муаллифига ёзма равишда жавоб берилиб, унда ариза муаллифига туман ҳокимлигида бундай имконият мавжуд эмаслигини, ушбу масалада яшаш манзилидаги ҳокимият органлари ва хайрия жамғармаларига мурожаат қилиши лозимлиги тўғрисида тушунтирилган.

Худди шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан 17.04.2007 йилдаги 03-08/105 сонли фуқаро З. Ш. Юлдашев, 08.09.2007 йилдаги 03-08/336-сонли М.А.Кенжаева, 27.06.2007 йилдаги 03-08/208 сонли жамоа аризаси ва бошқаларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнида ҳам бундай аризаларни кўриб чиқиш учун Қонунда белгиланган 15 кунлик муддатга риоя қилинмаган.

Зеро, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонуннинг 18-моддасига 2-қисмига асосан ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 18-моддаси 3-қисмига асосан ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқилиши қонунийлиги текширилиши давомида туман ҳокимлиги томонидан баъзи бир ҳолларда ариза муаллифларига мурожаатни кўриб чиқиш натижалари

тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилинмасдан, ариза муаллифидан аризани кўриб чиқиш натижаларидан хабардорлиги тўғрисида тилхат олиш ёки унга оғзаки равишда тушуштириш билан чекланилган ҳолос.

Жумладан, 29.08.2007 йилдаги фуқаро К. А. Негматованинг 03-08/307-сонли аризаси (ижрочи Б. Б. Жамалов, Б. Зияматов) туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилган. Натижалари бўйича туман ҳокими ўринбосари томонидан санаси кўрсатилмаган хат билан туман ҳокими номига мурожаат қилиниб, ариза муаллифи бир неча кундан буён уйда йўқлигини сабабли мазкур аризани назоратдан олиш сўралган, лекин ариза муаллифига Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонунининг 21-моддасига асосан аризанинг кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма равишда хабар қилинмаган. 09.04.2007 йилдаги 03-08/87-сонли фуқаро С.С.Кударов аризаси (ижрочи Б. Б. Жамалов ва Ў. Хайитбоев) юзасидан ҳам аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ариза муаллифидан ҳеч қандай эътирози йўқлиги тўғрисида тилхат олиниб, Б. Б. Жамалов томонидан туман ҳокими номига мазкур аризани назоратдан олиш тўғрисида мурожаат қилиш билан чекланилган ҳолос. 28.06.2007 йилдаги 03-08/210-сонли фуқаро Л. Т. Ҳаликованинг турмуш ўртоғидан фарзандини қайтариб олиб бериш тўғрисидаги аризаси (ижрочи А.А.Идрисова ва Б. Б.Жамалов) туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилган. Маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилинганлиги ариза муаллифининг турмуш ўртоғи М. Ҳаликов фарзандини онаси хоҳлаган вақтида олиб кетиши мумкинлигини билдирганлигини баён қилиниб, туман ҳокими ўринбосари А.А.Идрисова томонидан туман ҳокими номига ёзма равишда мурожаат қилган ва мазкур ариза назоратдан олиниши сўралган. Лекин ариза муаллифига бу тўғрисида тегишли тартибда ёзма жавоб хати берилмаган, ариза муаллифи Л.Т.Ҳаликова фарзандини олиб кетиши мумкинлиги тўғрисида оғох этилмаган ёки у ушбу масалада судга мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилмаган. Бунинг натижасида эса у ушбу масалада туман ҳокимлиги ва бошқа давлат идораларига қайтадан мурожаат этиши мумкин.

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонунинг 21-моддаси 1-қисмига асосан Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Шу билан бирга текширув давомида ариза муаллифларига уларнинг аризалари кўриб чиқилганлиги ва натижалари тўғрисида ёзма равишда жавоб хатлари юборилган бўлсада, уларнинг яшаш манзиллари аниқ кўрсатилмаганлиги аниқланди. Жумладан, Ҳамза тумани М.Риёзий кўчаси 2-уйда истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг 06.04.2007 йилдаги кўчалардаги ариқлардан сув тошиб, ҳудудни сув босиб кетаётганлиги тўғрисидаги 03-08/83-сонли аризаси кўриб чиқишлик учун Х. С. Носиров ва Д. Юсупходжаевларга юклатилган. Аризада муаллифларнинг яшаш манзиллари аниқ кўрсатилган бўлсада, 07.05.2007 йилда “М.Риёзий кўчаси 2-уй аҳолисига” деб жавоб хати берилган. Жавоб хати аризада биринчи имзо қўйган фуқаро Диденко ва бошқаларга ёки ариза муаллифларидан исталган бирортасини яшаш манзили кўрсатилган ҳолда юборилиши лозим эди. Жавоб хатларида фуқароларнинг яшаш манзиллари ёхуд бошқа манзиллари аниқ кўрсатилмаслиги, ариза муаллифларига жавоб хатлари етиб бормаслигига ва натижада такрор аризалар ёзилишига олиб келиши мумкин. Худди шунингдек камчиликлар 18.04.2007 йилдаги 03-08/101-сонли, 12.04.2007 йилдаги 03-08/97-сонли, 06.04.2007 йилдаги 03-08/84-сонли, 10.09.2007 йилдаги 03-08/325-сонли аризалар юзасидан жавоб хатлари юборилишида ҳам йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 март кунги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Йўриқноманинг 4.7-бандига асосан жисмоний шахсларга юборилаётган хатларда аввал унинг почта манзили, кейин эса шахснинг фамилияси ва исми шарифининг бош ҳарфлари қўйилиши лозим.

Шунингдек, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонуннинг 21-моддаси 2-қисми талабларига зид равишда туман хокимлиги томонидан аризани каноатлантириш рад этилган ҳолларда, агар фуқаро қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартиби бирорта бир ҳолатда ҳам тушунтирилмаган.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширув давомида айрим ҳолатларда фуқароларнинг мурожаатлари нотўғри рўйхатдан ўтказилганлиги аниқланди. Жумладан, 24.04.2007 йилда Ҳамза туман Лисунов 1а-дахаси 24-уй, 46-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро З. К. Обухова истиқомат қилаётган уйи том қисмини таъмирлашни сўраб мурожат қилган. Мазкур ариза туман хокимлигида 03-08/114-сон билан рўйхатга олинган. Шунингдек, 30.05.2007 йилда Ҳамза туман Лисунов 2-дахаси 45-уй 33-хонадонда истиқомат қилувчи

фуқаро Т. И. Обухова ариза билан мурожаат қилиб, унда 1990 йилдаги туман ҳокими қарори нусхасини беришни сўраган. Мазкур ариза ҳам ноқонуний равишда туман ҳокимлигида 03-08/114 сон билан рўйхатдан ўтказилган. Бундан ташқари, Ҳамза тумани Боку кўчаси 149-уй 7-хонадонда истикомат қилувчи фуқаро Е. П. Турьяеванинг такрорий бўлмаган, турли хил мазмундаги 17.04.2007, 25.05.2007, 28.06.2007, 28.08.2007 йиллардаги аризалари ҳам 03-08/102 сон билан рўйхатга олинган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Сиз раҳбарлик қилаётган туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонуни талаблари бузилиши натижасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказиб келинмоқда.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 40-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н :

1. Мазкур тақдимномани туман Ҳокимиятининг кенгайтирилган мажлисида дарҳол кўриб чиқиб, қайд қилинган қонун бузилиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашингизни;

2. Келгусида туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонуни ижроси юзасидан назоратни кўчайтиришингизни;

3. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ҳар бир айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини қонунда белгиланган тартибда ҳал этишингизни;

4. Тақдимномани кўриб чиқиш вақти тўғрисида туман прокуратурасига маълум қилишингизни.

Тақдимнома қонун талабига кўра, дарҳол кўриб чиқилиб, натижаси тўғрисида бир ойлик муддат ичида туман прокуратурасига ёзма равишда хабар берилиши лозим.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

М.М. Ачилов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**Тошкент шаҳар
прокурори
адлия катта
маслаҳатчиси**

Фамилия И.Ш.га

**700047 Toshkent sh , Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 369-44-44**

« _____ » iyun 2007 yil
№ 411ж-07-sonli

ТАҚДИМНОМА

*(Ўсимлик дунёсига етказилган зарарни ундириш тўғрисида
даъво аризасини киритиш ҳақида)*

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Давбионазорати» бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширув давомида, Ҳамза тумани Мусахонов кўчаси 78-уйда жойлашган Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни талаблари бузилган ҳолда тегишли органлардан ҳеч қандай расмий рухсатнома олинмасдан 1 туп кўкариб турган чинор дарахти ноқонуний равишда кесилганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни 15-моддаси 2-қисми талабларига кура, «Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга фақат санитария мақсадларида ҳамда бинолар, иншоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ ҳолдагина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган қарорига биноан йўл қўйилиши» белгиланган. Мазкур ҳолатда эса, ушбу дарахтни кесиш учун тегишли ваколатли органлардан ҳеч қандай рухсатнома олинмаган ҳолда ишлар амалга оширилганлиги аниқланган.

“Давбионазорати” инспектори С.С.Файзиев томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.07.1995 йилдаги 293-сонли қарорига асосан тузилган ноқонуний равишда кесилган дарахтга етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш ведомостига кўра, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ҳудудида бир дона, тўнкасининг диаметри 70 см. ни ташкил этган чиқор дарахтини ноқонуний равишда кесилиши оқибатида ўсимлик дунёсига 193752 сўм миқдоридан зарар етказилган. Юқоридаги қарорнинг 1-иловаси 1 ва 2 хатбошиларига кўра, ўсимлик дунёсига етказилган зарар қимматли дарахт турлари учун 5 баробар кўпайтирилган такса, шунингдек, юридик шахс томонидан кесилганлиги учун яна 5 баробар кўпайтирилган таксалар бўйича ҳисобланганда, ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундариладиган сўмма миқдори 4.843.800 сўмни ташкил этган.

Юқоридегиларни эътиборга олиб, Сизга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985, 989-моддалариси, Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддаси, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 3, 28-моддаларига асосан, Хўжалик судига “Травмотология ва ортопедия илмий текшириш институти” дан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фойдасига ўсимлик дунёсига етказилган зарарни қоплаш учун 4.843.800 сўм миқдоридан сўмани ундириш тўғрисида даъво аризаси киритиш учун тегишли ҳужжатлар юборилмоқда.

Илова: « » ваққда.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

К.А. Аюбов

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASI



ГЕНЕРАЛЬНАЯ
ПРОКУРАТУРА
РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН

TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI

ПРОКУРАТУРА
ХАМЗИНСКОГО
РАЙОНА г. ТАШКЕНТА

700047 Toshkent sh ,
Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel
369-44-44

700047 г. Тошкент ул
Хамза
1-тупик-8 . Тел 369-44-44

« » январь 2007 йил

Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси

№ 10/4-сонли

Фамилия И.Ш.га

ТА Қ Д И М Н О М А

*(«Янги аср сервис» ХУЖМШ дан қарздорликни ундириш тўғрисидаги
даъво аризасини киритиш ҳақида)*

2006 йил 01 январь куни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ ва Ҳамза туманида жойлашган “Янги аср сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ўртасида электр энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш юзасидан 2312-сонли шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида “Таъминотчи” яъни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ “Истеъмолчи” га яъни “Янги аср сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига белгиланган тартибда электр энергиясини етказиб берган. Лекин, истеъмолчи шартномага асосан ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажармаслиги оқибатида таъминотчига истеъмол қилинган электр энергияси учун 7.182.117,0 сўм қарздорлиги юзага келган.

“Янги аср сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати бир неча бор огоҳлантирилишига қарамасдан истеъмол қилинган

электр энергияси учун қарздорликни тўламаган ва бу билан шартнома интизомини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора тadbирлар тўғрисида» ги 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154-сонли Фармон талабларини бузган.

Ўзаро тузилган солиштирув далолатномасига асосан “Янги аср сервис” ХУЖМШ 01.12.2006 йил ҳолатига “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ дан 7.182.117,0 сўм қарздорлиги мавжудлигини тан олган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Сизга Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 23,24,43-моддаларига асосан Хўжалик судига “Янги аср сервис” ХУЖМШ дан “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ фойдасига 7.182.117,0 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритиш учун тегишли ҳужжатлар юборилмоқда.

Илова: Ҳамза туман электр тармоқлари корхонасининг мурожаати, ариза, талабнома, солиштирув далолатномаси, 2312-сонли шартнома нусхаси. Жами: «_____» варақда.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

С. Н. Носиржонов

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASI



ГЕНЕРАЛЬНАЯ
ПРОКУРАТУРА
РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН

TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI

ПРОКУРАТУРА
ХАМЗИНСКОГО
РАЙОНА г.
ТАШКЕНТА

700047 Toshkent sh ,
Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel
369-44-44

700047 г. Тошкент ул
Хамза
1-тупик-8 . Тел 369-44-44

« » декабрь 2006 йил

Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси

№ 10/4-сонли

Фамилия И.Ш.га

ТАҚДИМНОМА

(«Янги ҳаёт қурилиш сервис» ХУЖМШ дан қарздорликни ундириши
тўғрисидаги даъво аризасини киритиш ҳақида)

2006 йил 01 сентябрь куни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ ва Ҳамза туманида жойлашган “Янги ҳаёт қурилиш сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ўртасида электр энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш юзасидан 1263-сонли шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида “Таъминотчи” яъни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ “Истеъмолчи” га яъни “Янги ҳаёт қурилиш сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига белгиланган тартибда электр энергиясини етказиб берган. Лекин, истеъмолчи шартномага асосан ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажармаслиги оқибатида таъминотчига истеъмол қилинган электр энергияси учун 5.797.288,0 сўм қарздорлиги юзага келган.

“Янги хаёт қурилиш сервис” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати бир неча бор огохлантирилишига қарамасдан истеъмол қилинган электр энергияси учун қарздорликни тўламаган ва бу билан шартнома интизомини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора тадбирлар тўғрисида» ги 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154-сонли Фармон талабларини бузган.

Ўзаро тузилган солиштирув далолатномасига асосан “Янги хаёт қурилиш сервис” ХУЖМШ 01.12.2006 йил ҳолатига “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ дан 5.797.288,0 сўм қарздорлиги мавжудлигини тан олган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Сизга Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 23,24,43-моддаларига асосан Хўжалик судига “Янги хаёт қурилиш” ХУЖМШ дан “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ фойдасига 5.797.288,0 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритиш учун тегишли хужжатлар юборилмоқда.

Илова: Ҳамза туман электр тармоқлари корхонасининг мурожаати, ариза, талабнома, солиштирув далолатномаси, 1263-сонли шартнома нусхаси. Жами: «___» varaқда.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

И.К. Мақсудов

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
BOSH
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZATUMAN
PROKURATURASI**



**ГЕНЕРАЛЬНАЯ
ПРОКУРАТУРА
РЕСПУБЛИКИ
ЎЗБЕКИСТАН
ПРОКУРАТУРА
ХАМЗИНСКОГО
РАЙОНА ГОРОДА
ТАШКЕНТА**

700047 Toshkent sh, Hamza 1-berk ko'chasi, 8 Tel.67-99-33

” ” _____

2005y.

№ _____

Sizning “

” _____ 2005y.

№ _____

*Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси*

Фамилия И.Ш.га

ТА Қ Д И М Н О М А

(Корхонани иқтисодий ночор (банкрот) деб топиш ҳақида)

«ROYDEVOR-ELIT» маъсуляти чекланган жамиятга Тошкент шаҳар Ҳамза туман Хоқимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2004 йил 27 август куни 000111-07 реестр рақамли “Юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисида” Гувоҳнома берилган ва Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга қўйилган. Ҳозирги кунга келиб МЧЖ иқтисодий ночор аҳволга тушиб, тўлов қобилятини йўқотган ва давлат бюджетига солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан қарзлари мавжудлиги маълум бўлди.

Бироқ, ушбу жамият давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амалдаги қонунларга кўра фаолият кўрсатиб, ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб келган. Жамият ўзининг молиявий иқтисодий фаолиятини 2004 йилнинг июн ойига қадар амалга ошириб келган бўлиб, жамиятнинг 2005 йил 28 феврал куни ҳолатига бюджет олдидаги боқиманда қарзлари **79.131.778,0** сўмни ташкил қилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 5, 44 – моддаларига ва

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 43-моддасига асосан «ROYDEVOR-ELIT» маъсуляти чекланган жамиятини тўлов ва хўжалик кўрсатиш қобилиятини йўқотганлиги сабабли «Банкрот» деб эълон қилиш тўғрисида ариза киритиш учун юборилмоқда.

Илова: 1. Даъво аризаси лойихаси 3 нусхада.

2. Қарздорнинг давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги н гувоҳнома нусхаси

3. МЧЖ низомини нусхаси

4. Охирги баланс ҳисоботи нусхаси

5. Бюджет олдида қарздорлиги тўғрисида таққослаш далолатномаси.

6. Банк маълумоти нусхаси

7. Жамият раҳбари паспорт нусхаси

8. Маҳалла фуқаролар йиғинидан олинган маълумот нусхаси.

9. Ҳамза туман ДСИ қарори.

Жами: « 17 »- varaқда.

**Ҳамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси**

Б.М. Усмонов

Тошкент шаҳар Хўжалик судига

Даъвогар: Тошкент шаҳар прокуратураси (“Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ манфаатларини кўзлаб. х/р 20210000100126958004, : Тошкент шаҳар “Ипотека- банк” Шайхонтохур филиали, МФО 00425, ИНН 201052490, Тошкент шаҳар Моварауннахр берк кўчаси 6-уй)

Жавобгар: “Таянч коммунал” ХУЖМШ, х/р 20208000904395097001, “Ипотека-банк” Ҳамза филиали, МФО 00959, ИНН 205540260, Ҳамза тумани Лисунов 1-мавзеси 115-уй.

А Р И З А

(«Таянч коммунал» ХУЖМШ дан қарздорликни ундириш тўғрисидаги)

2006 йил 01 январь куни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ ва Ҳамза туманида жойлашган “Таянч коммунал” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ўртасида электр энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш юзасидан 1209-сонли шартнома тузилган.

Мазкур шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида “Таъминотчи” яъни “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ “Истеъмолчи” га яъни “Таянч коммунал” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига белгиланган тартибда электр энергиясини етказиб берган. Лекин, истеъмолчи шартномага асосан ўзига юклатилган мажбуриятларни тўлиқ бажармаслиги оқибатида таъминотчига истеъмол қилинган электр энергияси учун 1.293.973,0 сўм қарздорлиги юзага келган.

“Таянч коммунал” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати бир неча бор оголантирилишига қарамасдан истъёмол қилинган электр энергияси учун қарздорликни тўлмаган ва бу билан шартнома интизомини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасида чора тadbирлар тўғрисида» ги 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154-сонли Фармон талабларини бузган.

Ўзаро тузилган солиштирув далолатномасига асосан “Таянч коммунал” ХУжМШ 01.12.2006 йил ҳолатига “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ дан 1.293.973,0 сўм қарздорлиги мавжудлигини тан олган.

Юқоридаларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 23,24,43-моддаларига асосланиб,-

С Ў Р А Й М А Н :

- “Таянч коммунал” ХУжМШ дан “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” ОАЖ фойдасига 1.293.973,0 сўм қарздорликни ундиришингизни .

- Ишни кўрилиши ҳақида шаҳар прокуратурасига хабар беришингизни.

Илова Ҳамза туман электр тармоқлари корхонасининг мурожсаати, ариза, талабнома, солиштирув далолатномаси, 1209-сонли шартнома нусхаси Жами: «_____» варақда.

**Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси**

Фамилия И.Ш.

Тошкент шаҳар Хўжалик судига

Даъвогар: Тошкент шаҳар
прокуратураси
(Ҳамза тумани Миршаропов кўчаси
85-уйда жойлашган Тарнов-боши
маҳалласи манфаатларини кўзлаб
(ИНН 202586862))

Жавобгар: Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани Лисунов 4-мавзеси 63-уй, 2-
хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро
Киёмов Нуриддин

А Р И З А

(мулк ҳуқуқини белгилашингиз тугрисидаги)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2005 йил 05 июль кунги 162 б-по сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Миршаропов кўчаси 85-уй манзилида жойлашган “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси ўрнатилган тартибда биржа савдоларига қўйилган. “Shahar mulki” МЧЖ нинг 2005 йил 01 апрель ҳолати бўйича баҳолаш ҳисоботи ҳамда бошқарма қошидаги ишлаб турувчи комиссиянинг 2005 йил 05 июлдаги мажлис баёнига асосан “GUZAR-YANGIOBOD” ДУК нинг биржа савдоларидаги бошланғич нархи 1.996.600,0 сўм ёки 1.849,0 АҚШ доллари миқдорида белгиланган ҳамда матбуотда бу тўғрисида эълон берилган.

2005 йил 31 август кунини РКМБ Тошкент шаҳар филиали иштирокида РКМБ да ўтказилган марказлаштирилган электрон биржа савдоларида Ҳамза тумани Миршаропов кўчаси 85-уй манзилида жойлашган “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси бошланғич баҳоси 1.996.600,0 сўм деб белгиланиб, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Лисунов 4-даҳаси, 63-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Нуриддин Киёмовга жами 2.000.000,0 сўмга сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи

вазифасини бажарувчи И.В.Дулунбаевнинг 09.09.2006 йилдаги 349 пп-р сонли фармойишига асосан “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар Лисунов 4-дахаси 63-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Нуриддин Қиёмовга 2.000.000,0 сўмга сотилганлигини инобатга олиниб, ушбу ДУК унинг номига хусусийлаштирилиши белгиланган ва 2005 йил 14 сентябрь куни Давлат мулки объекти бўйича 86-сонли олди сотди шартномаси тузилган. Шартномага асосан тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг, 2005 йил 06 октябрь куни фуқаро Нуриддин Қиёмовга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Миршаропов кўчаси 85-уй манзилида жойлашган “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонасига нисбатан мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи 318-сонли давлат ордери берилган.

Юқоридагиларга асосан фуқаро Н. Қиёмовга “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси директори Д. Юсупов, корхона бош ҳисобчиси У. Пайзиева ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Собировлар иштирокида корхонанинг муҳри ва штампи, чек дафтarchаси, 2003 йил банк ва касса ҳужжатлари, 2004 йил банк ва касса ҳужжатлари, 2005 йил банк ва касса ҳужжатлари, корхона ҳисоб рақамидаги 2005 йил 28 октябрь ҳолатига бўлган 278.543 сўм 65 тийин, 122, 126, 127-сонли касса китобчалари топширилган. Лекин, фуқаро Н. Қиёмов ҳозирги кунда “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси жойлашган аслида “Тарновбоши” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли Шохсанам кўчаси 58-уй манзилидаги (яъни Миршаропов кўчаси 85-уй) бир қаватли “шлакоблок” дан қилинган бино ҳамда ундаги барча жиҳозларга эгалик қилиб, ушбу кўчмас мулк ва бошқа мол-мулклардан жамоат фойдаланишига имкон бермаётганлиги аниқланди.

1996 йил 22 январда Тошкент шаҳар ҳокимининг 38 ф-сонли фармойиши қабул қилинган бўлиб, Ҳамза туман, Шохсанам ва Миршаропов кўчалари кесишган жойда Капитал қурилиш бош бошқармасига “Тарнов Боши” номли маҳалла гузари қуриш учун доимий фойдаланиш учун ер ажратиш ҳақидаги фармойиши қабул қилинган. Шундан сўнг ушбу манзилда “шлакоблок” дан бир қаватли маҳалла гузари қурилиб фойдаланишга топширилган. 2001 йилнинг 20 февралда Ҳамза туман ҳокимининг 182-сонли қарорига асосан Шохсанам кўчаси, 58-манзилдаги (Миршаропов кўчаси 85-уй) барпо этилган 1 қаватли “Янгиобод” гузарини туман “Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси” тасарруфидан чиқариб, “Тарнов боши” маҳалла тасарруфига ўтказилган. “Тарнов боши” маҳалла фуқаролари

йиғини тасарруфидаги мазкур “Тарнов боши” маҳалла гузари биноси фақатгина “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонаси фойдаланишида бўлган холос.

Шунингдек, “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонасининг 2004 йил якуни бўйича Ҳамза туман ДСИ топширган ҳисоботида унинг балансида ҳеч қандай мол-мулк мавжуд эмаслиги акс этирилган, яъни Шоҳсанам ва Миршаропов кўчалари кесишмасида жойлашган “Тарнов боши” маҳалла гузари унинг тасарруфида бўлмаганлиги ва мулк балансида ўтирмаганлиги аниқланди.

Ҳозирда “Тарнов боши” гузар биноси ва ундаги жиҳозларга нисбатан мулк ҳуқуқи кимга тегишлиги масаласида ноаниқликлар мавжудлигини инобатга олиб, “Тарнов боши” гузар биноси ва ундаги жиҳозларга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228-моддасига асосан “Мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг конунсиз эгалигидан талб қилиб олишга ҳақли”.

Юқоридаларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 23,24,43-моддаларига асосланиб,-

С Ў Р А Й М А Н :

- Шоҳсанам ва Миршаропов кўчалари кесишган яъни Шоҳсанам кўчаси 58 уйда (яъни Миршаропов кўчаси 85-уй) жойлашган 1 қаватли “Тарнов боши” маҳалла гузари ва ундаги жиҳозларга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашингизни.

- Ишни кўрилиши ҳақида шаҳар прокуратурасига хабар беришингизни.

Илова: Тошкент шаҳар ҳокимнинг 22.01.1996 йилдаги 38ф-сонли фармойиши нусхаси, Ҳамза туман хокомининг 14.09.1998 йилдаги 1057-сонли қарори нусхаси, Тошкент шаҳар ҳокими номига берилган хатлар нусхалари, “Тарнов боши” маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг 21.12.2005 йилда бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғини баённомасидан кўчирма, Ҳамза туман ҳокимнинг 20.02.2001 йилдаги 182-сонли қарори нусхаси, 10.01.2003 йилдаги 2-сонли шартнома нусхаси, туман ҳокими ўринбосарининг 15.06.2005 йилдаги 181-сонли жавоб хати нусхаси, “GUZAR-YANGIOBOD” давлат унитар корхонасининг баҳоланиши тўғрисидаги ҳисобот

нухаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 349 - сонли фармойиш нухаси, мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи 318-сонли давлат ордери нухаси, 02.11.2005 йилда тузилган қабул қилиш топшириш далолатномаси нухаси, гувоҳнома нухаси, “Тарнов боши” маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли инвентарлар рўйхати, маҳалла томонидан берилган оғохлантириш, ХА10-05/1032 сонли сўров хати нухаси, 07.07.2006 йилдаги хат нухаси, 3п10-05/1203 сонли жавоб хати нухаси, “Тарнов боши” маҳалла фуқаролар йиғинида 05.06.2006 йилда ва 28.07.2006 йилда бўлиб ўтган мажлис баённомалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 04.09.2006 йилдаги 6/1383 сонли хати нухаси, мурожаатнома. Жами: «___» varaқда.

**Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси**

Фамилия И.Ш.

Тошкент шаҳар Хўжалик судига

Даъвогар: Тошкент шаҳар
прокуратураси
Давлат манфаатини кўзлаб

Қарздор: Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани
Боку 1-берк кўчаси 4-уйда жойлашган
«ROYDEVOR-ELIT» маъсулияти
чекланган жамият (ИНН 204805452)
Ҳисоб рақами:
20208000904301116001
“Туркистон” хусусий очик
акциядорлик-тижорат инвестиция
банки

А Р И З А

(Қорхонани иқтисодий ночор (банкрот) деб топиш ҳақида)

«ROYDEVOR-ELIT» маъсулияти чекланган жамиятга Тошкент шаҳар Ҳамза туман Ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2004 йил 27 август куни 000111-07 реестр рақамли “Юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисида” Гувоҳнома берилган ва Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга қўйилган. Ҳозирги кунга келиб фирма иқтисодий ночор аҳволга тушиб, тўлов қобилиятини йўқотган ва давлат бюджетига солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан қарзлари мавжудлиги маълум бўлди.

Бироқ, «ROYDEVOR-ELIT» маъсулияти чекланган жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амалдаги қонуларга кўра фаолият кўрсатиб, ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб келган. Жамият ўзининг молиявий иқтисодий фаолиятини 2004 йилнинг июн ойига қадар амалга ошириб келган бўлиб, жамиятнинг 2005 йил 28 феврал куни ҳолатига бюджет олдидаги боқиманда қарзлари **79.131.778,0** сўми ташкил қилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 5, 44 – моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 43-моддасига асосан,

С Ў Р А Й М А Н :

«ROYDEVOR-ELIT» маъсулияти чекланган жамиятини тўлов ва хўжалик кўрсатиш қобилиятини йўқотганлиги сабабли «**Банкрот**» деб эълон қилишингизни.

Илова: 1. Қарздорнинг давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси

2. МЧЖ низомини нусхаси

3. Охирги баланс ҳисоботи нусхаси

4. Бюджет олдида қарздорлиги тўғрисида таққослаш далолатномаси.

5. Банк маълумоти нусхаси

6. Жамият раҳбари паспорт нусхаси

7. Маҳалла фуқаролар йиғинидан олинган маълумот нусхаси.

8. Ҳамза туман ДСИ қарори.

Жами: « 14 »- варақда.

**Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси**

Фамилия И.Ш.

Тошкент шаҳар Хужалик судига

Тошкент шаҳар прокуратураси
Давлат манфаатини кузлаб

Қарздор: Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани
Галабанинг 40 йиллиги 3 мавзеси, 80
«а»-уйда жойлашган «YUL-KOM»
маъсулияти чекланган жамияти (ИНН
203632733

Ҳисоб рақами:

20208000804123035001

«Капитал банк» хусусий очик
акциядорлик-тижорат банки

А Р И З А

(Қорхонани иқтисодий почор (банкрот) деб топиш ҳақида)

«YUL-KOM» маъсулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар Ҳамза туман Хокимининг 2001 йил 13 июн кунндаги № 758-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган ва Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга кўйилган. Ҳозирги кунга келиб жамият иқтисодий почор аҳволга тушиб, тўлов қобилиятини йўқотган ва давлат бюджетига солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан қарзлари мавжудлиги маълум бўлди.

Бирок, «YUL-KOM» МЧЖ давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амалдаги қонунларга кўра фаолият кўрсатиб, ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб келган. Жамият ўзининг молиявий иқтисодий фаолиятини 2002 йилнинг 3-чорагига қадар амалга ошириб келган бўлиб, жамиятнинг бугунги кунга келиб бюджет олдидаги боқиманда қарзлари **68533621,0 сўм**ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 5, 44 – моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 43-моддасига асосан,

СУРАЙМАН:

«YUL-KOM» маъсуляти чекланган жамиятини тўлов ва хўжалик кўрсатиш қобилиятини йўқотганлиги сабабли «Банкрот» деб эълон қилишингизни,

Илова: 1. Қарздорнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор нусхаси

2. Корхона низомини нусхаси

3. Охирги баланс нусхаси

4. Бюджет олдида қарздорлиги тўғрисида маълумот нусхаси

5. Банк маълумоти нусхаси

6. Юридик манзили бўйича маълумотнома нусхаси

7. Турар жой ҳақидаги маълумот нусхаси

Жами: « 28 »- варақда.

**Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси**

Фамилия И.Ш.

Тошкент шаҳар Хўжалик судига

Тошкент шаҳар прокуратураси

Давлат манфаатини кўзлаб

Қарздор: Тошкент шаҳар Ҳамза

тумани

Жаркурган кўчаси, 23 «а»-уйда

жойлашган «Осиё кўрилиш монтаж»

жамоа кўрилиш монтаж корхонаси

(ИНН 200547190)

Ҳисоб рақами:

20210000000124375001

«УзСКБ» Ҳамза бўлими

А Р И З А

(Корхонани иқтисодий ночор (банкрот) деб топиш ҳақида)

«Осиё кўрилиш монтаж» жамоа кўрилиш монтаж корхонаси Тошкент шаҳар Ҳамза туман Хоқимининг 1994 йил 11 август кундаги № 619-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган ва Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатга қўйилган. Ҳозирги кунга келиб жамият иқтисодий ночор аҳволга тушиб, тўлов қобилиятини йўқотган ва давлат бюджетига солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан қарзлари мавжудлиги маълум бўлди.

Бироқ, «Осиё кўрилиш монтаж» жамоа кўрилиш монтаж корхонаси давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг амалдаги қонунларга кўра фаолият кўрсатиб, ўз вақтида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб келган. Корхона ўзининг молиявий иқтисодий фаолиятини 2002 йилнинг 4-чорагига қадар амалга ошириб келган бўлиб, жамиятнинг бугунги кунга келиб бюджет олдидаги боқиманда қарзлари **6034257,0** сўмни ташкил қилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 5, 44 – моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 43-моддасига асосан,

СУРАЙМАН:

«Осиё кўрилиш монтаж» жамоа кўрилиш монтаж корхонасини тўлов ва хўжалик кўрсатиш қобилиятини йўқотганлиги сабабли «Банкрот» деб эълон қилишингизни,

Илова: 1. Қарздорнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор нусхаси

2. Корхона низомини нусхаси

3. Охирги баланс ҳисоботи нусхаси

4. Бюджет олдида қарздорлиги тўғрисида маълумот нусхаси

5. Банк маълумоти нусхаси

6. Юридик манзили бўйича маълумотнома нусхаси

7. Турар жой ҳақидаги маълумот нусхаси

8. Ижара шартномаси нусхаси

9. Тушунтириш хати

10. Паспорт нусхалари

11. Турар жой ҳақидаги маълумот нусхаси

Жами: « 42 »- варақда.

*Тошкент шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси*

Фамилия И.Ш.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI

**«Юнусали сервис
таъмирлаш» ХУЖМШ**
ижрочи директори
А.М.Хамидовга

100047 Toshkent sh., Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44
2009 йил «__» март

№ 10/167-09

ОГОҲЛАНТИРУВ
Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Паркент-Циалковский кўчаси 2-уй 16-хонадонда яшовчи фуқаро Е.А.Макарова ва бошқалар ариза билан мурожаат этишиб, унда улар истиқомат қилаётган 2-уйнинг 1-подъездидаги лифт 2007 йил сентябрь ойидан буён ишламаётганлиги, «Юнусали сервис таъмирлаш» ХУЖМШ ижрочи директори ўз хизмат вазифасини етарли даражада олиб бормаётганликларидан норози бўлган.

Мазкур ариза юзасидан туман прокуратураси томонидан тегишли мутахассисларни жалб қилиниб, ариза муаллифи кўрсатган манзилгоҳга чиққан ҳолда текширув ўтказилди. Текширув давомида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам Ҳамза тумани Паркент-Циалковский кўчаси 2-уйнинг 1-подъездидаги лифт ишламаётганлиги маълум бўлди.

Туман прокуратураси томонидан жалб қилинган мутахассислар томонидан ушбу лифтдаги носозликлар 2009 йил 10 март куни баргараф этилиб, 2-уйнинг 1-подъездидаги лифт соз ҳолатга келтирилди. Бу ҳақда ариза муаллифлари иштирокида далолатнома тузилди.

Юқоридагиларга асосан Сиз томонингиздан зиммангизга юклатилган вазифаларни, хусусан уй-жойлар томларини, подъездларни таъмирлаш ва подъезд эшикларини ўрнатиш, ойналар қўйиш, иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш, аҳолига табиий газ ва электр энергияси узлуксиз равишда берилиши, иситиш тизимини мунтазам равишда соз ҳолатда бўлиши ҳамда лифтларнинг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш, бу соҳада аниқланган ҳар бир камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Акс ҳолда белгиланган режалар сифатли қилиб олиб борилмаслиги натижасида фуқаролар ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилиши мумкин.

Баён этилганларга кура, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан:

Агар Сиз баён этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини қурмасангиз, Жиноий Кодексининг 207-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортилишингиз хусусида огоҳлантираман.

**Ҳамза туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

Х.Ё.Жалолов

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, моҳияти тушунтирилди.

2009 йил « » март А.М.Ҳамидов



О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI

**«Жарқўрғон
коммунал» ХУЖМШ**
ижрочи директори
О.В.Глухенкога

100047 Toshkent sh., Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44
2009 йил «___» февраль

№ 10/124-09

ОГОҲЛАНТИРУВ
Қопуниинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида

Ҳамза туман прокуратурасига Ҳамза тумани Зохидова кўчаси 25-уй 3-хонадонда яшовчи фуқаро К.Н.Артўкова ариза билан мурожаат этиб, унда хонадонидан ўтган иссиқлик қузурида иссиқлик манбаи йўқлиги, «Жарқўрғон коммунал» ХУЖМШ ҳамда туман КТАТХ мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини етарли даражада олиб бормаётганликларидан норози бўлган.

Мазкур ариза юзасидан туман прокуратураси томонидан тегишли мутахассисларни жалб қилиниб, ариза муаллифи кўрсатган манзилгоҳга чиққан ҳолда текширув ўтказилди. Текширув давомида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам Ҳамза тумани Зохидова кўчаси 25-уй 3-хонадондан ўтган иссиқлик қувурларида иссиқлик манбаи йўқлиги маълум бўлди.

Туман прокуратураси томонидан жалб қилинган мутахассислар томонидан ушбу хонадондаги носозликлар 2009 йил 8 февраль куни бартараф этилиб, хонадондаги иссиқлик қузурига иссиқлик манбаи етказилди. Бу ҳақда далолатнома тузилиб, хонадон эгаларидан тилхат олинди.

Шунингдек, Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Республика тармоқлари, корхоналари ва

муассасаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш, шаҳар ва туманлардаги маҳалла ва бозорлардаги санитар ҳолатлар, шунингдек аҳолининг хавфсизлиги юзасидан қабул қилаётган қарор ва фармойишлари, мажлис баён қарорлари ижроси юзасидан ўтказилмоқда.

Республика тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида 2008 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-880 сонли қарори қабул қилинган. Шунингдек, ушбу йўналишда Тошкент шаҳар Ҳокимининг 26.03.2008 йил кунги 165-сонли қарори ҳамда 11.04.2008 йил кунги Ҳамза туман Ҳокимининг Ҳамза туман хўжалигининг 2008/2009 йил куз-қиш мавсумини барқарор ишлаш учун тайёргарлик кўриш мақсадида № 137-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор асосида туманда доимий иш юритувчи комиссия таркиби тузилиб, ҳар-бир комиссия аъзоларига тегишли вазифалар белгиланиб берилган. Бундан ташқари, Ҳамза туманидаги хўжалик объектларини 2008-2009 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш дастури ишлаб чиқилиб, унга кўра иссиқлик таъминоти, оқава сув ва сув таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари, туман таълим муассасалари, уй-жой фондлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муддатлар кўйилган ҳолда кўрсатилган. Тумандаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жойлар томларини, подъездларини таъмирлаш ва подъезд эшикларини ўрнатиш, ойналар қўйиш, иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш дастур ва режалари ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларга асосан Сиз томонингиздан зиммангизга юклатилган вазифаларни, хусусан уй-жойлар томларини, подъездларни таъмирлаш ва подъезд эшикларини ўрнатиш, ойналар қўйиш, иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш, аҳолига табиий газ ва электр энергияси узлуксиз равишда берилиши, иситиш тизимини мунтазам равишда соз ҳолатда бўлиши ҳамда лифтларнинг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш, бу соҳада

аниқланган ҳар бир камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Акс ҳолда куз-кишга тайёргарлик ишлари белгиланган режалар асосида сифатли килиб олиб борилмаслиги натижасида фуқаролар ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилиши мумкин.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан:

Агар Сиз баён этилган қонун бузилиши ҳолатларида бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Жиноий Кодексининг 207-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортилишингиз хусусида огоҳлантираман.

**Ҳамза туман прокурори в.б.
адлия катта маслаҳатчиси**

И.В.Мўминов

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, моҳияти тушунтирилди.

2008 йил « » октябрь Х.Б.Худойбердиев



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**«Кадрдон даргоҳ»
ХУЖМШ ижрочи
директори
Х.Б.Худойбердиевга**

**100047 Toshkent sh., Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44**

2008 йил «__» декабрь

№ 10/Д-08

ОГОХЛАНТИРУВ

**Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида**

Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 ноябрь кунги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 511-сонли қарори ижроси таҳлил қилинганда Сиз томонингиздан ушбу қарор талаблари бажарилмаётганлиги аниқланди.

Жумладан, Сиз раҳбарлик қилаётган ХУЖМШ нинг истеъмол қилинган электр энергияси учун кредиторлик қарздорлиги 2007 йил 01 июн куни ҳолатига 285.579,0 сўмни, шундан муддати ўтгани 223.787,0 сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 ноябрь кунги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 511-сонли қарори 2-бандига асосан электр энергияси истеъмолчиси бўлган барча юридик шахслар истеъмол қилинган электр энергияси учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар ойда, календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбурдирлар; белгиланган 30 календарь кундан ортиқ муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган сўмнинг 0,1 фоизи миқдарида пеня ҳисобланади. Шунингдек, ушбу қарорнинг 3-бандига асосан электр энергияси беришга шартнома тузмаган ва шартномада назарда тутилган

электр энергияси хажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламаган; “Ўзстандарт” агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисоблаш приборларига эга бўлмаган; ҳисоб-китоб қилиш оyi тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланмаган қарзи мавжуд бўлган; шартномада назарда тутилган миқдордан ортиқча электр энергияси истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси бериш таъқиқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.11.2004 йилдаги “Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 512-сонли қарорнинг 2-бандига асосан 2008 йилгача бўлган даврда электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ўрнатилиши белгиланган.

Шунингдек, Сиз раҳбарлик қилаётган ХУЖМШ томонидан шу кунга қадар электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари умуман ўрнатилмаган, бунинг натижасида сарфланаётган электр энергиясини тўғри ҳисобланмаслиги ҳамда ХУЖМШ га зарар келтирилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан Сиз томонингиздан электр энергиясини истеъмол қилганлик учун муддати ўтган кредиторлик қарздорликни тўлаш ҳамда электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ўрнатиш чоралари кўрилмаса, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган сўмманинг 0,1 фоизи миқдарида пеня ҳисобланишига, ХУЖМШ га электр энергияси бериш тўхтатилишига ва Сизга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзғатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Баён этилганларга қура, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуннинг 42-моддасига асосан:

Агар Сиз баён этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини қурмасангиз, Жиноий Кодексининг 207-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортилишингиз хусусида огоҳлантираман.

**Ҳамза туман прокурори в.б.
адлия катта маслаҳатчиси**

И.В.Мўминов .

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, моҳияти тушунтирилди.

2008 йил « » октябрь Х.Б.Худойбердиев



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**«Кадрдон даргоҳ»
ХУЖМШ ижрочи
директори
Х.Б.Худойбердиевга**

**100047 Toshkent sh., Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44**

**2008 йил «__» октябрь
№ 10/Д-08**

ОГОХЛАНТИРУВ

Қонуннинг бузилишига йўл қуймаслик хусусида

Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Республика тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш, шаҳар ва туманлардаги маҳалла ва бозорлардаги санитар ҳолатлар, шунингдек аҳолининг хавфсизлиги юзасидан қабул қилаётган қарор ва фармойишлари, мажлис баён қарорлари ижроси юзасидан таҳлиллар ўтказилмоқда.

Республика тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида 2008 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Республика иктисодиёти тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-880 сонли қарори қабул қилинган. Шунингдек, ушбу йўналишда Тошкент шаҳар Ҳокимининг 26.03.2008 йил кунги 165-сонли қарори ҳамда 11.04.2008 йил кунги Ҳамза туман Ҳокимининг Ҳамза туман хўжалигининг 2008/2009 йил куз-қиш мавсумини барқарор ишлаш учун тайёргарлик кўриш мақсадида № 137-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор асосида туманда доимий иш юритувчи комиссия таркиби тузилиб, ҳар-бир комиссия аъзоларига тегишли вазифалар белгиланиб берилган. Бундан ташқари, Ҳамза туманидаги хўжалик объектларини 2008-2009 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш дастури

ишлаб чиқилиб, унга кўра иссиқлик таъминоти, оқава сув ва сув таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш муассасалари, туман таълим муассасалари, уй-жой фондлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муддатлар кўйилган ҳолда кўрсатилган. Тумандаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жойлар томларини, подъездларини таъмирлаш ва подъезд эшикларини ўрнатиш, ойналар кўйиш, иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш дастур ва режалари ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларга асосан Сиз томонингиздан зиммангизга юклатилган вазифаларни, хусусан уй-жойлар томларини, подъездларни таъмирлаш ва подъезд эшикларини ўрнатиш, ойналар кўйиш, иссиқлик тизимини босим остида ювиш ва иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ишларини амалга ошириш, аҳолига табиий газ ва электр энергияси узлуксиз равишда берилиши, иситиш тизимини мунтазам равишда соз ҳолатда бўлиши ҳамда лифтларнинг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш, бу соҳада аниқланган ҳар бир камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Акс ҳолда куз-қишга тайёргарлик ишлари белгиланган режалар асосида сифатли қилиб олиб борилмаслиги натижасида фуқаролар ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилиши мумкин.

Баён этилганларга кура, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан:

Агар Сиз баён этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Жиноий Кодексининг 207-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортилишингиз хусусида огоҳлантираман.

**Ҳамза туман прокурори в.б.
адлия катта маслаҳатчиси**

И.В.Мўминов

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, моҳияти гушунтирилди.

2008 йил « » октябрь

Х.Б.Худойбердиев



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PROKURATURASI
TOSHKENT SHAHAR
HAMZA TUMAN
PROKURATURASI**

**«ЗИРГОМ» хусусий
корхонаси раҳбари
А.М.Болтаевга**

**100047 Toshkent sh., Hamza
1- berk kochasi - 8 . Tel 289-44-44
2008 йил «__» октябрь**

№ 10/877-08

**ОГОХЛАНТИРУВ
Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида**

Тошкент шаҳар Ҳамза туман прокуратураси томонидан ишчи ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қонунчилик ижросининг ахволи таҳлил қилинди.

Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаларида иш берувчи молиявий ҳолатдан қатъий назар, ходимга ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаган муддатда иш ҳақи бериш лозимлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарорининг 3-бандида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгиланган.

Таҳлилларга кўра, «ЗИРГОМ» хусусий корхонаси масъул шахслари томонидан мазкур қонунчилик ижроси пайсалга солинаётганлиги ва назорат сусайтириб юборилганлиги натижасида, корхонанинг собик хизматчиси фуқаро А.Ф.Малекинига соғлигига етказилган зарардан 223.239 сўм муддати ўтган қарздорлиги вужудга келган.

Мазкур қонун бузилиши ҳолатлари зудлик билан бартараф этилмаса, тизимдаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига иш хақи ўз вақтида тўлаб берилиши таъминланмай, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказилишига олиб келиши мумкин.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан:

Агар Сиз баён этилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Жиноий Кодексининг 207-моддасида белгиланган жиноий жавобгарликка тортилишингиз хусусида огоҳлантираман.

**Ҳамза туман прокурори в.б.
адлия катта маслаҳатчиси**

И.В.Мўминов

Огоҳлантирув менга эълон қилинди, моҳияти тушунтирилди.

2008 йил « » октябрь

А.М.Болтаев



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
ТОШКЕНТ ШАХАР
ХАМЗА ТУМАН
ПРОКУРАТУРАСИ**

Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар судининг
кассация судлов хайъатига

ГСН-700115 Тошкент шаҳри

1-берк

Ҳамза кўчаси 8-уй. Tel.289-

44-44

2008 йил «___» июль

№14/08

КАССАЦИЯ ПРОТЕСТИ

Даъвогар Х.Р.Касмуратовнинг жавобгар Ҳамза туман Хокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги фуқаролик иши юзасидан

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 28.02.2008 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Х.Р.Касмуратовнинг жавобгар Ҳамза туман хокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, ўзбошимчалик билан қурилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Окдарё кучаси, 1-муюлиш, 1-уйга эгалик ҳуқуқи даъвогарнинг марҳум отаси Касмуратов Раҳимга белгилаб берилган.

Мазкур фуқаролик иши апелляция тартибида қурилмаган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори асоссиз ва ноқонуний бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилинмоғи ва фуқаролик иши янгидан бошқа суд таркибида қуриш учун қайтарилмоғи лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 212-моддаси 2-қисмида кўрсатилишича, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга эгалик ҳуқуқини ололмайди. Ушбу модданинг 4-қисмида эса, «шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлса эътироф этилиши мумкин.» - деб кўрсатилган.

Вахоланки суд, конунинг ушбу нормасини кўпол равишда бузиб, жавобгарнинг вакили, низоли иморат жойлашган ер участкасини ажратиш тугрисида даъвогарнинг мархум отаси ёки даъвогарнинг ўзи томонидан хокимиятга мурожаат қилинмаганлигини ва ер участкасини уларга ажратиш тўғрисида ҳеч қандай қарор қабул қилинмаганлигини ҳамда бугунги кунда бундай ер майдонини ажратиш кўзда тутилмаганлигини баён қилган бўлишига қарамай, Х.Р.Касмуратовнинг даъво аризасини қанотлантириб берган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 212-моддаси 5-қисмида курсатилишича, «Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин.»

Суд эса, такроран конунбузилишга йўл қўйиб, низоли иморат жойлашган ер участкасининг мулкдори ҳисобланмаган, унга умрбод мерос сифатида ёки доимий эгалик қилмаётган ва ундан қонуний тартибда фойдаланмаётган даъвогарнинг мархум отаси Касмуратов Рахимга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этган.

Шунингдек, суд низоли иморатнинг бир қисмига фуқаро С.Дадабоев эгалик қилаётганини аниқ билгани ҳолда, уни Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 314-моддаси 4-бандига зид равишда ишда тараф сифатида иштирок этишга жалб қилмасдан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 320-323 моддаларига қўлланиб,-

СУРАЙМАН:

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг даъвогар Х.Р.Касмуратовнинг жавобгар Хамза туман хокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик иши юзасидан 28.02.2008 йилда чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилишингизни ва фуқаролик ишини бошқа суд таркибида янгидан қариш учун фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига қайтаришингизни.

Хамза туман прокурори
адлия маслаҳатчиси

Р..Р.Рустамов

«Прокурор назорати» фанидан тест саволлари

1. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ким томонидан тайинланади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- В) Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;
- Д) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валюта ва жиноий йул билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи ким томонидан лавозимга тайинланади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан;
- В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан;
- С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

3. Тошкент шаҳри ва вилоят прокурорлари ким томонидан тайинланадилар?

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан;
- В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан;
- С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

4. Туманлар ва шаҳарлар прокурорлари кимлар томонидан тайинланади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан;
- В) Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан;
- С) Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентиға қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳоли тўғрисида. . . .

- А) дарҳол;
- В) ҳар олти ойда;

- С) мунтазам равишда;
- Д) ҳар уч ойда ҳисобот беради.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига.....

- А) тизимли равишда;
- В) мунтазам;
- С) ҳар олти ойда;
- Д) беш йилда бир марта ҳисобот беради.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига прокуратура органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида. . . .

- А) мунтазам;
- В) ҳар олти ойда;
- С) ҳар уч ойда;
- Д) зудлик билан.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар ҳақида. . . .

- А) мунтазам;
- В) зудлик билан;
- С) доимий;
- Д) ҳар ойда.

9. Прокуратура органлари ходимларига олий даражали мансаб унвонлари ким томонидан берилади?

- А) Бош прокурор;
- В) Ўзбекистон Республикаси Президенти;
- С) Бош вазир;
- Д) Олий Мажлис.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳайъати таркибини ким тасдиқлайди?

- А) Бош прокурор;
- В) Ўзбекистон Республикаси Президенти;

- С) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари;
Д) Олий Мажлис Раиси.

11. «Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан прокуратура органлари ходимларини ким тақдирлашга ваколатли?

- А) Бош прокурор;
В) Ўзбекистон Республикаси Президенти;
С) Бош вазир;
Д) Олий Мажлис Раиси.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимига қандай тайинланади?

А) Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади;

В) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан тайинланиб, Бош прокурор томонидан тасдиқланади;

С) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан келишган ҳолда тайинланади;

Д) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Мудофаа вазири билан келишган ҳолда тайинланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори қандай тайинланади

А) Бош прокурор тайинлайди;

В) Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди;

С) Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда тайинлайди;

Д) Олий Мажлис Раиси томонидан тайинланади.

14. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири қачон қабул қилинган?

А) 1999 й. 29 август;

В) 1992 й. 9 декабр;

С) 2001 й. 29 август;

Д) 2000 й. 10 октябр.

15. Прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият принципларига қайсилар киреди?

А) бирлик, марказлашганлик, демократизм, қонунийлик;

В) бирлик, қонунийлик, ошкоралик, марказлашганлик;

С) қонунийлик, бирлик, марказлашганлик, мустақиллик, ошкоралик;

Д) қонунийлик, марказлашганлик, бирлик, ҳисобдорлик.

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўз ваколатларига кўра қайси прокуратурага тенглаштирилган?

А) Бош прокуратурага тенглаштирилган;

В) туман, шаҳар прокуратураларига тенглаштирилган;

С) вилоятлар, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тенглаштирилган;

Д) Мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас.

17. Қонун ижроси устидан назорат қилишда куйидагилардан қайсилари прокурор ваколатларига тааллуқли эмас?

А) Вазирлик, корхона, муассаса, ташкилот ва идораларнинг ҳудудларига кириш;

В) Раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслардан текшириш ва тафтиш ўтказишни талаб қилиш;

С) Мансабдор шахс ва фуқаролардан қонунбузилишлар тўғрисида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

Д) Идоравий бошқарув ва назоратни алмаштириш, бевосита хўжалик фаолиятига аралашув.

18. Маъмурий ҳуқуқбузарлик даражасидаги фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши аниқланган тақдирда прокурор қандай ҳаракатларни бажариши керак?

А) маъмурий ҳуқуқбузарлик иши кўзғатади;

В) зудлик билан хукуқбузарлик ҳақидаги хабарни ва теркшириш материалларини маъмурий хукуқбузарлик ишини кўришга ваколатли орган ёки мансабдор шахсга юборади;

С) айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб судга мурожаат килади;

Д) А ва Б.

19. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат предмети нима?

А) фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

В) жиноятлар устидан дастлабки терговни олиб бориш;

С) жамиятда ҳукуқий маданиятни юксалтириш ва ҳукуқий тарғибот фаолиятида иштирок этиш;

Д) Тезкор-кидирув фаолиятини, суриштирув, дастлабки тергов ва жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат.

20. Прокурорнинг тақдимномаси қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?

А) албатта, ўн кун муддатдан ошмаган вақт ичида;

В) албатта, ўн беш кун муддатдан ошмаган вақт ичида;

С) зудлик билан;

Д) албатта, бир ойлик муддатдан ошмаган вақт ичида.

21. Қайси ҳолатларда прокурор айблов хулосасини ёки қарорни тасдиқлаб ишни судга юборади?

А) бунга асослар бўлган барча ҳолатларда;

В) дастлабки тергов прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилганида;

С) дастлабки тергов МХХ ходимлари томонидан амалга оширилганида;

Д) дастлабки тергов ИИБ ходимлари томонидан амалга оширилганида.

22. Суднинг чиқарган ҳукми, қарори, ажримига нисбатан киритилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат протестлари ким томонидан чақириб олинishi, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин?

- А) Протест киритган прокурор;
- В) юкори турувчи прокурор;
- С) киритилган протестларни чақириб олиш, тўлдириш ёки ўзгартириш мумкин эмас;
- Д) А ва В жавоблари тўғри.

23. Прокурор назорати ҳужжати турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув;
- В) протест, қарор, тақдимнома, амрнома ва огоҳлантирув;
- С) протест, қарор, тақдимнома, амрнома, ариза ва огоҳлантирув;
- Д) протест, қарор, тақдимнома, амрнома.

24. Мансабдор шахс ёки давлат органининг ғайриқонуний қарорига нисбатан прокурор томонидан киритилган протестга қайси муддатда жавоб берилиши керак?

- А) зудлик билан;
- В) уч кунлик муддат ичида;
- С) бир ой муддат ичида;
- Д) прокурор протестини кўриб чиқадиган органнинг ихтиёрига кўра.

25. Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг ички ҳавфсизликни таъминлаш бўйича прокурорнинг катта ёрдамчилари ва бўлим бошлиғи лавозимига ким томонидан тайинланади?

- А) Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан;
- В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан;
- С) Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

26. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ким томонидан лавозимга тайинланади.

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда КРП томонидан;
- С) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси Ўз.Р. Бош прокурорининг розилиги билан;
- Д) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистон Рес.Прокурори билан келишган ҳолда.

27. Прокуратура органлари терговчилари ва прокурорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатиш кимнинг ваколатига тааллуқли?

- А) ЎЗР МХХ органларининг мутлақ ваколатига;
- В) прокуратура органларининг мутлақ ваколатига;
- С) ЎР ИИВ органларининг мутлақ ваколатига;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

28. Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ва интизомий жавобгарлиги ким томонидан ҳал қилинади?

- А) Бош Прокурор томонидан;
- В) Бош Прокурорнинг биринчи ўринбосари томонидан;
- С) юқори турувчи прокурор томонидан;
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

29. Прокуратура ходимларига йиллик пул тўланадиган таътиллар муддати?

- А) 30 календар кун;
- В) 36 календар кун;
- С) 24 календар кун;
- Д) 18 календар кун.

30. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қайси ёшдан кичик бўлмаслиги керак?

- А) йигирма беш;
- В) ўттиз беш;

- С) ўттиз;
- Д) ёшнинг фарқи йўқ.

31. Қайси ишлар бўйича прокурор давлат айбловини қувватлайди?

- А) фуқаролик;
- В) хўжалик;
- С) жиноят;
- Д) маъмурий.

32. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари хайъатларининг таркиби ким томонидан тасдиқланади?

- А) Президент томонидан;
- В) Олий Мажлис томонидан;
- С) Халқ депутатлари Кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кенгеси томонидан;
- Д) Бош прокурор томонидан.

33. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага ва жиноий йул билан топилган даро-модларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи ўринбосари ким томонидан тайинланади?

А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда;

В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

С) Департамент бошлиғи томонидан Бош прокурор билан келишилган ҳолда;

Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

34. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар прокурорлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳар:

- А) 3 ойда;
- В) 6 ойда;
- С) 12 ойда;
- Д) мунтазам равишда ахборот бериб туриши керак.

35. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ҳамда бошқа ҳужжатларини қайси орган бекор қила олади?

- А) Конституцион суд;
- В) Олий суд;
- С) Президент;
- Д) Олий Мажлис.

36. Ихтисослаштирилган прокуратуралар ўз ваколатларига кўра қайси прокуратураларга тенглаштирилган?

- А) Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларига;
- В) туман прокуратураларига;
- С) мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас;
- Д) Бош прокуратурага тенглаштирилган.

37. Транспорт прокуратуралари ўз ваколатларига кўра қайси прокуратураларга тенглаштирилган?

- А) Вилоят прокуратураларига
- В) туманлар ва шаҳарлар прокуратураларига
- С) мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас.
- Д) Бош прокуратурага тенглаштирилган.

38. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий йул билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи ўринбосари ким томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади?.

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда;

В) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

С) Департамент боошлиғи томонидан Бош прокурор билан келишилган ҳолда.

Д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади.

39. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, қайд қилиш ва ҳал қилиш прокурорлар томонидан қанча муддатда текширилади?

А) Ҳар 10 кунда;

В) бир ойда камида бир марта;

С) бир ойда камида икки марта;

Д) ҳар беш кунда.

40. Протест киритиш ваколат доирасидан чиқиб кетган прокурор юқори турувчи прокурорга нима билан мурожаат қилади?

А) протест киритишни сўраб тақдимнома билан

В) протест лойиҳаси билан

С) ариза билан

Д) Ҳеч қандай чоралар кўрмайди.

41. Прокурорга унинг киритган протести натижаси ҳақида қанча муддатда хабар қилинади?

А) уч кунлик муддатда;

В) беш кунлик муддатда;

С) ўн кунлик муддатда;

Д) дарҳол.

42. Туман, шаҳар, вилоят прокурорлигига қуйидаги ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланадилар:

А) 30 ёш;

В) 35 ёш;

С) ёшнинг фарқи йўқ;

Д) 25 ёш..

43. Прокурорлар ваколати фаолиятида неча марта комплекс текширув ўтказилади?

- A) камида 2 марта;
- B) камида 3 марта;
- C) 5 йилда 1 марта;
- D) умуман текширилмайди.

44. Ўқ отар қурол олиб юриши мумкин бўлган прокуратура органлари ходимлари рўйхатини ким белгилайди?

- A) Президент;
- B) ИИВазирлиги Бош прокурор билан келишган ҳолда;
- C) Бош прокурор;
- D) Вилоят прокурорлари.

45. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қачон қабул қилинган?

- A) 2002 й. 6 июнь;
- B) 2001 й. 6 июль;
- C) 2002 й. 10 апрель;
- D) 2003 й. 20 октябрь.

46. Департаментнинг туман бўлимлари бошлиқлари, бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ким томонидан тайинланади?

- A) Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан, Департамент бошлиғи томонидан;
- B) Бош прокурор томонидан, Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан;
- C) Департамент бошлиғи томонидан мустақил;
- D) Президент томонидан, Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан.

47. Бош прокуратура томонидан жорий режалаштириш қайси муддатга тузилади?

- А) 3 ойга;
- В) бир ойга;
- С) бир йилга;
- Д) 6 ой муддатга.

48. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш тўғрисида”ги Буйруғи қачон қабул қилинган?

- А) 2001 й. 2 декабрь;
- В) 2004 й. 10 октябрь;
- С) 2005 й. 20 апрель;
- Д) 2003 й. 5 май.

49. Қарор қабул қилишда ҳайъат билан келишмовчилик бўлганида Бош прокурорнинг ҳаракатлари?

- А) коллегия қарори билан муроса қилади;
- В) ўз қарори шахсан қабул қилади;
- С) ўз қарорини қабул қилиб, бу ҳақда Президентга маълум қилади;
- Д) ўз қарорини қабул қилиб, бу ҳақда Олий Мажлис Раисига маълум қилади.

50. Қайси йил Ўзбекистон прокуратурасининг туғилган йили ҳисобланади ?

- А) 1917 йил;
- В) 1918 йил;
- С) 1921 йил;
- Д) 1922 йил.

51. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) қачон қабул қилинган ?

- А) 2001 йил 1 сентябрь;
- В) 2001 йил 29 август;
- С) 2001 йил 27 октябрь;
- Д) 2001 йил 29 сентябрь.

52. Қуйида қайд этилган мақсадлардан қайси бири прокуратура фаолиятининг мақсадларига тааллуқли эмас?

- A) Давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- B) Қонунларнинг устуворлигини таъминлаш;
- C) Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- D) Давлат ва жамиятнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини таъминлаш.

53. Прокуратура органлари ҳокимиятнинг қайси тармоғига тегишли?

- A) ижро ҳокимиятига;
- B) суд ҳокимиятига;
- C) ҳеч қайсисига;
- D) қонун чиқарувчи ҳокимиятга.

54. Қуйида қайд қилинганлардан қайси бири прокурор назоратининг алоҳида тармоғи ҳисобланмайди?

- A) қонунлар ижроси устидан назорат;
- B) суд органлари томонидан қонунлар қай даражада ижро этилаётганлиги устидан назорат;
- C) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат;
- D) жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб борилиши устидан назорат.

55. Прокурорнинг мустақиллик принципи мазмуни шунини билдирадики, у ўз ваколатларини...

- A) унга буйсунадиган ходимлардан;
- B) юқори турувчи прокурордан;
- C) суд қарорларидан;
- D) давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширади.

56. Қуйида қайд қилинган субъектларнинг қайси бирига прокурор қонунийлик ҳолати ҳақида ахборот бермайди?

- A) аҳоли;
- B) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

- С) тижорат ташкилотлари;
- Д) вилоят халқ депутатлари Кенгашига.

57. Прокурорлар ва терговчилар сайлов органлари аъзолари бўлишлари мумкинми?

- А) йўқ, бўлиши мумкин эмас;
- В) бўлиши мумкин, фақат туманлар микёсида;
- С) бўлиши мумкин, фақат вилоятлар микёсида;
- Д) ҳамма даражада бўлиши мумкин.

58. Прокурор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажлисларида иштирок этиши мумкинми?

- А) йўқ, чунки бу конунда назарда тутилган эмас;
- В) мумкин, қачонки уни таклиф қилинса;
- С) йўқ, чунки, бу органлар давлат ҳокимияти органлари тизимига қирмайди;
- Д) мумкин, чунки бу конунчиликда назарда тутилган.

59. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қуйида қайд этилган жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг қайси бири фаолиятини мувофиқлаштира олмайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик Кенгаши фаолиятини;
- В) Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати фаолиятини;
- С) Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси фаолиятини;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси фаолиятини.

60. Прокуратура органларининг ягона тизимига қирмайдиган прокуратура органлари тузилиши мумкинми?

- А) Олий Мажлис Сенатининг топшириғига биноан мустақил текшириш ўтказиш талаб қилинган ҳолларда мумкин;
- В) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва битимлар доирасида аниқ тадбир ўтказилиши мақсадида мумкин;

С) вилоят давлат ҳокимиятларининг қарорларига биноан тегишли ҳудудларда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида мумкин;

Д) йўқ, мумкин эмас.

61. Прокуратура органлари тизими нечта бўғиндан иборат.

А) учтадан;

В) иккитадан;

С) тўрттадан;

Д) бештадан.

62. Қуйида қайд қилинган прокурорлардан қайсиси ҳудудийлар қаторига кирмайди?

А) шаҳар прокурори;

В) туман прокурори;

С) вилоят прокурори;

Д) жиний жазолар ижро этиш муассасалари махсус прокурори.

63. Прокуратура ходимлари қайд этилган қайси фаолият билан шуғулланишлари мумкин?

А) тадбиркорлик фаолияти;

В) сиёсий фаолият;

С) педагогик фаолияти;

Д) воситачилик фаолияти.

64. Кимлар “Прокуратура ходимлари” тоифасига киради?

А) прокуратура органларининг барча ходимлари;

В) фақат прокурорлар;

С) фақат прокурорлар ва терговчилар;

Д) ҳарбий ва мансаб унвонларига эга бўлган прокуратуранинг барча муассаса ва идораларининг ходимлари.

65. Қайд қилинган қайси орган прокурор назорати таъсиридан четда қолади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси;
- С) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

66. Прокурор қайси бир органнинг ҳуқуқий ҳужжатиغا нисбатан протест кирита олмайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати;
- В) Вилоят ҳокимияти органлари;
- С) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- Д) шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари.

67. Назоратни амалга ошириш чоғида, қайд қилинган қайси бир орган томонидан прокурорнинг киритган протести юзасидан ҳуқуқий ҳужжат ижро этилиши тўхтатиб турилмайди?

- А) жиноий жазони ижро этиш муассасаси;
- В) суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш департаменти;
- С) вилоятлар ҳокимликлари;
- Д) А ва В жавоблар тўғри.

68. Қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимномани кўриб чиқишни қонун билан белгиланган муддати мавжудми?

- А) белгиланган, зудлик билан;
- В) белгиланган, беш кун муддат ичида;
- С) белгиланган, бир ой муддат ичида;
- Д) йўқ, белгиланган эмас.

69. Қайси ҳолатларда прокурорлар томонидан қарор чиқарилмайди?

- А) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганида;
- В) зарар келтирилганлиги аниқланганда;
- С) интизомий қилмиш содир этилганлиги аниқланганда;
- Д) ноқонуний ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишда.

70. Прокурор судда даъво аризаси билан бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш юзасидан чиқиши мумкин, қачонки....

А) жабрланувчи соғлиғи ёмонлиги муносабати билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаса;

В) бир қанча фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилганда;

С) хусусий тадбиркорларнинг тижорат манфаатларига доир ҳуқуқлари бузилганда;

Д) ҳуқуқбузарлик жамиятда алоҳида муҳим аҳамиятга эгаллиги тусини олганда.

71. Қуйида қайд қилинган қайси бир функцияни прокурорлар жинсий таъқиб доирасида амалга оширмайдилар?

А) дастлабки тергов;

В) тезкор-қидирув фаолияти;

С) давлат айбловини қувватлаш;

Д) жиноятларнинг олдини олиш.

72. Қайд этилган қайси бир қилмиш прокуратура ходимларига нисбатан интизомий характердаги жазо чораси қўлланиши учун асос ҳисобланмайди?

А) хизмат мажбуриятларини бажармаслик.

В) хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик.

С) прокуратура ходимлари номига доғ туширувчи хатти-харакатларни содир этиш.

Д) коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўламаслик.

73. Туман прокурорининг ёрдамчиси гайриқонуний қабул қилинган ҳужжатга нисбатан протест кирита оладими?

А) ҳа, кирита олади;

В) ҳа, кирита олади, қачонки протестни туман прокурори тасдиқласа;

С) ҳа, кирита олади, агарда гайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатни ўзи аниқлаган бўлса;

Д) йўқ, кирита олмайди.

74. Қайд этилган қайси вазифалар прокуратура органлари томонидан ҳал қилинади?

- А) бош, иккинчи даражали ва қўшимча;
- В) умумий, махсус ва хусусий;
- С) асосий, қўшимча ва махсус;
- Д) бош, махсус ва хусусий.

75. Қайд этилганлардан қайси фаолият прокуратура фаолиятининг йўналишлари ҳисобланмайди?

- А) судлар фаолияти устидан назорат;
- В) жиноий таъқиб;
- С) қонунлар ижроси устидан назорат;
- Д) ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти.

76. Қайд этилган қайси принцип прокуратура органлари фаолияти ва ташкил этилиши принциплари ҳисобланмайди?

- А) Ошкоралик;
- В) Қонунийлик;
- С) Демократизм;
- Д) Мустақиллик.

77. Прокурор назоратини амалга оширишга аралашингга йўл қўйиладими?

- А) ҳа, йўл қўйилади, фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;
- В) ҳа, йўл қўйилади, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;
- С) ҳа, йўл қўйилади фақат Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Вакили томонидан;
- Д) йўқ, йўл қўйилмайди.

78. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурорнинг иштироки, унинг ҳуқуқларини ифода этади:

- А) қонун чиқарувчи органлардан зарур бўлган қонунларни қабул қилишни талаб қилиш;
- В) зарур бўлган қонунларни қабул қилиш учун фақатгина қонун чиқарувчи органга мурожаат қилиш;

С) қонун чиқарувчи орган ва қонун ижодкорлиги ташаббуси ҳуқуқига эга органларга қонунларга ўзгартириш киритишни ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни сўраб мурожаат қилиш;

Д) қонун ижодкорлиги ташаббусига эга бўлган органлардан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни талаб қилиш.

79. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун прокуратура органларига қанча муддат белгиланган?

А) 30 кун;

В) 60 кун;

С) 20 кун;

Д) 45 кун.

80. Прокуратура органларига қайси органлар фаолиятини қайси масалалар бўйича мувофиқлаштириш юклатилган?

А) давлат ҳокимияти органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалалар юзасидан;

В) давлат назорати органларини ҳуқуқбузарликка қарши кураш масалалари юзасидан;

С) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жиноятчиликка қарши кураш фаолияти юзасидан;

Д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни қонунийликни мустаҳкамлаш фаолияти юзасидан.

81. Прокуратура органлари ва муассасаларини ташкил қилиш ким томонидан ҳал этилиши керак?

А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан.

В) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

С) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан.

Д) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан

82. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда прокуратураларнинг ташкил этилишига йўл қўйиладими?

А) ҳа, фавқулодда ҳодисалар содир бўлаётган вақт мобайнида;

В) ҳа, агарда уларнинг ваколатлари қонун доирасидан чиқиб кетмаса;

- С) йўк, йўл қўйилмайди;
- Д) ҳа, агарда жойларда прокуратура органлари ўзларининг олдиларига қўйилган вазифаларни уддалай олмаётган бўлсалар.

83. Қайд этилган қайси прокуратура ихтисослашган прокуратуралар қаторига киритилмайди?

- А) транспорт;
- В) туман;
- С) харбий;
- Д) табиатни муҳофаза қилувчи.

84. Туман прокуратураларида жорий режаланштириш қайси муддатга белгиланади?

- А) бир йилга;
- В) ярим йилга;
- С) бир ярим йилга;
- Д) уч ойга.

85. Қайд қилинган қайси ҳужжат устидан прокурор назоратини ўрнатиб бўлмайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;
- В) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- С) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Д) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари.

86. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари учун фаолият муддати белгиланганми, агарда шундай бўлса, қанча?

- А) йўк, белгиланган эмас;
- В) ҳа, тўрт йил;
- С) ҳа, беш йил;
- Д) ҳа, олти йил.

87. Қайд этилган қайси талаб прокуратура органларига ишга кириш учун тўсқинлик қилмайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг йўқлиги;
- В) никоҳдан ўтганлигини қайд этиш гувоҳномасининг йўқлиги;

- С) олий юридик (департамент учун иктисодий ва молиявий) маълумотга эга бўлмаслик
Д) судланганликнинг мавжуд бўлиши.

88. Қайд қилинган прокуратура ходимларидан қайси бири “прокурор” деган тушунча остига тушмайди?

- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари;
В) туман прокурорининг катта ёрдамчиси;
С) вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи;
Д) канцелярия мудири.

89. Қайд этилган қайси шахслар прокурор назорати объекти ҳисобланмайдилар?

- А) мансабдор шахслар;
В) тижорат ташкилотлари раҳбарлари;
С) нотижорат ташкилотлари раҳбарлари;
Д) фуқаролар.

90. Ғайриқонуний ҳужжатни аниқлаган прокурор қандай ишни бажариши керак?

- А) тақдимнома киритиши;
В) огоҳлантирув эълон қилиши;
С) протест киритиши;
Д) қарор чиқариши.

91. Маҳаллий ҳокимият органларининг ғайриқонуний ҳужжатларига нисбатан киритилган протестни кўриш учун қанча муддат белгиланган?

- А) Келиб тушгандан бошлаб 10 кун муддат ичида;
В) энг яқин бўлиб ўтадиган сессияда;
С) энг яқин бўлиб ўтадиган сессия бошланишидан 10 кун аввал;
Д) прокурор томонидан навбатдан ташқари сессия ўтказилиши талаб қилинганида.

92. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжати қонунга номувофиқлигини аниқлаган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколати:

- А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳабар қилади;
- В) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат Раисини бу ҳақда огоҳлантиради;
- С) ушбу ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан протест киритади;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Президентига бу ҳақда ахборот беради.

93. Прокурор ўзидан юқори турувчи органга қонунбузилиш ҳолларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома кирита оладими?

- А) йўқ, чунки субординация бузилади;
- В) мумкин, агарда бу қонун бузилиши ҳолатлари олдини олишга ёрдам берса;
- С) йўқ, у ўзидан юқори турувчи тегишли прокурорга тақдимнома билан мурожаат қилиши керак;
- Д) йўқ, бу қонун билан тақиқланган.

94. Прокурор кимга нисбатан қонун бузилиши олдини олиш юзасидан огоҳлантирув кирита олади?:

- А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисига;
- В) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Раисига;
- С) фуқаролар ва мансабдор шахсларга;
- Д) Олий суд раисига.

95. Қайд этилган қайси қонуний ҳужжатда прокурорнинг суриштирув органлари томонидан қонунилар ижроси устидан назорат ваколати мустаҳкамланган?

- А) Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси;
- В) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси;
- С) Ўзбекистон Республикаси “Милиция тўғрисида”ги Низом;
- Д) Ўзбекистон Республикаси “Миллий хавфсизлик хизмат тўғрисида”ги Низом.

96. Қайси суд иш юритувида прокурор иштироки назарда тутилмаган?

- А) Жиноий суд иш юритуви;
- В) Фуқаролик суди иш юритуви;
- С) Маъмурий суд иш юритуви;
- Д) Конституциявий суд иш юритуви.

97. Қайд этилган қайси бир жазо прокуратура органларини интизомий жавобгарликка тортиш фаолиятида қўлланилмайди?

- А) Мансаб унвонини пасайтириш;
- В) кам ҳақ тўланадиган лавозимга ўтказиш;
- С) огоҳлантириш;
- Д) Прокуратура органларидан ишдан бўшатиш.

98. Прокуратура органларининг барча ходимлари мансаб унвонлари ва ҳарбий унвонларга эгами?

- А) йўқ, фақат аттестациядан ўтадиганлар;
- В) йўқ, фақат прокурорлар ва терговчилар;
- С) ҳа, барчалари;
- Д) йўқ, фақат прокурорлар.

99. Вилоят прокурори лавозимида бўлиш учун қанча муддат белгиланган?

- А) уч йил;
- В) муддат белгиланмаган;
- С) беш йил;
- Д) тўрт йил.

100. Прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланади.

- А) протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув;
- В) протест, қарор, тақдимнома, амрнома, ариза, огоҳлантирув;
- С) протест, қарор, амрнома, ариза, огоҳлантирув;
- Д) протест, қарор, прокурорнинг даъвоси, ариза, амрнома.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ фанидан 24 соат маъруза

№	ФАН БЎЙИЧА МАВЗУЛАРНИНГ НОМИ	Маъ- руза соат	Семи- пар соат
1.	Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, моҳияти ва вазифалари. Давлат хизматининг алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати.	2	2
2.	Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муножатларини кўриб чиқиш.	2	2
3.	Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш.	2	2
4.	Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.	2	2
5.	Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.	2	2
6.	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.	2	2
7.	Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ижро этилиши устидан прокурор назорати.	2	2
8.	Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор ваколатлари.	2	2
9.	Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари.	2	2
10.	Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.	1	1

11	Қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.	1	1
12	Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.	1	1
13	Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.	1	1
14	Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.	2	2
15	Прокуратура органлари ходимлари.	1	1
16	МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.	1	1
	ЖАМИ	24	24

Прокурор назорати фанидан ўқув дастури режаси: УМУМИЙ ҚИСМ

КИРИШ

1-БОБ: Прокурор назорати фанининг тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.

Прокурор назорати фанининг тушунчаси, предмети ҳамда тизими, мақсади ва вазифалари. Прокурор назорати фанининг бошқа ҳуқуқшунослик фанлари билан ўзаро алоқадорлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифалар.

БИРИНЧИ БЎЛИМ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2-БОБ: Давлат хизмати алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати.

Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари, Қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги ҚОНУНИ (янги таҳрири). Прокурор назорати курсининг бошқа юридик фанлар билан алоқаси. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.

3-БОБ: Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралик принциплари. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш.

4-БОБ: Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш.

Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва кўрсатмалари, низомлар. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш. Прокуратурада ишларни режалаштириш. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик. Ҳисобдорлик, ҳисоб ва ҳисобот. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари. Мувофиқлаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти. Мувофиқлаштириш принциплари. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари.

ИККИНЧИ БЎЛИМ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ.

5-БОБ: Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар. Туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари. Прокуратура органларининг ҳайъатлари.

МАХСУС ҚИСМ УЧИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТАРМОҚЛАРИ

6-БОБ: Қонунлар ижроси устидан (умумий) назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.

Қонунлар ижроси устидан (умумий) назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари. Қонунлар ижроси устидан (Умумий) назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари.

Прокуратура органларининг турли даражаларида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашшига йўл қўйилмаслиги.

7-БОБ: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари. Прокурорнинг ваколатлари. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари. Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

8-БОБ: Қонунларни жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишлари устидан прокурор назорати.

Қонунларни жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишлари устидан прокурор назорати тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ваколатлари, шакллари ва усуллари. Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва мажбуриятлар юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш ва уларнинг қонунийлиги. Жиноят ишларини тергов қилишда

фукаролар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати. Суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор қидирув фаолиятида қопун бузилиши ҳолларини аниқлаш ва прокурор таъсир чораларини қўллашдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

9-БОБ: Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов ҳулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари.

Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари. Процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари Айблов ҳулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари. Жиноят ишини судга юбориш.

10-БОБ: Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари.

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати тушунчаси ва вазифалари. Жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурорнинг ваколатлари. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки қамоқ жойларида (СИЗОда) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида (ахлоқ тузатиш колонияларида “манзил колонияси, умумий тартибли колония, қаттиқ тартибли колония” ва турмаларда) сақлашнинг

қонунийлиги устидан назорат. Маҳкумларни АТК дан турмага ва аксинча, ҳамда АТК нинг бирор режимдан бошқа режимга ўтказишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат олиб бориш. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилиш, жиноий жазодан муддатидан илгари озод қилиш, маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш жойида меҳнатга мажбуран жалб этиш шарти билан озод этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат олиб бориш. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат қилиш.

11-БОБ: Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси вазифаси ва аҳамияти. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш: а) вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича; б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш; в) вояга етмаганларга тегишли жиноят ишлари судларда кўрилиши бўйича; г) тарбия, меҳнат муассасаларида.

12-БОБ: Қонунларни такомиллаштириш ва ташвиқот қилишда прокурор иштироки. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.

Қонунларни такомиллаштиришда прокурор иштироки. Қонунларни ташвиқот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ҳуқуқий ташвиқот шакллари. Прокуратура органларида қонунларни системалаштириш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашнинг мазмуни ва аҳамияти. Прокуратура органларида

шикоятларни кўриш ва ҳал қилиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашни ташкил қилиш. Фуқароларни қабул қилиш. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

ТҶРТИНЧИ БЎЛИМ **СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОР** **ВАКОЛАТЛАРИ**

13-БОБ: Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар. Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатлари. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари. Ишларни судда кўриш босқичида прокурор ваколатлари. Биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор ваколатлари.

14-БОБ: Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш. Фуқаролик аризалари ва даъвоси билан судга ариза бериш асоси. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати. Судлардан ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш. Суд қарорларига протест келтириш. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш ва чақириб олиш тартиби.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ХУЖЖАТЛАРИ

15-БОБ: Прокурорнинг назорати хужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.

Прокурорнинг назорати хужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби. Протест. Қарор. Тақдимнома. Ариза. Огоҳлантирув.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ

16-БОБ: Прокуратура органлари ходимлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари.

17-БОБ: МДХ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.

МДХ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон в. б.) прокуратура органларининг фаолияти; Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари. Халқаро ҳамкорлик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИ
09.12.1992 й.
№ 746-ХП

ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА
(янги таҳрири)

Мазкур Қонуннинг янги таҳрири
ЎзР 29.08.2001 й. 257-П-сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган
(Олдинги таҳририга қаранг)

Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар
киритилган

ЎзР 25.04.2003 й. 482-П-сон Қонуни,
ЎзР 03.12.2004 й. 714-П-сон Қонуни,
ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-100-сон Қонуни,
ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни

I бўлим. Умумий қоидалар

II бўлим. Прокуратура органлари

III бўлим. Прокурор назорати

IV бўлим. Судларда ишларни кўришда прокурорнинг
ваколатлари

V бўлим. Прокурор назорати ҳужжатлари

VI бўлим. Прокуратура органларининг ходимлари

VII бўлим. Яқунловчи қоидалар

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура
органларининг асосий вазифалари

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг
ҳуқуқий асослари

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг
асосий йўналишлари

5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари

6-модда. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

7-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

8-модда. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши

1-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

3-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4-модда. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура органлари ўз фаолиятини куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-кидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари қўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

5-модда. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралиқдир.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралashiш тақиқланади.

Прокурорнинг ғайиқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг руҳсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

6-модда. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

7-модда. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиладар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадиладар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

8-модда. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан, статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида прокурорнинг иштирок этиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли ва қуйи органлари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этишга ҳақли.

II БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ

10-модда. Прокуратура органларининг тизими

11-модда. Прокурорларнинг ваколат муддати

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг ваколатлари

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурорининг ҳисобдорлиги

15-модда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси

16-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари

ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

17-модда. Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга

тенглаштирилган прокуратуралар

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши

курашиш

департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари

19-модда. Прокуратура органларининг ҳайъатлари

10-модда. Прокуратура органларининг тизими

Прокуратура органларининг тизими куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;

- вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;

- туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;

- вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;

- туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

11-модда. Прокурорларнинг ваколат муддати

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади. (ЎЗР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурорининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин; (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади;

прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

прокуратура органлари ходимларини "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирлайди;

буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳуж-

жатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдордир. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва ғавқулда ҳодисалар тўғрисида - зудлик билан;

прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

15-модда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туман, шаҳар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асо-

сида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор-криминалист Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

16-модда. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ҳамда лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш

учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари, катта прокурор-криминалистлар ва прокурор-криминалистлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

17-модда. Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик

қилади, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурорлар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлиши мумкин.

Туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганувчилари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги

**Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш
департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари**
(ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) ташкил этилади. Департаментга лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Департамент бошлиғининг ўринбосарлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Худудий бошқармаларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Департаментнинг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Департаментни ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

19-модда. Прокуратура органларининг ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби тегишли прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жиноятчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин.

III БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

1-боб. Қонунлар ижроси устидан назорат

2-боб. Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат

3-боб. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

4-боб. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат

1-БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ

20-модда. Назорат предмети

21-модда. Қонунлар ижросини текшириш

22-модда. Прокурорнинг ваколатлари

23-модда. Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги

20-модда. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

21-модда. Қонунлар ижросини текшириш

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

22-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

23-модда. Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги

Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашishiга, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди.

2-БОБ. ФУҚАРОНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

24-модда. Назорат предмети

25-модда. Прокурорнинг ваколатлари

26-модда. Прокурорнинг судга даъвоси

24-модда. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

25-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб:

фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

26-модда. Прокурорнинг судга даъвоси

Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди.

3-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

27-модда. Назорат предмети

28-модда. Прокурорнинг ваколатлари

29-модда. Прокуратура органлари томонидан
жиноятларни тергов қилиш

27-модда. Назорат предмети

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.

28-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишлари устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида:

суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилади;

содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текширади;

терговчилар ва суриштирувчиларнинг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, айбланувчи тарихида ишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этиб яширинган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

суриштирув органларига ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини, шу жумладан, прокурор ёки прокуратура терговчиси иш юритувида бўлган ишлар юзасидан тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради; (ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-100-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда жиноят-процессуал қонунга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўла ҳажмда амалга оширади; (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

дастлабки тергов муддатини узайтиради, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида судга

илтимоснома киритади; (ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-100-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, жиноят-процессуал қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказиши; (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция беради, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради; (ЎзР 11.07.2007 й. ЎРҚ-100-сон Қонуни тахриридаги хат боши), (Олдинги тахририга қаранг)

жиноят ишларини қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, жиноят ишларини тугатади ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради;

айблов ҳулосасини ёки қарорини тасдиқлайди, ишни судга юборади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган терговолди текшируви ўтказиш, жиноят ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

29-модда. Прокуратура органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш

Прокуратура органлари жиноят-процессуал қонунга биноан ўз ваколатларига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан тергов ўтказадилар.

Прокурор жиноят-процессуал қонунга мувофиқ ҳар қандай жиноятни тергов қилишни ўз иш юритувига олишга ёки ўзига бўйсунувчи прокурорга топширишга, шунингдек биргаликда тергов ўтказиш учун прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари ҳамда бошқа органларнинг терговчилари ва тезкор ходимларидан иборат тергов гуруҳини тузишга ҳақлидир. (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни тахриридаги қисм)

4-БОБ. УШЛАБ ТУРИЛГАНЛАРНИ, ҚАМОҚҚА ОЛИНГАНЛАРНИ САҚЛАШ ЖОЙЛАРИДА, ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИРНИНГ БОШҚА ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ЧОҒИДА ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

30-модда. Назорат предмети

31-модда. Прокурорнинг ваколатлари

32-модда. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг мажбуриятлари

30-модда. Назорат предмети

Қуйидагилар назорат предмети ҳисобланади:

ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;

ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

ушлаб турилганлар, қамокқа олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши;

жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши.

31-модда. Прокурорнинг ваколатлари

Прокурор ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз ваколатлари доирасида:

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек жиноий жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

агар қамоқда сақланаётган, қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга номувофиқ бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлардан ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан холи ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;

ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятларининг буйруқлари, фармойишлари ва

қарорлари, тезкор-кидирув тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятидан талаб қилишга;

жазони ижро этувчи муассаса бошлиғининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишга рухсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги, маҳкума аёлларнинг жазони ижро этиш муассасаси ташқарисида яшаши тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

32-модда. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг мажбуриятлари

Прокурор ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилиши шарт.

IV БЎЛИМ. СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

33-модда. Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки

34-модда. Ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш

35-модда. Суд қарорларига протест келтириш

36-модда. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш

33-модда. Судларда ишларни кўришда прокурорнинг иштироки

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Прокурор судларда жиноят ишлари кўрилаётганда давлат айбловини қувватлайди.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради.

Ишлар судларда кўрилаётганда иштирок эгаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади.

Прокурор суд процессининг бошка иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт.

34-модда. Ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор ёки унинг топшириғига биноан прокуратура органларининг бошка ходимлари судларда бундай ишларнинг ҳар қандай тоифасини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Айблов ҳулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга.

35-модда. Суд қарорларига протест келтириш

Прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига протест келтиришга ҳақли.

Протест келтириш прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этади.

36-модда. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат тартибидаги протест ишни судда кўриш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор томонидан, шунингдек юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олинishi мумкин.

V БЎЛИМ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

37-модда. Прокурор назорати ҳужжатларининг турлари

38-модда. Протест

39-модда. Қарор

40-модда. Такдимнома

41-модда. Ариза

42-модда. Огоҳлантирув

37-модда. Прокурор назорати ҳужжатларининг турлари

Протест, қарор, такдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир.

38-модда. Протест

Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол баргараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қискартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин.

Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

39-модда. Қарор

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

40-модда. Тақдимнома

Прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Такдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чоратadbирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Такдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

41-модда. Ариза

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

42-модда. Огоҳлантирув

Прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

VI БЎЛИМ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ

43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан

қўйиладиган талаблар

44-модда. Прокурорлар ва терговчиларнинг қасамёди

45-модда. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш

46-модда. Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция

47-модда. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари

48-модда. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат

49-модда. Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги

50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти

51-модда. Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоялаш чоралари

43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимиغا йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин.

44-модда. Прокурорлар ва терговчиларнинг қасамёди

Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс куйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

"Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, конун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан".

Қасамёд қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

45-модда. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

46-модда. Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция тузилади.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмом қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолайиқ бошқа ноҳўя хатги-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказди.

Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

47-модда. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари

Прокуратура органлари ходимларига эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади.

48-модда. Прокуратура органлари ва муассасаларидаги хизмат

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга.

49-модда. Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги

Прокурор ва терговчига нисбатан жинойт иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатги-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти

Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

51-модда. Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғуртланади.

Давлат суғурта органлари қуйидаги ҳолларда суғурта суммаларини тўлайдилар:

прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатиладиган кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда;

прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карраси миқдорда;

прокуратура органлари ходимига у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятини доимий йўқотишга олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида унинг ойлик иш ҳақи беш карраси миқдорида.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига етказилган зарарнинг тўлови боқувчисини йўқотганлик муносабати билан тайинланган пенсия, худди шунингдек бошқа пенсия, иш ҳақи, стипендия ва ўзга даромадларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, улар айбдор шахслардан қонунда белғиланган тартибда кейинчалик ундириб олинади.

ҲАМКОРЛИК ҲАМДА ҲАМКОРЛИК ҲАМДА

52-модда. Халқаро ҳамкорлик

53-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура муассасалари

54-модда. Прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

55-модда. Прокуратура органларининг мухри

56-модда. Ушбу Қонунда қўлланилган айрим атамаларнинг талқини

52-модда. Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартнома-ларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади.

53-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура муассасалари

Илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида белгиланган тартибда идоравий илмий муассасалар ва ўқув юртлари ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари даврий нашрлар ҳамда махсус адабиётлар чоп этиши мумкин.

54-модда. Прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти

Прокуратура органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти республика бюджети маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

55-модда. Прокуратура органларининг мухри

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унга бўйсунувчи прокуратуралар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири ва ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади.

56-модда. Ушбу Қонунда қўлланилган айрим атамаларнинг талқини

"Фуқаролар" деган атама замирида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тушуниш керак.

"Прокуратура органлари ходимлари" деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

5, 6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак.

28-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, иккинчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқларини тушуниш керак.

1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидаги, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунинг-

дек уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак. (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни тахриридаги қисм)

28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорларини ва уларга тенглаштирилган прокурорларни тушуниш керак.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ (Глоссарий)

“Прокурор назорати” – дейилганида, биринчидан, прокуратура органлари вазифасини, асосий функциясини амалга оширувчи, давлат фаолияти туторинг махсус бир турини тушунсак, иккинчидан ҳуқуқий фан тармоғининг бир бўлаги ва ўқув интизомини тарикасида тушунилади.

Прокурорлар фаолияти - дейилганида прокуратура органлари тизимида ишлайдиган мансаб лавозими ва махсус унвонга эга бўлган барча прокуратура ходимлари фаолияти тушунилади.

Прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятдир.

Принцип – лотинча сўздан олинган бўлиб, “*principium*” яъни, «қоида», «асос», «асосий, раҳбарий қоидалар, йўл-йўриқлар» деган маънони билдиради. Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради.

Бирлик принципи - деганда, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорлар ягона тизимни ташкил этади. Ҳар бир прокурор белгиланган ҳудуд ва доирада фаолият кўрсатар экан, ягона тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Прокуратураси номидан ҳаракат қилади.

Марказлашганлик принципи – бу қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга бўйсунушини ҳамда Бош прокурорга бўйсунушини тушунилади.

Мустақиллик принципи – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб борадилар (назоратни амалга олишни тергов олиб бориш ва б.). бунда улар текширув ва тергов материаллари ҳамда уларни олиб боришнинг тўлиқлиги, объективлиги ва ҳар тамонламалигини таъминловчи сифатида намоён бўлади.

Ошкоралик принципи - бу прокуратура органлари фаолиятининг ошкоралиги, унинг фуқаролар, оммавий ахборот воситалари учун очиқ ўз фаолиятини амалга оширилишидир.

Қонунийлик принципи - бу ҳуқуқ субъектлари фаолияти учун умумҳуқуқий бошланғич асос ҳисобланади. Бу принципга амал қилиш ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шарти ҳисобланади. Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт.

Ички ташкилий принциплар сифатида прокуратура органларида ҳудудийлик ва предметлилик принциплари қўлланилади.

Прокуратура органларида мужбуриятларнинг тақсимланиши ҳудудийлик ва предметлилик принципига асосан амалга оширилади.

Ҳудудийлик принципи – бу шундай ташкилий тартибни билдирадики, бунда барча ишлар ҳажми, ҳудудий бирликлар ўртасида тезкор ходимларга бўлиб берилади.

Предметлилик принципи - бу прокурорлик назорати предмети тушунчасидан келиб чиқиб, бунда прокурорлар ўртасидаги мажбуриятларни бўлишда - ҳуқуқий тартибга солиш доираси, яъни прокурор томонидан маълум бир тоифадаги қоидалар ва норматив актларни назорат қилишига қараб ихтисослар бўйича тақсимланиши тушунилади.

Прокуратура органларининг функциялари - деганда, улар ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида қўллайдиган усул ва воситалар мазмуни тушунилади.

Прокуратура ўз фаолиятини амалга оширишда назорат функциясидан ва функция ости вазифасидан фойдаланади.

Прокуратура органларининг вазифалари ва функциялари йиғиндиси прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши деб аталади.

мурожаат - фуқаро, жамоа, мансабдор ва бошқа шахснинг ёзма ёки оғзаки шаклда баён қилинган аризаси, таклиф ёки шикоят;

ариза - фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаат;

таклиф - фукаронинг прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - фукаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат;

муурожаатнинг дубликати - бир шахс томонидан айнан бир масала юзасидан берилган муурожаатнинг нусхаси;

такрорий муурожаат - аввалги муурожаат бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлиб, бундай қарорни қабул қилиб жавоб берган прокуратура органига айнан бир шахснинг айнан бир масала юзасидан қайта муурожаати.

"Фукаролар" - деган атама замирида Ўзбекистон Республикасининг фукароларини, чет эл фукароларини ва фукаролиги бўлмаган шахсларни тушуниш керак.

"Прокуратура органлари ходимлари" - деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 5,6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги **"прокурор"** деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошликлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак.

28-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, иккинчи қисмидаги **"прокурор"** деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошликларини тушуниш керак.

1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидаги, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги **"прокурор"** деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак. (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни тахриридаги қисм)

28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорларини ва уларга тенглаштирилган прокурорларни тушуниш керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Мавзу бўйича раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.:Ўзбекистон. 1998. 16 -б.

2. Каримов И.А. Адолат-конун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: 1998, 26-б.

4. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т 4. -Т.: Ўзбекистон. 2000. 7-б.

5. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28-август. Т.: Ўзбекистон, 1998.-76.

6. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28-август. Т.: Ўзбекистон, 1998.-10-11-бетлар.

7. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 февраль. Т.: Ўзбекистон, 1998.-47-б.

8. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28-август. Т.: Ўзбекистон, 1998.-76.

9. Каримов И.А. Адолат конун устуворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.

10. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

11. Каримов И.А. “ Янги уй қурмай, эскисини бузма” Т., ” Ўзбекистон”, 1993.

12. Каримов И.А. “Ўзбекистон тараққиёти ва ривожланишининг ўз йўли“. Т. ”Ўзбекистон”, 1992.

13. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиет кафолатлари. Т. Ўзбекистон, - 1997.

Мавзу бўйича қонунлар ва норматив материаллар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1992.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни 29 август 2001 йил. “Халқ сўзи“. 27 октябр 2001 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Ўзбекистон. Т. 1994.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи 2001 й (2000 йил 14 декабрда қабул қилинган)

5. Ўзбекистон Республикасининг Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун. «Халқ сўзи» 2001 й. (2001 й. 29 августда қабул қилинган).

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т. 1994.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси Т. 1997.

8. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги қонуни. 1996 й. 27 декабр. «Адолат». 1997 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-2002 й.Т.: «Билим» 2002 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-2006 й.Т.: «Билим» 2007 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. Т.: 1999 й., 2005 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура фаолияти йўналишларини тартибга солувчи 2004-2005 йилларда қабул қилинган буйруқлари, кўрсатмалари ва Низомлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура фаолияти йўналишларини тартибга солувчи 2004-

2008 йилларда қабул қилинган буйруқлари, кўрсатмалари ва Низомлари.

(1-78 буйруқкача)

Махсус адабиётлар рўйхати

1.Басков В.И. Прокурор назорати (дарслик, рус тилида) М., "Бек" нашриёти, 1998.

2.Баев О.Я. Прокурор как субъект уголовного преследования.-М.: Юрлитинформ,2006.

3.Балакшин В.С. Доказательства в теории в практике уголовного-процессуального доказывания.-Екатеринбург: УМЦ УПИ.2004

2.Давлетов А. Дж. Прокурор назорати (дарслик, рус тилида). Нукус. Билим.1999.

3.Россия Федерациясида прокурор назорати. (дарслик, рус тилида/ А.А. Чувилёвнинг умумий тахрири остида/ М. , 2000.

4. Иноғомжонова З.Ф. умумий тахрири остида Жиноят процесси (умумий қисм, дарслик, ўзбек тилида) «Янги аср авлоди». Т.: 2002 й.

5. Иноғомжонова З.Ф. умумий тахрири остида Жиноят процесси (махсус қисм, дарслик, ўзбек тилида) Т.: 2003 й. ТДЮИ.

6. Уголовный процесс. Учебник. Под редакцией Никифоровой Е.Н. (Учебник, на русском языке.) Т.:2002 й.

9.Кириллова Н.П. Поддержание государственного обвинения в суде.-СПб.: юрид.ин-т Генпрокуратуры РФ.2003.

7.Ковалёв М.А. Жиноятларни тергов қилишда шахснинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назорати. (монография) М., 1981.

8.Кореневский Ю.В. Государственный обвинитель.-М.: Знание,1989.

8.Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. (монография). Т.: ТДЮИ.2005.,244б.

9.Мадалиев О.М. Суд тергови жараёнида прокурорнинг процессуал мавқеи ва айбловни исботлаш мажбурияти. Ўқув-услубий қўлланма.Т.: ТДЮИ. 2006., 140 б.

10. О.М.Мадалиев “Прокурор назорати” Ўқув кўлланма. Т.: ТДЮИ, 2006.

11. О.М.Мадалиев “Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки” Т.: ТДЮИ, 2005 й. 243 б.

12. О.М.Мадалиев “Суд тергови жараёнида прокурорнинг процессуал мавқеи ва айбловни исботлаш мажбурияти” Т.: ТДЮИ, 2006 й. 137 б.

13. Мельник В.В., Решетова Н.Ю. Судебная речь государственного обвинителя/ Под ред. А.Я.Сухарева.-М.:Экслит.2003

13. Б.Х.Пўлатов. “Қонунлар ижроси устидан назорат” Ҳуқуқ ва бурч Т.: 2005.

14. Б.Х.Пўлатов “Прокурорнинг судда Давлат айбловини қувватлаш фаолияти” Т.: 2005 й. 335 б

15. Б.Х.Пўлатов “Давлат айбловчисининг судда далилларни текширишдаги иштироки” Т.: 2004 й. 78 б.

16. Б.Х.Пўлатов “Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати” Т.: 2007 й. 311 б.

17. Пўлатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. (монография) Т.: «Фан» АН Республики Узбекистан, 2002й.

18. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира. Справочник. -М.: 1993. -с.111.

19. Россинский С.Б. Уголовный процесс России. Курс лекций. -М.: ЭКСМО 2008. -с.571.

19. В.М. Савицкий. Судда давлат айблови. (монография, рус тилида) М.”Наука”.1971.

20. Савицкий В.М. Судда давлат айбловини қувватлаш. М. Юрлит.1978.

21. Судебная система Российской Федерации. Под ред. В.М. Лебедева. М.: НОРМА -2004.-с.821.

21. Эсанов М., Полвонов С.Ё. Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил этиш. Т.: 1998 й.

22. Алексеев А. И. , Ястребов В.Б. Профессия - прокурор. Введение в юридическую специальность. М., 1998.
23. Гаврилов В. В. Сущность прокурорского надзора. Саратов, 1984.
24. Дасв В. Г., Маршунов М. Н. Основы теории прокурорского надзора. Л. 1990. 320-
25. Берензон А. Д., Мелкумов В. Г. Работа прокурора по общему надзору. М. 1974.
25. Проблемы эффективности прокурорского надзора. (Под ред. КФ.Скворцова.) М., 1977.
26. Акты прокурорского надзора. (Под. ред. Ю.И. Скуратова.) М., 1997.
27. Правоохранительные органы, Учебник для вузов. Под редакцией профессора Гуценко КФ. 3-е изд. и перераб.- М: «Зерцало», 1998.
28. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н., Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для вузов. Под редакцией профессора Рустамбаева М.Х. Т.: 2003 г.
29. Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДЮИ.2006. 95 б.
30. Васильева Т.А. Административное право Италии // Административное право зарубежных стран: Учеб. пособие / Под ред. А.Н. Козырина. М., 1996.
31. Делла Марра Т. Уголовный процесс Италии: реформа и контрреформа // Государство и право. 1993. N 1.
32. Законодательство Италии о борьбе с организованной преступностью // Законность. 1993. N 11. С. 34-38.
33. Италия. Конституция и законодательные акты. М., 1988.
34. Кариола А. Основные права и свободы по Конституции Италии // Защита прав человека в современном мире: Сборник статей / Отв. ред. И.А. Ледях. М., 1993.
35. Лубенский А.И. Уголовный процесс Италии. М., 1973.
36. Лупинская П.А. Уголовно процессуальное право Российской Федерации: Учебник/-М.:Юристъ,2004.
36. Попов Н.Ю. Судебная система Италии // Судебные системы западных государств. М., 1991.

37. Cappelletti M. The Italian Legal System: An Introduction. Stanford, California, 1967.
38. Certoma G. L. The Italian Legal System. L., 1984.
39. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. М., 1996.
40. Крашенинникова Н.А. Индусское право: история и современность. М., 1982.
41. Мозолин В.П. Личность, право, экономика современной Индии. М., 1979.
42. Никифоров Б. С. Уголовное законодательство Республики Индии. М., 1958.
43. Саидов А. Х. Сравнительное правоведение и юридическая география мира. М., 1993.
44. Уголовно-процессуальный кодекс Индии. М., 1959.
45. Цвайгерт К., Кетц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. В 2 т.Т. 1. Основы. М., 1998.
46. Irani P. K. India // International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. 1. 1972. P.17-25.
47. The Indian Legal System / Ed. J. Minattur. Bombay, 1978.

Кўшимча адабиётлар:

1. Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржимаси, -Т.: ТИУ, 2001. -63 б.
2. Ал-Мовардий. Ал-аҳкоми ас-султония. 120-129,315 б.
3. Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. 27-28 б.
4. Лисон ал-Араб, 3-китоб, Байрут-1997. 164 б.
5. Зариф ал-ҳосимий «Низом ал-хукм фий шариф ва тарих ал-ислабий».
6. Интернет WWW. Islam .uz@ Islamik-World.Net
7. Др. В.Зухайлий. Ал-фиад ал-ислабий ва адиллатуху, 8/ 6263
8. Ибн Халдун, Ал-Муқаддима -201 б.
9. Ибн Таймия. Ал-Хисбату фил ислам. Қохира, 1935. -18,50 б.

О.М. МАДАЛИЕВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ФАНИДАН

ДАРСЛИК

МАХСУС ҚИСМ

Мухаррир: Жумахўжа Нусратулло Атаулло ўгли

Техник муҳаррир: А.Боймаматов.

Компьютерда саҳифаловчи: Т.Аширов.

Босишга рухсат этилди: 29.05.09 й.

ХТ «Ахмедов Г.А.» босмахонасида чоп этилди.

Ҳажми: 55,25 б.т. Адади: 700. Буюртма: №19.

